

"Шримад-Бхагаватам" Иккинчи Қўшиқ

Биринчи боб

Худони англаш йўлида биринчи қадам

Муножот: *ом намo бхагавате васудевайа*

"Эй Худойим, ҳамма нарсани қамраб олган эй Олий Шахс, мен Сенинг олдинда чуқур эҳтиром билан сажда қиламан".

Изоҳ: Васудевайа дегани "Васудеванинг ўғлига, Кришнага" деганини билдиради. Кришнанинг, Васудеванинг номини такрорлаб юрган киши эзгу ишлар билан шуғулланиш, риёзат чекиш ҳамда муқаддас қасамларга амал қилиш орқали эришиладиган барча натижаларга эга бўлади. Демак, *ом намo бхагавате васудевайа* мантра-сини тилга олиш билан "Шримад Бхагаватам"нинг муаллифи, уни ҳикоя қилаётган ёки ўқиётган киши барча лаззатлар манбаи бўлган Парвардигор Кришнага ўзининг ҳурмат-эҳтиромини кўрсатган бўлади. "Шримад Бхагаватам"нинг биринчи қўшиғида оламнинг яралишига асос бўлган қонун-қоидалар баён этилган, шу боис у қўшиқнинг мавзусини "Оламнинг яралиши" деб аташ мумкин.

Иккинчи қўшиқ оламнинг иккиламчи яратилиши ҳақида ҳикоя қилади. Ҳар хил сайёралар тизими бу ерда Парвардигорнинг фазовий қиёфасининг айрим қисмлари сифатида таърифланган, шунинг учун Иккинчи қўшиқни "Қоинотнинг намоён бўлиши" деб аташ мумкин. Бу қўшиқ ўн бобдан таркиб топган бўлиб, уларда "Шримад Бхагаватам"нинг мақсади ва ана шу мақсаднинг ҳар хил жиҳатлари муҳокама қилинади. Биринчи бобда Парвардигорнинг муқаддас номини зикр қилишнинг кудрати ҳақида ҳикоя қилинади ва руҳий юксалиш йўлига энди кирган кишилар учун мўлжалланган Парвардигорнинг фазовий қиёфасига мувожаба қилиш усули ҳақида қисқача маълумот берилади. Биринчи шеърда Шукадева Госвами Махараж Парикшитнинг ажали етган киши нима қилиши лозимлиги ҳақида сўраган саволларига жавоб беради. Махараж Парикшит Шукадева Госвами билан учрашишдан хурсанд ва Парвардигор Кришнанинг яқин дўсти Аржуннинг авлоди эканидан фахрланар эди. Махараж Парикшит табиатан камтарин бўлишига қарамай, Парвардигор Кришна унинг аждодларига - Пандунинг ўғилларига, айниқса унинг бобоси Аржунга нисбатан жуда

меҳрибон бўлганидан қанчалик хурсанд эканини яширмасди. Парвардигор Кришна Махараж Парикшитнинг аждодларига ҳаммиша алоҳида марҳамат кўрсатиб келгани сабабли, шохнинг ажали етган пайтда унга руҳий ўзлигини англаб етишда ёрдам бериш учун унинг олдида Шукадева Госвами юборди. Махараж Парикшит ёшлигидан Парвардигор Кришнанинг содиқ хизматкори эди, шунинг учун қалбида табиий равишда Унга нисбатан муҳаббат туйғусини ҳис қиларди. Шохнинг садоқатини кўриб, Шукадева Госвами унинг ўзининг бурчи нималиги ҳақида берган саволини олқишлади. Шох эслаб ўтган эдики, ҳар бир тирик мавжудотнинг энг олий бурчи Парвардигор Кришнага сиғинишдан иборат, Шукадева Госвами мамнун бўлиб унинг бу гапини маъқуллаб шундай деди: "Сенинг бу саволинг тенгсиз қадр-қимматга эга, чунки сен Кришна ҳақида савол беряпсан".

Текст 1

Шри Шукадева Госвами шундай деди: Эй ҳурматли шох, сенинг саволинг ҳар қандай таҳсинга лойиқдир, чунки у ҳар бир инсонга бахт-саодат келтиради. Унга бериладиган жавобни тинглаш - инсон тинглаши лозим бўлган нарсалар ичида энг муҳими эканини барча илоҳиёт кишилари бир овоздан тан оладилар.

Изоҳ: Махараж Парикшитнинг саволи шунчалик ажойибки, шу саволнинг ўзи тинглаш учун энг яхши мавзу ҳисобланади. Ана шундай саволларни бериш ва уларга берилган жавобларни тинглаш орқали баркамолликнинг юқори поғонасига кўтарилиш мумкин. Парвардигор Кришна - азалий Худо Шахси, шунинг учун Кришна ҳақида берилган ҳар қандай савол азалий ва мукамал саволлардир. Парвардигор Шри Чаитанья Махапрабху айтганки, ҳаётни мукамал даражага кўтариш - Парвардигор Кришнага илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишга эришиш демакдир. Кришна ҳақидаги саволлар ва уларга берилган жавоблар инсонни ана шу илоҳий поғонага кўтаради, шунинг учун Махараж Парикшитнинг Кришна фалсафаси ҳақидаги саволлари ҳар қандай олқишга муносибдир. Махараж Парикшит Кришна ҳақидаги фикр-мулоҳазаларга бутунлай ғарқ бўлишни истарди, бунга эришиш учун эса, Унинг ғайритабиий кароматлари ҳақидаги ҳикояларни тинглашнинг ўзи кифоя. Масалан, "Бхагавадгита"да айтилганки: инсон ўзининг уйига, Худонинг даргоҳига қайтиб бориш ва моддий оламнинг барча мусибатларидан биратўла қутулиш учун Кришнанинг келиши, кетиши ва кўрсатган кароматларининг илоҳий табиатини тушуниб етишнинг ўзи кифоя. Шунинг учун ҳам ҳаммиша

Кришна ҳақидаги гапларни тинглаб юриш жуда муҳим. Ақлини Кришна ҳақидаги фикр-мулоҳазалар билан банд қилиш учун Махараж Парикшит Шукадева Госвамидан унга Парвардигорнинг кўрсатган кароматлари ҳақида гапириб беришни илтимос қилди. Кришнанинг кароматлари Унинг Ўзидан фарқ қилмайди. Токи инсон Кришнанинг илоҳий кароматлари ҳақида тинглаб юрар экан, моддий оламдаги шартланган ҳаёт қонунлари унга ўз таъсирини ўтказолмайди. Кришна ҳақидаги суҳбатлар шунчалик шарофатлики, улар Кришна ҳақида савол бераётган одамни ҳам, уларга жавоб бераётган кишини ҳам, бу жавобларни тинглаётган кишини ҳам поклайди. Уларни Парвардигор Кришнанинг оёғидаги бармоқларини ювиб оқиб келаётган Ганга сувларига қиёслайдилар. Муқаддас Ганга қаердан оқиб ўтса, унинг сувлари улар оқиб ўтаётган ерни ҳам, уларда чўмилган кишини ҳам поклайди. Худди шундай, Кришна ҳақидаги ҳикоялар(кришна-катха) шунчалик кучли поклаш қудратига эгаки, уларни қаерда гапирсалар ҳам, улар шу ердаги ҳамма нарсани поклайдилар: ўша жойни, тингловчиларни, савол бераётган, уларга жавоб бераётган кишини ва уларнинг атрофидаги ҳаммани поклайди.

Текст 2

Эй император, бу дунёда моддий иллатлар ботқоғига ботиб қолган кишилар олий ҳақиқат ҳақидаги илм билан қизиқмайдилар, шу боис улар муҳокама қилиш учун жамият ҳаёти билан боғлиқ бўлган кўплаб муаммоларни ўйлаб топадилар.

Изоҳ: Муқаддас китобларда оилали кишилар грихастха ёки грихамедха деб аталади. Грихастха - олий ҳақиқатни англаб етишга интилиб юргани учун оиласида хотини ва болалари билан биргаликда, рухий турмуш-тарзи билан яшайди. Грихамедхи эса, тор ва кенг маънода фақат ўз оиласининг манфаатларини кўзлаб яшайди, шунинг учун бошқаларга нафрат кўзи билан қарайди. Медхи ибораси "ҳасад" деган маънони англатади. Ҳақиқатан ҳам қизиқишлари, дунёқараши фақат ўз оиласининг манфаатлари чегарасидан ташқари чиқмайдиган кишилар бири-бирига ҳасад қилмай юролмайдилар, шунинг учун бир грихамедха ҳаммаша бошқа бир грихамедха билан чиқиша олмайди. Ўзларининг тор манфаатларини ҳимоя қилиб бир-бирлари билан тўқнашиб, жанжаллашиб юрган жамоа ва давлатларда ҳам шундай ҳолат ҳукм суради. Кали йуга даврида оилали кишилар бири-бирларига ҳасад қиладилар, чунки улар олий ҳақиқат илми билан қизиқмайдилар. Уларни фақат сиёсат, иқтисод, дунёвий илм-фан, ижтимоий ҳаёт ва шунга ўхшаган нарсалар

қизиқтиради, аммо ақли чекланганлиги сабабли улар ҳеч қачон ҳаётнинг энг асосий муаммосини ҳал қилиш - туғилиш, кексалик, ўлиш ва касалликлар билан боғлиқ бўлган мусибатлардан қутулиш ҳақида ўйламайдилар. Инсон бўлиб яшайдан мақсад - туғилиш, ўлиш, касаллик ва кексалик муаммоларини биратўла ҳал қилишдан иборат, лекин моддий табиат адаштириб қўйган грихамедхилар ўзликни англаб етишнинг муҳимлигини умуман эсдан чиқариб юборадилар. Ҳаётнинг барча муаммоларини батамом ҳал қилиш - ўз уйимизга, Худонинг даргоҳига қайтиш ва шу билан "Бхагавад-гита"(8.16)да айтилганидек, моддий ҳаётнинг барча муаммоларидан: туғилиш, ўлиш, касаллик ва кексалик билан боғлиқ бўлган барча мусибатлардан биратўла қутулиш демакдир.

Ўз уйимизга, Худонинг даргоҳига қайтиб кетиш учун Парвардигор ҳақидаги, Унинг номлари, қиёфалари, сифатлари, эрмаклари, анжомлари ҳақидаги ҳикояларни тинглаш лозим. Калтафаҳм одамлар буни тушунмайдилар. Улар энг буюк бахт-саодатга эришиш учун ҳар бир инсонда мавжуд бўлган тинглаш қобилиятдан қандай фойдаланиш кераклигини билмасдан, бу ўткинчи дунёнинг номлари ва қиёфалари ҳақида тинглашга интиладилар. Адашиб юрганлари сабабли олий ҳақиқатнинг номларини, қиёфаларини ва хусусиятларини таърифлашга уриниб, улар ҳар хил сохта асарлар яратадилар. Шунинг учун фаросатли киши шунчаки бошқаларга ҳасад қилиш учунгина грихамедхи бўлиб яшамаслиги керак. Аксинча, ҳақиқий инсон муқаддас китобларнинг қонун-қоидалари асосида яшайдиган ҳақиқий оилали киши, грихастха бўлиши лозим.

Текст 3.

Оилавий турмушга боғланиб қолган ана шундай ҳасадгўй одамлар тунларини уйқу ёки жинсий алоқа билан машғул бўлиб, кундузини эса мол-дунё тўплаш ёки оила аъзоларига ғамхўрлик қилиш билан овора бўлиб ўтказадилар. Уларнинг бутун умри шундай ўтиб кетади.

Изоҳ: Кечалари ухлаш ёки жинсий алоқа билан шуғулланиш, кундузлари пул ишлаб топиш ва уларни оила эҳтиёжларига сарфлаш - ҳозирги одамларнинг ҳаёти асосан мана шундан иборат. "Шримад Бхагаватам" фалсафаси жамиятнинг бундай маданиятини қоралайди.

Инсон модда билан рух(жон)нинг бирикмаси, шунинг учун ведавий илм ўрганишдан ягона мақсад - рухий табиатга эга бўлган жонни моддий иллатдан поклашдан иборат. Ана шу илм атма-таттва деб аталади. Моддий иллатга ботиб кетган кишилар бундай илм мавжудлигини

ўйлаб ҳам кўрмаганлар. Уларни моддий лаззат келтирадиган иқтисодий ривожланиш кўпроқ қизиқтиради. Ана шундай дунёвий одамларни карми - "ўз меҳнатининг натижасидан лаззатланишга интилиб юрган кишилар" деб атайдилар. Уларга чекланган миқдорда ўзларининг моддий фаровонлигини ошириш ҳамда конун-қоидалар асосида тартибга солинган жинсий ҳаёт билан яшаш рухсат этилган. Лекин, кармилардан устун турадиган кишиларнинг ҳаммасига - джнани, йог ва Худонинг содиқларига - шахвоний эҳтироснинг қули бўлиб қолиш таъқиқланган. Кармилар амалда атма-таттва илмидан маҳрумдирлар, шунинг учун бутун ҳаёти уларга ҳеч қандай руҳий бойлик келтирмайди. Парвардигор инсонни фақат ўзининг моддий фаровонлигини яхшилаш учун ишлаб бор кучини сарфлаш ёки чўчка ва итларга ўхшаб жинсий алоқа билан шуғулланиб яшаш учун яратиб қўйгани йўқ. Унинг бу дунёда яшашдан асосий вазифаси - моддий ҳаёт муаммоларини ҳал қилиш ва улар билан боғлиқ бўлган мусибатлардан озодликка чиқишдан иборат. Шундай қилиб, кармилар ўзларига берилган ана шундай нодир инсон умрини тунлари уйку ва жинсий алоқага сарфлайдилар, кундузлари эса, оғир меҳнат қилиб пул топадилар ва уни моддий шароитларини яхшилашга сарфлайдилар. Мазкур шеърда худобехабар дунёвий одамларнинг турмуш-тарзи таърифланган, кейинги шеърда эса, калтафаҳм одамларнинг Парвардигор ато этган инсон ҳаётидай нодир неъматга қандай муносабатда бўлиши айтилган.

Текст 4

Атма-таттва(руҳий илм, ҳақиқат илми)дан маҳрум бўлган одамлар инсон ҳаётининг ҳақиқий муаммолари устида фикр юритмайдилар, чунки улар танаси, бола-чақаси ва хотини каби ишончсиз, ўткинчи нарсаларга қаттиқ боғланиб қолганлар. Шунча ҳаёт тажрибасига эга бўлсалар ҳам, улар ажал муқаррар эканини англай олмайдилар.

Изоҳ: Моддий олам "ажал макони" деб аталади. Бир неча минг миллион йил яшайдиган Маъбуд Браҳмадан бошлаб то атиги бир неча лаҳза яшайдиган микробгача бўлган ҳар бир тирик мавжудот тирикчилик учун кураш олиб боради. Шундай қилиб, бизнинг бутун ҳаётимиз - ҳар бир тирик мавжудотга муқаррар ўлим олиб келадиган моддий табиат билан бўлиб ўтадиган курашдан бошқа ҳеч нарса эмас. Инсон танасидаги ҳаётда тирик мавжудот тирикчилик учун олиб бориладиган ана шу буюк жангнинг иштирокчиси эканини тушуниб етишга қодир бўлади, лекин оила аъзоларига, жамиятга, ватанига ва бошқа ўткинчи нарсаларга қаттиқ боғланиб қолгани

сабабли у жисмоний кучи: болалари, хотини, қариндошлари ёрдамида енгилмас моддий табиат устидан ғалаба қозонишга ҳаракат қилади. Етарлича ҳаёт тажрибасига эга бўлишига ва барча аждодлари ўлиб кетганига қарамай, тирик мавжудот ўзининг барча "аскарлари" - болалари, қариндошлари, жамият аъзолари ва ватандошлари - ана шу буюк жангда барибир ўлимга маҳкум эканини сира тушуна олмайди. Ҳар бир фаросатли инсон отаси ёки отасининг отаси аллақачон ўлиб кетгани, вақти келиб ўзи ҳам, болалари - бўлғуси оталар ҳам албатта ўлиб кетиши ҳақида фикр юритиши лозим. Моддий табиат билан бўладиган бу курашда ҳеч ким тирик қолмайди. Гарчи бутун инсоният тарихи буни инкор этиб бўлмайдиган даражада исботлаб қўйган бўлишига қарамай, калтафаҳм одамлар моддий илм-фан қачонлардир уларни мангу барҳаёт қила олишидан умидвор бўлишда давом этаверадилар. Инсонлар жамиятида кенг тарқалган мана шу бемаъни ғоя, албатта, қаттиқ адашишдир, ана шундай адашишнинг илдизи эса - тирик жоннинг табиатини эсдан чиқарганимизда. Биз учун моддий олам - шунчаки сароб, фақат унга қаттиқ боғланиб қолганимиз сабаблигина мавжуд бўлган туш. Аслида тирик жоннинг моддий табиатга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Замон шамоли моддий табиатнинг буюк уммонида катта-катта тўлқинларни юзага келтиради, ҳаёт шароитлари эса - тана, хотин, бола-чақа, жамият, ватандошлар кўринишида бизларни ўраб турган кўпикларга ўхшайди. Руҳ ҳақидаги илмдан маҳрум бўлганимиз сабабли биз ўз ғофиллигимиз қурбони бўлиб қоламиз ва инсон ҳаётининг нодир куч-қувватини моддий оламда эришиб бўлмайдиган мангу ҳаётни излашга уриниб бекорга сарфлаймиз.

Бизларнинг дўстларимиз, қариндошларимиз, хотин, бола-чақа шунчаки ўлимга маҳкум бўлиб қолмасдан, ўзлари ҳам моддий оламнинг ташқи ранг-баранглигига маҳлиё бўлиб қолганлар ва шу боис бизларни қутқара олишга қодир эмаслар. Лекин шунга қарамай биз оиламиз, жамият ва ҳукумат бизларни барча мусибатлардан ҳимоя қилади деб ўйлаймиз.

Инсонлар жамиятининг моддий, иқтисодий тараққиёти худди ўлик танани безашни эслатади. Амалда танамиз ўлик, бизнинг бу тана ичидаги умримиз санокли кун давом этади, шунга қарамай биз нодир инсон умрида кадрли куч-қувватимизни ўлик жасадимизни безашга сарфлаб хазон қиламиз. Илмсиз ғофил одамларнинг бутун фаолиятининг ҳеч қандай маъносиз, мазмунсиз эканини кўрсатиб, Шуқадева Госвами инсоннинг бу дунёдаги ҳақиқий бурчи нимадан иборат эканини тушунтиради. Шубҳасиз, атма-таттва илмидан беҳабар бўлган ғофил одамлар

адашиб юрибдилар, илохий илмга эга бўлган Худонинг содиқлари эса адашмай тўғри йўлдан бораётган инсонлардир.

5. Эй шох Бхарата авлоди, азоб-уқубатлардан бутунлай халос бўлишни истаган киши Парвардигор ҳақидаги ҳикояларни тинглаши, ҳамиша Уни - Олий Рухни ва бутун оламнинг барча азоб-уқубатлардан халос этувчи ҳукмдорини олқишлаши лозим.

Изоҳ: Аввалги шеърда Шри Шукадева Госвами моддий нарсаларга боғланиб қолган калтафаҳм одамлар қандай қилиб ўзларининг нодир умрини ўзларининг моддий шароитларини яхшилаш учун сарфлаш билан хазон қилиб юргани: тунлари ухлаб ёки жинсий алоқа билан шуғулланиб, кундузлари ўзларининг бир куни ўлиб кетишга маҳкум бўлган кўплаб қариндошларига ғамхўрлик қилиб юргани ҳақида гапириб берган эди. Ана шундай моддий фаолият билан машғул бўлиб тирик жон ўз фаолиятининг карма қонулари асосида белгиланадиган оқибатларига боғланиб қолади. Бу эса уни туғилиш ва ўлишлар чархпалагига ғарқ қилади ва шу ерда у то яна инсон танасини олишга, шу тана билан бирга яна кармали фаолият занжирини узиш икониётига эга бўлгунча ҳаётнинг 8400000 турига мансуб таналарда - сувда яшайдиган тирик мавжудотлар, ўсимликлар, судралиб юрувчилар, кушлар, ҳайвонлар маданиятсиз одамлар танасида - яшаб юради. Шунинг учун ана шу чархпалақдан чиқиб кетишга интилиб юрган киши карми сифатида ҳаракат қилишни, яъни ўз меҳнатининг яхши ва ёмон маҳсулларидан лаззатланишни тарк этиши лозим. Инсон ўзининг шахсий манфаатини кўзлаб бирор яхши ёки ёмон иш қилмаслиги лозим: у ўзининг бутун фаолиятини бутун борлиқнинг ҳақиқий эгаси бўлган Парвардигорга бағишлаши лозим. "Бхагавадгита"(9.27)да ҳам шундай маслаҳат берилган: инсон ўзининг бутун фаолиятини Парвардигорга бағишлаши керак. Шунинг учун энг аввало Парвардигор ҳақидаги ҳикояларни тинглаш лозим, тинглаган нарсани ўзлаштириб олгандан кейин эса, Унинг қилган ишлари ва кўрсатган кароматларини олқишлаш лозим - фақат шу йўл билан Парвардигорнинг илохий табиатини ҳамиша эслаб юриш мумкин. Парвардигор ҳақидаги ҳикояларни тинглаш ва Уни олқишлаш Парвардигорнинг илохий табиати билан бир хил. Мана шу икки жараён содиқ хизматкорга ҳамиша Парвардигор билан мулоқотда бўлиш имконини беради, Парвардигор билан ҳамиша мулоқотда бўлиш эса, уни барча кўркувлардан халос этади. Парвардигор ҳар бир тирик мавжудот қалбида мавжуд бўлган Олий Рух(Параматма)дир, шу боис Ўзи яратиб қўйган борлиқда Парвардигор

ҳақидаги ҳикояларни тинглаб юрган, Уни олқишлаб юрган ҳар қандай тирик мавжудотга У Ўзи билан мулоқот қилиш имконини беради. Парвардигор ҳақидаги ҳикояларни тинглаш ва Уни олқишлаш ким бўлишидан қатъий назар ҳар кимнинг қўлидан келади, ана шу икки жараён ёрдамида у тақдир тақозоси билан шуғулланиб юрган ҳар бир ишида муваффақият қозона олади. Одамларнинг ҳар хил тоифалари бор: карми, эмпирик-файласуфлар, сеҳргар-йоглар ва ниҳоят Худонинг бенуқсон асл содиқлари - уларнинг ҳаммаси ўзларининг фаолиятида мана шу ягона усулни қўллаб муваффақиятга эриша оладилар. Ҳамма кўркувдан, ташвиш-хавотирлардан халос бўлишга ва беғубор бахтдан лаззатланиб яшашга интилади. Буюк Шрила Шукадева Госвами баён этган "Шримад Бхагаватам" ана шу мақсадга осон эришишга ёрдам берадиган энг аниқ усулни таклиф этади. Парвардигор ҳақидаги ҳикояларни тинглаш ва Уни олқишлаш инсоннинг бутун фаолиятини поклаб, унга барча моддий мусибатлардан халос бўлиш имкониятини беради.

6. Инсон бу дунёда модда ва рухнинг табиатини ўрганиш ёки сеҳр кучига эга бўлиш ёки ҳаётда ўз бурчини мукамал бажариб яшаш орқали эришиши мумкин бўлган баркамолликнинг энг юксак поғонаси - умрининг охирги нафасида Худони эслаб ўлишдир.

Изоҳ: Нарайана -моддий оламга нисбатан илохий ҳолатда бўлган Худо Шахси. Яратиладиган, мавжуд бўлиб турадиган ва ниҳоят яқсон бўладиган нарсаларнинг ҳаммаси махат-таттва чегарасида бўлади ва моддий олам деб аталади. Лекин Нарайана, Худо Шахсининг борлиғи, махат-таттва қонунига бўйсунмайди, шунинг учун Унинг номи, киёфаси ва сифатлари ҳам моддий олам қонунларига бўйсунмайди. Инсон ҳаётда ё модда билан рухнинг бир биридан фарқини тушунтирадиган эмпирик-фалсафа билан шуғулланиш орқали, ё коинотдаги ва ундан ташқаридаги ҳар қандай сайёрага эришиш имконини берадиган сеҳр қудратига эга бўлиш орқали, ё диний қонун-қоидаларга амал қилиб яшаш орқали рухий баркамолликка эриша олади. Лекин фақат Нарайана-смрити поғонасида турган, яъни ҳамиша Худо Шахсини эслаб юрган киши ҳар қандай ҳолатда ҳам баркамолликнинг олий поғонасига кўтарилади. Бу поғонага эса фақат Парвардигорнинг асл содиқ хизматкори билан ҳамсуҳбат бўлиш орқали эришиш мумкин. Худонинг содиқ хизматкори джнани, йога ва кармиларнинг шастраларда белгиланган аниқ фаолиятларини мантиқий якунига етказиши. Инсоният тарихида рухий баркамолликка эришган зотларга мисоллар жуда кўп, улардан бири Санакади Риши ва машхур тўққиз йогендра. Улар-

нинг ҳаммаси фақат ўзларини бутунлай Худога садоқат билан хизмат қилишга бағишлаганларидан кейингина руҳий баркамолликка эришганлар. Лекин, Худонинг содиқларидан ҳеч ким ҳеч қачон руҳий баркамолликка эришиш учун Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлидан қайтиб джнана ёки йога усулига мурожаат қилмаган. Ҳар бир инсон ўзи шуғулланиб юрган фаолият соҳасида баркамолликка эришишга интилади. Бу ерда айтилганки, инсон эриша олиши мумкин бўлган ана шундай энг олий баркамоллик Нарайана-смрити ҳисобланади, шунинг учун ҳар бир инсон шунга эришиш учун бор кучини ишга солиши лозим. Бошқача қилиб айтганда, инсон ўзининг ҳаётини шундай тартибга солиши лозимки, у аста-секин ҳамиша Худони эслаб юрадиган поғонага кўтарилсин.

7. Эй шоҳ Парикшит, Парвардигорнинг улғворлигини таърифлаш энг аввало, муқаддас китобларда берилган қонун-қоидалар ва чеклашлар таъсир қилмайдиган поғонага кўтарилган энг буюк илоҳиёт кишиларигагина лаззат бағишлайди.

Изоҳ: Илоҳиёт кишилари ичида энг аълоси - озодликка эришган зот, шунинг учун унга муқаддас китобларда берилган қонун-қоидалар таъсир қилмайди. Руҳий поғонага кўтарилишга интилиб юрган тажрибасиз киши руҳий устоз раҳбарлиги остида муқаддас китобларда белгиланган қонун-қоидаларга риоя қилиб яшаши лозим. Уни врач ҳар хил чеклашларни белгилаб тавсия ёзиб берган беморга ўхшатиш мумкин. Одатда озодликка эришган зотлар ҳам Парвардигорнинг илоҳий эрмакларини таърифлашдан чексиз лаззатландилар. Биз Нарайана, Хари, Худо Шахси моддий олам чегарасидан ташқарида мавжуд эканини айтиб ўтган эдик, Унинг қиёфаси ва сифатлари моддий эмас. Илоҳиёт кишиларининг энг яхшилари, озодликка эришган зотлар, илоҳий илмни чуқур эгаллаб Парвардигорни англаб етадилар, шунинг учун Парвардигорнинг илоҳий эрмаклари ҳақидаги ҳикоялар уларга чексиз лаззат бағишлайди. "Бхагавад-гита"(4.9)да Парвардигор айтадики, Унинг бу дунёга келиши ва кўрсатган кароматлари илоҳий табиатга эга(дивйам). Моддий қувват адаштириб қўйган оддий инсон Парвардигорнинг бизларга ўхшаши ўзидан ўзи кўриниб турибди деб ҳисоблайди, шунинг учун у Парвардигорнинг танаси, Унинг номи ва бошқа жиҳатлари илоҳий табиатга эга эканини тан олишдан бош тортади. Илоҳиёт кишиларининг энг яхшиларини моддий нарсалар қизиқтирмайди, шунинг учун Парвардигорнинг кароматлари уларнинг эътиборини ўзига торти-

ши - Парвардигор моддий оламда яшайдиган бизлардан фарқ қилишини яққол исботлаб турибди. Ведавий муқаддас китобларда ҳам тасдиқланадики, Парвардигор бир ва ягона, лекин, Ўзининг содиқлари даврасида лаззатланар экан, У бир вақтнинг ўзида Баладеванинг экспансияси, Олий Руҳ сифатида ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида мавжуд бўлади. Шундай қилиб, илоҳийликни англаб етишда олий баркамолликка эришиш - имперсоналист-монистлар интилиб юрган шахсиятсиз Брахманнинг борлиғига кўшилиб кетиш эмас; энг олий илоҳий лаззат - содиқ хизматкорни Парвардигорнинг илоҳий сифатларини тинглашдан ва уларни таърифлашдан оладиган лаззатидир. Тирик мавжудотга ўзини Парвардигорнинг шахсиятсиз кўриниши билан бирлигини англаб етиш эмас, балки фақат илоҳий Парвардигорни шарафлаб қуйлаш, олқишлаш ҳақиқий илоҳий лаззат бағишлайди. Лекин, шундай одамлар ҳам борки, улар ўзлари олий тоифадаги илоҳиётчи бўлмагани сабабли Парвардигорнинг илоҳий кароматларини таърифлашдан ҳеч қандай лаззат олмайдилар. Улар учун Парвардигорнинг кароматларини муҳокама қилиш - Унинг борлиғига кўшилиб кетиш ниятида амалга ошириладиган оддий маросим ҳисобланади.

8. Мен Двапара-юганинг охирида отам Шрила Двайпайана Вйасадевадан "Шримад-Бхагаватам"ни тинглаб - барча ведавий битикларни тўлдирувчи ва кадр-қиммати бўйича барча ведавий битиклар тўпламига тенг бўлган ушбу буюк асарни ўрганган эдим.

Изоҳ: Шрила Шукадева Госвами аввалги шеърда айтган эдики, илоҳиёт кишилари орасидага ҳар қандай қонун-қоидалардан устун турадиган энг аъло зотлар асосан Парвардигор ҳақидаги ҳикояларни тинглаш ва Уни олқишлаш билан машғул бўлиб яшайдилар. Бунга яққол мисол - Шрила Шукадева Госвамининг ўзи. Махараж Парикшитнинг умрининг охириги етти куни давомида унинг атрофига тўпланган буюк донишмандларнинг ҳаммаси бир овоздан Шукадева Госвамини озодликка эришган зот ва илоҳиёт кишиларининг энг аълоси деб тан олдилар. Ўзининг гапларини тасдиқлаш учун Шукадева Госвами ўзининг ҳаётидан мисол келтириб айтдики, уни Парвардигорнинг илоҳий кароматлари ўзига мафтун этди, шу боис у буюк отаси Шри Двайпайана Вйасадевадан тинглаб, "Шримад Бхагаватам" илмини ўрганди. Бошқа ҳар қандай илмий асар сингари "Шримад Бхагаватам"ни ҳам ҳар ким ўзича, фақат ўзининг тафаккур кучига ишониб ўргана олмайди. Ҳар қандай киши ҳам анатомия ва физиология бўйича китоб сотиб олиши мумкин, лекин яхши врач бўлиб етишиш

учун уларни фақат уйда ўқиб-ўрганиш камлик қилади. Бунинг учун тиббиёт институтига кириш ва шу китобларни малакали ўқитувчилар раҳбарлиги остида ўрганиш лозим. “Шримад Бхагаватам” ҳам, Худо ҳақидаги илмнинг “аспирантлик курси” ҳисобланади, шу боис уни ҳам фақат Шрила Вйасадева сингари ўзлигини англаб етган зотнинг пойи қадамларида ўрганиш мумкин. Ҳатто туғилганидан озодликка эришган зот бўлишига қарамасдан Шукадева Госвами ҳам “Шримад Бхагаватам”ни ўзининг буюк отаси, бу буюк асарни бошқа бир буюк зот - Шри Нарада Мунининг кўрсатмаси асосида яратган Вйасадевадан ўрганиши лозим эди. Парвардигор Шри Чaitанйа Махапрабху бир билимдон брахманга айтган эдики, “Шримад Бхагаватам”ни ўзи ҳам бхагавата бўлган шахс оғзидан тинглаб ўрганиш лозим. “Шримад Бхагаватам” Олий Шахснинг илоҳий номлари, қиёфаси, сифатлари, эрмаклари, ҳамроҳлари ва ранг-баранглиги ҳақида ҳикоя қилади, уни Шрила Вйасадева - Худо Шахсининг мужассам бўлган қиёфаси баён этган. Парвардигорнинг эрмаклари ҳаммаша Унинг асл содиқлари даврасида бўлиб ўтади, мана шу буюк асарда ҳикоя қилинадиган барча тарихий воқеалар унинг таркибига фақат Парвардигор Кришна билан боғлиқ бўлгани учунгина киритилган. “Шримад Бхагаватам”ни брахма-саммит деб атайдилар, чунки у, худди “Бхагавад-гита” сингари, Парвардигор Кришнанинг товушда мужассам бўлган қиёфасидир. “Бхагавад-гита” Парвардигорнинг товуш шаклидаги қиёфасидир, чунки бевосита Парвардигорнинг оғзидан чиққан, “Шримад Бхагаватам” эса Парвардигорнинг товуш тимсоли, чунки Парвардигорнинг ўзи мужассам бўлган қиёфада Унинг кароматлари ҳақида ҳикоя қилади. Мана шу китобнинг бошида таъкидлаганимиздек, “Шримад Бхагаватам” ведавий орзулар дарахтининг қаймоғи(квинтэссенцияси) ва Брахман(Худо) ҳақидаги энг чуқур мазмунли трактат? бўлган “Брахма-сутра”ларга ёзилган табиий изох ҳисобланади.

Вйасадева Двапара-юга охирида Сатйаватининг ўғли бўлиб дунёга келди, шунинг учун Двапара-юга (Двапара-юганинг бошида) ибораси бу ерда “Кали йуга арафасида” деган маънони билдиради. Жива Госвами бу иборани худди дарахтнинг танасини “дарахтнинг боши” деб ифодалаш билан қиёслайди. Дарахтнинг боши - унинг илдизидир, лекин одатда, биринчи бўлиб кўзга дарахтнинг устки қисми ташланади, шунинг учун баъзан дарахтнинг боши деганда унинг танасини, яъни охирини тушунадилар.

9. Эй авлиё шох, мен бутунлай илоҳийлик(руҳий ҳаёт)га ғарқ бўлган эдим, лекин шунга қарамай, содиқлар илм нурига

тўла мадҳияларда олқишлайдиган Парвардигорнинг кароматлари ҳақидаги ҳикоялар мени ўзига мафтун этди.

Изоҳ: Мутлақ Ҳақиқатни аввалига фалсафий изланишлар жараёнида шахсиятсиз Брахман сифатида англаб етадилар, кейин илоҳий илмни чуқурроқ ўргана борган сари Уни Олий Руҳ сифатида англаб етадилар. Лекин, агар Худонинг марҳамати билан имперсоналист “Шримад Бхагаватам” саҳифаларида баён этилган олий илмни ўзлаштириб олса, у ҳам Худо Шахсининг илоҳий содиқ хизматкорига айланади. Ғофил одамлар Мутлақ Ҳақиқатнинг шахс эканини тан олишни истамайдилар, шунинг учун калтафаҳм имперсоналистлар Парвардигор шахс сифатида ҳаракат қилиши мумкинлигини инкор этадилар. Лекин мантиқ ва фактлар Мутлақ Ҳақиқатни англаш жараёни билан биргаликда ҳатто энг ашаддий имперсоналист кишининг ҳам Парвардигорнинг кароматларининг мафтункорлигини англаб етишига ёрдам беради. Шукадева Госвами сингари инсоннинг диққатини ҳеч қандай дунёвий фаолият ўзига жалб этолмайди, лекин агар шундай содиқ мукамалроқ усулнинг самаралироқ эканига ишонч ҳосил қилса, уни албатта Парвардигорнинг илоҳий кароматлари жалб этади. Парвардигор ҳам, Унинг илоҳий кароматлари ҳам илоҳий табиатга эга, шунинг учун Уни на суст, на шахсиятсиз деб ҳисоблаш мумкин эмас.

10. Энди эса, ана шу “Шримад-Бхагаватам”ни сенга ҳикоя қилиб бермоқчиман, чунки сен - Парвардигор Шри Кришнанинг энг самимий содиқларидан бирсан. “Шримад-Бхагаватам”ни ҳурмат-эҳтиром ва сўнмас диққат билан тинглаган киши қалбида инсонни озодликка чиқарувчи Парвардигорга нисбатан ўзгармас иймон-эътиқод ҳосил қилади.

Изоҳ: “Шримад Бхагаватам” ведавий донишмандлик илмининг мағизи эканини ҳамма тан олган. Ведавий илм ўрганиш усули авароҳантхидеб аталади, яъни бу илм ишончли шогирдлар силсиласи орқали берилади. Дунёвий илм билан шуғулланиш учун маълум бир сифатларга ва тадқиқот олиб бориш қобилиятига эга бўлиш лозим, аммо руҳий илм ўрганишга интилиб юрган кишининг муваффақияти у ёки бу даражада руҳий устознинг марҳаматига боғлиқ бўлади. Руҳий устоз шогирдидан мамнун бўлиши лозим, фақат шундагина шогирд руҳий илмни тушуниш қобилиятига эга бўлади. Лекин, бу жараён қандайдир сеҳрли жоду бўлиб, унда руҳий устоз худди фокусчига ўхшаб, гўё электр заряди бергандай, руҳий илмни шогирднинг

миясига сирли йўл билан жойлаб кўяди деб ўйламаслик керак. Ҳақиқий руҳий устоз ведавий донишмандлик илмининг ишончли манбаларига таянган ҳолда шогирдга тушунча беради. Шогирд эса ўзининг ўткир ақлига ишониб эмас, балки кўпроқ руҳий устозига хизмат қилиш ва камтаринлик билан саволлар берган ҳолда ана шу илми ўзлаштириб олади. Яъни, руҳий устоз ҳам, шогирд ҳам маълум бир сифатларга эга бўлиши лозим. Бу ерда руҳий устоз, Шукадева Госвами, ўзининг буюк отаси Шрила Вйасадевадан нима эшитган бўлса, шуни ўзгартирмаган ҳолда аниқ айтиб беришга тайёр эди, шогирд, Махараж Парикшит эса, Парвардигор Кришнанинг буюк содиқ хизматкори эди. Кришнанинг содиқ хизматкори бўлиш билан руҳий ҳаёт кечирish учун зарур бўлган ҳамма нарсага эга бўлишига самимий ишонган киши Парвардигор Кришнанинг содиғи деб аталади. “Бхагавад-гита” саҳифаларида Парвардигор Кришнанинг Ўзи берган насихатларида аниқ ишонтириб айтадики, Парвардигор ҳамма нарсанинг манбаи, шу боис ўзини бутунлай Унга топширган киши такводдорлар ичида энг комил зот бўлади. “Шримад Бхагаватам”илмини ўргана олиш учун инсонда Парвардигор Кришнага нисбатан чуқур ишонч бўлиши лозим, “Шримад Бхагаватам”ни Шукадева Госвами сингари содиқ оғзидан тинглаган киши Махараж Парикшит сингари албатта руҳий озодликка эришади. Ишончи “Шримад Бхагаватам”ни фақат бир ҳафта давомида тинглашга асосланган “Шримад Бхагаватам” ўқишни ўзига касб қилиб олган кишилар ва сохта содиқларнинг Шукадева Госвами ва Махараж Парикшитга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Шрила Вйасадева “Шримад Бхагаватам”ни Шукадева Госвамига унинг джанмадй асйа деб бошланганидан биринчи шеърдан бошлаб гапириб берди, Шукадева Госвами ҳам шоҳга уни шу тартибда гапириб берапти. “Шримад Бхагаватам”да Ўзининг содиқ хизматкори Парвардигор Шри Чаитанйа Махапрабху қиёфасида келадиган Парвардигор Кришнани Махапуруша деб аталган. Шри Чаитанйа Махапрабху - Кали йуга даврининг адашган зотларига алоҳида марҳамат кўрсатиш учун Ер сайёрасига содиқ хизматкор кўринишида келган Парвардигор Кришнанинг Ўзи. Шу ерда келтирилган икки шеърни Парвардигор Кришнанинг Махапуруша қиёфасига мурожаат қилинган илтижо деб аташ мумкин(Шб.11.5.33-34).

Бошқача қилиб айтганда, пуруша ибораси “лаззатланувчи” дегани, махапуруша эса - “олий лаззатланувчи” деган маънони, яъни Худонинг Олий Шахси Шри Кришнани билдиради. Парвардигор Шри Кришнага яқинлашишга муносиб бўлган зотни маха-пурушига деб атайдилар. “Шримад Бхагаватам”ни асл холида тушунтириб

бера оладиган зотнинг оғзидан “Шримад Бхагаватам”ни тинглаган киши албатта озодлик ато этувчи Парвардигорнинг самимий содиқ хизматкори бўлиб етишади. Бутун ер юзидан “Шримад Бхагаватам”ни Махараж Парикшит сингари самимий тинглаган зот ва “Шримад Бхагаватам”ни гапириб беришга Шукадева Госваמידан муносиброқ зот бўлган эмас. Шу боис “Шримад Бхагаватам”нинг намунали ҳикоячиси ва намунали тингловчиси - Шукадева Госвами ва Махараж Парикшит - изидан борган киши улар сингари албатта озодликка эришади. Махараж Парикшит “Шримад Бхагаватам”ни тинглаш орқали озодликка эришди, Шукадева Госвами эса - уни гапириб бериш билан. Тинглаш ва такрорлаш - Худога садоқат билан хизмат қилишдаги тўққиз усулнинг иккиси ҳисобланади, агар инсон ана шу усулларнинг ҳаммасига ёки уларнинг баъзиларига амал қилиб яшашга ҳаракат қилса, у албатта мутлақ поғонага кўтарилади. Шоҳнинг озодликка эришишга ёрдам бериш ниятида Шукадева Госвами Махараж Парикшитга бутун “Шримад Бхагаватам”ни энг бошидан, джанмадй асйа иборасидан бошлаб то Ўн иккинчи кўшиқнинг охиригача тўла гапириб берди. “Падма пурана”да айтилганки, Гаутама Муни Амбариша Махаражга “Шримад Бхагаватам”ни мунтазам равишда, уни Шукадева Госвами қандай баён этган бўлса, шу тартибда тинглаб юришни маслаҳат берган. Мазкур шеър ҳам шуни тасдиқлайди: Махараж Парикшит “Шримад Бхагаватам”ни бошидан охиригача, уни Шукадева Госвами қандай баён этган бўлса, шундайлигича тинглаган. Шунинг учун “Шримад Бхагаватам”нинг мазмунини ҳақиқатан тушуниб етишни истаган киши бунга юзаки қарамаслиги, яъни уни истаган жойидан ўқимаслиги ва тингламаслиги лозим. У буюк шоҳлар -Амбариша Махараж ва Махараж Парикшитлардан ўрнат олиши ва “Шримад Бхагаватам”ни Шукадева Госвамининг ҳақиқий вакили оғзидан тинглаши лозим.

11. Эй шоҳ, ишончли буюк донишмандлардан ўрнат олиб, Худонинг муқаддас номларини бетиним зикр қилиб юриш ҳар қандай инсонни - бу дунёда бирор дунёвий орзуси қолмаган кишини ҳам, моддий лаззатга интилиб юрган кишини ҳам, ҳатто илоҳий илмга эга бўлиб, қалбида тўла мамнуният ҳосил қилган кишини ҳам - барча гумон ва кўрқувларан халос этиб юксак муваффақиятга эриштиради.

Изоҳ: Аввалги шеърда Муқундага боғланиш туйғусини уйғотиш қанчалик муҳим экани ҳақида айтилган эди. Ҳар хил одамлар ҳаётда турли мақсадлар билан яшайдилар. Одамларнинг аксарият кўпчилиги - иложи борича кўпроқ

моддий лаззатланишга интилиб юрган имонсиз дунёвий одамлардир. Моддий лаззатларнинг табиатини тўлиқ англаб етган ва шунинг учун бундай алдамчи ҳаётдан узоклашишга интилиб юрган илоҳиёт кишилар улардан устун турадилар. Ўзликни англаш йўлидан борар экан, улар маълум даражада ўз қалбида мамнуният ҳосил қиладилар. Бу дунёда моддий лаззатланишга ҳам озодликка чиқишга ҳам интилмайдиган Худонинг содиқлари улардан ҳам устун турадилар. Уларнинг ягона мақсади - Худони, Парвардигор Шри Кришнани мамнун қилиш. Бошқача қилиб айтганда, улар ҳаётда ҳеч қандай шахсий манфаат кўзламайдилар. Агар Худо шуни истаса, содиқ хизматкор барча моддий бахтлардан лаззатланиб яшайди, агар Худо истамаса, у ҳамма нарсадан, ҳатто озодликка чиқишдан ҳам воз кечади. Худонинг содиқлари ўзларидан тўла мамнун деб ҳам айтиб бўлмайди, чунки улар аслида фақат Парвардигорни мамнун қилишга интиладилар. Мазкур шеърда Шри Шукадева Госвами барчага Худонинг муқаддас номларини такрорлашдан иборат илоҳий усулни таклиф этади. Парвардигорнинг номларини ҳақоратларсиз тинглаш ва такрорлаш орқали аввалига Парвардигорнинг илоҳий қиёфасини англаб этади, кейин Унинг сифатларини, кейин Унинг эрмакларининг илоҳий табиатини англаб этади. Бу ерда Парвардигорнинг муқаддас номини ишончли зотлар оғзидан эшитиб, ҳамиша такрорлаб юриш зарурлиги айтилган. Шундай қилиб, ишончли зотларнинг гапларига кулоқ солиш - энг биринчи муҳим шарт. Худонинг муқаддас номларини тинглаб юрган кишининг қалбида аста-секин Парвардигорнинг қиёфаси ҳақида, Унинг сифатлари ҳақида, эрмаклари ҳақида тинглашга ихлос уйғонади, бу эса ўз навбатида шунга олиб келадики, инсонда Парвардигорни олқишлашга, шарафлаб куйлашга зарурат пайдо бўлади. Бу усул фақат Худога садоқат билан хизмат қилишда муваффақият қозонишга интилиб юрган зотларга эмас, балки ҳатто дунёвий ҳаётга боғланиб қолган кишилар учун тавсия этилган. Шри Шукадева Госвами айтадики, мана шу - инсонни муваффақиятга олиб келадиган энг ишончли усул, бу ҳақиқатни фақат у эмас, балки аввал ўтган барча буюк зотлар тан оладилар, демак. Бошқа ҳеч қандай исботнинг ҳожати йўқ. Бу усулдан фақат инсон фаолиятининг турли соҳаларида муваффақиятга эришишга интилиб юрган зотлар эмас, ҳатто кармали фаолиятда, фалсафий изланишларда ёки Худога садоқат билан хизмат қилишда юксак муваффақиятга эришишга интилиб юрган кишилар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Шрила Жива Госвами айтадики, Парвардигорнинг муқаддас номини баланд овозда, "Падма пурана"да тавсия қилинганидек ҳақоратларсиз

зикр қилиш керак. Инсон ўз ихтиёрини бутунлай Худога топшириш билан ўзининг барча гуноҳлари оқибатидан халос бўла олади. Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойини ҳақорат қилиб қўйиш оқибатидан эса, Унинг муқаддас номлари паноҳига кириб нажот топиш мумкин. Лекин, Худонинг муқаддас номлари нилуфар қадамлари пойини ҳақорат қилган кишини ҳеч нарса ҳимоя қила олмайди. "Падма пурана"да муқаддас номни ҳақорат қилишнинг ўн тури кўрсатилган. Биринчиси - Парвардигорнинг шон-шуҳратини тарғибот қилиб юрган буюк содиқларни ҳақорат қилиш. Иккинчиси - Парвардигорнинг муқаддас номларига дунёвий тушунчалар нуқтаи-назари билан қараш. Парвардигор - барча коинотларнинг эгаси, шунинг учун турли жойларда Уни ҳар хил номлар билан атайдилар, лекин бу Парвардигорнинг ҳар жиҳатдан мукамал эканини умуман чеклаб қўймайди. Парвардигорни ифодаладиган ҳар қандай ном ҳам худди Унинг бошқа номлари сингари руҳий табиатга эга. Ана шу муқаддас номлар худди Парвардигорнинг Ўзи сингари чексиз илоҳий қудратга эга, шунинг учун ҳар бир инсон ягона Парвардигорни ўзи яшаб турган жойда маълум бўлган ном билан атаб шарафлаши мумкин. Парвардигорнинг ҳар қандай номи руҳий табиатга эга, шунинг учун моддий тасаввурларга асосланиб, Унинг муқаддас номларини бир биридан ажратмаслик керак. Учинчи ҳақорат - ҳақиқий ачарйа, руҳий устозларнинг кўрсатмаларини инкор этмаслик керак. Тўртинчиси - муқаддас китобларни ёки Ведалар илмини инкор этмаслик керак. Бешинчиси - Парвардигорнинг муқаддас номини моддий табиатга эга деб ўйламаслик керак. Парвардигорнинг муқаддас номи Унинг Ўзи билан бир, биз улар орасида ҳеч қандай фарқ йўқлигини тушуниб олишимиз лозим. Олтинчи ҳақорат - Парвардигорнинг муқаддас номини ўз тушунчаси бўйича талқин қилиш. На Парвардигор, на Унинг муқаддас номи кимлардир ўйлаб топган нарсалар эмас. Лекин, шундай аҳмоқлар ҳам топиладики, улар Парвардигор - Унга сиғиниб юрган одамларнинг ўзлари ўйлаб топган Зот, шунинг учун Унинг муқаддас номлари ҳам шунчаки хом хаёл деб ҳисоблайдилар. Шундай фикрга эга бўлган киши ҳеч қачон Худонинг муқаддас номларини зикр қилишда бирор яхши натижага эриша олмайди.

Еттинчи ҳақорат - муқаддас номнинг поклаш қудратига ишониб, онгли равишда гуноҳ ишлар содир қилиш. Муқаддас китобларда айтилганки, Парвардигорнинг муқаддас номини такрорлаш билан инсон ўзининг барча гуноҳ ишлари оқибатидан халос бўлади. Лекин, мана шу илоҳий усул ёрдамида ўзининг гуноҳларидан покланишдан умидвор бўлган ҳолда гуноҳ иш

қилишда давом этаверадиган киши муқаддас номнинг пойи қадамларини оғир ҳақорат қилиб юрган ашаддий гуноҳкор ҳисобланади. Ана шундай гуноҳкорга муқаддас китобларда кўрсатилган ҳеч қандай покланиш усули гуноҳлари оқибатидан покланишда ёрдам бера олмайди. Бошқача қилиб айтганда, инсон аввал гуноҳ ишлар қилиб юрган бўлиши мумкин, лекин Парвардигорнинг ҳимояси остига кириб, Унинг муқаддас номидан нажот топиб, у ҳар қандай гуноҳ ишларни бутунлай тарк этиши ва муқаддас номнинг поклаш қудратидан умидвор бўлмаслиги лозим. Саккизинчи ҳақорат - Парвардигорнинг муқаддас номларини зикр қилишни дунёвий эзгу, савоб ишлардан бири деб ўйлаш. Одамлар қандайдир моддий манфаат кўриш учун амалга оширадиган савоб ишларнинг ҳар хил турлари бор, лекин муқаддас номни ва Уни зикр қилишни шунчаки урф-одат даражасига тушириб қўймаслик керак. Албатта, Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш ҳам бир одат, усул, лекин, ҳеч қачон бу усулдан қандайдир моддий мақсадларга эришиш йўлида фойдаланмаслик керак. Муқаддас ном Парвардигорнинг Ўзидан фарқ қилмайди, шунинг учун уни инсониятга моддий хизмат қилишга мажбур қилишга уринмаслик керак. Шуни эсдан чиқармаслик керакки, Парвардигор - олий лаззатланувчи, У бизларга хизмат қилиши ёки бизларни мамнун қилишга уриниши шарт эмас. Муқаддас ном Парвардигорнинг Ўзи билан бир бўлгани учун биз уни ўзимизга хизмат қилдиришга уринмаслигимиз лозим.

Тўққизинчи ҳақорат - муқаддас номнинг илоҳий қудрати ҳақида уни такрорлашни истамайдиган кишига гапириш. Ана шундай одамларга муқаддас ном ҳақида гапириш - муқаддас номнинг қадрини пастга уриш, уни ҳақорат қилиш ҳисобланади. Ўнинчи ҳақорат - Парвардигорнинг муқаддас номининг илоҳий қудратга эга экани ҳақида билгандан кейин ҳам унга нисбатан бефарқ қолиш. Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш билан инсон сохта манманлик туйғусидан халос бўлади. Инсон қачон адашганидан ўзини бу дунёда лаззатланувчи зот деб ҳисоблай бошлаганида ва бу дунёдаги ҳамма нарса фақат у лаззатланиб яшаши учун яратилган деб ўйлаганида унда сохта манманлик туйғуси юзага келади. Бутун моддий оламни ҳаёт ҳақидаги "мен" ва "меники" деган сохта тасаввурлар ҳаракатга келтириб турибди, Худонинг муқаддас номларини зикр қилишдан асосий мақсад ана шундай адашишлардан халос бўлишдир.

12. Шунча йил яшаб ҳам яшашдан мақсад нималигини тушунмасдан умри бемаъни ўтаётган одамнинг узок умр кўришидан не

фойда? Ундан кўра чуқур маънога эга бўлган бир лаҳзагина умр кўрган афзал, чунки бу дунёда инсон бўлиб яшашнинг олий мақсадини излаш ана шундай мазмунли яшган бир лаҳзадан бошланади.

Изоҳ: Шрила Шукадева Госвами Махараж Парикшитга ҳар қандай маданиятли инсоннинг ҳаётида Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш қанчалик муҳим эканини тушунтириб берди. Атиги етти кунлик умри қолган шохни илҳомлантириш учун Шрила Шукадева Госвами айтадики, ҳаётнинг ҳақиқий муаммоларидан беҳабар бўлиб юзлаб йил умр кўргандан кўра, инсон ҳаётда олий мақсадга эришиш учун яшаши зарурлигини тўла англаган ҳолда бир лаҳза яшаган яхши. Яшашдан энг олий мақсад - илм ва лаззатга тўла мангу ҳаётга эришиш. Моддий оламнинг намоён бўлган ташқи кўринишларига маҳлиё бўлиб йўлдан адашган ва ўзларининг ҳайвоний эҳтиёжларини қондириш билан машғул бўлиб юрган, яъни "бу дунёда еб-ичиб, лаззатланиб қолиш керак" деб юрган кишилар умри қанчалик тез ўтиб бораётганини сезмасдан нодир инсон умрини хазон қиладилар. Шуни тушуниш лозимки, шартланган руҳга инсон ҳаёти у руҳий юксалишда муваффақиятга эриша олиши учун бериб қўйилган, ана шу мақсадга олиб борувчи ягона йўл эса - Парвардигорнинг муқаддас номларини зикр қилишдан иборат. Аввалги шеърда биз бу мавзунини муҳокама қилган эдик, энди эса Худонинг муқаддас номларини ҳақорат қилишнинг оқибати борасида батафсилроқ тўхталамиз. Шрила Жива Госвами Худонинг муқаддас номларини ҳақорат қилиш ҳақида юқорида айтилган гапларни тасдиқлайдиган жуда кўп мисолларни келтирган. "Вишну-йамала-тантра"дан мисол келтириб, ҳар қандай гуноҳ оқибатидан халос бўлиш учун Парвардигорнинг муқаддас номини бир марта тилга олишнинг ўзи кифоя эканини исботлайди. "Маркандея пурана"дан далил келтириб, Шукадева Госвами айтадики, биз ўзимиз ҳеч қачон Худонинг содиқ хизматкорини ҳақорат қилмаслигимиз ва бошқаларнинг уни ҳақорат қилаётганини тингламаслигимиз лозим. Кимдир содиқ хизматкорни ҳақорат қилаётганини эшитган заҳоти унинг тилини кесиб олиб, бунга чек қўйишимиз лозим, агар бунинг иложи бўлмаса, Худонинг содиқ хизматкорини ҳақорат қилишларини тинглаб ўтиргандан кўра инсон ўзини ўзи ўлдиргани яхшироқ. Шундай қилиб, бировларни Худонинг содиқ хизматкорини ҳақорат қилишини тингламаслик, бошқаларни уни ҳақорат қилишига йўл қўймаслик керак. Парвардигорнинг муқаддас номи ва фаришталарнинг номлари орасидаги фарқ борасида муқаддас китобларда(Бг.10.41) айтилганки,

алохида қудрат ато этилган барча тирик мавжудотлар - барча қувватларнинг олий ҳукмдори бўлган Парвардигор Кришнанинг таркибий қисмларидир. Парвардигордан бошқа ҳамма бўйсунган ҳолатда ва охир-оқибатда Унга қарам. Ҳеч ким куч-қудрат бобида Парвардигор билан тенглаша олмаслиги ва Ундан устун бўлмаслиги туфайли Парвардигорнинг муқаддас номидай чексиз қудратга эга бўлган бошқа ном мавжуд эмас. Парвардигорнинг муқаддас номини зикр қилишнинг қудрати бошқа барча қувват манбалари биргаликда бера оладиган қувватдан ҳам кучлироқ бўлади. Шунинг учун Парвардигорнинг муқаддас номини ҳеч қачон бошқа бирор номга тенглаштирмаслик керак. На Маъбуд Браҳма, на Маъбуд Шива ва на бошқа бирор қудратли фаришта ҳеч қачон Парвардигор Вишну билан тенглаша олмайди. Парвардигорнинг муқаддас номининг қудрати, албатта, инсонни барча гуноҳлари оқибатидан халос этади, лекин Парвардигорнинг муқаддас номининг илоҳий қудратидан ўзининг пасткаш шахсий манфаатлари йўлида фойдаланишни истаган киши - бу дунёда яшаётган тирик мавжудотлар ичида энг пасткаши бўлади. Ана шундай одамларни на Парвардигорнинг Ўзи, на Унинг вакили кечирмайди. Шунинг учун инсон Парвардигорнинг муқаддас номларини ҳақорат қилишдан жиддий эҳтиёт бўлган ҳолда ўзининг бутун ҳаётини Уни шарафлаб қуйлашга бағишлаши лозим. Ана шундай фаолият, ҳатто бир лаҳза давом этса ҳам, ғофилликда ўтказилган узоқ умрдан афзалдир. Ғофилликда ўтказилган умр руҳий юксалиш имкониятидан маҳрум бўлиб, ачинарли ҳаёт кечирадиган дарахтларнинг ва бошқа тирик мавжудотларнинг ҳаётига ўхшайди.

13. Бир лаҳза умри қолганини билган авлиё шох Кхатванга, шу захотиёқ дунёвий ишларни бутунлай тарк этди ва Олий халоскор - Парвардигор ҳузуридан нажот топган эди.

Изоҳ: Маъсулият ҳис қила оладиган киши ҳамиша шуни эсда тутиши лозимки, бу дунёда инсон бўлиб яшаш унга маълум бир вазифаларни юклаб қўяди. Инсоннинг ҳаёти фақат тананинг эҳтиёжларини қондириш учун яшашдан иборат бўлмаслиги керак. Кейинги ҳаётимизда ҳозиргидан яхшироқ поғонага кўтарилиш учун биз ҳамиша ўз бурчимизни виждон билан бажариб яшашимиз лозим. Инсон ҳаёти тирик мавжудотга у ўзининг энг асосий бурчини бажаришга тайёрлай олиши учун берилади. Махараж Кхатванга бе Муқаддас шох Кхатванга бу ерда бекорга авлиё шох деб аталмаган, чунки, давлат ишларини бошқариб юрар экан, у бир лаҳза ҳам ўзининг асосий бурчини эсдан чиқармаган.

Ҳақиқий шох сифатида фаришталар иблислар билан жанг қилишга ёрдам беришини сўраб олий сайёраларга таклиф қилган Махараж Кхатванга фаришталарни мамнун қилиш учун жангда фаол иштирок этди. Унинг хизматидан мамнун бўлган фаришталар унинг ҳар қандай дунёвий истагини бажаришга тайёр эканини айтдилар, лекин, ўзининг асосий вазифаси нимадан иборат эканини эсдан чиқармаган Махараж Кхатванга улардан ўзининг қанча умри қолганини айтишни илтимос қилди. Бу шундан далолат берадики, у фаришталар истаганча инъом эта оладиган моддий бойлик тўплашни эмас, балки ҳамиша кейинги ҳаётга тайёрланиш ҳақида ўйлаб юрган. Фаришталар жавоб бериб айтдиларки, унинг атиги бир лаҳза умри қолган. Шунда шох дарров нафис ҳиссий лаззатларга тўла самовий салтанатни тарк этди ва Ер сайёрасига қайтиб келиб, Олий нажоткор - Худо Шахсининг паноҳига кирди. Унинг интилишлари бекорга кетмади - муваффақият билан руҳий озодликка эришди. Гарчи авлиё шохга бунинг учун атиги бир лаҳза кифоя қилган бўлса ҳам, аслида у ҳамиша ўзининг бурчини эсда сақлаб юргани учун шундай муваффақиятга эришган эди. Буюк Шукадева Госвами шу тариқа Махараж Парикшитни илҳомлантирмоқчи ва гарчи атиги етти кун умри қолган бўлса ҳам, уни ўзининг асосий бурчини - "Шримад Бхагаватам"да баён этилган Парвардигорнинг шон-шухратини тинглашни бажаришга ундаётган эди. Парвардигорнинг амри билан Махараж Парикшит буюк Шукадева Госвами билан учрашди, у эса шохга руҳий юксалишнинг "Шримад Бхагаватам" саҳифаларида ажойиб таърифланган нодир усулини баён этди.

14. Эй Махараж Парикшит, сенинг атиги етти кун умринг қолган, лекин қолган мана шу умринг давомида сен кейинги ҳаётингда яхшироқ даражага эришиш учун зарур бўлган барча маросимларни ўтказиб улгурасан.

Изоҳ: Мисол тариқасида жуда қисқа вақт ичида келгуси ҳаётга тайёргарлик кўришга улгурган Махараж Кхатванганинг ҳаётини келтириб, Шукадева Госвами қолган етти кун давомида у бемалол кейинги ҳаёти тайёрлана олишини айтиб, Махараж Парикшитни умидвор қилди. Госвами Махараж Парикшитга эслатиб қўйдикки, у қолган етти кун давомида Парвардигорнинг товуш қиёфасининг паноҳига кириши ва шу йўл билан руҳий озодликка эришиши лозим. Бошқача қилиб айтганда, "Шримад Бхагаватам"ни Шукадева Госвами Махараж Парикшитга қандай баён этган бўлса, шу тартибда тинглаш билан ҳар қандай инсон ҳам кейинги ҳаётга муносиб тайёрлана олиш имкониятига эга бўлади. Диний

удумлар шунчаки эрмак ёки расмиятчилик эмас, лекин улар ҳақиқатан ҳам фойда бериши учун куйида таърифланадиган баъзи қоидаларга риоя қилиш лозим.

15. Инсон умрининг охири нафасида қатъият билан қалбидаги ажалдан қўрқиш туйғусидан бутунлай халос бўлиши лозим. Лекин бунинг учун, аввал моддий тана ва у билан боғлиқ нарсаларга бўлган боғланишлар тугунини шартга ташлаш, ҳамда моддий танага тегишли бўлган барча орзу-истаклардан халос бўлиш керак.

Изоҳ: Дунёвий одамларнинг хатоси шундан иборатки, гарчи эртами-кечми ҳар ким ўзининг бутун куч-қувватини сарфлаб эришган ҳамма нарсасини ташлаб кетишга мажбур бўлса ҳам, улар бу дунёда мангу яшашдан умидвор бўладилар. Рухий табиатга эга бўлган жон мавжуд эканидан беҳабар ҳолда буюк давлат арбоблари, олимлар, файласуфлар ва бошқа зотлар ғофиллик билан мана шу ўткинчи бир лаҳзалик ҳаёт тамом бўлиши билан ҳаммаси тугайди, ўлимдан кейин уларни ҳеч нарса кутиб тургани йўқ деб ўйлайдилар. Илми етишмаслиги сабабли ҳатто илмий доираларга мансуб кишилар ҳам, нодир инсон умрида ўзларининг куч-қувватини бекорга сарфлайдилар, натижада бунинг даҳшатли оқибатлари аллақачон яққол кўрина бошлаган. Лекин, шунга қарамай, аҳмоқ дунёвий одамлар барибир уларни кейинги ҳаётида нималар кутиб тургани ҳақида ўйлаб кўришни истамайдилар. "Бхагавад-гита"нинг биринчи насихатида айтилганки, шунчаки руҳнинг ташқи қобиғи бўлган моддий тана ҳалок бўлганда тирик мавжудот(алоҳида рух, жон) ҳалок бўлмайди, буни ҳар ким яхши билиб олиши лозим. Худди инсон ўзининг эски кийимини янгисига алмаштиргани сингари, алоҳида тирик мавжудот ҳам ўзининг танасини алмаштиради, танани шу тарзда алмаштириш "ўлим" деб аталади. Шундай қилиб, ўлим - танани алмашлаш, навбатдаги ҳар бир ҳаётнинг охирида рўй беради. Фаросатли инсон кейинги ҳаётида яхшироқ тана олиш учун унга пухта тайёрланиши лозим. Энг яхши тана - руҳий тана бўлиб, унга фақат Худонинг даргоҳига эришган, яъни Брахман поғонасига кўтарилган кишилар эга бўладилар. Бу ҳақда шу китобнинг иккинчи бобида батафсил баён этилади. Тана алмаштиришга келсак, инсон ҳозирнинг ўзидан бошлаб тайёрлана бошлаши лозим. Ғофил одамлар ҳозирги ўткинчи ҳаётни муҳим деб биладилар, шунинг учун уларнинг йўлбошчилари ўзларининг бутун диққат-этиборини тана ва тана билан боғлиқ бўлган алоқаларга қаратадилар. Тана билан боғлиқ бўлган алоқалар фақат тананинг ўзига эмас, бал-

ки ажал барибир биздан тортиб оладиган қариндошлар, хотин, бола-чақа, жамият, ватан бошқа кўплаб нарсаларга ҳам тааллуқли. Одам ўлгандан кейин ўзининг бу дунёдаги барча алоқаларини бутунлай эсдан чиқариб юборади: биз ухлаб туш кўрганда ҳам шунга ўхшаш ҳолатга тушамиз. Тушимизда биз ҳозирги танамиз билан боғлиқ бўлган ҳамма нарсани эсдан чиқариб юборамиз, лекин бу унутиш вақтинчалик ва атиги бир неча соат давом этади. Ўлим - бир неча ой давом этадиган, бизларнинг истакларимизга яраша моддий табиат бизга тайёрлаб қўйган янги моддий тана ичида ўтадиган навбатдаги қамоқ жазосини ўташ шароитига мослашиш учун тайёрланишга мўлжалланган тушдан бошқа нарса эмас. Шунинг учун биз шунчаки ўзимизнинг истакларимизни ўзгартирсак бас, бунга эса ҳозирги, инсон танасидаги ҳаётимизда бутун умримиз давомида ўрганиш лозим. Буни умримизнинг истаган босқичида, ҳатто ажал етишига бир неча дақиқа қолганда ҳам киришиш мумкин, лекин яхшиси, эртадан - инсон умрининг брахмачарйа поғонасида бошлаган, кейин грихастха, ванап-растха ва саннийаси босқичларидан ўтган маъқул. Инсонга ана шундай тайёрланиш шароитини яратиб берадиган жамият тизими варнашрама-дхарма ёки санатана-дхарма деб аталади ва инсон ҳаётини мукамал поғонага кўтаришнинг энг қулай намунаси усули ҳисобланади. Шунинг учун эллик ёшида ёки ундан ҳам эртароқ, ванап-растха ва саннийаси ашрамларида таълим олиб ўзининг кейинги ҳаётига тайёрланиш учун инсон оилавий, ижтимоий ва сиёсий ҳаётга бўлган барча боғланишларидан халос бўлиши лозим. Жамиятда раҳбар лавозимларни эгаллаб турган аҳмоқ ғофил дунёвий одамлар одатда оилавий ташвиш ва муаммоларга ботиб кетадилар, оилавий ришталарни узишни истамасдан, табиат қонунларининг ўлжасига айланадилар ва ўзларининг аввалги фаолиятига мос бўлган яна бир кўпол моддий танага эга бўладилар. Ана шундай ғофил раҳбарлар умрининг охирида одамларнинг баъзи бир ҳурмат-этиборига эришишлари мумкин, лекин бу уларни ҳар кимнинг оёқ кўлини чамбарчас боғлаб кўядиган табиат қонунлари таъсиридан халос эта олмайди. Шунинг учун яхшиси, инсон оила, жамият, ватан ва шунга ўхшаган ўткинчи нарсаларга бўлган боғланиш туйғусини Худого садоқат билан хизмат қилишга айлантириб, ўз ихтиёри билан оилавий ришталарни биратўла узгани маъқул.

Мазкур шеърда айтилганки, инсон оиласига боғланиш туйғуси юзага келтирган барча истакларидан халос бўлиши лозим. Ана шундай носоғлом истаклардан халос бўлишнинг ягона имконияти - улардан улуғворроқ истакларга эга бўлишдир. Истак - тирик мавжудотга хос бўлган

хусусият, тирик мавжудот мангу бўлгани учун унинг истаклари ҳам мангу. Шундай қилиб, инсон исташни тарк эта олмайди, лекин у истакларининг сифатини, интиладиган мақсадини ўзгартиришга қодир. У ўзининг қалбида ўзининг мангу уйига, Худонинг даргоҳига қайтиб кетиш истагини ривожлантириши лозим, бунинг натижасида Худога садоқат билан хизмат қилишда юксала боришига мос равишда унинг моддий манфаатга, шон-шуҳратга интилиш истаклари камая боради. Тирик мавжудотнинг бурчи - хизмат қилиш, шунинг учун унинг барча истаклари, маълум даражада хизмат қилишда жамланган. Ҳукумат бошлиғидан тортиб то кўчадаги ачинарли қашшоқ гадойгача, ҳар ким ўз ҳолича бошқаларга хизмат қилади. Лекин ана шу хизмат қилишга интилиш истаги моддадан руҳга олиб ўтилганида, яъни, биз шайтонга хизмат қилишдан Худога хизмат қилишга ўтганимизда мукаммал поғонага кўтарилади.

16. Инсон уйини тарк этиши ва ўзининг ҳистуйғуларини жиловлашга киришиши лозим. Муқаддас жойга бориб, мунтазам равишда ювиниб покланиши ва барча қондаларга мувофиқ покланган ўриндикда ёлғиз ўтириб олиши керак.

Изоҳ: Кейинги ҳаётга муносиб тайёрланиш учун инсон ўзининг уйини тарк этиши лозим. Варнашрама-дхарма тизими инсонга оилавий ришталарни иложи борица эртароқ - эллик ёшга кирган заҳоти узишни тавсия қилади. Ҳозирги жамият тараққиёти оилавий ҳаёт ва ҳар хил қулайликларга асосланган, шунинг учун ҳар ким оилавий ташвишлардан халос бўлиб, қулай квартирада чиройли хотини ва болалари даврасида лаззатланиб яшайдан умидвор бўлади, ўзининг шинам уйини тарк этишни ҳаёлига ҳам келтирмайди. Ҳукуматда юксак лавозимларни эгаллаб турган амалдор ва вазирлар қулай оилавий турмушни тарк этишни ҳаёлига ҳам келтирмасдан, то умрининг охиригача катта маош тўланадиган лавозимларидан кетишни истамайдилар. Ўзларининг хом ҳаёлларининг қули бўлиб, имонсиз одамлар ўзлари учун яна ҳам қулайроқ шароит яратиш учун ҳар хил режалар тузадилар, лекин қутилмаганда бешафқат ўлим ҳатто бу ҳаёлпараст(прожектор???)лардан сўраб ҳам ўтирмасдан, ҳозирги танасини тарк этишга ва навбатдаги танани олишга мажбур қилиб, уларнинг бу танадаги ҳаётга яқун ясайди. Шу тариқа ўзларининг фаолияти натижаларига мос равишда бу ҳаёлпарастлар 8.400.000 турли ҳаёт шаклининг бирига мос келадиган янги бир танага эга бўладилар. Одатда оилавий қулай муҳитга қаттиқ боғланиб қолган кишилар ўзларининг гуноҳларга тўла узоқ умри давомида қилган

гуноҳлари оқибатида кейинги ҳаётда қуйи турдаги ҳайвонлар танасига эга бўладилар. Шу тарзда улар инсон ҳаётининг қувватини бекорга хазон қиладилар. Ана шундай хатардан йироқ бўлиш ҳамда алдамчи нарсаларга боғланиб қолмаслик учун инсон эллик ёшида ёки ундан ҳам олдинроқ, ўзини албатта муқаррар ўлим кутиб тургани ҳақида жиддий ўйлаши лозим. Аслини олганда, ажал ўзининг яқинлашаётгани ҳақида инсон эллик ёшга тўлмасидан анча аввал хабардор қила бошлайди, шунинг учун инсон истаган ёшидан бошлаб ўзининг бундан кейинги ҳаёти ҳозирги ҳаётдан анча яхшироқ бўлиши учун пухта тайёргарлик кўра бошлаши лозим. Санатана-дхарма жамияти шундай ташкил этилганки, унинг қондаларига рия қилиб юрган киши албатта ўзининг кейинги ҳаётга пухта тайёргарлик кўради ва нодир инсон умрини хазон қилиш имкониятидан амалда бутунлай маҳрум бўлади.

Ер юзидаги муқаддас саждагоҳлар таркидунё қилган одамларнинг шу ерларда ўрнашиб олиб, кейинги ҳаётга тайёргарлик кўришлари учун мўлжалланган. Шунинг учун эллик ёшга чиққандан кейин фаросатли инсонлар моддий ҳаёт кишанлари деб аталадиган оилавий боғланишлардан бутунлай халос бўлиб, бирор муқаддас саждагоҳга бориб, ўзининг қолган умрини руҳий юксалишга бағишлаши лозим. Моддий боғланишлардан халос бўлиш учун инсон уйини тарк этиши лозим. То умрининг охиригача оиласи даврасида яшайдиган киши моддий боғланишлардан ҳеч қачон халос бўлолмайди, қалбида шундай боғланишлар тугуни сақланиб қолган киши эса руҳий озодликка эриша олмайди. Лекин, ўзининг уйини тарк этиш ва бошқа жойда қонуний ёки ноқонуний йўл билан бошқа уйга боғланишнинг ўзи камлик қилади. Қўплар уйларини тарк этиб, муқаддас жойларга борадилар, лекин имонсиз одамлар даврасига тушиб қолиб, қарама-қарши жинс вакиллари билан алоқа қилиб, яна оила қурадилар. Алдамчи моддий қувват шунчалик қудратлики, инсон истаган ёшида, ҳатто ўзининг фаровон оиласини тарк этиб кетгандан кейин ҳам унинг чанғалига тушиб қолиши мумкин. Шунинг учун ҳам уйланмаслик қасамига амалқилиб ва шаҳвоний истаклардан бутунлай халос бўлиб ўзининг ҳистуйғуларини жиловлаб олишни ўрганиш жуда муҳим ҳисобланади. Кейинги ҳаётда ҳозиргидан яхшироқ ҳаёт шароитига эришишга интилиб юрган киши учун жинсий алоқадан лаззатланиш ўзини ўзи ўлдириш билан баробар, ҳатто ундан ҳам ёмонроқ. Шунинг учун инсон энг аввало ўзининг истакларини, айниқса шаҳвоний истакларини жиловлаб олиш ниятида уйини тарк этиши лозим. Бунинг учун барча кўрсатмаларга мос равишда покланган, сомон-

дан ясалган, устига кийик териси ёки бошқа мато ташланган ўриндикда ўтириб олиши, юкорида кўрсатилган усул билан Худонинг муқаддас номларини ҳақоратларсиз зикр қилиши лозим. Буларнинг ҳаммаси фақат ақлни моддий фаолиятдан чалғитиш ва уни Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойида жамлаш учун бажарилади. Бу жуда оддий усул, фақат шу усул инсонни энг юксак руҳий поғонага кўтара олади.

17. Шундай ҳолатда ўтириб, инсон ақлини илоҳий о-у-м товушда жамлаши, нафас олиш жараёнини бошқариши, ақли ҳамиша мана шу илоҳий товушда мужассам бўлишини назорат қилиши лозим.

Изоҳ: Омкара яъни пранава, илоҳий онг уруғи, уч илоҳий товушдан иборат: а, у, м. Буюк сеҳргарларнинг тажрибасидан маълумки, гарчи бу жисмоний усул бўлса ҳам, илоҳий жазава, транс ҳолатига киришнинг анашу усулидан фойдаланиб, яъни ичида мана шу товушларни такрорлаб ва нафас олиш жараёнини тартибга солиб, моддий фаолият билан машғул бўлиб юрган ақлни назорат қилишни ўрганиб олиш мумкин. Бу усул инсонга ўзининг фикрлаш қобилиятини, онгини ўзгартириш имконини беради. Худди истаклардан халос бўлиш ва ўйлашни бутунлай тарк этишнинг иложи бўлмагани сингари, ақлни ҳам яқсон қилишнинг иложи йўқ. Лекин, инсон ўзида руҳий ўзликни англаш йўлида ҳаракат қилиш истагини ривожлантириш учун ақл фаолиятининг сифатини ўзгартириши лозим. Ақл - ҳиссиётларнинг фаолият маркази, шу боис агар ақлнинг фикрлашини, ҳис-туйғуларнинг сифатини ва истакларни ўзгартирсак, унда ҳаракат қиладиган сезгиларнинг фаолияти ҳам ўзидан-ўзи ўзгариб кетади. Омкара - барча илоҳий товушлар манбаи, фақат ана шу илоҳий товуш ақл ва сезгиларнинг фаолиятини керакли йўналишга ўзгартира олади. Илоҳий товуш ёрдамида ҳатто руҳий касалликка чалинган бемор(жинни)ни ҳам даволаш мумкин. "Бхагавад-гита"да пранава(омкара) Олий Мутлақ Ҳақиқатнинг бевосита мужассам бўлган қиёфаси деб аталган. Юкорида тавсия этилганидай бевосита Парвардигорнинг муқаддас номини такрорлай олмайдиган киши пранава(омкара)ни такрорлаши мумкин. Омкара - "Эй азиз Худойим!" деб Парвардигорга муржаат қилишдир. Ом хари ом ибораси эса, "Эй азиз Худойим, эй Олий Шахс!" деганни англатади. Аввал тушунтирганимиздек, Парвардигорнинг муқаддас номи Унинг Ўзидан фарқ қилмайди, омкара ҳам шундай. Лекин, ўзининг сезгилари мукамал бўлмагани туфайли Парвардигорнинг илоҳий шахс қиёфасини ёки Унинг муқаддас номини англаб етишга қодир бўлмаган(яъни бу йўлга янги кирган тажриба-

сиз) кишилар руҳий ўзликни англаш билан шуғулланиш фаолиятга ичида омкарани такрорлаш билан олиб бориладиган нафас олишни жисмоний бошқариш усули орқали киришадилар. Биз бир неча марта таъкидлаб айтдикки, ҳозирги моддий сезгиларимиз ёрдамида Худо Шахсининг илоҳий номини, қиёфасини, эрмакларини ва атрофидаги муҳитни англаб етишнинг иложи йўқ, шунинг учун илоҳий англаш жараёнини унга атрофида барча сезгиларнинг бутун фаолияти жамланган ақлни жалб қилишдан бошлаш лозим. Худонинг содиқлари ақлини бевосита Мутлақ Ҳақиқатнинг Шахсида мужассам қиладилар. Мутлақ Ҳақиқатнинг шахсий жиҳатини тан олишга қодир бўлмаган кишилар Унинг шахсиятсиз кўринишига муроқабачилиш билан шуғулланадилар ва бу билан ўзининг ақлини руҳий юксалишда давом этиш учун тайёрлайдилар.

18. Ақл шу тарзда покляниб тобора ўзининг асл руҳий ҳолатига қайта борган сайин, аста-секин унинг сезгилар билан боғлиқ фаолиятини тўхтатиб, тафаккур ёрдамида сезгиларни назорат қилиб туриш керак. Шу тарзда моддий фаолият билан машғул ақлни Худо Шахсига хизмат қилишга жалб этиб, уни илоҳий онг билан тўлдириш мумкин.

Изоҳ: Ақлни покляб руҳий даражага етказишнинг бошланғич, пранава(омкара)ни жисмоний такрорлаш ва нафас олишни бошқаришдан иборат жараёни санскрит тилида пранайама сеҳрли ёки йога усули, яъни олинаётган нафасни бошқариш усули деб аталади. Пранайама ёрдамида эришиш мумкин бўлган энг юксак ҳолат транс, яъни самадхи деб аталади. Лекин, тажрибалар шуни кўрсатадики, моддий фаолиятга ғарқ бўлган ақлни ҳатто самадхи ҳолатида ҳам бошқаришнинг иложи йўқ. Масалан, буюк сеҳргар Вишвамित्रа Муни самадхи ҳолатига эришгандан кейин ҳам, Менаканинг жилваларига учиб, ўз ҳис-туйғусининг қурбонига айланган эди. Бу воқеа тарихий асарларда ёзилган. Гарчи ҳозир инсон ҳиссий фаолият билан шуғалланмай юрган, ақли у ҳақдаги фикрлар билан машғул бўлмаса ҳам, унинг чуқур хотирасидан ўзининг аввалги ҳиссий фаолияти ҳақидаги ўйлар қалқиб чиқаверади, ана шу ўйлар унинг ўзини бутунлай руҳий юксалишга ғарқ бўлишига ҳалакит беради. Шунинг учун Шукадева Госвами синалган ишончли усулдан - ақлни Худо Шахсига хизмат қилишда жамлаш усулидан фойдаланишни маслаҳат беради. "Бхагавад-гита"(6.47)да Парвардигор Шри Кришна, Худонинг Олий Шахси ҳам ана шу тўғри йўлни тавсия қиладди. Шундай қилиб, ақлни покляб ва руҳий даражага етказиб, Худого садоқат билан илоҳий хизмат қилишда

машғул бўлиш лозим: Парвардигор ҳақида тинглаш, Унинг муқаддас номини такрорлаш ва ҳоказо. Тажрибали руҳий устоз раҳбарлиги остида ана шундай тажриба билан шуғулланиш - ҳатто ақли нотинч кишилар учун ҳам руҳий юксалишнинг энг ишончли йўлидир.

19. Кейин Вишнунинг бутун қиёфасини хаёлан кўз олдида тутган ҳолда, Унинг илоҳий танасининг айрим қисмларига муроқабани қила бошлаш керак. Шу тарзда ақлни сезгиларга таъсир қиладиган барча нарсалардан тийиб туриш мумкин. Ақлда ҳеч қандай бошқа бирор фикр қолмаслиги керак. Вишну, Олий Худо Шахси - Олий Ҳақиқат, шу боис ақл фақат Унинг Ўзидагина тўлиқ таскин топа олади.

Изоҳ: Вишнунинг ташқи қуввати адаштириб қўйган аҳмоқ одамлар чинакам бахтга эришиш йўлидаги барча изланишларнинг охириги мақсади - Худо Шахси, Парвардигор Вишну билан бево-сита ҳамсуҳбат бўлиш эканини билмайдилар. Вишну-таттва - Худо Шахсининг сон-саноксиз ранг-баранг илоҳий қиёфалари ва экспансиялари тўпламидир. Вишну-таттванинг олий, азалий бошланғич олий қиёфаси - Говинда, барча сабаблар сабабчиси Парвардигор Кришнадир. Шунинг учун Парвардигор Вишну ҳақидаги фикр-мулоҳазалар ва Унинг илоҳий қиёфасига муроқабани қилиш, айниқса Парвардигор Кришнанинг қиёфасига муроқабани қилиш - муроқабанинг энг олий тури ҳисобланади. Парвардигорнинг бутун танасини хаёлан кўз олдида тутиб турган ҳолда, муроқабани қилишни Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойдан бошлаш лозим, кейин хаёлий назарни аста-секин Унинг илоҳий танасининг бошқа қисмларига ўтказиш керак. Мазкур шеърда аниқ айтилганки, Парвардигор шахсиятсиз эмас. У - шахс, лекин Унинг танаси бизларга ўхшаган шартланган шахсларнинг танасидан фарқ қиладди. Акс ҳолда Шукадева Госвами руҳий баркамолликнинг олий поғонасига кўтарилишга интилиб юрган кишиларга пранава зикр қилишдан бошлаб, Парвардигор Вишну Шахсининг илоҳий танасининг қисмларига, бутун танасига муроқабани қилишни тавсия қилмаган бўларди. Демак, калтафаҳм ғофил одамларнинг айтишларига бутунлай зид равишда, Ҳиндистондаги эҳромларда Парвардигор Вишнунинг қиёфалари(Илоҳлар)га сиғинишнинг бутпарастликка ҳеч қандай алоқаси йўқ. Аксинча, ана шундай эҳромлар - одамлар Парвардигор Вишнунинг илоҳий танасининг қисмларига муроқабани қиладиган руҳий марказлардир. Парвардигорнинг англаб бўлмас қуввати шарофати билан эҳромларда одамлар сиғиниб юрган Илоҳлар Парвардигор Вишнунинг Ўзи билан

бир, шунинг учун шастраларда кўрсатилган, эҳромда Вишнунинг танасининг айрим қисмларига муроқабани қилиш усули ҳатто руҳий юксалиш йўлига энди кирган, бир жойда ўтириб, ақлини пранава омкарада ёки буюк Шукадева Госвами мазкур шеърда тавсия қилганидек, Парвардигор Вишнунинг танасининг айрим қисмларига муроқабани қилолмайдиган тажрибасиз кишиларга ҳам ақлини Вишнуда жамлаш имкониятини беради. Оддий одамларнинг омкарага - а-у-м товушларининг илоҳий бирикмасига муроқабани қилганидан кўра, юқорида айтилганидек, эҳромга бориб Парвардигор Вишнуга муроқабани қилгани маъқул. Омкара билан Вишнунинг қиёфалари орасида фарқ йўқ, лекин Мутлақ Ҳақиқат ҳақида илмни яхши билмаган кишилар, Вишнунинг қиёфаси билан омкарани бир-биридан ажратиб, одамларни тўғри йўлдан адаштиришга уринадилар. Мазкур шеърдан кўриниб турибдики, Вишнунинг қиёфасига муроқабани қилиш мумкин бўлган энг олий зот, шунинг учун инсон ўзининг ақлини муроқабани қилиш анча қийин бўлган шахсиятсиз омкарадан кўра Парвардигор Вишнунинг шахсий қиёфасида мужассам қилгани маъқул.

20. Моддий табиатнинг эҳтирос гунаси ҳамиша инсоннинг ақлини ҳаракатга ундайди, ғафлат гунаси эса уни тўғри йўлдан адаштиради. Аммо, Парвардигор Вишнуга муружаат қилиб, Унинг марҳамати билан бу гуналарнинг таъсир доирасидан чиқиш ва улар юзага келтирган барча иллатлардан покланиб, мангу осойишталикка эришиш мумкин.

Изоҳ: Эҳтирос ва ғафлат гуналарининг устивор таъсири остида юрган кишилар Худони англашнинг илоҳий поғонасига эришишга қодир эмаслар. Фақат эзгулик гунасининг устивор таъсири остида юрган кишилар Олий Ҳақиқатни англаб ета оладилар. Эҳтирос ва ғафлат гуналарининг таъсири бойлик орттиришга ва аёллар билан бирга бўлишга интилишда намоён бўлади. Молдунё ва аёлларга қаттиқ боғланиб қолган кишилар фақат ҳамиша Парвардигор Вишнунинг намоён бўлмаган, шахсиятсиз кўринишини эслаб юриш орқали ана шу боғланишларидан халос бўла оладилар. Имперсоналист ва монистларнинг аксарият кўпчилиги эҳтирос ва ғафлат гуналари таъсири остида юрадилар. Улар ўзларини озодликка эришган зотлар деб билладилар, лекин Мутлақ Ҳақиқатнинг илоҳий шахсий кўриниши ҳақида ҳеч нарса билмайдилар. Аслида ҳали уларнинг қалби покланмаган, чунки улар Мутлақ Ҳақиқатнинг шахсий жиҳати ҳақидаги илмдан маҳрумдирлар. "Бхагавад-гита"да айтилганки, имперсоналист-файласуфлар фақат жуда кўп умрлардан кейин

ўзларини Худога топширадилар. Тажрибасиз имперсоналист Парвардигорнинг шахсий аспектини англаб етишга тайёрланиш учун пантеизм фалсафаси унга Парвардигорни бутун борлиқда мавжуд Зот сифатида ҳис қилиш имкониятини беради.

Пантеизм фалсафасини энг юксак даражада ўрганиб юрганларда Мутлақ Ҳақиқат ҳақида у - қандайдир шахсиятсиз зотдир деган тасаввур пайдо бўлмайди, аксинча, бу фалсафа Мутлақ Ҳақиқат тушунчасини моддий қувватнинг таъсир доирасига таркатади. Моддий қувват яратган ҳамма нарсани ҳаёт қувватининг ажралмас таркибий қисми бўлган Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёни орқали Мутлақ Ҳақиқат билан боғлаш мумкин. Парвардигорнинг асл содиқ хизматкори ўзининг атрофидаги ҳамма нарсадан Мутлақ Ҳақиқатга хизмат қилишда фойдаланиб, уларни поклаб руҳий даражага кўтариш санъатини билади. Фақат шу йўл билан - Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёнида - пантеизм таълимотини мукамал поғонага кўтариш мумкин.

21. Эй шоҳ, ҳаммага бир хилда меҳрибон бўлган Парвардигорнинг илоҳий киёфасини шу тарзда эста тутган ҳолда, ҳамиша Унинг жамолини томоша қилиб юриш билан Унинг бевосита раҳбарлиги остида тез вақт ичида Худога садоқат билан хизмат қилиш даражасига эришиш мумкин.

Изоҳ: Сеҳрли йога билан шуғулланиш жараёнида фақат Худога садоқат билан хизмат қилиш орқали муваффақият қозониш мумкин. Ҳамиша ҳамма нарсада Парвардигорни ҳис қилиб юриш имконини берадиган пантеизм қайсидир маънода ақлни Худога садоқат билан хизмат қилишга тайёрлайди, фақат мана шу нарса сеҳргарнинг сеҳрли йогада муваффақият қозонишига имкон беради. Пантеистик дунёқараш туфайли юзага келган ана шу садоқат кейинчалик ривожлана бориб, Худога садоқат билан хизмат қилишга олиб келади, мана шу имперсоналист эришадиган ягона бахт бўлади. "Бхагавад-гита"(12.5)да тасдиқланадики, гарчи охир-оқибатда имперсоналистлар ҳам Парвардигорнинг шахсий жиҳатига мурожаат қилсалар ҳам, имперсоналистнинг руҳий ўзлигини англаб етиши қийинроқ бўлади, чунки у бу мақсадга айланма йўллар билан бораётган инсондир.

22. Шоҳ Парикшит деди: Эй браҳман, менга батафсил тушунтириб берчи, ақлни нимада ва қандай қилиб жамлаш керак, қалбимизни барча иллатлардан поклаш учун ақлни ана шу ҳолатда қандай ушлаб туриш мумкин?

Изоҳ: Шартланган руҳ дучор бўлиб юрган барча мусибатларининг асосий сабабчиси - қалбнинг нопоклигидир. Моддий оламда шартланган руҳ сон-саноксиз мусибатларни бошидан кечиради, лекин, ғофиллик ботқоғига ботган ҳолда у бу мусибатлардан халос бўла олмайди, чунки моддий олам зиндонидида узоқ вақтдан бери тутқун бўлиб юрган даври мобайнида унинг қалбида жуда кўп иллатлар тўпланиб қолган. Аслида Парвардигорнинг амрини бажариш учун яратилган тирик мавжудот қалбида тўпланиб қолган иллатлар туфайли ўзи ўйлаб топган алдамчи истакларига хизмат қилишни афзал билади. Ақлини хотиржам қилиш ўрнига бу истаклар янгидан-янги муаммоларни юзага келтириб, руҳни туғилиб-ўлишлар чархпалагидан чиқармай туради. Кармали фаолият ва эмпирик фалсафий изланишлар юзага келтирган мана шу иллатларининг ҳаммасидан фақат Парвардигор билан ҳамсуҳбат бўлиш жараёнида покланиш мумкин. Парвардигор ҳар нарсага қодир ва бизнинг кўз олдимизда Ўзининг англаб бўлмас қувватларида намоён бўла олади. Мутлақ Ҳақиқатнинг шахсий кўриниши мавжуд эканига ишониши қийин бўлган киши Унинг вират-рупа - шахсиятсиз фазовий киёфасига мурожаат қилиши мумкин. Парвардигорнинг шахсиятсиз фазовий кўриниши Унинг сон-саноксиз қувватларининг намоён бўлишидир. Қувват манбаи ва қувват бир биридан фарқ қилмагани боис ҳатто Парвардигорнинг шахсиятсиз моддий кўриниши ҳам шартланган руҳга У билан билвосита алоқа ўрнатиш имконини беради ва бу билан уни аста-секин Парвардигор билан бевосита ҳамсуҳбат бўлиш поғонасига кўтаради.

Махараж Парикшит аллақачон Парвардигор Шри Кришнанинг шахси билан бевосита боғланган бўлгани учун унинг Шукадева Госвамидан ўзининг ақлини Парвардигорнинг вират-рупа киёфасида қандай қилиб жамлаш ҳақида сўрашининг ҳожати йўқ эди. Лекин, муруқабга қилиш усулининг батафсил таърифини тинглаб туриб, у Парвардигорнинг илм, лаззат ва мангулик мужассам бўлган илоҳий табиатли шахсий киёфасини англаб етишга қодир бўлмаган кишилар манфаатини кўзлаб бу ҳақда савол берди. Имонсиз одамлар Парвардигорнинг шахсий жиҳати ҳақида фикр юритиш имкониятидан маҳрумдирлар. Илми саёзлиги сабабли улар Парвардигор мужассам бўлган Рама, Кришна сингари шахсларнинг мавжудлигини тасаввурига сиғдира олмайдилар. Улар Парвардигорнинг ҳар нарсага қодир эканлигини тушунмайдилар. "Бхагавад-гита"(9.11)да Парвардигорнинг Ўзи айтадики, калтафаҳм аҳмоқ одамлар Уни оддий одамлардан бири деб, Худонинг Олий Шахсининг устидан куладилар. Улар Парвардигорнинг англаб бўлмас қувватлари ҳақида ҳеч нарса бил-

майдилар. Парвардигор Ўзининг англаб бўлмас қувватлари ёрдамида, ҳамиша ҳар нарсага қодир Парвардигор сифатини йўқотмасдан ва илоҳий ҳолатини сақлаб қолган ҳолда инсон киёфасига ёки бошқа ҳар қандай тирик мавжудот киёфасига кира олади. Шунинг учун Парвардигорни Унинг мангу шахсий киёфасида қабул қилишга қодир бўлмаган одамларнинг манфаатини кўзлаб Махараж Парикшит Шукадева Госвамига қандай қилиб тажрибасиз киши ўзининг ақлини Парвардигорда жамлай олиши мумкинлиги ҳақида савол беряпти ва Шукадева Госвами буни навбатдаги шеърда тушунтиради.

23. Шукадева Госвами жавоб бера бошлади: Қулай ҳолатда ўрнашиб ўтириб олган ҳолда пранайама йога усули ёрдамида нафас олиш жараёнини бошқариб, йог ақли ва сезгиларини жиловлаб олиб, тафаккурининг кучи билан ақлини Парвардигорнинг(вират-рупа деб аталадиган) қўпол моддий қувватида мужассам қилиши лозим.

Изоҳ: Моддий фаолиятга ғарқ бўлган ақл шартланган руҳга ўзининг танага қиёслаш сохта тасаввури доирасидан ташқари чиқишга халақит беради, шунинг учун ашаддий имонсиз дунёвий одамлар ақлини Парвардигорда жамлаш, нафас олиш жараёнини бошқариш ва маълум бир ҳолатларга ўтиришдан таркиб топган мураккаб йогаси ёрдамида ўзларининг дунёқарашини, фикрлаш шаклини ўзгартиришлари лозим. Токи имонсиз дунёвий одам ўзининг моддий фаолиятга ғарқ бўлган ақлини покламас экан, у ўзининг фикру-хаёлини илоҳий нарсаларда жамлай олмайди, шунинг учун унга ақлини Парвардигорнинг ташқи, қўпол, моддий кўринишида жамлаш тавсия қилинади. Кейинги шеърларда Парвардигорнинг фазовий киёфасининг ҳар хил қисмларининг таърифи келтирилган. Дунёвий одамлар ўзликни англашнинг мана шу усули ёрдамида ҳар хил сеҳр қудратига эга бўлишга уринадилар, лекин аслида йога билан шуғулланишдан мақсад - қалбда тўпланиб қолган еҳтирос, ғазаб, очкўзлик сингари дунёвий иллатлардан покланишдир. Адашган ва ўзликни англашнинг сеҳрли усулининг қўшимча самараларига маҳлиё бўлиб қолган сеҳргар-йог якуний мақсади Худони англаб етиш бўлган йогада муваффақият қозона олмайди. Ана шундай йогга ўзининг дунёвий нарсаларга чуқур ғарқ бўлиб кетган ақлини Худонинг бошқа жихатида мужассам қилиш ва шу тарзда Парвардигорнинг қувватини англаб етиш тавсия қилинади. Моддий қувват аслида Илоҳий Зотнинг амалда намоён бўлган кўриниши эканини англаб етгандан кейин у ўзликни англашнинг навбатдаги

поғонасига кўтарилади ва шу тарзда аста-секин руҳий ўзлигини тўла англаб етишга эришади.

24. Биз сезгиларимиз ёрдамида ҳис қила оладиган, атрофимиз ўраб турган бутун моддий олам Мутлақ Ҳақиқатнинг танаси ҳисобланади. Унда моддий (вақт)Замон - ўтмиш, ҳозир ва келажак шаклида намоён бўлади.

Изоҳ: Бутун борлик -ҳам моддий, ҳам руҳий - Худонинг Олий Шахсининг қувватининг экспансиясидан бошқа нарса эмас: "Бхагавад-гита"(13.14)да айтилганидек, ҳар нарсага қодир Парвардигорнинг танасининг илоҳий кўзлари, калласи ва бошқа аъзолари ҳамма ерда мавжуд. Унинг даргоҳи мутлақ оламда жойлашган бўлишига қарамай, У истаган жойда Ўзини намоён етишга ва ҳамма нарсани кўриб туришга, эшитишга ва ҳис қилишга қодир, чунки У бутун борлиқнинг ҳамма жойида чексиз кичик алоҳида руҳларнинг қалбидаги Олий Руҳи сифатида ҳам мавжуддир. Нисбий олам ҳам Парвардигорнинг моддий сезгилар сеза оладиган тарзда намоён бўлган кўриниши, чунки бу олам Унинг илоҳий қувватининг экспансиясидан бошқа нарса эмас. Парвардигорнинг Ўзи Ўзининг мангу даргоҳида жойлашган, лекин Унинг қуввати ҳамма нарсага сингиб кетган. Бу борада Уни ўзи бир жойда туриб ҳамма жойга сингиб кетган куёшга ўхшатиш мумкин, чунки куёш нурлари куёшнинг ўзидан фарқ қилмайди ва аслини олганда куёшнинг давоми ҳисобланади. "Вишнупурана"(1.22.52)да Олий Руҳ, Худо Шахсини иссиқлиги ва ёғдуси бир манбадан тараладиган оловга қиёслайдилар, худди шундай Олий Шахсон-саноксиз қувватлари ёрдамида Ўзини ҳамма жойга тарқатиб туради. Биз сезгиларимиз ёрдамида сезиб турган мана шу намоён бўлган баҳайбат коинот - шунчаки Унинг танаси - вират-рупанинг бир қисми, холос. Калтафаҳм одамлар Парвардигорнинг мутлақ табиатга эга бўлган руҳий киёфасини англаб етишга қодир эмаслар, лекин худди яшин, катта тоғ ёки баҳайбат катта банйан дарахти ёввойи одамни ҳайратга солгани сингари, Парвардигорнинг ҳар хил қувватлари уларнинг ақлини лол қилиб қўяди. Ёввойи одамлар арслон ёки филнинг қудратига қойил қолиб ҳайратга тушадилар, чунки улар куч-қуввати билан улардан анча устун турадилар. Парвардигор муқаддас китобларда аниқ-равшан таърифланган бўлишига ва Ўзининг ғаройиб куч-қудратини намоён этиб бу дунёда турли киёфаларда мужассам бўлишига қарамай, асурлар Парвардигорнинг мавжудлигини тан олмайдилар. Гарчи қадим яшаб ўтган Вйасадева, Нарада Муни, Асита, Девала сингари буюк олимлар, кейинроқ Аржун, ҳозирги даврда

эса, Шанкара, Рамануджа, Мадхва ва Парвардигор Чаитанья сингари буюк ачарйалар Уни Худонинг Олий Шахси эканини тан олсалар ҳам, асурлар Худонинг мавжудлигини инкор этадилар. Улар ҳамма нарсани дарров ўз кўзлари билан кўришга интиладилар, уларнинг ана шу истагини бажариш учун уларга Парвардигорнинг баҳайбат моддий танаси(вират)ни томоша қилиш имконияти берилган; улар ўзларидан кучлироқ нарсалар - арслон, фил ёки яшин олдида бош эгишга ўрганиб қолганлари сабабли улар вират-рупа олдида бош эгишлари мумкин. Аржуннинг илтимоси билан Парвардигор Кришна Ўзининг вират-рупа қиёфасини атайлаб асурлар учун намоён этди. Парвардигорнинг баҳайбат моддий қиёфасини кўришга ўрганмаган асл содиқ хизматкорга Унинг шу қиёфасини кўриш учун алоҳида махсус назар керак бўлади. Шунинг учун Парвардигор Кришна Аржунга ана шундай назар ато этган ва унга "Бхагавад-гита"нинг ўн биринчи бобида таърифланган Ўзининг вират-рупа қиёфасини кўрсатган эди. Парвардигор Ўзининг вират-рупа қиёфасини Аржун учун эмас, балки ҳар қандай қаллобни Худо деб қабул қилаверадиган ва бу билан ўзини ҳам, бошқаларни ҳам йўлдан адаштирадиган калтафаҳм одамлар учун намоён этган эди. Ана шундай ҳар қандай қаллобни Худо деб қабул қилишдан олдин калтафаҳм одамлар ундан ўзининг вират-рупа қиёфасини кўрсатишни илтимос қилишлари лозим. Парвардигорнинг вират-рупа қиёфаси бир вақтнинг ўзида ҳам имонсиз атеистларга қарши кураш, ҳам асурларга берилган буюк омад - улар вират-рупа кўринишида Парвардигорни эслаб, ўйлаб юрадилар ва шу тарзда қалбини моддий иллатлардан поклаб, аста-секин Парвардигорнинг илоҳий қиёфасини ҳақиқатан ҳам кўриш имкониятига эга бўладилар. Шу тарзда ҳаммага бир хилда меҳрибон бўлган Парвардигор ашаддий атеистларга ҳам, имонсиз дунёвий одамларга ҳам Ўз марҳаматини кўрсатади.

25. Вират-рупа ғоясининг моҳияти - моддий унсурлардан иборат етти қобиқ билан ўралган Коинот ичида жойлашган Худо Шахсининг баҳайбат фазовий қиёфасидир.

Изоҳ: Парвардигор ҳар хил қиёфаларга эга, уларнинг ҳаммасининг моҳияти Унинг азалий, бошланғич қиёфаси Парвардигор Кришна билан бир. "Бхагавад-гита"да исботланганки, Шри Кришна - Мутлақ Худо Шахси, Парвардигорнинг бошланғич, мангу ва илоҳий қиёфаси, лекин У бутун куч-қувватини ва тўла мустақиллигини сақлаган ҳолда Ўзининг англаб бўлмас ички қуввати(атма-майя) ёрдамида бир вақтнинг ўзида Ўзини сон-саноксиз қиёфаларда

мужассам бўлиб турли кўринишларда таркатади. У тўла бутун, Ундан сон-саноксиз тўла бутун қиёфалар чиқиб тарқалиб турганига қарамай, У ҳеч нарса йўқотмаган ҳолда хаамиша тўла бутун бўлиб қолаверади. Унинг руҳий, ички қуввати ана шундай. "Бхагавад-гита"нинг ўн биринчи бобида таърифланганидек, Парвардигорни инсон қиёфасида англаб ета олмайдиган калтафаҳм одамларни Худо Шахси Парвардигор ҳақиқатан ҳам Мутлақ Олий Шахс деб аталишга ҳақли эканига ва ҳеч ким У билан тенглаша олмаслигига ишонтириш учун Парвардигор Кришна Ўзининг вират-рупа қиёфасини намоён этди. Гарчи коинот ҳақида жуда кам маълумотга эга бўлсалар ҳам, дунёвий одамлар ўлчами куёшга тенг бўлган сон-саноксиз сайёралардан таркиб топган баҳайбат коинотнинг тасвирини чизадилар. Улар фақат бошлари устида турган осмонни кўрадилар, лекин улар бу коинот ҳам бошқа юз минглаб коинотлар сингари, сув, олов, ҳаво, осмон, эго, ноумен???(сохта ўзлик)дан таркиб топган етти моддий қобиқ билан ўралган эканини билмайдилар; коинот худди катта копток сингари, Парвардигор Маха-Вишну қиёфасида ястаниб ётган Сабаблар уммонининг сувлари устида сузиб юради. Коинотларнинг уруғлари Парвардигорнинг тўлиқ бўлмаган экспансияси ҳисобланган Маха-Вишну нафас чиқарган пайтда дунёга келади ва кейин, Маха-Вишнунинг нафас олиши пайтида барча коинотлар уларни бошқариб турган Брахмалар билан бирга яна мавҳумликка ғарқ бўладилар. Шу тарзда Парвардигорнинг амри билан моддий оламлар яралади ва яқсон бўладилар. Ўзи ўлимга маҳкум бўлган ҳолда шундай қудратли Парвардигорга қарши чиқадиган оддий бир кишининг гапларига ишониб, уни Парвардигорнинг мужассам бўлган қиёфаси деб эълон қилиш учун имонсиз бахтиқаро дунёвий одам қай даражада аҳмоқ бўлиши керак! Парвардигор фақат ана шундай ғофил онгсиз одамларга сабоқ бериб ақлини киритиб қўйиш учун вират-рупа қиёфасини намоён этган; Худонинг мужассам бўлган қиёфаси деб фақат Парвардигор Кришнага ўхшаб вират-рупа қиёфасини намоён эта оладиган Зотни тан олиш мумкин. Шукадева Госвамининг маслаҳати билан дунёвий одам ўз манфаати учун Парвардигорнинг баҳайбат(вират) қиёфасида мужассам қилиши мумкин, лекин у ўзини Парвардигор Кришна деб юрган, лекин Кришна кўрсатган кароматларни кўрсата олмайдиган ёки ўзида бутун коинотни мужассам қилган вират-рупа қиёфасини намоён эта олмайдиган кишилардан эҳтиёт бўлиши лозим.

26. Шунинг англаб етган киши Патала деб аталадиган сайёралар тизими Олам Парвардигорининг пойи қадамларини, Расатала сайёра-

лар тизими эса - оёғининг товони ва бармоқларини ташкил этишини биледи. Махатала тизими - Унинг тўпиклари, Талатала сайёралар тизими эса - Унинг қуймучидир.

Изоҳ: Моддий сезгилар билан сезадиган коинот фақат Худонинг Олий Шахсининг танасининг ичида мавжуд. "Бхагавад-гита"(9.4)да айтилганидек, намоён бўлган бутун борлиқ Унинг ичида жойлашган, лекин бу дунёвий одамнинг кўз олдида намоён бўлиб турган ҳамма нарса Олий Шахс дегани эмас. Фазовий қиёфа дунёвий одамга Парвардигор ҳақида фикр-мулоҳаза юриши имконини беради, лекин у билиши лозимки, бутун оламга "мен ҳукмронлик қилишим лозим бўлган даргоҳ" деб қарашнинг Худони англаб этишга интилиш билан ҳеч қандай алоқаси йўқ. Дунёвий одамларнинг қалбидаги моддий табиатга ҳукмронлик қилиш истаги Парвардигорнинг уларни адаштириб қўядиган ташқи қуввати таъсири остида юзага келган. Шунинг учун Олий Ҳақиқатни англаб этишни истаган киши Парвардигорнинг фазовий қиёфаси ҳақида фикр юритар экан, қалбида Унга хизмат қилиш истагини ривожлантириши лозим. Токи инсон қалбида Худого хизмат қилиш истагини ривожлантирмас экан, вирач-рупага муруқабат қилиш у кутилган натижага эриша олмайди. Ўзининг мужассам бўлган қиёфаларидан бирортасида илоҳий табиатли Парвардигор моддий оламнинг бир қисми бўлмайди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам У Олий Рух бўлиб қолаверади ва ҳеч қачон уч моддий сифатнинг таъсири остига тушиб қолмайди, чунки барча моддий нарсалар булганган бўлади. Парвардигор ҳамиша Ўзининг ички қувватида мавжуд.

Коинот ўн тўрт сайёралар тизимидан иборат. Улардан бир биридан юқорида жойлашган мана шу еттигаси - Бхур, Бхувар, Свар, Махар, Джанас, Тапас ва Сатъя - олий сайёралар тизими ҳисобланади. Етти қуйи сайёралар тизими бир биридан паст тартибда қуйидагилар ҳисобланади: Атала, Витала, Сутала, Талатала, Махатала, Расатала ва Патала. Мазкур шеърда вирач-рупанинг таърифи Парвардигорнинг қуйи қисмидан бошланган, чунки Худонинг содиқлари Парвардигорнинг танасини Унинг пойи қадамидан бошлаб таърифлашга одатланганлар. Шукадева Госвами бу ерда ана шу қоидага риоя қилади.

27. Сутала сайёралари тизими - Парвардигорнинг фазовий қиёфасининг тиззаларидир, Витала ва Атала сайёралар тизими эса - Унинг сонлари. Унинг жинсий аъзоси - Махитала тизими, фазо эса, Унинг қорнидир.

28. Азалий Шахсининг фазовий қиёфасининг кўксини - нур сочувчи сайёралар тизими, бўйнини - Махар сайёралари, оғзини - Джанас сайёралари, пешонасини - Тапас сайёралар тизими ташкил қилади. Олий сайёралар тизими, Сатъялока, минглаб каллалари бўлган Зотнинг калласидир.

Изоҳ: Қуёш ва Ой ёритгичлари коинотнинг деярли энг марказида жойлашган, шунинг учун Парвардигорнинг азалий баҳайбат қиёфасининг кўкси ҳисобланади. Жаннатий, яъни фаришталар, коинот ҳукмдорлари яшайдиган даргоҳ деб аталадиган ёритгич сайёралардан юқорида Махар, Джанас ва Тапас сайёралар тизими жойлашган, улардан юқорида эса, моддий табиатнинг уч гунасининг ҳукмдорлари - Парвардигор Вишну, Маъбуд Браҳма ва Шива яшайдиган Сатъялока сайёралар тизим жойлашган. Ана шу Вишнунинг Кширодакашайи Вишну деб атайдилар, У Олий Рух кўринишида ҳар бир тирик мавжудот қалбида яшайди. Сабаблар уммонида сон-саноксиз коинотлар сузиб юради, уларнинг ҳар бирида Ўзининг қуёшлари, ойлари, фаришталари, Браҳма, Вишну ва Шивалари билан бирга Парвардигорнинг вирач қиёфаси намоён бўлган.

"Бхагавад-гита"(10.42)да тасдиқланганидек, уларнинг ҳаммаси биргаликда Парвардигор Кришнанинг англаб бўлмас қувватининг арзимас бир қисмини ташкил этади.

29. Индра бошлиқ фаришталар - Унинг қўлларидир. Оламнинг ўн тарафи - Унинг қулоқлари, моддий товуш - Унинг эшитиш қобилияти. Икки Ашвини Кумар - Парвардигорнинг шу қиёфасининг бурун тешиклари, моддий ҳидлар эса - Унинг ҳид билиш қобилиятидир. Ёниб турган олов - Парвардигорнинг оғзидир.

Изоҳ: "Бхагавад-гита"нинг ўн биринчи бобида таърифланган Худо Шахсининг фазовий қиёфаси "Шримад Бхагаватам"нинг мазкур шеърда батафсилроқ муҳокама қилинган. "Бхагавад-гита"(11.30)да у шундай таърифланган: "О Вишну, мен Сенинг Ўзингдан таралаётган чексиз ёғду билан оламларни қуйдириб ва Коинотни ёритиб, олов уфуриб турган оғизларинг билан одамларни ютиб юбораётганини кўриб турибман". Шунинг учун аввал "Бхагавад-гита" илмини тўлиқ ўрганиб бўлгандан кейин "Шримад Бхагаватам" илмини ўрганишга киришиш лозим. "Бхагавад-гита"да ҳам, "Шримад Бхагаватам"да ҳам Мутлак Ҳақиқат, Кришна ҳақидаги илм баён этилган, демак, улар бир бири билан ўзаро боғлиқ асарлардир.

Вират-пуруша, Парвардигорнинг бахайбат қиёфаси таркибига барча ҳукмдор фаришталар ва уларга қарам тирик мавжудотлар қиради. Ҳатто тирик мавжудотнинг энг кичик таркибий қисмини ҳам Парвардигорнинг вакиллари бошқариб туради. Фаришталар Парвардигорнинг фазовий қиёфасининг таркибига киргани сабабли, худди дарахтнинг илдизига сув қуйиш билан биз унинг танасини ҳам, шоха ва баргларини ҳам озиклантирганимиз сингари, Парвардигорга сиғинишнинг ўзи - Унинг мана шу моддий фазовий қиёфасида ёки мангу илоҳий Шри Кришна қиёфасида - барча фаришталарни ва Парвардигорнинг бошқа барча таркибий қисмларини ҳам мамнун қилиш демақдир. Шунинг учун ҳатто Парвардигорнинг фазовий қиёфасига сиғиниб юрган дунёвий одам ҳам тўғри йўлда юрган киши ҳисобланади. Ўзининг шахсий манфаатларини кўзлаб инсон сон-саноксиз фаришталарга сиғинишнинг ишончсиз хатарли йўлини танламаслиги лозим, бу йўл уни боши берк кўчага киритиб қўяди. Ягона аниқ Зот - Парвардигорнинг Ўзи, қолган зотларнинг ҳаммаси сароб, хом-хаёл ўйлаб топилган нарсалардир, чунки бутун борлиқ ана шу ягона Парвардигорнинг ичида мужассам.

30. Коинотдаги горизонт(уфқ) Унинг кўз жойлари, Қуёш эса Унинг кўзи тимсолидир. Унинг киприклари - тун ва кун, Унинг қошларининг ҳаракати - Брахма ва бошқа буюк шахслар даргоҳидир. Унинг танглайи - сув фариштаси Варуна, бутун борлиқнинг мағзи, моҳияти эса, - Унинг тилидир.

Изоҳ: Мазкур шеърда келтирилган таърифлар соғлом фикрга, мантиққа тўғри келмаслиги мумкин, чунки бу ерда аввалига Парвардигорнинг фазовий қиёфасининг кўзлари деб уфқ айtilган, кейин эса - қуёш. Лекин, шастраларнинг таълимоти биз соғлом фикр деб атайдиган мантиқнинг чекланган чегараларига сиғмайди. Биз шастраларда келтирилган таърифларни қабул қилишимиз ва мантиқ, соғлом фикр ҳақида эмас, кўпроқ вират-рупа ҳақида ўйлаш керак. Соғлом фикр мукамал эмас, нуқсонли. Парвардигорнинг шастраларда келтирилган таърифи эса, мукамал ва тўла бутундир. Агар биз уларда бирор зиддият ҳис қилсак, бунга шастра эмас, ўзларимизнинг мукамал эмаслигимиз сабабчи бўлади. Ведавий донишмандлик илмини англаб етиш усули шундан иборат.

31. Ведавий мадҳиялар - Худо Шахсининг мияси, Унинг жағлари - гуноҳкорларни азоблайдиган ажал фариштаси Ямараж(Азроил)дир. Севиш санъати - Унинг тишларидир, бу алдамчи жилвагар моддий

қувват(майя) эса - Парвардигорнинг табассумидир. Биз кўриб турган бу моддий борлиқ уммони - Унинг бизга ташлаб турган нигоҳидир.

Изоҳ: Ведаларда айtilганидек, моддий олам Парвардигорнинг бу ерда алдамчи ва жилвагар моддий қувватга ташлаган нигоҳи натижасида юзага келади. Моддий қувват мафтун қилиб қўйган шартланган руҳлар англаб олишлари лозимки, ўткинчи моддий олам - шунчаки ҳақиқий мавжудликка тақлид қилишдир, Парвардигорнинг алдамчи нигоҳи сеҳрлаб қўйган зотлар гуноҳкорларнинг ҳукмдори бўлган Ямаражнинг ҳукми остига тушиб қоладилар. Парвардигорнинг майин табассуми Унинг тишларини очади. Парвардигор ҳақидаги ана шу ҳақиқатни англаб етган фаросатли киши ўзини бутунлай Унга топширади.

32. Камтаринлик - Парвардигорнинг юқори лабидир, шижоатли истак эса - Унинг ияги, (ҳақиқий)дин - Унинг кўкраги, динсизлик эса - Унинг елкасидир. Моддий оламдаги барча тирик мавжудотларни яратувчи Брахма - Парвардигорнинг жинсий аъзоси, Митра-Варуналар эса - Унинг икки мойғидир. Океан - Унинг бели, тоғ ва адирлар - Унинг гавдасидир.

Изоҳ: Калтафаҳм файласуфларнинг фикрига зид равишда Парвардигор шахсиятсиз эмас. У - Олий Шахс, буни барча ишончли ҳақиқий ведавий муқаддас китоблар тасдиқлайди. Лекин Унинг шахси бизларнинг шахс ҳақидаги тасаввурларимизга тўғри келмайди. Бу ерда айtilганки, Брахма Унинг жинсий аъзоси вазифасини бажаради, Митра-варуна фаришталари эса, Унинг мойғларидир. Демак, Унинг танаси барча зарурий аъзолардан таркиб топган, лекин улар бизларнинг аъзолардан фарқ қилади ва бошқача имкониятларга эга. Шунинг учун Парвардигорни шахсиятсиз деб айтганларида шуни тушуниш лозимки, Унинг шахси бизларнинг шахс ҳақидаги умуман мукамал бўлмаган тасаввурларимизга мос келмаслиги назарда тутилади. Парвардигорга ҳатто тоғ ва адирларда, океан ва осмонда ҳам Унинг бахайбат танаси - вират-пурушанинг таркибий қисмларини кўриб туриб ҳам сажда қилиш мумкин. Парвардигор Кришнанинг Аржунга намоён этган вират-рупа қиёфаси - барча имонсиз одамларга қарши чақириқдир.

33. Эй шох, дарёлар Худо Шахсининг вена(қон томирлари)дир, дарахтлар - Унинг бахайбат танасининг туклари, қудратли шамол - Унинг нафасидир. Ўтаётган замон -

Парвардигорнинг ҳаракати, Унинг кароматлари эса - моддий табиатнинг уч гунаси(сифати)нинг ўзаро ҳаракатларидир.

Изоҳ: Худо Шахси, Парвардигор - жонсиз тош эмас. У баъзи бир фалсафий мактабларнинг таълимотида асоссиз равишда таърифланганидек, фаолиятсиз эмас. Унинг ҳаракати замон оқими, даврга мос келади, шунинг учун Унга Ўзининг ҳозирги фаолияти ҳақида ҳам, ўтмиш ва келажак ҳақида ҳам ҳамма нарса маълум. У ҳамма нарсани билади. Шартланган руҳларни моддий табиат гуналари бошқаради, уларнинг ўзаро ҳаракати Парвардигорнинг фаолияти ҳисобланади. "Бхагавад-гита"(7.12)да айтилганки, табиат гуналари Унинг назорати остида ҳаракат қилади, демак, табиатда ҳеч нарса тасодифан ёки ўзидан ўзи содир бўлмайди. Бутун борликни ҳаракатга келтириб турадиган куч - Парвардигорнинг иродасидир, демак, одамлар орасидаги гапларга зид равишда У ҳеч қачон ҳаракатсиз бўлолмайди. Ведаларда айтилганки, худди барча катта лавозим эгаллаб турган зотлар сингари Парвардигорнинг Ўзи бирор иш қилиши шарт эмас: ҳамма иш Унинг кўрсатмаси билан амалга ошади. Агар Худо хоҳламаса, ҳатто майса ҳам қимирламайди. "Брахма-самхита"(5.48)да айтилганки, барча коинотларнинг ҳамда уларнинг ҳукмдорларининг умри Унинг бир марта нафас олиши билан чекланган. Буни мазкур шеър ҳам тасдиқлаб турибди. Коинот ва сайёралар учиб юрган ҳаво - тенгсиз вират-пурушанинг нафас чиқарганида юзага келган ҳавосининг бир бўлагидир. Шунинг учун ҳатто дарёларни, дарахтларни, ҳавони ва ўтаётган даврларни ўрганиш жараёнида ҳам Худо Шахсини англаб етиш ва Парвардигор ҳақидаги У қандайдир шахсиятсиз зот деган сохта тасаввурлар чангалига тушиб қолмаслик мумкин. "Бхагавад-гита"(12.5)да айтилганки, Парвардигорнинг шахсий қиёфасини англаб етишга қодир бўлган кишиларга нисбатан Олий Ҳақиқатнинг шахсиятсиз кўриниши ўзига мафтун қилган кишилар руҳий юксалиш йўлида жуда кўп тўсиқларга дуч келдилар. Унинг хоҳиш иродасисиз ҳатто майса ҳам қимирламайди. "Брахма-самхита"(5.48)да айтилганки, барча коинотларнинг ҳамда уларда ҳукмдор бўлиб турган зот(Брахма)ларнинг мавжудлик даври Парвардигорнинг бир нафас олиш даври билан чекланган. Буни мазкур шеър ҳам тасдиқлаб турибди. Коинот ва сайёралар муаллақ сузиб юрган ҳаво тенгсиз вират-пурушанинг нафасининг бир қисмидан бошқа нарса эмас. Шунинг учун ҳатто дарё, дарахт, ҳаво ва ўтаётган замонларни ўрганиб ҳам Худо Шахсини англаб етиш ва Парвардигор ҳақидаги "У қандайдир шакл-шамойилсиз Зот" деган сохта тасаввурлар чангалига тушиб қолмаслик мум-

кин. "Бхагавад-гита"(12.5)да ҳам тасдиқланадики, Олий Ҳақиқатнинг шахсиятсиз кўриниши кўпроқ маҳлиё қиладиган кишилар ақли Парвардигорнинг шахсий қиёфасини англаб етишга қодир бўлган зотларга нисбатан руҳий юксалиш йўлида кўпроқ қийинчиликларга дучор бўладилар.

34. Эй Курулар аълоси, намлик келтирувчи булутлар - Парвардигорнинг бошидаги сочлардир, тонг ва оқшом - Унинг либоси, моддий олам яралишининг бирламчи сабаби - Унинг тафаккури, Унинг ақли - барча ўзгаришлар манбаи бўлган Ойдир.

35. Билимдон кишиларнинг фикрига кўра, модданинг асоси бўлган махат-таттва - ҳамма ерда мавжуд бўлган Парвардигорнинг онги, Рудрадева эса - Унинг Ўзлиги. От, эшак, туя ва фил - Унинг тирноқлари, барча ёввойи ва тўрт оёқли хайвонлар Унинг белида жойлашган.

36. Турли-туман қушлар - Унинг бенуксон нозик дидининг намоён бўлишидир. Инсоният бобокалони Ману эса - Унинг тафаккури тимсолидир, инсоният эса - Унинг даргоҳидир. Инсон қиёфасидаги жаннат аҳолиси: гандҳарвалар, видйадҳаралар, чараналар ва фаришталар - Парвардигорнинг Ўзига хос мусиқий туйғусининг намоён бўлишидир, урушқоқ иблислар эса Парвардигорнинг тенгсиз жасоратини намоён этади.

Изоҳ: Парвардигорнинг эстетик диди У яратиб қўйган ранг-баранг чиройли қушларда намоён бўлади: товус, тўтиқуш, какку ва ҳоказо. Инсон қиёфасидаги жаннат аҳолиси - гандҳарва ва видйадҳаралар - ўзларининг куйлари билан ҳатто жаннатдаги фаришталарни ҳам лол қолдирадилар. Уларнинг қўшиқ куйлаш мароми(???) Парвардигорнинг мусиқий (слух) нозик дидини англатади. Шундай экан Парвардигор шахсиятсиз бўлиши мумкинми? Мусиқий ва ижодий бадий нозик дид ҳамда бенуксон тафаккур шуни кўрсатадики, У - олий шахс. "Ману-самхита" - инсонлар жамиятининг мумтоз қонунлар комусидир, ҳар бир инсон ўзининг ҳаётида инсонлар жамиятининг тизими ҳақидаги маълумотлар тўпланган ана шу буюк китоб раҳбарлиги остида яшаши лозим. Инсонлар жамияти - Парвардигорнинг даргоҳидир (Парвардигорнинг даргоҳи бўлмаган жамият - инсонлар жамияти эмас), шу боис инсоннинг вазифаси Худони таниш ва У билан ҳамсуҳбат бўлишдан иборат. Инсон ҳаёти шартланган руҳга ўзининг азалий илоҳий онгини қайта тиклаш ва шу билан ҳаётда ўзининг асосий бурчини бажариш имко-

нини беради. Прахлад Махараж - Парвардигорнинг асурлар хонадонида дунёга келган ҳақиқий вакили. Барча тирик мавжудотлар Парвардигорнинг баҳайбат танаси ичида жойлашган, уларнинг ҳаммасининг олий танага нисбатан бажариши лозим бўлган ўзига хос, бурч ва мажбуриятлари бор. Ҳар бир тирик мавжудотнинг ўз бурчини бажаришдан бош тортиши албатта ўзаро келишмовчиликка олиб келади, лекин одамлар Парвардигор билан ўзаро муносабатларини қайта тикласалар, барча тирик мавжудотлар - ҳатто ёввойи ҳайвонлар ва одамлар орасида ҳам, - ўзаро уйғунлик юзага келади. Парвардигор Чaitанйa Маҳaпрабху Мадхйa-Прадеш ўрмонида барча тирик мавжудотларнинг бирлигини намоиш этгани, шунда ҳатто арслонлар, филлар ва бошқа ёввойи ҳайвонлар У билан бирга Парвардигорни олқишлаб куйлаганлар. Бутун оламда мустаҳкам тинчлик ва осойишталик ўрнатилишига олиб келадиган ягона йўл шундан иборат.

37. Брахманлар - Вират-пурушанинг юзи, кшатрийлар - Унинг қўллари, вайшьялар - Унинг сони, шудралар эса пойи қадамлари соясидадирлар. Бу дунёда одамлар сиғиниб юрган фаришталарнинг ҳаммаси Парвардигорнинг ҳукми остида, шу боис, ҳар бир инсоннинг бурчи - Парвардигорнинг марҳаматига эришишни ниятида ҳамма нарсани қурбонлик сифатида эҳсон қилиб қурбонлик маросими ўтказишдир.

Изоҳ: Аслини олганда мазкур шеърда монотеизм доктринаси олға сурилган. Ведавий муқаддас китобларда ҳар хил номлар билан аталадиган турли фаришталарга атаб қурбонлик маросими ўтказиш тавсия қилинган, лекин, бу ерда айтилганки, сон-саноксиз фаришталарнинг ҳаммаси Худонинг Олий Шахсининг фазовий қиёфасининг таркибий қисмидир. Уларнинг ҳаммаси - азалий тўла бутуннинг ажралмас бўлақларидир. Инсонлар жамиятини ташкил этадиган барча табақалар - брахманлар, кшатрийлар, вайшьялар ва шудралар - ҳам Парвардигорнинг танаси ичида, шу боис ҳаммага ягона Парвардигорни мамнун қилиш мақсадида қурбонлик маросими ўтказиш тавсия қилинган. Одатда қурбонлик маросими ўтказиш учун сариёғ ва дон ишлатилади, лекин ҳозирги даврда одамлар Парвардигор бериб қўйган неъматлардан фойдаланиб жуда кўп нарсаларни ишлашни ўрганиб олганлар. Шунинг учун Парвардигорнинг шон-шухратини ошириш учун инсоният ҳозирги даврда қурбонлик маросими ўтказишда фақат сариёғ ва дон маҳсулотлари эмас, балки ўзлари ишлаб чиқарадиган нарсаларнинг ҳаммасидан фойдаланишни ўрганишлари лозим.

Шундагина инсонлар жамияти муқаммал поғонага кўтарилади. Брахманлар аввал яшаб ўтган ачарйаларнинг кўрсатмаларига асосланиб қурбонлик маросими ўтказиш ишларига раҳбарлик қиладилар. Ҳукмдорлар қурбонлик маросими ўтказиш учун уларга зарур бўлган ҳамма нарсани тайёрлаб берадилар, вайшьялар ўзлари етиштирган маҳсулотлардан эҳсон қиладилар, шудралар эса, ўзларининг жисмоний меҳнатлари билан қурбонлик маросимини муваффақият билан ўтказишга ёрдам берадилар. Шу тариқа бир бирлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиб жамиятдаги барча табақа вакиллари ҳозирги давр учун мўлжалланган қурбонлик маросими - Ер юзининг бутун аҳолисининг бахтсаодати учун Парвардигорнинг муқаддас номини биргаликда куйлаш маросимини ўтказишлари мумкин.

38. Шундай қилиб, мен сенга Худо Шахсининг моддий унсурлардан таркиб топган фазовий қиёфасини таърифлаб бердим. Озодликка чиқишга жиддий интилаётган киши ақлини Парвардигорнинг мана шу қиёфасида мужассам қилади, чунки бу моддий оламда ундан ўзга бирон нарса мавжуд эмас.

Изоҳ: "Бхагавад-гита"(9.10)да Худонинг Олий Шахси айтадики, моддий табиат фақат Унинг амрини бажаради. У Парвардигорнинг сон-саноксиз қувватларидан бири бўлиб фақат Унга бўйсунди. Олий лаззатланувчи Парвардигор бўлган ҳолда У Ўзининг бир нигоҳи билан моддий табиатни ҳаракатга келтиради, бунинг натижасида юзага келган ҳаракатлар эса, кетма-кет ўзгаришларнинг олти босқичидан ўтиб, бирин кетин намоён бўла бошлайди. Шу тарзда, вақти келганда пайдо бўлиб, вақти келганда яқсон бўлиб турадиган бутун моддий борлик ҳаракатга келади.

Парвардигор Шри Кришнанинг Унга бу дунёда инсон қиёфасида пайдо бўлиш имконини берадиган англаб бўлмас қуввати мавжудлиги ҳақидаги фикр илми саёз одамларнинг тасаввурига сиғмайди(Бг.9.11). У моддий оламга худди бизларнинг биттамитга ўхшаган қиёфада келади, бунда ҳам Унинг адашган руҳларга кўрсатаётган бесабаб марҳамати намоён бўлади. Парвардигор ҳар қандай моддий тасаввур, тушунчага нисбатан илоҳий табиатга эга, лекин асл содиқларига Ўзининг бесабаб марҳаматини кўрсатиб, У ер юзига келади ва Ўзини Худо Шахси кўринишида намоён этади. Атом қуввати ва баҳайбат фазовий қиёфага қаттиқ боғланиб қолгани туфайли дунёвий файласуфлар ва олимлар руҳий мавжудликнинг илоҳий моҳиятидан кўра моддий мавжудликнинг сезгилар орқали сезиладиган ташқи кўринишига кўпроқ эътибор берадилар. Парвар-

дигорнинг илохий қиёфаси моддий фаолият қонунларига бўйсунмайди, шу боис, дунёвий файласуфлар ва олимлар ҳамма нарса ҳақида фақат ўзларининг чекланган тажрибаларига таянган ҳолда фикр юритадилар, қандай қилиб Парвардигор бир вақтнинг ўзида ҳам ҳар ерда мужассам, ҳам ҳамма жойга сингиб кетган бўла олишини тушуниш улар учун жуда мушкул. Улар Парвардигорнинг шахсий жиҳати мавжуд бўлишини тан олишга қодир эмаслар, шунинг учун Парвардигор уларга чексиз марҳамат кўрсатиб Ўзининг илохий қиёфасининг вираат(бахайбат) кўринишини намоён этади, бу ерда Шукадева Госвами Парвардигорнинг ана шу қиёфасини ажойиб таърифлаб берган. У хулоса қилиб айтадики, Парвардигорнинг ушбу бахайбат кўриниши бутун борлиқни ўз ичига олади. Бирор дунёвий файласуф бахайбат фазовий қиёфа ғояси чегарасидан ташқари чиқишга қодир эмас. Дунёвий одамларнинг нотинч ақли ҳамиша бир нарсдан иккинчи нарсага ўтиб юради. Шунинг учун уларга Парвардигорнинг бахайбат танасининг у ёки бу қисми ҳақида фикр юритиб, ҳамиша Парвардигор ҳақида ўйлаб юриш тавсия қилинади. Шунда инсон фақат ўз тафаккури ёрдамида намоён бўлган моддий оламнинг ҳамма жойида: ўрмонларда, тоғларда, океанларда, одамларда, ҳайвонларда, фаришталарда, қушларда Худонинг борлигини ҳис қилиб юра олади. Намоён бўлган моддий оламнинг ҳар бир зарраси Парвардигорнинг бахайбат танасининг бир қисми ҳисобланади, шу боис улар нотинч ақлини ҳамиша фақат Парвардигорда мужассам қилиш имконини беради. Ақлини Парвардигорнинг танасининг ҳар хил қисмларида мужассам қилиб дунёвий одам аста-секин ўзининг иблисларга хос жанговор имонсизлигидан халос бўлади, шунда унинг қалбини Худога садоқат билан хизмат қилиш истаги камраб олади. Бутун борлиқ Тўла Бутуннинг ажралмас қисми бўлгани сабабли янги содиқ вақти келиб, Парвардигор ҳамма жойда мавжуд эканини шу боис ҳар бир инсон ҳаётда Унинг танасини ҳақорат қилиб қўймасдан ҳаракат қилишга ўрганиши лозимлигини эълон қиладиган "Ишопанишад" мадҳияларининг мазмунини тушуниб этади. Ҳамиша ёнида Парвардигор мавжудлигини ҳис қилиб юриш инсонга ўзининг манманлигини жиловлаб олишга ёрдам беради ва қалбидаги Худонинг ҳамма жойда мавжудлиги борасидаги гумонлардан халос этади. Инсон шу тарзда бутун борлиқдаги ҳамма нарсага эҳтиром кўрсатиб яшашни ўрганади, чунки биз атрофимизда кўриб турган нарсаларнинг ҳаммаси Парвардигор танасининг бир қисмидир.

39. **Худди тушида ўзини ҳар турли қиёфаларда кўрадиган оддий одам сингари, ақлини Ўзини ҳар хил қиёфаларда намоён этадиган Худонинг Олий Шаҳсида мужассам қилиш керак. Ақлини фақат Унда - лаззатга тўла ягона Мутлақ Ҳақиқатда мужассам қилиш лозим. Бундай қилмаган киши ҳақиқат йўлидан адашиб, ўзининг тубанликка юз тутишига ўзи сабабчи бўлиб қолади.**

Изоҳ: Буюк Госвами Шрила Шукадева Госвами мазкур шеърда Худога садоқат билан хизмат қилиш ҳақида гапиради. У бизларга тушунтиришга ҳаракат қиладиги, ўзлиқни англашнинг турли усулларига чалғиб юргандан кўра, биз ақлимизни Худонинг Олий Шаҳсида - англаш, сиғиниш ва садоқат билан хизмат қилиш лозим бўлган олий Зотда мужассам қилишимиз лозим. Ўзлиқни англаш йўлига кириш - тирикчилик учун курашни тарк этиш ва мангу ҳаётга эришиш учун курашишга кириш демакдир, шу боис Парвардигорнинг ташқи қуввати йог ёки содиқ хизматкорни яна моддий оламда тутқун қилиб олиш учун бу шижоатли жангчига кўплаб алдамчи нарсаларни таклиф этади. Йог ўзининг моддий қобилиятларини ривожлантиришда ҳайратланарли натижаларга, масалан, унга ўз истаги билан энг кичик нарсдан кичик бўлиш ва энг енгил нарсдан енгил бўлиш имкониятини берадиган анима ва лағхимага эриша олади. Моддий қувватнинг бундай найранглари содиқ хизматкорга моддий бахт - бойлик ва аёллар кўринишида ҳам келиши мумкин. Лекин мазкур шеърда Шрила Шукадева Госвами моддий лаззатларнинг ана шундай чангалига яна тушиб қолиш - тубанликка юз тутиш ва моддий олам зиндонида қамоқ жазосини ўташда давом этиш эканини эслатиб, бизларни огоҳлантириб қўйяпти. Шуни назарда тутган ҳолда инсон ҳаётда фақат ўзининг зийрак тафаккурига қулоқ солиши лозим.

Парвардигор битта, ягона, лекин У Ўзини жуда кўп экспансияларда таркатади, демак, У - бутун борлиқнинг Олий Руҳи. Бизнинг нигоҳимиз бирор нарсага тушганида биз бу назаримиз иккиламчи эканини, Парвардигорнинг нигоҳи эса бирламчи эканини эса тутишимиз лозим. Ведалар ва Упанишадаларда аввал Парвардигор кўрмаган нарсани кўришнинг иложи йўқ дейилган. Шунинг учун биз нимаики қилсак ҳам, нимани кўрсак ҳам, барча ҳаракатларимизнинг ёки кузатишимизнинг Олий Руҳи ҳамиша Парвардигор бўлиб қолаверади. Алоҳида руҳнинг Олий Руҳ билан бир вақтнинг ўзида бирлиги ва бир биридан фарқ қилиши ҳақидаги таълимотни - ачинтйа-бхеда-бхеда татва фалсафасини Парвардигор Шри Читанйа Махапрабху тарғибот қилган. Вират-рупа, Пар-

вардигорнинг фазовий қиёфаси моддий оламда намоён бўлган ҳамма нарсага ўз ичига олади, демак, вират - барча жонли ва жонсиз нарсаларнинг Олий Руҳи. Лекин, вират-рупа шунингдек Нарайананинг, Вишнунинг намоён бўлган қиёфасидир, шунинг учун инсон ўзининг нуқтаи-назарини ривожлантира бориб, аста-секин бутун борлиқнинг азалий Олий Руҳи - Парвардигор Кришна эканини англаб етади. Демак, инсон ҳеч иккиланмасдан ўзини бошқа бировга эмас, балки фақат Парвардигор Кришнага, яъни Унинг Нарайана экспансиясига садоқат билан хизмат қилишга бағишлаши лозим. Ведавий мадҳияларда аниқ айтилганки, Нарайана моддага нигоҳ ташлайди, натижада оламнинг яралиши бошланади. Олам яралишидан олдин бошқалар нари турсин, ҳатто на Браҳма, на Шива мавжуд эмасди. Шрипада Шанкарачарйа ҳеч иккиланмасдан тан олганки, Нарайана моддий оламдан ташқарида мавжуд қолган ҳамма нарса унинг ичида. Шунинг учун моддий олам бир вақтнинг ўзида ҳам Нарайана билан бир, ҳам Ундан фарқ қилади, буни Парвардигор Шри Чаитанйа Махапрабхунинг ачинтйа-бхеда-абхеда-таттва фалсафаси тасдиқлайди. Нарайананинг нигоҳининг қуввати яратган борлиқ сифатида моддий олам Парвардигордан фарқ қилмайди. Лекин, оламини Парвардигорнинг ташқи қуввати(бахиранга майа) яратгани ва у Парвардигорнинг ички қувватидан алоҳида бўлгани туфайли айни пайтда Парвардигордан фарқ қилади. Мазкур шеърда туш кўриш жуда ўринли мисол сифатида келтирилган. Инсон тушида турли хил вазиятларни юзага келтиради ҳамда унда шунчаки томошабин бўлиб қолмасдан ўзида уларнинг оқибатларини ҳис қилиб унинг фаол иштирокчисига айланади. Аслида моддий олам Парвардигорнинг кўраётган тушига ўхшайди, лекин, бизлардан фарқли равишда У илоҳий Олий Руҳ сифатида ўзининг туши бўлган бу оламнинг таъсири остига тушиб, унинг оқибатларига ўралашиб қолмайди. Гарчи ҳамма нарса Унда мужассам ва Ундан ажралган ҳолда ҳеч нарса мавжуд бўлмаса ҳам, У ҳаммаша ўзининг илоҳий ҳолатини эгаллаб туради. Унинг бир зарраси бўлган ҳолда инсон бошқа бирор нарсага чалғимасдан ўзининг бутун фикру-хаёлини фақат Унда мужассам қилиши лозим. Акс ҳолда у албатта моддий оламнинг ҳар хил қувватлари таъсири остига тушиб қолади. "Бхагавад-гита"(9.7)да бу шундай тасдиқланади: "Эй Кунтининг ўғли, охир замон келганда намоён бўлган барча моддий нарсалар Менинг табиатимга киради, янги давр бошида эса, Ўзимнинг ички қувватим ёрдамида Мен бу оламини қайтадан яратаман".

Лекин, инсон ҳаёти тирик мавжудотга мана шу яралиш ва яқсон бўлишлардан иборат чархпалак занжирини узиш имконини беради. У тирик мавжудотга Парвардигорнинг ташқи қуввати ҳукми остидан чиқиш ҳамда Унинг ички қуввати салтанатига кириш имконини беради.

*"Шримад Бхагаватам"нинг Иккинчи қўшиқ,
"Худони англаш йўлидаги биринчи қадам" деб
аталадиган биринчи бобида Бхактиведантанинг
изоҳлари шундай яқунланади.*

2-Боб.

Парвардигор қалбимизда

1. Шри Шукадева Госвами деди: Ҳали бу коинот яратилмасдан олдин Маъбуд Браҳма вират-рупага муруқабача қилиш билан Парвардигорни мамнун қилиб, ўзининг аввалги азалий онгини қайта тиклаганди. Шу тарзда у коинот аввал қандай бўлса шундай ҳолда яратишга эришди.

Изоҳ: Мазкур шеърда баён этилган Браҳма тарихи - тирик мавжудотнинг унутувчанлигига яққол мисол бўла олади. Маъбуд Браҳма - Парвардигорнинг моддий қуввати жиҳатларидан бирининг мужассам бўлган қиёфаси. Моддий эҳтирос гунасининг тимсоли бўлган ҳолда у Парвардигордан мана шу ажойиб моддий оламини яратиш ваколатини олган. Лекин барибир, у - шунчаки миллиардлаган тирик мавжудотлардан биттаси бўлгани сабабли, у ҳам яратиш санъатини эсидан чиқариб юборади. Браҳмадан бошлаб то энг кичик чумолигача барча тирик мавжудотларда унутиш хусусияти бор, Парвардигорнинг вират-рупа қиёфасига муруқабача қилиб бу нуқсондан халос бўлиш мумкин. Бундай имконият тирик мавжудотга фақат инсон танасида берилади, "Шримад Бхагаватам"да берилган маслаҳатга амал қилиб, Парвардигорнинг вират-рупасига муруқабача қила бошлаган киши ўзининг соф руҳий онгини қайта тиклаши ва шу билан бирга ўзининг Парвардигор билан ўзаро мангу муносабатларини эсдан чиқариш иллатидан халос бўлиши мумкин. Тирик мавжудотдан унутиш пардаси кўтарилганида, у мазкур шеърда ва "Бхагавад-гита"(2.41)да айтилганидек, вйавасайа-буддхи(ўзгармас қатъият)га эга бўлади. Илмга асосланган ана шундай ўзгармас қатъият тирик мавжудотни ўзи шунча вақтлардан бери муҳтож бўлиб юрган мақсадига - Парвардигорга муҳаббат билан хизмат қилишга эриштиради. Парвардигорнинг салтанати чексиз, шунинг учун Унинг сон-саноксиз қўллари - ёрдамчилари

бор. "Бхагавад-гита"(13.14)да айтилганки, Парвардигор яратиб қўйган борлиқнинг ҳамма жойида Унинг қўллари, оёқлари, кўзлари ва оғизлари бор. Демак, Парвардигорнинг жи-ва(тирик мавжудот) деб аталадиган, Унинг ажралган заррачаларининг экспансиялари - Унинг ҳар ким ўзининг ҳолига қараб ўзича Унга хизмат қилиши учун яратилган ёрдамчи-қўлларидир. Лекин шартланган руҳ, ҳатто у Брахман лавозимини эгаллаб турган бўлса ҳам, сохта ўзлик юзага келтирган алдамчи моддий қувват таъсири остида буни эсдан чиқариб юборади. Қалбида Худо онгини қайта тиклаш билан инсон мана шу сохта ўзликни бартараф этиши мумкин. Озодликка эришиш - нутиш уйқусидан уйғониш ва Маъбуд Брахмадан ўрнак олиб, Парвардигорга муҳаббат билан хизмат қилишга ўзини бутунлай бағишлаш демакдир. Брахманинг хизмати - озодликка чиққан мавжудотнинг хизматидир: унинг хато ва алданишларга тўла инсонпарварлик(альтруизм)ка ҳеч қандай алоқаси йўқ. Озодлик - ҳечам ҳаракатсизлик эмас, балки инсонларга хос бўлган нуқсонлардан пок хизматдир.

2. Ведавий мантралар шундай тузилганки, улар одамларнинг ақл-идрокини жаннатий сайёралар сингари бемаъни нарсаларга жалб этиб, уларни тўғри йўлдан адаштириб қўяди. Шартланган руҳ(жон)лар алдамчи жаннатий лаззатлар ҳақидаги орзулар қанотида учиб, бахтга эришишдан умидвор бўлиб юрадилар, лекин аслида улар ҳатто жаннатда ҳам ҳақиқий бахтга эриша олмайдилар.

Изоҳ: Шартланган руҳ ҳеч қачон моддий оламда бахт излаб топишдан умидини узмайди, бахт излаб у ҳатто коинотнинг энг олис жойларига йўл олишга ҳам тайёр. Уни энди ўзи бор кучини ишга солиб бойликларидан фойдаланиб келган Ер сайёрасидаги яшаш шароитлари қаноатлантирмайди. У бошқа сайёраларнинг табиий бойликларидан ҳам фойдаланиш учун Ой ёки Венерага боришга интилади. Лекин "Бхагавад-гита"(8.16)да Парвардигор бизларни огоҳлантириб, коинотдаги ёки сайёралар тизимидаги сон-саноксиз сайёраларнинг барчасидаги ҳаёт ҳам бир хилда бемаъни эканини айтади. Сон-саноксиз коинотлар мавжуд, уларнинг ҳар бирида сон-саноксиз сайёралар мавжуд. Лекин уларнинг бирортасида ҳам моддий тирикчиликка хос бўлган мусибатлардан: туғилиш, ўлиш, кексалик ва касаллик сабабли юзага келадиган азоб-укубатлардан қутулиб бўлмайди. Парвардигор айтадики, жаннатий сайёралар нари турсин, ҳатто коинотдаги энг олий сайёра – Брахмалока (Сатйа-лока) ҳам ҳақиқий ҳаёт учун яроқсиз ҳисобланади, чунки тирик мавжудотлар у жойда ҳам худди шундай азоб-укубатларга

маҳкумдирлар. Шартланган руҳлар кармали фаолият қонунларининг ҳукми остидалар. Ана шу қонунларга бўйсунган ҳолда улар худди карусел(???)да ўтирган ёш болалар сингари, гоҳида Брахмалокагача кўтариладилар, гоҳида эса Палалокагача қуйи тушиб кетадилар. Ҳақиқий бахтга фақат ҳеч қандай моддий тирикчилик билан боғлиқ мусибатларга дучор бўлмайдиган Парвардигорнинг салтанатида эришиш мумкин. Шундай қилиб, Ведаларда кўрсатилган кармали фаолият йўлидан бориб, тирик мавжудотлар тўғри йўлдан адашадилар. Инсон у ёки бу давлатда, у ёки бу сайёрада бахтга эришаман деб ўйлайди, лекин у моддий оламнинг бирор жойида ўзи ҳақиқатан интилиб, излаб юрган нарсага - мангу ҳаёт, мукамал илм ва чексиз лаззатга эриша олмайди. Шрила Шукадева Госвами Махараж Парикшитга айтадики, у ҳозир ажали яқин қолиб турган пайтда жаннатий сайёраларга эришишга интилиш ўрнига ўзининг мангу уйига, Худонинг даргоҳига қайтиб кетишга тайёрланиши лозим. Ҳеч қандай моддий сайёралар ва улардаги энг ажойиб ҳаёт шароитлари мангу эмас, шунинг учун инсон ана шу сайёраларда лаззатланиш мумкин бўлган барча ўткинчи бахтларга эришиш истагидан бутунлай халос бўлиши лозим.

3. Шу боис, билимдон киши токи мана шу атамалар маконида яшар экан, фақат тирикчилик учун энг зарур бўлган эҳтиёжларини қондириш билан қаноатланиши лозим. Ўзининг ҳаёт тажрибасида бундай нарсаларга интилиш фақат машаққатли ва бемаъни иш эканига ишонч ҳосил қилиб, у чуқур тафаккурга эга бўлиши ва ўзининг куч-қувватини кераксиз нарсаларга эришишга сарфламаслиги лозим.

Изоҳ: Бхагавата-дхарма, "Шримад Бхагаватам" йўли, Худонинг содиқлари "вақтни бекорга сарфлаш" деб атайдиган кармали фаолият йўлидан бутунлай фарқ қилади. Коинот, аниқроғи бутун моддий олам джагат деб аталади, чунки моддий тирикчиликни ҳаракатга келтириб турган куч - иложи борича қулайроқ ва бехатарроқ жойлашиб олиш ҳисобланади. Лекин, ҳамма биладика, моддий оламдаги ҳеч қандай ҳолат инсонга на тўла қулайликни, на тўла бехатарликни таъминлай олмайди. Алдамчи бахт изидан қувиб, алдамчи моддий тараққиёт жилвалари чангалига тушиб қолган киши - ҳақиқий аҳмоқ одамдир. Бутун моддий олам - шунчаки арзимас номлар ўйинидир. Аслини олганда бу ерда ер, сув ва оловдан таркиб топган моддий турли нарсалардан бошқа ҳеч нарса йўқ. Бинолар, мебеллар, автомашиналар, фабрика- заводлар, саноат, уруш, тинчлик, ҳатто илм-фаннинг охириги

ютуклари - ядровий қурол ва электроника - шунчаки моддий унсурларнинг турли хил кўринишдаги бирикмалари ва уларнинг табиатнинг уч гунасига қаршилигига қараб уларга қўйилган, одамларни адаштирадиган ҳар хил номлар холос. Худонинг содиқлари буни яхши биладилар, шу боис кераксиз, бунинг устига ҳақиқий мавжудликка ҳеч қандай алоқаси бўлмаган, шунчаки денгиз устидаги кўпиклар сингари бемаъни номлар бўлган нарсаларни яратишга интилмайдилар. Буюк шоҳлар, сардорлар ва жангчилар ўз номларини тарихда мангу қолдириш учун бир бирлари билан жанг қиладилар. Лекин, вақт ўтиши билан халқ уларни эсдан чиқариб юборади, уларнинг ўрнига бошқалари келади. Содиқ тушунадик, тарихий воқеалар ва тарихий шахсларнинг ҳаммаси - шиддат билан ўтиб бораётган замон юзага келтирган бемаъни нарсалардир. Кармали фаолият билан машғул кишилар бор кучини ишга солиб бойлик, аёллар ва дунёвий шон-шуҳратга интиладилар, лекин, ақли Ҳақиқатда, олий мавжудликда мужассам бўлган кишиларни бундай алдамчи қадриятлар қизиқтирмайди. Улар учун буларнинг ҳаммаси - вақтни бекорга сарфлаш. Инсон ҳаётининг ҳар бир лаҳзаси жуда қиммат туради, шунинг учун илмли киши жуда эҳтиёт бўлиши ва ўз умрининг ҳар бир дақиқасидан ақл билан фойдаланиши лозим. Моддий оламдаги бемаъни бахт изидан қувишга сарфланган инсон умрининг бир лаҳзасини ҳам ҳатто миллион олтин танга ҳисобига бўлса ҳам қайтариб олишнинг иложи йўқ. Шунинг учун ҳам мазкур шеърда майа, яъни алдамчи фаолият чангалидан халос бўлишга самимий интилаётган илоҳиёт кишилари кармали фаолият билан машғул бўлиб юрган кишиларнинг алдамчи ютуқларига маҳлиё бўлмасинлар деб огоҳлантирилади. Инсон ҳаётининг мазмуни фақат ўз сезгиларининг, ҳистуйғусининг талабларини қондиришдан эмас, балки ўзининг руҳий табиатини англаб етишдан иборат. "Шримад Бхагаватам" нинг ҳаммасида - биринчи саҳифадан охириги саҳифагача - фақат шу ҳақда гапирилади. Инсон ҳаётининг ягона мақсади - ўзини англаб етиш. Ўз олдига ана шундай баркамолликка эришишни мақсад қилиб қўйган маданият, жамият бемаъни нарсаларни яратишга вақтини сарфлаб ўтирмайди. Мукамал жамиятда инсон ўзининг фақат энг зарур эҳтиёжларини қондиришни ўрганади, яъни фойдасиз шартномадан иложи борича кўпроқ фойда олиш қондасига риоя қилишни ўрганади. Бизларнинг моддий таналаримиз, демак, бизнинг бутун ҳаётимиз ҳам - маълум бир маънода фойдасиз шартнома, чунки тирик мавжудот ўзининг асл моҳиятига кўра илоҳий зот бўлиб руҳий юксалишга интилади. Инсон бўлиб яшайдан мақсад - мана шу муҳим ҳақиқатни англаб етиш

ва шу ҳақиқатга мос равишда ҳаракат қилиш, яъни фақат энг зарур эҳтиёжларни қондириш ҳамда нодир инсоний қувватни ўткинчи моддий лаззатларга сарфлаб хазон қилмасдан фақат Парвардигорнинг Ўзи ризқ қилиб берган насиба билан қаноатланиб яшаш. Моддий тараққиётга эришишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган жамият маданияти - иблислар маданияти деб аталади, шу боис унинг эришадиган натижаси фақат ўзаро урушлар ва қашшоқлик. Мазкур шеърда алоҳида таъкидланганки, илоҳиётчи киши ҳамиша ақлининг тиниқлигини сақлаб қолиши ҳамда улуғвор фикрлаб оддий яшашга интилиш йўлида қийинчиликларга учраса ҳам ўзининг қарорида қатъий туриши лозим. Илоҳиётчи киши ҳиссий лаззатларга берилган имонсиз дунёвий одамлар билан яқин муносабатда бўлишдан йироқ юришга интилиши лозим. Унинг учун бундай муносабатлар ўзини ўзи ўлдиришдай ҳалокатли, чунки бундай муносабатлар инсон ҳаётининг олий мақсадига эришишга тўсқинлик қилади. Шоҳ унинг суҳбатига муҳтож бўлиб турганда Шукадева Госвами Махараж Парикшит билан учрашди. Илоҳиёт киши ҳақиқатан ҳам нажот топишга самимий интилаётган одамларга ёрдам бериши ва уларнинг ана шу истагини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши лозим. Шуниси қизиқарлики, Махараж Парикшит салтанатни бошқариб турганида Шукадева Госвами у билан бирор марта ҳам учрашмаган. Илоҳиёт кишининг ҳаёти, турмуш тарзи кейинги шеърда таърифланади.

4. Ётиб дам олиш учун Ер юзида шунча текис жойлар бор экан, кроватнинг нима кераги бор? Бош қўйиш учун қўллар бўла туриб ёстиққа не ҳожат? Сув ичиш учун ҳовучдан фойдаланиш мумкин экан, идишнинг нима кераги бор? Танани дарахт пўстлоғи билан ёпиш мумкин экан, кийим-кечакнинг нима кераги бор?

Изоҳ: Инсон ҳеч қандай заруратсиз ўзига қулайлик яратиб моддий шароитини яхшиламаслиги ёки ўз ҳаётининг бехатарлиги ҳақида қайғурмаслиги лозим. Инсон ҳеч қандай натижа бермайдиган алдамчи бахт излаш йўлида ўзининг куч-қувватини бекорга сарфлайди. Агар текис полда ётиб ухлаш мумкин бўлса, қимматбаҳо кроват ёки юмшоқ диван сотиб олишнинг нима кераги бор? Агар бошнинг тагига табиат ато этиб қўйган қўлларни қўйиб, ёстиқсиз ҳам ухлаш мумкин бўлса, ёстиққа ҳеч қандай зарурат қолмайди. Ҳайвонларнинг ҳаётини кузатар эканмиз, кўриш мумкинки, уларнинг уй қуриш, мебел ёки уй жиҳозлари ясаш учун ақли етишмайди, лекин тақир ерда ётиб юришларига қарамай улар барибир бутун-

лай соғлом. Улар овқат тайёрлашни билмайдилар, лекин ўзининг саломатлигини таъминлаб туриш учун одамларга нисбатан жуда оз вақт ва куч сарфлайдилар. Бу - инсон ҳам ҳайвонларга ўхшаб қалин ўрмонларда яшаши, яланғоч юриши, ҳеч нарсага ўрганмаслиги, ҳақиқий инсонларга хос маданиятни инкор этиши ахлоқ-одоб қоидаларига риоя қилмаслиги керак дегани эмас. Фаросатли киши ҳайвонлардай яшай олмайди. Аксинча, у ўзининг юксак тафаккуридан санъатни, илм-фанни, фалсафа, шеърят ва ҳоказоларни ривожлантириш йўлида фойдаланишга интилиши лозим. Бу билан у инсонлар маданиятини ривожлантиришга ёрдам берган бўлади. Шукадева Госвами мазкур шеърда олға сурган ғоя шундан иборатки, инсон ўзининг ҳайвонларникидан анча кўп бўлган ортиқча куч қувватидан фақат ўзлигини англаб етиш йўлида фойдаланиши лозим. Инсоният маданиятининг ривожланиши бизларнинг Парвардигор билан бир вақтлар йўқотиб қўйган ўзаро муносабатларимизни қайта-тиклашга ёрдам бериши лозим, бунга инсон танасидан бошқа бирор танада эришишнинг иложи йўқ. Инсон бу моддий оламнинг алдамчи, сароб эканини тушуниши ва моддий оламда ачинарли тирикчилик қилиш билан боғлиқ мусибатларга биратўла чек қўйишга интилиши лозим. Ўзининг маданийлашган, фақат ўзининг ҳис-туйғуларининг эҳтиёжини қондириш билан машғул бўлиб юрган ҳайвонлар тоифасига мансуб эканидан мағрурланиб яшаш - ўзини ўзи алдашдир. Бундай маданият ҳатто маданият деб айтишга ҳам муносиб эмас. Ҳеч қандай самара бермайдиган фаолият билан машғул бўлиб юрган киши майа чангалига тушиб қолган инсондир. Қадимда яшаб ўтган буюк донишмандлар қимматбаҳо мебеллар билан шинам жиҳозланган саройларда яшамаганлар. Улар ўрмондаги кулбаларда яшаганлар ва тақир ерда ўтирганлар, лекин ўзларидан кейин мукамал ва улугвор донишмандликнинг бебаҳо бойликларини қолдириб кетганлар. Ҳукумат таркибида вазир бўлиб юқори лавозим эгаллаб турган Шрила Рупа Госвами ва Шрила Санатана Госвами ўз мартабаларидан воз кечдилар ва дарахт соясида яшай бошладилар, лекин инсониятга илоҳий мазмунга эга бўлган сон-саноксиз асарлар қолдириб кетдилар. Барча қулайликларга эга бўлган шоҳона сарой нари турсин, улар ҳатто бир дарахт тагида кетма-кет икки кеча тунамдилар, шунга қарамай бутун жаҳон аҳлига ўзликни англаш илмидан бебаҳо неъматлар қолдириб кетдилар. Аслини олганда моддий тана учун яратиладиган қулайликлар маданиятнинг ривожланишига ёрдам бермайди. Аксинча, улар бунга тўсқинлик қиладилар. Санатана-дхарма тизими - жамиятни тўрт табақага ва руҳий юксалишнинг кетма-кет тўрт босқичига бўлиш - ин-

сонга ўзининг ҳаётини руҳий юксалишга бағишлаб муваффақият билан адо этиш имкони беради. Мазкур шеърда санатана-дхамра қоидаларига қатъий амал қилиб, кўзлаган мақсадига эришишга самимий интилиб юрган кишиларга онгли равишда ўз ихтиёри билан бу дунёга боғланмаслик маслаҳат берилган. Ёшлигидан бу дунёга боғланмасдан яшашни ўрганмаган киши, Шукадева Госвами тавсия қилганидек, шундай турмуш тарзи билан яшашга умрининг охиригача босқичларида ўрганишга уриниб кўриши лозим, бу унинг кўзлаган мақсадига эришишига ёрдам беради.

5. Наҳотки, йўллардан ташландик эски кийим-бош топилмаса? Наҳотки, бошқаларга хизмат қилиш учунгина яшайдиган дарахтлар эҳсон бермай қўйган бўлса? Дарёлар қуриб, чанқаган зотларга сув бермай қўйдими? Наҳотки, тоғлардаги ғорларнинг оғзи кўмилиб қолган ёки ҳар нарсага қодир Парвардигор ихтиёрини бутунлай Унга топширган зотларга ғамхўрлик қилмай қўйган бўлса? Нега бўлмаса олимлар ва донишмандлар оғир меҳнат қилиб топган мол-дунёсига маст бўлиб гердаядиган кишилар олдида ҳушомадгўйлик қила бошладилар?

Изоҳ: Таркидунёлик қилиб яшашдан мақсад тиламчилик қилиш ёки худди боқиманда одамларга ўхшаб бошқалар ҳисобидан яшаш эмас. Таркидунё қилиб юрган кишилар жамиятга бахтсаодат келтиришлари, аммо моддий жиҳатдан оилали кишилар олдида қарздор, қарам бўлиб қолмасликлари лозим. Аксинча, агар девона гадой оилали одамнинг бирор эҳсонини қабул қилса, бу уни фақат уй эгасининг бахтини ўйлаб қилади. Санатана-дхарма тизими қоидаларига кўра ана шундай таркидунё қилган кишиларга садақа бериш оилали кишиларнинг бурчи ҳисобланади, улар таркидунё қилган саннийасидевоналарга худди ўз фарзандларидек ғамхўрлик қилишлари ва уларнинг илтимос қилишларини кутиб ўтирмасдан уларни озиқ-овқат ва кийим-кечак билан таъминлашлари лозим. Лекин, бу тиламчиликни тирикчилик қилиш учун касб қилиб олган сохта саннийасилар такводор оилали кишиларнинг олижаноблигини суистеъмол қилишлари мумкин дегани эмас. Таркидунёлик билан кун кечираётган кишининг асосий бурчи - ўзининг ҳаёт тажрибасига асосланиб, одамларга тўғри йўл кўрсатиш мақсадида инсоният бахтсаодатини ўйлаб ижод қилиш билан машғул бўлишдан иборат. Таркидунё қилиб яшашга қасам ичган киши бажариши лозим бўлган ишларни бажаришдан ташқари Шрила Санатана Госвами, Шрила Рупа Госвами ва Вриндаванлик бошқа саннийасилар Севакунджада тўпланиб,

илмий суҳбатлар ўтказишни ўзларининг асосий вазифаси деб билганлар. Инсоният бахтини ўйлаб, улар ўзларидан кейин илоҳий мазмунга эга бўлган жуда кўп томли асарлар қолдириб кетганлар. Онгли равишда ўз хоҳиши билан таркидунёлик қилиб яшашга қасам ичган бошқа ачарйалар ҳам бундай ишларни бошқалар ҳисобидан қийналмасдан хотиржам кун кўриш учун эмас, балки бутун инсониятга хизмат қилиш мақсадида қилганлар. Руҳий манфаат келтиришга қодир бўлмаган кишининг садақа сўраб оилали кишиларга мурожаат қилишга ҳаққи йўқ. Оилали кишилардан нон сўраб тирикчилик қилиб юрган ана шундай гадоё девоналар одамларга инсон ҳаётининг энг олий босқичини оёқ ости қилиб кўрсатадилар. Мазкур шеърда Шукадева Госвами энг аввало тиламчиликни ўзларининг касби қилиб, уни ўзининг иқтисодий муаммоларини ҳал қилиш курали қилиб олган одамларга мурожаат қилади. Кали йуга даврида ана шундай гадоёллар сон-саноксиз. Ўз истаги билан ёки тақдир тақозоси билан девона гадоё бўлиб қолган кишининг қалбида Парвардигор коинотдаги ҳар бир тирик мавжудотга албатта ғамхўрлик қилишига чуқур имонга асосланган қатъий ишонч бўлиши лозим. Шундай экан қандай қилиб Парвардигор ўзини Унинг ихтиёрига топшириб, ҳаётини Унга хизмат қилишга бағишлаган кишини эсидан чиқариб қўйиши мумкин? Ҳатто оддий хўжайин ҳам ўзининг хизматкорига ғамхўрлик қилади, шундай экан, барча бойликлар эгаси ҳамда ҳар нарсага қодир бўлган қудратли Парвардигор ўзини Унга топширган кишига қанчалик меҳрибон бўлади! Таркидунё қилган содиқ фақат белига калта ёпинчиқ ўраб юриши мумкин, бунда у ҳеч кимдан ана шундай ёпинчиқ садақа қилишни илтимос қилмайди. У бундай ёпинчиқни ташландиқ эски кийимлардан тузатиб олади. Агар унинг қорни оч бўлса дарахтининг ерга тушиб ётган мевалари билан қорин тўйғазади, чанқаса дарё сувидан чанқоғини босади. У қулай уйда яшашининг ҳожати йўқ - тоғда бирор ғорни топиб, йиртқич ҳайвонлардан кўркмасдан шу ғорнинг ичида яшайди, чунки у ҳар кимнинг қалбида мавжуд бўлган Парвардигорга самимий ишонади. Парвардигор йўлбарс ва бошқа йиртқич ҳайвонларга Ўзининг содиқ хизматкорини безовта қилмасликка буйруқ беради. Парвардигор Шри Чаитанья Махапрабхунинг буюк содиқ хизматкори Харидас Тхакур бир ғор ичига жойлашиб олганди, кейин маълум бўлишича шу ғорда катта заҳарли илон яшар экан. Харидас Тхакурнинг ҳар куни унинг олдида келадиган мухлисларидан бири ўша илондан кўркиб, Харидасдан бу ғорни ташлаб кетишни илтимос қилибди. Худонинг содиқлари тез-тез унинг олдида келиб тургани ва

уларнинг кўплари шу илондан кўркканлари учун Харидас Тхакур уларнинг бу илтимосини бажаришга қарор қилди. Лекин у шундай қарорга келиб улгурмасдан илоннинг ўзи инидан чиқиб, одамларнинг кўзи олдида ғорни ташлаб кетди. Ана шу илоннинг ҳам қалбида мавжуд бўлган Парвардигор ундан бу жойни Харидасга бўшатиб беришни ва бошқа уни безовта қилмасликни илтимос қилганди. Мана шу Парвардигор Ўзининг Харидас Тхакур сингари асл содиқларини албатта ҳимоя қилишига яққол мисол бўла олади.

Санатана-дхарма қонун-қоидаларига кўра инсон ёшлигиданок ҳамиша ва ҳар бир ишда Парвардигорга таваккал қилишга ва уни албатта ҳимоя қилиб юришига ишонишга ўрганиши лозим. Фақат барча дунёвий ишларини охирига етказган ҳамда ўзининг ҳаётини поклаган кишиларгина таркидунёлик йўлига кириши мумкин. "Бхагавад-гита"(16.5)да мана шу босқич даиви сампат - руҳий бойлик деб аталади. Агар инсон умри давомида етарли даиви сампат тўпламаган бўлса, унинг қалбини асури сампат - моддий бойлик тўплаш истаги қамраб олади, шунда у ўзи истамаган ҳолда яна бу моддий олам мусибатлари гирдобига тушиб қолади. Саннийаси кўркмас бўлиши ва ҳеч кимсиз бир ўзи яшаши лозим. У ёлғизликдан кўркмаслиги керак, аслида у ҳеч қачон ёлғиз эмас. Парвардигор ҳар кимнинг қалбида мавжуд, лекин то инсон қалбини маълум усул ёрдамида покламагунча у ўзини ёлғиз ҳис қилаверади. Таркидунё қилган киши шастраларда кўрсатилган усуллар ёрдамида покланиши лозим: бунинг натижасида у Парвардигор ўзи билан бирга эканини ҳамиша ҳис қилиб юради ва барча кўркқувлардан халос бўлади. Агар ўзи мансуб бўлган табақа учун белгиланган қонун-қоидаларга риоя қилиб ўзининг тирикчилигини покласа, ҳар қандай инсон ҳам кўркмас ва ҳалол бўлиши мумкин. Ўз бурчини виждон билан ҳалол бажариб яшаш учун инсон Ведаларнинг кўрсатмаларига чуқур ишонч билан қулоқ солиши ва Худога садоқат билан хизмат қилиш жаарёнида ведавий донишмандлик илмининг маъносини ўзлаштириб олиши лозим.

6. Шунинг англаб етган инсон ўзининг қалбида мавжуд бўлган қудратли Парвардигорга хизмат қилиши керак. У ҳар нарсага қодир, мангу ва бениҳоя Худо Шахси, шу боис У - ҳаётнинг энг олий мақсадидир. Унга сиғиниш билан инсон ўз тирикчилигининг шартланганлик сабабини бартараф қилиши мумкин.

Изоҳ: "Бхагавад-гита"(18.61)да тасдиқланадики, Худонинг Олий Шахси, Парвардигор Шри Кришна - ҳамма жойни қамраб олган ва ҳамма нарсанинг ичида мавжуд бўлган Олий Руҳдир.

Демак, йог фақат Унга сажда қилиши лозим, чунки У - сароб эмас, ҳақиқатан ҳам аниқ мавжуд. Тирик мавжудотларнинг ҳаммаси кимгадир хизмат қиладилар. Хизмат қилиш - тирик мавжудотнинг азалий табиий ҳолати, лекин, майа(алданиш) домига тушиб қолган, яъни шартланган ҳолатда алданган руҳ саробга хизмат қилишни маъқул кўради. Шартланган руҳлар ўзларининг ўткинчи танасига, танаси билан боғлиқ бўлган қариндошлари(хотини ва болалари)га ҳамда танаси ва қариндошларини таъминлаш учун зарур бўлган нарсаларга: уйи, ери, мол-дунёси, жамият ва давлатга хизмат қилиш учун меҳнат қиладилар, бунда улар сароб нарсаларга хизмат қилиб юрганини билмайдилар ҳам. Биз аввал бир неча марта айтганимиздек, бутун моддий олам - худди саҳродаги сароб сингари алдамчи. Саҳрода баъзан узокдан сувга ўхшаб кўринадиган сароб кўзга ташланади, ана шу саробга алданган ақлсиз ҳайвонлар саҳрода бўлиши мумкин бўлмаган ана шувга интиладилар. Лекин саҳрода сув бўлмаслиги сув умуман йўқ нарса дегани эмас. Фаросатли киши яхши биладикки, ер юзида денгиз ва океанлар бор, лекин бу катта сув ҳавзалари саҳродан жуда олисда жойлашган. Шунинг учун сувни саҳродан эмас, денгиз ва океан яқинидан излаш лозим. Ҳамма ҳақиқий бахтга - мангуликка, чексиз илмга ва туганмас лаззатга интилиб яшайди. Лекин, ҳақиқатни билмайдиган нодон кишилар ҳаётнинг ҳақиқий асосини сароб нарсалардан излайдилар.

Бизнинг моддий танамиз ўткинчи, уни бошқасига алмаштирган заҳоти биз ана шу танамиз билан боғлиқ бўлган нарсаларнинг ҳаммасидан маҳрум бўламиз. Мана шу самсара - туғилиш, ўлиш, кексалик ва касалликлар чархпалаги деб аталади. Биз ҳаётнинг мана шу муаммоларини ҳал қилишга интиламиз, лекин буни қандай амалга оширишни билмаймиз. Мазкур шеърда айтилганки, мана шу мусибатлардан кутулишга - туғилиш, ўлиш, кексалик ва касалликлар чархпалагидан халос бўлишга - интилаётган киши бошқа зотга эмас, фақат ягона Парвардигорга сиғиниши лозим. "Бхагавадгита"(18.65)нинг якуний шеърларидан бирида ҳам худди шундай маслаҳат берилган. Агар биз ўзимизнинг шартланган ҳаётимизнинг асосий сабабини бартараф қилишга самимий интилаётган бўлсак, унда Ўзининг ажралмас заррачалари бўлган барча тирик мавжудотларга бир хилда меҳрибон бўлган ҳолдаҳар кимнинг қалбидан жой олган Парвардигор Шри Кришнага сиғинишимиз лозим(Бг.18.61). Чақалоқ онасининг қўлида экан, унда табиий равишда онасига нисбатан боғланиш туйғуси бўлади, онаси ҳам унга боғланган. Лекин бола улғайиб катта бўлганида, шароитга, муҳитга қараб унинг ўз

онасига бўлган боғланиши аста-секин сусая болади, лекин она ҳамиша ўзининг вояга етган болалари унга қачон ғамхўрлик қила бошлашини кутиб юради, боласининг унутувчанлигига қарамай, уни севишда давом этади. Худди шундай Парвардигор ҳам ҳамиша бизларни севади, чунки бизлар - Унинг ажралмас заррачаларимиз, У ҳамиша бизларни ўз уйимизга, Худонинг даргоҳига қайтаришга ҳаракат қилади. Лекин бизлар, шартланган руҳлар Унга эътибор бермаймиз, У билан бирга бўлишдан алдамчи тана билан боғлиқ муносабатларни афзал биламиз. Бизлар бу алдамчи дунё билан бўлган боғланишларнинг ҳаммасидан халос бўлишимиз ва Унга хизмат қилишга ҳаракат қилиб, Парвардигор билан ўзаро муносабатларимизни қайта тиклаш учун бор имкониятимизни ишга солишимиз лозим, чунки У олий ҳақиқатдир. Аслида, худди ёш бола онасини соғинганидай, бизлар ҳамиша Уни соғиниб юрамиз. Худонинг Олий Шахсини топиш учун узокқа бориб юришнинг ҳожати йўқ, - У бизнинг қалбимизда жойлашган. Лекин бу - одамлар Худога сиғинадиган жойларга - эҳромларга, масжидларга, черковларга бормаслик керак дагани эмас. Ҳамма жойда мавжуд Парвардигор мана уш муқаддас жойларда ҳам иштирок этади. Оддий одамлар учун ана шундай муқаддас жойлар Худо ҳақидаги илмни ўрганиш марказлари ҳисобланади. Эҳромларда Худога хизмат қилиш ва тарғибот ишлари тўхтаб қолганида одамларнинг бундай жойларга бўлган қизиқиши сусайиб кетади ва одамларнинг аксарият қисми имонсиз атеистларга айланиб кетади. Имонсиз атеистлар жамияти шу тарзда юзага келади. Ана шундай дўзахий жамиятдаги одамларнинг эҳтиёжлари сунъий равишда кучайтириб юборилади, бундай жамиятда яшаш ҳамма учун бирдай азобга айланади. Атеистик жамиятнинг нодон раҳбарлари материализм, дунёвий давлат ниқоби остида имонсизлар жамиятига тинчлик ва фаровонлик келтириш учун ҳар хил режалар тузадилар. Лекин, уларнинг барча интилишлари аввалданок ҳеч қандай натижа бермасликка маҳкум бўлгани учун одамлар бирор муаммони ҳол қилишга қодир бўлмаган бундай кўр ва нодон раҳбарларни бирин-кетин алмашлайверадилар. Агар биз атеистларнинг мана шундай номуносиб жамиятидан халос бўлишни истасак, унда муқаддас китобларнинг, айниқса "Шримад Бхагаватам"кўрсатмаларига, Шри Шукадева Госвами сингари моддий фойда қизиктирмайдиган шахсларнинг насиҳатларига риоя қилиб яшашимиз лозим.

7. Одамлар ўз фаолиятининг оқибатлари сабабли мусибатлар гирдобига ботиб ётганини била туриб, энг ашаддий имонсиз дунёвий одамлардан бошқа, қайси бир инсон илоҳий

нарсалар ҳақида фикр юритишдан бош тортади?

Изоҳ: Ведаларда айтилганки, Худонинг Олий Шахсига эмас, фаришталарга сиғиниб юрган одамлар худди чўпоннинг ортидан ҳатто саллоҳхонага ҳам боришга тайёр турадиган ҳайвонларга ўхшайдилар. Ҳайвонлар сингари дунёвий одамлар ҳам, илоҳий Худо Шахси ҳақида фикр-мулоҳаза юритишдан бош тортиб, ҳақиқат йўлидан адашиб кетишини билмайдилар. Ўйлашни тарк этишнинг иложи йўқ. Лекин, бекорчи ақл - шайтоннинг малайидир, деган гап бор, чунки ўзининг фикр-мулоҳазаларини керакли нарсаларда жамлай олган киши албатта келажакда ўзининг бахтсизликларига сабаб бўладиган нарсалар ҳақида ўйлай бошлайди. Дунёвий одамлар ҳамиша қандайдир иккинчи даражали фаришталарга сиғиниб юрадилар, лекин “Бхагавад-гита”(7.20)да бундай қилиш қораланади. Токи инсон адашиб, моддий бахт изидан қувиб юрган экан, у фаришталардан аслида алдамчи ва ўткинчи бўлган нарсаларни ундириб олишдан умидвор бўлиб, илтимос билан фаришталарга мурожаат қилишда давом этаверади. Илмга эга илоҳиёт кишиларини бундай ўткинчи қадриятлар кизиқтирмайди; Худони англашнинг турли поғоналарида: Брахман, Праматма ва Бхагаван поғонасида бўлган ҳолда улар ҳамиша Парвардигор ҳақидаги фикр-мулоҳазаларга ғарқ бўлиб юрадилар. Аввалги шеърда Олий Рух ҳақида фикр юритиш, яъни Худо Шахсининг вират-рупа қиёфасига муроқабат қилиш жараёнида шахсиятсиз Брахман ҳақида фикрлашдан юқорироқ турадиган поғонага кўтарилиш маслаҳат берилганди.

Ҳамма нарсани асл ҳолида кўра оладиган донишманд кишилар 8400000 турли ҳаёт шаклининг бирортасида ёки инсон шаклидаги ҳаётнинг турли шароитларида такрор ва такрор туғилишга мажбур бўлган тирик мавжудотларнинг қанчалик оғир шароитда эканини тушунадилар. Айтишларига қараганда, гуноҳкорларни жазолайдиган Йамаражнинг дўзахий сайёрасига кириш олдидан мангу Ваитарани дарёси оқиб туради. Дўзахда жазосини ўтаб бўлгандан кейин гуноҳкор жон ўзининг аввалги ҳаётида кўрсатган фаолиятига қараб ҳаёт турларининг бирига мансуб бўлган танага эга бўлади. Йамараджа жазолаган тирик мавжудотлар шартланган оламда ҳар хил ҳаёт шаклларида туғилдилар. Уларнинг баъзилари дўзахда, баъзилари - жаннатда яшайдилар. Уларнинг баъзилари - саховатли брахманлар, баъзилари - имонсиз очкўз одамлар. Лекин моддий оламда ҳеч ким бахтиёр эмас, ўзининг аввалги гуноҳларига мос равишда жазо олиб бу зиндонда ҳамма мусибат чекишга мажбур - бировлар

озроқ, бировлар кўпроқ. Парвардигор тирик мавжудотларнинг барча мусибатларини бефарқлик?? адолат??? билан кузатиб туради, лекин Унинг нилуфар қадамлари пойидан нажот топишни истаган зотни У ўзининг химояси остига олади ва уни уйига, ўзининг мангу даргоҳига олиб кетади.

8. Баъзи бировлар ақлини ўзининг қалбида жойлашган, ўлчами бир қаричдан катта бўлмаган Худо Шахсида жамлайдилар. Ўзининг тўрт қўлида У нилуфар гули, арава ғилдирагини, сур ва гурзи ушлаб турибди.

Изоҳ: Ҳамма жойга сингиб кетган Худо Шахси Параматма қиёфасида ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида мавжуд. Мълумки, инсон қалбида мужассам бўлган Худо Шахси(Параматма)нинг ўлчами бир қарич(номсиз бармоқ учи билан бош бармоқ учи орасидаги масофа)га, яъни тахминан 20 саннийаси-майавади га тенг. Мазкур шеърда таърифланган, қўлларида маълум тартибда анжомлар ушлаб турган Парвардигорнинг қиёфаси - Унинг инсониятга раҳнамолик қиладиган тўлиқ экспансияси, Джанардана деб аталади. Парвардигорнинг қўлларидаги анжомлар - нилуфар гули, сур ва ҳоказолар ҳар хил тартибда жойлашган бошқа кўплаб қиёфалари мавжуд. Улар ҳар хил номлар билан аталади: Пурушоттама, Ачйута, Нарасимха, Тривикрама, Хришикеша, Кешава, Мадхава, Анируддха, Прадйумна, Санкаршана, Шридхара, Васудева, Дамодара, Джанардана, Нарайана, Хари, Падманабха, Вamana, Мадхусудана, Говинда, Кришна, Вишнумурти, Адхокшаджа ва Упендра. Худо Шахсининг мана шу йигирма тўрт турли мужассам бўлган қиёфасига бизларнинг сайёралар тизимининг турли жойларида сиғинадилар, ҳар бир сайёралар тизимида руҳий оламда паравйома деб аталадиган маълум бир сайёрага эга бўлган Парвардигорнинг мужассам бўлган қиёфаси иштирок этади. Парвардигорнинг юзлаб ва минглаб қиёфалари мавжуд, руҳий оламда Уларнинг ҳар биттасининг Ўз сайёраси бор. Моддий осмон руҳий оламнинг атиги кичкина бир қисми ҳисобланади. Гарчи Парвардигорни моддий оламдаги бирор эркак зоти билан тенглаштириб бўлмаса ҳам, У - пуруша, эркак жинсли лаззатланувчи Зот. Бу қиёфаларнинг ҳаммаси - адвайта(бир биридан фарқ қилмайди) ва мангу ёш кўринишда. Мангу ёш тўрт қўллик Парвардигор кейинги шеърда таърифланган чиройли такинчоқлар билан безаниб олган.

9. Унинг лабларида шодлик ифодаси бўлган табассум, чўзиқ кўзлари нилуфар гулини эслатади, қадамба гули рангидаги сарғиш либоси эса, қимматбаҳо дурлар билан без-

атилган. Унинг барча безакларига ўзидан нур таратиб турадиган гавҳарлардан нақш қўйилган. Унинг бошида ялтироқ тож, қулоқларига эса - сирға осилган.

10. Унинг нилуфар пойи қадамлари буюк сеҳргарларнинг нилуфарсимон юраклари тўрида жойлашган. Унинг кўксида чиройли бузоқча тасвири солинган қимматбаҳо Каустубха маржони, елкалари эса бошқа тақинчоқлар билан безалган. Унинг кўкси янги узилган гуллардан ясалган гулчамбарларга тўла.

Изоҳ: Қимматбаҳо дурлар, гуллар, либослар ва Худо Шахсининг илоҳий танасини безаб турган тақинчоқларнинг ҳаммаси Парвардигорнинг танасидан фарқ қилмайди. Бу тақинчоқларнинг бирортаси моддий унсурлардан ясалмаган, акс ҳолда улар Парвардигорнинг танасини безаб турмаган бўларди. Демак, паравйоманинг руҳий ранг-баранглиги ҳам моддий оламдаги ранг-барангликдан фарқ қилади.

11. Унинг белида нақшли тўқилган камар, бармоқларида қимматбаҳо қош қўйилган узуклар. Унинг билаклари, оёқларидаги тақинчоқлари, анвойи атир-мойлар билан мойланган кўкимтир сочлари ва кулиб турган чиройли юзи кўзларни қувонтиради.

Изоҳ: Гўзаллик бобида Худонинг Олий Шахсига тенг келадиган зот йўқ, Шрила Шукадева Госвами имперсоналистларга Худо Шахси - шунчаки содиқларнинг ўзлари сажда қилишга бирор нарса топмасдан ўзлари ўйлаб топган хом хаёл эмас, балки ҳақиқий ва аниқ Парвардигор эканини исботлаш учун бирин кетин Унинг илоҳий ташқи кўринишининг ажойиб гўзаллигини таърифлаб беряпти. Мутлақ Ҳақиқатнинг шахсиятсиз аспекти - худди Қуёшнинг порлоқ ёғдуси бўлган куёш нурлари сингари Ундан таралиб турган ёғдудан бошқа нарса эмас.

12. Унинг эрмакларида намоён бўлган Парвардигорнинг олижаноблиги, порлоқ кўзларининг нигоҳлари ва кулиб турган чиройли сиймоси Унинг чексиз меҳрибонлигидан далолат беради. Шунинг учун, инсон ақлини қанча вақт Парвардигорга муроқабани қилишда ушлаб туришга қодир бўлса, у диққат-эътиборини Унинг мана шу илоҳий қиёфасида жамлаши лозим.

Изоҳ: "Бхагавад-гита"(12.5)да айтилганки, имперсоналистларнинг шахсиятсиз Брахманга муроқабани қилиш жараёни жуда кўп қийинчиликлар билан бўлади. Лекин, содиқ

хизматкор Парвардигорга шахсан ўзи хизмат қилади, шунинг учун ўз йўлида ортиқча қийинчиликларга дуч келмайди. Шундай қилиб, шахсиятсиз зотга муроқабани қилиш имперсоналистлар учун мусибатлар манбаига айланади, уларга нисбатан Худонинг содиқ хизматкорлари шубҳасиз жуда кўп афзалликларга эга. Парвардигорнинг шахсиятсиз аспектига ишонмайдиган имперсоналист қандайдир мавҳум зотга муроқабани қилишга ҳаракат қилади. Шунинг учун "Шримад Бхагаватам" ақлини Парвардигорнинг аниқ қиёфасида мужассам қиладиган ижобий муроқабани тақлиф этади.

Бу ерда баён этилаётган муроқабани бхакти-йога, моддий тирикчиликдан озодликка чиқиш роғонасида Худога садоқат билан хизмат қилишдир. Джнана-йога моддий шартланганликдан озодликка чиқиш усулидир. Модда билан шартланганлик ҳолатидан озодликка чиқиб, юқорида айтилганидек нивритта, яъни барча моддий эҳтиёжлардан халос бўлгандан кейин инсон бхакти-йога билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлади. Демак, бхакти-йога джнана-йогани ҳам ўз ичига олади. Бошқача қилиб айтганда, Худога соф садоқат билан хизмат қилиш бир вақтнинг ўзида джнана-йоганинг мақсадига эришишга ҳам имкон беради, яъни Худога соф садоқат билан хизмат қилишда аста-секин юксала бориб, инсон табиий равишда моддий оламдаги шартланган тирикчиликдан халос бўлади. Бхакти-йоганинг ана шу самараси анартханивритти деб аталади. Бхакти-йогада баркамолликка эриша бориб инсон аста-секин барча кераксиз нарсалардан халос бўлади. Бу йўлдаги биринчи қадам - муроқабани қиладиган кишини анартханивритти босқичига чиқариб қўядиган Худо Шахсининг нилуфар қадамлари пойига муроқабани қилишдир. Анартханинг шартланган руҳни моддий тирикчиликка боғлаб қўядиган энг кўпол кўриниши - вақти келиб эркак билан аёлнинг бирлашишига олиб келадиган шахвоний истак ҳисобланади. Эркак билан аёл қўшилганида шахвоний эҳтирос яна ҳам кучайиб кетади. Бу шунда намоён бўладигани, улар уй курадилар, бола-чақа қиладилар, дўстлар, қариндошлар, мол-дунё орттирадилар. Ана шуларнинг ҳаммаси ўраб олган шартланган руҳ алданиш чангалига тушиб қолади, унда сохта ўзлик туйғуси ривожлана боради, яъни ҳаёт ҳақида "мен" ва "меники" деган тушунчаларга асосланган тасаввур шаклланади, шахвоний эҳтирос тобора кенгайиб сиёсий, ижтимоий ва бемаъни фаолиятнинг бошқа турларига тарқалади. Бу фаолиятнинг ҳаммаси денгиз устидаги кўпикни эслатади: у бирданига кўпайиб кетади, лекин бир пасдан кейин, худди осмондаги булутларга ўхшаб, қандай пайдо бўлган бўлса, шунчалик тез ғойиб бўлади. Ана шундай

фаолиятнинг натижалари ҳам, худди шахвоний эҳтироснинг натижаси сингари шартланган руҳни қалин қатлам билан ўраб олади шунинг учун бхакти-йога асосан инсонни аста-секин шахвоний истаклардан халос этишга қаратилган. Шахвоний истаклар уч турли бўлади: фойда кўришга интилиш, ўзига иззат талаб қилиш, бошқалардан ажралиб туришга интилиш. Шартланган руҳлар шахвоний эҳтироснинг намоён бўлган мана шу аломатлари изидан кувадилар, шу боис ҳар ким ўзининг биринчи навбатда шахвоний эҳтиросга асосланган мана шундай моддий истаклардан қанчалик пок экани ҳақида ўзи хулоса чиқариши мумкин. Бхакти-йога билан шуғулланиш шахвоний эҳтироснинг ҳар қандай кўринишларининг тобора сусайиб кетишига олиб келади, чунки Худонинг марҳамати билан бхакти-йога билан шуғулланиб юрган киши ҳатто ундай инсон моддий нуқтаи-назардан яхши таълим олмаган бўлса ҳам, ўзидан-ўзи ҳақиқий илмга ҳамда бу дунёга боғланмасликка эриша бошлайди. Илм деганда ҳамма нарсени асл ҳолида кўра билиш қобилияти назарда тутилади, агар ана шундай илмга эга бўлган киши ҳаётидаги баъзи бир нарсалар мутлақо бефойда эканига ишонч ҳосил қилса, албатта у бундай нарсалардан шу захотиёқ юз ўгиради. Шартланган руҳ ўзининг илмини тобора чуқурлаштира бориш жараёнида ўзининг моддий эҳтиёжларини қондириш қанчалик бемаъни эканини англаб етганида унинг қалбида бу эҳтиёжларга бўлган боғланиш туйғуси ўзидан ўзи йўқолиб кетади. Илм ўрганишнинг мана шу поғонаси ваирағйа - кераксиз нарсаларни тарк этиш деб аталади. Биз айтган эдикки, илоҳиётчи киши ақл кўзи кўр бадавлат кишилардан садақа сўрамасдан ўзининг зарур эҳтиёжларини ўзи қондириши лозим. Шукадева Госвами ҳаёт учун зарур эҳтиёжларни - масалан, овқатланиш, бошпана ва дам олиш эҳтиёжларини қондиришнинг бир неча усулларини таклиф этди, лекин у шахвоний эҳтироснинг ўрнини босадиган амални кўрсатмади. Демак, ҳали қалбида озгина бўлса ҳам шахвоний эҳтирос истаги қолган киши таркидунёлик турмуш тарзига ўтишга ҳатто уриниб ҳам ўтирмаслиги керак. Инсон токи ана шундай поғонага кўтарила олмаган экан, таркидунёлик ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Ҳақиқатан ҳам таркидунёлик турмуш тарзи билан яшашдан олдин ҳақиқий руҳий устоз раҳбарлиги остида "Шримад Бхагаватам"да кўрсатилган қонун-қоидаларга риоя қилган ҳолда Худога садоқат билан хизмат қилиш ёрдамида ҳеч бўлмаса кўпол кўринишдаги шахвоний эҳтиросни жиловлаб олишни ўрганиш лозим.

Шундай қилиб, покланиш деганда аста-секин шахвоний эҳтирос туйғусидан халос бўлиш на-

зарда тутилади. Бунга Парвардигорнинг шахсий қиёфасига навбатдаги шеърда таърифланганидек, Унинг пойи қадамларидан бошлаб муроқаба қилиш ёрдамида эришиш мумкин. Токи инсон шахвоний эҳтиросдан ҳақиқатан ҳам халос бўлганига тўлиқ ишонч ҳосил қилмас экан, муроқаба қилишда у кўзларини Парвардигорнинг пойи қадамларидан юқори кўтармаслиги лозим. "Шримад Бхагаватам"нинг ўнинчи қўшиғи - Парвардигорнинг кулиб турган сиймоси, кўпчилик ўзига бино қўйган одамлар дарров ана шу Қўшиққа, айниқса Парвардигорнинг раса-лила таърифланган беш бобига муурожаат қиладилар. Албатта, бундай қилиш мумкин эмас. Ҳиссий лаззатларга боғланиб қолган, "Шримад Бхагаватам"ни ана шундай тинглаш ва ўрганишни маъул кўрадиган кишилар бу буюк асарнинг мазмунини бутунлай бузиб, аксинча уни шахвоний эҳтиросни кчайтириш воситасига айлантириб юборадилар. Ана шундай сохта содиклар ўзларининг бундай бемаъни амаллари билан "Шримад Бхагаватам"ни ҳақорат қилган бўладилар. "Шримад Бхагаватам"ни тингловчилар олдида баён этиш(муҳокама қилиш эмас!) учун инсон инсон шахвоний эҳтироснинг ҳар қандай кўринишидан бутунлай пок бўлиши лозим. Шрила Вишванатха Чакраварти Тхакур аниқ айтадики, покланишнинг маъноси - шахвоний эҳтиросдан халос бўлишдан иборат: йатха йатха дхиш ча шудхйати вишайа-лампатйам тйаджати, татха татха дхарайед ити читта-шуддхи-таратам-йенаива дхйана-таратамйам уктама. Инсон ақлини поклаб, шахвоний мастликдан озодликка эришганида у мууроқаба билан шуғулланишнинг навбатдаги поғонасига кўтарилиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, Парвардигорнинг илоҳий танасининг турли қисмларига мууроқа қилиш тартиби мууроқаба қилаётган кишининг қалбининг поклигига боғлиқ бўлади. Бундан хулоса қилиш мумкинки, демак, ҳали шахвоний эҳтирос чангалидан чиқа олмай юрган кишилар мууроқаба жараёнида кўзларини Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойидан юқори кўтармасликлари лозим. Ундай кишиларга тингловчилар олдида мана шу буюк илоҳий асар "Шримад Бхагаватам"нинг фақат Биринчи ва Иккинчи қўшиқларини баён этиш руҳсат этилади. Фақат "Шримад Бхагаватам"нинг олдинги тўққиз қўшиғининг мазмуни яхши ўзлаштириб, қалби бутунлай покланган кишигагина Ўнинчи қўшиқ салтанати дарвозалари очилади.

13. Мууроқаба қилишни Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойидан бошлаш ва аста-секин нигоҳни Унинг кулиб турган сиймосига кўтарилиш керак. Мууроқаба жараёнида диққат-эътиборни аввал Унинг нилуфар

қадамлари пойида, кейин болдирида, сонларида жамлаш ва шу тарзда аста-секин юқори кўтарилиб бориш керак. Инсоннинг ақли Парвардигорнинг танасининг турли қисмларида қанчалик кўпроқ мужассам бўлса, унинг тафаккури шунчалик поклана боради.

Изоҳ: "Шримад Бхагаватам"да тавсия қилинаётган мууроқаба қилиш усули диққат-этиборни қандайдир шахсиятсиз нарсада ёки бўшлиқда жамлашни назарда тутмайди. Парвардигорнинг шахсига мууроқаба қилиш лозим: ё Унинг вираат-рупаси - бахайбат фазовий қиёфасига, ё Унинг шастраларда таърифланган сач-чид-ананда-виграха қиёфасига. Парвардигор Вишну қиёфасининг ишончли таърифи шастраларда келтирилган, ана шу қиёфалар Илоҳ(мурти) шаклида эҳромларда ўрнатилган. Шундай қилиб, ақли Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойида жамлаб, аста-секин нигоҳни Унинг кулиб турган юзига кўтариб, эҳромда ўрнатилган Илоҳларга мууроқаба қилиш мумкин.

Бхагавата мактабининг фалсафасига биноан раса ракси - Парвардигорнинг кулиб турган юзини билдиради. Мазкур шеърда айтилганки, инсон нигоҳини Парвардигорнинг пойи қадамларидан Унинг кулиб турган юзига аста-секинлик билан кўтариши лозим, шунинг учун дарров олдинга чопиб кетмаслик, яъни дарров Парвардигорнинг раса раксидаги эрмакларини англаб етишга уринмаслик керак. Яхшиси ақли Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига гуллар ва туласи баргларитаклиф этиш билан мужассам қилган маъқул. Шу тарзда арчана усули ёрдамида инсон аста-секин поклана боради. Бизлар Парвардигорни кийинтирамыз, ювинтирамыз ва ҳоказо. Бу илоҳий амалларнинг ҳаммаси ҳаётимизнинг покланишига олиб келади. Юқорироқ поғонага кўтарилиб, қалбимиз бутунлай покланганида шунчаки Парвардигорнинг кулиб турган юзини кўрганда ёки Унинг раса-раксидаги эрмаклари ҳақидаги ҳикояларни тинглаганда биз Унинг кароматларидан лаззатлана оламиз. Шунинг учун раса-ракси "Шримад Бхагаватам"нинг Ўнинчи қўшиғи(29-34)да баён этилган.

Инсон ақлини Парвардигорнинг илоҳий қиёфасида қанчалик чуқур жамласа, шунчалик кўпроқ покланади. Мазкур шеърда аниқ айтилган: "унинг тафаккури шунчалик поклана боради", - бу эса, инсон ҳиссий лаззатларга боғланиш туйғусидан тобора кўпроқ халос бўлади. Ҳозирги, шартланган ҳолатида бизнинг ҳиссий лаззатларда жамланган тафаккуримиз нопок. Парвардигорнинг илоҳий қиёфасига мууроқаба қилиш натижаси ҳиссий лаззатлардан воз ке-

чишда намоён бўлади. Демак, мууроқаба қилишнинг олий мақсади - ақл-идрокни поклаш.

Ҳиссий лаззатларга муккасидан кетган кишига арчана иштирок этиш ва Радха-Кришнанинг ёки Парвардигор Вишнунинг қиёфаларига қўлини текказиш таъқиқланган. Навбатдаги шеърда тавсия қилинганидек, улар Парвардигорнинг бахайбат вираат-рупа қиёфасига мууроқаба қилгани маъқул. Имперсоналистлар ва бўшлиқ фалсафаси издошларига Парвардигорнинг фазовий қиёфасига мууроқаба қилиш маслаҳат берилган, Худонинг содиқларига эса - эҳромда сифиниш билан Илоҳларга мууроқаба қилиш тавсия қилинади. Имперсоналистларнинг ва бўшлиқ фалсафаси издошларининг руҳий фаолияти етарли даражада пок эмас, шунинг учун арчана улар учун мўлжалланмаган.

14. Токи қалбида нигоҳи барча руҳий ва моддий оламларни қамраб олган Парвардигорга муҳаббат билан хизмат қилиш истагини ривожлантирмас экан, инсон ўзининг белгиланган бурчини бажариб бўлиб, Парвардигорнинг фазовий қиёфасига мууроқаба қилиб юриши лозим.

Изоҳ: Парвардигор Ўзининг нигоҳи билан икки оламни: ҳам моддий ҳам руҳий оламни қамраб олган. Бошқача қилиб айтганда, барча оламларда Парвардигор - олий лаззатланувчи ва бутун борликнинг ҳукмдори. Бу "Бхагавад-гита"(5.29)да ҳам тасдиқланади. Руҳий олам Унинг ички қувватининг, моддий олам эса - Унинг ташқи қувватининг намоён бўлган кўринишидир. Тирик мавжудотлар ҳам Унинг қуввати - оралик қуввати: улар ўз хоҳиши билан ё илоҳий оламда ё моддий оламда яшашлари мумкин. Моддий олам - тирик мавжудотлар яшаши учун тўғри келмайдиган жой, чунки улар руҳий жихатдан Парвардигор билан бир, моддий оламда эса улар моддий табиат қонунлари ҳукми остига тушиб қоладилар. Парвардигор барча тирик мавжудотлар - Унинг ажралмас заррачалари - У билан бирга илоҳий оламда яшашини истайди. Ведаларнинг ҳамда моддий оламдаги бошқа барча муқаддас китобларнинг мақсади - шартланган руҳларга ҳақиқат илмини очишдан, яъни уларни ўзларининг мангу уйига, Худонинг даргоҳига қайтишга чорлашдан иборат. Афсуски, моддий ҳаёт адо бўлмас уч турли азоб-укубатлардан иборат бўлишига қарамасдан, шартланган тирик мавжудотлар Худонинг даргоҳига қайтиб боришга шошилмайдилар. Бунга сабаб - уларнинг ҳаётда нотўғри, гуноҳ ва савоб ишлар аралашган турмуш тарзи билан яшаб юрганлигидир. Эзгу ниятли тақводор инсонлар Парвардигор билан ўзаро муносабатла-

рини қайта тиклашга интиладилар, лекин ҳатто улар ҳам Унинг шахсий жиҳатини англаб етишга қодир эмаслар. Инсон бўлиб яшашнинг ҳақиқий мазмуни - Парвардигор билан ўзаро муносабатларимизни қайта тиклаб олиш ва Унга хизмат қилишдан иборат. Парвардигорга хизмат қилиш - тирик мавжудотларнинг табиий ҳолати. Лекин, Парвардигорга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишга қодир бўлмаган кишиларга ва имперсоналистларга Парвардигорнинг шахсиятсиз жиҳатига, вират-рупасига муроқабат қилиш маслаҳат берилди. Лекин ҳар ҳолда, ҳақиқий бахтга эришишга ва ўзининг табиий, шартланмаган ҳолатига қайтишга интилиб юрган киши ўзининг унутилиб кетган Парвардигор билан бўлган ўзаро муносабатларини қайта тиклашга ҳаракат қилиши лозим. Парвардигорнинг шахсиятсиз аспектга, Парвардигорнинг фазовий қиёфасига муроқабат қилиш билан чуқур тафаккурга эга бўлмаган тажрибасиз содиқлар аста-секин Парвардигор билан шахсий муносабат ўрнатиш учун зарур бўлган сифатларни ривожлантира борадилар. Мазкур шеърда Парвардигорнинг аввалги бобларда таърифланган вират-рупасига муроқабат қилиш тавсия қилинган. Ана шундай муроқабат жараёнида инсон сайёралар, денгизлар, тоғлар, дарёлар, қушлар, ҳайвонлар, одамлар, фаришталар ва биз атрофимизда кўриб турган нарсаларнинг ҳаммаси Парвардигорнинг вират қиёфасининг ҳар хил қисмлари эканини англаб етади. Бу ҳақда фикр юритиш ҳам Мутлақ Ҳақиқатга муроқабат қилишнинг бир тури ҳисобланади ва инсон унга киришган заҳоти унда илоҳий сифатлар ривожлана бошлайди, шунда бутун олам унинг кўзига бахтга тўла ва осойишта даргоҳ бўлиб кўрина бошлайди. Худога Унинг шахсий ёки шахсиятсиз кўринишида муроқабат қилмайдиган инсоннинг яхши сифатларини унинг ўзининг азалий ҳолати ҳақидаги сохта тасаввурлари босиб кетади, у мана шу олий илмдан маҳрум бўлгани учун бутун олам унга дўзах бўлиб кўринади.

15. Эй шох, инсонлар яшайдиган мана шу сайёрани тарк этиш учун йог қулай пайт пойлаб ўтириши ёки бунинг учун қулайроқ жойга кетишининг ҳожати йўқ. У қулай ўтириб олиши, ақлини хотиржам қилиши ва ҳаёт нафасини бошқарган ҳолда сезгиларини ақлига бўйсундириши лозим.

Изоҳ: "Бхагавад-гита"(8.14)да аниқ айтилганки, ўзини Парвардигор га илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишга бағишлаган, ҳамшиша Худони эслаб юрадиган киши осонлик билан Худонинг марҳаматига эришади ва У билан бевосита шахсан суҳбатлашиш имкониятига эга бўлади. Ана шундай содиқларнинг ҳозирги танасини тарк

этиши учун қулай пайт пойлаб юришларининг ҳожати йўқ. Лекин, Худога бўлган садоқатига кармали фаолият ёки эмпирик фалсафий изланишлар иллоти аралашган кишилар ҳозирги таналарини бунинг учун қулай бўлган пайтда тарк этишлари керак бўлади. Бундай шарофатли вақтлар "Бхагавад-гита"(8.23-26)да кўрсатилган. Лекин, аслида вақт унчалик муҳим эмас, ҳозирги танасини ўз хоҳиши билан тарк эта олиш учун инсоннинг йогада баркамолликка эришиш анча муҳимроқ. Шундай йог ўзининг сезгиларини ақлига бўйсундира олишни ўрганиши лозим. Ақлни эса, Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойи ҳақидаги ўйлар билан машғул қилиш ёрдамида жиловлаш осон. Ана шундай хизмат қилиш ёрдамида барча сезгилар аста-секин Худога садоқат билан хизмат қилишга жалб этилади. Олий Мутлақ Зот билан бирлашиш йўли шундай.

16. Кейин, йог покланган тафаккури ёрдамида ақлини тирик мавжудот(ҳақиқий ўзлиги)га, тирик мавжудотни эса - Олий Рухга ғарқ қилиши керак. Натижада, тўла мамнуният ҳосил қилган тирик мавжудот(ўзлик, рух) энг юксак лаззатга эришади ва бошқа ҳар қандай фаолиятни тарк этади.

Изоҳ: Ақлнинг қиладиган ишлари ўйлаш, сезиш ва исташдан иборат. Агар ақл дунёвий бўлса, яъни модда ҳақидаги ўйлар билан банд бўлса, у моддий илм-фанни ривожлантириш билан машғул бўлади, бунинг натижаси эса қирғин келтирувчи ядровий бомба ихтиро қилишга олиб келади. Лекин, ақл руҳий истакларга интилса, тирик мавжудотнинг ўз уйига, Худонинг даргоҳига қайтиб кетишига ва чексиз лаззатга тўла мангу ҳаётга эришишига ёрдам бериб, у мўъжизалар яратади. Шунинг учун ақлни мукамал ва пок тафаккур бошқариши лозим. Мукамал тафаккурга эга бўлиш - Худога садоқат билан хизмат қилишда машғул бўлиш демакдир. Шунини тушуниб олиш лозимки, ҳар қандай вазиятда ҳам тирик мавжудот вазиятнинг қули бўлиб қолади. Ҳар бир тирик мавжудот ўзининг истаклари, ғазаби, шахвоний эҳтироси, алданиши, ақлсизлиги ва ҳасадининг қули бўлиб, ўзининг моддий булганган сезгиларининг ҳукмига бўйсуниб ҳаракат қилади. Лекин, ҳатто ўз сезгиларининг барча талабларини бажариб юрса ҳам у барибир бахтсиз бўлиб қолаверади. Мана шунини ҳақиқатан ҳам англаб етган ва ўзининг бундай бахтсизлигининг сабабини излаб топиш йўлида бу саволга тўғри жавоб бера оладиган кишига муурожаат қилса, у Парвардигорга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиш ҳақидаги илмга эга бўлади. Ана шундай одамнинг тафаккури, танасининг юқорида санаб ўтилган талаб-

ларини бажариш ўрнига моддий эҳтиросларнинг азобли алданишларидан халос бўлади ва покланиб, ақлини Худога хизмат қилишда машғул қилади. Шунинг учун мутлақ поғонада бўлган ҳолда Парвардигор ҳам, Унга хизмат қилиш ҳам бир биридан фарқ қилмайди. Шунинг учун пок тафаккур ва пок ақл Парвардигорга фарқ бўлганида, тирик мавжудот ўзини томоша қилишни бас қилади ва Парвардигорнинг илоҳий назари доирасига тушади. Шундай ҳолатга эришгандан кейин Парвардигорнинг Ўзи унга Худонинг истакларини амалга ошириш учун нима қилиш кераклигини кўрсата бошлайди, агар тирик мавжудот Парвардигорнинг ҳамма кўрсатмаларини мукамал бажара бошласа, у ўзининг алдамчи шахсий истакларини амалга оширишга қаратилган ҳар қандай фаолиятни тарк этади. Бутунлай покланиб, тирик мавжудот мутлақ лаззат - лабдхопашанти ҳолатига эришади ва барча моддий истаклардан халос бўлади.

17. "лабдхопашанти" деб айтиладиган мана шу илоҳий ҳолатга, ҳатто моддий оламдаги барча тирик мавжудотларнинг тақдирини ҳал қиладиган фаришталар ҳам бўйсунадиган бешафқат замон ҳам таъсир қилмайди. Бу ҳолатга моддий табиатнинг эзгулик, эҳтирос ва ғафлат гуналари ҳам таъсир қилмайди, унда сохта ўзлик ҳам, моддий Сабаблар уммони ҳам, моддий табиат ҳам йўқ.

Изоҳ: Ўтмиш, ҳозир ва келажак кўринишида намоён бўладиган ҳамма нарсани бешафқат яқсон қиладиган замон ҳатто жаннатдаги фаришталарга ҳам ҳукмронлик қилади, лекин илоҳий поғонада у ўз таъсирини ўтказа олмайди. Замон ҳукми туғилиш, ўлиш, кексалик ва касалликларда ифодаланади, моддий тирикчиликнинг мана шу тўрт мезони ҳамма жойда - моддий оламнинг ҳар бир бурчагида, ҳатто аҳолисининг умри биз тасаввур қила олмайдиган даражада узоқ бўлган Браҳмалока сайёрасида ҳам бор. Шафқатсиз замон Индра, Чандра, Сурйа, Вайу ва Варуна сингари фаришталар нари турсин, ҳатто Браҳмани ҳам ўлимга маҳкум этади. Фаришталар моддий оламдаги тирик мавжудотнинг тақдирини ҳал этишда таъсир кучидан фойдаланадиган юлдузлар ҳам илоҳий салтанатга ўз таъсирини ўтказа олмайди. Моддий оламда тирик мавжудотлар иблис, шайтонларнинг таъсиридан кўрқадилар, лекин илоҳий поғонага кўтарилган содиқ хизматкор бундай кўркувлардан бутунлай холи бўлади. Тирик мавжудотлар моддий табиат гуналари таъсири остида ҳар хил тур ва шаклдаги таналарга эга бўладилар, лекин илоҳий салтанатга эришган содиқ гуналати, яъни дунёвий эзгулик, эҳтирос ва ғафлат гуналарининг таъси-

рига берилмайди. Шунинг учун илоҳий оламда сохта ўзлик йўқ: "Мен - ўзим кўриб турган нарсаларнинг ҳаммасининг ҳукмдориман". Моддий оламда тирик мавжудотнинг уни моддий табиат устидан ҳукмронлик қилишга мажбур қиладиган сохта ўзлигини оловга қараб учиб бораётган парвонага ўхшатиш мумкин. Парвонани оловнинг кўзни қамаштирадиган гўзаллиги ўзига жалб этади, лекин у ана шу гўзалликдан лаззатланиш ниятида оловга яқинлашганида, оловнинг ҳарорати уни ўз домига тортиб олади. Илоҳий оламда жойлашган тирик мавжудотнинг онги мутлақо пок, шунинг учун унда уни моддий табиат устидан ҳукмронлик қилишга мажбур қиладиган сохта ўзлик йўқ. Аксинча, унинг пок онги уни ўзини биратўла Парвардигорга топширишга ундайди, бу "Бхагавад-гита"да ҳам тасдиқланади(7.19): васудевах сарвам ити са махатма судурлабхах. Шундай қилиб, илоҳий салтанатда моддий олам ҳам, моддий табиатни юзага келтирадиган Сабаблар уммони ҳам мавжуд эмас.

Илоҳий салтанатдаги аҳвол ана шундай, лекин бу мавжудлик фақат пок онгнинг юқори поғонасига кўтарилган зотларга очилади. Илоҳиёт кишилари икки тоифа бўлади: имперсоналистлар ва Худонинг содиқлари. Имперсоналист интилиб юрган энг олий мақсад - руҳий осмондаги брахмаджйоти, содиқ хизматкорнинг охирги мақсади эса - Ваикунтха сайёралари. Худонинг содиқлари юқорида таърифланган ҳолатни ўзларининг Парвардигорга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишга имкон берадиган руҳий танаси ривожланганида ҳис қила бошлайдилар. Парвардигор билан ҳамсухбат бўлишни инкор этадиган имперсоналист эса, руҳий фаолият билан шуғулланиш учун мўлжалланган руҳий танасини ривожлантириш имкониятидан маҳрум бўлади ва Худонинг Олий Шахсининг руҳий ёғдусига кўшилиб кетадиган руҳий учқун бўлиб қолади. Парвардигор мангулик, лаззат ва илмнинг тўла намоён бўлган кўринишидир, шакл-шамойилсиз брахмаджйотида эса, фақат мангулик ва илм бор. Ваикунтха сайёралари ҳам лаззат ва илмга тўла мангу қиёфалардир шунинг учун олдиларида Парвардигорнинг илоҳий салтанати дарвозалари очиладиган Худонинг содиқлари ҳам илм ва лаззатга тўла мангу қиёфага эга бўладилар. Шунинг учун улар бир биридан фарқ қилмайдилар. Парвардигорнинг даргоҳи, Унинг номи, шон-шухрати, анжомлари ва У билан боғлиқ бўлган нарсаларнинг ҳаммаси ягона илоҳий табиатга эга, мазкур шеърда ҳам илоҳий табиат моддий табиатдан нимаси билан фарқ қилиши тушунтирилган. "Бхагавад-гита"да Парвардигор Кришна руҳий юксалишнинг асосий уч йўлини тушунтиради(карма-йога, джнана-йога

ва бхакти-йога), аммо фақат бхакти-йога ёрдамида Ваикунтха сайёраларига эришиш мумкин. Қолган икки йўл, гарчи юқорида айтилганидек, инсоннинг то брахмаджйоти ёғдусигача кўтарилишига ёрдам берса ҳам Ваикунтхалокаларга олиб боролмайди.

18. Илоҳиёт кишилари Худо билан боғлиқ бўлмаган нарсалардан йироқ юришга интиладилар, чунки улар ҳамма нарса Парвардигор Вишну билан боғлиқ бўлган энг юксак ҳолат ҳақиқатан ҳам мавжуд эканини англаб етганлар. Шу боис, ўз ихтиёрини Парвардигорнинг иродаси билан тўла уйғунлаштирган содиқ ҳеч қандай қийинчиликларни юзага келтирмайди, аксинча Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойини қалбига жойлаб, уларга узлуксиз сиғиниб юради.

Изоҳ: "Бхагавад-гита"да мад-дхама, яъни "Менинг даргоҳим" деган ибора бир неча марта эслатилади, Худонинг Олий Шахси Парвардигор Кришнанинг гапларидан биз сайёралари Ваикунтха, Худо Шахсининг даргоҳи деб аталадиган чексиз руҳий осмон мавжудлигини биламиз. Етти қобик билан ўралган моддий оламнинг сарҳадларидан ташқарида ястаниб ётган ана шу осмонни ёритиш учун куёш ҳам, ой ҳам электрури ҳам керак эмас, чунки у жойдаги ҳар бир сайёра ўзидан нур таратиб туради ва моддий куёшлардан ёрқинроқ порлаб туради. Асл содиқлар Парвардигор билан бир хил ўйлайдилар, бошқача қилиб айтганда, улар Парвардигор ҳақида ҳамиша ўзларининг ягона содиқ дўсти ва саодатманди сифатида ўйлайдилар. Уларни моддий оламдаги бирор тирик мавжудот, шу жумладан коинотнинг яратувчиси Маъбуд Браҳма ҳам жалб этолмайди. Фақат ана шундай асл содиқларнинг кўзи олдида Ваикунтха сайёралари намоён бўлиши мумкин. Асл содиқлар Парвардигорнинг мукамал кўрсатмаларига асосландилар, шу боис улар илоҳий оламнинг табиати ҳақидаги масалани сунъий равишда чигаллаштирмайдилар ва Браҳман нима, Браҳман эмас, яъни майа нарса нима сингари бемаъни муҳокамаларга бекорга вақт кетказиб ўтирмайдилар, ўзларини Парвардигор билан бир деб ўйлаш ёки Парвардигор улардан мустақил равишда мавжуд эмас, ёки умуман Худо йўқ деган, ёки тирик мавжудотларнинг ўзлари Худо, ёки Парвардигор бу дунёда намоён бўлганида моддий тана олади деган фикр уларнинг хаёлига ҳам келмайди. Уларни мужмал, аслида фақат илоҳий илмни англаб етишга тўсқинлик қиладиган ҳар хил ўйлаб топилган таълимотлар умуман қизиқтирмайди. Имперсоналистлар ва имонсиз одамлардан ташқари яна шундай одамлар ҳам борки, улар ўзларини бошқаларга Худо-

нинг содиқлари қилиб кўрсатадилар, лекин аслида эса қалбининг тўрида улар шахсиятсиз Браҳман билан кўшилиб кетишга интиладилар. Улар ўзларича, очикчасига айшу-ишрат билан шуғулланиб ёки соддадил одамларни ёки ўзига ўхшаган имонсиз одамларни йўлдан уриб, Худога садоқат билан хизмат қилишнинг нотўғри янги турларини ўйлаб топадилар. Ана шу имонсиз ва адашган одамларнинг ҳаммаси Вишванатха Чакравартининг фикрига кўра, аслида махатма, буюк зотлар никоби остига кириб олган дуратмалар ҳисобландилар. Шукадева Госвамининг мазкур шеъри ана шундай имонсизларни ва адашганларни илоҳиётчилар қаторидан мангу ўчириб ташлайди.

Шундай қилиб, Ваикунтха сайёралари - парам падам деб аталадиган ҳақиқий олий даргоҳ. Шахсиятсиз брахмаджйоти ҳам парам падам деб аталади, чунки улар худди куёш нурлари куёшнинг порлаши сингари, Ваикунтхаларнинг ёғдуси ҳисобланади. "Бхагавад-гита"(14.27)да аниқ айтилганидек, шахсиятсиз брахмаджйоти Парвардигорнинг шахсидан таралиб туради, бутун борлиқ бевосита ёки билвосита брахмаджйотида жойлашгани учун хулоса қилиш мумкинки, бутун оламини Парвардигор яратган, Унинг Ўзи унинг мавжудлигини таъминлаб туради ва моддий олам яқсон бўлганда Унинг ичига кириб кетади. Демак, ҳамма нарса Унинг иродасига боғлиқ. Парвардигорнинг асл содиқ хизматкори ўзининг қимматбаҳо вақтини Браҳманни Браҳман бўлмаган нарсдан ажратишга уриниб бекорга сарфлаб ўтирмайди, чунки, Парвардигор Парабраҳман Ўзининг Браҳман қуввати ёрдамида бутун борлиққа сингиб кетган. Шунинг учун содиқ хизматкор бутун борлиқни Парвардигорнинг мулки деб билади. У ҳамма нарсдан фақат Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлида фойдаланишга интилади, Унинг яратиб қўйган салтанатига ҳукмронлик қилишга бекорга уриниш йўлида кераксиз муаммоларни юзага келтирмайди. Парвардигорга содиқ қолган ҳолда у ўзини ҳам, ўзининг атрофидаги ҳамма нарсани ҳам Парвардигорга илоҳий хизмат қилиш билан машғул қилади. Содиқ хизматкор ҳамма нарсда Парвардигорни, ҳамма нарсани эса Парвардигорда кўриб юради, дуратмалар, яъни имонсиз атеистлар эса ҳаёт ҳақидаги Парвардигорнинг илоҳий қиёфаси моддий сифатга эга деган ҳалокатли тасаввурни химоя қиладилар.

19. Илмий хулосаларга таянган ҳолда инсон Мутлақ Ҳақиқатни англаб етиши ва шу тарзда барча дунёвий орзу-истакларидан покланиши лозим. Шу ҳолатга эришгандан сўнг у товони билан орқа ҳаво тешигини бекитиб, ҳаёт нафасини аста-секин танасидаги асосий

олти марказ бўйлаб юқорига кўтариб, моддий танасини тарк этиши керак.

Изоҳ: Ўзларининг Брахман эканини англаб етган зотлар деб даъво қиладиган, лекин аслида ўзларининг дунёвий истакларини жиловлаб ололмайдиган дурутмалар ҳам оз эмас. "Бхагавад-гита"(18.54) аниқ айтилганки, ўзининг рухий табиатини англаб етган зот дунёвий истаклардан мутлақо озод бўлади. Дунёвий истаклар тирик мавжудотнинг сохта ўзлигига асосланган бўлади ва унинг беш унсурдан таркиб топган моддий табиатга ҳукмронлик қилишга бемаъни ва нодонларча уриниб юришида намоён бўлади. Ана шундай тасавур, дунёқараш билан яшаётган киши ядро қуролини кашф этган ва механик қурилмалар ёрдамида коинотда сайр қилиш имкониятини яратган дунёвий илм-фаннинг қудратига ишонади. Моддий илм-фаннинг арзимаган ютуқларига таяниб, сохта ўзлик таъсирига берилган киши ҳатто унинг барча уринишлариша бир зумда чек қўйишга қодир бўлган Парвардигорнинг олий ҳукмронлигига шубҳа билан қарашаг журъат қилади. Ўзининг азалий ҳолатида мустақкам туриб олган ва Брахманни англаб етган киши Олий Брахман, яъни Худо Шахси ҳар анарсага қодир Васудева, унинг ўзи эса, - ўша тўла бутун Зотнинг ажралмас бир зарраси эканини жуда яхши билади. Шунинг учун рухнинг табиий ҳолати - Парвардигор билан ўзаро хўжайин ва хизматкор сифатида ўзаро илоҳий муносабатларда бўлиб, ҳамиша У билан ҳар томонлама ҳамкорлик қилишдан иборат. Ўзини англаб етган ана шундай зот ўзининг моддий табиатни бўйсундиришга қаратилган барча фойдасиз уринишларига чек қўяди; ишончли амалий илмга асосланган ҳолда ўз ихтиёрини Худога топшириб, у ҳаётини бутунлай Худога хизмат қилишга бағишлайди.

Муқаддас китобларда кўрсатилган йога тизимининг усуллари ёрдамида ҳаёт нафасини бошқариш санъатини мукамал эгаллаб олган тажрибали йог ўзининг танасини қуйидаги йўл билан тарк этиш тавсия қилинади. У товони билан орқа тешигини бекитиши ва ҳаёт нафасини танадаги асосий олти марказ: киндик, ошқозон, юрак, кўкрак, танглай, қошлар ва бошнинг энг юқори қисми - орқали юқори кўтариши лозим.Йога усули ёрдамида ҳаёт нафасининг ҳаракатини бошқариш - механик, жисмоний ҳаракатдир, амалда у билан шуғулланиш маълум даражада жисмоний усуллар ёрдамида рухий баркамолликка эришишга уринишлардан иборат бўлади. Бир пайтлар мана шу усул илоҳиёт кишилари орасида кенг тарқалган эди, чунки бундай амалиёт билан шуғулланиш одамларнинг турмуш-тарзининг ва мойилликларининг тала-

бига жавоб берган. Лекин ҳозир Кали йуга бизларга шунча ташвиш келтириб турган даврда бу йога санъати амалда бутунлай йўқолиб кетган ва ана шундай жисмоний машқларни бажаришга қодир бўлган одамлар қолмаган. Ҳозирги даврда ақлни Парвардигорнинг муқаддас номини зикр қилиш орқали жиловлашга эришиш осонроқ. Бу усул ҳаёт нафасининг ҳаракатини бошқариш усулидан анча самаралироқ.

20. Мууроқаба жараёнида йог тафаккури ёрдамида керакли нуқталарни топиб, ҳаёт нафасини аста-секин киндигидан юрагига, кейин кўкрагига ва танглайига кўтариши лозим.

Изоҳ: Танада ҳаёт нафаси айланиб турадиган олти марказ бор, мууроқабага ғарқ бўлиб, бхакти-йог ақл-идроки ёрдамида ана шу марказларни топиши лозим. Свадхиштхана-чакра - ҳаёт нафаси бирикмаси ҳам ана шу марказлар таркибига киради, ундан юқорироқда, киндик ва ошқозондан пастроқда мани-пурака-чакра жойлашган. Ундан ҳам баландроқда, юрак атрофида жойлашган нуқтани топиб, йог анахата-чакрага эришади, ҳаёт нафасини яна ҳам баландроқ, танглайига кўтариб, вишуддха-чакрага эришади.

21. Кейин бхакти-йог ҳаёт нафаси чиқадиган етти йўлнинг барчасини бекитиб, ҳаёт нафасини қошлари ўртасида жамлаши ва диққатини ўзининг энг олий мақсадида - ўзининг мангу уйига, Худонинг даргоҳига қайтишда жамлаши керак. Ҳар қандай дунёвий лаззатланиш истагидан халос бўлган йог, барча моддий боғланишлардан халос бўлиб, ҳаёт нафасини бошининг юқори қисмида жамлаб Парвардигор салтанатига йўл олиши керак.

Изоҳ: Мазкур шеърда таърифланган усул ёрдамида йог моддий боғланишларнинг барча ришталарини узиб ташлаб, ўзининг уйига, Худонинг даргоҳига эришиши мумкин. Бунинг учун моддий лаззатланиш истақларидан бутунлай халос бўлиш лозим. Тирик мавжудотнинг умрининг узунлигига ва сезгиларни лаззатлантиришнинг унинг ўзига хос бўлган шаклларига қараб моддий лаззатланишнинг ҳар хил поғоналари мавжуд. Ҳис қилиш мумкин бўлган энг олий ҳиссий лаззат ва энг узоқ умр "Бхагавад-гита"(9.20)да ёзилган. Бу лаззатларнинг ҳаммаси моддий табиатга эга, шунинг учун инсон ҳатто Брахмалокада ҳам ўзига бунчалик узоқ умрнинг керак эмаслигини англаб етиши лозим. Биз ўз уйимизга, Худонинг даргоҳига қайтиб кетишимиз лозим, шунинг учун шунинг учун бизларни ҳеч қандай моддий бойликлар ўзига жалб қилмаслиги керак. "Бхагавад-гита"(2.59)да ай-

тилганки, инсон ҳаётнинг олий лаззатини тотиб кўргандан кейин моддий лаззатларга боғланмасликка эриша олади. Парам дриштва нивартате. Рухий ҳаётнинг табиатини охиригача англаб етмай туриб, моддий боғланишлардан халос бўлишнинг иложи йўқ. Имперсонализмнинг баъзи бир мактаблари тарқатиб юрган, рухий ҳаёт ранг-баранглиқдан махрум деган ғоялар жуда хавфли, чунки бу билан улар одамларни йўлдан адаштирадилар ва уларнинг моддий лаззатланишга бўлган боғланишини кучайтириб кўяди. Илми саъз кишилар парамни, Парвардигорни англаб етолмайдилар. Улар гарчи ўзларидан мамнун бўлиб, Браҳманни англаб етдик деб ўйласалар ҳам аслида моддий лаззатларга боғланиб қолганлар. Мазкур шеърда тасдиқланадики, ана шундай калтафаҳм одамлар парам ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга эмаслар, шу боис Парвардигорни англаб етишга кодир эмаслар. Худонинг содиқлари эса рухий олам, Худо Шахси ва Унинг Ваикунтҳа деб аталадиган сон-саноксиз рухий сайёралардаги илохий даргоҳи ҳақида тўлиқ илмга эга. Бу ерда акунтха-дриштах ибораси ишлатилган. Акунтха ибораси ҳам ваикунтҳа ибораси сингари, шуни билдирадидики, фақат рухий оламга эришишни ва Парвардигор билан бевосита ҳамсухбат бўлишни ўзининг олий мақсади қилиб олган киши ҳатто моддий оламда юриб ҳам барча моддий боғланишлардан халос бўла олади. "Бхагавадгита"да бир неча бор ишлатилган парам ва парам-дхама иборалари аслида битта маънони англатади. Парам-дхамага эришган киши моддий оламга бошқа қайтиб келмайди. Ана шундай озодликка ҳатто моддий оламнинг энг олий лока, сайёрасида ҳам эришиб бўлмайди.

Ҳаёт нафаси танадан етти тешик орқали чиқиб кетади: икки кўз, буруннинг икки тешиги, икки қулоқ ва оғиз. Кўпчилик одамларда ажали етган пайтда ҳаёт нафаси оғиз орқали чиқиб кетади. Лекин, юқорида кўрсатилгандек, ҳаёт нафасининг ҳаракатини бошқаришни биладиган йог уни одатда калланинг юқори қисмидан чиқаради. Бунинг учун у ҳаётт нафаси фақат калланинг юқори қисмидан чиқа олиши учун тананинг юқорида кўрсатилган етти тешигини бекитиб кўяди. Мана шу буюк содиқнинг барча моддий боғланишлардан озо эканини кўрсатадиган аниқ белги ҳисобланади.

22. Эй шох, агар йогнинг қалбида олий сайёра (Брахмалока)га эришиш ёки саккиз турли сеҳр қудратига эга бўлиш, коинотда ваихайасалар билан сайр қилиш ёки коинотдаги миллионлаган сайёраларининг бирортасида яшаш сингари моддий лаззатланишнинг нафис турлари қолган бўлса - у ўзининг ана шу

моддий ақли ва истақларини ҳам ўзи билан бирга олиб кетади.

Изоҳ: Олий сайёралар тизимида моддий лаззатланиш имконияти куйи сайёралардагига қараганда юзлаб ва минглаб марта кўпроқ. Олий сайёралар тизимига Брхамалока ва Махарлокадан юқорида жойлашган Дхрувалока сингари сайёралар киради. Ана шу сайёраларда яшайдиган аҳоли сеҳр қудратининг саккиз турига эгалар. Улар атомдан ҳам кичикроқ бўлиш(анимасиддхи)ни ёки энг енгил нарсдан енгилроқ бўлиш(лагхима-сиддхи)ни, истаган жойидан истаган нарсани ола билиш(прапти-сиддхи)ни, энг оғир нарсдан ҳам оғир бўлиш(махи-сиддхи)ни, ўз хоҳиши билан бирор нарсани яратиш ёки яқсон қилиш(ишитва-сиддхи)ни, барча моддий унсурларни бошқара билиш(вашитва-сиддхи)ни, ўзининг истаган орзусини рўёбга чиқариш(пракамйя-сиддхи)ни ёки ўз хоҳиши билан истаган қиёфага кира олиш(камаवासайта-сиддхи)ни ўрганиш учун сеҳрли йога санъатини эгаллаб юришнинг ҳожати йўқ. Олий сайёраларда яшайдиган зотлар бундай қобилиятларга туғилганиданок табиий равишда эга бўладилар. Коинот бўйлаб саёҳат қилиш учун уларга ҳеч қандай механик ҳаво кемаларининг кераги йўқ - улар бир лахзада бир сайёрадан иккинчи сайёрага ўта оладилар. Механик қурилмалар -космик кемалар ёрдамисиз ер аҳолиси ҳатто ўзларига энг яқин сайёрага ҳам бора олмайдилар, лекин олий сайёраларнинг алоҳида қобилиятларга эга бўлган аҳолиси ҳайратланарли даражада осонлик билан ҳар қандай мўъжиза ярага оладилар.

Одатда дунёвий имонсиз одам ҳамма нарсани ўз кўзи билан кўришга интилади, шунинг учун уни олий сайёралар тизимидаги ҳаёт қизиқтиради. Худди дунёдаги барча эътиборга лойиқ жойларни ўз кўзлари билан кўриш учун қизиқувча кишилар бутун дунё бўйлаб саёҳат қилиб юрганлари сингари, етарлича чуқур тафаккурга эга бўлмаган илоҳиёт кишиси ҳам ўзи шунча ажойиб гаплар эшитган бошқа сайёралардаги ҳаётни ўз кўзи билан кўришга интилади. Лекин йог ана шу сайёраларга ўзининг моддий ақли ва сезгиларини сақлаб қолган ҳолда эриша олади. Моддий нарсаларга боғланиб қолган ақл энг аввало моддий оламга ҳукмронлик қилишга интилади. Аслида, санаб ўтилган барча сиддхилар моддий олам устидан ҳукмронлик қилишнинг турли кўринишларидир. Худонинг содиқлари алдамчи ва ўткинчи ходисаларга ҳукмронлик қилишга интилмайдилар, аксинча, улар олий ҳукмдорнинг, Парвардигорнинг ҳукмига тўла бўйсуниб яшашга интиладилар. Ана шу Худога садоқат билан хизмат қилиш истаги рухий табиатга эга, рухий салтанатга кириши ҳуқуқига эга бўлиш учун инсон ўзининг

акли ва сезгиларини ана шундай пок ҳолатга етказиши лозим. Ҳаёт ҳақида моддий тасаввурга эга бўлган одамлар коинотнинг олий сайёрасига эриша оладилар, лекин уларга Парвардигорнинг салтанатига кириш йўллари берк. Сезгилар агар ҳиссий лаззатланишда иштирок этмасалар покланган ҳисобланади. Сезгилар ҳамиша бирор фаолият билан машғул бўлиши лозим, улар Парвардигорга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишда машғул бўлганида уларга моддий иллатлар яқинлаша олмайди.

23. Илоҳиёт кишилари ўзларининг руҳий танаси ҳақида қайғурадилар, шу сабабли улар Худога садоқат билан хизмат қилиб юргани, риёзатлари, сеҳр қудрати ва эришган илоҳий илмлари шарофати билан ҳамма жойда - моддий олам да ҳам, ундан ташқарида ҳам бемалол сайр қилиб юра оладилар. Ўз фаолиятининг маҳсулидан лаззатланиш ниятида ҳаракат қиладиган ашаддий дунёвий кишилар эса эркин сайр қилишнинг ана шундай имкониятидан маҳрумдирлар.

Изоҳ: Дунёвий олимларнинг механик курилмалар ёрдамида бошқа сайёраларга эришиш йўлидаги уринишлари - куч-қувватни бекорга сарфлашдир. Қўпол ва нафис механик воситалар ҳеч қачон инсонга Сварга-, яъни Джана-локадан юқори кўтарилиш имконини бера олмайди. Лекин кўплаб савоб ишлар қилган киши жаннатий сайёраларга эриша оладилар. Қўпол моддий танаси билан боғлаб турадиган ҳеч қандай ришта қолмаган илоҳиёт кишилари эса, ҳамма жойда: моддий оламда ва ундан ташқарида бемалол сайр қилиб юришлари мумкин. Моддий оламда улар Махар-, Джанас-, Тапас- ва Сатйя-локалар бўйлаб сайр қиладилар, улардан ташқарида эса, ҳеч қандай тўсиқларга учрамасдан Ваикунтҳокаларга эриша оладилар. Нарада Муни ана шундай космонавтлардан бири ҳисобланади, Дурваса Муни эса - сеҳргар йогларга мисол бўлиши мумкин. Худога садоқат билан хизмат қилиб, риёзатларга берилиб, ўзининг сеҳрли мўъжизалар кўрсатиш қобилиятини ошириб ва илоҳий илмини ривожлантириб ҳар қандай инсон ҳам худди Нарада Муни ва Дурваса Муни сингари саёҳат қилиш имкониятига эга бўлиши мумкин. Маълумки, Дурваса Муни бутун моддий оламни ҳамда руҳий оламнинг бир қисмини атиги бир йилда айланиб чиққан. Қўпол ва нафис табиатли имонсиз дунёвий одамлар ҳеч қачон илоҳиёт кишилари қодир бўлган шундай тезликка эриша олмайдилар.

24. Эй шох, сеҳргар йог ўзидан нур таратиб турадиган Сушумна орқали Сомон Йўлидан

ўтиб, энг олий сайёра(Брахмалока)га етиб борганида, у аввало олов фариштасининг сайёраси-Ваишванарага тушади. Шу жойда у иллатлардан бутунлай покланади, кейин яна юқори кўтарилади ва Худо Шахси, Парвардигор Хари билан бевосита ҳамсухбат бўлиш учун Шишумара доирасига қиради.

Изоҳ: Қутб юлдузи ва унинг орбитаси Шишумара айланаси деб аталади. Ана шу айлана ичида Худо Шахси(Кширодакашайи Вишну)нинг мана шу коинотдаги даргоҳи бўлган сайёраси жойлашган. Ана шу сайёрага тушишдан олдин сеҳргар Сомон Йўлидан ўтади ва олов фариштаси яшайдиган Ваишванаралокада тўхтаб, кейин Браҳмалокага тушади. Ваишванаралокада йога моддий оламда яшаган даврида қилгана барча гуноҳлари оқибатидан бутунлай халос бўлади.

25. Шишумара - атрофида бутун коинот айланиб турадиган ўқдир. Уни (Гарбходакашайи) Вишнунинг киндиги деб атайдилар. Фақат комил йог Шишумара доирасидан чиқиб, Бхригу ва бошқа асл содиқлар 4.300.000.000 қуёш йилига тенг бўлган узок умр давомида лаззатланиб яшайдиган Махарлока сайёрасига эриша олади. Шу сайёрага ҳатто илоҳий поғонага эришган авлиё зотлар ҳам сажда қиладилар.

26. Моддий олам (Брахманинг умри охирида) тўла яксон бўлганида Анантанинг оғзи(коинот қаъри)дан олов отилиб чиқади. Йог коинотдаги сайёраларининг ҳаммаси ёниб кулга айланаётганини кўради ва буюк асл содиқларнинг ҳаво кемаларига ўтириб Сатйялокага йўл олади. Сатйялокада ҳаёт 15.480.000.000.000 йил давом этади.

Изоҳ: Мазкур шеърдан билиб оламизки, пок тирик мавжудотлар 4.300.000.000 қуёш йилига тенг умр кўрадиган Махарлока аҳолисида ҳаво кемалари бор бўлиб, улар шу кемаларда коинотнинг энг олий сайёраси Сатйялокага етиб борадилар. Шундай қилиб, "Шримад Бхагаватам"да жуда олис сайёралар ҳақида ҳам жуда кўп маълумотлар мавжуд, уларга ҳатто тасаввур қилиб бўлмайдиган тезликда энг замонавий самолет ёки космик кемаларда учсак ҳам эришиб бўлмайди. "Шримад Бхагаватам"да берилган бу маълумотларни буюк ачарйалар тан оладилар: Шридхара Свами, Рамануджачарйа, Валлабхачарйа ва бошқалар. Парвардигор Шри Чаитанйа Махапрабху ҳам "Шримад Бхагаватам"нинг ишончли манба эканини алоҳида таъкидлаб айтган ва уни бенуқсон ведавий асар деб атаган, шу боис бирор соғлом фикрлайдиган киши унда берилган маълумотларни инкор этолмайди, чун-

ки улар рухий ўзлигини англаб етган зотдан - ўзининг буюк отаси, барча ведавий асарларнинг муаллифи Шрила Вйасадева изидан бораётган Шрила Шукадева Госвамининг оғзидан чиқади. Парвардигорнинг салтанатида кечаю-кундуз кўзимизга кўриниб турадиган ҳар хил мўъжизалар кўп, лекин замонавий моддий илм-фан бизларнинг уларга яқинлашишимизга ёрдам беришга қодир эмас. Шунинг учун моддий илм-фаннинг имкониятидан ташқари бўлган масалаларда унга ишониб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Оддий инсон замонавий илм-фаннинг маълумотларини ҳам, ведавий муқаддас китоблардаги маълумотларни ҳам ишониб қабул қилишга мажбур, чунки унда на унисининг, на бунисининг маълумотларини текшириб кўриш имконияти йўқ. Нимага ишонишни унинг ўзи танлаши лозим: ё унисига, ё бунисига, ё иккаласига ҳам биргаликда. Лекин ҳақиқатни англашнинг ведавий усули ишончлироқ, чунки бу йўлни ўзлари ҳам такводор ва олим зотлар бўлиб қолмасдан, шартланган руҳларга хос бўлган нуқсонлардан пок бўлган озодликка эришган буюк ачарйалар тан олганлар. Замонавий олимлар эса, - шартланган руҳлар, улар ўзларининг табиатига кўра хатолашишга маҳкум. Шунинг учун энг ишончли йўл - буюк ачарйалар бир овоздан тан олган "Шримад Бхагаватам" сингари ведавий муқаддас китобларни тан олишдан иборат.

27. Ана шу Сатйялока сайёрасида - мусибат ҳам, кексалик ҳам, ўлим ҳам мавжуд эмас. Унинг аҳолиси азоб нималигини билмайдилар, шу боис уларнинг ҳаётига ҳеч нарса ташвиш сололмайди. Фақат ахён-ахёнда, онги уларни моддий оламда чидаб бўлмас азоб-уқубатлар чекаётган ҳамда Худога садоқат билан хизмат қилишдан беҳабар бўлган одамларга ачинганидан қийналишга мажбур этади, холос.

Изоҳ: Ақли ҳаёт ҳақида моддий тасаввур асосида фикрлайдиган нодонлар шогирдлар силсиласи орқали бериладиган ишончли илмнинг афзалликларидан фойдаланмайдилар. Ведалар илми ишончли илм, чунки у тажриба асосида юзага келган эмас, балки мазмунини ҳақиқий ишончли зотлар тушунтириб берган ведавий муқаддас китобларнинг ишончли маълумотларига асосланган. Ведаларда нималар ҳақида айтилганини тушуниш учун илмий унвонга эга бўлишнинг ўзи камлик қилади. "Бхагавад-гита"(4.2)да тушунтирилганки, бунинг учун ведалар илмини шогирдлар силсиласи орқали ўрганган ишончли зотга мурожаат қилиш лозим. Парвардигор Кришна ҳам тасдиқлайдики, "Бхагавад-гита"да баён этилган илм Куёш фариштасига берилган

эди ва кейин шогирдлар силсиласи орқали ус-тоздан шогирдга ўтиб авлоддан-авлодга ўтган: Куёш фариштасидан - унинг ўғли Мануга, Манудан - шоҳ Икшвакуга ва ҳоказо - бир буюк донишманддан бошқасига. Лекин, вақт ўтиши билан ишончли силсила занжири узилиб кетган, шу боис бу илоҳий илмнинг ҳақиқий мазмунини такроран ошкор этиш учун Парвардигор уни Аржунга гапириб берган. Аржун Парвардигорнинг асл содиқ хизматкори бўлгани учун бу илмни англаб етишга қодир эди. Аржун "Бхагавад-гита" илмини қандай тушунгани ҳам унинг ўзида баён этилган(Бг.10.12-13), лекин ундан ўрнак олмасдан "Бхагавад-гита" илмини англаб етишга уриниб юрган нодонлар ҳам топилди. Бунинг ўрнига улар "Бхагавад-гита" илмини ўзларига ўхшаган аҳмоқона изоҳлар билан талқин қиладилар ва бу билан ўзларининг калтафаҳм ва фаросатсиз издош(шудра)ларини йўлдан адаштириб, уларнинг бу нодир илоҳий илмни тўғри тушуниб олишларига халақит берадилар. Ведалар илмининг мазмунини англаб етиш учун инсон браҳман бўлиши лозим, дейилган. Бу шарт ҳам худди адвокатлик қилиш учун инсон юридик маълумотга эга бўлиши лозимлигидек зарур ҳисобланади. Бундай чеклаш кимнингдир рухий юксалишига тўсқинлик қилиш учун эмас, балки номуносиб одамларнинг ведалар илмини нотўғри талқин қилишларидан ҳимоя қилиш учун зарурдир. Браҳман даражасига эришмаган, браҳманларга хос фазилатларга эга бўлмаган киши ведалар илмининг мазмунини ўзгартириб талқин қиладилар. Ҳақиқий рухий устознинг бевосита раҳбарлиги остида илм ўрганиш курсини тамомлаган киши малакали браҳман ҳисобланади.

Ведалар донишмандлиги бизларга Парвардигор Шри Кришна билан ўзаро муносабатларимизни англаб етишга ва интилиб юрган натижамизга эришиш - ўз уйимизга, Худонинг даргоҳига қайтиш учун улар асосида ҳаракат қилишга имкон беради. Лекин дунёвий одамлар бунини тушунмайдилар. Улар бахт йўқ жойдан бахт излаб топишдан умидвор бўлиб турли режалар тузадилар. Ўткинчи сароб бахт изидан қувиб, улар ведавий маросимлар ёки космик кемалар ёрдамида бошқа сайёраларга эришишга интиладилар, лекин улар шуни яхши тушуниб олишлари лозимки, адашган одамларнинг мусибат чекиш учун мўлжалланган жойда моддий бахтга эришиш учун қилаётган ҳар қандай ҳаракатлари аввалданок ҳеч қандай натижа бермаслиги маълум, чунки вақти келиб эртамикечми ичидаги мавжуд ҳамма нарса билан бирга бутун коинот яқсон бўлади, коинот билан бирга эса, моддий бахтга эришиш умидлари ҳам барбод бўлади. Шунинг учун чуқур тафаккур эгаси бўлган киши ўзининг мангу уйига, Худонинг

даргоҳига қайтиб кетишни режалаштиради. Ана шундай чуқур мулоҳазали киши моддий тирикчиликнинг барча мусибатларидан - туғилиш, ўлиш, касаллик ва кексаликлардан юқори кўтарилади. У ҳақиқатан ҳам бахтиёр, чунки у моддий тирикчилик мусибатларидан беҳабар, лекин, дунёвий одамлар маҳкум бўлган мусибатлар ҳақида билгани учун у ўзини бахтсиз ҳис қилади, шу боис вақти-вақти билан уларни Худонинг даргоҳига қайтиш зарурлигига ишонтириш учун уларнинг олдига келиб туради. Одамларни Худонинг даргоҳига қайтишга чақириб мана шу ҳақиқатни барча ҳақиқий ачарйалар тарғибот қилганлар ва бахт бўлмаган ва бўлиши ҳам мумкин бўлмаган жойдан бахт излаш билан одамларни огоҳлантирганлар.

28. Сатйалокага тушгандан кейин содиқ алоҳида қобилиятга - ўзининг нафис танасида моддий танани ташкил этадиган унсурлар ичига қўрқмасдан кириш қобилиятига эга бўлади. Шу тарзда у бирин-кетин ер, сув, олов, ёруғлик, ҳаво, қатламларидан ўтади ва ниҳоят само(эфир) қатламига эришади.

Изоҳ: Рухий фаолияти ва эришган рухий муваффақиятлари шарофати билан Брахмалокага эришган кишилар уч турли рухий баркамолликдан бирига эга бўладилар. Бу сайёрага ўзининг эзгу фаолияти натижасида эришган кишилар шу жойда ўз фаолиятига мос бўлган мартабада бўладилар. Вират, яъни Хираньягарбхага сиғиниб юргани шарофати билан унга эришган зотлар эса, Маъбуд Брахма билан бирга рухий озодликка эришадилар. Лекин, мазкур шеърда бу сайёрага Худога садоқат билан хизмат қилиш шарофати билан, коинотнинг ҳар хил қобиклари орқали ўтиб, охир-оқибатда олий мавжудликнинг мутлақ муҳитида ўзининг бирлигига эришган зотлар ҳақида гап боради.

Шрила Жива Госвамиининг фикрига кўра, ҳар бири етти қобик билан ўралган барча коинотлар битта гуруҳга тўпланган. Етти қатламдан ташқарида сув билан тўлган мкон бор. Навбатдаги ҳар бир қатлам аввалгисидан ўн марта қалинроқ. Коинотларнинг ана шу тўплами устида уларни Ўзининг нафас чиқариши пайтида яратган Худо Шахси ётади. Сабаблар Уммонининг суви коинотнинг қобиғи таркибидаги сувдан сифат жиҳатидан фарқ қилади. Коинотнинг қобиғи таркиб топган сув моддий сифатга, Сабаблар Уммонининг суви эса рухий табиатга эга. Мазкур шеърда баён этилаётган сув қобиғи барча тирик мавжудотларни ўраб олган сохта ўзликнинг табиати билан бир, бу ерда айтилган, моддий қобиклардан аста-секин халос бўлиш жараёни - ҳаёт ҳақида қўпол моддий тана билан боғлиқ бўлган сохта ўзлик тасаввуридан аста-

секин халос бўлиш ҳамда то Худонинг мутлақ даргоҳида соф рухий танага эга бўлгунга қадар аста-секин нафис танага фарқ бўлиш жараёнидир.

Шрила Шридхара Свами тасдиқлайдики, Парвардигор ҳаракатга келтирган моддий табиатнинг бир қисми махат-таттва деб аталади. Махат-таттванинг бир қисми сохта ўзлик деб аталади. Эгонинг бир қисми - товуш тебраниши, товушнинг бир қисми эса - атмосфера ҳавоси. Ҳаво қатламининг бир қисми шаклга айланади, шакл эса, электр ёки иссиқлик қувватига айланади. Иссиқлик ернинг қўпол унсурини шакллантирадиган ҳидини юзага келтиради. Буларнинг ҳаммаси биргаликда космик оламни ташкил этади. Унинг диаметри тўрт миллиард мил. Кейин коинотнинг қобиклари бошланади. Биринчи қобикнинг қалинлиги саксон миллион мил бўлиб, бошқа қобиклар оловдан, ёруғликдан, ҳаводан ва эфирдан иборат бўлиб, ҳар бир қобик олдингисидан ўн марта қалинроқ. Парвардигорнинг содиқ хизматкори қўрқмасдан ана шу қобиклар орқали ўтиб, ҳамма нарса мутлақ табиатга эга бўлган мутлақ атмосферага эришади. Кейин у Ваикунтҳалардан бирига эришади ва шу ерда Парвардигорники сингаританага эга бўлиб, Унга илоҳий муҳаббат билан хизмат қила бошлайди. Мана шу Худога садоқат билан хизмат қилишнинг энг олий поғонаси, баркамол йогининг барча интилишларининг ягона мақсади.

29. Шундай қилиб, йог(содиқ) сезгиларга таъсир қиладиган нафис унсурлардан: хиддан(хидлаш ёрдамида), таъмдан(таъм билиш ёрдамида), кўринувчи нарсалардан(кўриш ёрдамида), сезилувчи нарсалардан(сезиш ёрдамида), эшитиладиган нарсалардан(эшитиш ёрдамида) ва сезиш органларидан(моддий фаолият ёрдамида) биратўла қутулади.

Изоҳ: Осмон устида коинотнинг қўпол қобикларига ўхшаган нафис қобиклар жойлашган. Қўпол қобиклар баъзи бир нафис сабабларнинг шакл ўзгариши натижасида юзага келади. Шундай қилиб, йог ёки содиқ хизматкор қўпол унсурлардан халос бўла бориши натижасида нафис сабаблардан ҳам озодликка чиқади, масалан, хидлаш ёрдамида хид унсуридан халос бўлади. Ш тарзда соф рухий учкун(тирик мавжудот) моддий иллатдан бутунлай покланади ва унинг олдида Парвардигорнинг салтанати эшиклари очилади.

30. Қўпол ва нафис қатламлардан ўтиб, содиқ(йог) ўзлик(эго) қатламига киради. Ана шу босқичда у моддий табиатнинг(ғафлат ва эҳтирос) гуналари таъсиридан халос бўлади

ва соф эзгуликдаги ҳақиқий ўзлигига эга бўлади. Кейин у ўзлиги(эгоси)ни махат-таттвага қўшади ва ана шу пайтда ўзининг ҳақиқий рухий ўзлигини англаб етади.

Изоҳ: Аввал бир неча марта айтганимиздек, ўзликни англаш, соф онг - тирик мавжудотнинг пок онги бўлиб, унда тирик мавжудот Парвардигорнинг мангу хизматкори эканини тушунади. Шу тарзда тирик мавжудот ўзининг азалий ҳолатига қайтади ва Худога илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишда машғул бўлади. Бу кейинги шеърда батафсил тушунтирилади. Моддий сезгиларни поклаш ва уларни азалий пок ҳолатига қайтариш ёрдамида мана шундай, Худога соф садоқат ва илоҳий муҳаббат билан холис хизмат қилиш поғонасига кўтарилиш мумкин. Бу ерда сезгиларни йога тизими ёрдамида поклаш усули таклиф этиляпти, бунда кўпол сезгилар ғафлат гунасига, нафис сезгилар эса - эхтирос гунасига ғарқ қилинади. Ақл эзгулик гунасига мансуб, шунинг учун у девамайя, илоҳий сезги деб аталади. Ақлни фақат инсон ўзи аслида Худонинг мангу хизматкори эканига ўзгармас, қатъий ва тўла ишонч ҳосил қилганидагина бутунлай поклаш мумкин. Шундай қилиб, эзгулик поғонаси - моддий поғона, унда руҳ аввалгидай моддий табиат гуналари таъсири остида бўлади; моддий эзгулик поғонасидан юқори кўтарилиш ва соф эзгулик, тирик мавжудотга Парвардигорнинг салтанатига кириш имконини берадиган васудева-саттва поғонасига эришиш лозим.

Бу борада шуни айтиш лозимки, шунчалик ишончли усул бўлишига қарамай, юқорида таърифланган содиқнинг аста-секин озодликка чиқиш усулини одамларнинг аксарият кўпчилиги йога машғулоти билан нотаниш бўлган ҳозирги даврда қўллашнинг иложи йўқ. Профессинал-йоглар тарғибот қилиб юрган йога тизимлари балки, организм(тана)га қандайдир фойда бериши мумкиндир, лекин бу арзимас натижалар инсоннинг мазкур шеърда таърифланган рухий озодликка эришишига ёрдам бера олмайди. Беш минг йил аввал, жамиятнинг ижтимоий тизими ведалар маданиятига тўла мос бўлган даврда бу ерда таърифланган йога усули билан ҳар бир одам таниш эди, чунки ҳамма, айниқса брахманлар ва кшатрийлар, бу илоҳий санъатни уйдан йироқда брахмачарий турмуш тарзи билан яшаган ҳолда рухий устоз раҳбарлиги остида эгаллаган. Лекин ҳозирги одамлар бу усулни тушуниб олишга ва ундан тўғри фойдаланишга қодир эмаслар.

Шунинг учун Парвардигор Шри Чаитанья ҳозирги даврда Худонинг содиқ хизматкори бўлишга интилиб юрган кишилар фойдалана олиши учун бу жараённи жуда осонлаштирди.

Яқуний натижа барибир ўзгармай қолаверади. Парвардигор Чаитанья тавсия қиладиган усул қуйидагича. Қилиш лозим бўлган биринчи ва асосий нарса - бхакти-йоганинг устиворлигини англаб етиш. Ҳар хил таналар ичида юрган тирик мавжудотлар уларда ўзларининг кармали фаолияти ва уларнинг оқибатларига мос бўлган жазо даврини ўтаб юрадилар. Лекин, ҳар хил фаолият билан машғул бўлиб бхакти-йогада анча савоб тўплаган кишилар Парвардигорнинг ва рухий устознинг бесабаб марҳамати билан Худога хизмат қилишнинг аҳамиятини англаб етиши мумкин. Парвардигор самимий зотга Ўзининг вакилини - ҳақиқий рухий устозни учраштириш билан ёрдам беради. Рухий устознинг кўрсатмаларига риоя қилиб, инсон ундан бхакти-йога уруғини олади. Парвардигор Шри Чаитанья Махапрабху содиқ хизматкорга ана шу уруғни ўзининг қалбида жойлашни ва Парвардигорнинг муқаддас номини такрорлаш ва тинглаш, Уни олқишлаш ва ҳоказо амаллар ёрдамида унга озуқа бериб туришни озиклантириб туришни маслаҳат беради. Парвардигорнинг муқаддас номини ҳақоратларсиз такрорлаш ва тинглаш усули инсонни тез вақт ичида рухий озодлик поғонасига кўтариб қўяди. Парвардигорнинг муқаддас номини зикр қилишнинг уч босқичи бор. Биринчи босқич - ҳақорат билан зикр қилиш босқичи, иккинчиси - покланиш поғонасида зикр қилиш, учинчи босқич - Парвардигорнинг муқаддас номини ҳақоратларсиз такрорлаш босқичи. Иккинчи босқичга - Худонинг муқаддас номларини ҳақоратли такрорлаш босқичидан ҳақоратларсиз такрорлаш босқичига ўтиш поғонасида инсон рухий озодликка эришади, у ҳақоратсиз зикр қилиш босқичига эришганда эса, гарчи у сиртдан қараганда ҳали моддий оламда юрган бўлиб кўринса ҳам, аслида Худонинг даргоҳига кирган бўлади. Худонинг муқаддас номларини ҳақоратларсиз зикр қилиш поғонасига эришиш учун инсон ҳамиша қуйидагиларни эслаб юриши лозим

Тинглаш ва такрорлаш деганда биз фақат Парвардигорнинг муқаддас номларини (яъни Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна, Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре\Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама Ҳаре Ҳаредан иборат 16 номни) зикр қилишни эмас, шунингдек, Худонинг содиқлари даврасида "Бхагавад-гита" ва "Шримад Бхагаватам"ни ўқиш ва тинглашни ҳам назарда тутамиз. Бхакти-йоганинг мана шу бошланғич амаллари инсон қалбига ўтказилган бхакти уруғининг униб чиқишига ёрдам беради, агар ана шу ниҳолни мунтазам равишда Худонинг муқаддас номларини тинглаш ва такрорлаш ёрдамида суғориб турсак, бхакти ниҳоли риволжлана бошлайди. Ҳамиша парваришлаб турилган нав ниҳол ўсиб-улғайиб коинотнинг барча қобикларидан юқори

кўтарилади ва порлоқ рухий осмонга, брахмажйотига етиб боради, ривожланишда давом этиб, сон-саноксиз рухий сайёралар - Ваикунтхалокалар жойлашган рухий осмонга етиб боради, ундан юқорида Кришналока, Голока-Вриндаван жойлашган. Шу жойга етиб борганда бхакти ниҳоли Худонинг азалий Шахси, Парвардигор Шри Кришнанинг нилуфар қадамлари пойида ором топади. Инсон Голока-Вриндаванда Парвардигор Шри Кришнанинг нилуфар қадамлари пойига эришганида бхакти ниҳолини озиклантириш - ведалар адабиётини тинглаш ва ўқиш, Худонинг муқаддас номларини садоқат билан зикр қилиш - Худого муҳаббат кўринишидаги ўз мевасини бера бошлайди, шунда содиқ ҳатто моддий оламда юрган бўлса ҳам, ана шу меваларнинг мазасини яққол ҳис қила бошлайди. Худого муҳаббатнинг пишган мевалари мазасидан фақат ҳамиша мунтазам равишда бхакти ниҳолини юқорида кўрсатилган усулда озиклантириб юрган содиқларгина лаззатландилар. Лекин бунда содиқ ўзининг қалбида ўсиб турган садоқат ниҳолини ҳар қандай хатарлардан ҳимоя қилиб юриши лозим. Бунинг учун у куйидагиларни ҳамиша эсида сақлаши лозим.

1) Парвардигорнинг асл содиқ хизматкорини ҳақорат қилиш ажойиб боққа кириб ҳамма нарсани пайхон қилиб ташлайдиган қутурган филга ўхшайди.

2) Худди ёш ниҳолни ҳимоя қилиш учун уни ҳар тарафдан ўраб ихота қилиб қўядиган боғбон сингари, содиқ ҳам Парвардигорнинг асл содиқ хизматкорларининг нилуфар қадамлари пойини ҳақорат қилиб қўйишдан диққат билан эҳтиёт бўлиши лозим.

3) Кўпинча, керакли ниҳолни озиклантириш бегона ўсимликларнинг ривожланишига олиб келади. Агар улар ўз вақтида юлиб ташланмаса, улар бхакти ниҳолининг ривожланишига ҳалақит беради.

4) Бу ёввойи ўтлар моддий нарсалардан лаззатланишни, шахсиятсиз Мутлақ Зотга қўшилиб кетиш истаги, ҳамда такводорлик, иқтисодий ривожланиш, ҳиссий лаззатланиш ва озодликка эришиш билан боғлиқ бўлган бошқа истакларни билдиради.

5) Бошқа ёввойи ўтлар ҳам бор: муқаддас китобларнинг кўрсатмаларига риоя қилмаслик, таъқиқланган фаолият билан шуғулланиш, ҳайвонларни ўлдириш, моддий манфаат кўришга, шон-шухратга ва иззат-ҳурматга интилиш.

6) Агар биз бхакти ниҳолини яхши парвариш қилмасак, уни озиклантириш билан ёввойи ўтларни кўпайтирамиз, асосий ниҳолнинг ривожланиши сусайиб кетади, у қутилган натижага - Худого муҳаббатга олиб бормайди.

7) Шунинг учун содиқ хизматкор ёввойи ўтлар пайдо бўлган заҳоти уларни таг-томири билан юлиб ташлаши лозим. Фақат шунда асосий ўсимлик яхши ривожланади.

8) Шундай йўл билан содиқ хизматкор Худого муҳаббат мевасини тотиб кўриши ва ҳатто ҳозирги ҳаётининг ўзидаёқ ҳамма жойда Парвардигор Кришнанинг иштирокини ҳис қилиб, У билан бирга яшаши мумкин.

Рухий баркамолликнинг олий поғонасига эришиш - Парвардигор билан ҳамсуҳбат бўлишдан ҳамиша лаззатланиб юриш демакдир, ана шу лаззатдан тотиб кўрган киши моддий оламдаги барча ўткинчи лаззатларга умуман қизиқмай қўяди.

31. Фақат покланган соф рух(жон)гина ўзининг азалий асл ҳолатига қайтгандан кейин Худо Шахси билан юзма-юз учраша олади ва бундан чексиз лаззат олиб, тўла мамнуният ҳосил қилади. Ўзининг қачонлардир йўқотган аввалги мукаммал садоқатли ҳолатига қайтадан эришган ана шундай рух(жон) учун бу моддий оламнинг ҳеч қандай қизиғи қолмайди, у энди ҳеч қачон моддий оламга қайтиб келмайди.

Изоҳ: Мазкур шеърда гатим бхагаватим ибораси алоҳида аҳамиятга эга. Имперсоналист брахмавадалар интилиб юрган Худонинг Олий Шахси, Парабрахман ёғдусига қўшилиб кетиш - бхагаватим деган баркамолликка эришиш эмас. Бхагаваталар Парвардигорнинг шахсиятсиз ёғдусига қўшилиб кетишни истамайдилар, аксинча, рухий осмондаги Ваикунтха сайёраларидан бирида ҳамиша Парвардигор билан шахсан ҳамсуҳбат бўлиб юришга интиладилар. Барча коинотлари билан бирга моддий осмон рухий осмоннинг арзимас кичик қисмини ташкил этади, ана шу чексиз рухий осмонда сон-саноксиз Ваикунтхалар жойлашган. Содиқ хизматкор(бхагавата)нинг мақсади - улардан бирига бориш: шу даргоҳда Худо Шахси Ўзининг сон-саноксиз экспансияларида Ўзининг сон-саноксиз яқин ҳамроҳлари, асл содиқлар даврасида лаззатланиб яшайди. Худого садоқат билан хизмат қилиш ёрдамида озодликка эришган моддий оламдаги шартланган руҳлар ана шу сайёраларга кўтариладилар. Лекин мангу озод руҳлар моддий оламдаги шартланган руҳларга нисбатан жуда кўп, Ваикунтха сайёраларида яшайдиган мангу озод руҳлар ҳеч қачон мусибатларга тўла бу моддий оламга тушмайдилар.

Парвардигорнинг шахсиятсиз ёғдусига, брахмажйотига қўшилиб кетишга интилиб юрган, лекин рухий оламда Унинг шахсий қиёфасида Унга садоқат билан хизмат қилиш ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга бўлмаган им-

персоналистларни худди дарё ва ирмоқларда туғилгандан кейин океанга сузиб ўтадиган балиқ турларига қиёслайдилар. Бу балиқлар океанда узоқ вақт қолиб кета олмайдилар, чунки хиссий лаззатланишга бўлган интилиш уларни тухум кўйиб урчиш учун яна дарё ва ирмоқларга ундайди. Худди шундай чекланган моддий оламда лаззатланиш истаклари барбод бўлган дунёвий одам ҳам баъзан озодликка чиқишнинг шахсиятсиз турига - ё Сабаблар Уммониға, ё брахмажйотига кўшилиб кетишга интилади. Лекин, на Сабаблар Уммони, на брахмажйотининг шахсиятсиз ёғдуси ҳамсухбат бўлиш ва сезгилар фаолияти учун бирор нарса таклиф қила олмагани сабабли имперсоналист яна чекланган моддий оламга қайтиб келади ва ўз сезгиларини бирор фаолият билан машғул қилиш иштиёқида яна туғилиш ва ўлишлар чархпалагига тушиб қолади. Ўзининг сезгиларини Худога садоқат билан хизмат қилишда илоҳий фаолият билан машғул қилиб юрган содиқ хизматкор эса, Парвардигорнинг салтанатига киради ва шу жойда озод руҳлар ва Худо Шахси билан ҳамсухбат бўлиб юради, шу боис уни бу чекланган моддий олам бошқа қизиқтирмай қўяди.

"Бхагавад-гита"(8.15)да Парвардигор буни шундай тасдиқлайди: "Буюк махатмалар, бхактиёғлар, Мен билан ҳамсухбат бўлиш имкониятига эга бўлгандан кейин, ҳеч қачон бу ўткинчи ва мусибатларга тўла моддий оламга қайтиб келмайдилар". Демак, ҳаётда баркамолликнинг энг юқори поғонасига эришиш - Парвардигор билан ҳамсухбат бўлиш имкониятига эга бўлишдир. Ҳаётини Худога садоқат билан хизмат қилишга бағишлаган бхакти-ёғларни озодликка чиқишнинг бошқа йўллари, джнана ва йога усуллари қизиқтиролмайдилар. Асл содиқ хизматкор - ўз ихтиёрини Худога бутунлай топширган ва Унга хизмат қилишдан бошқа бирор истаги қолмаган кишидир.

Мазкур шеърда яна икки иборага алоҳида эътибор бериш керак: шантам ва анандам. Бу иборалар шуни билдирадики, Худога садоқат билан хизмат қилиш ҳақиқатан ҳам инсонга икки энг муҳим саодат ато этади - ором ва мамнуният. Имперсоналист Парвардигорга кўшилиб кетишга, ёки бошқача қилиб айтганда, ўзи Худо бўлишга интилади. Лекин унинг истаги - сароб. Сеҳргар-ёғларнинг эришадиган сеҳр қудратлари уларнинг тинчлигини бузиб, ҳеч қандай мамнуният келтирмай, фақат уларнинг ҳаётини яна ҳам чигаллаштиради, холос. Шундай қилиб, на имперсоналистлар, на ёғлар ҳақиқий ором ва мамнуниятга эриша олмайдилар, айнипайтда Худонинг содиқ хизматкори тўла бутун билан ҳамсухбат бўлишдан мукамал ором олиб, тўла мамнуният ҳосил қилади. Шунинг учун содиқ хизматкорни Мутлақ Ҳақиқатга

кўшилиб кетиш ҳам, сеҳр қудратига эга бўлиш ҳам қизиқтирмайди.

Худога муҳаббатга эришиш - бошқа барча боғланишлардан бутунлай халос бўлиш демакдир. Шартланган руҳнинг кўплаб ҳар хил истаклари бўлиши мумкин: уни диний урф-одатлар, бойлик, нозик лаззатлар ўзига жалб этади, у Худо бўлишни истайди ёки мўъжиза яратиш ва бу дунёда ҳамма нарсага эришиш имконини берадиган сеҳр қудратига эга бўлишни истайди, лекин Худонинг содиқ хизматкори бўлишни ва ҳақиқатан ҳам қалбида мудраб ётган Худога муҳаббат туйғусини уйғотишни истаган киши бошқа барча истаклардан воз кечиши лозим. Агар ҳали қалби бошқа истаклардан покланмаган содиқ Худога садоқат билан хизмат қилишда баркамолликка эришиб юқорида кўрсатилган саодатларга эришишга интилаётган бўлса, Парвардигорнинг асл содиқ хизматкори моддий истаклар билан, шахсиятсиз Браҳман ҳақидаги фикр-мулоҳазалар ва сеҳр қудратига эга бўлишга интилиш билан булганмаган бўлади. Худога муҳаббатга фақат Худога соф садоқат билан хизмат қилиш орқали яъни, онгли равишда, содиқ хизматкор севишга интилиб юрган ягона Зот - Худо Шахсини мамнун қилиш учун холис хизмат қилиш билан эришиш мумкин.

Қисқача қилиб айтганда, қалбида Худога муҳаббат уйғотишга интилиб юрган киши фаришталарга сиғинмаслиги лозим, у моддий лаззатланиш истакларининг ҳаммасидан воз кечиши ва Худонинг Олий Шахсига хизмат қилишга ўзини бутунлай топшириши лозим. У Парвардигор билан кўшилиш сингари аҳмоқона ғояларни тарк этиши ва дунёвий шон-шуҳрат келтирадиган ғайритабиий сеҳр қудратларига эга бўлиш истагидан воз кечиши лозим. Асл содиқ хизматкор ўзининг хизмати учун ҳеч нарса таъма қилмасдан фақат Парвардигорга ижобий тарзда хизмат қилиш билан машғул. Шу тарзда у ўзининг қалбида Худога соф муҳаббат туйғусини ривожлантиради ва мазкур шеърда айтилганидек, шантам анандам поғонасига кўтарилади.

32. Эй жасоратли Маҳараж Парикшит, сенинг мукамал саволларингга берган жавобларининг ҳаммаси мангу ҳақиқат бўлиб, Ведалар таълимотига тўла мос келади. Бу ҳақда Браҳманинг қилган хизматидан мамнун бўлган Парвардигор Шри Кришнанинг Ўзи айтиб берган эди.

Изоҳ: Руҳий осмонга эришишнинг ва моддий олам тутқунлигидан озодликка эришишнинг икки йўли - Парвардигор салтанатига элтувчи тўғри йўл ҳамда айланма, коинотнинг олий сайёралари орқали босқичма-босқич ўтиладиган йўл

- бу ерда Ведавий муқаддас китобларнинг кўрсатмаларига тўла мос равишда таърифланган. Ведаларда бу ҳақда шундай дейилган: йада сарве... (Брихад-аранйака-уп.4.4.7) ва те 'рчир... (Брихад-аранйака-уп.6.2.15) - "Юрак касаллиги ҳисобланадиган моддий истаклардан халос бўлган кишилар ажални енгиши ва Арчи сайёралари орқали Парвардигорнинг салтанатига эриша оладилар". Ведалардаги бундай гаплар "Шримад Бхагаватам"да айtilган гапларга тўла мос келади, Шукадева Госвами ҳам буни тўла тасдиқлаб айтадики, ведалар бўйича энг олий ишончли зот бўлган Маъбуд Браҳмага бу ҳақиқатни Парвардигор Шри Кришнанинг Ўзи, Худонинг Олий Шахси, Васудева айтиб берган. Парвардигор Кришна Ведаларни Маъбуд Браҳмага ўргатган, Маъбуд Браҳма уларни - Нарадага, Нарада Муни - Вйасадевага, Вйасадева эса - Шукадева Госвамига ўргатган ва ҳоказо. Шундай қилиб, барча ишончли зотлар бир нарсани тасдиқлаптилар. Ҳақиқат мангу, у қандайдир янги талқинларга муҳтож бўлиши мумкин эмас. Ведаларда нозил қилинган до-нишмандлик илмини фақат шу йўл билан эгаллаш мумкин. Ҳақиқатни англаб етишга на чуқур заковат, на билимдонлик, на дунёвий олимларнинг янги талқинлари ёрдам бера олмайди. Ҳақиқат бу ҳақиқатдир, унга бирор нарса кўшишнинг ёки ундан бирор нарсани олиб ташлашнинг иложи йўқ. Охир-оқибатда инсон барибир кимгадир ишониши лозим. Одамларнинг аксарият кўпчилиги замонавий олимларга ишонадилар ва илм-фан соҳасида уларга бутунлай ишонадилар. Бу оддий одамлар албатта кимгадир ишонишларини билдиради. Ведавий до-нишмандлик илмини англаб етиш йўли ҳам шундай. Оддий инсон осмон ёки коинотдан ташқарида жойлашган бирор нарса ҳақида ўзининг шахсий фикрига эга бўлиши мумкин эмас. У Ведаларда берилган ва шогирдлар сил-силасида турган ишончли зотлар тушунтириб берган маълумотларни қабул қилиши лозим. "Бхагавад-гита"илмини англаб етиш йўли ҳам худди шундайлиги "Бхагавад-гита"нинг тўртинчи бобида айtilган. Ачарйларнинг ишончли фикр-мулоҳазаларини тан олмайдиган киши Ведаларда берилган ҳақиқатни ҳеч қачон англаб ета олмайди.

33. Моддий оламда сарсон бўлиб юрган зотлар учун озодликка чиқишнинг Худога садоқат билан хизмат қилишдан бошқа яхшироқ усул йўқ.

Изоҳ: Навбатдаги шеърда тушунтириладики, Худога садоқат билан хизмат қилиш, яъни бхакти-йоганинг тўғри йўли - моддий олам тутқунлигидан халос бўлиш имконини беради-

ган ягона мутлақ ва мукамал усулдир. Рухий озодликка чиқишнинг ҳар хил айланма йўллари кўп, лекин уларга қараганда бхакти-йога - энг ишончли ва энг осон йўл. Джнана, йога ҳамда улар билан аралаш усуллар ўзлари мустақил равишда инсонни озодликка чиқаришга қодир эмас. Улар жуда узоқ вақт шуғулланиб юргандан кейингина инсонга бхакти-йога поғонасига кўтарилиш имконини беради. "Бхагавад-гита"(12.5)да айtilганки, Мутлақ Ҳақиқатнинг шахсиятсиз кўринишига боғлиқ қолган кишилар ўз мақсадларига қийин йўллар билан борадилар. Эмпирик-файласуфлар Васудева - ҳамма нарсанинг манбаи эканини англаб етиш қанчалик муҳим эканини тушуниб етишлари учун Мутлақ Ҳақиқатни излашга бағишланган кўплаб умрлар яшаши лозим. Йоганинг ҳар хил турларига келсак, "Бхагавад-гита"(6.47)да айtilганки, Мутлақ Ҳақиқатни излаб юрган барча сеҳргарлар ичида энг буюги ҳамиша Худога садоқат билан хизмат қилишда машғул бўлиб юрган кишидир. "Бхагавад-гита"(18.66)нинг охирги насихатида Кришна ҳам бизга ўзликни англаш ҳамда моддий олам тутқунлигидан халос бўлиш усуллариининг бошқа барча машғулот ва турларини тарк этиб, ўзини Парвардигорга бутунлай топширишни маслаҳат беради. Барча ведавий муқаддас китобларнинг мақсади - инсонни Парвардигорга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишга ундашдан иборат.

"Шримад Бхагаватам"да аввал айtilган эдики, диннинг энг олий шакли - бхакти-йога йўли, яъни инсонни кармали фаолиятдан заррача ҳам кўшимча бўлмаган соф бхакти-йогога олиб борадиган йўллардир. Қолган йўлларнинг ҳаммаси уларга бекорга вақт сарфлаб ўтиришга арзимайди.

Шрила Шридхара Свами ва бошқа ачарйлар, масалан, Жива Госвами ҳам бхакти-йога билан шуғулланиш фақат осон ва қулай, ҳеч қандай ташвиш келтирмайдиган йўл бўлиб қолмасдан инсон учун туганмас бахт келтирадиган ягона манба ҳамдир.

34. Буюк шахс Браҳма диққатини жамлаб, Ведаларни уч марта қунт билан ўрганиб чиқди ва уларни чуқур ўзлаштириб шундай хулосага келди: диннинг энг мукамал баркамоллиги - Худонинг Олий Шахси Шри Кришнага боғланишидир.

Изоҳ: Шри Шукадева Госвами энг олий ведавий ишончли зотга - Маъбуд Браҳмага, Парвардигорнинг гуна-аватарасига мурожаат қилади. Маъбуд Браҳма Ведаларни олам яралиши арафасида ўрганган эди. Гарчи Маъбуд Браҳма ведавий насихатларни бевосита Худо Шахсининг Ўзидан эшитган бўлса ҳам, келажақда уни

ўрганишни истайдиган зотларнинг қизиқувчанлигини қаноатлантириш учун у, олимлар орасида одат бўлганидек, уларни уч марта такрорлаб ўрганиб чиқди. У ведаларни уларнинг асосий мақсадига алоҳида эътибор берган ҳолда диққат билан ўрганиб чиқди, Ведалар тавсия қиладиган йўлни ўрганиб чиқиб шундай аниқ хулосага келди: Худонинг Олий Шахси Парвардигор Кришнанинг бенуқсон асл содиқ хизматкори бўлиш - диний барокамолликнинг олий поғонасига эришиш демакдир. "Бхагавад-гита"нинг охирида Парвардигорнинг бевосита Ўзи берган насиҳатнинг мазмуни ҳам шундан иборат. Ведаларнинг мана шу хулосасини барча ачарйалар тан оладилар, уни инкор этадиган кишилар эса, "Бхагавад-гита"(2.42) таърифи билан айтганда - веда-вада-раталардир.

35. Худо Шахси, Парвардигор Шри Кришна алоҳида рух(жон) билан биргаликда ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида жойлашган. Бу ҳақда тафаккур кучи ёрдамида ўзимизга хос бўлган кўриш қобилиятдан фойдаланиб ишонч ва тасаввур ҳосил қилиш мумкин.

Изоҳ: Оддий одамлар кўпинча хайрон бўлиб савол берадилар: Агар бир Худони кўра олмасак, қандай қилиб Унга ўз ихтиёримизни топширишимиз ёки Унга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишимиз мумкин? Мазкур шеърда Шрила Шукадева Госвами ана шундай одамларга қандай қилиб тафаккур ва сезгилар ёрдамида Парвардигорнинг шу ерда иштирок этаётганини ҳис қилиш мумкинлигини тушунтиряпти. Аслини олганда биз ташқи моддий сезгиларимиз билан Парвардигорни сеза олмаймиз, лекин, Худонинг ҳақиқатан ҳам борлигига аниқ ишонадиган ва Унга хизмат қилишни самимий истайдиган киши Худонинг марҳамати билан илоҳий онга эга бўлади, ана шундай асл содиқ хизматкор ҳамиша ва ҳамма жойда Унинг мавжудлигини ҳис қилиб юради. У тушунадик, тафаккур Худо Шахсининг тўла намоён бўлган кўриниши - Параматманинг кўрсатмаларининг етказиб берадиган унсур ҳисобланади. Қалбида Параматманинг мавжудлигини ҳатто оддий инсон ҳам ҳис қила олади. Бунинг учун куйидаги усулдан фойдаланиш лозим. Аввалига инсон ўзининг "мен"ини ҳис қила билиш ва у ҳақиқатан ҳам мавжуд эканига ишонч ҳосил қилиш лозим. Буни дарров англаб етиш шарт эмас, лекин, салгина фикр-мулоҳаза юритса, инсон аслида ўзи тана эмаслигини тушуниб етади, қўллари, оёқлари, калласи, сочлари ва ҳоказо - унинг танасининг таркибий қисмларидир, демак, на қўллари, на оёқлари, на калласи, унинг "мен"и эмас. Шу тарзда, тафаккури ёрдамида инсон ўзининг "мен"ини англаб етиши ва уни атрофимизда биз кўриб турган

нарсаларнинг ҳаммасидан фарқ қила билиш мумкин. Бундан хулоса чиқариш мумкинки, тирик мавжудот(хоҳ у инсон бўлсин, хоҳ ҳайвон) ўзидан бошқа атрофидаги ҳамма нарсани кўриб турадиган зотдир. Шундай қилиб, кузатувчи ва кузатилиб турган нарса бир биридан фарқ қилади. Фикр юритишда давом этиб, тушуниш мумкинки, ўзини ўраб турган оламни оддий кўз ёрдамида кузатиб юрган тирик мавжудот мустақил равишда кўришга ёки ҳаракат қилишга қодир эмас. Бизларнинг барча ҳаракатларимиз ва атроф-муҳитни қабул қилиш қобилиятимиз ҳар хил қувватларга боғлиқ бўлиб уларни ҳар хил таркибда бизларга моддий табиат дучор этади. Сезиш органлари ва ҳаракат қилиш органлари, яъни беш турли сезги органлари(эшитиш, тери орқали сезиш, кўриш, таъм билиш ва хид билиш) ва беш турли ҳаракатланиш органлари(кўллар, оёқлар, нутқ, анус ва жинсий орган), уч нафис сезги(ақл, тафаккур ва эго) - ҳаммаси бўлиб ўн уч сезги - моддий табиатнинг қўпол ва нафис қувватларининг ҳар хил бирикмаларидан ҳосил бўлади. Яна шу аниқ-равшанки, сезгиларимиз ёрдамида биз сезадиган нарсаларнинг ҳаммаси моддий табиат қувватининг сон-саноксиз бирикмалари ва шакл ўзгартиришлари натижасида намоён бўлади. Мана шунинг ўзи инкор этиб бўлмайдиган даражада исботлайдики, оддий тирик мавжудотнинг ўзи мустақил равишда ҳаракат қилиш ва атроф-муҳитни сезиш қобилиятига эга эмас. Бизнинг мавжудлигимиз табиат қувватлари билан шартланган эканини аниқ ҳис қилганимиз учун биз шундай хулосага келамиз: атроф-муҳитни кузатиб турган зот - рух, сезгилар ва уларга таъсир қиладиган нарсалар - модда. Кузатувчи зот ўзининг табиатига кўра руҳий экани бизлар ўзимизнинг моддий оламдаги шартланган ҳаётимизнинг чекланганлиги сабабли қаноат ҳосил қилолмаётганимизда намоён бўлади. Шу тариқа моддани руҳдан ажрата билиш мумкин. Баъзи бир калтафаҳм одамлар айтадиларки, ўзининг эволюцион ривожланишининг маълум бир босқичида модда ўзида кўриш ва ҳаракатланиш қобилиятини ривожлантиради, лекин бундай тахминлар мутлақо асоссиз, чунки ҳали ҳеч ким тажриба йўли билан модда ҳам тирик мавжудотни юзага келтира олишини исботлаб бера олгани йўқ. Фақат куруқ гаплар билан ҳақиқатга эришиб бўлмайди. Келажакда модда руҳга айланади деган аҳмоқона сафсаталар - шунчаки аҳмоқликдир, чунки ҳалигача ҳеч қачон ва ҳеч қаерда модда ўзида кўриш ва ҳаракатланиш қобилиятини ривожлантирган эмас. Демак, модда ва рух - бошқа-бошқа нарсалардир, шунчаки мантиқий фикр юритиш ёрдамида ана шундай хулосага келиш қийин эмас.

Фикр юритишда бир ташлашимиз лозим бўлган навбатдаги кадам - агар биз тафаккурдан фойдаланаётган ва уни бошқариб турадиган зотнинг мавжудлигини инкор этсак, биз кўриб турган нарсаларнинг ҳаммаси жонли нарсалар бўлиши мумкин эмас. Тафаккур тирик мавжудотнинг фаолиятида уни турли йўлларга бошлаб туриш билан қандайдир олий кучнинг вазифасини бажаради. Тафаккурнинг ёрдамисиз тирик мавжудот кўришга, ҳаракатланишга, ейишга ва ҳаракат қилишга қодир эмас. Агар инсоннинг тафаккури ишламай қолса, у телба бўлиб қолади. Демак, тирик мавжудот тафаккурга, яъни олий зотнинг кўрсатмасига қарам. Тафаккур ҳамма жойда мавжуд. У ҳар бир тирик мавжудотда бор, қандайдир олий кучнинг кўрсатмаларини етказувчи унсур бўлган ҳолда у ўғлига йўлбошчилик қилаётган отани эслатади. Ҳар бир тирик мавжудотда мавжуд бўлган ана шу олий куч Олий Рух, Параматмадир.

Фикр-мулоҳазаларимизнинг мана шу босқичида куйидаги ҳолатга эътибор бериш лозим: бир томондан биз англаб турибмизки, бизнинг атроф-муҳитни сеза олиш қобилиятимиз ва ҳаракатларимиз моддий табиат томонидан шартланган, лекин иккинчи томондан - биз ҳамиша "мен сезяпман", "мен қияпман" деб ўйлаймиз ва гапирамыз. Демак, бизларнинг сезиш ва ҳаракатланиш органларимиз фақат биз ўзимизни мана шу моддий танага қиёслаганимиз учунгина ҳаракат қилади, олий куч, яъни "Олий Мен", Олий Рух бизларнинг ҳаракатларимизни бошқариб, биз истаган нарсаларни бизга тақдим этиб туради. "Олий-Мен"нинг тафаккур шаклидаги кўрсатмаларидан фойдаланиб биз ўз тадқиқотимизни давом эттиришимиз ва "мен - тана эмасман" деган тасаввурдан келиб чиққан ҳолда ҳаракат қилишимиз мумкин ёки аввалгидай адашиб, ўзини ўз тақдирини ўзи яратадиган зот деб билган ҳолда ўзимизни тана деб ҳисоблашда давом этишимиз мумкин. Бизга танлаш эркинлиги берилган: биз ё ҳаёт ҳақида моддий тасаввурларга фарқ бўлиб ғофилликда қолиб кетишимиз мумкин, ё ҳақиқат йўлига кириб ҳаёт ҳақида руҳий тасаввурни қабул қиламыз. Ҳаёт ҳақида ҳақиқий тўғри, руҳий тасаввурга эга бўлиш кийин эмас. Бунинг учун тафаккуримизни Параматманинг олий тафаккурига бўйсундириб, "Олий Мен"(Параматма)ни ўзимизнинг дўстимиз ва раҳбаримиз деб қабул қилишнинг ўзи кифоя. "Олий Мен" ҳам, алоҳида "мен" ҳам руҳий табиатга эга, шунинг учун сифат жиҳатидан улар бир хил ва моддадан фарқ қиладилар. Лекин "Олий Мен" ва алоҳида "мен" турли поғоналарда жойлашган, чунки "Олий Мен" алоҳида "мен"ни бошқариб туради(яъни, унга тафаккур ато этади), алоҳида "мен" эса Унинг кўрсатмаларига риоя қилади. Фаолият

ана шу тарзда амалга оширилади. Алоҳида "мен" тўлалигича "Олий Мен"нинг кўрсатмаларига боғлиқ, чунки ҳар кадамда сезиш, кўриш, тинглаш, фикрлаш, ҳис қилиш ва исташларда унинг кўрсатмаларига риоя қилади.

Шундай қилиб, соғлом фикр ва мантикқа асосланиб, аслида оламда уч нарса мавжуд эканига ишонч ҳосил қилиш мумкин: модда, алоҳида руҳ ва Олий Рух. Агар биз "Бхагавад-гита"га - ведавий тафаккурга -мурожаат қилсак, мана шу уч нарсанинг ҳаммаси - модда, руҳ ва Олий Рух - Худонинг Олий Шахсига боғлиқ эканини кўрамыз. "Бхагавад-гита"да айтилганки, Худонинг Олий Шахси бутун моддий оламга фақат Ўзининг қисман намоён бўлган қиёфаси орқали ҳукмронлик қилади. Парвардигор буюк, У алоҳида руҳларнинг истақларини бажарадиган оддий хизматкор бўлиши мумкин эмас, шунинг учун "Олий Мен" Олий "Мен", яъни Пурушоттаманинг, Худонинг Мутлақ Шахсининг тўлиқ намоён бўлган қиёфаси бўлиши мумкин эмас. Руҳий ўзликни англаш жараёни "Олий Мен"ни англашдан бошланади, руҳий ўзлигини англашда чуқурлаша борган сари алоҳида "мен" ўз тафаккури, ишончли муқаддас китоблар ёрдамида ва асосан Парвардигорнинг марҳамати билан Худонинг Олий Шахсини англаб етишга қодир бўлади. Худо Шахси, Шри Кришна ҳақидаги бошланғич маълумотлар "Бхагавад-гита"да берилган, Худо ҳақидаги илм "Шримад Бхагаватам"да батафсил тушунтирилган. Шундай қилиб, агар бу йўлдан адашмай боришда давом этсак ва биз билан биргаликда битта тана дарахтида турган ҳолда тафаккуримизни бошқариб турган Зотдан марҳамат кўрсатишини тилаб илтижо қилсак, бизга албатта Ведавий донишмандлик илмининг илоҳий мазмуни очилади ва биз ҳеч қийналмасдан Худонинг Олий Шахси Васудевани англаб етамыз. Шунинг учун "Бхагавад-гита"(7.19)да айтилганидек, ақл-фаросатли киши ўзининг асл "мен"ининг табиати ҳақидаги фикр-мулоҳазаларга бағишланган кўплаб умрларидан кейин Васудеванинг нилуфар кадамлари пойига ўзини топширади.

36. Шунинг учун эй шоҳ, ҳар бир инсон ҳамиша ва ҳар доим Худо Шахси, Парвардигор ҳақидаги ҳикояларни тинглаб юриши, Уни олқишлаши ва эслаб юриши жуда муҳим.

Изоҳ: Шрила Шукадева Госвами мазкур шеърни тасмат ибораси билан бошлайди, чунки у аввалги шеърда тушунтирган эдики, фақат улуғвор бхакти-йога йўли инсонни руҳий озодликка чиқара олади. Бхакти-йога машғулотларининг тўққиз тури мавжуд: тинглаш, такрорлаш, эслаш, Парвардигорнинг нилуфар кадамлари пойига

хизмат қилиш, Унга сажда қилиш, илтижо қилиш, Унга муҳаббат билан хизмат қилиш, У билан дўстона муносабатда бўлиш, ўзининг бор дунёсини Унга эҳсон қилиш. Бу тўққиз усулнинг ҳаммаси ишончли бўлиб, ё ҳаммаси биргаликда, ё бир нечаси, ё улардан атиги биттаси ҳам самимий интилаётган содиқни истаган мақсадига эриштира олади. Лекин бхакти-йоганинг бу тўққиз усули ичида энг муҳими - биринчиси, яъни тинглаш ҳисобланади. Оз ёки нотўғри тинглайдиган кишига бошқа ҳеч қандай усуллар руҳий юксалишда ёрдам бера олмайди. Парвардигорнинг бу дунёда мужассам бўлган қудратли қиёфаси Вйасадева сингари ишончли зотлар ёзиб қолдирган ведавий муқаддас китобларнинг ҳаммаси атайлаб биз уларни тинглашимиз учун мўлжалланган. Биз Парвардигор - бутун борлиқнинг Олий Руҳи эканини аниқлаб олдик, шундай экан, ҳамиша ва ҳамма жойда У ҳақидаги ҳикояларни тинглашимиз ва Уни олқишлашимиз лозим. Мана шу - инсоннинг асосий вазифасидир. Ҳамма жойда мавжуд бўлган Худо Шахси ҳақидаги ҳикояларни тинглашдан бош тортадиган киши оммавий ахборот воситалари тарқатадиган ҳар хил бемаъни гапларни тинглашга мажбур бўлади. Техниканинг ўзида ҳеч қандай айб йўқ, чунки унинг ёрдамида Парвардигор ҳақидаги ҳикояларни тинглаш мумкин, лекин одамлар ҳозир ундан ўзларининг пасткаш мақсадлари йўлида фойдаланаётгани учун у инсониятнинг шиддат билан таназзулга юз тутишига сабаб бўляпти. Мазкур шеърда тинглашнинг зарурлиги алоҳида таъкидлаб кўрсатилган, чунки ведавий муқаддас китоблар - "Бхагавад-гита" ва "Шримад Бхагаватам" айнан шу мақсадда яратилган эди. Инсондан фарқли равишда бошқа тирик мавжудотлар ведавий муқаддас китобларни тинглаш қобилиятдан маҳрумдирлар. Агар жамиятдаги одамлар ведавий муқаддас китобларни тинглаб юрсалар, нопок одамлар тарқатаётган, жамиятни тобора тубанликка тортиб кетаётган бемаъни товушлар ҳеч қандай хавф туғдирмайди. Такрорлаш тинглашнинг натижаларини мустаҳкамлайди. Комил инсоннинг гапларини диққат билан тингланган киши ҳамма жойда мавжуд бўлган Худо Шахсининг борлигига ишонч ҳосил қилади ва ихлос билан Уни олқишлай бошлайди. Ягона Парвардигорнинг шон-шухратини барча буюк ачарйалар ҳамиша олқишлаганлар ва халқ орасида тарғибот қилганлар: Рамануджа, Мадхва, Чаитанья, Сарасвати Тхакур, бошқа давлатларда эса - Муҳаммад, Христос ва бошқалар. Парвардигор ҳамма жойда мавжуд бўлгани учун Уни ҳамма жойда ва ҳамиша олқишлаб юриш жуда муҳим. Парвардигорни олқишлаш, шарафлаб куйлаш ҳеч қандай макон ва замон чегаралари билан чекалаб қўйилмаслиги лозим. Бу жараён

санатана-дхарма, яъни бхагавата-дхарма деб аталади. Санатана ибораси "мангу, ҳамиша ва ҳамма жойда" деган маънони англатади, бхагавата ибораси эса - "Бхагаванга, Парвардигорга мансуб" деганни билдиради. Парвардигор - замон ва макон ҳукмдори, шунинг учун Унинг муқаддас номини бутун ер юзида тинглаш, эслаш ва шарафлаб куйлаш лозим. Мана шу жамиятга ҳамма одамлар интилиб орзу қилиб юрган тинчлик ва фаровонлик келтиради. Ча ибораси бхакти-йога жараёнининг юқорида кўрсатилган бошқа усулларини ҳам назарда тутати.

37. Содикларининг маъшукаси бўлган Парвардигор Шри Кришнанинг нектардай ширин насихатларидан лаззатланиб юрган кишилар ҳаёт ҳақидаги "яшашдан мақсад - моддий нарсалардан лаззатланиб қолишдир" деган нотўғри тасаввурлардан халос бўладилар ва Худонинг даргоҳига, Унинг нилуфар қадамлари пойига қайтиб борадилар.

Изоҳ: Инсоният бошидан кечираётган мусибатларнинг асосий сабаби ҳозирги даврдаги одамлар онгида шакланган ҳаёт ҳақидаги "яшашдан мақсад - табиатга ҳукмронлик қилишдир" деган нотўғри тасаввурдир. Инсоният табиат бойликларини ҳиссий лаззатларга қанчалик кўп сарфласа, у Парвардигорнинг алдамчи қуввати тўрларига шунчалик кучли ўралиб бораверади, шунинг учун оламнинг мусибати камайиш ўрнига тобора кучайиб шафқатсиз тус олиб бораверади. Парвардигор инсонга ҳаёт учун зарур бўлган ҳамма нарсани: ғалла, сут, мевалар, ёғоч, тошлар, шакар, ипак, қимматбаҳо гавҳарлар, пахта, туз, сув, сабзавотлар ва бошқа нарсаларни бутун ер юзи аҳолиси учун етарли миқдорда бериб қўйибди. Парвардигор шунингдек бошқа сайёраларнинг аҳолисини ҳам барча зарур нарсалар билан таъминлаб қўйибди. Бу манба ҳеч қачон тугамайди, ундан ҳақиқатан ҳам ҳаёт учун зарур нарсаларни олиш қийин эмас. Сунъий қулайликларни яратиш учун ўйлаб топилган машиналар, станоклар ва баҳайбат металлургия заводларининг аслида одамларга кераги йўқ. Инсонга ўзи ўйлаб топган сунъий эҳтиёжларини қондириш бахт келтира олмайди, аксинча, инсон "оддий яшаш ва улуғвор фикрлаш" қондасига асосланиб яшаганда ҳақиқий бахтга эришади. Мазкур шеърда Шукадева Госвами айтадики, "Шримад Бхагаватам"ни тинглаш ёрдамида инсоннинг фикр-мулоҳазаларини улуғвор ва мукамал даражага етказиш мумкин. "Шримад Бхагаватам" Кали югадаги ҳаёт ҳақида мукамал тасаввурга эга бўлмаган кишилар учун ҳақиқат йўлини ёритадиган машъала ҳисобланади. Мазкур шеърни изоҳлар экан, Шрила Жива Госвами Прабхупада унда ишла-

тилган катхамрита иборасига тўхталиб, Худо Шахсининг нектардай ширин хабари деганда “Шримад Бхагаватам” назарда тутилишини таъкидлайди. Агар одамлар мунтазам равишда “Шримад Бхагаватам”ни тинглаб юрсалар, уларнинг ҳаёт мазмуни ҳақидаги тасавурлари покланади, яъни улар модда устидан ҳукмронлик қилишдан воз кечадилар ва илм ва лаззатга тўла бахтиёр ва осойишта ҳаёт кечира бошлайдилар.

Парвардигорнинг номи, Унинг шон-шухрати, сифатлари, ҳамроҳлари билан боғлиқ бўлган нарсалар ҳақида ҳикоя қиладиган ҳикоялар асл содиқларнинг қулоқларига ёқади, уларни буюк содиқлар: Нарада, Хануман, Нанда Махараж ҳамда Вриндавандаги бошқа содиқлар мароқ билан тинглагани туфайли, ҳеч шубҳа йўқки, улар илоҳий табиатга эга ва руҳга чексиз лаззат бағишлайди.

Мазкур шеърда Шрила Шукадева Госвами бизларни ишонтириб айтадики, аввалига мунтазам равишда “Бхагавад-гита”ни, кейин “Шримад Бхагаватам”ни тинглаш орқали инсон Худо Шахсига яқинлашади ва руҳий сайёра - баҳайбат нилуфар гули шаклидаги Голока-Вриндаванда Унга садоқат билан илоҳий хизмат қилади.

Шундай қилиб, мазкур шеърда тавсия қилинганидек, бхакти-йога усулини қабул қилиб, яъни Парвардигорнинг илоҳий хабарини тинглаб, ҳатто Парвардигорнинг шахсиятсиз виратрупа қиёфасига муроқабани қилишга уринмаган бўлса ҳам, инсон барча моддий иллатлардан покланади. Агар бхакти-йога билан шуғулланиш жараёни инсонни моддий иллатлардан покламаётган бўлса, демек у аслида Худонинг содиқ хизматкори эмас, иккиюзламачи имонсиз одам. Ана шундай иккиюзламачи кишини моддий қувват чангалидан халос бўлишга ҳеч нарса ёрдам беролмайди.

*“Шримад Бхагаватам”нинг Иккинчи қўшиқ,
“Парвардигор қалбимизда” деб аталадиган ик-
кинчи бобига Бхактиведантининг изоҳлари шун-
дай яқунланади.*

Учинчи боб.

**Холис хизмат қилиш:
инсон қалбидаги ўзгариш**

1. Шри Шукадева Госвами шундай деди: Эй Махараж Парикшит, сен ажали яқин қолган одам нима қилиши кераклиги ҳақида сўрадинг. Мен эса жавоб бердим.

Изоҳ: Инсоният миллиардлаб аёллар ва эркеклардан иборат, лекин уларнинг аксарият кўпчилигининг ақли етарли ривожланмаган, чунки руҳий табиатга эга бўлган жон ҳақида деярли ҳеч нарса билмайдилар. Деярли уларнинг ҳаммаси ҳаёт ҳақида нотўғри тасаввурга эга бўлиб, аслида бундай бўлмаса ҳам, ўзларини кўпол ва нафис танага киёслайдилар. Инсон жамиятда қандай - юқорими ёки пастми - мартаба эгалламасин, агар уни танаси ва ақлидан фарқ қиладиган ўзининг ҳақиқий “мен”и қизиқтирмаса, унинг инсон танасида яшаётган ҳаётидаги бутун фаолияти шунчаки умрини бекорга хазон қилиш ҳисобланади. Ўн минглаб одамлар орасидан фақат биргина киши руҳ(жон)нинг табиатини англаб етишга интилади ва ўзини қийнаб юрган саволларга жавоб излаб муқаддас китобларга, масалан, “Веданта-сутра”га, “Бхагавад-гита” ва “Шримад Бхагаватам”га муурожаат қилади. Лекин, бу муқаддас китобларни ўқиб, тинглаб юрса ҳам, то ўзини англаб етган ҳақиқий руҳий устознинг кўрсатмаларига амал қилмагунча у ўзининг ҳақиқий “мен”ининг асл табиатини англаб етолмайди. Минглаб ва юз минглаб ана шундай одамлар орасидан фақат биргина киши ҳақиқатан ҳам Парвардигор Кришнани англаб етиши мумкин. “Чайтанья Чаритамрита”(Мадхйа.20.122)да айтилганки, Вйасадева қиёфасида мужассам бўлиб Парвардигор Кришна ўзининг бесабаб марҳамати билан одамлар ўзларининг Парвардигор Кришна билан бўлган ўзаро ҳақиқий муносабатларини деярли бутунлай унутиб юборган жамиятдаги аҳолининг ривожланган ақл-идрок эгалари бўлган қисми учун мўлжалланган ведавий муқаддас китобларни яратди. Парвардигор билан ўзининг ўзаро мангу муносабатлари ҳақида ҳатто чуқур тафаккурга эга бўлган кишилар ҳам унутиб юборишлари мумкин. Бхакти-йога билан шуғулланиш жараёни айнан ана шу муносабатларни қайт тиклаш учун мўлжалланган. Бу муносабатларни фақат инсон танасида қайта тиклаш мумкин. Тирик мавжудот эволюцион ривожланиш жараёнида 8400000 турли ҳаёт шакллари орқали ўтгандан кейин инсон танасига эга бўлади. Инсонлар жамиятининг етарлича ақл-идрокка эга бўлган аъзолари ўзларига берилган мана шу нодир имкониятга жиддий эътибор беришлари лозим. Лекин ҳамма одамлар ҳам бир хилда ақлли эмас, шунинг учун инсон ҳаётининг қанчалик муҳим эканини ҳамма ҳам бирдай англаб етавермайди.

Шунинг учун мазкур шеърда манишинам, яъни "чукур тафаккурга эга, донишманд" ибораси ишлатилган. Шундай қилиб, Махараж Парикшит сингари ақл-фаросатли киши(манишинам) Парвардигор Кришнанинг нилуфар қадамлари пойидан паноҳ топиши ва умрини бутунлай Худога садоқат билан хизмат қилишга бағишлаши, Парвардигорнинг муқаддас номини ва Парвардигорнинг эрмаклари ҳақидаги ҳикояларни тинглаши, уларни шарафлаб қуйлаши ва ҳок. лозим. Буларнинг ҳаммаси - хари-катхамрита, ҳаммага, айниқса ажал ёқасида турган кишиларга тавсия қилинадиган усулдир.

2-7. Худо Шахсидан таралаётган шахсиятсиз нурга - Брахмажйотига қўшилиб кетишга интилаётган кишилар Ведалар билимдонни(Маъбуд Брахмага ёки донишманд авлиё Брихаспати)га сажда қилиши керак; жинсий қувватини оширишни истаганлар осмон шохи Индрага сажда қилиши керак; яхши фарзанд қолдиришни истаганлар буюк бобокалонлар Пражапатиларга сажда қилишлари керак. Ҳамиша ўзига омад кулиб боқилишни истаганлар моддий оламни бошқариб турган Дургадевиға сиғинишлари керак. Бошқаларга ҳукмрон бўлишга интилиб юрганлар оловга, кўпроқ мол-дунё орттиришни истаганлар эса Васуга сажда қилишлари керак. Буюк қахрамон бўлишни истаганлар Маъбуд Шиванинг тимсоли бўлган Рудрага сажда қилишлари керак; мўл-қўл ғалла жамғаришни истаганлар Адитига, жаннатга эришишни истаганлар эса - унинг ўғилларига сажда қилишлари керак; Ер юзидан салтанатга ҳукмронлик қилишни истаганлар Вишвадевага, одамлар орасида шон-шухрат қозонишни истаганлар эса Садхйа фаришта-сига сажда қилишлари керак. Узоқ умр кўришни истаганлар Ашвини-Кумарларга, забардаст тана соҳиби бўлишни истаганлар Ерга сажда қилишлари керак. Жамиятда мустаҳкам обрў-эътибор қозонишни истаганлар бир вақтнинг ўзидан ҳам Ерга, ҳам уфққа сажда қилишлари керак; Чиройли бўлишга интилиб юрганлар - гандхарвалар яшайдиган сайёранинг гўзал аҳолисига сажда қилиши, яхши хотинга эга бўлишни истаганлар эса, жаннатдаги куртизанкалар - апсар ва Урвашиларга сажда қилишлари керак. Бошқалар устидан ҳукмрон бўлишни истаганлар, коинот ҳукмдори Маъбуд Брахмага сажда қилишлари лозим. Катта шон-шухрат қозонишга эришишни истаганлар Худо Шахсига, бадавлат бўлишга интилиб юрган кишилар - фаришта Варунага сиғинишлари керак. Билимдон олим бўлиб етишишни истаганлар Маъбуд Шивага, оиласида тотувлик

ва фаровонлик бўлишини истаганлар эса, унинг покдомон хотинига, фаришта Умага сиғиниши керак.

Изоҳ: Худога сиғинишнинг ҳаётнинг у ёки бу соҳасида муваффақият қозонишга интилиб юрган ҳар турли одамлар учун мўлжалланган ҳар хил турлари мавжуд. Моддий оламда тирик мавжудот барча моддий бойликлардан лаззатланиш имкониятидан маҳрум, лекин, мазкур шеърларда айтилганидек, маълум бир фариштага сажда қилиш шарофати билан у фаолиятнинг ана шу фаришта маъсул бўлган соҳасида юксак муваффақиятга эришиши мумкин. Равана Маъбуд Шивага сажда қилиш ва унга кесилган каллаларни эҳсон қилиш билан юксак қудратга эга бўлди. Маъбуд Шиванинг марҳамати билан у шунчалик кучли қудратга эга бўлдики, унинг олдида барча фаришталар зир титраб турардилар. Бу ҳол то у Худо Шахси Шри Рамачандрага қарши чиқиб, ўзининг ҳаётини барбод қилган пайтгача давом этди. Бошқача қилиб айтганда, фақат ўзи лаззатланиши учун баъзи бир ёки барча моддий бойликларга эга бўлишни истайдиган кишилар, яъни ашаддий худобехабар дунёвий одамлар одатда калтафаҳм одамлар ҳисобланадилар, бу "Бхагавад-гита"(7.20)да ҳам тасдиқланади. Унда айтилганки, соғлом фикрлаш қобилиятидан маҳрум бўлган, яъни ақл-идрокини майанинг алдамчи қуввати ўғирлаб қўйган кишилар ҳар хил моддий лаззатларга интиладилар ва бунга эришиш учун ё ҳар хил фаришталарга сажда қиладилар ё илм-фанни ривожлантириб, илм-фанни ривожлантириб, моддий тараққиётни мукаммаллаштирадилар. Моддий оламда тирикчилик қилишнинг ҳақиқий муаммоси туғилиш, ўлиш, кексалик ва касаллик муаммосидир. Ҳозирги ҳаётида ҳеч ким ўзининг ҳозирги ҳолатининг афзалликларидан воз кечишни истамайди, ҳеч ким кексайишни ёки ўлишни истамайди, ҳеч ким касалланишни ёки ногирон бўлишни истамайди. Лекин на фаришталар, на моддий илм-фан тараққиёти мана шу муаммоларни ҳал қилишга қодир эмас. "Бхагавад-гита" ва "Шримад Бхагаватам" бир овоздан тасдиқлайдиларки, ана шундай калтафаҳм одамлар соғлом фикрлаш қобилиятидан бутунлай маҳрумдилар. Шукадева Госвами айтадики, тирик мавжудотларнинг 8400000 тури ичида инсон танасидаги ҳаёт шакли энг қадрли ва энг нодир ҳисобланади, одамлар орасида эса, моддий тирикчиликнинг муаммолари ҳақида жиддий фикр-мулоҳаза юритадиган кишилар ундан ҳам камроқ, фақат камданкам нодир инсонлар Парвардигор ва Унинг асл содиқлари берган насихатлар тўпланган "Шримад Бхагаватам"нинг муҳимлигини англаб етдилар. Хоҳ ақл-фаросатли киши бўлсин, хоҳ

нодон бўлсин - ҳеч ким ўлимдан қочиб кутула олмайди. Лекин Шукадева Госвами Махараж Парикшитга уни маниши, яъни "юксак тафаккур сохиби" деб атаб мурожаат қиляпти, чунки у ажали яқин қолганда барча моддий лаззатлардан воз кечиб, Шукадева Госвами сингари муносиб зот оғзидан Худонинг хабарини тинглаб, Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига ўзини топширди. Айни пайтда у моддий лаззатларга интилиб юрган кишиларни қоралайди. Ана шундай интилишлар ҳозирги тубанликка юз тутган жамиятдаги одамларнинг маст қиладиган нарсаларга ва гиёҳванд моддаларга қаттиқ боғланишига ўхшайди. Фаросатли киши бундай истаклардан узоқ юриши ва бунинг ўрнига ўзининг уйига, Худонинг даргоҳига қайтиб борганда эришиш мумкин бўлган мангу ҳаётга интилиб яшаши лозим.

8. Рухий юксалишга интилиб юрган киши Парвардигор Вишнуга ёки Унинг содиқ хизматкорига, ўз авлодини хавф-хатардан сақлаб, наслу-насабини давом эттиришга интилиб юрганлар ҳар хил фаришталарга сиғинишлари керак.

Изоҳ: Дин йўли - рухий юксалиш йўли бўлиб, у охир оқибатда инсонни Парвардигор Вишну билан Унинг шахсиятсиз ёғдуси, жамланган Параматма ва ниҳоят Унинг шахсий аспектида ўзаро мангу муносабатларини қайта-тиклаб олишига олиб келади. Ўзидан кейин соғлом авлод қолдиришни ва яқин қариндошлари даврасида бахтиёр турмуш кечиришни истайдиган киши ҳомийлик қилишларини сўраб Питаларга ва бошқа эзгу сайёралардаги фаришталарга мурожаат қилишлари лозим. Фаришталарга сажда қилиб юрганлар охир-оқибатда коинотдаги ана шу фаришталарнинг сайёраларига эришишлари мумкин, лекин фақат браҳмажйотида жойлашган рухий сайёраларга кўтарилган кишиларгина олий баркамолликка эришадилар.

9. Катта салтанат ёки империяга ҳукмронлик қилишни истаганлар Мануга; душманлари устидан ғалаба қозонишни истаганлар иблисларга; ҳиссий лаззатланишга интилиб юрганлар - Ойга сиғинишлари керак. Қалбида ҳеч қандай моддий истак қолмаган кишилар Худонинг Олий Шахсига сиғинишлари керак.

Изоҳ: озодликка эришган зотлар учун юқорида санаб ўтилган барча лаззатларнинг ҳеч қандай маъноси йўқ. Хилма-хил моддий лаззатлар фақат Парвардигорнинг ташқи қувватининг моддий гуналари билан шартланиб қолган кишиларни ўзига жалб этади. Бошқача қилиб айтганда, илоҳиёт кишиларининг ҳеч қандай моддий ис-

таклари қолмаган, дунёвий одамларга эса у амалга оширишга интилиб юрган ҳар хил истаклар сира тинчлик бермайди. Парвардигор айтадики, моддий лаззатларга интилиб юрган ва шу ниятда турли фаришталарнинг марҳаматига эришишга интилиб юрган дунёвий одамлар ўзларининг ҳиссиётини жиловлаб ололмаган зотлардир, шу боис уларни мутлақо бемаъни нарсалар ўзига жалб этади. Демак, моддий лаззатланишга бўлган истакларнинг ҳаммасини тарк этиш ва чуқур тафаккур овозига қулоқ солиб, Худонинг Олий Шахсига сажда қилиб яшаш лозим. Калтафаҳм одамларнинг йўлбошчилари улардан ҳам нодонроқ, чунки улар инсон қайси фариштага сиғиниб юрса ҳам, барибир ҳамма бир хил натижага эришади дея мутлақо бемаъни нарсаларни очиқ тарғибот қиладилар. Ана шундай тарғибот "Бхагавадгита" ва "Шримад Бхагаватам"нинг кўрсатмаларига бутунлай зид бўлиб қолмасдан шунчаки аҳмоқликдир. Бундай гапларни айтиш ҳам худди, биз қандай чипта сотиб олишимиздан қатъий назар бу чипта барибир бир манзилга бориш имконини беради, деган сингари аҳмоқликдир. Дехлидан Бародагача чипта сотиб олиб туриб Дехлидан Бомбейгача боришнинг иложи йўқ. Мазкур шеърда аниқ айтилганки, бунга ўхшаган сиғинишларнинг ҳаммаси моддий истаклар тинчлик бермай юрган одамлар учун мўлжалланган, лекин моддий лаззатланиш истакларидан халос бўлган кишилар Худонинг Олий Шахсига, Парвардигор Шри Кришнага сиғинишлари лозим. Сиғинишнинг ана шу тури Худога садоқат билан хизмат қилиш деб аталади. Худога соф садоқат билан хизмат қилиш - ҳар қандай моддий истаклардан, шу жумладан кармали фаолият кўрсатиш истаги ҳамда фалсафий изланишлар истагидан ҳам бутунлай пок бўлган ҳола Худога хизмат қилиш демакдир. Парвардигорга ҳатто моддий истакларни амалга ошириш ниятида ҳам сиғиниш мумкин, лекин навбатдаги шеърдан маълум бўладики, бундай ниятда сиғинишнинг натижаси бошқача бўлади. Одатда Парвардигор сезгиларни лаззатлантириш билан боғлиқ бўлган моддий истакларни бажармайди, лекин, У Ўзига сиғиниб юрган кишиларга шундай марҳамат кўрсатадики, оқибат-натижада улар моддий лаззатланиш истагидан бутунлай халос бўладилар. Юқорида айтилганлардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, инсон моддий лаззатларга интилиш истагини иложи борича камайтириш лозим, бунинг учун эса инсон Худонинг Олий Шахсига, мазкур шеърда парам, яъни моддий оламдан ташқарида деб аталган Парвардигорга сиғиниши лозим. Шрипада Шанкарачарйа шундай деган: нарайанаҳ паро 'вйактат - Парвардигор моддий оламдан ташқарида жойлашган.

10. Юксак тафаккур соҳиби бўлган киши - қалби дунёвий орзу-ҳавасларга тўлиб-тошганми, ёки ҳеч қандай орзу-истаги қолмаганми, ёки озодликка чиқишга интиляптими - ҳар қандай ҳолатда ҳам олий тўлабутун Зот - Худо Шахсининг Ўзига сиғиниши керак.

Изоҳ: "Бхагавад-гита"да Худонинг Олий Шахси, Парвардигор Шри Кришна пурушоттама, Олий Шахс деб аталган. У имперсоналистларни брахмажйотига - Парвардигорнинг танасидан таралиб турган ёғдуга ғарқ қилиш билан уларга озодлик ато этади. Худди қуёш нурларини қуёшнинг ўзидан ажратиб бўлмагани сингари, брахмажйоти ҳам Парвардигордан ажралмасдир. Шунинг учун шахсиятсиз олий брахмажйотига қўшилиб кетишга интилиб юрган одамлар ҳам, бхакти-йога ёрдамида ҳар қандай мақсадга эришиш мумкинлигини алоҳида таъкидлайдиган "Шримад Бхагаватам"нинг мазкур шеърда тавсия қилинганидек, бхакти-йога билан шуғулланиб ягона Парвардигорга сиғиниши лозим. Аввалги бобларда айтилган эдики, бхакти-йога - карма-йоганинг ҳам, джнана-йоганинг ҳам охириги мақсади, мазкур бобда ҳам худди шундай қатъият билан эълон қилинптики, бхакти-йога - ҳар хил фаришталарга сиғиниш маросимларининг олий мақсади ҳисобланади. Шундай қилиб, бхакти-йога ўзликни англашнинг ҳаммабоп усули ҳисобланади, мазкур шеърда у айнан мана шу мақсадда тавсия қилинган. Шунинг учун ҳар бир инсон - ҳатто моддий лаззатланишга интилиб юрган ёки моддий олам тутқунлигидан озодликка чиқишга интилиб юрган киши ҳам, бхакти-йога билан жиддий шуғулланиши лозим.

Акамаҳ деб моддий истаклари қолмаган кишини айтадилар. Худди танамизнинг таркибий қисмлари бўлган тана аъзоларининг вазифаси - бутун танага хизмат қилиш бўлгани сингари, олий тўла бутуннинг - пурушам пурнамнинг таркибий қисми бўлган тирик мавжудотнинг вазифаси Олий Зотга хизмат қилишдан иборат. Демак, истаклардан халос бўлиш дегани - худди тошга ўхшаб ҳаракатсиз бўлиш дегани эмас. Истаклардан озод бўлиш - ўзининг асл ҳолатини англаб етиш ва фақат Парвардигорни мамнун қилишга интилиш демакдир. Шрила Жива Госвами ўзининг "Сандарбха" асарида ана шундай ҳолатни қуйидагича таърифлайди: бхаджайя-парама-пуруша-сукха-матра-сва-сукхатвам - яъни, инсон учун ягона бахт манбаи унинг Парвардигорни мамнун қила олганини ўзи англаб етгани бўлиши лозим. Ҳатто моддий оламдаги шартланган руҳлар ҳам буни баъзан ич-ичидан қалбининг тўрида ҳис қила оладилар, уларнинг

қалбида пайдо бўладиган ана шундай илоҳий мамнуният уларнинг ривожланмаган ақлида акс этиб, альтруизм, филантропия, социализм, коммунизм сифатида намоён бўлади. Моддий оламда кузатиш мумкин бўлган бошқаларга: жамиятга, оилага, давлатга ёки бутун инсониятга яхшилик қилишга интилиш - тирик мавжудотнинг ундан Парвардигор мамнун бўлганида ҳис қиладиган азалий бахтиёр ҳолатининг қисман намоён бўлишидан бошқа нарса эмас. Парвардигорни мамнун қилишга интиляётган Враджабхумилик қизларнинг қалбини айнан ана шундай улуғвор ҳис-туйғулар лиммо-лим тўлдирарди. Гопилар Парвардигорни эвазига бирор мукофот кутмасдан севардилар, уларнинг ана шундай соф, холис муҳаббати акама руҳининг энг мукамал намоён бўлишидир. Кама, яъни ўзи лаззатланишга интилиш тўлалигича моддий оламда намоён бўлган, акама эса тўлалигича руҳий оламда намоён бўлган.

Агар инсон моддий мусибатлардан халос бўлиш ниятида интиляётган бўлса, Парвардигор билан қўшилиб кетишга интилиш, яъни брахмажйотига ғарқ бўлиш ҳам каманинг намоён бўлган кўриниши бўлиши мумкин. Асл содиқ хизматкор моддий ҳаёт мусибатларидан халос бўлиш учун озодликка чиқишга интилмайди. Бундай озодликка чиқишга интилишларсиз ҳам содиқ хизматкорнинг Парвардигорни мамнун қилишга интилиши учун сабаблар етарли. Кама кайфияти таъсири остида, қариндошларини ҳалокатдан қутқариб қолишга интилиш билан ўз манфаатини кўзлаган Аржун Курукшетрадаги жангда иштирок этишдан бош тортишга ҳаракат қилганди. Лекин у Парвардигорнинг асл содиқ хизматкори эди, шу боис Парвардигорнинг насихатларини тинглаб бўлиб жанг қилишга рози бўлди, чунки ўзига келиб, у ўз истакларини четда қўйиб биринчи навбатда Парвардигорни мамнун қилиш ҳақида ўйлаши лозимлигини тушунди. Шу тарзда у акама бўлди. Мана шу - баркамол тирик мавжудот эриша олиши мумкин бўлган баркамолликнинг олий поғонасидир.

Удара-дхих ибораси "узокни кўра биладиган, дунёқараши кенг инсон" деган маънони билдиради. Моддий лаззатланишга интилиб юрган кишилар иккинчи даражали фаришталарга сиғинадилар. "Бхагавад-гита"(7.20) ана шундай одамларни қоралайди, уларнинг тафаккури хрита-джнана, яъни "ақлдан озган кишининг тафаккури" деб аталган. Парвардигорнинг ижозатсиз фаришталар мустақил ҳолда ҳеч нарса ато эта олмайдилар. Шунинг учун узокни кўра биладиган киши оқибат-натижада барча моддий бойликларни ҳам Парвардигорнинг Ўзи беришини тушунади. Шунинг англаб етган кши, ҳатто у моддий лаззатланишга ёки озодликка чиқишга интилса ҳам - бевосита Парвардигорнинг Ўзига

сиғиниши лозим. Ким бўлишидан қатъий назар - акама бўладими, сакама бўладими ёки мокшакама бўладими - ихлос ва шижоат билан ягона Парвардигорга сиғинишдан ҳар бир инсон манфаатдор бўлади. Шундай қилиб, карма ва джнанадан мутлақо пок бўлган биргина бхакти-йоганинг ўзи ҳар қандай мақсадга эришиш учун кифоя. Қуёшнинг мусаффо пок нури катта кучга эга бўлгани учун тивра деб аталгани сингари, тинглаш, такрорлаш ва ҳоказо усуллардан иборат бўлган соф бхакти-йога жараёни ҳам мақсади ва интилишлари қандай бўлишидан қатъий назар ҳар бир инсон учун шарофатлидир.

11. Ҳар хил фаришталарга сиғиниб юрган кишилар фақат Парвардигорнинг асл содиқлари билан ҳамсухбат бўлиш шарофати билан олий ва мукаммал бахтга эришадилар, яъни қалбида Худонинг Олий Шахсига ўзгармас, табиий мустаҳкам боғланиш туйғусини ривожлантира оладилар.

Изоҳ: Фаришталарнинг биринчиси бўлган Маъбуд Браҳмадан бошлаб то кўримсиз чумолигача бўлган барча тирик мавжудотлар, моддий оламда қандай мартаба эгаллаб туришидан қатъий назар моддий табиат қонунларининг, яъни Парвардигорнинг ташқи қувватининг ҳукми остида бўладилар. Тирик мавжудот ўзининг асл ҳолатида Парвардигорнинг ажралмас заррачаси эканини англайди, лекин моддий қувват устидан ҳукмронлик қилиш истаги сабабли у моддий табиатнинг уч гунаси таъсири остига тушиб қолади, шунда у олий манфаатга эришишга интилиб тирикчилик учун кураша бошлайди. Моддий лаззатланиш домига тушиб қолган тирик мавжудотнинг тирикчилик учун олиб бораётган кураши худди адашиб юрган оловнинг изидан қувишга ўхшайди. Моддий лаззатланиш истаклари домига тушиб қолган кишилар бунинг учун қандай восита қўллаганлар - аввалги шеърларда таърифланганидек фаришталарга сиғинишми ёки Худонинг ва фаришталарнинг ёрдамини инкор этадиган моддий илм-фанни ривожлантиришми - буларнинг ҳаммаси алданиш, саробдан бошқа нарса эмас, чунки, то тирик мавжудот моддий олам чегарасида юрар экан, ҳеч қандай восита унга ҳаётнинг туғилиш, ўлиш, кексалик ва касалликлар билан боғлиқ бўлган муаммоларини ҳал қилишга ёрдам бера олмайди. Коинот тарихида бундай ислоҳотчи ва инқилобчиларга жуда кўп мисоллар бор, ўзларидан кейин фақат ўзларининг ҳеч қандай натижа бермаган режаларини қолдириб бу дунёга жуда кўп шох ва императорлар келиб кетганлар. Уларнинг шунча интилишларига қарамасдан ҳаётнинг асосий муаммолари барибир ҳал бўлмай қолиб кетяпти.

Аслини олганда инсон ҳаётининг мақсади - ана шу муаммоларни ҳал қилишдан иборат. Фаришталарни мамнун қилиш, ҳар хил диний маросимларни ўтказиш ёки Худо ёки фаришталарнинг мавжудлигини инкор этадиган дунёвий илм-фан тараққиётига ишониб таваккал қилиш билан бу муаммоларни ҳал қилиб бўлмайди. Парвардигорни ва фаришталарни умуман тан олмайдиган ашаддий имонсиз дунёвий одамлардан фарқли равишда Ведаларда у ёки бу содатларга эришиш учун ҳар хил фаришталарга сажда қилиш тавсия этилган, демак, фаришталар - хом-хаёл эмас, ҳақиқатан ҳам мавжуд бўлган зотлардир. Худди биз билан сизлар сингари фаришталар ҳам аниқ мавжуд бўлган зотлардир, лекин улар бизларга қараганда анча қудратлироқ, чунки улар коинотни бошқариш фаолиятининг турли соҳаларига маъсул бўлиш билан бевосита Парвардигорга хизмат қиладилар. Буни "Бхагавад-гита" ҳам тасдиқлайди, масалан, унда ҳар хил фаришталарнинг сайёралари, шу жумладан олий фаришта Маъбуд Браҳманинг сайёраси ҳам таърифланган. Лекин ашаддий имонсиз дунёвий одамлар Худонинг борлигига ҳам, фаришталарнинг мавжудлигига ҳам ишонмайдилар. Улар Ер сайёрасига яқин бўлган сайёра Чандралока(Ой)га - саёҳат қилиш атрофида шунча шовкин кўтардилар, лекин аслида шунча йиллардан бери олиб бораётган тадқиқотларига қарамасдан ҳалигача бу сайёра ҳақида ҳеч нарса билмайдилар. Ойдаги ерларни сотиш ҳақида шунча шов-шув кўтарганларига қарамасдан ана шу ўзига бино қўйган олимлар, ашаддий имонсиз даҳрийлар ўша жойда яшаш олмайдилар, улар ҳатто санаб адоғига етолмайдиган бошқа сайёралар ҳақидаку гапирмаса ҳам бўлади.

Ведаларнинг издошлари илм ўрганишнинг бошқа йўлига амал қиладилар. Биринчи қўшиқда айтилганидек, улар ведавий муқаддас китобларнинг ишончли манба эканини сўзсиз тан оладилар, шунинг учун улар Худо, фаришталар ва уларнинг моддий коинотда ва ундан ташқарида жойлашган сон-саноксиз сайёралари ҳақида тўлиқ ва мантикий асосланган илмга эга бўладилар. Ҳиндистоннинг Шанкара, Рамануджа, Мадхва, Вишнусвами, Нимбарка ва Чаитаня сингари буюк ачарйалари тан олган ҳамда барча буюк зотлар ўрганган энг ишончли ведавий муқаддас китоб "Бхагавад-гита" ҳисобланади, унда бошқа мавзулар билан бир қаторда фаришталарга сажда қилиш эслатиб ўтилган ҳамда уларнинг сайёралари ҳақида айтилган. "Бхагавад-гита"(9.25)да шундай дейилган:

"Фаришталарга сиғиниб юрганлар фаришталарнинг сайёраларига борадилар, ажодларига сиғиниб юрганлар - ажодларининг сайёраларига борадилар. Имонсиз дунёвий одам-

лар моддий олам сайёраларида қолиб кетадилар, Худонинг содиқлари эса, Парвардигорнинг салтанатига эришадилар”.

"Бхагавад-гита"дан биз яна шуни биламизки, моддий оламдаги барча сайёралар, шу жумладан Браҳмалока ҳам, мангу мавжуд эмас, вақти келиб уларнинг ҳаммаси яксон бўлади. Улар билан бирга фаришталар ҳам, уларга сиғиниб юрган зотлар ҳам ҳалок бўладилар, лекин Худонинг даргоҳига эришган зотлар мангу ҳаётга эришадилар. Барча ведавий муқаддас китоблар мана шу ҳақиқатни тасдиқлайдилар. Фаришталарга сиғинадиган зотлар имонсиз дунёвий одамларга қараганда яхшироқ ҳолатдалар, чунки улар ҳеч бўлмаса ведавий муқаддас китобларга ишонадилар ва шу боис уларни ўрганиб, Худонинг содиқлари даврасида ягона Парвардигорга сажда қилиш инсонга қандай саодат келтиришини билиб оладилар. Лекин, Ведаларга ишонмайдиган ашаддий имонсиз даҳрийлар ғофиллик зулматида мангу қолиб кетадилар, чунки ҳаёт ҳақида мукамал бўлмаган тажрибаларга асосланган ёки илоҳий илм салтанатига қира олмайдиган дунёвий илм-фанга сохта тасаввурга асосланиб яшайдилар. Шунинг учун токи ашаддий имонсиз даҳрийлар ҳамда ўлимга маҳкум бўлган фаришталарга сиғиниб юрган зотлар илоҳиёт кишилари, Парвардигорнинг асл содиқ хизматкорлари билан ҳамсухбат бўлмас экан, уларнинг барча уринишлари бекор кетаверади. Фақат илоҳий Зотнинг, Парвардигорнинг асл содиқ хизматкорларининг марҳамати билан инсон ҳаётининг мукамал поғонасига - Худога соф садоқатга эришиш мумкин. Фақат Парвардигорнинг асл содиқ хизматкори инсонга руҳий юксалишнинг тўғри йўлини кўрсата олади. Худо ва фаришталар ҳақида ҳеч нарса билмайдиган дунёвий имонсиз одамнинг ҳаёти ҳам, ўткинчи моддий лаззатларга эришиш ниятида фаришталарга сиғиниб юрган одамнинг ҳаёти ҳам бир биридан деярли фарқ қилмайди - униси ҳам, буниси ҳам алданишнинг, адашишнинг ҳар хил кўринишлари, холос. Буларнинг ҳаммаси "Бхагавад-гита"да батафсил тушунтирилган, лекин, "Бхагавад-гита"нинг мазмунини тушуниб етиш учун сиёсий арбобларнинг ёки сафсатабоз файласуфларнинг эмас балки Парвардигорнинг асл содиқларининг гапларини тинглаш лозим.

12. Парвардигор Хари ҳақидаги илоҳий илм моддий табиат гуналари уммонидаги ўпқон ва тўлқинларни тинчлантиради. Ҳар қандай моддий боғланишлардан холи бўлган бу илм руҳга лаззат бағишлайди, илоҳий табиатга эга бўлгани туфайли уни барча ишончли зотлар маъқуллайдилар. Шундай экан, бу илмга эътиборсиз, хайрихоҳ бўладиган бирор одам топилармикан?

Изоҳ: "Бхагавад-гита"(10.9)да айтилганки, Худонинг асл содиқлари ажойиб сифатларга эга. Уларнинг бутун фаолияти ҳамиша Худога садоқат билан хизмат қилишга қаратилган, шунинг учун асл содиқлар бир бирлари билан ўзаро жазавали илоҳий ҳис-туйғулар алмашадилар ва бундан илоҳий лаззат оладилар. Агар ҳақиқий руҳий устоз раҳбарлиги остида ҳаракат қилаётган бўлса, содиқ хизматкор ана шундай илоҳий лаззатни ҳатто Худога қонун-қоидалар асосида хизмат қилиш(садҳана-авастха) жараёнида ҳам ҳис қилиши мумкин. Руҳий етуклик поғонасида эса, илоҳий ҳис-туйғуларнинг ривожланишининг энг юксак чўққиси тирик мавжудотнинг ўзининг Парвардигор билан ўзаро азалий муносабатларини англаб етиши бўлади. Шундай қилиб, бхакти-йога - Худони англаб етиш имконини берадиган ягона усул ҳисобланади, шунинг учун у каивалйя деб аталади. Бу борада Шрила Жива Госвами Ведалардан мисол келтириб тасдиқлайдики, Нарайанани, Худо Шахсини каивалйя деб атайдилар, Парвардигорга яқинлашиш имконини берадиган усулни эса - каивалйя-пантха, яъни "Худонинг даргоҳига олиб борадиган ягона йўл" деб атайдилар. Каивалйя-пантха шраванадан, яъни - Худо Шахси ҳақидаги ҳикояларни тинглашдан бошланади. Хари-катҳанинг табиий натижаси содиқ хизматкорни унинг учун умуман қизиғи қолмаган дунёвий мавзуларга бўлган боғланиш туйғусидан озод қиладиган илоҳий илмни эгаллаш ҳисобланади. Ҳеч қандай моддий фаолият - ижтимоий ёки сиёсий - содиқни бошқа қизиқтирмай қўяди, Худога садоқат билан хизмат қилишда баркамолликка эришгандан кейин, у қариндошлиқ ришталари ёрдамида танаси билан боғланган зотлар нари турсин, ҳатто ўзининг танаси билан ҳам қизиқмай қўяди. Ана шундай кишини моддий гуналар тўлқини руҳий мувозанатдан чиқара олмайди. Моддий табиат ҳар хил гуналари бор, лекин оддий одамлар шундай ихлос билан шуғулланиб юрган моддий фаолият содиқ хизматкорни умуман қизиқтирмай қўяди. Мазкур шеърда ана шундай ҳолат пратинивритти-гунорми деб аталган бўлиб, у моддий нарсалар билан умуман боғлиқ бўлмаган ва ичдан ўзидан-ўзи келадиган тўла мамнуният(атмапарсада) туфайли юзага келади. Парвардигорнинг биринчи синф содиқ хизматкори ана шундай ҳолатга Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёнида эришади, лекин, ўз илоҳий ҳолатда бўлишига қарамай, у баъзан Парвардигорни мамнун қилиш учун онгли равишда ўз хоҳиши билан Худонинг шон-шухратини тарғибот қилиш вазифасини ўз зиммасига олади ва янги содиқларга ўзларининг дунёвий интилишларини ҳам илоҳий лаззатга айлантириш имкониятини

бериш учун атрофидаги ҳамма нарсани, ҳатто моддий манфаатларини ҳам Худога садоқат билан хизмат қилиш билан боғлайди. Шрила Рупа Госвами асл содиқ хизматкорнинг ана шундай хулқ-атворини шундай изоҳлайди: нирбандҳақ кришна-самбандхе йуктам ваирагйам учйате. Агар Худога садоқат билан хизмат қилиш билан боғлиқ бўлса, ҳатто моддий фаолиятни ҳам илоҳий ва маъқулласа бўладиган фаолият деб ҳисоблаш мумкин.

13. Шаунака деди: Вйасадеванинг ўғли Шрила Шукадева Госвами ҳар томонлама кенг илмга эга шоирона иқтидор соҳиби эди. Махараж Парикшит унинг айтган гапларини тинглаб туриб, яна нималар ҳақида сўради?

Изоҳ: Парвардигорнинг асл содиқ хизматкорида табиий равишда барча илоҳий сифатлар ривожлана боради. Бундай сифатларнинг асосийлари куйидагилар: эзгулик, хотиржамлик, ростгўйлик, босиқлик, бенуксонлик, олижаноблик, мулойимлик, поклик: асл содиқ хизматкор бирор нарсага эгалик қилмайди, ҳаммага яхшилик қилади, у ҳаётдан мамнун, Кришнага ўзини топширган, дунёвий истаклардан пок, содда, ўзини тута биледи, ихчам, кам овқатланади, фикр-мулоҳазали, ҳурмат-иззатли, камтар, жиддий, меҳрибон(ҳамдард), дўст, шоирлардай гапга чечан, ҳар бир ишда моҳир ва индамас. Худонинг содиқларининг мана шу асосий йигирма олти фазилатини Кришнада Кавираж Госвами "Чайтанья Чаритамрита"да таърифлаб берган, мазкур шеърда уларнинг биттасида - содиқ хизматкор сифатида Шукадева Госвами кўпроқ эга бўлган шоирлардай гапга чечанлик сифатида тўхталган. Шукадева Госвами баён этган "Шримад Бхагаватам" шеъриятга қўшилган бебаҳо неъмат ҳисобланади. У ўзлигини англаб етган донишманд, бошқача қилиб айтганда, донишмандлар ичида шоири эди.

14. Эй донишманд Сута Госвами! Ҳикоя қилишда давом эт, бизлар сенинг гапларингни тинглаш иштиёқида ёняпмиз. Бундан ташқари, Парвардигор Хари ҳақидаги суҳбатларга олиб келадиган нарсаларнинг ҳаммаси фақат Унинг содиқлари орасида муҳокама қилиниши шарт.

Изоҳ: Аввал Шрила Рупа Госвамининг "Бхакти-расамрита-синдху"дан келтирилган мисолда айтиб ўтганимиздек, агар Парвардигор Шри Кришнага хизмат қилишда қўлланилса, ҳатто моддий нарсалар ҳам илоҳи ҳисобланади. Масалан, атайлаб тафаккури етарлича ривожланмаган кишилар учун мўлжалланган тарихий асарлар ҳисобланадиган "Маҳобҳорат" ва "Рамайна" ҳам

ведавий муқаддас китоблар ҳисобланади, чунки уларда Парвардигорнинг илоҳий кароматлари ҳақида ҳикоя қилинган. "Маҳобҳорат" тўрт Веда: "Сама-", "Йаджур-", "Риг-" ва "Атхарва-веда"дан кейин турадиган бешинчи Веда ҳисобланади. Калтафаҳм одамлар "Маҳобҳорат"ни ведавий муқаддас китоб сифатида тан олмайдилар, лекин буюк донишмандлар ва ишончли мўътабар зотлар уни бешинчи Веда деб биладилар. "Бхагавад-гита" "Маҳобҳорат" таркибига киради ва Парвардигорнинг тафаккури ривожланмаган одамлар учун айтган насихатларидан таркиб топган. Уларнинг баъзилари "Бхагавад-гита" оилали кишилар учун мўлжалланган асар эмас деб даъво қиладилар, лекин бунда улар Аржуннинг ўзи ҳам оилали киши эканини, Ўзи ҳам оилали киши ролини ўйнаётган Парвардигорнинг Ўзи уни грихастхага - оилали кишига айтиб берганини эсдан чиқариб қўядилар. Шундай қилиб, гарчи "Бхагавад-гита"да ведавий донишмандликнинг улуғвор фалсафаси баён этилган бўлса ҳам, у биринчи навбатда илоҳий илмни ўрганишга энди киришган кишилар учун мўлжалланган. "Шримад Бхагаватам" эса, ана шу илм чўққисига интилиб юрганлар учун мўлжалланган. Демак, Парвардигорнинг илоҳий эрмаклари баён этилган "Маҳобҳорат", Пураналар сингари асарлар илоҳий табиатга эга бўлиб, уларни ишончли буюк содиқлар даврасида муҳокама қилиш лозим.

Лекин, энг ёмони шундаки, касби нотик бўлган кишилар тилидан эшитганда бу муқаддас китоблар оддий тарихий асар ёки эпосдай бўлиб кўринади, чунки уларда асосий эътибор тарихий шахс ва воқеаларни таърифлашга қаратилган бўлади. Шунинг учун мазкур шеърда айтилганки, бундай китобларни фақат Худонинг содиқлари даврасида муҳокама қилиш лозим. Улуғвор инсонларга бу асарлар фақат уларни Худонинг содиқлари муҳокама қилгандагина ҳақиқий лаззат келтирадилар. Бундан хулоса чиқариш мумкинки, Парвардигор охир-оқибатда шахсиятсиз эмас. У - Олий Шахс ва ҳар хил фаолият билан машғул. У - моддий оламга Ўзининг хоҳиши билан Ўзининг қуввати ёрдамида, адашган руҳларни Ўзининг даргоҳига чақириш учун келадиган барча тирик мавжудотларнинг йўлбошчиси. Бу вазифани амалга ошириш учун Парвардигор бу дунёда ижтимоий, сиёсий ва диний арбоб вазифаларини ўз зиммасига олади. Ана шу санаб ўтилган ролларда Унинг амалга оширган барча ишлари Парвардигор ҳақида ҳикоя қилинадиган мавзулар бўлгани сабабли ана шундай бошланғич ҳикоялар ҳам илоҳий табиатга эга ҳисобланади. Инсонлар жамиятининг ҳаётини илоҳий даражага кўтаришга ёрдам берадиган усул шундан иборат. Одамлар тарихни ўрганишни ва дунёвий адаби-

ётларни: ҳикояларни, романларни, пьесаларни, газета ва журналларни ўқишни ёктирадилар. Шунинг учун майли, ана шундай асарлар Парвардигорга илоҳий хизмат қилиш билан боғлиқ бўлсин, шунда улар Худонинг содиқлари ҳам лаззатланиб ўқийдиган илоҳий асарларга айланади. Одамлар орасида кенг тарқалган "Худо - шахсиятсиз ва ҳаракатсиз, У - номи, қиёфаси йўқ, гапиришни билмайдиган тош" деган нотўғри тасаввур таъсири остида одамлар худобехабар имонсиз бўлиб боряптилар, улар атеист-иблисларга айланиб кетганлар. Улар Парвардигорнинг илоҳий фаолиятдан қанчалик узоқлаша борсалар, моддий фаолиятга шунчалик кучлироқ боғлана борадилар, бу эса уларни ўзларининг уйига, Худонинг даргоҳига олиб бормади, аксинча улар учун дўзах дарвозаларини очиб беради*. "Шримад Бхагаватам" Пандузодалар ҳақидаги ҳикоялардан бошланади, лекн шунга қарамай уни парамахамса-самхита - энг улуғвор илоҳиёт кишилари учун мўлжалланган ведавий муқаддас китоб, парам джнана - олий илоҳий илм баён этилган асар ҳисобланади. Парвардигорнинг барча асл содиқлари - парамахамсалардир, улар худди сут аралашган сувдан соф сутни ажрата биладиган оққушларга ўхшайдилар.

*Ҳали эллик йил муқаддам ҳиндулар жамиятида Парвардигорнинг илоҳий қароматлари ҳақида баён этилмайдиган китобларни ўқимас эдилар, Парвардигорга алоқаси бўлмаган пьесаларни қўймас ва байрамларни ўтказмасдилар, Парвардигор билан боғлиқ бўлмаган маросимлар ўтказмасдилар, Парвардигорнинг эрмакларини билан боғлиқ муқаддас ааждагоҳ бўлмаган жойларга бормасдилар. Шунинг учун ҳатто оддий кишлоқ аҳолиси ҳам ҳали ёшлигиданоқ "Махобҳорат", "Рамаяна", "Бхагавад-гита", ва "Шримад Бхагаватам" ҳақида гапириб юрардилар. Лекин Кали йуганинг кўрсатаётган салбий таъсири оқибатида одамлар тубанликка юз тутиб, ҳозирги кунда чўчка ва итлардан фарқи қолмай, илоҳий илмни бутунлай эсдан чиқариб, фақат қорин тўйғазиш учун кечаю-кундуз тинмай тер тўқадилар.

15. Пандавларнинг невараси, Маҳараж Парикшит ёшлигиданоқ Парвардигорнинг буюк содиқ хизматкори эди. Ҳатто болалик пайтида ўйинчоқ ўйнаб юрганида ҳам, оилавий Илоҳларга сиғиниб юрган катталарга тақлид қилиб, Парвардигор Шри Кришнага сиғинишга ҳаракат қиларди.

Изоҳ: "Бхагавад-гита"(6.41)да айтилганки, агар инсон йога билан шуғулланишда муваффақият қозона олмаган бўлса, у тақводор брахманлар ёки бадавлат одамлар: шоҳ-қшатрийлар ёки бой савдогарлар оиласида туғилиш имкониятига эга бўлади. Лекин Маҳараж Парикшит тенгсиз катта имконият берилган эди. У аввалги ҳаётида Ху-

донинг буюк содиқ хизматкори бўлгани учун шоҳона Курулар сулоласида, Пандузодалар оиласида дунёга келган эди. Шундай қилиб, ҳали ёшлигиданоқ у ўзининг оиласидагилар машғул бўлиб юрган Парвардигор Кришнага садоқат билан хизмат қилиш ишлари билан яқиндан танишиш имкониятига эга эди. Пандузодалар Худонинг содиқлари бўлиб, алоҳида мўлжалланган саройда Илоҳларга муносиб даб-даба ва тантана билан хизмат қилардилар. Ана шундай хонадонларда туғиладиган фарзандлар одатда ҳатто ўзларининг ўйинларида ҳам Илоҳларга сиғинишга тақлид қиладилар.(Қуш уясида кўрганини қилади). Парвардигор Кришнанинг марҳамати билан биз ҳам вайшнавлар хонадониди дунёга келиш бахтига муяссар бўлдик, бунинг шарофати билан ҳатто ёшлигимизданок ўйинларимизда отамизнинг ҳаракатларини такрорлаб, Парвардигор Кришнага сиғинишга тақлид қилардик. Бизнинг Ратхатра ва Дола-ятра сингари байрамларни ўтказиш истагимизни отамиз ҳар томонлама қўллаб қувватлар ва саховат билан бизга ва байрамга келган дўстларимизга ширин прасад тарқатарди. Вайшнавлар хонадониди дунёга келган руҳий устозимизни ҳам буюк вайшнав отаси, Бхактивинода Тхакур ҳар томонлама илҳомлантирган. Барча вайшнавларнинг оилаларида ана шундай урф-одатларга амал қиладилар. Машхур Мира Баи ҳам Говардхана тоғини кўтарган Парвардигор Кришнанинг қудратли содиқ хизматкори эди.

Худонинг содиқларининг ҳаёти бир бирларига жуда ўхшаш бўлади, чунки Парвардигорнинг барча буюк содиқ хизматкорлари ўзларининг ёшлигини бир хилда ўтказган бўладилар. Жива Госвамийнинг фикрига кўра, Маҳараж Парикшит Парвардигор Кришнанинг Вриндаванда бўлиб ўтган болаликдаги эрмакларини ҳақида эшитган бўлиши керак, чунки у ўзининг ёш дўстлари билан ўйнаган экан, Парвардигорнинг ана шу эрмакларига тақлид қиларди. Лекин, Шридхара Свамийнинг фикрига кўра, Маҳараж Парикшит оилавий Илоҳга сиғиниб юрган ўзининг катта ёўдаги оила аъзоларига тақлид қилган. Шрила Вишванатха Чакраварти Жива Госвамийнинг нуқтаи-назарини қўллаб-қувватлайди. Лекин, нима бўлганда ҳам, бир нарса аниқ: Маҳараж Парикшит ёшдик пайтиданок қалбиди Парвардигор Кришнага нисбатан табиий боғланиш ҳис қилган. Унинг нимага - Парвардигорнинг эрмакларигами ё Худого сиғинишгами - тақлид қилгани муҳим аҳамиятга эга эмас, униси ҳам, буниси ҳам шоҳнинг Парвардигорга бўлган буюк садоқатини билдиради ва у ҳақиқатан ҳам маха-бхагавата эканидан далолат беради. Ана шундай маха-бхагаваталарни нитйа-сиддхалар, яъни "туғилганидан озодликка эришган зотлар"

деб атайдилар, лекин шундай одамлар ҳам борки, ҳатто туғилганидан озодликка эришган зотлар бўлмаса ҳам, Худонинг содиқлари билан бирга юргани шарофати билан қалбида Худога садоқат билан хизмат қилишга интилиш туйғусини ривожлантирадилар. Ана шундай кишилар садхана-сиддхалар деб аталади. Охиروқибатда улар бир биридан фарқ қилмайдилар. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Худонинг асл содиқлари билан ҳамсухбат бўлиб юриш шарофати билан ҳар қандай инсон ҳам садхана-сиддха, Худонинг содиқ хизматкори бўла олади. Бунга бизнинг буюк руҳий устоз Нарада Муни яққол мисол бўла олади. Аввалги ҳаётида у оддий чўри аёлнинг ўғли бўлган, лекин Парвардигорнинг буюк содиқ хизматкорлари билан ҳамсухбат бўлиш шарофати билан у Худога садоқат билан хизмат қилиш тарихида тенги йўқ буюк содиқ хизматкор бўлиб етишди.

16. Вйасадеванинг ўғли, Шукадева Госвами ҳам илоҳий илмни тўлиқ эгаллаган ва Васудеванинг ўғли Парвардигор Шри Кришнанинг буюк содиқларидан эди. Шунинг учун у билан Махараж Парикшит ҳам буюк файласуфлар олқишлайдиган ва буюк содиқлар бирга тўпланиб, шарафлаб кўйлайдиган Парвардигор Шри Кришна билан боғлиқ бўлган мавзуларни муҳокама қилган бўлишлари керак.

Изоҳ: Мазкур шеърдаги сатам ибораси алоҳида муҳим аҳамиятга эга. Сатам - қалбида Парвардигорга садоқат билан хизмат қилишдан бошқа бирор истаги қолмаган асл содиқ. Фақат ана шундай содиқлар даврасида Парвардигор Кришнанинг илоҳий шон-шухрати ҳақида ҳақиқий суҳбатлар ўтказиш мумкин. Парвардигор айтдики, У ҳақидаги ҳикоялар чуқур руҳий маънога эга, улар бирор марта сатамлар даврасида камтарин ҳолда диққат билан тинглаган киши жуда катта илоҳий қувват олади ва осонлик билан Худога садоқат билан хизмат қилиш поғонасига кўтарилади. Аввал айтганимиздек, Махараж Парикшит туғилганиданок Парвардигорнинг буюк содиқ хизматкори эди. Шукадева Госвами ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Гарчи Махараж Парикшит дабдабали ҳаёт кечиришга кўникиб қолган буюк шоҳ, Шукадева Госвами эса, ҳатто устига бирор либос кийиб олишни ҳам ўзига эп кўрмайдиган таркидунё қилган буюк зоҳид қаландар бўлишига қарамай, улар руҳий жиҳатдан бир хил поғонада турардилар. Бир қараганда улар бир-бирига бутунлай қарама-қарши инсонлар эди, лекин аслида улар иккиси ҳам Парвардигорнинг бенуксон асл содиқлари эдилар. Ана шундай содиқлар бирга тўпланганларида улар фақат Парвардигорнинг

улуғворлиги ёки бхакти-йога ҳақида гапирадилар. Худди шундай, гарчи дунёвий олимлар бу борада бошқача фикрда бўлиб, буни ҳар ким ўзича талқин қилсалар ҳам, "Бхагавад-гита"да ҳам Парвардигорнинг Ўзининг содиқ хизматкори Аржун билан бўлган суҳбати фақат бхакти-йога ҳақида бўлиб ўтган эди. Шрила Жива Госвамининг фикрига кўра ваийа сақиҳ иборасидан кейин келадиган ча ибораси шуни билдирадики, гарчи ҳозир улардан бири шогирд, бошқаси руҳий устоз ролини ўйнаётган бўлсалар ҳам, Шукадева Госвами ва Махараж Парикшит аввалданок бир хил поғонада турган зотлар эди. Уларнинг суҳбатининг маркази Парвардигор Кришна бўлгани учун васудева-парайанаҳ, яъни "Васудеванинг содиғи" деганда Парвардигор Кришнанинг содиқ хизматкори назарда тутилди. Гарчи Махараж Парикшит оч ўтириб риёзатга берилган жойда жуда кўп одамлар тўпланган бўлишига қарамай, шуниси аниқки, улар Парвардигор Кришнанинг улуғворлигидан бошқа бирор нарса ҳақида гапирмасдилар, чунки асосий гапирадиган зот - Шукадева Госвами, асосий тингловчи эса - Махараж Парикшит эди. Шундай қилиб, Парвардигорнинг икки буюк содиқ хизматкори томонидан баён этилган ва тингланган "Шримад Бхагаватам"нинг ягона мақсади - Худо Шахсини, ягона Парвардигор Шри Кришнани олқишлашдан иборат.

17. Қуёш ҳар гал чиқиб ботган сайин ўз умрининг ҳар бир дақиқасини барчага меҳрибон бўлган Худо Шахси ҳақидаги ҳикояларни муҳокама қилишга бағишлаган кишилардан бошқа ҳар бир инсоннинг умрини камайтириб бораверади.

Изоҳ: Мазкур шеър, инсон Худога садоқат билан хизмат қилишда тобора шиддатлироқ машғул бўла бориб Парвардигор билан унутилиб кетган ўзаро муносабатларини қайта тиклаш учун ўзининг ҳозирги инсон танасидаги ҳаётдан унумли фойдаланиши қанчалик муҳим эканини билвосита тасдиқлайди. Вақт бизни кутиб турмайди. Агар асл мақсад - руҳий қадриятларни англаб етиш йўлида фойдаланилмаса, куннинг чиқиши ва ботиши билан ўлчаб чеклаб қўйилган инсоннинг бир кунлик умри бекор кетган бўлади. Бекорга кетган биргина лаҳза вақтни ҳам ҳеч қандай мол-дунё эвазига қайтариб бўлмайди. Тирик мавжудот(жива)га инсон ҳаёти фақат у ўзининг руҳий табиатини англаб етиши ҳамда мангу бахт манбаини излаб топиши учун берилади. Тирик мавжудот, айнқса инсон ҳамиша бахт излайди, чунки бахт - тирик мавжудотнинг табиий ҳолати, лекин тирик мавжудот уни бекорга моддий оламдан излаб юрибди. Ўзининг асл табиатига кўра тирик мавжудот

руҳий учқун, зарра, тўла бутуннинг бир бўлаги, шу боис у фақат руҳий фаолият билан шуғулланиш орқали мутлак бахтга эриша олади. Парвардигор - руҳий тўла бутун Зот, Унинг номи, қиёфаси, сифатлари, эрмаклари, хулқ-атвори - Унинг Ўзидан фарқ қилмайди. Инсон Парвардигорнинг юкорида кўрсатилган қувватларидан бирортаси билан (Худого садоқат билан хизмат қилиш воситасида) алоқа ўрнатган заҳоти унинг олдида руҳий баркамолликка эришиш йўллари очилади. “Бхагавад-гита”(2.40)да Парвардигор бу ҳақда шундай дейди: “Худого садоқат билан хизмат қилишдаги бирор ҳаракат бекор кетмайди. Бу йўлдан бораётган киши йўқотиш нималигини билмайди. Бу йўлда ташланган битта қадамнинг ўзиёқ моддий мусибатлар уммонини кечиб ўтиш учун кифоя”. Худди томир ичига киритиладиган кучли дори бутун танага дарров таъсир қилгани сингари, Парвардигорнинг асл содиқ хизматкори қулоғига кирган Парвардигор ҳақидаги илоҳий ҳикоялар ҳам жуда катта таъсир кучига эга. Худди дарахтнинг бир қисми мева беради деганда бутун дарахт мева бериши назарда тутилиши сингари, илоҳий хабарларни тинглаш деганда уларни чуқур англаб етиш назарда тутилади. Шукадева Госвами сингари асл содиқ хизматкор даврасида ўтказилган бир лаҳза вақтнинг ўзиёқ инсонга илоҳий илми чуқур англаб етиш ҳамда уни мангуликдаги мукамал ҳаётга тайёрлаш имконини беради. Шундай қилиб, куёш Парвардигорнинг асл содиқ хизматкорининг умрини қисқартира олмайди, чунки у ҳамиша Худого садоқат билан хизмат қилиш билан банд бўлиб, ўзининг тирикчилигини поклаб юради. Ўлим мангу тирик мавжудотнинг моддий касалининг белгисидир: фақат ана шу касали сабабли тирик мавжудот туғилиш, ўлиш, кексалик ва касаллик қонунлари ҳукми остига тушиб қолади.

Шрила Вишванатха Чакраварти Тхакур смрити-шастралардан дунёвий савоб ишлар қилишни, масалан, эҳсон тарқатишни тавсия қиладиган мисол келтиради. Муносиб одамларга эҳсон қилинган садақа бизнинг кейинги ҳаётимизда бадавлат яшашимизга кафолат беради. Эҳсонни брахманларга бериш керак. Агар биз ҳозирги ҳаётимизда брахман бўлмаган, яъни брахман сифатларига эга бўлмаган кишига қанча эҳсон садақа қилсак, улар кейинги ҳаётимизда бизга худди шу миқдорда қайтиб келади. Агар биз эҳсонни чаласавод брахманга садақа қилсак, кейинги ҳаётимизда улар икки баробар кўпайиб қайтиб келади. Агар биз билимдон ва барча эзгу фазилатларга эга бўлган брахманга эҳсон қилсак, улар кейинги ҳаётимизда юз, минг марта кўпайиб қайтиб келади, агар биз садақани веда-пара(Ведалар йўлини англаб етган зот)га эҳсон қилсак, улар

чексиз кўпайиб қайтиб келади. “Бхагавад-гита” тасдиқлаганидек, ведавий илмларни ўрганишнинг энг юксак чўққиси Худо Шахсини, Парвардигор Кришнани англаб етишдир. Худо йўлида кимгадир эҳсон қилган бойлигимиз кейинги ҳаётимизда қандайдир миқдорда ўзимизга албатта қайтиб келади. Худди шундай Худонинг асл содиқ хизматкори даврасида Парвардигорнинг илоҳий хабарини тинглаш ва такрорлашга кетказилган бир лаҳза вақт ҳам инсоннинг ўз уйига, Худонинг даргоҳига қайтиб, мангу ҳаётга эришишига кафолат беради. Мад-дхама гатва пунар джанма на видйате - Худонинг содиқ хизматкорларига мангу ҳаёт тайёрлаб қўйилган. Содиқ хизматкор ҳозирги ҳаётида дуч келадиган кексалик ва касаллик уни ўзига тайёрлаб қўйилган ана шу мангу ҳаётга яна ҳам кучлироқ интилишга ундайди.

18. Нима, дарахтлар яшамайдиларми? Нима, темирчининг босқони нафас олмайди? Нима, атрофимизда юрган хайвонлар ҳам овқатланмайдиларми, улар зурёд қолдирмайдиларми?

Изоҳ: Ҳозирги имонсиз дунёвий одамлар эътироз билдиришдан чарчамайдилар: инсон ўзининг бутун умрини ёки ҳатто унинг бир қисмини Худо ҳақидаги баҳс-мунозараларга бағишлаш учун туғилган эмас. Уларнинг фикрига кўра, инсон бу дунёга иложи борича кўпроқ еб-ичиш, айшу-ишратга берилиш, лаззатланиб яшаш учун келади. Ҳозирги одамлар дунёвий имл-фан ютуқлари уларга мангу яшаш учун имкон яратиб беришига ишонадилар, шу боис ҳозирги кунда инсон умрини қандай узайтириш мумкинлиги ҳақидаги ҳар хил аҳмоқона ғоялар кўпайиб кетган. Лекин “Шримад Бхагаватам”да айтилганки, инсон бўлиб яшашдан мақсад гедонизм фалсафаси айтганидай еб-ичиш, айшу-ишратга берилиш ва кайфу-сафо қилиш имкониятига эга бўлиш ниятида моддий фаровонликка ёки илмий-техник тараққиётга эришишдан иборат эмас. Инсон бўлиб яшашдан ягона мақсад - тапася, яъни инсоннинг ҳозирги танасидаги умри ниҳоясига етганида мангу ҳаётга эришиш имкониятини берадиган покланишдан иборат.

Дунёвий одамлар иложи борича умрини узайтиришга интиладилар, чунки улар ўлганидан кейин уларни навбатдаги ҳаёт кутиб турганидан беҳабардирлар. Улар ўзларининг ҳозирги ҳаётда яшашлари учун атрофида барча қулайликлар яратишга интиладилар, чунки улар ўлгандан кейин ҳаёт йўқлигига мутлақо ишонадилар. Моддий оламда ўзининг таналарини алмашлаб юрган тирик мавжудотнинг мангу эканидан беҳабар бўлган одамларнинг ғофиллиги ҳозирги даврдаги жамиятнинг таназзулга юз

тутишига сабаб бўлди, бу эса ўз навбатида кўплаб муаммоларни юзага келтиряпти, бу муаммолар инсонлар ўз режаларини амалга ошира бориши билан тобора кўпайиб, чигаллашиб кетяпти. Жамият олдида турган муаммоларни ҳал қилишга қаратилган бундай режаларнинг ҳаммаси жамиятнинг аҳволини баттар ёмонлаштиради. Ҳатто одамлар ўзларининг умрини юз йил ва ундан ҳам кўпроқ узайтиришга эришсалар ҳам, фақат шунинг ўзи жамиятнинг тараққиётига кафолат беролмаган бўларди. "Шримад Бхагаватам"да айтилганки, юзлаб, минглаб йиллар яшайдиган дарахтлар бор. Вриндаванда бир тамаринда дарахти ўсиб турибди, айтишларига қараганда у ҳали Парвардигор Кришна давридан бери бор эмиш. Калькуттадаги ботаника боғида битта баньян дарахти бор бўлиб, унинг ёши беш юз қилдан ортиқ, ер юзида бундай дарахтлар сони жуда кўп. Шанкарачарйа Свами атиги ўттиз икки йил яшаган, Парвардигор Чаитанйа эса бу дунёда - қирк саккиз йил умр кўрган. Лекин бу билан дарахтларнинг узок умр кўриб яшаган ҳаёти Шанкара ёки Чаитанйа Маҳапрабхунинг ҳаётидан қадрироқ деб бўладими? Баъзи бир одамлар дарахтлар нафас олмгани учун улар ҳам тирик мавжудот эканига ишонмасликлари мумкин. Лекин Боуз ва бошқа замонавий олимлар дарахтлар ҳам жонли тирик мавжудот эканини исботладилар, демак, нафас олиш тирик зотнинг ягона белгичси эмас экан. "Шримад Бхагаватам"да айтилганки, темирчининг босқони ҳам чуқур нафас олади, лекин фақат шунинг учунгина уни тирик мавжудот деб бўлмайди. Дунёвий одам дарахт ҳаёти билан инсон ҳаётини тенглаштириб бўлмайди, деб эътироз билдириши мумкин, - ахир дарахт тансиқ таомлардан еб ва айшу-ишратга берилиб ҳаётдан лаззатланиб яшай олмайди. "Шримад Бхагаватам" бу эътирозга шундай савол билан жавоб беради: нима, одамлар билан бир қишлоқда яшайдиган бошқа ҳайвонлар, масалан, итлар ва чўчқалар, овқатланмайдиларми ёки айшу-ишрат қилмайдиларми? Бунда "Шримад Бхагаватам"да "бошқа ҳайвонлар" деган ибора ишлатилган. Бу шуни назарда тутадики, фақат еб-ичиш, нафас олиш ва айшу-ишрат қилиш сингари ҳайвонларга ҳам хос бўлган амалларни такомиллаштириш билан машғул бўлиб юрган одамлар ҳам ҳайвонлардан фарқ қилмайди, фақат улар инсон танасида холос. Ана шундай маданийлашган ҳайвонлар жамияти инсониятнинг мусибатларини енгиллаштиришга қодир эмас, чунки бир ҳайвон ҳеч ўйланмасдан бошқа бир ҳайвонга зулм ўтказди, улар бир бирларига фақат камдан-кам ҳолларда бирор эзгулик, яхшилиқ қилишлари мумкин,

19. Ит, чўчқа, туя ва эшакларга ўхшаган одамлар барча мусибатлардан халос этувчи Парвардигор Шри Кришнанинг илоҳий эрмаклари ҳақидаги ҳикояларни ҳеч қачон тингламайдиган одамларни кўкларга кўтариб олқишлайдилар.

Изоҳ: Агар одамлар ўзларининг турмуш тарзини юксак рухий қадриятлар асосида шакллантиришга ёшлигидан одатланишга ўргатилмаса, уларнинг ҳайвонлардан фарқи қолмайди, шунинг учун мазкур шеърда ана шундай маданиятсиз одамлар итлар, чўчқалар, туялар ва эшакларга тенглаштирилган. Аслида, ҳозирги университетларда талабаларга итларнинг онги сингдирилади, чунки уларни ўзидан кучлироқ бўлган зотларга хизмат қилишга тайёрлайдилар. Ўзларини зиёли одамлар деб ҳисоблайдиган ана шундай кишилар "олий маълумот" олиб бўлгандан кейин худди итларга ўхшаб қандай бўлса ҳам бирор иш сўраб эшикма-эшик санғиб юрадилар, лекин аксарият ҳолларда "иш йўқ" деб уларни эшикдан чиқариб ҳайдаб юборадилар. Худди, ҳайвонлар ичида энг жирканчлиси бўлган ит бир бурда нон учун хўжайинига садоқат билан хизмат қилгани сингари, одам ҳам ўз меҳнатига муносиб ҳақ ололмасдан хўжайинига садоқат билан хизмат қилади.

Оғзига кираётган нарсанинг ҳалол-ҳаромлигига эътибор бермасдан дуч келган нарсани еб кетаверадиган одамларни чўчқага ўхшатадилар. Чўчқалар ахлат билан озикланишни афзал биладилар. Демак, ахлат ҳам ҳайвонларнинг баъзи бир турлари учун озуқа ҳисобланади. Баъзи бир ҳайвонлар ва қушлар учун ҳатто тош ҳам озуқа ҳисобланади. Лекин инсон дуч келган нарсани еявермаслиги керак. Унинг озуқаси - ғалла, сабзавотлар, мевалар, сут, шакар ва ҳоказо. Гўшт одамлар учун озуқа эмас. Инсонга ато этилган тишлар мева ва сабзавотларни чайнаш учун мўлжалланган. Уларга берилган иккита курак тиш эса, шунчаки барибир ҳайвон гўшти ейишдан ўзини тутиб туrolмайдиган иродасиз кишиларга ён босиб, Парвардигорнинг уларга кўрсатиб қўйган марҳаматидир. Барчага маълумки, биров учун озуқа бўлган нарсаси бошқа биров учун захар бўлиши мумкин. Аслини олганда инсон фақат барг, гул, мева ва шу сингари нарсаларни қабул қиладиган Парвардигор Шри Кришнага тақдим этилган таом қолдиғи билан овқатланиши лозим(Бг,9.26). Ведавий муқаддас китобларда айтилганки, Парвардигорга ҳайвон гўштини таклиф этиш мумкин эмас. Демак, инсон ҳам фақат маълум турдаги озик-овқат маҳсулотлари билан озикланиши лозим. Овқатнинг фақат витаминлар таркибига эътибор берган ҳолда дуч келган нарсани еб кетавериш билан ҳайвонларга тақлид қилмаслик керак.

Шундай қилиб, дуч келган нарсани еб юрган киши мазкур шеърда чўчқалар билан тенглаштирилган.

Маълумки, туя янтоқ ейишдан лаззатланади, шунинг учун оилавий ёки дунёвий ҳаётда унинг барча "лаззат"ларидан роҳатланиб яшашга интиладиган кишини бу ерда туяга тенглаштирилганлар. Дунёвий одамларнинг умри фақат тиканли янтоқлардан иборат, ана шундай фойдасиз шароитдан иложи борича кўпроқ фойда олиш учун инсон фақат Ведаларнинг кўрсатмалари асосида яшаш лозим. Инсон моддий оламдаги ўзининг ҳаёти учун ўзининг қонини сарфлайди. Барча моддий лаззатлар ичида энг кучлиси жинсий алоқа лаззати ҳисобланади. Жинсий алоқа билан шуғулланиш - ўзининг қонини ичиш деган гап, буни батафсил тушунтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Тиканли янтоқни чайнаш билан туя ҳам ўзининг қонини ичаётган бўлади. Янтоқнинг тиконлари унинг оғзини қонатади, оғзи қонга тўлади. Ўзининг қони аралашган янтоқнинг мазаси аҳмоқ туяга лаззат бағишлайди, қон аралаш янтоқни чайнашдан туя чексиз лаззатланади. Ҳар хил йўллар билан пул ишлаб топиш учун кечаю-кундуз оғир меҳнат қилиб юрган катта бизнесменлар ва саноатчилар ҳам ўз меҳнатининг тиконли ҳосили билан ўзларининг қонини аралаштириб озикланадилар. Шунинг учун "Шримад Бхагаватам" ана шундай касал одамларни туяларга қиёслайди.

Шак хатто ҳайвонлар орасида ҳам ўзининг аҳмоқлиги билан машҳур. У ҳолдан тойгунча оғир юклар ташийди, лекин эвазига деярли ҳеч нарса олмайди*. Одатда эшаклардан кўпроқ кир ювиш билан тирикчилик қиладиган - жамиятда энг паст мартабага эга бўлган кишилар фойдаланадилар. Бундан ташқари, эшакнинг яна бир хусусияти унинг урғочи эшакнинг тепкиларига чидам билан бардош беришида. Эшак бирор урғочи эшак билан айшу-ишрат қилишга уринганида, урғочи эшак уни тепа бошлайди, лекин эркак эшак жинсий алоқа қилиш илинжида ниятидан қайтмасдан унинг барча тепкиларига чидайди. Шунинг учун хотининг оёғи остида юрган эркакларни ҳам одатда эшакка ўхшатадилар. Одамларнинг аксарият кўпчилиги, айниқса Кали югада, тинмасдан оғир меҳнат қиладилар. Ҳозирги даврда одамлар эшакларнинг ишларини ўзлари бажара бошладилар: оғирликлар ташийдилар, тхела, арава-рикшалар ҳайдайдилар. Ҳозирги даврдаги саноат ривожланиши одамларни эшаклардай оғир меҳнат қилишга мажбур қилиб қўйяпти. Катта завод ва фабрикаларнинг ишчилари кун бўйи тер тўкиб оғир меҳнат қиладилар, оғир иш куни тугагандан кейин ана шу бечора кишилар фақат жинсий алоқа пайтида эмас, балки оилавий ҳаётнинг ҳар бир қадамида

хотинининг тепкиларига чидашга мажбур бўладилар.

"Шримад Бхагаватам"да руҳий илмдан маҳрум бўлган оддий одамлар итлар, чўчқалар, туялар ва эшаклар тоифасига қўшиб қўйилган, бу ҳечам муболаға эмас. Ана шундай ғофил одамларнинг йўлбошчилари ўзини шунча ит ва чўчқалар олқишлаётганларидан фахрланадилар, лекин аслида, бунинг ҳеч қандай фахрланадиган жойи йўқ. "Шримад Бхагаватам" очикдан очик эълон қиляптики, Кришна ҳақидаги илмни англаб етиш билан қизиқмайдиган киши - хатто у инсон танасида юрган ит ва чўчқаларнинг буюк сардори бўлса ҳам, - аслида ҳайвондан фарқи йўқ. У кучли ёки катта ҳайвон бўлиши мумкин, лекин, ақли иблисларга хос бўлган ундай имонсиз кишини "Шримад Бхагаватам" нуқтаи-назарида инсон деб ҳисоблаш мумкин эмас. Бошқача қилиб айтганда, ит ва чўчқаларга ўхшаган имонсиз-йўлбошчилар - шунчаки ҳайвоний сифатлари кўпроқ ва кучлироқ намоён бўлган каттароқ ва кучлироқ ҳайвонлар, холос.

*Инсон ҳаётининг мазмуни - қадриятлар тўплаш. Уни артхадам - "бирор манфаат келтирадиган нарса" деб атайдилар. **Ҳаётда энг қадрли, энг азиз нарса нима?** "Бхагавад-гита"(8.15)да айтилганидек, энг қадрли нарса - ўзининг мангу уйига, Худонинг даргоҳига қайтишдир. Инсон Худонинг даргоҳига қайтиб бориш ўзи учун энг катта фойда эканини тушуниб олиши лозим. Эшак ўзи учун нима фойдали эканини тушунмайди, шунинг учун у бошқалар манфаати учун тер тўкиб меҳнат қилади. Бошқалар манфаати учун тер тўкиб меҳнат қиладиган лекин ўзининг фақат инсон танасида эришиш мумкин бўлган эҳтиёжларини эсдан чиқариб қўядиган кишиларни эшакларга қиёслайдилар. "Брахма-ваиварта-пурана" айтилганки, инсон ҳаёти шу қадар қимматли, нодирки, хатто олий сайёралардаги фаришталар ҳам мана шу сайёрада инсон танасида туғилиш имкониятига эга бўлишга интиладилар, чунки фақат инсон танасида ҳеч қийналмасдан Худонинг даргоҳига қайтиб кетиш мумкин. Ана шундай нодир ва қимматли тана олгандан кейин ҳам, инсон Говинда, Парвардигор Кришна билан ўзаро мангу муносабатларини қайта-тиклашга интилмаса, албатта у ўз манфаатини эсдан чиқарган ақсиз нодон ҳисобланади. Тирик мавжудот ана шундай нодир инсон танасига 8400000 турли ҳаёт шаклидан иборат бўлган таналар орқали ўтиладиган узок эволюцион ривожланиш давридан кейин эга бўлади. Лекин, ўзининг асл манфаатини эсдан чиқариб қўйган бахтиқаро инсон бошқаларга ўткинчи фойда келтириш учун ҳар хил бемаъни фаолиятларга ғарқ бўлиб кетади, масалан, сиёсий озодлик ёки ижтимоий-иқтисодий тараққиёт учун кураш ҳаракатларига бошчилик қилади. Албатта, сиёсий озодликка ёки моддий фаровонликка интилишнинг ёмон жойми йўқ, лекин бунда инсон ҳаётининг асосий мақсадини эсдан чиқариб қўймаслик керак - ҳар қандай инсонпарварлик ишлари бизларнинг Худонинг даргоҳига қайтиб кетишимизга ёрдам бериши лозим. Ана шунини тушуна

олмайдиган кишини ўзининг ҳам, бошқаларнинг ҳам ҳақиқий фойдаси нимадан иборат эканини тушунмайдиган, фақат бошқалар манфаати учун тер тўкадиган эшакларга ўхшатадилар.

20. Худо Шахсининг жасорати ва кўрсатган кишини хайратга соладиган кароматлари ҳақидаги ҳикояларни тингламаган ва Парвардигорни шарафловчи улугвор ҳамду-саноларни бор овози билан куйламаган кишининг кулоқлари - илоннинг инидан, тили эса - қурбақанинг тилидан фарқи йўқ.

Изоҳ: Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёнида тананинг барча қисмлари иштирок этади. Худога садоқат билан хизмат қилиш - руҳий табиатга эга бўлган тирик жонни ҳаракатга келтириб турган кучдир, шунинг учун содиқ Худога хизмат қилишга ўзини бутунлай бахшида этади. Фақат Парвардигор билан ўзаро муносабат ўрнатиб ва шу тарзда ўзининг сезгиларини поклангандан кейин Худога хизмат қилиш мумкин, Худога хизмат қилишда барча сезгилар иштирок этиши мумкин. Токи сезгилар фақат ўзлари лаззатланиш билан машғул бўлиб юрар экан, улар ўзлари ҳам, уларнинг фаолияти ҳам нопок ва моддий деб аталади. Покланган сезгилар ўзлари лаззатланиш билан машғул бўлмайдилар - улар Худога садоқат билан хизмат қилиш билан машғул бўладилар. Парвардигор - барча сезгилар ва онглар соҳиби бўлган Зот, Унинг хизматкори, Худонинг ажралмас заррачаси ҳам сезгиларга ва онгга эга. "Бхагавад-гита"да айтилганки, Худога хизмат қилиш - сезгиларнинг азалий бошланғич пок ҳолатидаги фаолиятидир. Аржунга насиҳат берар экан, Парвардигор уларни мантикий асослаб берган, Аржун ҳам Унинг насиҳатларини мантиққа асосланган ҳолда қабул қилди, -шундай қилиб, шогирд ва руҳий устоз орасида мантикий поғонада фикр алмашув бўлиб ўтган ва унда барча сезгилар иштирок этган. Баъзибир савдогар-тарғиботчилар айтганидек, руҳий илм ўрганиш жараёни руҳий устознинг ўз шогирдига илми қандайдир электр заряди сингари бериш эмас. Бу жараёнда ҳамма нарса мантиқ ва чуқур тафаккурга асосланган бўлиб, фақат шогирд руҳий устозининг айтган гапларини камтарин ва самимий ҳолда тинглашни истасагина устоз билан шогирд орасида ўзаро фикр алмашув бўлиши мумкин. "Чайтанья Чаритамрита"да айтилганки, Парвардигор Чайтаньянинг таълимотини чуқур тафаккур билан онгли равишда қабул қилиши, инсон Парвардигорнинг бу дунёдаги вазифаси нимадан иборат эканини мантикий асосда тушуниб етиши лозим.

Қалби покланмаган тирик мавжудотнинг онги ва сезгилари бутунлай моддий фаолиятга ғарқ бўлган. Агар кулоқлар Парвардигор ҳақида

ҳикоя қиладиган "Шримад Бхагаватам" ва "Бхагавад-гита"ни тинглаб Худога хизмат қилмаса, улар албатта қандайдир бемаъни гапларни тинглайдилар. Шунинг учун "Бхагавад-гита" ва "Шримад Бхагаватам"ни жаҳондаги ҳар бир инсон тинглай олиши учун бутун оламга баланд овоз билан барала тарғибот қилиш лозим. Бу таълимотни мукаммал манбадан тинглаган асл содиқ хизматкорнинг бурчи шундан иборат. Одамлар бир бирларига нима ҳақидадир гапиришни ёқтирадилар, лекин улар ведавий донишмандлик илми ҳақида гапиришни билмагани сабабли ҳар хил сафсаталарни гапириб юрадилар, уларнинг гапларини тинглаб юрган кишилар ҳам бундан ҳеч қандай манфаат кўрмайдилар. Ҳозир одамлар юзлаб ва минглаб ахборот марказлари тарқатаётган дунёвий янгиликларни тинглайдилар. Худди шундай уларни Парвардигор ҳақидаги ҳикояларни тинглашга ўргатиш лозим, одамлар унинг гапини тинглай олиши учун Худонинг содиқ хизматкорлари овози борича баланд овозда Худо ҳақида гапиришлари лозим. Қурбақа баланд овозда қуриллаш билан қурбақа еб тирикчилик қиладиган илонни чақиради. Тилу-забон инсонга қурбақага ўхшаб вақиллаш учун эмас, балки айнан ведавий ҳамду-саноларни куйлаш учун берилган. Шунингдек, мазкур шеърда ишлатилган асати иборасига алоҳида аҳамият бериш лозим. Фоҳиша бўлиб кетган аёлни шундай ибора билан ифода-лайдилар. Фоҳиша аёл ўзининг покломонлиги билан фахрлана олмайди. Худди шундай, инсонга ведавий мадҳияларни куйлаш учун берилган тилдан дунёвий ўткинчи бемаъни нарсалар ҳақида гапиришда фойдаланиб юрган киши ҳам фоҳишага ўхшаб қолади.

21. Инсоннинг боши, ҳатто унга қимматбаҳо ипак матодан салла ўралган бўлса ҳам, агар озодлик ато этувчи Худо Шахси олдида эгилмаса, - шунчаки кераксиз оғир юкдир. Қўллар эса, ҳатто улар ярқираган билагузуклар, тақинчоқлар тақилган лекин Худо Шахси Харига хизмат қилишда маўғул бўлмаса, мурданинг қўлларидан фарқ қилмайди.

Изоҳ: Аввал айтганимиздек, Худонинг содиқлари уч тоифа бўлади. Биринчи тоифадаги содиқ хизматкор ҳар бир инсонни Худонинг содиқ хизматкори деб билади, иккинчи тоифа содиқ Худонинг содиқларини имонсиз одамлардан ажрата олади. Шунинг учун иккинчи тоифага мансуб содиқ хизматкор тарғибот қилиши лозим - аввалги шеърда айтилганидек, улар бор овози билан Парвардигорнинг шон-шуҳратини олқишлашлари лозим. Иккинчи тоифа содиқ хизматкор имонсиз одамлар ҳамда учинчи тоифага масуб содиқлар орасидан ўзига шогирдлар

қабул қилади. Баъзан Парвардигорнинг шон-шухратини тарғибот қилиш мақсадида биринчи тоифага мансуб содиқ хизматкор ҳам иккинчи тоифа проғонасига тушади. Лекин, ҳеч бўлмаса учинчи тоифа содиқ бўлиши лозим бўлган оддий инсонларга, ҳатто у жуда бадавлат киши ёки бошига ипак салла ўраган ёки тож кийиб олган шох бўлса ҳам, мазкур шеърда Парвардигорнинг эҳромларига бориш ва шу ерда ўрнатилган Илоҳлар олдида сажда қилиш тавсия этилган. Парвардигор ҳамма учун бир, ҳатто буюк шох ва императорлар учун ҳам ягона Парвардигор бўлиб қолаверади, шунинг учун бу дунёда одамлар бой-бадавлат деб ҳисоблайдиган кишилар ҳам Парвардигор Шри Кришнанинг эҳромларига мунтазам равишда бориб туришни ва Илоҳ олдида сажда қилишни ўзларига одат қилиб олишлари лозим. Эҳромда ўрнатилган Илоҳларни ҳеч қачон улар тошдан ёки ёғочдан қилинган деб ҳисобламаслик керак, чунки арча-аватара - эҳромдаги Илоҳ киёфасида эҳромди иштирок этиши билан Парвардигор адашган рухларга Ўзининг чексиз марҳаматини кўрсатади. Аввал айтганимиздек, фақат тинглаш жараёнида Парвардигорнинг эҳромда иштирок этаётганини ҳис қилиш мумкин. Шу боис Худога садоқат билан хизмат қилиш доирасидаги кундалик ишлардан биринчиси - тинглаш - руҳий фаолиятнинг энг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. “Бхагавадгита” ва “Шримад Бхагаватам” сингари ишончли манбаларни тинглаш - Барча тоифадаги Худонинг содиқларининг бурчи. Ўзининг ҳозирги дунёвий мартабасидан мағрурланиб, эҳромдаги Илоҳ олдида бошини эгмайдиган ёки илоҳий илмдан беҳабар бўлгани туфайли бундай сиғинишнинг зарурлигини инкор этадиган кишининг бошидаги тожи ёки катта салласи фақат унинг моддий тирикчилик уммонига тезроқ ғарқ бўлиб кетишига ёрдам беради, холос. Бошида оғир юк кўтариб олган киши ҳеч қандай оғирликка эга бўлмаган бошқа кишидан тезроқ сув тагига ғарқ бўлади. Ўзига бино қўйган нодонлар Худонинг борлигини инкор этадилар ва Худосиз ҳам яшай оламиз деб даъво қиладилар, лекин, Худонинг қонунлари исканжасига тушиб қолиб ёки бош мия тромбози сингари бирор касалга учраб имонсиз даҳрий ўзининг моддий бойлиги юки остида ғофиллик уммонига ғарқ бўлади. Жамиятдаги одамлар Худонинг онги билан Унинг манфаатини кўзлаб яшамасалар, моддий илм-фан тараққиёти инсоният бошига тушган оғир бир дардга айланади, шу боис инсоният мана шу даҳшатли огоҳлантириш хаба-рига жиддий эътибор бериши лозим.

Агар оддий инсон Худога сиғинишга вақт топа олмаса, ҳеч бўлмаса ўзининг бир неча дақиқа вақтини қўлларини Парвардигорнинг эҳромининг полини ювиш ёки супуриш билан

машғул қилсин. Орссанинг қудратли шоҳи Махараж Пратапарудра ҳамиша муҳим давлат ишлари билан банд эди, лекин шунга қарамай, йилда бир марта, Парвардигорга бағишланган байрам маросимида Пруидаги Жаганнатха эҳромини супуришни ўзига одат қилиб олган эди. Бу мисолнинг мазмуни шундан иборатки, инсон жамиятда қанчалик буюк обрў-эътиборга эга бўлмасин, у Парвардигорнинг олий ҳукмрон эканини тан олиши лозим. Худони англаб яшаш унинг моддий фаровонликка эришишга ҳам ёрдам беради. Махараж Пратапарудра ўзини Парвардигорнинг содиқ хизматкори деб ҳисоблаши унинг шунчалик қудратли шох бўлиб етишишига ёрдам бердики, у ҳукмронлик қилган даврда ҳатто жанговор руҳдаги қўшни шох Патан ҳам, унинг қудратини тан олиб, Ориссага ҳужум қилишга журъат эга олмасди. Оқибат натижада у ўзини Худонинг, бутун олам Парвардигорининг содиқ хизматкори деб ҳисоблагани учун Парвардигор Чаитанья Махапрабху Махараж Пратапарудрага Ўзининг бесабаб марҳаматини кўрсатди. Демак, бадавлат кишининг қўллари тилло тақинчоқлар билан безанган хотини ҳам Парвардигорга хизмат қилиши лозим.

22. Худо Шаҳси Вишнунинг намоён бўлган тимсолларига боқмайдиган кўзлар - товуснинг пагларига кўзлардан, (Худони эслатадиган) муқаддас қадамжоларга олиб бормайдиган оёқлар эса, қуруқ ёғоч устунлардан фарқ қилмайди.

Изоҳ: Илоҳларга сажда қилиш биринчи навбатда оилали содиқларга тавсия қилинади. Имконияти бор бўлган ҳар бир оилали киши руҳий устоз раҳбарлиги остида ўзининг уйда Парвардигор Вишнунинг муртисини, айниқса Радха-Кришна, Лакшми-Нарайана, Сита-Рама ёки Парвардигорнинг бошқа киёфаларини: Нрисимха, Вараха, Гаура-Нитай, Матсйа, Курма, шалаграма-шила, шунингдек, Тривикрама, Кешава, Ачйута, Васудева, Нарайана ва Дамодара Илоҳларини ўрнатиши ва Ваишнава-тантра ҳамда Пураналарда тавсия қилинганидек, унинг бутун оила аъзолари арчана-видхи қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда Илоҳларга сиғиниши лозим. Оиланинг ҳар бир аъзоси ўн икки ёшга тўлгандан кейин ҳақиқий руҳий устоздан фотиҳа олиши ва ҳар куни эрталаб соат тўртдан то кечқурун соат ўнгача оиланинг барча аъзолари мангала-аратрика, ниранджана, арчана, пуджа, киртан, шрингара, бхога-ваикали, сандхйа-аратрика, патха, бхога, шайана-аратрика ва бошқа маросимларни ўтказиб Парвардигорга сиғиниб юришлари лозим. Ҳақиқий руҳий устоз раҳбарлиги остида Илоҳларга сиғиниб яшаш оилали кишиларга ўзларининг ҳаётини поклаш

ва рухий илм қонунларини дарров ўзлаштириб олиш имкониятини беради. Янги келган содиқлар фақат назарий илмга эга бўлиши етарли эмас. Китоблардан олинган илм - шунчаки назарий илм холос, лекин арчана жараёни - тажриба, шу илмни амалда қўллашдир. Рухий илмни рухий тажриба билан бирга олиб бориш орқали чуқурлаштириш лозим, мана шу содиқнинг рухий баркамолликка эришишига ёрдам беради. Янги келган содиқни Худога садоқат билан хизмат қилишга ўргатиш бутунлай шогирдини ўзининг уйига, Худонинг даргоҳига олиб борадиган йўлга қандай солиш кераклигини яхшит биладиган тажрибали рухий устозга боғлиқ бўлади. Рухий устоз бўлиш - шунчаки қийналмасдан тирикчилик қилиш имконини берадиган бир касб деб ўйламаслик ва шундай ниятда рухий устоз бўлишга интильмаслик керак. Рухий устоз шогирдини унга тажовуз қилиб турган ажал чангалидан тортиб олишга қодир бўлиш учун етарли тажриба ва илмга эга бўлиши лозим. Шрила Вишванатҳа Чакраварти Тхакура ҳақиқий рухий устознинг сифатларини шеърларда таърифлаб берган, уларнинг биттасида шундай дейилган:

шри-виграҳарадхана-нитйа-нана-
Шри-виграҳа - арча, Парвардигорнинг содиқларнинг саждаларини қабул қилиб оладиган қиёфачси, шогирднинг вазифаси - ҳар куни Илоҳга сифинишдан иборат: шрингара(Илоҳни қийинтириш ва безаш), мандирамарджана(эхромни тозалаш). Рухий устоз шунчалик меҳрибонки, шогирдига буларнинг ҳаммасини шахсан ўзи ўргатади ва шу билан унинг аста секин Парвардигорнинг илоҳий номи, Унинг сифатларини, қиёфасини англаб етишига ёрдам беради.

Оддий инсонни кинематографнинг кишини дўзахга элтувчи филмларидан ва радио орқали берилётган бемаъни куй-қўшиқлардан фақат унинг диққатини Худога садоқат билан хизмат қилишга, айниқса, эхромни тозалаш ва безашга, ёқимли киртанлар ўтказишга, рухий асарларни ўқишга жалб этиш билан чалғитиш мумкин. Ўзининг уйини эхромга айлантира олмаган кишилар юқорида санаб ўтилган маросимлар мунтазам равишда ўтказиладиган эхромга бориб юришлари мумкин. Содиқнинг уйидаги эхромга келиб, чиройли безатилган Илоҳларнинг либосларини томоша қилиб, ҳаёт ҳақида моддий тасаввурга эга бўлган киши рухий муҳит таъсири остида рухий фаолият кўрсатиб яшаш учун кучкуват олади. Одамлар Вриндаван сингари эхромларни ва Илоҳларга сифинишни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор бериладиган муқаддас саждагоҳларга албатта бориб туришлари лозим. Қадим замонларда бадавлат одамлар(шоҳлар ва савдогарлар) Парвардигорнинг

тажрибали содиқлари, масалан, Вриндаванлик олти Госвами раҳбарлиги остида эхромлар қурдирганлар, оддий одамлар ана шу эхромларга бориб туришлари ва буюк содиқлар(анувраджа) изидан бориб, муқаддас саждагоҳларда ўтказиладиган маросимларда иштирок этишлари лозим. Муқаддас саждагоҳ ва эхромларга худди экскурсияга боргандай бормаслик керак. Парвардигорнинг мангу эрмақлари шарофати билан мангу барҳаёт бўлган бундай муқаддас саждагоҳларга ва эхромларга рухий илмни мукамал эгаллаб олган инсонлар раҳбарлиги остида бориш лозим. Мана шу анураджа деб аталади. Ану ибораси "амал қилиш", "изидан бориш" деганни англатади. Шу боис ҳатто эхромларга ва муқаддас саждагоҳларга бориш бўйича ҳам ҳақиқий рухий устознинг кўрсатмаларига амал қилган маъқул. Ана шундай муқаддас саждагоҳларни зиёрат қилмайдиган кишининг Парвардигор кўзгалмас қилиб қўйган дарахтдан фарқи йўқ. Агар инсон фақат эътиборга лойиқ жойларни томоша қилиш учун саёҳат қилиб юрган бўлса, у инсонга ато этилган саёҳат қилишга бўлган мойилликдан нотўғри фойдаланаётган бўлади. Инсонга ато этилган саёҳат қилишга интилиш туйғусидан муқаддас саждагоҳ ва буюк ачарйалар қуриб кетган эхромларга боришда фойдаланиш маъқул. Шунда рухий қадриятлар ҳақида ҳеч қандай тушунчага эга бўлмаган калтафаҳм одамларнинг атеистик тарғиботи инсонни мангу бахтга элтувчи тўғри йўлдан адаштира олмайди.

23. Парвардигорнинг асл содиқларининг пойи қадамларидаги чанглар бошига тегмаган киши ўлик мурдадан фарқ қилмайди. Парвардигорнинг қадамлари пойидан олинган туласи барглари хидидан хидлаб кўрмаган одам, нафас олиб юрганга қарамай, мурда ҳисобланади.

Изоҳ: Шрила Вишванатҳа Чакраварти Тхакурнинг фикрига кўра нафас олаётган мурда - арвоҳдир. Ўлган кишини марҳум деб атайдилар, лекин у кўзга кўринмайдиган, лекин барибир ҳаракат қилишга қодир бўлган нафис танада яна пайдо бўлганида, ундай марҳумни арвоҳ деб атайдилар. Арвоҳлар одамларни кўрқитиб, уларга жуда кўп ташвиш келтирадилар. Худонинг асл содиқларига ва эхромлардаги Парвардигор Вишнунинг Илоҳларига сажда қилиб ҳурмат-эҳтиром кўрсатмайдиган имонсиз кишилар арвоҳларга ўхшайдилар ва худди улар сингари Худонинг содиқларига бирор зарар етказиш ёки уларни қийин аҳволга солиб қўйиш учун ҳар қандай имкониятдан фойдаланиш учун қулай пайт пойлаб юрадилар. Парвардигор ана шундай арвоҳларнинг қўлидан ҳеч қачон ҳеч нарса қабул

қилмайди. Машхур мақолда айтилганидек, аввал севган кишининг итини севиш керак, фақат ундан кейин унинг ўзига севги изҳор қилиш лозим. Худди шундай фақат Парвардигорнинг асл содиқ хизматкорига самимий хизмат қилиш орқали Худога соф садоқат билан хизмат қилиш поғонасига кўтарилиш мумкин. Шунинг учун Худога садоқат билан хизмат қилишни бошлаш учун аввало Унинг содиқ хизматкорининг хизматкори бўлиш лозим. Бошқа бир асл содиқ хизматкорга хизмат қилиб юрган содиқ хизматкорнинг қадамлари гарди пойи деганда айнан мана шу назарда тутилади. Шу тарзда Худога садоқат билан хизмат қилишда асл шоғирдлар силсила-си(парампара) юзага келади.

Махараж Рахугана буюк авлиё зот Жада Бхаратадан қандай қилиб у озодликка чиққан параммахамса даражасига эришганини сўраганида ундан шундай жавоб олганди(5.12.12):

рахуганаитат тапаси на йати...

"Эй шох Рахугана, буюк содиқларнинг гарди пойининг марҳаматисиз Худога садоқат билан хизмат қилишда баркамолликнинг мукамал поғонаси(параммахамса) га эришиб бўлмайди. На тапася, на Ведаларда кўрсатилган қурбонлик маросимлари, на таркидунёлик, на оилали кишиларга юклатилган бурчни ҳалол бажариб юриш, на ведавий мадхияларни чиройли куйлаш, на қуёшнинг жазирама иссиғида, муздай совуқ сувда ёки гулхан ёнида туриб риёзат чекиш бунга эришишда ёрдам беролмайди".

Бошқача қилиб айтганда, Парвардигор Шри Кришна Ўзининг асл, холис содиқларининг мулкидир, шу боис фақат Худонинг асл содиқлари бошқаларга Кришнани бера оладилар. Бевосита Кришнанинг Ўзига мурожаат қилиш билан Унга яқинлашишнинг иложи йўқ. Шунинг учун Парвардигор Чаитанья У - гопи-бхратуҳ падакамалайор даса-дасанудасаҳ, яъни "Вриндаванлик қизлар гопиларга ғамхўрлик қиладиган Парвардигорнинг хизматкорларининг итоаткор хизматкори" эканини айтган эди. Шунинг учун асл содиқ хизматкор ҳеч қачон бевосита Парвардигорнинг Ўзига мурожаат қилмайди, у Парвардигорнинг содиқ хизматкорининг хизматкорини мамнун қилишга ҳаракат қилади. Шу тариқа у Парвардигорнинг Ўзини мамнун қилади ва Унинг нилуфар қадамлари пойига тақдим этилган туласи баргларининг муаттар хидидан лаззатланиш бахтига муяссар бўлади. "Брахмасамхита"да айтилганки, ведавий муқаддас китобларнинг буюк билимдони бўлиш орқали Парвардигорга эришишнинг иложи йўқ, лекин, Унинг асл содиқ хизматкори орқали Унга осонлик билан эришиш мумкин. Вриндавандаги барча асл содиқ хизматкорлар Парвардигор Кришнанинг лаззатланиш қуввати тимсоли бўлган

Шримати Радхаранининг марҳаматига эришишга интиладилар. У - Олий Бутуннинг меҳрибон оналик жиҳати, аёл табиатига хос бўлган барча эзгу сифатларнинг мукамал тимсоли. Шунинг учун самимий содиқ хизматкор осонлик билан Радхаранининг марҳаматига эриша олади, ана шундай содиқни Парвардигор Кришнага Шримати Радхаранининг Ўзи таништиради, У шу захотиёқ уни Ўз даврасига олади. Шунинг учун Парвардигорнинг Ўзининг марҳаматидан кўра кўпроқ Худонинг содиқ хизматкорининг марҳаматига эришишга жиддийроқ интилиш лозим, агар инсон шундай ҳаракат қилса, содиқ хизматкорнинг дуои-№фотиҳаси билан унинг қалбида табиий равишда ўзидан ўзи Худога хизмат қилишга интилаш туйғуси пайдо бўлади.

24. Парвардигорнинг муқаддас номларини диққат билан зикр қилар экан, агар инсоннинг қалби жазавали лаззатга ғарқ бўлмаса, кўзлари жикқа ёшга тўлмаса, агар сочлари тикка бўлиб, бадани титраб кетмаса демак,бундай одамнинг юраги тошдан ҳам қаттиқ ҳисобланади.

Изоҳ: Шунини таъкидлаш лозимки,Иккинчи қўшиқнинг биринчи уч бобида Худога садоқат билан хизмат қилишда аста-секин юксалиш жараёни таърифланган эди. Биринчи бобда асосий эътибор тинглаш ва такрорлашга - Кришна онгида Худога садоқат билан хизмат қилиш бошланадиган жараёнга берилганди. Бундан ташқари шу ерда Худо Шахсининг фазовий қиёфаси, Унинг мужассам бўлган моддий қиёфаси таърифланган эди, янги содиқларга Парвардигорнинг ана шу қиёфасига мураккаб қилиш тавсия қилинади. Парвардигорни Унинг қувватининг намоён бўлган ана шундай қўпол моддий қиёфасида тасаввур қилиш инсонга ўзининг ақлини ва сезгиларини поклаб руҳий даражага кўтариш ҳамда ақлини аста-секин Парвардигор Вишнуда, Олий Руҳ қиёфасида ҳар бир тирик мавжудот қалбида ва моддий оламнинг ҳар бир атомида мавжуд бўлган Парвардигорда жамлаш имконини беради. Инсонни беш психологик ҳолат орқали олиб ўтадиган панчаупасана тизими ҳам аслини олганда айнан шу мақсадни - инсонни аста-секин унинг олдида олов, қуёш, барча тирик мавжудотлар бирикмаси, Маъбуд Шива ва ниҳоят Парвардигор Вишнунинг тўлиқ намоён бўлмаган кўриниши - шахсиятсиз Олий Руҳ сифатида намоён бўладиган олий кучга сиғинишга ўргатишни кўзлайди. Буларнинг ҳаммаси иккинчи бобда таърифланган. Учинчи боб Парвардигор Вишнуга сиғиниш, яъни Худога соф садоқат билан хизмат қилиш поғонасига кўтарилган зотлар учун мўлжалланган; унда мана шу поғонада юк-

салишда давом этиш муҳокама қилинади, мазкур шеърда эса, Парвардигор Вишнуга сиғинишдаги етуклик босқичи ва шу босқичда инсон қалбида рўй берадиган ўзгаришлар таърифланади.

Рухий фаолият билан шуғулланишнинг бутун жараёни тирик мавжудотнинг Парвардигор билан ўзаро мангу муносабатларини, ўзаро хўжайин ва хизматкор муносабатини қайта тиклаш орқали унинг қалбини ўзгартиришга қаратилган. Шундай қилиб, Худога садоқат билан хизмат қилишда юксала бориш жараёнида инсон қалби ўзгара боради; аста-секин у оламга сохта ҳукмронлик қилишдан аввалгидай лаззат олмай кўяди, унда Парвардигорга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишга интилиш туйғуси тобора кучая боради. Бу ерда видхи-бхактининг, яъни Худога қонун-қоидалар асосида тананинг барча органлари(кўзлар, кулоқлар, бурун, қўл ва оёқлар) иштирокида хизмат қилишнинг ана шу органларни ҳаракатга келтириб турган ақлга кўрсатадиган таъсири таърифланган. Қонун-қоидалар асосида Худога хизмат қилиб юрган кишининг қалбида албатта ўзгариш рўй бериши лозим. Агар ўзгариш рўй бермаса, демак, ундай инсоннинг қалби темирдай қаттиқ, чунки унга Парвардигорнинг муқаддас номини зикр қилишдан ҳам эримаяпти. Шуни ҳамиша эсда сақлаш лозимки, Парвардигорнинг муқаддас номини тинглаш ва такрорлаш Худога садоқат билан хизмат қилишнинг асосий қоидадир, агар содиқ хизматкор мана шу усулдан тўғри фойдаланиб юрса, у албатта жазавали илоҳий лаззатли ҳолатга эришади: кўзлари жикқа ёшга тўлади, танасидаги туклари тикка бўлиб кетади. Мана шу - табиий ўзгаришлар, Худога бўлган комил муҳаббат - према поғонасидан олдин келадиган бхава поғонасининг биринчи аломатлари ҳисобланади.

Лекин, агар узок вақт Парвардигорнинг муқаддас номини тинглаб ва такрорлаб юришига қарамай киши қалбида ана шундай ўзгаришлар рўй бермаса, бунга фақат йўл қўйилган ҳақоратлар сабаб бўлади. "Сандарбха"да шундай дейилган. Худонинг муқаддас номларини зикр қилишни бошлагандан кейин муқаддас номнинг нилуфар қадамлари пойини ҳақорат қилишнинг ўн турини содир қилишдан эҳтиёт бўлмаган киши ўзининг қалбида, кўзларидан ёшлар оқизадиган ва танасидаги тукларини тикка қиладиган Парвардигорни хижрон азобида соғиниш туйғуси пайдо бўлишидан умидвор бўла олмайди.

Бхава ҳолатида саккиз турли илоҳий аломатлар юзага келади: қотиб қолиш, терлаб кетиш, тананинг жимирлаши, овознинг бўғилиши, тананинг титраши, оқариб кетиш, кўз ёшлари ва ниҳоят жазавага тушиш ҳолати. Илоҳий ҳолатнинг ўзгармас ва тобора кучайиб борадиган

мана шу ва бошқа аломатлари Шрила Рупа Госвамининг "Бхакти-расамрита-синдху" асарининг қисқача баёни бўлган "Садоқат лаззати" асарида батафсил таърифланган.

Шрила Вишванатҳа Чакраварти Тхакур осон йўл билан одамларни алдаб обрў қозонишга уришиб юрган баъзи бир ахлоқсиз сохта содиқларнинг юқоридаги аломатларни тақлид қилиб кўрсатишга уринишлари сабабли бхаванинг бундай аломатларини танқидий равишда таҳлил қилиб чиқди. Бундай содиқларнинг ҳаракатларини фақат у эмас, Шрила Рупа Госвами ҳам қаттиқ қоралаган. Баъзан дунёвий-содиқлар(пракрити-саҳаджийлар) юқорида кўрсатилган саккиз аломатни ҳам сохта ҳолда намоён этадилар, лекин ана шундай аломатларни намоён этган сохта содиқлар ҳали жуда кўп таъқиқланган нарсаларга қаттиқ боғланиб қолганини маълум бўлганда уларнинг бу сирли дарров фош бўлади. Чекишга, ароқ ичишга ва ноқонуний жинсий алоқага боғланиб қолган киши ҳатто ўзининг танасига содиқларнинг белгиларини қўйиб олган бўлса ҳам, юқорида санаб ўтилган аломатлар билан бирга келадиган илоҳий жазавани ҳис қила олмайди. Лекин, шундай ҳам бўладими, одамлар ана шу аломатларни атайлаб кўрсатишга уринадилар, шунинг учун ҳам Шрила Вишванатҳа Чакраварти Тхакур айтадики, ана шундай тақлидчиларнинг қалби тошдан. Баъзан уларга жазавали лаззатнинг илоҳий аломатларининг сояси тушгандай бўлади, лекин агар улар шунда ҳам ўзларининг аҳмоқона бемаъни одатларини тарқ этмасалар, илоҳий лаззатни англаб етиш имкониятидан бутунлай маҳрум бўладилар.

Годавари дарёси бўйида Кавауралик Шрила Рамананда Райни учратиб, Парвардигор Чантаниа юқорида кўрсатилган барча аломатларни сезди, лекин Райнинг атрофида имонсиз брахманлардан иборат ҳамроҳлари бўлгани учун уларнинг ҳаммасини бекитишга, босиб қўйишга мажбур бўлди. Шундай қилиб, маълум бир вазиятларда ҳатто биринчи тоифа содиқларда ҳам бундай аломатларни кўришнинг иложи бўлмайди. Шунинг учун ҳақиқий, ўзгармас бхава ҳолатини шундан билиш мумкинки, содиқда ҳеч қандай моддий истак(қшанти) қолмайди, ўз умрининг ҳар бир дақиқасини у Парвардигорга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишга бағишлайди(авйартха-калатвам), ҳамиша Парвардигорни олқишлашга интилади(нама-гане сада ручи), Парвардигорнинг эрмаклари ўтган жойларда яшашга интилади(пратис тад-васати стхале), моддий бахтга нисбатан бефарқ(виракти), манманлик туйғусининг умуман йўқлиги(мана-шунйата). Бағритош тақлидчи ёки дунёвий сохта содиқдан кўра қалбида мана илоҳий сифатларнинг ҳаммасини ривожлантир-

ган киши ҳақиқатан ҳам бхава поғонасига эришган зот бўлади.

Шундай қилиб, руҳий юксалиш жараёни шундай: Парвардигорнинг муқаддас номини ҳақоратларсиз такрорлаб юрган ва барчага бир хилда дўстона муносабатда бўладиган тажрибали содиқ Парвардигорни шарафлаб қуйлашдан ҳақиқий илоҳий лаззат олади. Бунинг натижасида, аввал айтганимиздек, у барча моддий истаклардан халос бўлади. Лекин, Худога садоқат билан хизмат қилишнинг қуйи поғоналарида турган тажрибасиз содиқлар ўзларини камраб олган ҳасад туйғусидан қутула олмайдилар, натижада улар ачарйалар изидан бориш ўрнига ўзлари Худога садоқат билан хизмат қилишнинг янги қоида ва усуллариини ўйлаб топадилар. Шунинг учун улар, гарчи ўзларини ҳамиша Парвардигорнинг муқаддас номини такрорлаб юргандай қилиб кўрсатсалар ҳам, аслида унинг илоҳий мазасидан лаззатлана олмайдилар. Ачарйалар ана шундай сохта кўз ёшларини, тана титрашини, терлашни, ҳушидан кетишни қаттиқ қоралайдилар. Лекин, Парвардигорнинг асл содиқ хизматкори билан ҳамсухбат бўла бошласалар, тажрибасиз содиқлар ўзларининг аҳмоқона бемаъни одатларидан халос бўла оладилар; акс ҳолда уларнинг қалби аввалгидай тошлигича қолаверади, энди уларга ҳеч нарса ёрдам беролмайди. Фақат руҳий ўзлигини англаб етган зотлар орқали олинган муқаддас китобларнинг кўрсатмаларига амал қилиб юрган кишигина ўзининг мангу уйига, Худонинг даргоҳига олиб борадиган йўлни охиригача босиб ўта олади.

25. Эй Сута Госвами, сенинг гапларинг ақлимизни хотиржам қиляпти, шунинг учун илтимос, Махараж Парикшитнинг саволларига Худонинг буюк содиғи, илоҳий илм соҳиби Шукадева Госвами қандай жавоб берганини бизларга гапириб бер.

Изоҳ: Буюк ачарйа Шукадева Госвами баён этган ва унинг изидан бораётган ачарйалар - Сута Гочсвами ва бошқалар орқали етиб келган илм жуда катта илоҳий қудратга эга, шу боис у инсоннинг қалбининг тўрига етиб бора олади ва уни камтарин ҳолда самимий ўрганган кишиларнинг ҳаммасига манфаат келтиришга қодир.

"Шримад Бхагаватам"нинг Иккинчи қўшиқ, "Худога соф садоқат билан хизмат қилиш: қалбдаги ўзгаришлар" деб аталадиган учинчи бобига Бхактиведантаннинг изоҳлари шундай яқунланди.

Тўртинчи боб

Оламни яратиш жараёни

1. Сута Госвами деди: Шукадева Госвамнинг руҳ(жон)нинг табиатини таърифлаб айтган айтганларини тинглаб, Утгаранинг ўғли, Махараж Парикшит ўзининг бутун фикру-хаёлини оқилона равишда Парвардигор Шри Кришнада жамлади.

Изоҳ: Мазкур шеърда сатим, яъни "мавжуд бўлган" ва "садоқатли, покдомон" маъноларини англатадиган ибора жуда муҳим аҳамиятга эга. Бу иборанинг ҳар икки маъноси ҳам Махараж Парикшитни тўла ифодалайди. "Бхагавадгита"(15.16)да айтилганидек, Ведаларнинг ягона мақсади - одамларни Парвардигор Кришнанинг нилуфар қадамлари пойига жалб этишдан иборат, токи уларнинг бутун фикру-хаёли фақат уларда мужассам бўлсин. Махараж Парикшитнинг омади келган эди - у ҳали онасининг қорнида пайтидаёқ Парвардигорга боғланган эди. Онасининг қорнида пайтида у Ашваттхама юборган брахмастра(ядро) куралининг кучли таъсирини ҳис қилганди. Лекин, Парвардигорнинг марҳамати билан бу куралининг олови Махараж Парикшитни қуйдира олмади. Ана шу пайтдан бошлаб шохнинг бутун фикру-хаёли Парвардигор Кришнада эди, бунинг ашрофати билан у Худога садоқат билан хизмат қилишда садоқатли ва покдомон эди. Шундай қилиб, Махараж Парикшит туғилганидаёқ Парвардигорнинг ишончли содиғи эди, кейинроқ, Шрила Шукадева Госвамидан ҳар қандай инсон - қалби моддий истакларга тўлаи, ҳар қандай истаклардан покми - бошқа ҳеч кимга эмас, фақат ягона Парвардигорга лозимлиги ҳақида эшитгандан сўнг, унинг қалбида ҳамиша мавжуд бўлган Кришнага боғланиш туйғуси яна ҳам кучайганди. Биз бу ҳақда аввал айтган эдик.

Инсон Парвардигор Кришнанинг асл содиқ хизматкори бўла олиши учун икки шарт бажарилиши лозим: у Парвардигорнинг содиқ хизматкорининг оиласида дунёга келиши ва ҳақиқий руҳий устоздан фотиҳа олиши керак. Парвардигор Кришнанинг марҳамати билан Махараж Парикшитга уларнинг иккиси ҳам ато этилган эди. У Пандузодалар сингари Худонинг содиқлари оиласида дунёга келди. Пандузодаларнинг авлоди узилиб қолмаслиги учун Парвардигор уларга ўзининг алоҳида марҳаматини кўрсатиб, шахсан ўзи Махараж Парикшитни ҳалокатдан қутқариб қолди. Кейинчалик, Худонинг амри билан брахманнинг ўғли Махараж Парикшитни дуои бад қилганида эса, у Шукадева Госвами сингари ҳақиқий руҳий устоз билан учрашиш имкониятига эга бўлди. "Чайтанья Чаритамрита"да айтилганки, фақат руҳий устознинг ва Парвардигор Кришнанинг марҳамати

билан омадли инсон Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлига кира олади. Махараж Парикшит ана шундай омадли инсон эди. Худонинг содиқлари оиласида дунёга келиб, у Кришна билан учрашиш имкониятига эга бўлди, шундан бери ҳамиша Уни эслаб юрарди. Шунинг учун Парвардигор Кришна Махараж Парикшитга Худога садоқат билан хизмат қилишда баркамолликка эришиш учун яна бир имконият берди ва уни Шукадева Госвами - Ўзининг илоҳий илми тўлиқ эгаллаган мустаҳкам содиғи билан учраштиради. Кутилганидек, ҳақиқий руҳий устознинг насиҳатларини тинглаб, Махараж Парикшит ўзининг пок ақлини Парвардигор Кришнада яна ҳам қаттиқроқ мужассам қила бошлади.

2. Парвардигор Кришнага бутун қалби билан интилар экан, Махараж Парикшит қалбидаги ўзининг танаси, хотини, болалари, саройи, уй ҳайвонлари, хазинаси, дўстлари, қариндошлари ва гуллаб-яшнаётган салтанатига бўлган қаттиқ боғланиш туйғусидан халос бўлишга эришди.

Изоҳ: Озодликка эришиш - дехатма-буддхи, тана қобиғига ҳамда тана билан боғлиқ бўлган ҳамма нарсаларга - хотин, бола-чақа ва ҳоказо нарсаларга бўлган сохта боғланиш туйғусидан халос бўлиш демақдир. Танасига қулайлик яратишга интилиб инсон уйланади, натижада унинг болалари дунёга келади. Хотини ва болаларига бошпана керак, шу боис уй қуриш зарурати юзага келади. Отлар, филлар, сигирлар ва итлар уй ҳайвонлари ҳисобланади, оилали киши уй эҳтиёжлари учун уларни сақлашга мажбур бўлади. Ҳозирги даврда от ва филларнинг ўрнини автомобиллар ва ўнлаб от кучига эга бўлган бошқа машиналар эгаллаган. Ана шундай катта хўжаликни юритиш учун инсон ўзининг банк ҳисобини ҳамиша кўпайтириб бориши ва хазинасини тежамкорлик билан сарфлаши лозим, ўзининг ана шу бойлигини кўз-кўз қила олиши учун эса, у дўстлари ва қариндошлари билан яхши муносабатда бўлиши ҳамда жамиятда ўз обрў-этиборини сақлаб юриши лозим. Мана шу дунёвий ўткинчи нарсаларга боғланишга асосланган моддий фаровонлик деб аталади. Аввал айтганимиздек, Парвардигор Кришнага ўз ихтиёрини топшириш - юқорида санаб ўтилган барча боғланишлардан воз кечиш демақдир. Парвардигор Кришнанинг марҳамати билан Махараж Парикшит барча моддий бойликларга эга бўлиб, мусибат нималигини билмасдан ҳукмронлик билан лаззатланиб бахтиёр яшаш имконини берадиган гуллаб-яшнаётган салтанати бор эди, лекин, Худонинг марҳамати билан у барча моддий боғланишлардан биратўла воз кеча олганди. Парвардигорнинг асл содиқ

хизматкори шундай бўлади. Худонинг содиқ хизматкори Махараж Парикшитнинг қалбидаги Парвардигор Кришнага бўлган боғланиш туйғуси унга ўзининг шоҳона вазифаларини Худонинг номидан ижро этишга имкон берарди, бутун жаҳон аҳлининг тақдири унга боғлиқ бўлгани учун у ҳамиша ўзининг салтанатига Қали ўз таъсирини ўтказмаслигини қаттиқ назорат қиларди. Парвардигорнинг содиқ хизматкори ҳеч қачон уй ҳайвонларини ўзининг мулки деб ҳисобламайди; у ўзида бор нарсаларнинг ҳаммасидан Худога хизмат қилиш йўлида фойдаланади. Шу тарзда, Худонинг содиқ хизматкори раҳбарлик қилаётгани учун унинг қўл остидаги тирик мавжудотлар Худони англаб етиш имконига эга бўладилар.

Бир вақтнинг ўзида ҳам оилавий муҳитга, ҳам Парвардигор Кришнага боғланишнинг иложи йўқ. Уларнинг биттаси инсонни зулматга, иккинчиси - ёруғликка олиб боради. Ёруғлик бор жойда зулматга ўрин йўқ, зулмат ҳукм сурган жойда ёруғлик бўлмайди. Лекин тажрибали содиқ ҳаммани ёруғ йўлга бошлашга умуман ҳамда ҳамма нарсани Худога хизмат қилишда ишлатишга қодир бўлади - бунга Падузодалар энг яхши мисол бўлиши мумкин. Махараж Йудхиштхира ва унга ўхшаган оилали кишилар ҳамма нарсдан Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлида фойдаланиб, ҳаммани ёруғ йўлга бошлашга қодир бўладилар, лекин, ҳамма нарсдан Худога садоқат билан хизмат қилишда фойдаланиш(нирбандҳа кришна-самбандхе)ни билмайдиган ёки истамайдиган киши, Парвардигор ҳақидаги ҳикояларни тинглаш ва Унинг шон-шухратини олқишлаш ҳуқуқига эга бўлишдан аввал барча моддий боғланишлардан воз кечиши лозим; бошқача қилиб айтганда, атиги бир кун мобайнида Шукадева Госвами сингари муносиб зот оғзидан "Шримад Бхагаватам"ни Махараж Парикшит сингари жиддийлик билан тинглаган киши барча моддий боғланишлардан халос бўла олади. Ҳатто бунинг учун етти юз йил сарфласа ҳам, муқаддас китобларни касб қилиб олган кишилар оғзидан "Шримад Бхагаватам"ни тинглаш билан Махараж Парикшитга тақлид қилишнинг ҳеч қандай маъноси йўқ. "Шримад Бхагаватам"ни ўзининг оилавий сарфхаражатини қоплаш воситаси қилиб олиш - Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойини(сарвашубха-крия-самйам апи прамадах) қаттиқ ҳақорат(намапарадха) қилишдир.

3-4. Эй буюк донишмандлар, ҳамиша Парвардигор Кришна ҳақидаги фикр-мулоҳазаларга ғарқ бўлган ва ажалнинг муқаррар эканлигини англаб етган буюк зот Махараж Парикшит кармали фаолиятнинг барча туридан - дин равнақи, моддий фаровонлик ва ҳиссий лаз-

затланиш мақсадида кўрсатиладиган ҳар қандай фаолиятдан воз кечди. Шундай қилиб, унинг онги Шри Кришнага бўлган табиий муҳаббат туйғусида мустаҳкам ўрнашиб олди ва Шукадева Госвамига сизлар ҳозир менга бераётган саволларни берди.

Изоҳ: Моддий оламда тирикчилик учун қаттиқ курашиб юрган шартланган руҳларни асосан фаолиятнинг уч тури ўзига жалб этади: диний фаолият, моддий фаровонликка эришиш учун олиб бориладиган фаолият ҳамда ҳис-туйғуларга лаззат келтирадиган фаолият. Агар Ведаларнинг қонун-қоидалари асосида тартибга солинган бўлса, бундай фаолият карма-кандийа деб аталади ва одатда ҳозирги ва келгуси ҳаётида моддий фаровонликда лаззатланиб яшаш имкониятига эга бўлиш учун оилали кишиларга ана шундай қоидаларга риоя қилиш маслаҳат берилади. Кўпчилик одамларни айнан ана шундай фаолият қизиқтиради. Ҳатто ҳозирги худобехабар жамиятда ҳам одамлар диний ҳис-туйғуларни бутунлай эсдан чиқариб, асосан моддий фаровонлик ва ҳиссий лаззатланиш билан қизиқадилар. Оламнинг буюк императори бўлган ҳолда Махараж Парикшит ўзининг бутун фаолиятини Ведаларнинг карма-кандийа бўлимида кўрсатилган қонун-қоидалар асосида йўлга қўйиши лозим эди, лекин Шукадева Госвами билан озгина ҳамсуҳбат бўлиш шарофати билан у узил-кесил тушуниб етдики, ўзи ёшлигидан табиий равишда чуқур муҳаббат билан боғланиб юрган Парвардигор Кришна, Худонинг Мутлақ Шахси (Васудева) - ҳамма нарсанинг манбаидир, шу боис у Ведаларнинг карма-кандийа қисмида кўрсатилган фаолиятнинг барча турларини тарк этиб, ўзининг бутун ақлини Унда мужассам қилди. Джнанилар руҳий баркамолликнинг ана шундай поғонасига жуда кўп умрлардан кейин эришадилар. Джнанилар, озодликка интилиб юрган эмпирик-файласуфлар, кармилардан минг марта яхшироқ, ана шундай юз минглаб джнанилар орасидан фақат биттаси ҳақиқий озодликка эришади. "Бхагавад-гита"(7.19)да Парвардигорнинг Ўзи айтганидек, озодликка эришган юз минглаб ана шундай зотлар орасидан биргина киши ўзининг ақлини Парвардигор Шри Кришнанинг нилуфар қадамлари пойида мужассам қила олиши мумкин. Мазкур шеърда бекорга Махараж Парикшитни маха-манаҳ деб атаётганлари йўқ, бу ибора уни "Бхагавад-гита"да таърифланган махатмалар билан бир поғонага кўтариб қўяди. Махараж Парикшитдан кейин ҳам, ҳаёт ҳақидаги карма-кандийага асосланган тасаввурдан воз кечиб, ўзларини Худонинг Олий Шахси Парвардигор Кришнага бутунлай топширган махатмалар кўп бўлган. Аслида Парвардигор Кришнанинг Ўзи бўлган Парвардигор

Чайтанйа "Шикшаштака" асарида шундай маслаҳат беради:

ашлийа ва пада-ратам пинашту мам...

"Кўплаб содиқларнинг маҳбуби бўлган Парвардигор Кришна Унга ўзини бутунлай топширган бу хизматкорини қучоқлаб бағрига босиши, ёки оёқлари остида тепкилаб ташлаши, ёки узоқ вақт кўзларимга кўринмай бағримни қон қилиши мумкин, лекин У нима қилса ҳам барибир У қалбимнинг мангу ҳукмдори бўлиб қолаверади".

Шрила Рупа Госвами шундай дейди:

вирачайа майи...

"Эй азиз Худойим, эй ғарибларнинг посбони, мени нима қилсанг ҳам - кечирасанми, жазолайсанми - Ўзинг биласан, менинг бу дунёда Сендан бошқа умид қиладиган ҳеч кимим йўқ, эй Худойим. Чатака деган қуш ҳам, ёмғир ёғяптими, яшин чақнаяптими - эътибор бермасдан ҳамиша шундай илтижо қилади".

Руҳий устоз Парвардигор Чайтанйанинг ус-този Мадхавендра Пури ўзининг карма-кандийа қоидаларига асосланган вазибалари билан хўшлашиб шундай дейди:

сандхйа-вандана бхадрам асту..

"Алвидо менинг кечки илтижоларим. Алвидо менинг эрталабки ювинишларим. Эй фаришталар ва ажодларим, мени кечиринглар, мен энди сизларни эҳсон қилиш билан қувонтира олмайман. Мен ҳамиша ва ҳамма жойда Йадаваларнинг буюк авлоди ва Камсанинг кўрқинчли душмани Парвардигор Кришнани эслаб юриш билан барча гуноҳларимдан покланишга қарор қилдим. Шунинг ўзи мен учун мутлақо кифоя деб ўйлайман. Шундай экан, бошқа бирор иш қилишнинг бирор маъноси бормикан?"

Шрила Мадхавендра Пури давом этади:

мугдхам мам нигаданту...

"Майли одоб-ахлоқ қоидаларининг синчков тарафдорлари мени адашган деб айтсинлар, эътироз билдирмайман. Майли, Ведавий урф-одатларни яхши биладиган билимдон до-нишмандлар мени динидан қайтганликда айблайверсинлар. Майли дўстларим ва қариндошларим мени омадсиз деб, ака-укаларим - ақлсиз аҳмоқ деб ҳисобласинлар, майли бадавлат одамлар мени телба деб кўрсатсинлар, майли файласуф одамлар мени манманликда айбласинлар, - барибир, гарчи мен ўзим бунга қодир бўлмасам ҳам, ақлим ўзининг Говинданинг нилуфар қадамлари пойига садоқат билан хизмат қилиш қароридан бир қадам ҳам орқага қайтмайди".

Прахлад Махараж ҳам шундай дейди:

Дхармартха-кама ити йо...

"Дин, моддий фаровонлик ва ҳиссий лаззатланишни нажот келтирадиган уч йўл сифатида тавсия қиладилар. Улардан икша трайи, яъни рух(жон) ва кармали фаолият ҳақидаги илм, мантиқ, шунингдек сиёсат ва иқтисод тирикчилик қилиш учун бойлик топишнинг турли йўллари дир. Ведалар ана шуларнинг ҳаммасини ўргатади, шу боис мен бундай фаолиятни ўткинчи деб ҳисоблайман. Аксинча, инсон ҳаётда эриша олиши мумкин бўлган ягона ютуқ - Парвардигор Вишнуга ўзини топшириш, мен фақат мана ушни олий ҳақиқат деб биламан"(7.6.26).

Юқорида айтилган гапларнинг якуний хулосаси "Бхагавад-гита"(2.41)да шундай ифодаланган: вйавасайатмика буддхих - баркамолликка элтувчи мутлақ йўл. Буюк вайшнава олим Баладева Видйабхушана буни шундай ифодалади: *бхагавад-арчана-рупаика-нишикама-кармабхир вишуддха-читтаҳ* – «Парвардигорга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишни ўзининг асосий бурчи, ҳеч қандай кармали оқибат келтирмайдиган фаолият деб билиш».

Шундай қилиб, ҳаёт ҳақидаги карма-кандийа коидаларига асосланган тасаввурдан воз кечиб, аклини Парвардигор Кришнанинг нилуфар қадамлари пойида жамлаш билан Махараж Парикшитмутлақо тўғри қилган.

5. Махараж Парикшит деди: Эй билимдон брахман, ҳар қандай моддий иллатлардан пок бўлганинг туфайли сенга ҳамма нарса аён, шу боис сен менга айтган гапларнинг ҳаммаси айна ҳақиқатдир. Сен менга Парвардигор ҳақида гапириб бераётганинг учун гапларинг қалбимдаги ғофиллик зулматини аста-секин ёритяпти.

Изоҳ: Бу ерда Махараж Парикшит бизларга ўзининг шахсий тажрибасини айтиб беряпти. У айтадики, агар содиқ хизматкор Парвардигор ҳақидаги илоҳий ҳикояларни моддий иллатлардан бутунлай пок бўлган киши оғзидан тингласа, улар унга (худди кучли укол доридай) жуда кучли таъсир қилади. Бошқача қилиб айтганда, касби лектор бўлган кишиларнинг карма-кандийалар тоифасига мансуб тингловчилар олдида "Шримад Бхагаватам" ўқиши мазкур шеърда таърифлангандай мўъжизали таъсир кўрсатмайди. Парвардигорнинг хабарларини имосн ва садоқат билан самимий тинглаш оддий ҳикояларни тинглаш билан бир эмас, самимий тингловчи қалбидаги ғофиллик тумани тарқала борган сари унинг ижобий таъсирини ўз яққол ҳис қила бошлайди.

Йасйа деве пара бхактир.

Шветашватана-упанишад(6.23)

Оч одамга овқат беришганида, у қорнини тўйгаза боради ва айна пайтда овқатланишдан лаззат олади. У қорни тўйган-тўймаганини бировдан сўраб билиши шарт эмас. "Шримад Бхагаватам"ни тўғри тинглашнинг ягона белгиси уни тинглаётган кишиларнинг онгининг покланишидир.

6. Илтимос, менга айтчи, Худо Шахси қандай қилиб Ўзининг англаб бўлмас қувватлари ёрдамида, ҳатто буюк фаришталар ҳам англай олмайдиган бу моддий оламни яратгани ҳақида гапириб бер.

Изоҳ: Ҳар қандай кизиқувчан одам ҳам ўзини ўраб турган моддий олам қандай пайдо бўлганини билишга қизиқади, шунинг учун бундай саволлар руҳий устозидан Парвардигорнинг барча кароматлари ҳақида билиб олишга интилаётган Махараж Парикшитни ҳам кизиқтиришининг ажабланарли жойи йўқ. Номаълум бўлган ҳар қандай воқеа-ҳодиса ҳақида уни биладиган кишидан сўраб билиб олиш керак, оламнинг яралиши ҳақидаги савол ҳам уни биладиган зотга мурожаат қилиш лозим бўлган саволлар тоифасига киради. Демак, Шукадева Госвами таърифлаганда айтганимиздек, руҳий устоз сарва-джна(ҳар қандай саволга жавоб бера оладиган зот) бўлиши лозим. Шундай қилиб, шогирд билимдон руҳий устозга Парвардигор билан боғлиқ аммо жавоби ўзига номаълум бўлган ҳар қандай савол билан мурожаат қилиши мумкин, - Махараж Парикшит бу ерда шундай ўрнатқур сатяпти. Лекин Махараж Парикшит бизни ўраб турган бутун олам Парвардигорнинг қувватининг намоён бўлиши эканини биларди - бу ҳақда "Шримад Бхагаватам"нинг энг бошида айтилган эди(джанмадй асйа йатаҳ). Шунинг учун Махараж Парикшит энди моддий олам қандай қилиб яратилганини билиб олмоқчи эди. Оламнинг бошланғич манбаи ким экани унга маълум эди, акс ҳолда у қандай қилиб Худо Шахси Ўзининг ҳар хил қувватлари ёрдамида моддий оламни яратгани ҳақида сўраб ўтирмасди. Ҳатто оддий одам ҳам тушунадики, олам ўзидан ўзи пайдо бўлмайди, аксинча уни яратган зотнинг амру-иродаси билан яратилади. Биз ҳеч қачон атрофимизни ўраб турган оламдан ўзидан ўзи бирор нарса пайдо бўлганини кўрмаганмиз. Нодон одамлар айтадиларки, яратувчи қувват худди электр қуввати сингари ўзидан ўзи мустақил ҳаракат қилади. Лекин фаросатли киши тушунадики, ҳатто электр қувватини ҳам электростанцияда тажрибали муҳандис яратади ва унинг назорати остида у шу ердан истеъмолчиларга етиб келади. Бутун борлиққа Парвардигор ҳукмрон эканлиги ҳақида ҳатто "Бхагавад-гита"(9.10)да ҳам айтилган. Ве-

даларда аниқ айтилганки, моддий қувват - Парвардигорнинг сон-саноксиз қувватларидан бирининг намоён бўлишидир(парасйа шактир вивид-хаива шруйате). Инсоннинг аралашуви талаб қилинмайдиган баъзи электр асбобларининг ҳаракатлари ёки электр қуввати ёрдамида кўрсатиладиган баъзи мўъжизалар калтафаҳм ёш болани ҳайратга солиши мумкин, лекин илмли киши биладики, буларнинг ортида электр қувватини ишлаб чиқарадиган билимдон инсон турибди. Худди шундай, бу дунёдаги ўзини мутафаккир ва файласуф деб ҳисоблайдиган баъзи одамлар коинотнинг ўзидан ўзи пайдо бўлгани ҳақида ҳар хил хом-хаёл ғоялар ўйлаб топадилар, лекин Парвардигорнинг чуқур тафаккурга эга бўлган содиқ хизматкори "Бхагавад-гита"ни ўрганиб тушуниб оладики, худди электростанция ишини ҳамиша муҳандис назорат қилиб тургани сингари, олам ҳам Парвардигорнинг назорати остида пайдо бўлиб, мавжуд бўлиб туради. Тадқиқотчилар барча нарса ва воқеа-ҳодисаларнинг сабаб ва оқибатларини аниқлаш билан шуғулланадилар, лекин Парвардигорнинг ғаройиб бунёдкорлик қуввати баъзан, арзимаган нарсаларни қовлаб юрган дунёвий кўримсиз олимлар нари турсин, ҳатто Маъбуд Браҳма, Шива, Индра ва бошқа фаришталар сингари буюк тадқиқотчиларни ҳам ҳайратга солиб кўяди.

Коинотнинг ҳар хил сайёраларида ҳаёт шaroитлари турлича ва сайёралар ҳам ҳар хил тоифага- олий ёки куйи тоифага мансуб бўлгани учун, ана шу сайёраларда яшайдиган тирик мавжудотларнинг тафаккури ҳам бир хилда ривожланмаган. "Бхагавад-гита"да айтилганидек, Браҳманинг сайёрасида яшайдиган аҳолининг Ер сайёрасининг аҳолиси тасаввур ҳам қила олмайдиган даражада узун умрини Маъбуд Браҳманинг тафаккур поғонасининг юксаклигига қиёслаш мумкин, бу ҳам сайёраимизда яшайдиган бирор буюк олимнинг тасаввурига сиғмайди. Лекин, ана шундай тенгсиз тафаккур соҳиби бўлган Браҳман ҳам ўзининг самхитасида шундай дейди:

ишварах парамах кришнаҳ сач-чид-ананда-виграҳах анадир адир говиндах сарва-карана-каранам(5.1)

"Бхагаван сифатларига эга бўлган зотлар кўп, лекин Кришна - уларнинг энг буюғи, чунки ҳеч ким Унга тенглаша олмайди. У - Олий Шахс, Унинг танаси мангу, илм ва лаззатга тўла. У - барча сабабларнинг сабабчиси, азалий Парвардигор Говинда".

Маъбуд Браҳма Парвардигор Кришнани барча сабабларнинг бошланғич сабаби сифатида тан олади, лекин кўримсиз даражада кичкина Ер сайёрасида яшайдиган арзимаган аклий қобилиятга эга бўлган баъзи бир калтафаҳм одамлар Парвардигорни оддий инсон деб била-

дилар. Парвардигор "Бхагавад-гита"да "Мен - ҳамма нарсанинг манбаи, мазмуниман" деганида, эмпирик файласуфлар ва дунёвий сафсата-бозлар Унинг устидан куладилар, шунинг учун Парвардигор афсусланиб шундай дейди(9.11):

аваджананти мам мудха...

"Мен бу дунёга инсон қиёфасида келганимда аҳмоқ одамлар Менинг устимдан куладилар. Улар Менинг илоҳий табиатимни ва бутун борлиқ устидан ҳукмрон эканимни билмайдилар". Браҳма ва Шива - бхуталар, яъни оламнинг ишларини бошқариб турган қудратли фаришталардир; улар худди шоҳнинг ўзи тайинлайдиган вазирларга ўхшайди. Фаришталар ишвара - ҳукмдор бўлишлари мумкин, лекин Парвардигор - махешвара, барча ҳукмдорларни яратган зот. Илми саёз одамлар шуни тушунмайдилар ва У ўзининг бесабаб марҳамати билан вақти-вақти билан инсон қиёфасига кириб Ерга келиб тургани учунгина нодонларча Унинг устидан куладилар. Парвардигорни инсонга тенгламаслик керак. У - сач-чид-ананда-виграҳа, Мутлақ Худо Шахси, Унинг танаси Унинг руҳидан фарқ қилмайди. У бир вақтнинг ўзида ҳам куч, ҳам куч манбаи.

Махараж Парикшит руҳий устози Шукадева Госвамидан Парвардигор Кришнанинг Вриндавандаги эрмаклари ҳақида гапириб беришни сўраб ўтирмади. Аввалига у Парвардигорнинг оламини яратиши ҳақида билиб олишни истаганди. Шукадева Госвами ҳам шоҳ Парвардигорнинг илоҳий эмакларини тинглашдан бошлаши керак деб айтгани йўқ. Уларнинг вақти жуда оз эди, агар Шукадева Госвами худди касб "Шримад Бхагаватам" ўқиб пул топиш бўлган кишилар сингари, дарров "Шримад Бхагаватам"нинг ўнинчи кўшиғини баён этишни бошласа ҳам ҳеч ким ҳайрон бўлмаган бўларди. Лекин на шоҳ, на "Шримад Бхагаватам"нинг буюк нотиғи "Шримад Бхагаватам" ўқишни касб қилиб олган кишилардан фарқли равишда аввалги кўшиқларни ташлаб кетмадилар. Улар "Шримад Бхагаватам"нинг келажакдаги тингловчилари ва ўқувчиларига ўрнак кўрсатиш учун тартиб билан кетма-кет ўрганиш қоидасига риоя қилдилар. Парвардигорнинг ташқи қуввати таъсири остида, яъни моддий оламда юрган зотлар биринчи навбатда Парвардигорнинг Олий Шахс назорати остидаги ташқи қуввати қандай ҳаракат қилишини тушуниб олишлари, фақат шундан кейин Унинг ички қувватининг ҳаракатларини англаб етишга уриниши лозим. Дунёвий одамлар одатда фаришта Дургага, Кришнанинг ташқи қувватига сиғинадилар, лекин, аслида Дургадеви - шунчаки Парвардигорнинг қувватининг сояси эканини билмайдилар. Унинг моддий фаолиятининг намоён бўлган ғаройиб кўринишлари ортида Парвардигор туради, буни Унинг ўзи

"Бхагавад-гита"(9.10)да айтган. "Брахма-самхита" ҳам тасдиқлайдики, Дурга-шакти Говинданинг иродасига бўйсуниб ҳаракат қилади, кудратли Дурга-девининг иродасисиз ҳатто майса ҳам қимирламайди. Шунинг учун янги келган содиқ хизматкор дарров Парвардигорнинг ички қувватида намоён бўладиган илоҳий эрмакларга ўтмасдан аввал Парвардигорнинг яратувчи қуввати қандай ҳаракат қилишини тушуниб олиб Унинг улуғворлигини англаб етиши лозим. Парвардигорнинг яратувчи қуввати ва унинг устидан Парвардигор ҳукмрон эканлиги "Чайтанйя Чаритамрита"да ҳам айtilган, унинг муаллифи янги содиқларни огоҳлантириб, Парвардигорнинг буюклиги ҳақидаги илмни инкор этиш хатарли эканини айтади. Фақат Парвардигор улуғвор, буюклигини англаб етган кишигина қалбида Унга нисбатан ўзгармас ишонч ва чуқур имон ҳосил қила олади. Шуни тушунмай туриб, ҳатто инсониятнинг буюк йўлбошчилари ҳам, оддий одамлар сингари, Парвардигор Кришнани сон-саноксиз фаришталардан, тарихий қахрамонлардан бири деб ҳисоблайдилар ёки булар ҳаммаси афсона деб биладилар. Парвардигорнинг Вриндавандаги, ҳатто Дваракадаги эрмакларига бўлган ихлос туйғуси фақат руҳий юксалишнинг маълум бир поғонасига кўтарилган зотларда юзага келади, оддий инсонлар бундай поғонага хизмат қилиш ва савол бериш жараёнида аста-секин эришадилар, бу Маҳараж Парикшит мисолида кўриниб турибди.

7. Марҳамат қилиб менга тушунтириб берчи, ҳар нарсага қодир Парвардигор Ўзининг ҳар хил қувватлари ва экспансияларидан намоён бўлган борлиқнинг мавжудлигини таъминлаш, кейин уни яқсон қилишда қандай фойдаланди?

Изоҳ: "Катха-упанишад"(2.2.13)да Парвардигор барча алоҳида мангу тирик мавжудотлар ичида асосий мангу тирик мавжудот(нитйо нитйанам четанаш четананам) ва сон-саноксиз тирик мавжудотларнинг ҳаммасининг мавжудлигини таъминлаб турадиган ягона Парвардигор(эко бахунам йо видадхати каман) деб аталган. Шундай қилиб, ҳар нарсага қодир Парвардигор барча тирик мавжудотларнинг мавжудлигини таъминлаб туради: шартланган ҳолатдагиларни ҳам, озодликка эришган зотларни ҳам. Парвардигор уларнинг мавжудлигини Ўз Шахсининг ҳар хил экспансияларива уч асосий қуввати: ички, ташқи ва оралиқ қуввати ёрдамида таъминлаб туради. Тирик мавжудотлар Унинг оралиқ қувватига мансуб, уларнинг Парвардигорнинг ишончини қозонган баъзилари(Брахма, Маричи ва бошқалар)ни ҳам, уларнинг ичида туриб яратишнинг ҳар бир босқичига илҳомлантириб,

Парвардигор яратиш ишларига жалб этади. Ташқи қувват ҳам живалар - шартланган руҳлар билан тўла. Шартланмаган оралиқ қувват руҳий оламда, Парвардигор Ўзининг ҳар хил экспансиялари ёрдамида улар билан руҳий оламда намоён бўладиган ҳар хил илоҳий муносабатларда тирик мавжудотларнинг мавжудлигини таъминлаб турадиган салтанатда ҳаракат қилади. Шундай қилиб, ягона Парвардигорнинг Олий Шахси Ўзини кўплаб қиёфаларда намоён этади(баху сйам), шу тариқа Унинг намоён бўлган барча қиёфалари Унинг Ўзида ва гарчи Ўзи улардан фарқ қилмаса ҳам, У барча намоён бўлган қиёфаларда бўлади. Парвардигорнинг англаб бўлмас сеҳр кудрати ана шундай, шу боис Унинг англаб бўлмас қувватлари шарофати билан бир вақтнинг ўзида ҳамма нарса У билан бир ва Ундан фарқ қилади(ачинтйя-бхедабхеда-таттва).

8. Эй билимдон браҳман, ҳақиқатан ҳам Парвардигорнинг илоҳий қароматлари ҳайратланари ва англаб бўлмасдай туюлади, чунки ҳатто кўплаб буюк донишмандлар ҳам, шунча уринишларига қарамай, уларни англаб ета олмаганлар.

Изоҳ: Парвардигорнинг мана шу битта коинотни яратиб қўйганининг ўзи англаб бўлмас даражада ҳайратланарли, бундай коинотларнинг эса сон-саногии йўқ, уларнинг ҳаммаси биргаликда бутун борлиқнинг арзимаган қисмини эгаллаб турган мавжуд моддий оламини ташкил этади. Моддий олам бутун борлиқнинг бир қисми, холос(экамшена стхито джагат). Моддий олам Парвардигорнинг бутун қувватининг чорак қисмини ташкил этади деб ҳисобланади; унинг қолган тўртдан уч қисмини ваикунтха-жагат - "Бхагавад-гита"да мад-дхама ёки санатана-дхама, мангу олам деб аталган руҳий олам эгаллаган. Аввалги шеърда айtilганки, Парвардигор Ўз оламини аввал яратади, кейин яқсон қилади. Бу фақат моддий оламга тааллуқли, чунки Унинг оламининг бошқа, Ваикунтха деб аталадиган катта қисми яратилмайди ва яқсон ҳам қилинмайди, акс ҳолда Ваикунтха-дхама мангу деб аталмаган бўларди. Парвардигор дхаманинг ўзидан фарқ қилмайди; Унинг мангу номи, сифатлари, эрмаклари, ҳамроҳлари ва Унинг хулқ-атвори - ҳаммаси Парвардигорнинг ҳар хил қувват ва экспансияларининг намоён бўлишидир. Уни анади - яратувчиси йўқ, шунингдек ади - бутун борлиқнинг манбаи деб атайдилар. Ақлимиз мукамал бўлмагани туфайли бизлар Худони ҳам кимдир яратган деб ўйлаймиз, лекин "Веданта-сутра"да айtilганки, Парвардигорни ҳеч ким яратмаган. Аксинча, Унинг Ўзи бутун борлиқнинг яратувчиси-дир(нарайана паро 'вйактат). Оддий инсоннинг

бундай гапларни тушуниб етиши жуда қийин. Ҳатто буюк олимлар ҳам буни англаб етишга кодир эмаслар шунинг учун бир бирига зид бўлган турли ғояларни олға сурадилар. Улар ҳатто моддий оламнинг бизнинг коинотимиз сингари арзимаган бир қисми ҳақида ҳам тўлиқ маълумотга эга эмаслар; унинг ўлчамлари, ундаги сайёра ва юлдузлар сони, ана шу сайёраларнинг ҳар биридаги ҳаёт шароити ҳақида ҳеч нарса билмайдилар. Замонавий олимлар булар ҳақида аниқ маълумотларга эга эмаслар. Уларнинг баъзиларининг фикрига кўра бутун коинотда миллионга яқин сайёра бор эмиш. 1960 йил 21 февралда чиққан "Москва янгиликлари" газетаси шундай хабар беради:

"Маишхур совет олими Борис Воронцов-Веляминовнинг фикрига кўра коинотда онгли тирик мавжудотлар яшайдиган сон-саноксиз сайёралар мавжуд бўлиши керак... Шу сайёраларда худди Ердагига ўхшаган ҳаёт бўлиши эҳтимолдан холи эмас...

Химия фанлари доктори Николай Жиров бошқа сайёралар атмосфераси ҳақида тўхталиб, таъкидлайдики, масалан марсда яшайдиган зотнинг танаси ҳарорати паст бўлгани учун Марснинг муҳитида яшашга мослашган. Унинг фикрича, Марснинг атмосфера-сидаги газлар таркиби унда яшашга мослашган тирик мавжудотларнинг яшаш учун тўла яроқли".

"Брахма-самхита"да организмнинг маълум бир сайёра шароитига ана шундай мослашуви вибхути-бхиннам деб аталган: коинотдаги сон-саноксиз сайёраларнинг ҳар бирида ўзининг атмосфераси бор бўлиб, яшаш учун яхшироқ муҳит бўлган сайёраларда тирик мавжудотлар табиий фанлар бўйича мукамалроқ илмга ва мукамалроқ ишлаб-чиқариш техенологияларига эга. Вибхути ибораси "алоҳида кучлар" деган маънони билдиради, бхиннам ибораси эса - "ранг-баранг" деганни англатади. Коинотни ўрганиш бўйича тадқиқот олиб бораётган ва механик қурилмалар ёрдамида бошқа сайёраларга эришишга интилиб юрган олимлар билиб қўйишлари лозимки, Ер шароитига мослашган организмлар бошқа сайёралар шароитида яшай олмайдилар("Бошқа сайёраларга енгил саёҳат"). Демак, бошқа сайёрага йўл олишдан олдин инсон ўзининг ҳозирги танасини тарк этиб, "Бхагавад-гита"да айтилганидай бунга пухта тайёргарлик кўриши лозим(9.25):

йанти дева-врата...

"Фаришталарга сиғиниб юрганлар фаришталар орасида туғиладилар; жин, арвоҳларга сиғиниб юрганлар ана шу зотлар орасида туғилади; Менга сиғиниб юрганлар эса, Мен билан яшайдилар".

Махараж Парикшит саволини қандай ифода-лаб беришидан кўриниб турибдики, у яратиш жараёни ҳақида эшитган. Нимага у бу ҳақда Шукадева Госвамидан сўраяпти? Махараж Парикшит буюк император, Пандузодалар авлоди ва Парвардигор Кришнанинг буюк содиғи эди, шу боис унинг оламнинг яралиши ҳақида чуқур илмга эга бўлиши ҳайратланарли эмас. Лекин ҳали унинг илми етарли эмасди. Шунинг учун у айтяптики, оламнинг яралишини шунча ури-нишларига қарамасдан ҳатто буюк донишмандлар ҳам англаб ета олмайдилар. Парвардигор чексиз, Унинг кароматлари ҳам англаб бўлмас даражада. Чекланган манбадан илм оладиган ва мукамал бўлмаган сезги аъзоларига эга ҳар қандай тирик мавжудот, ҳатто Маъбуд Браҳма ҳам, чексиз илми ўзининг чекланган тасаввурига сиғдира олмайди. Фақат чексиз Зотнинг Ўзи тушунтирганда ёки ўз илмини Нарада Мунининг шогирди Вйасадевадан олган Шукадева Госвами сингари ўзлигини англаб етган зотларнинг гапларини тинглаш орқали чексиз Зотни маълум даражада англаб етиш мумкин. Шундай қилиб, мукамал илм фақат шогирдлар силсиласи орқали берилиши мумкин. Тажрибаларга асосланган ҳар қандай илм - хоҳ қадимий бўлсин, хоҳ замонавий - мукамал илм эмас.

9. Парвардигор моддий табиат гуналарини бошқараётганда ҳам, Ўзини кўплаб қиёфаларга кўпайтирганда ҳам, табиат гуналарининг фаолиятини бошқариш учун Ўзини кетма-кет, турли қиёфаларда намоён этганида ҳам ҳамиша бир ва ягона бўлиб қолаверади.

10. Марҳамат қилиб менинг ана шу гумонларимни тарқатиб юбор, чунки сен ведавий битикларни яхши биладиган ва илоҳий табиатни тўла тушуниб етган зот бўлибгина қолмасдан Худонинг буюк содиқ хизматкорисан, шу боис сен Худо Шахсининг Ўзи сингари қудратлисан.

Изоҳ: "Брахма-самхита"да айтилганки, Олий Мутлақ Ҳақиқат, Говинда, Худо Шахси битта, Унинг тенги йўқ, лекин шунга қарамай, У Ўзини бир биридан фарқ қилмайдиган кўплаб мукамал қиёфаларда намоён этади, У ҳамиша ёш ва туганмас ёшлик қувватига эга. Ведаларда баён этилган илоҳий илми ўрганиш орқали Уни англаб етиш жуда мушкул, лекин Парвардигорнинг асл содиқ хизматкорлари Уни осонлик билан англай оладилар.

Парвардигорнинг турли қиёфаларининг - Кришнадан Балорам ва Санкаршанага, Санкаршанадан Васудевага, Васудевадан Анируддха ва Прадйумнага, кейин эса, Санкаршананинг иккинчи экспансиясига, Ундан Нарайананинг пу-

рушаватараларга ва дарё сувларининг бетиним тўлқинларига қиёсланадиган бошқа сон-саноксиз қиёфаларга айланадиган экспансияларининг моҳияти - аслида бир ва ягона Шахсдир. Улар бир-биридан туташтириладиган, лекин бир хил ёруғлик таратадиган шамчиноқларга ўхшайди. Парвардигорнинг илоҳий қудрати ана шундай. Ведаларда айтилишича У шу қадар мукамалки, ҳатто Ундан тўла бутун зот ажралиб чиққанда ҳам У аввалгидай ўзгармас тўла бутун бўлиб қолаверади(пурнаса пурнам адайя пурнам эва-вашишйате). Шунинг учун эмпирик файласуфлар олға сураётган Парвардигор ҳақидаги моддий тасаввур мутлақо асоссиз ҳисобланади. Дунёвий имонсиз олим учун, ҳатто у ведалар адабиёти бўйича чуқур илмга эга бўлса ҳам, Худо, Парвардигор ҳамиша сир бўлиб қолаверади(ведешу дурлабхам атма-бхактау). Парвардигор дунёвий олимлар, файласуфлар ва Ведалар илмининг имонсиз билимдонлари олға сураётган чекланган моддий ғояларига сизмайди. Лекин, асл содиқлар Уни осонлик билан англаб етадилар, Парвардигорнинг Ўзи "Бхагавад-гита"(18.54)да айтганидек, Унинг асл табиатини фақат илм(джнана) поғонасидан юқори кўтарилган ва Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган киши англай олади. Парвардигорга муҳаббат билан илоҳий хизмат қилмай туриб Парвардигор ҳақида, ёки Унинг муқаддас номи, қиёфаси, сифатлари. Эрмаклари вабошқа жиҳатлари ҳақида қандайдир аниқ тасаввурга эга бўлишнинг иложи йўқ. "Бхагавад-гита"да айтилган, инсоннинг асосий бурчи - бошқа барча вазибалардан озод бўлиб ўзини Худога топширишдан иборат деган гап шуни билдирадики, инсон Парвардигорнинг бенуксон асл содиқ хизматкори бўлиши лозим. Фақат шунда инсон Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёнида Худони англаб ета олади.

Махараж Парикшит аввалги шеърда тан олган эдики, Парвардигорни ҳатто Ведалар илмининг машҳур билимдонлари ҳам англаб етишга қодир эмаслар. Шундай экан, нимага у ҳозир Шукадева Госвамидан унинг Парвардигор ҳақидаги илмини тўлдиришни илтимсо қиляпти? Бунинг жавоби оддий. Шукадева Госвами фақат Ведалар илмини мукамал биладиган донишманд бўлиб қолмасдан ўзини англаб етган буюк зот, Парвардигорнинг қудратли содиқ хизматкори эди. Худонинг марҳамати билан ана шундай содиқ хизматкор Парвардигорнинг Ўзидан ҳам қудратли бўлади. Парвардигор Рамачандра Ланка оролига бориш учун Ҳинд океани устидан қўприк қуришга мажбур бўлди, Парвардигор Харининг асл содиқ хизматкори Хануман эса, бир сакрашда Ланкага етиб олди. Ўзининг асл содиқ хизматкорига чексиз марҳамат кўрсатиб, Парвардигор баъзан шундай қиладики, Унинг

суюкли содиғи Унинг Ўзидан ҳам қудратлироқдай бўлиб кўринади. Масалан, гарчи Дурваса Муни моддий шартланган ҳолатда ҳам Парвардигорнинг олдига бора олиш қудратига эга бўлган буюк сеҳргар бўлишига қарамай, Парвардигор Дурваса Мунига уни қутқара олмаслигини айтди. Лекин Парвардигорнинг содиқ хизматкори Амбариша Махараж Дурвасани қутқариб қолди. Худонинг содиқлари Парвардигорнинг Ўзидан ҳам қудратлироқ бўлгани учун Худонинг содиқ хизматкорларига сиғиниш бево-сита Парвардигорнинг Ўзига сиғинишдан кўра самаралироқ ҳисобланади(*мад-бхакта-пуджабхйадхика*).

Демак, жиддий содиқ биринчи навбатда руҳий устозга мурожаат қилиши лозим, чунки у ведалар адабиётини мукамал билиб қолмасдан, Парвардигорнинг Ўзини, Унинг ҳар хил қувватларини англаб етган Худонинг буюк содиқ хизматкоридир. Ана шундай руҳий устоз ёрдамисиз Парвардигор ҳақидаги илоҳий илмни чуқур ўрганишнинг иложи йўқ. Шукадева Госвами сингари ҳақиқий руҳий устоз Парвардигорнинг фақат ички қувватининг намоён бўлиши ҳақида гапирмасдан Парвардигор Ўзининг ташқи қуввати билан қандай қилиб ўзаро ҳамкорлик қилишини ҳам батафсил тушунтиради.

Парвардигорнинг ички қувватининг фаолияти Унинг Вриндавандаги эрмакларида намоён бўлади, Унинг ташқи қувватининг фаолиятини эса, Парвардигорнинг Каранарнавашийи Вишну, Гарбходакашийи Вишну ва Кширодакашийи Вишну сингари экспансиялари бошқаради. Бу ҳақда Шрила Вишванатха Чакраварти барча вайшнавларга жуда яхши маслаҳат беради: намунали шогирд Махараж Парикшитдан ва намунали руҳий устоз Шукадева Госвамидан ўрнак олиб, Худонинг содиқлари фақат Парвардигорнинг (раса-лила сингари)эрмаклари билан эмас, балки сришти-таттва - Парвардигорнинг бунёдкорлик ишлари билан боғлиқ бўлган пуруша-аватараларининг фаолияти билан ҳам қизиқишлари лозим.

11. Сута Госвами деди: Шохнинг Худо Шахсининг бунёдкорлик қудрати ҳақида гапириб беришни сўраб қилган илтимосига жавобан, Шукадева Госвами тартиб билан сезгилар ҳукмдори(Шри Кришна) билан боғлиқ бўлган ҳамма нарсани бирин-кетин эслади ва муносиб жавоб бера бошлади.

Изоҳ: Парвардигор ҳақида гапирар ёки Унинг илоҳий сифатларини таърифлар экан, Худонинг содиқлари ўзларинимустақил ҳолда бирор иш қилишга қодир эмас деб ҳисоблайдилар. Улар фақат сезгилар ҳукмдори бўлган Парвардигор

уларни нима гапиришга ундаса фақат шу гапларни гапираман деб ўйлайдилар. Алоҳида руҳнинг сезгилари унинг ўзиники эмас; улар Парвардигорнинг мулки эканини ва уларни фақат Худога хизмат қилишда машғул қилиш билан улардан тўғри фойдаланиш мумкинолигини содиқ тушунади. Сезгилар - асбоблар, моддий унсурлар эса - оламнинг таркибий қисмлари, уларнинг ҳаммасини бизларга Худо бериб қўйибди. Шунинг учун инсон қандай иш қилмасин - гапирадими, томоша қиладими, ва ҳоказо, - унинг барча ҳаракатларини Парвардигорнинг Ўзи бошқариб туради. "Бхагавад-гита"(15.15)да ҳам шу тасдиқланади: сарвасйа чахам хриди саннивишто маттах смритир джна-нам апоханам ча. Ҳеч ким мустақил ва эркин ҳолда ҳаракатлана олмайди. Шунинг учун бирор иш қилишдан - овқатлинши ёки гапиришдан олдин, - рухсат сўраб Парвардигорга мурожаат қилиш лозим, шунда Худонинг розилигини олган шундай содиқ хизматкор нимаики иш қилмасин, унинг барча амаллари шартланган руҳларга хос бўлган тўрт нуқсондан пок бўлади.

12. Шукадева Госвами деди: Моддий оламини яратиш учун табиатнинг уч гунаси кўринишида намоён бўладиган Парвардигор, Худонинг Олий Шахси олдида эҳтиром билан бош эгаман. У ҳар кимнинг танасида мавжуд бўлган тўла бутун Зот. Унинг йўллари англаб бўлмасдир.

Изоҳ: Моддий олам табиатнинг уч гунаси: эзгулик, эҳтирос ва ғафлат гунасининг намоён бўлган кўринишидир, - моддий оламини яратиш, мавжудлигини таъминлаб туриш ҳамда яқсон қилиш учун Парвардигор Браҳма, Вишну ва Шанкара(Шива) бўлиб, уч Илоҳ қиёфасига киради. Вишну сифатида У ҳар бир моддий тана ичига киради. Гарбходакашайи Вишну қиёфасида У ҳар бир коинот ичига, Кширодакашайи Вишну қиёфасида - ҳар бир тирик мавжудот танасига киради. Парвардигор Шри Кришна - барча вишну-таттвалар манбаи, шунинг учун У бу ерда параҳ пуман, "Бхагавад-гита"(15.18)да эса, - Пурушоттама деб аталган. У - тўла бутун Зот, пурушаватаралар эса - Унинг тўлиқ экспансияларидир. Бхакти-йога - инсоннинг Худони англай олишига ёрдам бера оладиган ягона усул. Эмпирик-файласуфлар ва сеҳргар-йоглар Худо Шахсини англай олмаганлари туфайли Уни ану-палакшйа-вартмане, яъни англаб бўлмас йўл - бхакти-йоганинг Ҳумдори деб атайдилар.

13. Борлиқ ва руҳий ҳақиқатнинг мукамал тимсоли, содиқ ва тақводор зотларни азобуқубатлардан халос этувчи ва имонсиз-атеистларнинг иблисларга хос хулқ-атворини

жиловлаб қўядиган Парвардигор олдида такрор ва такрор бош эгаман. Руҳий баркамолликнинг энг юқори поғонасига қўтарилган илоҳиёт кишиларини улар интилаётган мақсадга эришиш бахти билан мукофотлайдиган Зот ҳам Унинг Ўзидир.

Изоҳ: Парвардигор Шри Кришна - бутун борлиқнинг - ҳам моддий, ҳам руҳий оламнинг мукамал қиёфаси. Акхила ибораси "тўлиқ, мукамал" деган маънони билдиради ва кхила, яъни "қуйи" иборасининг антоними ҳисобланади. "Бхагавад-гита"да айтилганки, пракритининг икки табиати мавжуд: моддий ва руҳий - Парвардигорнинг ташқи ва ички қуввати. Моддий табиат апара, яъни "қуйи" деб, руҳий табиат эса - пара, "олий", "илоҳий" деб аталади. Бундан кўришиб турибдики, Парвардигорнинг қиёфаси қуйи моддий табиатга мансуб эмас. У - руҳий мавжудликнинг мукамал кўринишида намоён бўлишидир. Бунинг устига, У - мурти, яъни илоҳий қиёфага эга. Парвардигорнинг илоҳий қиёфаси ҳақида ҳеч қандай тушунчага эга бўлмаган ҳолда калтафаҳм одамлар Уни шахсиятсиз Браҳман деб ҳисоблайдилар. Браҳман - Унинг илоҳий танасидан таралиб турган порлоқ нур, холос. Парвардигорнинг илоҳий танаси борлигини биладиган Худонинг содиқлари ўзларини Унга хизмат қилишга бағишлайдилар, Парвардигор ҳам Ўзининг бесабаб марҳаматини кўрсатиб, содиқларини барча мусибатлардан халос этиб уларнинг муҳаббатига муносиб жавоб беради. Ведаларнинг қонун-қоидаларига риоя қилиб юрган тақводор инсонлар ҳам Парвардигор учун жуда азиз зотлардир, шу боис улар ҳам Унинг ҳимояси остида бўладилар. Нопок ва имонсиз одамлар Ведаларнинг қонун-қоидаларига қарши чиқадилар, шу боис ўзларининг гуноҳ ишларида улар кўплаб тўсиқларга дуч келадилар. Парвардигор алоҳида марҳамат кўрсатган иблисларни Шахсан Ўзи ўлдиради. Шу тариқа улар озодликка эришадилар ва ўзларининг иблисона фаолиятига чек қўядилар. Худонинг содиқларига ёрдам бериш ёки иблисларни жазолаш билан Кришна худди ғамхўр ота сингари, ҳар кимга албатта меҳрибонлик қилади, чунки У - Ўзида алоҳида мавжуд бўлишнинг барча турларини мужассам қилган мавжудликнинг мукамал, тўлиқ қиёфасидир.

Парамахамса - руҳий баркамолликнинг олий поғонасидир. Шримати Кунтидеви айтадики, аслини олганда фақат парамахамсалар Парвардигорни англай оладилар. Илоҳий илмни эгаллаш жараёнида инсон аввало шахсиятсиз Браҳманни англаб етади, кейин жамланган Параматмани, фақат шундан кейин Худо Шахсини, Пурушоттама, Парвардигор Кришнани англаб

этади. Худди шундай саннийаси турмуш-тарзини қабул қилган кишининг ҳам ҳар ҳил руҳий юксалиш поғоналари бор: кутичака, бахудака, паривраджакачарйа ва парамахамса. Таркидунёлик қилиб яшаш - саннийасига қасам ичган кишиўтадиган руҳий юксалиш поғоналари шулардан иборат. Парвардигор Кришнага қилган илтижоларида Пандузодаларнинг онаси малика Кунтидеви шулар ҳақида гапиради (Биринчи қўшиқ, саккизинчи боб). Имперсоналистлар ҳам, Худонинг содиқлари ҳам парамахамса поғонасига кўтарила оладилар, лекин "Шримад Бхагаватам" Кунтидеви айтадики, фақат парамахамсалар ҳақиқий бхакти-йогани англай оладилар. Кунтидеви алоҳида тўкидлаб айтадики, Парвардигор атайлаб парамахамсаларга бхакти-йога илмини бериш учун келади (паритранайа садхунам). Шундай қилиб, охир-окибатда ҳақиқий парамахамсалар - Парвардигорнинг бенуксон пок содиқ хизматкорларидир. Шрила Жива Госвами очик эълон қилиб айтадики, инсон бўлиб яшашдан олий мақсад - инсонни Парвардигорга муҳаббат билан илоҳий хизмат қилиш йўлига бошлайдиган бхакти-йога, бхакти-йога йўлидан бораётган кишилар парамахамсалардир.

Имперсоналистлар бхактини Парвардигорнинг шахсиятсиз кўриниши - брахмажйотида Унинг борлигига қўшилиб кетиш имконини берадиган усул деб биладилар, Парвардигор ҳаммага бир хилда меҳрибон бўлгани учун У имперсоналистларнинг ҳам истагини бажаради. "Бхагавад-гита"(4.11)да Парвардигор йе йатха мам прападйанте, дейди. Шрила Вишванатха Чакравартининг фикрига кўра, парамахамсалар икки тоифа бўладилар: брахманандалар (имперсоналистлар) ва преманандалар (Худонинг содиқлари). Улар ҳам, булар ҳам ўз мақсадларига эришадилар, лекин преманандалар омадлироқ зотлардир. Лекин, брахмананда ҳам, премананда ҳам илоҳиёт кишилари ҳисобланади ва уларнинг Парвардигорнинг ҳар хил мусибатларга тўла куйи моддий табиатига умуман алоқаси йўқ.

14. Мен Йадавалар хонадонининг сардори, имонсиз одамлар англай олмайдиган Парвардигор олдида эҳтиром билан бош эгаман. Парвардигор - руҳий ва моддий оламларнинг олий лаззатланувчиси, лекин Унинг Ўзи руҳий оламдаги Ўзининг даргоҳида лаззатланиб яшайди. Унинг тенги йўқ, чунки Унинг илоҳий бойликларининг ниҳояси йўқ.

Изоҳ. Парвардигор Шри Кришнанинг намоён бўлган илоҳий кўринишларининг икки жиҳати бор. У гоҳида Йадавалар хонадонининг аъзоси бўлиб, гоҳида Аржуннинг дўсти бўлиб, гоҳида

Вриндаван аҳолисининг қўшниси бўлиб, гоҳида Нанда ва Йашоданинг ўғли, Судама, Шридама ва Мадхумангаланинг дўсти, Враджабхумилик қизларнинг севгилиси ва ҳоказо бўлиб ҳамиша Ўзининг асл содиқ хизматкорларининг ёнида юради. Унинг шахсий жиҳати шу тарзда намоён бўлади. Ўзининг шахсиятсиз аспектида эса, У чексиз ва ҳамма жойни қамраб оладиган брахмажйоти нуруни таратади. Қуёш нурларига ўхшаб ҳамма жойга сингиб кетган брахмажйоти нурларининг бир қисми махат-таттванинг қоронғу қатлами остида қолади, брахмажйотининг ана шу қисми моддий олам деб аталади. Моддий оламда биз яшаётган коинотга ўхшаган сон-саноксиз коинотлар бор, уларнинг ҳар бирида бизникига ўхшаган юзлаб ва минглаб сайёралар бор. Дунёвий одамлар Парвардигорнинг ана шу чексиз ястаниб ётган ёғдусига у ёки бу даражада махлиё бўлиб қолганлар, лекин Худонинг содиқларини Парвардигорнинг бутун борлиқнинг манбаи бўлган шахсий жиҳати кўпроқ қизиқтиради (джанмадй асйа йатах). Худди куёш нурлари куёшдан тарқалгани сингари, брахмажйоти нурлари ҳам руҳий оламнинг энг олий руҳий сайёраси бўлган Голока-Вриндавандан тарқалади. Моддий оламдан ташқарида, чексиз руҳий осмонда Ваикунтҳолака деб аталадиган кўплаб руҳий сайёралар бор. Дунёвий одамлар руҳий салтанат нари турсин, ҳатто моддий олам ҳақида ҳеч нарса билмайдилар. Шунинг учун улар ҳамиша Парвардигордан чексиз йироқ юрадилар. Ҳатто улар қачонлардир шамол ёки хаёл тезлигида уча оладиган бирор механик қурилма кашф эта олсалар, шунда ҳам улар руҳий оламдаги сайёраларга эриша олмайдилар. Шунинг учун Парвардигор ва Унинг даргоҳи улар учун ҳамиша афсона ва жумбоқ бўлиб қолаверади, Ўзининг асл содиқларини эса Парвардигор Ўз даврасига олишга ҳамиша тайёр туради.

Парвардигорнинг руҳий оламдаги бойлиги чексиз. Парвардигор барча руҳий сайёраларда - сон-саноксиз Ваикунтҳолакаларда Ўзининг тўлиқ намоён бўлган экспансияларида ва Ўзининг ҳамроҳлари, озодликка эришган содиқлари даврасида иштирок этади. Парвардигорнинг борлигига қўшилиб кетишга интиладиган имперсоналистларга эса, У брахмажйотида руҳий учкун бўлиш имконини беради. Улар руҳий оламдаги сайёраларда - хоҳ Ваикунтҳолада бўлсин, хоҳ "Бхагавад-гита"да мад-дҳама, мазкур шеърда эса сва-дҳама деб аталган олий сайёра Голока-Вриндаванда бўлсин - Парвардигорга ҳамроҳ бўлиб юриш учун зарур сифатларга эга эмаслар.

"Бхагавад-гита"(15.6)да мад-дҳама яъни сва-дҳама шундай таърифланади:

на тад бхасайате сурйо...

"Парвардигорнинг сва-дхамасида қуёш ёки ой нурига ёки электр ёруғлигига ҳожат йўқ. Бу дҳама - олий даргоҳ, унга эришган киши ҳеч қачон моддий оламга қайтиб келмайди".

Ваикунтҳа ёки Голока-Вриндаван ўзларидан нур таратиб турадилар, Парвардигорнинг сав-дхамасидан таралиб турган ана шу ёғду браҳмажйоти деб аталади. Бунинг тасдиғини Ведалардан ҳам топиш мумкин: "Мундака-упанишад"(2.2.10), "Катха-упанишад"(2.2.15) ва "Шветашватара-упанишад"(6.14)да шундай дейилган:

на татра сурйо бхати на чандра-таракам...

"Парвардигорнинг сва-дхамаси шамчиروқлар нари турсин, ҳатто қуёш ёки ой нурига, электр ёритгичларга муҳтож эмас. Бунинг устига бу оламда нур таратиб турган нарсаларнинг ҳаммаси сва-дҳамадан таралаётган нурни акс эттириб туради".

Шахсиятсиз браҳмажйотининг ёғдусидан кўзлари қамашган одамлар илоҳий Зотнинг шахсий кўринишини англаб етишга қодир эмаслар. Шунинг учун "Ишопанишад"(15)да Худонинг содиқ хизматкори Парвардигордан ана шу нурни олиб ташлашни ва унга аниқ ҳақиқатни кўришга рухсат беришни илтижо қилади. Унда шундай дейилган:

хиранмайена патрена...

"Эй азиз Худойим, ҳам моддий оламдаги, ҳам рухий оламдаги бутун борлиқ Сенда мужассам, ҳаммаси фақат Сенинг марҳаматинг билан гуллаб-яшнапти. Сенга садоқат билан хизмат қилиш, бхакти-йога - ҳақиқий дин йўлидир, мен Сенга хизмат қилиб шу йўлдан боряпман. Шунинг учун илтимос, Ўзингнинг ҳақиқий жамолингни кўрсатиб мени ҳимоя қил. Кўзни қамаштирадиган браҳмажйоти пардасини олиб ташла ва менга Сенинг илм ва лаззатга тўла мангу қиёфангни кўришга рухсат бер".

15. Мен бутун оламга саодат келтирувчи Парвардигор Шри Кришна олдида чуқур эҳтиром билан бош эгаман, чунки, Уни олқишлаш, эслаш, жамолини кўриш, У ҳақидаги ҳикояларни тинглаш, Унинг олдида тиз чўкиб илтижо қилиш билан инсон ўзининг барча гуноҳлари оқибатидан покланади.

Изоҳ: Мазкур шеърда буюк ишончли мўътабар зот Шри Шукадева Госвами инсонни барча гуноҳлари оқибатидан халос этишга қодир бўлган диний фаолиятни таклиф этяпти. Киртанам - Парвардигорни ҳар хил усуллар билан олқишлаш мумкин: Уни эслаш, эҳромдаги Илоҳларни томоша қилиш: Унга илтижо қилиш ёки Худони олқишлайдиган - "Бхагавад-гита" ва

"Шримад Бхагаватам" сингари асарларни тинглаш. Парвардигорни мусиқа асбоблари жўрлигида шарафлаб куйлаш ёки "Бхагавад-гита" ва "Шримад Бхагаватам" сингари муқаддас китобларни ўқиб муҳокама қилиш билан ҳам киртан ўтказиш мумкин.

Худонинг содиқлари ҳатто уларга Парвардигор билан бирга бўлишдан маҳрумдай туюлса ҳам, уларнинг Парвардигор шахсан иштирок этмаётганидан ҳафсаласи пир бўлишига ҳеч қандай асос йўқ. Худого садоқат билан хизмат қилиш - Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш, тинглаш, эслаш ва ҳоказо(ҳаммаси биргаликда ёки биттаси ҳам), - муҳаббат билан илоҳий хизмат қилиш жараёнида Парвардигор билан бевосита алоқада бўлиш имконини бериш билан содиқ кутаётган натижани беради. Ҳатто Парвардигор Кришна ёки Парвардигор Рамачандранинг илоҳий номлари товушининг ўзиёқ атроф-муҳитни поклаб рухий поғонага кўтариб қўяди. Худонинг содиқлари Парвардигорга соф садоқат билан хизмат қилиб юрган ҳар қандай жойда Парвардигор албатта иштирок этишини ва ҳақоратларсиз ижро этилаётган киртанада иштирок этаётган ҳар бир содиқ Парвардигор билан бевосита ҳамсуҳбат бўлишини биз яхши тушуниб олишимиз лозим. Агар тажрибали моҳир раҳбарлик остида ижро этилаётган бўлса, Худони эслаш ва Унга илтижо қилиш ҳам кутилган натижани беради. Худого садоқат билан хизмат қилишнинг қандайдир янги усулларини кашф этиш керак эмас. Эҳромда Парвардигорнинг илоҳига сиғиниш мумкин, ёки кўз олдимизда Унинг шахсий қиёфасини кўрмай турган ҳолда масжид ёки черковларда Унга самимий илтижо қилиш мумкин. Агар эҳромда Парвардигорга сиғиниш, масжид ёки черковда Худого илтижо қилиш билан гуноҳларимдан халос бўламан деган ниятда онгли равишда яна гуноҳ қилишда давом этавермаса, инсон шу тарзда албатта ўзининг барча гуноҳлари оқибатидан халос бўлади. Инсонни Худого садоқат билан хизмат қилишнинг поклаш қудратига ишониб онгли равишда гуноҳ иш қилишга мажбур этадиган ақлни намно балад йасйа хи папа-буддхих деб атайдилар, - мана шу Худого садоқат билан хизмат қилиш жараёнида содир қилиш мумкин бўлган энг оғир гуноҳ, шу боис инсонга гуноҳ ишларнинг барча тузоқларини четлаб ўтишга ёрдам берадиган тинглаш жараёнига жуда катта аҳамият берилади. Тинглаш жараёнининг жуда муҳимлигини алоҳида таъкидлаш ниятида Шукадева Госвами барчага саодат келтирувчи Парвардигорга илтижо қилади.

16. Мен такрор ва такрор чуқур эҳтиром билан барчага саодат келтирувчи Парвардигор Шри Кришна олдида бош эгаман. Унинг ни-

луфар қадамлари пойига ўзини топширган донишмандлар ҳозирги ва келгуси ҳаётларига боғланиш туйғусидан халос бўладилар ва қийналмасдан руҳий ҳаётга эришадилар.

Изоҳ: Парвардигор Кришна Аржунга, айна пайтда бошқа ҳаммага такрор ва такрор алоҳида таъкидлаб, инсон Унинг асл содиқ хизматкори бўлиши лозимлигини айтяпти. Ўзининг насиҳатларини тамомлар экан, У "Бхагавад-гита"(18.64-66)да Аржунга энг нодир махфий илмни ошкор этади:

сарва-гухйатамам бхуйах...

"Эй Аржун, сен Менга жуда азиз бўлганинг учун Мен сенга Ўз таълимотимнинг энг махфий сирини ошкор этаман: Менинг асл содиқ хизматкорим бўл, ўзингни бутунлай фақат Менга хизмат қилишга бағишла. Мен сенга ҳақиқий руҳий ҳаётни ваъда бераман, унда сен Менга муҳаббат билан илоҳий хизмат қилиш ҳуқуқига эга бўласан. Диндорликнинг бошқа барча турларини тарк эт, ўзингни бутунлай Менга топшир, ишон, Мен сени барча гуноҳларинг оқибатидан поклаб озодликка чиқараман. Ҳеч нарсдан ташвишланма".

Ақл фаросатли кишилар Парвардигорнинг мана шу якуний насиҳатларини жиддий қабул қиладилар. Руҳ ҳақидаги илм руҳий ўзликни англашнинг биринчи поғонаси бўлиб, махфий сирли илм ҳисобланади. Навбатдаги поғона - Худони англаш илми бўлиб, бу ундан ҳам махфийроқ илм ҳисобланади. Худони англаб етиш "Бхагавад-гита"да берилган илмнинг гултожи ҳисобланади, инсон Худони англаб етиш поғонасига кўтарилганида унинг қалбида Худонинг содиқ хизматкори бўлиш ва Унга садоқат билан илоҳий хизмат қилиш истаги пайдо бўлади. Карма-йога, гйана-йога ва дхйана-йогада тавсия қилинадиган жисмоний амаллардан фарқли равишда Худога садоқат билан хизмат қилиш ҳамиша Худога муҳаббатга асосланади. "Бхагавад-гита"да ҳар хил тоифага мансуб одамлар учун мўлжалланган илм берилган бўлиб, унда варнашрама-дхарма, саннийаса-дхарма, йати-дхарма, яъни таркидунёлик турмуш-тарзи, сезгиларни жиловлаш усуллари, мууроқаба, сеҳр қудратини ошириш усллари ва ҳоказолар ёзилган, лекин қалбида ўзидан-ўзи пайдо бўлган муҳаббат туйғусининг ундови билан ўзини Худога топширган ва ҳаётини Унга хизмат қилишга бағишлаган киши Ведаларда берилган барча илмларнинг маъносини англаб этади. Мана шу йўлдан адашмай бораётган киши тез вақт ичида инсон ҳаётининг мукамал поғонасига кўтарилади. Инсон ҳаётининг мукамал поғонаси браҳма-гати, яъни руҳий ҳаётга интилиш деб аталади. Ведаларга таянган ҳолда Шрила Жива Госвами айтадики, браҳма-гати

поғонасига эришиш - Парвардигорнинг танасига ўхшаган руҳий танага эга бўлишдан иборат бўлиб, озодликка эришган тирик мавжудот ана шу танада руҳий оламнинг сайёраларидан бирида мангу яшайди. Парвардигорнинг асл содиқ хизматкори ҳеч қандай қийин усулларга муурожаат қилмасдан ана шундай баркамол ҳаётга осонлик билан эришади. Аввалги шеърда айтилганидек, содиқнинг ҳаёти - киртанам, смаранам, икшанам ва бошқа амаллардан иборат. Шу боис барча одамлар дунёнинг барча жойидаги ҳар қандай инсонга энг юксак баркамоллик чўққисига эришиш имконини берадиган ҳаммабоп бхакти-йоганинг мана шу осон усулдан фойдаланиши лозим. Маъбуд Браҳма Вриндаванда ўйнаб юрган шўх болакай қиёфасидаги Парвардигор Кришна билан учрашганида у Кришнага илтижо қилди, унда шундай дейилган(ШБ.10.14.4):

шрейах-сутим бхактим...

Бхакти-йога - ақл-фаросатли киши ҳар хил кўринишдаги руҳий фаолиятлардан воз кечиб эриша олиши мумкин бўлган руҳий баркамолликнинг энг олий поғонасидир. Мазкур шеърда келтирилган мисол жуда ўринли: **тоғдай шоли похolidан кўра бир ховуч гуруч афзал.** Шунинг учун карма-канда, джнана-канда ёки йоганинг турли жисмоний машқлари билан шуғулланиб вақт кетказиб юргандан кўра, ҳақиқий руҳий устоз раҳбарлиги остида диққат билан бхакти-йоганинг киртанам, смаранам ва ҳоказолар сингари осон ва оддий усулларидан фойдаланиш ва шу тарзда ҳеч қийналмасдан руҳий баркамолликнинг олий поғонасига кўтарилиш лозим.

17. Мен такрор ва такрор чуқур эҳтиром билан барчага саодат келтирувчи Парвардигор Шри Кришна олдида бош эгаман, чунки, ҳатто саховат кўрсатишда донг таратган буюк донишмандлар ҳам, оламга машхур зотлар ҳам, буюк файласуф ва сеҳргарлар ҳам, ведавий ҳамду-саноларни чиройли тиловат қиладиган буюк зотлар ҳам, ведавий қонунқоидаларни қаттиқ қўллаб-қувватлайдиган зотлар ҳам агар ўзларининг тенгсиз сифатларидан Худога хизмат қилишда фойдаланмасалар, ўз фаолиятида муваффақиятга эриша олмайдилар.

Изоҳ: Олий маълумотли бўлиш, эзгу ишлар қилиш, инсонлар жамиятида сиёсий, ижтимоий ва диний соҳаларда раҳбарлик қилиш, фалсафий изланиш ёки йога билан шуғулланиш, ведавий маросимларни ўтказиш ва шунга ўхшаган бошқа фазилатлар фақат улардан Худо йўлида фойдаланилсагина руҳий баркамолликка эришишга ёрдам беради. Акс ҳолда бу фазилатларнинг

ҳаммаси атрофдаги одамлар учун ташвиш манбаи бўлади. Инсон ҳар қандай нарсадан ё ўзининг сезгиларини лаззатлантириш учун ё бошқа бировга хизмат қилиш учун фойдаланиш мумкин. Манфаат кўзлаш икки турли бўлади: ўзининг шахсий манфаатини ўйлаш ва жамоа манфаатини кўзлаш - аслини олганда улар бир биридан фарқ қилмайди. Ўз манфаати учун ҳам, оила манфаатини ўйлаб ўғирлик қилиш ҳам барибир ўғирлик бўлиб, жиноят ҳисобланади. Ўз манфаати учун эмас, балки жамоа ёки мамлакат манфаати учун ўғирлаганини пеш қилиб ўзини оқлайдиган ўғрининг жиноятини оқлаш имкони берадиган қонун мавжуд эмас. Тирик мавжудотнинг манфаати агар Парвардигорнинг манфаатига мос келсагина мукамал бўлишини одамлар билмайдилар. Масалан, нимага танада жон(руҳ)нинг мавжудлигини таъминлаб туриш керак? Тананинг мавжудлигини таъминлаш учун инсон пул ишлаб топади, лекин у агар ўзининг фаолиятини Парвардигор билан ўзаро муносабатини қайта тиклашга қаратмаса, унинг интилишлари ҳайвонларнинг интилишларидан фарқ қилмайди. Аслини олганда инсон ҳозирги танада жон сақлашга уриниб юрар экан, ўз олдига ҳайвонларникидан фарқ қиладиган мақсад қўйиши лозим. Худди шундай илмий изланишлар, иқтисодий тараққиёт, фалсафий изланишлар, ведавий муқаддас китобларни ўрганиш ва ҳатто инсонпарварлик фаолияти ҳам Парвардигор билан боғлиқ бўлиши лозим. Ана шундай интилиш ва бу йўлдаги ишларни инсон айрим шахсларнинг ёки бирор жамоанинг манфаатини кўзлаб эмас, балки Парвардигорни мамнун қилиш мақсадида қилиши лозим(самсиддхир хари-тошанам). "Бхагавад-гита"(9.27)да ҳам ана шундай қоида эълон қилинган: инсон нима эҳсон қилса ҳам, қандай риёзат чекса ҳам, уларни Худога бағишлаши ва ҳамма ишни фақат Худо учун, Худо йўлида қилиши лозим. Токи худобехабар инсониятнинг йўлбошчилари Худонинг онгини қабул қилмас эканлар, уларнинг иқтисод ва таълим-тарбия соҳасидаги барча уринишлари кутилган натижани бермайди. Худони англаб етиш, Унинг онги билан яшаш учун "Бхагавад-гита", "Шримад Бхагаватам" ва бошқа муқаддас китоблардаги ҳаммага бирдай саодат келтирадиган Парвардигор ҳақидаги ҳикояларни тинглаш лозим.

18. Киратлар, хуналар, андхралар, пулиндалар, пулкашалар, абхиралар, шумбхалар, йаванлар, кхас қабиласи аъзолари ва ҳатто бошдан-оёқ гуноҳга ботганлар ҳам, Парвардигорнинг чексиз қудрати билан Унинг содиқларининг паноҳига кириб барча гуноҳлари оқибатидан поклана оладилар.

Мен Унинг олдида чуқур эҳтиром билан бош эгаман.

Изоҳ: **Кирата.** "Маҳобҳорат"нинг Бхишма-парвада келтирилган қадимий Браҳатаваршанинг бир вилояти. Одатда Ҳиндистоннинг қадимий қабилаларини кираталар деб атайдилар; ҳозирги кунда қадимий Кирата вилоятининг ерларини Бихардаги Сантал Паргана ва Чхота Нагпур вилояти эгаллаган.

Хуна. Ҳозирги Шарқий Германия ва Россиянинг бир қисми хуналар вилояти деб аталган. Баъзан тоғлик қабилаларнинг баъзи бирлари ҳам хуналар деб аталади.

Андхра. Ҳиндистон жанубидаги вилоят, "Маҳобҳорат"нинг Бхишма-парвасида эслаб ўтилади.

Пулинда. "Маҳобҳорат"(Ади-парва174.38)да унинг аҳолиси эслаб ўтилади. Бу мамлакатни Бхимасена ва унинг укаси Сахадева забт қилган эди. Пулинда деб юнон(грек)ларни айтганлар, "Маҳобҳорат"нинг Вана-парвасида Ведалар маданиятини инкор этган шу ерда яшайдиган халқ бир вақт келиб бутун ер юзига ҳукмронлик қилиши башорат қилинган. Бир вақтлар Пулинда бир вилоят сифатида Бхарата империясининг таркибига кирган эди. Ўша пайтда у ерда шоҳқшатрийлар варнасига мансуб кишилар яшаган. Лекин, кейинчалик улар браҳманлар маданиятидан воз кечганларида, (худди исломни тан олмайдиганлар - кофир, христиан маданиятига амал қилмайдиганлар - ғайридин дегани сингари) уларни млеччхалар деб атаганлар.

Абхира. Бу ном ҳам "Маҳобҳорат"да - Сабхапарвада ва Бхишма-парвада учрайди, унда бу вилоят Синддаги Сарасвати дарёси атрофида жойлашгани айтилган. Қадимда Синд вилояти таркибига Араб денгизининг нариги соҳилидаги ерлар ҳам кирган бўлиб шу ерда яшайдиган халқни абхиралар деб атаганлар. Бу халқ Махараж Йудхиштхира ҳукми остида бўлган, Маркандеяда бу жойларда яшайдиган млеччхалар вақти келиб Бхарата варшага ҳукмронлик қиладилар, дейилган. Кейинчалик бу башорат ҳам, худди пулиндалар ҳақидаги башорат сингари тасдиқланди. Ҳиндистонни аввал пулиндалар қабиласидан чиққан Александр Македонский, кейин эса абхиралар табақасидан чиққан Муҳаммад Гоури забт қилди. Абхиралар ҳам бир вақтлар қшатрийлар табақасига мансуб халқ бўлиб, браҳманлар маданиятига амал қилар эдилар, лекин кейинчалик бу йўлдан қайтиб кетдилар. Парашурамадан қочиб кетган ва Кавказ тоғларида яшириниб олган қшатрийларни ҳам абхиралар, улар яшайдиган жойларни эса Абхирадеша деб атаганлар.

Шумбхалар ёки канкилар. Бхаратанинг "Маҳобҳорат"да эслаб ўтилган қадимий вилояти бўлган Канки аҳолиси.

Йаванлар. Махараж Йайатининг ўғилларидан бирини Йаван деб атаганлар, унга ҳозирги Туркия давлати жойлашган ерлар мерос қолган. Шундай қилиб, турклар йаванлар - Махараж Йаваннинг авлодлари ҳисобланади. Демак, йаванлар ҳам кшатрийлар, лекин кейинчалик брахманлар маданиятидан воз кечиб, улар млеччха-йаванларга айланиб кетдилар. Йаванлар ҳақида "Маҳобҳорат"нинг Ади-парваси(85.34)да маълумотлар бор. Шунингдек, бошқа бир шахзода Турвасани ҳам йаванлар деб атаганлар. Унинг салтанатини Пандузодалардан биттаси Сахадева забт қилган. Карнанинг ундови билан ғарбий Йаванлар Курукшетрадаги жангда Дурйодхана тарафини олганлар. Бир вақтлар ана шу йаванлар ҳам Ҳиндистонни босиб оладилар деб башорат қилинган эди, кейинчалик бу башорат ҳам тасдиқланди.

Кхаса(кўса). Кхасадеша аҳолиси ҳақида "Маҳобҳорат"нинг Дрона-парвасида маълумотлар берилган. Одатда соқол-мўйлови ёмон ўсадиган одамларни кўсалар деб айтганлар, демак, мўғуллар, хитойликлар ва шундай хусусиятга эга бошқа халқлар ҳам кўсалар тоифасига киради.

Юкорида санаб ўтилган тарихий номлар Ер юзидаги турли халқларнинг номларидир. Агар Худонинг содиқлари ҳимояси остига кирса, ҳатто энг ашаддий гуноҳкор ҳам покланиб комил инсон даражасига эриша олади. Худонинг қудратли содиқлари, ҳақиқатан ҳам Худонинг номидан иш кўрган Ийсо Масих ва Муҳаммад пайғамбарнинг кўрсатган хизматлари бутун инсониятга буюк бахт-саодат келтирди. Шрила Шукадева Госваманинг мана шу гапларидан кўриниб турибдики, агар инсоният йўлбошчилари ҳозир юзага келган вазиятда имонсиз худобехабар жамиятга раҳбарлик қилишда давом этиш ўрнига дунёдаги муаммоларни ҳал қилишни Худонинг содиқларига топширсалар, қудратли Парвардигорнинг хоҳиши билан бутун жаҳондаги одамлар қалби кескин равишда ўзгариб кетган бўларди, чунки Худонинг содиқлари инсоннинг булганган ақлини иллатлардан поклаб, қалбини ўзгартиришга қодирдирлар. Бунинг учун сиёсий арбоблар ўзларининг лавозимларини ташлаб кетишлари ҳам шарт эмас, чунки Худонинг асл содиқларини сиёсий ҳукмронлик ёки дипломатик фаолият қизиқтирмайди. Худонинг содиқлари фақат сиёсий тарғибот одамларни тўғри йўлдан адаштирмаслиги ва улар охир-оқибатда инсонни тубанликка ғарқ қиладиган маданият қонунларига амал қилиб ўзларининг нодир инсон умрининг қадрли вақтини бекорга сарфла-

маслигини қайгурадилар. Шунинг учун агар ўзларининг кундалик фаолиятида сиёсатчилар Худонинг содиқларининг доно маслаҳатларига амал қилсалар, Парвардигор Чаитанья исботлаб кўрсатганидек, Худонинг содиқларининг олиб бораётган одамлар қалбини поклашга қаратилган тарғиботлари шарофати билан бутун жаҳондаги вазият бутунлай ўзгариб кетади. Шукадева Госвами ўз илтижоларини йат-киртанам иборасининг мазмунини тушунтиришдан бошлади, Парвардигор Чаитанья ҳам айтган эдики, Парвардигорнинг муқаддас номини шарафлаб қуйлаш одамларнинг қалбини бутунлай ўзгартириб юборишга ва сиёсатчилар сабабли юзага келган халқлар орасидаги ўзаро душманликни бартараф этишга қодир, душманлик олови ўчгандан кейин эса, бутун жаҳонда тинчлик ва осойишталик ҳукм сура бошлайди, одамлар олдида эса уларни олий мақсадга - ўзларининг мангу уйига, Худонинг даргоҳига олиб борадиган саодатли йўл эшиклари очилади.

Одатда вайшнавларнинг дини деб аталадиган бхакти ғоясига кўра, ҳар қандай инсон ҳам Худони англаб ета олади. Вайшнав шундай илоҳий қудратга эгаки, у ҳатто киратларни ва мазкур шеърда кўрсатилган бошқа халқларни ҳам Худонинг содиқ хизматкорига айлантира олади. "Бхагавад-гита"(9.32)да Парвардигор айтадики: Унинг содиқ хизматкори бўлиши учун инсонга ҳеч нарса тўсқинлик қила олмайди, Худонинг содиқ хизматкори бўлган киши эса, ўзининг уйига, Худонинг даргоҳига қайтиш ҳуқуқига эга бўлади. Бунинг учун фақат бир нарса - Парвардигорнинг "Бхагавад-гита" ва "Шримад Бхагаватам"да баён этилган илоҳий илмни мукамал эгаллаб олган асл содиқ хизматкорининг паноҳига кириш лозим. Кришна ҳақидаги илмни эгаллаган ҳар қандай инсон қаерда туғилганидан қатъий назар Парвардигорнинг асл содиқ хизматкори ва одамларнинг қалбини поклаб эзгу ниятли инсонларга айлантиришга қодир руҳий устоз бўлади. Агар ҳақиқий вайшнав билан мунтазам равишда учрашиб турса, ҳатто энг ашаддий гуноҳкор ҳам покланиб Худонинг содиқ хизматкори бўла олади. Шунинг учун вайшнав эътиқоди ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар, дунёнинг истаган чеккасидан ҳар қандай одамни шогирдликка олиши ва инсон ҳаётини тартибга соладиган қонунқоидалар ёрдамида уни брахманлар маданиятига нисбатан илоҳий даражада бўлган ҳақиқий вайшнав даражасига етказа олади. Варнашрама-дхарма, жамиятни табақаларга бўлиш тизими ҳатто бу маданият издошлари орасида ҳам тобора йўқолиб кетяпти. Ҳозирги ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий инқилоблар шароитида ижтимоий тизим сифатида уни қайта-тиклашнинг иложи йўқ. Лекин, ўзи яшаб турган жойдаги маданият

қандай бўлишдан қатъий назар ҳар қандай инсон руҳий жиҳатдан вайшнавлар эътиқодини қабул қилиши мумкин, чунки бу илоҳий жараёнга ҳеч нарса тўскинлик қила олмайди. Шунинг учун Парвардигор Шри Чаитанйа Махапрабхунинг кўрсатмаларига асосланиб, мана шу илоҳий эътиқодга риоя қилишни истаган ҳар қандай инсонни Худонинг содиқларига айлантириб, бутун жаҳон бўйлаб "Шримад Бхагаватам" ва "Бхагавад-гита" маданиятини тарғибот қилиш лозим. Ҳеч шубҳа йўқки, Худонинг содиқлари олиб бораётган мана шу маданиятни тарғибот қилиш ишларини миллатчилик иллатига ботиб қолмаган барча интилувчан ва чуқур мулоҳазали илғор кишилар чин қалби билан қабул қилиб, уларни албатта қўллаб-қувватлайдилар. Вайшнав ҳеч қачон бошқа бир вайшнавга унинг ижтимоий келиб чиқишига қараб муносабат билдирмайди ёки эҳромдаги Илоҳни бут-санам деб атамайди. Бу борада юзага келиши мумкин бўлган барча гунмонларни тарқатиб юбориш учун Шукадева Госвами ҳар нарсага қодир Парвардигорга илтижо қилади(прабхавишнаве намах). Худди, Парвардигор Ўзининг арчана - Парвардигорнинг эҳромдаги қиёфасига хизмат қилиш билан машғул содиқ хизматкорининг камтарона хизматини қабул қилганида Илоҳ ясалган ёғоч ёки тош илоҳий табиатга айлангани сингари, тажрибали вайшнав раҳбарлиги остида ўзини Худога садоқат билан хизмат қилишга бутунлай бағишлаган кишининг танаси ҳам илоҳий табиатга ўзгаради. Бу борада вайшнавлар риоя қиладиган қоида шундай: арчйе вишнау шиладхир гурушу нара-матир ваишнаве джати-буддхих шри-вишнор намни шабда-саманйабуддхих -яъни, "Вайшнав эҳромда ўрнатилган Илоҳларни бут, санам деб билмаслиги, руҳий устозни оддий инсон деб ҳисобламаслиги лозим. Шунингдек у ҳақиқий вайшнавни жамиятнинг бирор табақасига мансуб деб билмаслиги лозим ва ҳоказо"(Падма-пурана).

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ҳар нарсага қодир қудратли Парвардигор қаерда ва қандай шароитда яшашидан қатъий назар ҳар қандай инсонни Ўзининг ҳимояси остига олишга қодир. Парвардигор одамларни бевосита шахсан Ўзи ёки Ўзининг ҳақиқий вакили руҳий устоз орқали ҳимоя қилади. Парвардигор Чаитанйа Ўзининг ҳаракатига варнашрама дхарма тизимидан ташқарида бўлган жуда кўплаб одамларни қабул қилган ва бизларга ўрнатилган кўрсатиб Ўзи айтганки, Унинг Ўзи бирор ашрам ёки табақага мансуб эмас, У Вриндавандаги гопиларнинг севгилисидан бўлган Парвардигор(Кришна)нинг содиқ хизматкорининг хизматкорининг хизматкори бўлади. Ўзликни англаш йўли шундай.

19. У - Олий Рух ва ўзлигини англаб етган барча руҳ(жон)ларнинг Парвардигори. У - Ведаларнинг, муқаддас китобларнинг ва барча риёзатларнинг тимсолидир. Маъбуд Браҳма, Шива ҳамда бирор моддий истаги қолмаган ва ҳеч нарсага даъвогар бўлмаган зотларнинг барчаси Унга сиғинадилар. Илоҳ ана шундай эҳтиром ва ҳаяжон билан эъзозланадиган Олий Мутлақ Зот мендан мамнун бўлсин!

Изоҳ: Парвардигор, Худо Шахси ўзликни англашнинг турли йўлларида бораётган барча одамларнинг ягона ҳукмдори бўлса ҳам, Уни фақат ҳеч қандай шарт қўймайдиган, бирор даъвоси бўлмаган холис содиқлар англаб ета оладилар. Ҳар ким мангу хотиржамликка ва мангу ҳаётга интилади. Ана шу мақсадга эришиш учун одамлар ведавий ва бошқа муқаддас китобларни ўрганадилар, ёки эмпирик фалсафа, сеҳрли йога, Худога садоқат билан хизмат қилиш ва бошқа йўллар орқали бориб қаттиқ риёзатларга бериладилар. Лекин Парвардигорни фақат асл содиқ хизматкорлар тўла англай оладилар, чунки улар ҳақиқатан ҳам самимий ва ҳеч нарсага даъво қилмайдиган зотлардир. Ўзликни англаш йўлидан бораётган кишиларни одатда карми, джнани, йоглар ва Худонинг содиқларига ажратадилар. Ведавий урф-одатларнинг, ўтказилган маросимларнинг натижалари қизиқтирадиган кармиларни бхукти-ками, яъни "моддий лаззатланишга интилиб юрган зотлар" деб атайдилар. Фалсафий изланишлар ёрдамида Парвардигор билан қўшилиб кетишга интилиб юрган джнаниларни мукти-ками, яъни "моддий тирикчиликдан озодликка чиқишга интилиб юрган кишилар" деб атайдилар. Дунёвий баркамолликнинг саккиз турига эришишга интилиш учун ҳар хил риёзатларга берилиб юрган ва охири-оқибатда жазавали транс ҳолатига кириб қалбида Олий Рух(Параматма)ни кўрадиган зотларни сиддхи-кама, яъни ўзларига энг кичик нарсадан ҳам кичик, энг оғир нарсадан ҳам оғир, истаган нарсасини ола билаш, одамлар устидан ҳукмронлик қилиш, истаган нарсасини ярата билиш ва ҳоказо қобилиятини берадиган сеҳр қудратига эга бўлишга интилиб юрганлар деб атайдилар. Қудратли йог ўзида ана шундай қобилиятларнинг ҳаммасини ривожлантира олади. Лекин Худонинг содиқларига ўзларининг шахсий манфаатини қондириш учун ҳеч нарса керак эмас. Худонинг содиқларининг ягона истаги - Худога садоқат билан хизмат қилишдан иборат, чунки Парвардигор - буюк Зот, алоҳида тирик мавжудот сифатида Худонинг содиқлари эса, Унинг мангу бўйсунган ажралмас заррачаларидир. Ўзи аслида Парвардигорнинг ажралмас заррачаси эканини англаб юриш Худонинг содиқ

хизматкорига барча истаклардан халос бўлишга, яъни ўз манфаати бирор нарсага интилмастикка ёрдам беради, шунинг учун Худонинг содикларини нишкама - истаги йўқ зотлар деб атайдилар. Ўзининг табиатига кўра тирик мавжудот ҳар қандай истаклардан озод бўла олмайди; бхукти-ками, мукти-ками ва сиддхи-камиларнинг истаклари ўз манфаатларини қондиришга қаратилган, лекин нишкама, Худонинг содиклари фақат ягона Парвардигорни мамнун қилишга интиладилар. Улар ҳамма нарсада Унинг амрига бўйсундилар ва Парвардигорни мамнун қилиш учун ўз бурчини бажаришга ҳамиша тайёр турадилар.

Аввалига Курукшетрадаги жангда иштирок этишдан бош тортиб, Аржун ўзини худди ўз манфаатини кўзлаётган кишидай тутган эди. Уни нишкама даражасига кўтариш учун Парвардигор унга карма-йога, джнана-йога, хатхайога ва бхакти-йога йўллари таърифланган "Бхагавад-гита"ни гапириб берди. Шахсий интилишлардан озод бўлган Аржун ўзининг қарорини ўзгартирди ва Парвардигорни мамнун қилиб жанг қилишга рози бўлди (қаришйе вачинам тава). Шу тарзда у нишкама - истаклардан озод киши бўлди.

Бу ерда мисол сифатида Маъбуд Брахма ва Шива келтирилиши тасодиф эмас, чунки Маъбуд Брахма, Шива, Шримати Лакшмиджи ва тўрт Кумар нишкама, шахсий истаклардан озод бўлишни тарғибот қиладиган тўрт вайшнавлар силсиласининг асосчилари ҳисобланадилар. Уларнинг ҳар бири ҳар қандай шахсий истаклардан озод зотлардир. Шрила Жива Госвами тушунтирадики, гата-вйаликаих ибораси прожджхита-каитаваих, яъни "шахсий даъвоси бўлмаган ёки эгалик қилишдан пок" деган маънони англатади. "Чайтанйа Чаритамрита" (Мадхйа, 19.149)да шундай дейилган:

*кришна-бхакти - нишкама, ата эва 'шанта'
бхукти-мукти-сиддхи-ками, сакали 'ашанти'*

Эзгу фаолияти натижаларига интилиб юрган, озодликка эришишга ва Парвардигор билан қўшилиб кетишга ёки сеҳрли йогада моддий баркамолликка эришишга интилиб юрган кишилар хотиржам бўла олмайдилар, чунки улар ўзлари учун нимагадир эга бўлишга интиладилар, Худонинг содиқ хизматкори эса ҳамиша хотиржам, чунки у ўзи учун ҳеч нарсага интилмайди ва Парвардигорнинг ҳар қандай истагини бажариш учун ҳамиша тайёр туради.

Хулоса қилиб шуни айтиш лозимки, Парвардигор ҳаммага керак, чунки Унинг рухсатисиз, агар Худро хоҳламаса, ҳеч ким ўзининг ниятига эриша олмайди. "Бхагавад-гита"да Парвардигор айтадики, инсонни унинг кўрсатаётган фаолияти натижалари билан фақат Унинг Ўзи мукофотлайди, чунки У - ҳаммининг: ведантистлар-

нинг ҳам, буцук карма-кандийларнинг ҳам, буюк дин арбоблари ва риёзатчиларнинг ҳам, қисқача қилиб айтганда, рухий баркамолликка интилиб юрган ҳаммининг олий хукмдори (адхишвара). Лекин, фақат ҳар қандай шахсий истаклардан холи бўлган содиқ хизматкоргина Уни англай олади. Шунинг учун Шрила Шукадева Госвами такрор ва такрор Худого садоқат билан хизмат қилишнинг муҳимлигини алоҳида таъкидлайди.

20. Худонинг ҳамма содиклари эъзозлайдиган, Йадавлар сулоласидаги барча шох (Андхака ва Вришни)ларнинг ҳимоячиси ва шон-шухрати, барча омад фаришталарининг рафиқаси, барча қурбонлик маросимларининг эгаси ва барча тирик мавжудотларнинг хукмдори, тафаккур султони, барча моддий ва рухий сайёраларнинг ҳақиқий эгаси бўлган, Ер юзидаги энг олий ҳокимият ва баркамоллик тимсоли бўлган Парвардигор Шри Кришна мендан Ўз марҳаматини аямасин!

Изоҳ: Шукадева Госвами машҳур гата-вйалик, ҳаёт ҳақида сохта тасаввурлардан холи инсонлардан бири бўлгани учун у Парвардигор Шри Кришнани барча мукамалликлар бирикмаси бўлган Худо Шахси сифатида қабул қилишини таърифлайди. Ҳамма раванқ фариштасининг марҳаматига эришишга интиладилар, лекин, Парвардигор Шри Кришна - барча раванқ фаришталарининг суюкли рафиқаси эканини одамлар билмайдилар. "Брахма-самхита"да айтилганки, Ўзининг илоҳий даргоҳи Голока-Вриндаванда Парвардигор сурабхи сигирларини бокиб юради, шу ерда юз минглаб раванқ фаришталар Унинг хизматини қиладилар. Уларнинг ҳаммаси - Унинг илоҳий лаззатланиш қуввати хладини-шактининг, Унинг ички қувватининг намоён бўлган кўринишларидир. Парвардигор ер юзида намоён бўлганида, расаракси пайтида фақат, пасткаш жисмоний "муҳаббат"нинг алдамчи лаззатларига боғланиб қолган шартланган руҳларнинг эътиборини Ўзига жалб этиш мақсадида Ўзининг лаззатланиш қуввати қандай намоён бўлишини қисман намоёйиш этганди. Шукадева Госвами сингари Парвардигорнинг асл содиқ хизматкорларининг моддий оламдаги пасткаш жинсий алоқага ҳеч қандай алоқаси йўқ. Шунинг учун у Парвардигорнинг лаззатланиш қувватини жинсий муносабатлар нуктаи-назаридан эмас, балки шахвоний эҳтиросга берилган дунёвий одамларга умуман нотаниш бўлган илоҳий лаззатдан баҳраманд бўлиш учун търифлаб берган. Моддий оламда шахвоний эҳтирос шартланган тирик мавжудотни алданиш домига илинтириб қўяди, шунинг учун Шукадева Госвами унга нисбатан бутунлай

бефарқ эди. Парвардигорнинг лаззатланиш қувватининг намоён бўлишининг ҳам моддий оламдаги жисмоний муҳаббатнинг намоён бўлишига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Парвардигор Чаитанья саннийаси қонун-қоидаларига шу қадар жиддий риоя қилардики, ҳеч қачон ҳатто Ўзига сажда қилиш ёки ҳурмат билдириш учун ҳам аёлларнинг яқин келишига йўл қўймасди. У ҳеч қачон Жаганнатҳа эҳромида дева-дасиларнинг илтижоларини тингламаган, чунки саннийасиларга аёллар ижро этадиган кўшиқларни тинглаш таъқиқланган. Лекин, саннийаси қоидаларига шунчалик жиддий риоя қилишига қарамай, У Парвардигорга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишнинг энг олий кўриниши - Вриндаванлик гопиларнинг хизмати деб ҳисобларди. Шримати Радхарани - равнақ фаришталари ичида асосийси, шунинг учун У Парвардигорнинг лаззатланиш қуввати тимсоли бўлиб, Кришнанинг Ўзидан фарқ қилмайди.

Ведаларнинг ҳар хил қурбонлик маросимлари ўтказишга оид бўлимида инсонга энг юксак саодат келтирадиган маросимлар тавсия қилинган. Буюк қурбонлик маросимлари натижасида эришиладиган барча саодатларни охир-оқибатда равнақ фариштаси ато этади, шунинг учун унинг севгилиси ва рафиқаси сифатида Парвардигор барча қурбонлик маросимларининг эгаси ҳисобланади. Шундай қилиб, йаджнанинг барча турларидан Унинг Ўзи лаззатланади, шунинг учун Парвардигор Вишнуни баъзан Йаджна-пати деб атайдилар. "Бхагавад-гита"да Парвардигор инсонга ўзининг бутун фаолиятини Йаджна-патиға бағишлашни тавсия қилади(йаджнартхат карманах), чунки акс ҳолда моддий табиат қонунларига биноан бундай фаолият унинг моддий оламда тутқун бўлиб қолишига сабаб бўлади. Ҳаёт ҳақида сохта тасаввурлардан(вйаликам) халос бўлмаган киши иккинчи даражали фаришталарни мамнун қилиш учун қурбонлик маросими ўтказиши, лекин, барча қурбонликлар аслида Парвардигор Шри Кришнаға мўлжалланган эканини яхши биладиган Худонинг содиқлари Кали даврида тавсия қилинадиган санкиртана-йаджна марокимини ўтказдилар. Шароитнинг ноқулайлиги ҳамда тажрибали руҳонийларнинг йўқлиги сабабли Кали-йўғада қурбонлик маросимининг бошқа бирор турини ўтказишнинг иложи йўқ.

"Бхагавад-гита"(3.10-11)дан биз биламизки, мана шу коинотдаги шартланган руҳларга яна бир марта туғилиш имкониятини бериш учун Маъбуд Браҳма уларга қурбонлик маросими ўтказиш ва шунинг шарофати билаен фаровон яшашни буюрган. Шундай қурбонлик маросимларини ўтказиш билан тирик мавжудотлар ҳеч қийналмасдан тиркичилик қила оладилар ва

охир-оқибатда иллатлардан покланадилар. Шу йўлдан бориб улар руҳий оламга эришадилар ва шу ерда ўзларининг ҳақиқий "мен"ига эга бўладилар. Шартланган руҳлар ҳеч қачон эзгу фаолиятни, риёзат чекишни ва қурбонлик маросими ўтказишни тарк этмаслиги лозим. Бундй қурбонлик маросимларидан кўзланадиган мақсад -Йаджна-патини, Худош шахсини мамнун қилиш, шунинг учун Парвардигорни Праджа-пати деб ҳам атайдилар. Катҳа-упанишадда айтилганки, бошқа сон-саноксиз тирик мавжудотларни бошқариб туради вауларнинг мавжудлигини таъминлаб туради(эко бахунам йо видахати каман). Шунинг учун Парвардигорни олий бхута-бхрит - барча тирик мавжудотларнинг мавжудлигини таъминлаб турган Зот деб ҳам атайдилар.

Тирик мавжудотнинг тафаккури унинг аввалги ҳаётидаги кўрсатган фаолиятиға қараб берилган бўлади. Барча тирик мавжудотлар турли даражада тафаккурға эга бўладилар, "Бхагавад-гита"(15.15)да Парвардигор айтадики, тирик мавжудотнинг тафаккурини Унинг Ўзи белгилайди. Парвардигор Параматма, Олий Рух кўринишида ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида мавжуд, хотира, илм ва унутиш Ундан чиқади(маттах смритирджнанама апоханама ча). Баъзиларимиз Парвардигорнинг марҳамати билан ўзимизнинг аввалги фаолиятимизни аниқ эслай оламиз, баъзилар эса эслай олмайдилар. Унинг марҳамати билан кимдир жуда ақлли, зийрак бўлиб, кимдир - ақлсиз, нодон бўлиб туғилади, шунинг учун Парвардигорни Дхийампати, тафаккур ҳукмдори деб атайдилар.

Шартланган руҳлар моддий оламға ҳукмронлик қилиш истагида ёниб яшайдилар. Уларнинг ҳар бири ўзининг ақл-идрокиннинг ҳар қандай имкониятидан моддий табиатни бўйсундириш йўлида фойдаланишға интиладилар. Шундай қилиб, шартланган тирик мавжудот ўзига ато этилган ақл-идрокни суистеъмол қилади, унинг ана шу ҳолати телбалик деб аталади. Инсоннинг ақл-идроки унга моддий олам тутқунлигидан халос бўлиш учун берилган. Лекин телбалик домиға тушган шартланган руҳ ўзининг бутун куч-қувватини ва ақл-идрокини ҳиссий лаззатланиш йўлида сарфлайди ва ана шу мақсадига эришиш учун ҳар хил ёвуз ишларни қилади. Натижада, шартланган шароитда яшашни тарк этиб тўла эркинликка эришиш ўрниға ақлдан озган шартланган руҳ умрлар оша бир моддий танадан иккинчи моддий танаға ўтиб, бўйсунган ҳолда тирикчилик қилишда давом этаверади. Моддий оламда биз кўриб турган нарсаларнинг ҳаммасини Парвардигор яратиб қўйган. Демак, У - барча коинотлардаги бутун борлиқнинг ҳақиқий эгаси. Шартланган руҳ моддий коинотнинг қандайдир қисмидан

мустақил ҳолда эмас, балки Парвардигорнинг назорати остида лаззатланиш ҳуқуқига эга. "Ишопанишад"нинг насихати шундай. Одамлар бутун коинотнинг Эгаси бўлган Парвардигор берган нарсага қаноат қилиб яшаши лозим. Фақат ўзларининг телбалиги сабабли улар Парвардигорнинг бошқалар учун бериб қўйган нарсаларига кўз олайтирадилар.

Шартланган руҳларга Ўзининг бесабаб марҳаматини кўрсатиш учун Парвардигор Ўзининг атма-майа қуввати ёрдамида, шартланган руҳларга Парвардигор билан ўзаро мангу муносабатларини қайта тиклаш имкониятини бериш мақсадида уларнинг олдига келиб туради. У уларнинг ҳаммасини Ўз ҳокимияти билан ўрнатиб қўйган коидалар доирасида чекланган ҳолатда ўзларини лаззатланаётгандай қилиб кўрсатиш ўрнига Унга ўз ихтиёрини топширишга чақиради. Моддий оламга келар экан, Парвардигор одамларга Ўзининг лаззатланиш учун қанчалик катта имкониятларга эга эканини исботлайди. У буни бир вақтнинг ўзида ўн олти минг қизга уйланганида намоён этади. Шартланган руҳ атиги битта хотиннинг эри бўлганидан фахрланиб юради, буни кўриб Парвардигор шунчаки қулиб қўяди, холос. Ақл-фаросатли киши ҳақиқий эр ким эканини тушунади. Аслини олганда борлиқдаги барча аёлларнинг эри ягона Парвардигор ҳисобланади, лекин барибир, Парвардигорнинг ҳукми остида бўлган шартланган тирик мавжудот бир ёки икки хотиннинг эри бўлганидан жуда фахрланади.

Мазкур шеърда ишлатилган пати унвонларининг ҳаммаси фақат Парвардигор Шри Кришнага тааллуқли, шунинг учун Шрила Шукадева Госвами бу ерда Йадавалар хонадонининг пати ва гатилари ҳақида гапиради. Йадавалар хонадони аъзолари Парвардигор Шри Кришна Ўзида бутун борлиқни мужассам қилганини яхши билардилар, шу боис уларнинг ҳаммаси, Парвардигор Ер сайёрасида Ўзининг илоҳий эрмакларини тамомлагандан сўнг, Унинг даргоҳига қайтиб боришга интилардилар. Парвардигорнинг амри билан Йадавалар хонадони яқсон қилинган эди, чунки бу хонадон аъзолари У билан бирга ўз уйларига қайтиб кетишлари лозим эди. Йадавалар хонадонининг яқсон бўлиши Парвардигорнинг Ўзи уюштирган бир ҳийла эди, чунки Парвардигорнинг Ўзи ҳам, Йадавалар хонадонининг аъзолари ҳам - ҳеч қачон бир бирларидан ажралмайдиган мангу тирик мавжудотлардир. Шундай қилиб, Парвардигор барча содиқларнинг сардори, шу боис Шукадева Госвами Унга чуқур эҳтиром кўрсатиб, Унинг олдига муҳаббат билан сажда қилади.

21. Тирик мавжудотга фақат Унинг Ўзи, Худо Шахси, Шри Кришна озодлик ато этишга

қодир. Ишончли буюк мўътабар зотлар издан бориб, тинмасдан Унинг нилуфар қадамлари пойи ҳақида ўйлаб юриш билан содиқ хизматкор илоҳий жазават(транс) ҳолатига киради ва Мутлақ Ҳақиқатни бево-сита томоша қилади. Сафсатабоз файласуфлар эса, Парвардигорни ўзлари истаган киёфада тасаввур қиладилар. Илоё ана шу Парвардигор мендан мамнун бўлсин!

Изоҳ: Сехргар-йоглар каттиқ уринишлар ёрдамида сезгиларини жиловлаб олишга эришгандан кейин ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида мавжуд бўлган Олий Рухни кўриш имконини берадиган жазавали транс ҳолатига кирадилар. Лекин Худонинг асл содиқ хизматкори Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойи ҳақида тинмасдан фикр юритиб, осонлик билан ҳақиқий жазавали транс ҳолатига эришади, чунки унинг ақли ҳам, тафаккури ҳам моддий лаззатланиш касалидан бутунлай даволанади. Асл содиқ хизматкор туғилиш ва ўлишлар уммонига тушиб қолганини тушунади ва ҳамиша Парвардигордан уни бу ердан қутқариб олишни сўраб илтижо қилиб юради. Унинг ягона истаги - Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойида илоҳий чангнинг бир зарраси бўлиш. Худонинг марҳамати билан асл содиқ моддий лаззатлар билан умуман қизиқмай қўяди, моддий олам иллатларига булганмаслик учун у ҳамиша Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойи ҳақида ўйлаб юради. Ўзининг илтижоларининг бирида Худонинг буюк содиқ хизматкори Кулашекхара шундай дейди:

кришна твадийа-пада-панкаджа-панджарантам

"О Кришна, илтимос, ақлим оққуши Сенинг нилуфар қадамларинг пойига ғарқ бўлиб, унинг пояларига ўралашиб қолсин, акс ҳолда мен охириги нафасимда, нафасим бўғилиб қолганида қандай қилиб Сен ҳақингда ўйлай оламан?"

Нилуфар гуллари ва оққушлар бир бирига чамбарчас боғланган бўладилар, шунинг учун бу ўхшатиш жуда ўринли: токи инсон оққуш, парамахамса бўлма экан, у Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига эриша олмайди. "Брахмасамхита"да айтилганки, қанчалик чуқур илмга эга бўлмасинлар, дунёвий файласуфлар ҳатто Мутлақ Ҳақиқат ҳақида минглаб йиллар хаёл сурсалар ҳам Уни кўра олмайдилар. Парвардигорнинг ана шундай сафсатабозлар кўзига кўринмасликка ҳаққи бор. Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига эриша олмагани сабабли улар ҳар хил нотўғри хулосалар чиқариб юрадилар ва оқибат-натижада уларнинг ҳаммасини қониқтирадиган хулосага келадилар: "ҳар ким ўз фикрига эга" яъни "қанча одам бўлса шунча фикр бор". Бу билан улар ҳар ким

Ўзи истаган нарсани танлаши мумкинлигини (йатха-ручам) назарда тутадилар. Лекин Парвардигор сафсатабоз файласуфнинг дўкониди туриб, ҳамма мижозларнинг кўнглини овлашга ҳаракат қилаётган савдогар эмас. Парвардигор аслида қандай бўлса, ҳаммаша шундай, Мутлақ Худо Шахси бўлиб қолади ва У ҳар бир инсондан ўзини бутунлай Унга топширишни ва Унга сўзсиз итоат қилишни талаб қилади. Аввал ўтган ачарйаларнинг - Худога садоқат билан хизмат қилишдаги ишончли зотлар изидан бораётган асл содиқ хизматкор Парвардигорни ҳақиқий рухий устозкўринишидаги шаффоф ойна (*анупашиянти*) орқали кўриш имкониятига эга бўлади. Асл содиқ хизматкор ҳеч қачон Парвардигорни фалсафий сафсатабозлик ёрдамида кўришга интилмайдиган - у ачарйалар изидан боради (махаджано йена гатаҳ са пантхаҳ). Шунинг учун вайшнава-ачарйаларнинг Парвардигор ва Худонинг содиқлари ҳақидаги фикрлари ҳеч қачон бир биридан фарқ қилмайди. Парвардигор Чаитанья айтадики, тирик мавжудот (жива) - Парвардигорнинг мангу хизматкори, у бир вақтнинг ўзида ҳам Парвардигор билан бир, ҳам Ундан фарқ қилади. Парвардигор Чаитаньянинг мана шу таттва (ҳақиқат) сини вишнуизмнинг барча тўрт сампрадайаси ҳам бирдай тан оладилар. Уларнинг ҳаммаси Парвардигорга хизмат қилиш мангу эканини ва у ҳатто озодликка чиққандан кейин ҳам давом этишини бир хилда тан оладилар. Ўзини Парвардигордан бутунлай фарқ қилмайди деб ҳисоблайдиган биронта ҳам ишончли ачарйа-вайшнава йўқ.

Худога садоқат билан хизмат қилишга ўзини бутунлай бағишлаган асл содиқ хизматкорга хос бўлган камтарлик туйғуси унинг жазавали транс ҳолатига кириш имконини беради. Ана шундай ҳолатда у ҳамма нарсани асл ҳолида кўра бошлайди, чунки "Бхагавад-гита" (10.10) да айтилганидек, Ўзининг самимий содиқ хизматкорига Парвардигорнинг Ўзи Ўзини ошкор этади. Барча тирик мавжудотларнинг Ҳукмдори бўлган ҳолда У Ўзининг содиқ хизматкорига Парвардигорни ва Унинг ҳар хил қувватларини тушуниб етиш имконини берадиган тафаккур ато этади. Ҳар хил жисмоний машқлар ёки Мутлақ Ҳақиқат ҳақида мустақил ҳолда ўзи чиқарган хулосалар ёрдамида Парвардигорни англаб етишнинг иложи йўқ. Парвардигор фақат Ўзининг содиқ хизматкорига ва фақат унинг хизмат қилишга интилишдан тўла мамнун бўлгандагина Ўзини ошкор этади. Шукадева Госвами сафсатабоз файласуфлар ёки "ҳар ким ўз фикрига эга" қабилидаги ён босиш фалсафаси издошларидан эмасди. Ҳеч қандай натижа бермайдиган фалсафий изланиш билан машғул бўлиш ўрнига у Парвардигорга илтижо қилиб, Ундан илохий марҳамат

кўрсатишни тилайди, мана шу - Парвардигорни англаб етишнинг ягона йўлидир.

22. Моддий олам яралиши арафасида Брахманинг қалбида туриб унинг фаол илмини тўлдирган ҳамда унга Ўзи ва оламни яратиш ҳақида мукамал илм берган, гўё Брахманинг оғзидан дунёга келгандай бўлиб туюладиган ана шу Парвардигор мендан рози бўлсин!

Изоҳ: Аввал айтганимиздек, Олий Рух киёфасида Маъбуд Брахмадан бошлаб то кўримсиз чумолигача бўлган ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида мавжуд бўлган Парвардигор уларнинг ҳар бирини зарур бўлган илм билан таъминлайди. Ҳар бир тирик мавжудот Парвардигор эга бўлган мукамал илмнинг 50/64 қисмини, яъни 88 %ини ўзлаштиришга қодир. Тирик мавжудот ўзининг табиатига кўра Парвардигорнинг бир зарраси бўлгани туфайли у Парвардигор эгаллаган бутун илмни ўзига сиғдира олмайди. Шартланган ҳолатида танасини алмаштирадиган, оддий одамлар ўлим деб атайдиган пайтда тирик мавжудот ҳамма нарсани мутлақо эсидан чиқариб юборади. Кейин Парвардигор фаол илмни яна унинг қалбига жойлаб қўяди, бу жараёни илмнинг уйғониш жараёни деб аталади, чунки бу худди уйқудаги одамнинг уйғонишини ёки ҳушидан кетган кишининг ўзига келишини эслатади. Бу жараён тўлалигича Парвардигорнинг назорати остида бўлади, шунинг учун кузатиш мумкинки, атрофимизни ўраб турган оламда ҳар хил одамлар турли даражада илмга эга бўладилар. Илмнинг уйғониш жараёни ўзидан ўзи ҳаракатга келмайди ёки қандайдир моддий амаллар натижаси эмас. Бундай илмнинг манбаи Парвардигорнинг Ўзидир (дхийам патих), чунки олий яратувчи Зот ўрнатган бу қонун ҳатто Маъбуд Брахмага ҳам тааллуқли. Оламнинг яралиш тонгида биринчи бўлиб Маъбуд Брахма дунёга келди. У ота ва онадан дунёга келган эмас, чунки Маъбуд Брахмагача коинотда ҳеч ким йўқ эди. У Гарбходакашайи Вишнунинг қорнида ўсиб турган нилуфар гулидан дунёга келди, шунинг учун уни Ажда деб атайдилар. Брахма ҳам Парвардигорнинг ажралмас заррачаси бўлган тирик мавжудотлар тоифасига киради, лекин Худонинг энг покдомон содиқ хизматкори сифатида Парвардигор уни Ўзи моддий табиат ёрдамида амалга оширган бирламчи асосий яратишини давом эттириб, коинотни иккиламчи яратишга илҳомлантиради. Шундай қилиб, моддий табиат ҳам, Маъбуд Брахма ҳам Парвардигордан мустақил ҳолда ҳаракат қилмайди. Дунёвий олимлар табиат ҳодисаларини қандай куч ҳаракатга келтириб турганини тушунмай, табиатда рўй берадиган қандайдир воқеа-

ходисаларни ҳайрон бўлиб кузатиб туришлари мумкин. Улар худди бу жараённинг ҳаммасини электростанцияда ишлайдиган мухандис бошқариб турганини билмасдан электр қувватининг ишларини кузатиб турган ёш болаларга ўхшайдилар. Дунёвий олимларнинг мукамал бўлмаган, чала тахминлари уларнинг илми саёзлиги натижасидир. Шундай қилиб, Ведалар илми аввал Маъбуд Браҳманинг қалбига жойланган эди, шу боис бир қараганда бу илми Маъбуд Браҳма тарқатгандай бўлиб кўринади. Албатта, Маъбуд Браҳма одамларга Ведалар илмининг мазмунини очиб берди, лекин аслида илоҳий илми унинг қалбига Парвардигорнинг Ўзи жойлаб кўйган, чунки у бевосита Парвардигорнинг Ўзидан чиқади. Шунинг учун Ведалар илмини апаурушейа, яъни "яратилган мавжудотдан чикмаган илм" деб атайдилар. Парвардигор олам яралишидан олдин мавжуд эди(нарайанах паро 'вйактат), шунинг учун Парвардигор айтган гаплар илоҳий товушлардан иборат. Илоҳий ва моддий товушлар(пракрита ва апракрита) орасидаги фарқ жуда катта. Физик олимлар фақат моддий осмонда тебраниб турадиган пракрита товушларини ўргана оладилар, шунинг учун токи шогирдлар силсиласи орқали Парвардигордан Маъбуд Браҳмага, Браҳмадан Нарадага, Нарададан Вйасага ва хоказо, ўтиб келаётган ғайритабиий, апракрита, илоҳий товушнинг ўзи бу илми унинг қалбига жойлаб кўймас экан, коинотда ҳеч ким белгилар ёрдамида ифодаланган Ведаларнинг маъносини англаб етишга қодир эмас. Дунёдаги бирор олим ведавий мантраларнинг мазмунини таржима қилишга қодир эмас. Мантраларнинг маъносини фақат шогирдининг қалбига илоҳий илми жойлаб кўядиган ишончли руҳий устоздан фотиҳа олган киши тушуна олади. "Бхагавад-гита"нинг тўртинчи бобидан маълум бўладики, Парвардигорнинг Ўзи бошланғич руҳий устоз ҳисобланади ва Унинг насиҳатлари парампара, шогирдлар силсиласи орқали узатилади. Шунинг учун ҳатто дунёвий санъат ва илм-фан бобида ҳайратланарли муваффақиятга эришган бўлса ҳам, ишончли парампара орқали олинадиган илоҳий илмга эга бўлмаган кишини ярқисиз одам(випхала матах) деб атайдилар.

Махараж Парикшитнинг илтимосига жавобан, қалбидан Парвардигор илҳомлантириб турган Шукадева Госвами Унга илтижо қилиб, унга оламнинг яратилиш жараёнини тўғри тушунтира олиш қобилиятини ато этишни сўрайди. Дунёвий олимдан фарқли равишда руҳий устоз ўзича ҳар хил тахминлар ўйлаб топмайди, у ҳамиша шротрийам брахма-ништхам бўлиб қолаверади.

23. Мана шу коинот ичига кириб, моддий унсурлардан таркиб топган таналарга ҳаёт

бағишлайдиган ва Ўзининг пуруша қиёфасида тирик мавжудотни моддий табиат гуналарининг намоён бўлган ўн олти кўринишига бўйсунитишга мажбур қиладиган Олий Худо Шахси мен гапларимни қулоқларга ёқимли қилсин!

Изоҳ: Фақат ягона Парвардигорга таваккал қиладиган содиқ хизматкор сифатида Шукадева Госвами Худо Шахсидан марҳамат тилаб илтижо қилар экан, Ундан ўзининг гаплари ишончли бўлишини ва тингловчилар уни муносиб қабул қилишларини сўрайди. Бирор ишда муваффақиятга эриша олган содиқ хизматкор ҳамиша ўзини Парвардигорнинг қўлида қурол деб ҳисоблайди, у ҳеч қачон буни мен ўзим қилдим деб ўйламайди, аксинча, Олий Рух, Худо Шахсининг истагисиз ҳатто дарахтнинг япроғи ҳам қимирлай олмаслигидан беҳабар имонсиз одам эришган ҳамма муваффақиятини шахсан ўзиники деб билади. Шунинг учун Шукадева Госвами ўзининг барча ҳаракатларини Маъбуд Браҳмани бутун олам аҳлига ведавий донишмандлик илмини тарқатишга илҳомлантирган Парвардигор бошқариб туришини истайди. Ведалар адабиётида баён этилган барча ҳақиқатлар - калтафаҳм одамлар ўйлаганидек, бу дунёдаги одамлар ўйлаб топган тахминлар ҳам эмас, бадий ижод маҳсули ҳам эмас. Ведавий ҳақиқатлар ҳақиқий мавжудликнинг бенуксон, хатолардан холи бўлган таърифи бўлиб, Шукадева Госвами оламнинг яралиш назариясини мавҳум фалсафий фикрлар натижасида юзага келган метафизик ғоя тарзида эмас, балки, олам қандай яралган бўлса, аниқ шундай таърифлаб бермоқчи бўляпти, чунки Худди Маъбуд Браҳма билан бўлганидек, унинг тиллари билан Парвардигорнинг Ўзи гапиради. "Бхагавад-гита"(15.15)да айтилганидек, "Ведантасутра"нинг муаллифи Парвардигорнинг Ўзи ҳисобланади ва унинг асл маъноси фақат Унинг Ўзига маълум. Демак, Ведаларда баён этилганидан устун бўлган диний қонун-қоидалар мавжуд эмас. Ведалар илмининг ёки таълимотининг тарғиботчилари Шукадева Госвами сингари ишончли зотлардир, чунки улар - Парвардигорнинг камтарин ва садоқатли хизматкорлари бўлиб, улар ҳеч қандай ишончли мўътабар зотни тан олмайдиган ўзбилармон тахминчилар эмас. Ведалар илмини етказишнинг муқаддас китоблар тилида парампара, яъни илм ўрганишнинг юқоридан пастга ҳаракат қиладиган жараёни деб аталадиган йўли шундай.

Ҳар қандай фароосатли киши бирор моддий мавжудот руҳ(жон) билан қўшилмай туриб ўсиб ривожлана олмаслигини осонлик билан тушуна олади. Машҳур олимлар ва буюк мутафаккирлар ўз асарларида бу дунёдаги воқеа-ходисаларни

ўзларининг, манбаи Олий Рух бўлган тафаккури қай даражада имкон берса фақат шу даражадагина тўғри тушунтира оладилар. Шундай қилиб, барча ҳақиқатлар манбаи - адашган гофил дунёвий одамлар ўйлаганидек қўпол модда эмас, балки Олий Рух ҳисобланади. Ведавий муқаддас китоблардан биламизки, аввалига Парвардигорнинг Ўзи моддий коинот бўшлиғи(ваакум) ичига киради, кейин аста-секин ҳамма нарса юзага кела бошлайди. Бундан ташқари, мужассам бўлган Параматма қиёфасида Парвардигор ҳар бир алоҳида тирик мавжудотнинг қалбида мавжуд: шу тарзда оламдаги ҳамма ишларни Унинг Ўзи амалга ошириб туради. Олам таркиб топган асосий ўн олти унсур - ер, сув, олов, ҳаво, эфир ва ўн бир сезги органлари Парвардигордан юзага келади, кейин улар тирик мавжудотлар орасида фақат тақсимланади. Демак, моддий унсурлар улардан тирик мавжудотлар лаззатланиши учун яратилган. Шундай қилиб, бу дунёда ҳукм суриб турган уйғунлик ва тартибни Парвардигорнинг қуввати яратиш қўйган, алоҳида руҳ эса оламнинг яралишини англаб етишни тилаб фақат Парвардигорга илтижо қилиши лозим. Парвардигор олий тирик мавжудот, У Шукадева Госваמידан фарқ қилади, шу боис Унга илтижо билан мурожаат қилиш мумкин. Парвардигор тирик мавжудотнинг моддий оламда лаззатланиб яшашига ёрдам беради, лекин Унинг Ўзининг бундай алдамчи лаззатларга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Шукадева Госвами Парвардигордан илтижо қилиб, Ундан нафақат бу ҳақиқатларни баён этишга, айтишга пайтда тингловчиларга ҳам уларни англаб етишда ёрдам беришни илтижо қиляпти.

24. Мен Васудеванинг тимсоли бўлган, ведавий битикларни яратган Шрила Вйасадева олдида чуқур эҳтиром билан бош эгаман. Асл содиқлар Парвардигорнинг нилуфар оғзидан чиқаётган илоҳий илмлар шарбатидан лаззатланадилар.

Изоҳ: "Илоҳий илм тизимини яратган зот" деган маънони англатадиган ведхаса иборасининг маъносини таҳлил қилар экан, Шрила Шриддхара Свами айтадики, мазкур шеърда Шукадева Госвами Васудеванинг мужассам бўлган қиёфаси Шрила Вйасадевага эҳтиром кўрсатяпти. Унинг бу фикрига Шрила Жива Госвами ҳам қўшилади. Лекин, Шрила Вишванатха Чакраварти Тхакур, Парвардигор Кришнанинг лабларидаги нектар Унинг рафикаларига ўтади, натижада улар ажойиб санъат: мусиқа, рақс, кийим-кечак ва безаклар танлаш сирларини эгаллаб оладилар - бир сўз билан айтганда, Парвардигорга лаззат бағишлайдиган ҳамма нарса юзганиб оладилар. Бу ерда гап бораётган мусиқа, рақс ва безак

танлаш санъати дунёвий санъат турлари эмас, чунки ўзининг илтижоларининг бошида Шрила Шукадева Госвами Парвардигорни пара - илоҳий деб атаган. Бу илоҳий илмдан унутувчан шартланган руҳлар беҳабардирлар. Парвардигорнинг бу дунёда мужассам бўлган қиёфаси Шрила Вйасадева ведавий муқаддас китобларни шундай ёзганки, шартланган руҳлар уларни ўрганиб ўзларининг Парвардигор билан ўзаро мангу муносабатларини эслаш олсинлар. Шунинг учун ведавий муқаддас китобларни - ишқий эрмаклари пайтида Парвардигорнинг Ўз рафикаларига берган нектарини - Вйасадеванинг ёки Шукадева Госвамининг оғзидан эшитиб ўрганиш лозим. Ўзининг илоҳий илмини аста-секин чуқурлаштира бориб, инсон Парвардигор Ўзининг раса-рақсида намоиш этган мусиқа ва рақснинг илоҳий санъат сирларини англаб етиш мумкин. Парвардигорнинг асл содиқ хизматкори чуқур фалсафий суҳбатлардан ҳам, Парвардигорнинг раса-рақси пайтида гопилардан бўса олишидан ҳам бир хилда лаззат олади, чунки руҳий жиҳатдан улар орасида ҳеч қандай фарқ йўқ.

25. Эй ҳурматли шоҳ, Нараданинг саволларига жавоб берар экан, биринчи тирик мавжудот Брахма, Парвардигорнинг Ўзи туғилганидан ведалар илмини тўлиқ эгаллаган ўғлига ўргатган илмни сўзма-сўз аниқ такрорлаб берди.

Изоҳ: Вишнунинг кинидигида ўсиб турган нилуфар гулида Брахма туғилган заҳоти Парвардигор унинг қалбига Ведалар илмини жойлаб қўйди. Шунинг учун уни веда-гарбха, яъни туғилганидан Ведалар илмини биладиган зот деб атайдилар. Ведалар илми, яъни бенуқсон мукамал илмининг ёрдамисиз бирор нарса яратишнинг илоҳи йўқ. Ҳар қандай ҳақиқий ва мукамал илм Ведавий илм ҳисобланади. Ведалардан илмнинг барча соҳалари бўйича маълумот олиш мумкин, шу боис Брахма коинотни яратишга кириша олиши учун ўз ичига ҳамма нарса камраб олган бу илм унинг қалбига жойлаб қўйилган эди. Шундай қилиб, Брахма Парвардигор Хари баён этган оламни яратишнинг мукамал илмини билган эди. Нараданинг саволларига жавоб берар экан, Брахма унга ўзи бир пайтлар Парвардигордан тинглаган ҳамма нарса гапириб берди. Нарда бу илмни ўзгартирмасдан Вйасага етказди, Вйаса эса уни Шукадева Госвамига гапириб берди. Энди эса, Шукадева Госвами ўзи бир пайтлар Вйасадан эшитганларини такрорлаб айтиб беришга ҳозирланыпти. Ведалар илмини англаб етиш йўли шундай. Юқорида айтилганидек, Ведалар-

нинг мазмуни фақат шогирдлар силсиласи орқали очилади, бунинг бошқа йўли йўқ.

Ҳар хил таълимотларнинг ҳеч қандай маъноси йўқ. Ҳақиқий илм фактларга асосланган бўлиши лозим. Дунёда жуда кўп мушкул воқеа-ҳодисалар бўлиб, уларни фақат биладиган кишиларга мурожаат қилиб ўрганиш мумкин. Ведалар илми ҳам жуда қийин илм, уни ҳам фақат юқорида айтилган усулдан фойдаланиб англаб етиш мумкин. Бу илмни ўрганишнинг бошқа йўли йўқ. Шунинг учун Шукадева Госвами Парвардигорга илтижо қилиб, Унинг Ўзи бир пайтлар Маъбуд Браҳмага, Браҳма - Нарадага ўргатган илмни тўғри такрорлай олиш қобилиятини ато этишини тилаб илтижо қиляпти. Демак, Шукадева Госвамининг оламнинг яратилиш жараёни ҳақида айтган гапларининг ҳаммаси дунёвий одамлар ўйлаганидек, шунчаки қандайдир тахмин, ғоя эмас, балки айти ҳақиқат, аниқ фактлардир. Шукадева Госвамининг гапларига қулоқ солиб, уларни тушуниб олишга интилаётган киши моддий оламнинг яралиши ҳақида мукаммал илмга эга бўлади.

*"Шримад Бхагаватам"нинг Иккинчи қўшиқ,
"Оламни яратиш жараёни" деб аталадиган
тўртинчи бобида Бхактиведантнинг изоҳлари
шундай якунланади.*

Бешинчи боб.

Барча сабаблар сабабчиси.

1. Шри Нарада Муни Браҳмадан шундай деб сўради: Эй фаришталар сардори, эй барча тирик мавжудотларнинг биринчи туғилган яратувчиси, сенинг олдинда чуқур эҳтиром билан бош эгаман. Менга Олий Рух ҳамда алоҳида рух ҳақидаги ҳақиқат илмини англаб етиш имконини берадиган илоҳий билим ўргатишингни илтимос қиламан.

Изоҳ: Мазкур шеърда парампаранинг - шогирдлар силсиласи тизимининг мукамаллиги яна бир бор тасдиқланган. Аввалги бобда коинотдаги биринчи тирик мавжудот Браҳмаджининг қандай қилиб бевосита Парвардигорнинг Ўзидан илм олгани ва уни ҳеч ўзгартирмасдан ўзининг шогирди Нарадага ўргатгани ҳақида ҳикоя қилинган эди. Нарада ана шу илмни ўрганмоқчи эди, унинг илтимоси билан Браҳма унга бу илмни ошкор этди. Шундай қилиб, шогирдлар силсиласи тизимининг моҳияти илмга эга бўлган ишончли зотга илоҳий мавзуларда саволлар бе-

риш ва унинг айтган барча гапларига каматарин ҳолда диққат билан қулоқ солишдан иборат. "Бхагавад-гита"(4.2)да ҳам шу усул тавсия қилинган. Илоҳий илмга эга бўлиш учун ҳақиқат излаб юрган шогирд малакали руҳий устозга мурожаат қилиши, унга ўзини топшириши, камтарлик билан саволлар бериши ва унинг хизматини қилиши лозим. Шогирднинг ўзининг руҳий устозининг хизматини қилиб, унга камтарин саволлар бериб ўрганган илми пулга сотиб олинган илмга қараганда тенглаб бўлмас даражада самаралироқдир. Браҳма ва Нарададан бошланган Шогирдлар силсиласида турган руҳий устоз ўзининг шогирдларидан пул талаб қилмайди. Алоҳида руҳнинг ва Олий Рухнинг табиатини англаб етиш ва уларнинг ўзаро муносабатларини тушуниб олиш учун ҳақиқий шогирд ўзининг самимий хизмати билан руҳий устозини мамнун қилиши лозим.

2. Эй ота, илтимос, намоён бўлган оламнинг белгиларини менга ишончли таърифлаб бер. У нимада жойлашган? У қандай яратилади, унинг мавжудлиги қай тарзда таъминланиб туради ва бу жараён кимнинг назорати остида рўй беради?

Изоҳ: Нарада Мунининг бу оламнинг сабаб ва оқибатлар муносабатининг асосида нима ётиши ҳақида берган саволи чуқур маънога эга. Атеистлар ўзларининг сон-саноксиз ўйлаб топган таълимотларида сабаб ва оқибатлар қонуни ҳақидаги масалани умуман муҳокама қилмайдилар. Айти пайтда, уларнинг чексиз ақллари сон-саноксиз таълимотларни ўйлаб топганига қарамай Худонинг борлигини инкор этадиган атеистлар фойдаланиб юрган тажриба усуллари намоён бўлган олам ва руҳий табиатга эга бўлган жоннинг табиатини тушунтиришга кодир эмас. Аммо Нарада Муни оламнинг пайдо бўлиши ҳақидаги ҳар хил таълимотлар эмас, балки аниқ фактлар қизиқтирарди.

Рух ва Олий Рух ҳақидаги илоҳий илм сезгилар ҳис қиладиган олам ҳақидаги илмни ва унинг яратилиш сабабини ҳам ўз ичига олади. Ҳар қандай соғлом фикрли киши моддий олам уч таркибий қисмдан иборат эканини англай олади: тирик мавжудотлар, намоён бўлган олам ва буларнинг ҳаммасининг устида турган олий куч. Соғлом фикрлай оладиган киши тушунадик, тирик мавжудот ҳам, моддий олам ҳам тасодифан ўзидан ўзи пайдо бўлиши мумкин эмас. Мавжуд оламнинг ҳамда унда ҳукм сураётган сабаб ва оқибатлар қонунининг мувозанатда бўлиб туриши шундан далолат берадики, уни қандайдир бир тафаккур, идрок бошқариб турибди, ҳақиқатни англаб етишга самимий интилаётган киши олам яралишининг олий сабаби

нима эканини ана шу сабабни аниқ биладиган кишига савол билан мурожаат қилиб албатта тушуна олади.

3. Эй азиз ота, бу илм сенга маълум, чунки сен, бу оламда аввал яратилган, келажакда яратиладиган, ҳозир яратилаётган ва коинотда мавжуд бўлган ҳамма нарсани, худди ёнғоқ ушлаган кишидек, сен қўлингда ушлаб турибсан.

Изоҳ: Маъбуд Браҳма - намоён бўлган коинотнинг ва ундаги мавжуд бўлган ҳамма нарсанинг бевосита яратувчисидир, шунинг учун у коинотда бўлиб ўтган, энди рўй берадиган ва ҳозир бўй берётган нарсаларнинг ҳаммасини биледи. Борлиқнинг уч таркибий қисми - тирик мавжудот, сезгилар орқали қабул қилинадиган олам ва уларнинг ҳукмдори - бир лаҳза ҳам ўз фаолиятини тўхтатмайдилар: шундай бўлган, ҳозир ҳам шундай ва шундай бўлиб қолади, ва худди қўлида ёнғоқ ушлаб турган киши шу ёнғоқ тўғрисида ҳамма нарсани билгани сингари, ана шу жараёнларни бошқариб турган зотга бу оламнинг сабаб ва оқибатлар бирикмаси ҳақида ҳамма нарса маълум бўлиши лозим. Бирор нарсани бевосита ўзи яратган киши бу санъатни қандай ўрганганини, бунга зарур бўлган нарсаларни қаердан олганини, улар қандай бирлаштирилганини ва улар яратиш жараёнида қандай ўзгаришларга учрашини яхши билиши лозим. Маъбуд Браҳма - коинотдаги биринчи тирик мавжудот, шунинг учун у оламни яратиш санъати бўйича ҳамма нарсани билиши лозим.

4. Эй ота, сен ўз илмингни қаердан олгансан? Сени ким ўз ҳимоясига олган? Ўз фаолиятингда сен кимга бўйсунасан? Сенинг асл ҳолатинг қандай? Сен барча мавжудотларни моддий унсурлардан ўз қудратинг билан ёлғиз ўзинг яратганмисан?

Изоҳ: Маъбуд Браҳма қаттиқ риёзатлар эвазига оламни яратиш қобилиятига эга бўлганини Нарада Муни биларди. Шу боис у Браҳмадан ҳам устун турадиган, унга ана шу қобилиятни ато этган кимдир бор деган хулосага келган эди. Шунинг учун у Браҳмага мана шу саволларни берапти. Шундай қилиб, барча буюк кашфиётларни яратиш шухрати фақат олимларга тегишли эмас. Олим фақат аллақачон мавжуд бўлган нарсаларни кашф этади ва буни ўзининг кимдир яратган ажойиб мияси ёрдамида амалга оширади. Олим унга ато этилган миядан фойдаланиб ишлаши мумкин, лекин унинг ўзи ўзининг миясини ёки унга ўхшаган бошқа мия яратишга қодир эмас. Шу боис, ҳеч ким мустақил яратувчи эканига даъво қила олмайди, яратувчининг иш-

тирокисиз бирор нарса ўзидан ўзи пайдо бўлмайди.

5. Ўзининг тенгсиз маҳоратини намоён этиб осонлик билан уясини тўқийдиган ўргимчак сингари, сен ҳам ташқаридан бирор ёрдамсиз ўзининг етарлича тўлиқ қудратинг ёрдамида коинотни яратасан.

Изоҳ: Ўзига тўла бутун бўлган зотга Қуёш яққол мисол бўла олади. Унга бошқа самовий жисмларнинг ҳожати йўқ. Аксинча, ўз нури билан у бошқа ёруғлик манбаларига ёрдам беради - улар фақат қуёш чикқандагина ярқирайдилар. Нарада Браҳмани ўргимчакка ўхшатади, чунки ўргимчак ҳеч кимга муҳтож эмас, у ўзининг фаолият майдонини ҳеч кимнинг ёрдамисиз, ўзининг сўлагидан - ўз танасининг шакли ўзгарган қувватидан фойдаланиб яратади.

6. Биз номлари, сифатлари ва хусусиятларига қараб биладиган мавжудотларнинг ҳаммасини, - ҳоҳ юқори, ҳоҳ паст ёки бизга тенг, ҳоҳ мангу ёки ўткинчи зот бўлсин, - барчасини Сен Ўзинг яратгансан, эй улуг зот.

Намоён бўлган бу моддий оламда ҳаётнинг 8.400.000 турига мансуб бўлган ҳар хил мавжудотлар яшайди ва уларнинг баъзилари юқорироқ, баъзилари эса пастроқ ҳолатни эгаллаган. Одатда инсонлар жамиятида инсон - олий тирик мавжудот деб ҳисоблайдилар, лекин одамлар ҳам ҳар хил бўлади - яхши, ёмон, ўзимизга ўхшаган ва ҳоказо. Мана шу турли-туман тирик мавжудотларнинг ҳаммасини отаси Браҳма яратганини Нарада Муни биларди. Шу боис у улар ҳақида Маъбуд Браҳманинг ўзидан билиб олмоқчи.

7. Лекин, бунёдкорлик қобилиятинг қанчалик буюк бўлмасин, сенинг қанчалик тиришқоқлик билан қаттиқ риёзатга берилганингни кўриб, бизлар барибир, сендан ҳам қудратлироқ Зот бўлиши керак, деган хулосага келамиз.

Изоҳ: Шри Нарада Мунидан ўрناق олиб, инсон ўзининг руҳий устозини кўр-кўрона Худонинг Ўзи деб билмаслиги керак. Руҳий устозни Худо билан бир қаторда ҳурмат қилиш лозим, лекин руҳий устоз ўзини Худо деб атаса, шу заҳотиёқ ундан юз ўгириш лозим. Нарада Муни Браҳмани Худо деб ўйлаган эди, чунки унинг бунёдкорлик фаолиятдан хайратга тушган эди, лекин, Маъбуд Браҳма ҳам қандайдир олий куч олдида саджда қилаётганини кўриб, унда шубҳа пайдо бўлганди. Парвардигор - ҳаммадан устун турадиган ва ҳеч қандай олий куч олдида сажда

қилмайдиган Зотдир. Аханграхопасита, яъни шу йўл билан Худо бўламан деб ўзига ўзи сажда қилиб юрган одамлар хато йўлни танлаган зотлардир. Соғлом фикрли шогирд тушунадики, Парвардигор Худо бўлиши учун ҳеч кимга, шу жумладан Ўзига ҳам сажда қилиб сиғиниши шарт эмас. Балки, аханграхопасана ҳам илоҳийликни англаб етишнинг бир йўлидир, лекин, аханграхопасита ҳеч қачон Худо бўла олмайди. Шунчаки илоҳийликни англаб етиш билан ҳали ҳеч ким Худо бўлган эмас. Нарада Муни, Браҳма - Олий Шахс деб ўйлаганди, лекин Браҳманинг ўзи ҳам илоҳийликни англаб етиш билан машғул эканини кўрганида унинг қалбида гумон пайдо бўлди, шу боис у ана шу гумонни Маъбуд Браҳманинг Ўзи тарқатиб юборишини истаётганди.

8. Эй азиз ота, сен ҳамма нарсани биласан ва ҳамманинг ҳукмдорисан. Шунинг учун илтимос, токи, сенинг шогирдинг бўлган ҳолда мен буни яхши тушуниб олишим учун менинг барча саволларимга жавоб бер.

Изоҳ: Нарада Мунининг саволлари шу мавзу кизиқтирадиган одамларнинг ҳаммаси учун жуда муҳим, шу боис Нарада Браҳмадан бунга жиддий эътибор беришни илтимос қиляпти, чунки шунда шогирдларнинг Браҳма-сампрадаёя силсиласига мансуб бўлган кишиларнинг ҳаммаси бу саволларга берилган жавобларни қийналмасдан тушуниб оладилар.

9. Маъбуд Браҳма шундай деди: Эй ўғлим Нарада, бу саволларинг билан сен барчага буюк марҳамат кўрсатдинг, чунки бу саволларинг мени ҳар нарсага қодир бўлган қудратли Худо Шахсининг улуғворлиги ҳақида фикр-мулоҳаза юритишга ундади.

Изоҳ: Нараданинг саволларини тинглаб туриб, Браҳма уни олқишлади, чунки ҳар нарсага қодир Қудратли Худо Шахсига тегишли саволлар одатда Худонинг содиқларини жуда илҳомлантириб юборади. Парвардигорнинг илоҳий кароматлари ҳақидаги суҳбатлар шу суҳбатлар бўлиб турган муҳитни поклайди, шу боис содиқлар бундай саволларга катта қувонч билан завқланиб жавоб берадилар. Бундай саволлар шу саволларни бераётган кишининг ҳам, уларга жавоб бераётган кишининг ҳам, қалбини поклайди. Худонинг асл содиқлари ўзлари Парвардигор ҳақида ҳамма нарсани билишлари билан қаноатланиб қолмайдилар, улар ҳамиша бу илмни бошқаларга ҳам ўргатишга ҳаракат қиладилар, чунки улар Парвардигорнинг улуғворлиги ҳақида ҳамма одамлар билиб олишини истайдилар. Шу боис агар ана шундай имконият туғили

қолса, Худонинг содиқ хизматкори бундан жуда хурсанд бўлади. Мана шу - ҳар қандай инсон-парварлик(миссионерлик) фаолиятининг асосий қондасидир.

10. Мен ҳақимда сенинг айтган ҳамма гапларинг айти ҳақиқат, чунки токи инсон олий Худо Шахсини - менадан устун турадиган олий ҳақиқатни англаб етмас экан, у менинг ғайритабиий кароматларимни кўриб, алданиб юраверади.

Изоҳ: "Қудукдаги қурбақанинг дунёқараши" деганда шу назарда тутиладигани, яшайдиган жойи қудукнинг деворлари билан чекланган қурбақа чексиз океаннинг чуқурлиги ва кенглигини ўз тасаввурига сиғдиришга қодир эмас. Агар шундай қурбақага океаннинг ўлчамлари ҳақида гапирсангиз, аввалига у океаннинг умуман мавжудлигига ишонмайди, агар бирор йўл билан уни океан ҳақиқатан ҳам ишонтира олсангиз ҳам, бахтиқаро жонивор то аслида океан дегани қандай эканини ҳам англай олмай ёрилиб кетгунча унинг ўлчамларини тасаввур қилишга уриниб шиша бошлайди. Худди шундай дунёвий олимлар ҳам Парвардигорнинг англаб бўлмас қувватлари борлигига шубҳа қиладилар, Уни ўзларининг қурбақаникига ўхшаган чекланган миялари ва илм-фан ютуқлари ёрдамида ўлчаб кўришга уринадилар, лекин охир-оқибатда ҳеч нарсага эриша олмасдан, худди қурбақага ўхшаб шунчаки ўлиб кетадилар.

Баъзан, Худо қақда илмга эга бўлган кишилар моддий нуқтаи-назардан қудратли бўлган кишини Худо деб ёки Унинг аватараси деб қабул қиладилар. Ҳаёт ҳақида ана шундай моддий тасаввурга эга бўлган киши нари борса, Браҳмаджини, қанчалик узоқ умр кўришини дунёвий олим ҳатто тасаввур ҳам қила олмайдиган коинотдаги энг олий тирик мавжудотни Худо деб қабул қилиши мумкин. Энг ишончли илм манбаи бўлган "Бхагавад-гита"(8.17) дан биз биламизки, Браҳмаджининг туни ва куни ер ҳисоби билан юз минглаб йилларга тенг. "Қудукдаги қурбақалар" шунчалик узоқ умр кўриш мумкинлигига ишонмайдилар, лекин, "Бхагавад-гита"да баён этилган ҳақиқат илмини англаб етган киши коинотдаги рангбаранг ҳаётни яратиб қўйган буюк шахс мавжудлигини тан олади. Муқаддас китобларда айтилганки, бу коинотни яратган Браҳмаджи бизларнинг коинотдан ташқарида мавжуд бўлган сон-саноксиз коинотларни бошқариб турган бошқа Брақмалардан ёшроқ, лекин уларнинг бирортаси Худо Шахсига тенг эмас.

Нарада Муни – озодликка эришган зотлардан биттаси. У ўзининг бу исмини руҳий озодликка эришгандан кейин олган. Шунгача у оддий бир

чўри аёлнинг ўғли эди. Шундай савол туғилиши табиий: нима учун Нарада Муни ягона Парвардигорнинг мавжудлигини билмаган ва адашиб Брахмаджини Парвардигор деб қабул қилган. Озодликка эришган зотни ҳаёт ҳақидаги бундай тасаввурлар адаштириб қўйиши мумкин эмас, шундай экан, нима сабабдан Нарада Муни худди илми саёз оддий одамларга ўхшаб савол бера бошлади. Парвардигорнинг мангу ҳамроҳи бўлишига қарамасдан Аржун ҳам адаштириб қўйилган эди. Аржунни ҳам, Нарада Мунини ҳам шу йўл билан ҳали озодликка эришмаган тирик мавжудотлар ҳақиқатни билиб олишини ҳамда Парвардигор ҳақида илмга эга бўлишини истайдиган Парвардигорнинг ўзи йўлдан адаштириб қўяди. Нарада Мунининг ҳаёлида Брахмаджининг ҳар нарсага қодир Зот эканига гумон пайдо бўлиши – истаган кишини Худо деб қабул қилаверадиган “кудукда яшайдиган курбақалар” учун сабоқ бўлиши лозим. Парвардигор, ўзларини Худо ёки Худонинг аватараси деб эълон қилиб юрган оддий одамлар нари турсин, ҳатто Брахмаджи сингари буюк зотлардан ҳам тенглаб бўлмас даражада қудратли Зотдир. Биз ўзимизнинг изоҳларимизда бир неча бор айтганимиздек, Парвардигор ҳамиша Парвардигор бўлиб қолаверади, бирор тирик мавжудот, ҳатто у маъбуд Брахмаминг ўрнини эгаллаб турган бўлса ҳам, ўзини Худо билан тенг деб даъво қила олмайди. Қандайдир буюк инсон оламдан ўтгандан кейин унга худди Худога сиғингандай сажда қилиш одати бизни йўлдан адаштириб қўймаслиги керак. Жуда кўп шоҳлар Айодхйа шоҳи бўлган Парвардигор Рамачандрадан кам эмасдилар, лекин муқаддас китобларда уларнинг бирортаси Худо деб айтилмаган. Парвардигор Рама бўлиш учун яхши шоҳ бўлишнинг ўзи камлик қилади. Ягона Парвардигор деб аталиш учун Кришна сингари буюк Зот бўлиш лозим. Курукшетрада бўлиб ўтган жангда иштирок этган зотларнинг барча шахсий сифатларини синчиклаб кузатиб, амин бўламизки, Махараж Йудхйиштхира ҳам Парвардигор Рамачандрадан қолишмайдиган такводор шоҳ, ҳамда Парвардигор Кришнадан ҳам такводорроқ зот эди. Парвардигор Кришна Махараж Йудхйиштхирадан ёлғон гапиришни илтимос қилганида у Унинг бу илтимосин рад этди. Лекин фақат шунинг ўзи Махараж Йудхйиштхирани Парвардигор Рамачандра ёки Парвардигор Кришна билан бир қаторга қўйиш учун камлик қилади. Ишончли мўътабар зотлар Махараж Йудхйиштхирани такводор инсон деб биладилар, Парвардигор Рамачандра ёки Кришнани эса Худо Шахси деб тан оладилар. Демак, Парвардигор тирик мавжудотлардан ҳамиша фарқ қилади, антроморфизм ғоясини Унга нисбатан қўллаб бўлмайди. Парвардигор – ҳамиша Парвардигордир, оддий ти-

рик мавжудот ҳеч қандай вазиятда Унга тенглаша олмайди.

11. Худди, Ой, осмон, кучли таъсир кўрсатадиган сайёралар ва милтиллаган юлдузлар фақат қуёш порлаб чиққандан кейингина милтираб кўрина бошлагани сингари мен ҳам фақат Парвардигор ўзининг ёғдуси(брахмажйоти) ёрдамида бу оламни яратгандан сўнггина уни бунёд эта бошлайман.

Изоҳ: Маъбуд Брахма Нарада Мунининг у ўзи олий яратувчи эмаслиги ҳақидаги тахминини тасдиқлади. Баъзан калтафаҳм одамлар ўзлари тушунмаган ҳолда маъбуд Брахмани барча сабабларнинг сабабчиси деб ҳисоблайдилар. Лекин Нарада Муни бу саволга маъбуд Брахмаминг ўзи аниқлик киритишини истади. Худди суд тизимида олий суднинг қарори якуний қарор қисоблангани сингари, ведавий илм ўрганиш тизимида ҳам коинотнинг ҳукмдори бўлган маъбуд Брахмаминг фикри якуний фикр ҳисобланади. Аввалги шеърда айтганимиздек, Нарада Муни озодликка эришган зот эди, демак, сохта худо ёки худоларни тан оладиган ва уларга ўзлари билганча сиғинадиган аҳмоқлардан бири эмасди. Ақлсиз кишининг ролини ўйнар экан, у чуқур фикр юритиб ўзининг қалбида пайдо бўлган шубҳа-гумонларни энг ишончли зотга айтди, токи у бу муаммоларни ҳал қилишга ёрдам берсин. У илмсиз кишиларни қайғуриб, уларнинг олам ва уни яратувчи Зот ҳақида ишончли манбадан якуний илм олишларига ёрдам бериш ниятида шундай қилди.

Мазкур шеърда маъбуд Брахма коинотдаги ранг-баранг ҳаётни фақат аввал Парвардигор Шри Кришнадан таралиб турган кўзни қамаштирувчи ёғду яратиш бўлгандан кейингина яратишини айтиб, калтафаҳм одамлар ўйлаб юрган нотўғри тасаввурни инкор этади. Маъбуд Брахма бу саволга "Брахма самхита" деб аталадиган ўзининг асарида ҳам жавоб беради: “Мен Худонинг Олий Шахсига, Говиндага, азалий Парвардигорга хизмат қиламан. Унинг илоҳий танаси – брахмажйоти – чексиз, адо бўлмас ва ҳамма жойга сингиб кетган. У – ҳар хил ҳаёт шароитлари ва иқлимга эга бўлган сонсаноксиз сайёраларнинг пайдо бўлишининг сабабчисидир”.

Бу Парвардигор Кришна – брахмажйотининг асосидир(*брахmano хи пратиштхахам*) деб ёзилган "Бхагавад-гита"(14.27)да ҳам тасдиқланади. Ведавий изоҳли луғат “Нирукти” пратиштха иборасининг аҳамиятини “ўрнатиладиган нарса” деб белгилайди. Шундай қилиб, брахмажйоти Парвардигордан мустақил ҳолда мавжуд ҳам ва ўзига тўла бутун ҳам эмас. Охир-оқибатда Пар-

вардигор Шри Кришна – мазкур шеърда сварочиша, “Парвардигорнинг илохий танасидан таралиб турган нур” деб аталган брахмажйотининг яратувчиси. Брахмажйоти бутун борлиққа сингиб кетган бўлиб, бутун борлиқ фақат унинг потенциал қуввати шарофати билан пайдо бўлади, шунинг учун ведавий мадҳияларда айтилганки, бутун борлиқ брахмажйотида жойлашган (*сарвам кхалв идам брахма*). Демак, брахмажйоти – олам яралишининг энергетик уруғи. У чексиз, бепоён ва Парвардигордан чиқади. Шундай қилиб, олам яралишининг олий сабабчиси Парвардигор (Шри Кришна) ҳисобланади (ахам сарвасйа прабхавах).

Парвардигор ҳам худди болға ва бошқа асбоблар ёрдамида яратадиган темирчига ўхшаб яратади деб ўйлаш жуда кулгили бўларди. Парвардигор оламини Ўзининг қувватлари ёрдамида яратади. У хилма-хил қувватлар соҳиби (парасйа шактир вивидхаива шруйате). Қантал дарахти мевасининг кичкина уруғида катта қантал дарахти ўсиб ривожланиши учун етарли бўлган қувват жойланган. Парвардигор ҳам Ўзининг брахмажйоти қуввати (сварочиша) ёрдамида келажакдаги оламлар уруғини ташлайди, маъбуд Брахма ва бошқалар, ана шу уруғларни суғориб, уларнинг униб чиқишига ёрдам берадилар. Маъбуд Брахма уруғлик яратишга қодир эмас, лекин, худди боғдаги ўсимликларни суғориб, парваришлаб юрган боғбонга ўхшаб, уруғликдан дарахт ўстира олади. Мазкур шеърда қуёш жуда аниқ мисол қилиб келтирилган. Моддий оламда хоҳ оловнинг ёруғлиги бўлсин, хоҳ электр нури бўлсин, Ой нури ва ҳоказо - ҳар қандай ёруғликнинг манбаи қуёшдир. Осмондаги барча ёритгичларни қуёш яратган, қуёш брахмажйотидан пайдо бўлган, бархмажйоти эса – Парвардигордан таралиб турган нур. Шундай қилиб, олам яралишининг бошланғич сабабчиси Парвардигордир.

12. Мен Худо Шахси, Парвардигор Кришна (Васудева) олдида эҳтиром билан бош эгаман ва Унга - енгилмас қуввати калтафаҳм одамларни мени олий ҳукмдор деб аташга мажбур этадиган Зотга муроқабат қиламан.

Изоҳ: Навбатдаги шеърда Парвардигорнинг алдамчи қуввати бефаросат одамларни қандай қилиб маъбуд Брахма ёки бошқа бировни – ким бўлиши муҳим эмас, - Худо деб қабул қилишга мажбур қилиб, йўлдан адаштириши батафсил тушунтирилади. Лекин, Брахмаджи уни Худо деб аташларини истамайди ва мазкур шеърда Парвардигор Васудевага – Худо Шахси Шри Кришнага ҳурмат билдирапти. У аввал “Брахмасамхита”да ҳам шундай деган эди:

Ишвараҳ парамах кришнах сач-чид-ананда виграхах

Анадир адир говиндах сарва-карана-каранам “Парвардигор – Худо Шахси, Шри Кришна илохий танга эга бўлган азалий Парвардигордир. У – барча сабабларнинг олий сабабчиси, мен сифиниб юрган азалий Парвардигор Говинда”.

Брахмаджи ўзининг асл ҳолатини англаб етган ва Парвардигорнинг алдамчи қуввати адаштириб қўйган калтафаҳм одамлар, истаган бир зотни Худо деб қабул қилаверадилар. Брахма сингари маъсулият ҳис қиладиган кишилар шогирдлари ёки қўл остидагилар уни Парвардигор деб аташларига бутунлай қаршилик қиладилар, лекин, ит, чўчка, туя ва эшаклардан фарқи йўқ одамлар олқишлайдиган калтафаҳм одамлар, уларни Худо деб атаганларида, ўзларидан фахрланиб, яйраб кетадилар. Навбатдаги шеърда нимага шундай одамлар уларни Худо деб атаганларида лаззатланиши ва нима сабабдан нодон издошлари уларни шундай деб аташлари тушунтирилади.

13. Парвардигорнинг алдамчи қуввати уялганидан устиворликка даъво қилмайди, лекин у адаштириб қўйган зотлар "бу - мен" "бу - меники" деган фикрларга ғарқ бўлиб, ҳамиша бемаъни гапларни гапириб юрадилар.

Изоҳ: Енгиб бўлмайдиган алдамчи қувват – Худо Шахсининг ғофиллик тимсоли бўлган учинчи қуввати бўлиб, оламдаги барча тирик мавжудотларни адаштириб қўйишга қодир, лекин Парвардигорнинг олдида пайдо бўлишга унинг қудрати етмайди. Ғофиллик ҳамиша Худо Шахсининг ортида бекиниб юради: шу жойда у тирик мавжудотларни адаштириб қўйиш учун етарли қудратга эга, адашиб юрган зотларнинг бошқалардан ажралиб турадиган ягона белгиси - улар ҳамиша бемаъни гапларни гапириб юрадилар. Ведавий муқаддас китоблар бемаъни гапларни гапириб юришни қўллаб қувватламайди, энг бемаъни гаплар эса – “Бу мен, бу – меники!” – деб эълон қилишдир. Имонсизлар жамиятининг бутун ҳаёти ҳаёт ҳақидаги ана шу сохта тасаввурларга асосланган. Ана шундай жамиятнинг Худо ҳақида ҳеч қандай тушунчага эга бўлмаган ё сохта Худоларга сифинадилар, ё, бусиз ҳам алдамчи қувват адаштириб қўйган одамларни йўлдан уриб, ўзларини Худо деб эълон қиладилар. Лекин, Парвардигорга келган ва Унга ўзини топширган кишиларга алдамчи қувватнинг таъсири ўтмайди, шу боис улар “бу – мен, бу - меники” деган сохта тасаввурлардан холи, сохта худоларни тан олмайдилар ва ўзларини Худо билан бир қаторда қўймадилар.

Мазкур шеърда алдамчи қуват йўлдан уриб қўйган кишининг ҳолатни жуда аниқ тасвирлаб берган.

14. Яралган олам таркиб топган беш унсур, шу унсурларнинг мангу замон таъсири остида бўладиган ўзаро муносабатлари, тирик мавжудотларнинг хусусияти(табиати) бўлган (хис)туйғу - буларнинг ҳаммаси Худо Шахсининг, Васудеванинг ажралмас зарраларидир, уларнинг ҳақиқий кадр-қиймати ҳам шунда.

Изоҳ: Сезгилар орқали қабул қилинадиган олам Васудеванинг шахсиятсиз намоён бўлган кўринишидир, чунки, оламнинг таркибий унсурлари, уларнинг ўзаро ҳаракатлари ва ана шу ўзаро ҳаракатлар натижасидан лаззатланадиган тирик мавжудот – Парвардигор Кришнанинг ички ва ташқи қувватидан яралган. Бу "Бхагавад-гита"(7.4-5)да ҳам тасдиқланади. Ер, сув, олов, ҳаво ва осмон ҳам, моддий “мен” тушунчаси, тафаккур ва ақл сингари Парвардигорнинг ташқи қуввати яратган нарсалардир. Ана шу кўпол ва нафис унсурларнинг мангу замон таъсири остида ўзаро ҳаракатларидан лаззатланадиган тирик мавжудот эса, Унинг моддий олам ёки руҳий оламини танлаш эркинлигига эга бўлган ички қувватининг бир туридир. Моддий оламда тирик мавжудот алдамчи қувватнинг мафтун қилувчи жилвалари таъсири остида бўлади, лекин руҳий оламда у ўзининг табиий, алданишдан пок руҳий табиатли ҳолатида бўлади. Тирик мавжудот Парвардигорнинг оралик қуввати деб аталади. Лекин, ҳар қандай вазиятда ҳам, на моддий унсурлар, на руҳий заррачалар Худо Шахси Васудевдан мустақил эмаслар, чунки, Парвардигорнинг қайси қувватига – ташқими, ичкими ёки ораликми - мансуб бўлмасин, бу оламнинг барча таркибий қисмлари, худди олов ўзини ёруғлик, иссиқлик ва тутун сингари намоён этгани сингари, - Парвардигорнинг қувватининг намоён бўлган кўринишидир. Ёруғлик, иссиқлик ва тутун оловдан ажралмаган, буларнинг ҳаммаси биргаликда олов деб аталади. Худди шундай, бу оламда биз сезгилар орқали қабул қиладиган нарсаларнинг ҳаммаси, шунингдек, Васудеванинг танасидан таралиб турган ёғду ҳам, Парвардигорнинг намоён бўлган шахсиятсиз кўринишидир, Унинг Ўзи эса, юқорида санаб ўтилган барча моддий унсурлардан фарқ қиладиган Ўзининг сач-чид-ананда-виграха деб аталадиган илоҳий қиёфасида мангу мавжуддир.

15. Ведавий муқаддас китобларни Парвардигорнинг Ўзи яратган ва улар Унинг

Ўзи(ни таниш) учун мўлжалланган. Фаришталар Унинг танасининг қисмлари сифатида Унга хизмат қилиш учун яратилган, сон-саноксиз сайёралар ҳам Унинг Ўзи учун яратилган, ҳар хил қурбонлик маросимлари ҳам, фақат Уни мамнун қилиш учун ўтказилади.

Изоҳ: “Веданта-сутра”да айтилганидек (шастра-йонитват), Парвардигор барча муқаддас китобларнинг муаллифидир. Муқаддас китоблар одамлар Парвардигорни англаб етишлари учун мўлжалланган. Веда ибораси “Худоголиб борадиган илм” деган маънони англатади. Ведалар фақат шартланган руҳларга ўзларининг азалий, ўзлари эсдан чиқариб қўйган онгни қайта тиклаш имконини бериш учун яратилган, шу боис нарайана-пара содиқлар Худони англашга олиб келмайдиган ҳар қандай китобни инкор этадилар. Мақсади Нарайана бўлмаган ана шундай китоблардаги билимни аслида ҳатто “илм” деб ҳам бўлмайди. Ундай китоблар – фақат бу дунёнинг ахлатхоналари қизиқтирадиган қарғаларнинг зиёратгоҳларидир. Ҳар қандай илмлар китоби(илмий ёки бадиий) Нарайанани англаб етишга олиб келиши керак, акс ҳолда ундай китобни инкор этиш керак. Илм ўрганиш йўли шундай. Сиғиниш лозим бўлган энг олий Зот – Нарайана. Фаришталарга сиғиниш – иккинчи даражали ва бу жараён Нарайанага сиғиниш билан боғланган бўлиши лозим, чунки фаришталар Унинг коинот ишларини бошқаришга ёрдам берадиган ёрдамчиларидир. Ҳукумат амалдорларини фақат улар шоҳга хизмат қилгани учунгина Ҳурмат-иззат кўрсатадилар, худди шундай, фаришталарга ҳам, улар Парвардигор билан боғлиқ бўлгани учунгина ҳурмат билдирадилар. Парвардигорга сиғиниш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда фаришталарга сиғиниш Ведаларда кўрсатилмаган(авидхи-пурвакам). Фаришталарга сиғиниш худди дарахтнинг илдизига сув қуймасдан унинг шоха ва барглари суғориш сингари бемаъни ишдир. Шундай қилиб, фаришталар ҳам Нарайанага қарам.

Локалар, ҳар хил сайёралар, уларда сач-чид-ананда-виграҳанинг қисман намоён бўлган жиҳатлари бўлган ҳаётнинг турли кўринишларини учратиш ва лаззатнинг турли кўринишларини ҳис қилиш мумкин бўлгани сабабли кишини ўзига жалб этади. Ҳамма илм ва лаззатга тўлиб, мангу яшашга интилади. Моддий оламда, илм ва лаззатга тўла мангу ҳаёт ҳақида фақат олий сайёраларда маълум даражада тасаввурга эга бўлиш мумкин. Лекин инсон олий сайёрага эришганидан кейин, унда Худонинг даргоҳига олиб борадиган йўлдан юришни давом эттириш истаги пайдо бўлади.

Сайёра қанчалик юкорида бўлса, унда инсон шунчалик узоқ умр кўради, мос равишда лаззатланиш ва илм ўрганиш имкони кўп бўлади. Баъзи бир сайёраларда инсон умри минг, миллион йиллар давом этади, лекин уларнинг бирортасида ҳам мангулик йўқ. Лекин, энг олий сайёрага, маъбуд Браҳманинг сайёрасига эришган киши мангу ҳаёт ҳукм сурадиган руҳий олам сайёраларидан бирига эришиш имконига эга бўлади. Шундай қилиб, бир сайёрадан иккинчи сайёрага кўтарилиб юрган кишининг охирги мақсади Парвардигорнинг илм ва лаззатга тўла мангу ҳаёт ҳукм сурадиган олий сайёраси (*мад дҳама*)га эришишдан иборат. Барча қурбонлик маросимлари Парвардигор Нарайанани мамнун қилиш ва Унинг марҳаматига эришиш учун ўтказилади, Кали даврида ўтказиладиган ана шундай қурбонлик маросимларининг энг яхшиси *санкиртана-йаджна* – *Нарайана-пара* шуғулладиган Худога садоқат билан хизмат қилишнинг энг асосий таянчидир.

16. Мууроқаба ва сеҳргарликнинг барча турларининг моҳияти Нарайанани англаб етиш воситаларидир. Барча риёзатларнинг мақсади - Унга эришиш. Илоҳий илмни фақат Нарайананинг қиёфасини бир лаҳза кўриш учун ўрганадилар ва ниҳоят озодликка эришиш - Нарайананинг салтанатига кириш демакдир.

Изоҳ: Мууроқаба йогасининг икки тури бор – *аштанга-йога* ва *санкхйа-йога*. *Аштанга-йога* ақлни бир жойга жамлаш усули бўлиб, бу усул инсонга мууроқаба, диққатни жамлаш, ўтириш ҳолатлари, шунингдек, ички ҳаво оқимларини бошқариш ва ҳоказолар ёрдамида ҳар қандай фаолиятни тарк этиш иконини беради. *Санкхйа-йога* ёрдамида эса, инсон ҳақиқий нарсаларни ўткинчи нарсалардан ажрата билишни ўрганади. Лекин, охир оқибатда бу тизимларнинг мақсади Худо Шахси, Нарайананинг қисман намоён бўлган кўриниши бўлган шахсиятсиз Браҳманни англаб етишдан иборат. Юкорида айтилганидек, шахсиятсиз Браҳманнинг ёғдуси – Худо Шахсининг бир қисми, холос. Шахсиятсиз Браҳман Худо Шахсининг бир қисми бўлиб, Худо Шахсидан таралиб турган кўзни камаштирадиган ёғдуни билдиради. Бунинг тасдиғини “Бхагавад-гита”да, “Матсйа-пурана”да топиш мумкин. *Гати* ибораси “охирги мақсад” ёки “озодликнинг юкори поғонаси” деган маънони англатади. Шахсиятсиз *браҳмадэйти* билан қўшилиб кетиш – озодликнинг олий шакли эмас. Ваикунтха осмонидаги сон-саноксиз руҳий сайёраларнинг бирида Худо Шахси билан улуғвор суҳбатларда

иштирок этиб юриш – озодликнинг анча юкори туридир. Шундай қилиб, барча йога тизимларининг ва озодликнинг барча турларининг олий мақсади Худо Шахси, Нарайанадир.

17. Фақат Унинг Ўзи илҳомлантиргани туфайли мен ҳамма жойга сингиб кетган Олий Руҳнинг назорати остида, У(Нарайана)нинг Ўзи яратган нарсаларини намоён этаман. Мени ҳам Унинг Ўзи яратган.

Изоҳ: Ҳатто коинотни яратган Браҳманинг ўзи ҳам тан оляптики, коинотнинг ҳақиқий яратувчиси у эмас, лекин, Парвардигор Нарайана илҳомлантиргани шарофати билан, Унинг назорати остида аввал Унинг Ўзи, барча тирик мавжудотларнинг олий руҳи аллақачон яратиб қўйган нарсаларни яратади. Ҳатто коинотдаги энг олий мўътабар зот тан оляптики, тирик мавжудотда икки шахс – алоҳида руҳ ва Олий Руҳ мавжуд. Олий Руҳ – Парвардигор, Худо Шахси, алоҳида руҳ эса – Унинг мангу хизматкори. Парвардигор алоҳида руҳни аллақачон яратиб қўйилган нарсани яратишга илҳомлантиради ва Худонинг марҳамати билан моддий оламда бирор нарсани кашф этган киши кашфиётчи сифатида шуҳрат қозонади. Маълумки, Колумб ғарбий ярим шарни кашф этган, лекин курукликнинг кашф этилган бу қисмини Колумб яратгани йўқ. Ҳар нарсага қодир Парвардигор яратган бу катта континент Колумб уни кашф этмасидан анча аввал мавжуд эди, лекин, Колумб авалги ҳаётларида Худога хизмат қилгани учун Парвардигор уни Американинг кашфиётчиси деган унвон билан мукофотлади. Худди шундай, Парвардигорнинг иродасисиз ҳеч ким бирор нарсани ярата олмайди, чунки ҳар ким фақат Худога хизмат қилиш истагига мос равишда Парвардигор унга ато этиб қўйган имкониятлар даражасидагина ярата олади. Шу боис, ҳар ким Худога садоқат билан хизмат қилишга интилиши лозим, шунда Парвардигор унга ўзини Худонинг нилуфар қадамлари пойига қай даражада топширганига мос равишда қудрат ато этади. Маъбуд Браҳма – Худонинг буюк содиқ хизматкори, шунинг учун Парвардигор унга ваколат бериб, мана шу сайёрани яратишга илҳомлантирган. Худди шундай Парвардигор Аржунни Курукшетра майдонида жанг қилишга илҳомлантирган эди. “Бхагавад-гита”(11.33).

Курукшетрадаги жанг, бу дунёда бўлиб ўтган бошқа барча урушлар сингари, Парвардигорнинг амри билан бўлиб ўтган эди, чунки Парвардигорнинг иродасисиз ҳеч ким одамларни оммавий равишда яқсон қилишни ташкил эта олмайди. Дурйодхананинг ҳамтовоқлари

Кришнанинг буюк содиғи бўлган Драупадини ҳақорат қилганларида, у ёрдам сўраб Худога ва бу вркеаларни жимгина кузатиб ўтирган зотларга илтижо қилган эди. Шунда Парвардигор Аржунга жанг қилишни ва шуҳрат қозонишни буюрганди, чунки Дурйодхананинг ҳамтовоқлари Парвардигорнинг амри билан барибир ўлимга маҳкум қилинган эдилар. Шу боис Парвардигор Аржунга Унинг қўлида қурол бўлиб хизмат қилишни ва Бхишма ва Карна сингари буюк жангчиларни ўлдириб, ғолиблик шон-шуҳратига эга бўлишни маслаҳат берганди.

Ведавий битикларда, хусусан, “Катха-упанишад”да, Парвардигор сарва-бхуга-антаратма, яъни, “ҳар кимнинг танасида мавжуд ва Унга ўзини топширган зотларнинг ҳаракатини бошқариб турадиган Зот” деб аталади. Ўзини Худога топширишни истамайдиган рухларга ғамхўрлик қилишни моддий табиат ўз зиммасига олади(бхрамаيان сарва-бхутани йантра)? Шу боис уларга ўз билганича ҳаракат қилиш ва табиат қонулари асосида “ҳар ким экканини ўриш”га руҳсат этилади. Лекин, Браҳма ва Аржун сингари Худонинг содиқлари бирор ишни ўз бошимчалик билан қилмайдилар. Ўз ихтиёрини Худога бутунлай топширган руҳ сифатида улар ҳамиша Парвардигорнинг кўрсатмалари асосида ҳаракат қиладилар ва шу боис улар оддий одамларга иложи йўқдай кўринган ишларга қўл урадилар. Парвардигорнинг номларидан бири - Урукрама, яъни, “тирик мавжудот англай олмайдиган ғаройиб тарзда ҳаракат қиладиган Зот”, шу боис, Унинг амри билан иш қиладиган Худонинг содиқларининг кўрсатган кароматлари ҳам баъзида кишини ҳайратга солади. Тирик мавжудотнинг барча амалларининг гувоҳи бўлган ҳолда илоҳий табиатли Парвардигор коинотдаги энг ақлли тирик мавжудот бўлган Браҳмадан то арзимаган чумолигача, ҳар кимнинг ақлида нималар бўлаётганини кўриб туради. Ўзининг фикр-мулоҳазаларини текшириб кўра оладиган, яъни ўз фикрларини, ҳис-туйғуларини ва истақларини таҳлил қилишга қодир бўлган фаросатли киши Парвардигорнинг ёнида юрганини ҳис қила олади.

18. Парвардигор - барча моддий сифатларга нисбатан илоҳий бўлган соф рухий киёфадир, лекин, моддий оламни яратиш, унинг мавжудлигини таъминлаб туриш ва яқсон қилиш учун У Ўзининг ташқи қуввати ёрдамида моддий табиатнинг - эзгулик, хирс ва ғафлат гуналари кўринишига киради.

Изоҳ: Парвардигор моддий табиатнинг уч гунаси: эзгулик, эҳтирос ва ғафлат кўринишида

намоён бўладиган ташқи қувватга ҳукмронлик қилади, шу боис бу алдамчи қувват Унга таъсир қила олмайди. Лекин живалар, яъни, тирик мавжудотлар, моддий табиат гуналари таъсири остига тушиб қолишга ва ўзида уларнинг таъсирини ҳис қилишга мойил бўладилар. Улар Парвардигордан шуниси билан фарқ қиладилар. Гарчи азалдан сифат жиҳатдан Парвардигор билан бир хил бўлсалар ҳам, тирик мавжудотлар гуналар таъсирига бериладилар. Бошқача қилиб айтганда, Парвардигорнинг қуввати яратган моддий табиат гуналари шубҳасиз, У билан боғланган, лекин бу алоқа ҳукмдор билан хизматкорнинг ўзаро муносабатларини эслатади. Парвардигор моддий қувватга буюради, моддий оламга ўралашиб қолган тирик мавжудотлар эса, на моддий табиатни ўзларига бўйсундира оладилар, на уни бошқара оладилар. Аксинча, ана шу қувват тирик мавжудотларни ўзига бўйсундириб олади ва уларни бошқариб туради. Аслида, худди очиқ осмонда порлаб турган қуёш сингари, Парвардигор ҳамиша Ўзининг ички, рухий қувватида бўлади, лекин, вақти-вақти билан, очиқ осмонда баъзан булутларни яратган қуёш сингари, У моддий қувватни яратади. Кичкина булут Қуёшни қоплаб олишга қодир эмас, худди шундай, вақти-вақти билан браҳмажйотида, Парвардигорнинг чексиз ёғдусида пайдо бўладиган арзимаган моддий қувват булутни чекси Парвардигорга ҳеч қандай таъсир кўрсата олмайди.

19. Кейин, мода, илм ва фаолият кўринишида намоён бўлиб, моддий табиатнинг шу уч гунаси илоҳий табиатга эга бўлган мангу тирик мавжудотни сабаб ва оқибатлар занжири билан ўраб олади ва уни қилган ишларига жавоб беришга мажбур қилади.

Изоҳ: Ману илоҳий табиатга эга бўлган тирик мавжудотлар Парвардигорнинг ички ва ташқи қувватлари орасида оралик ҳолатни эгаллаб турадилар, шунинг учун уларни Парвардигорнинг оралик қуввати деб атайдилар. Аслида тирик мавжудотлар моддий қувват ҳукми остида бўлиш учун яратилмаган, лекин ўзларининг моддий қувват устидан ҳукмронлик қилишга бўлган сохта интилиши сабабли унинг ҳукми остига тушиб қоладилар, шунда уларни моддий табиатнинг уч гунаси шартлаб қўяди. Соф илм ҳамиша тирик мавжудотда бор, лекин Парвардигорнинг ташқи қуввати ана шу илмни парда билан бекитиб қўяди, бу парда шунчалик қалинки, гўё тирик мавжудот ҳамиша ғофилликда юрадигандай туюлади. Майянинг, худди моддадан келиб чиқадигандай туюладиган ташқи қувватнинг англаб бўлмас таъсири

шундай. Бошланғич илмини парда билан тўсиб қўядиган ташки қувват таъсири остида материалист олим фақат моддий сабабларни кўради, лекин аслида намоён бўлган барча моддий нарсалар ортида адхибхута, адхйатма ва адхидайванинг фаолияти туради. Улар ғафлат гунаси таъсири остидаги шартланган рухга кўринмайдилар. Адхибхута руҳни кексалик ва касалликларга мубтало қилиб, туғилиш ва ўлишлар чархпалагида ушлаб туради, адхидайва, руҳий табиатга эга бўлган жонни шартлаб қўяди, адхидайва эса, ташки назорат тизими кўринишида ҳаракат қилади. Адхибхута, адхйатма ва адхидайва – сабаб ва оқибатлар қонунининг моддий кўринишида намоён бўлиши. Бу қонун шартланган руҳларнинг ўз фаолияти учун жавобгарлик даражасини аниқлайди. Охир-оқибатда буларнинг ҳаммаси – шартланганликнинг турли кўринишлари, шартланган ҳолатдан озодликка чиқиш – рух эриша оладиган энг олий баркамолликдир.

20. Эй брахман Нарада, табиатнинг ана шу уч гунаси, тирик мавжудотнинг моддий сезгиларига Олий Назоратчи илоҳий Парвардигорнинг борлигини ҳис қилиш имконини бермайди, лекин шунга қарамай У ҳаммани, шу жумладан, мени ҳам бошқариб туради.

Изоҳ: "Бхагавад-гита"(7.24-25)да Парвардигор аниқ айтганки, Парвардигорнинг илоҳий ёғдуси(брахмажйоти)га кўпроқ аҳамият берадиган ва Мутлақ Ҳақиқат охир оқибатда шахсиятсиз, фақат зарурат туғилгандагина бирор киёфага киради, деб ҳисоблайдиган имперсоналист “Веданта”ларни қанча ўрганмасин, барибир унинг ақли Мутлақ Ҳақиқатнинг шахсий жиҳатига боғланган кишининг ақлидан паст бўлиб қолаверади. Гап шундаки, ана шундай имперсоналистлар юқорида айтиб ўтилган моддий табиатнинг уч гунасининг пардаси остида юрган одамлардир ва шу боис илоҳий Худо Шахсига яқинлаша олмайдилар. Парвардигорни ҳамма бирдай англаб етавермайди, чунки У Ўзини бегона кўзлардан йоғамайя қувватининг пардаси билан тўсиб қўйган. Лекин бундан, аввал Парвардигор намоён бўлмаган ҳолда мавжуд эди, энди эса, Ўзини инсон киёфасида намоён этди, деган нотўғри хулоса чиқармаслик керак. Худонинг Олий Шахсининг шакл-шамойили йўқ деган нотўғри тасаввур Парвардигор Ўзини йоғамайя пардаси билан тўсиб қўйгани сабабли пайдо бўлади, бу парда шартланган рух ўзини Худога бутунлай топширганида фақат Парвардигорнинг истаги билан очилади. Парвардигорнинг моддий табиатнинг уч гунасига нисбатан илоҳий

ҳолатда бўлган содиқларига Парвардигорнинг лаззатга тўла илоҳий жамоли очилади, чунки улар оламга тирик мавжудотга Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёнида ато этиладиган муҳаббат кўзи билан қарайдилар.

21. Шундай қилиб, барча қувватларнинг ҳукмдори бўлган Парвардигор, Ўз қудрати билан мангу замон(вакт)ни, барча тирик мавжудотларнинг тақдирини ва уларнинг яралишига сабаб бўлган алоҳида табиатларини яратади. Кейин эса, ҳеч кимга боғлиқ бўлмаган ҳолда уларнинг ҳаммасини ютиб юборади.

Изоҳ: Парвардигор тирик мавжудотларга Унинг ташки қувватига бўйсуниб ҳаракат қилиш имконини бериб қўйган моддий олам ҳар гал яқсон қилингандан кейин қайтадан яна яратилади. Моддий борлиқ чексиз осмон ичидаги булутга ўхшайди. Ҳақиқий осмон – брахмажйоти ёғдусига мангу ғарқ бўлган руҳий осмондир; ана шу чексиз осмоннинг бир қисми махат-таттва – моддий борлиқ булути билан қопланган, шу ерда Худонинг иродасига қарши равишда оламга ҳукмронлик қилишга интиладиган шартланган руҳларга Парвардигорнинг ташки қувватининг назорати остида ўзлари истаган ролларни ижро этиш имкони берилади. "Бхагавад-гита"(8.19)да ҳам айтилганки, худди ҳар йили ёмғир палласи келиб кетгани сингари, Парвардигорнинг иродаси билан моддий олам такрор ва такрор яратилади ва яқсон бўлади. Шундай қилиб, фақат шартланган руҳларга ўзлари истаган ролларни ижро этиш ҳамда ҳар гал, олам яқсон бўлганда қалбида қолган мустақил истакларига мос келадиган янги танада туғилиб, ўз тақдирини ўзлари яратиш имконини бериш учун Парвардигор даврий равишда моддий оламни яратиш ва яқсон қилиб туради. Демак, моддий оламнинг яралиши маълум бир замонда бошланади, унинг бошланишини бирор тарихий сана билан белгилаш мумкин. Моддий оламни яратиш ва яқсон қилиш жараёнининг ўзини эса – анади, замон билан белгиланмаган, яъни, биринчи марта яратиш циклининг бошланиш вақти йўқ, чунки ҳатто тўлиқ бўлмаган яратиш цикли 8.640.000.000 йил давом этади. Лекин, Ведавий муқаддас китобларда ёзилган яратиш қонунида айтилганки, Парвардигорнинг амри билан моддий олам яратилади ва маълум бир вақт ўтгандан кейин яқсон этилади. Бутун моддий олам ва ҳатто руҳий олам ҳам Парвардигорнинг қувватининг намоён бўлган кўриниши сифатида, Унинг шахсиятсиз мавжудлигининг тимсолидир, ва бутун борлиқ Унинг шахсий жиҳатида мужассам. Лекин,

пурнам(тўла бутун) бўлган ҳолда, Парвардигор айни пайтда Ўзи яратган борлиқдан фарқ қилади, шу боис, шунчаки, У Ўзини чексиз шахсиятсиз кўринишда намоён этганлигига асосланиб, Парвардигорнинг шахсий жиҳати йўқ деб ҳисоблаш хато бўлади. Парвардигорнинг шахсиятсиз экспансияси – Унинг қувватининг намоён бўлиши, лекин Унинг қувватларининг сон-саноксиз шахсиятсиз чексиз экспансиялари бўлишига қарамасдан, Унинг Ўзи ҳамиша Ўзининг шахсий жиҳатида мавжуд("Бхагавад-гита" 9.5-7). Қандай қилиб бутун борлиқ Парвардигорнинг қувватининг экспансиясида жойлашганини инсон тафаккури тушуниб олиши жуда қийин, лекин, "Бхагавад-гита"да Парвардигор буни жуда ўринли мисол билан тушунтиради: гарчи ҳаво ва атомлар, моддий оламда яратилган нарсаларнинг ҳаммасини ўз ичига олган осмоннинг чексиз кенгликлариди жойлашган бўлса ҳам, осмоннинг ўзи улар билан аралашиб кетмайди ва уларнинг таъсири остига ҳам тушиб қолмайди. Худди шундай, Парвардигор Ўзининг қуввати ёрдамида бутун борлиқнинг мавжудлигини таъминлаб туради, лекин Ўзи, бунда ҳамиша ундан четда туради. Буни ҳатто Мутлақ Ҳақиқатнинг шахсиятсиз табиатга эгаллиги ҳақидаги таълимотнинг ашаддий ҳимоячиси бўлган Шанкарачарйа ҳам тан олади. У шундай деб ёзади: нарайанаҳ паро 'вйактат – яратувчи шахсиятсиз қувватга нисбатан илоҳий бўлган ҳолда Нарайана алоҳида мавжуд. Моддий олам яқсон этилгандан кейин бутун олам илоҳий Нарайананинг танасига киради, яралишнинг янги цикли бошланганида эса, тақдир ва алоҳида мавжудликнинг ўзгармас тоифалари билан биргаликда яна Унинг танасидан пайдо бўладилар. Алоҳида тирик мавжудотлар Парвардигорнинг ажралмас заррачалари бўлгани боис, улар ўзларининг руҳий табиати билан Парвардигор билан сифат жиҳатдан бир хи эканини назарда тутиб, уларни баъзан атма деб атайдилар. Лекин, тирик мавжудотлар ўзларининг фаолиятига ва шахсий сифатларига таъсир қиладиган яралган моддий оламга боғланиб қолишга мойиллиги билан Парвардигордан фарқ қиладилар.

22. Парвардигор биринчи пуруша (Каранарнавашайи Вишну) кифёсида мужассам бўлгандан сўнг, махат-таттва - моддий оламни ташкил этадиган асос юзага келади, кейин замон(вақт) намоён бўлади, кейин уч сифат пайдо бўлади. Табиат - фаолиятга айланадиган уч сифатнинг намоён бўлган кўринишидир.

Изоҳ: Ҳар нарсага қодир Парвардигорнинг қудрати билан моддий олам ривожланиш жараёнида турли босқичлардан ўтиб, эволюцион ўзгариб боради, Парвардигорнинг қудрати олий иродаси билан моддий оламдаги барча нарсалар Парвардигорнинг танасига фарқ бўлиб биринкетин яқсон бўлади. Кала(замон) – табиатнинг синоними. У- моддий олам унсурлари бирикмасининг ўзгарган кўринишидир, шу боис калани олам яралишининг бошланғич сабабчиси деб ҳисоблаш мумкин, табиатнинг ўзгаришлари эса, моддий оламдаги турли фаолиятларни юзага келтиради. Бундай фаолиятни ҳар бир тирик мавжудотнинг туғма инстинктининг намоён бўлиши деб ҳисоблаш мумкин, ана шу фаолият натижасида ягона табиатга эга бўлган хилма-хил жисмлар ва кўшимча маҳсулотлар пайдо бўлади. Буларнинг ҳаммасининг бошланғич сабабчиси – Парвардигор, шу боис “Веданта-сутра”лар ва "Шримад-Бхагаватам" Мутлақ Ҳақиқатни бутун борлиқнинг манбаи деб таърифлашдан бошланади(жанмаадй асйа йатах).

23. Моддий фаолият махат-таттванинг уйғониши натижасида юзага келади. Биринчи навбатда эзгулик ва эҳтирос гуналари ўзгара бошлайди, кейин - ғафлат гунасининг фаолияти натижасида модда ва модда ҳақидаги илм, шунингдек, моддий илмнинг фаолиятда намоён бўлган хилма-хил кўринишлари юзага келади.

Изоҳ: Ҳар қандай моддий нарса у ёки бу даражада эҳтирос(раджаса) гунасининг ҳаракати билан мавжуд бўлиб туради. Махат-таттва моддий оламнинг асосини ташкил этади, Парвардигорнинг амри билан у ҳаракатга келганида, аввалига унда эҳтирос ва эзгулик гунаси устивор бўлади, кейин, ҳар хил моддий фаолиятлар шарофати билан эҳтирос гунаси устивор бўла бошлайди, шундай қилиб, тирик мавжудотлар ғафлат гунасига тобора чуқурроқ фарқ бўла борадилар. Брахма эҳтирос гунасининг тимсоли, Вишну – эзгулик гунасининг, моддий фаолият отаси Шива эса – ғафлат гунасининг тимсолидир. Моддий табиат - она, моддий ҳаёт бошида турган маъбуд Шива эса, - ота ҳисобланади. Шундай қилиб, моддий оламда тирик мавжудотлар яратадиган нарсаларнинг ҳаммаси эҳтирос гунасидан бошланади. Вақт ўтиши билан ҳар бир йуга(двар)да ҳар хил гуналарнинг фаолияти аста-секин эволюцион ўзгариб боради. Эҳтирос гунаси устивор бўлган Кали даврида инсоният тараққиёти баҳонаси билан одамлар ўзларининг ҳақиқий “мен”ини – руҳий табиатини тобора эсдан чиқариб, турли хил моддий фаолият билан шуғулланадилар. Ўзида атиги озгина даражада эзгулик

сифатларини ривожлантирган киши руҳий табиат ҳақида маълум даражада тасаввурга эга бўла олади, лекин устивор бўлган эҳтирос гунаси эзгулик гунасини булғаб қўяди. Бунинг натижасида инсон моддий табиат гуналари исканжасидан чиқиб кетиш имкониятидан маҳрум бўлади, шу боис Кали юга даврида, ҳатто турли руҳий тажрибалар ёрдамида эзгулик гунасининг устивор таъсири остида юрган кишилар ҳам моддий табиат гуналарига нисбатан ҳамиша илоҳий ҳолатда бўлган Парвардигорни англаб етишлари жуда қийин бўлади. Бошқача қилиб айтганда, бу оламнинг намоён бўлган кўпол моддий кўриниши адхибхутам, уларнинг мавжудлигини таъминлаб туриш – адхидаивам, моддий фаолиятсабабчиси бўлган зотни эса, адхиатма деб атайдилар. Мана шу уч жиҳат – табиий бойликлар, уларнинг мунтазам равишда ўрни тўлиб туриши, адашган тирик мавжудотларнинг сезгиларини қондириш учун ҳар хил моддий нарсаларни яратиш учун табиий бойликлардан фойдаланиш – моддий олам фаолиятининг асосини ташкил этади.

24. Шу тарзда ўзида мужассам бўлган моддий ўзлик(эго) уч сифатга - эзгулик, ҳирс ва ғафлат гуналарига айланади ва моддани ривожлантирадиган қувват шаклида, моддий борлик ҳақидаги илм шаклида, моддий фаолиятни бошқарувчи тафаккур сифатида ўзини намоён этади. Эй Нарада, сен бу нарсаларни тушуниб олишга тўла қодирсан.

Изоҳ: Моддий эго, яъни ўзини моддага қиёслаш, фақат ўзида мужассам, шу боис унда Худонинг борлиги ҳақида ҳеч қандай тасаввур йўқ. Материалистик тирик мавжудотнинг бу дунёда тутқунлигига ва модданинг бошқа жиҳатлари билан шартланиб қолишига сабаб ундаги фикру-хаёли ўзига қаратилганидир. Ана шу эгоцентризм “Бхагавад-гита”(7.24-27)да батафсил баён этилган. Худо Шахси ҳақида аниқ бир тасаввурга эга бўлмасдан, эгоцентрик имперсоналист, Худо Шахси фақат маълум бир вазифани бажариш учунгина Унинг бошланғич шахсиятсиз руҳий борлигидан келиб чиқадиган моддий қиёфага киради, деган хулосага келади. Эгоцентрик имперсоналистлар ўзларидаги “Брахма-сутра” ва бошқа чуқур фалсафий ведавий муқаддас китобларга бўлган қизиқишларига қарамасдан, Парвардигор ҳақидаги ана шундай сохта тасаввурларга ёпишиб оладилар. Имперсоналистларнинг Парвардигорнинг шахсий жиҳатини тушунмаслигининг сабаби уларнинг турли гуналар таъсирининг аралашуви сабабли юзага ғофиллигидир. Ана шу ғофиллик имперсоналистни Парвардигорнинг мангу илм,

лаззат ва мавжудликка тўла мангу руҳий қиёфасини англаб етиш имкониятидан маҳрум қилади. Ҳатто “Бхагавад-гита”ни чуқур ўрганиб ҳам, фақат ўжарлиги сабабли имперсоналист бўлиб қолишда давом этаётган имонсиз олдида ўзини ошқор этмасликка Парвардигорнинг тўла ҳаққи бор. Унинг ўжарлиги – адютант сифатида ҳаракат қилиб, ўжар имперсоналистни ҳақиқатни кўришдан маҳрум қиладиган Парвардигорнинг шахсий қуввати йоғамая кўрсатаётган таъсир оқибатидир. Ана шундай адашган кишини мудха, кўзи юмуқ ғофил банда деб атайдилар, чунки у туғилмаган ва ўзгармас Парвардигорнинг илоҳий қиёфасини англаб етишга қодир эмас. Агар, Парвардигор аввалига шахсиятсиз бўлган ҳолда, кейин шакл-шамоилга яъни моддий танага эга бўлади, десак, унда Парвардигор туғиладиган ва шахсиятсиз кўринишдан шахс шаклига ўзгарадиган бўлади. Лекин У ўзгармас, шартланган руҳдан фарқли равишда ҳеч қачон туғилмайди. Моддий табиат қонунларига қарам бўлган шартланган руҳ бу дунёда такрор ва такрор туғилади. Лекин эгоцентрик имперсоналистлар, “Веданта”ни “чуқур” ўрганиб ҳам, мудроқ ғофилликлари ва эцентриклиги сабабли, Парвардигор ҳам улардан биттаси деб ўйлайдилар. Ҳар бир алоҳида тирик мавжудотнинг қалбида мавжуд бўлган ҳолда, Парвардигор бу шартланган руҳлар аввал нимага интилганлар, ҳозир нимага интиляптилар ва келажакда нимага интиладилар, ҳаммасини яхши билади, лекин адашган шартланган руҳ амалда Парвардигорни Унинг мангу қиёфасида англаб етишга қодир эмас. Шу боис, ҳатто Унинг Браҳман ва Параматма сингари жиҳатларини англаб етгандан кейин ҳам, имперсоналист Худонинг амри билан Парвардигорнинг мангу шахсий жиҳати, моддий оламни нисбатан илоҳий бўлган азалий Нарайана ҳақида ҳеч нарса билмай қолаверади.

Дунёвий одамларнинг чуқур ғафлатга ботганлигининг асосий сабаби уларнинг ҳамиша сунъий равишда ўзларининг моддий эҳтиёжларини кўпайтиришларида. Худонинг Олий Шахсини англаб етиш учун инсон Худога садоқат билан хизмат қилиш ёрдамида ўзининг моддий сезгиларини поклаши лозим. Эзгулик гунаси, яъни, бошқача қилиб айтганда, ведавий муқаддас китобларда тавсия қилинган браҳманлар маданияти, руҳий табиатни англаб етишга ёрдам беради, шу боис шартланган руҳнинг эволюцион ривожланишидаги джнана-шакти босқичи бошқа икки босқич – дравйа-шакти ва крийа-шактидан устун туради. Бутун моддий тамаддун моддий захираларнинг, яъни саноат хом-ашёларининг катта тўпланидир, саноат корхоналари(қрийа-шакти) эса, фақат

одамлар рухий ҳаёт ҳақида ҳеч нарса билмаганлари учунгина мавжуд. Моддий тамаддуннинг дравйа-шакти ва крийа-шакти қоидаларига асосланган мана шу иллатини тўғрилаш учун Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлига кириш ҳамда "Бхагавад-гита"(9.27)да ёзилган карма-йога қоидаларига амал қилиш керак:

Йат кароши йад ашнаси йадж джухоши дадаси йат

Йат тапасйаси каунтейа тат курушва мад-арпанам

“Эй Кунтининг ўғли, нима иш қилсанг ҳам, нима есанг ҳам, нима эҳсон қилсанг ёки нима берсанг ҳам, қандай риёзат чексанг ҳам, - ҳаммасини Мен учун қил”.

25. Сохта ўзликнинг зулмати қаъридан беш унсурдан биринчиси - осмон пайдо бўлади. Унинг нозик кўриниши - товуш бўлиб, у осмон билан худди кўриб турган киши билан у кўраётган нарса орасидаги боғланиш сингари алоқа билан боғланган.

Изоҳ: Беш унсур: осмон, ҳаво, олов, сув ва ер – сохта ўзлик зулматининг намоён бўлган турли хил кўринишларидан бошқа нарса эмас. Бу дегани, махат-таттва(моддий кувват бирикмаси)даги сохта ўзлик Парвардигорнинг оралиқ кувватидан пайдо бўлган, мана шу моддий оламга ҳукмронлик қилишга сохта эгоистик интилиш туйғуси ўз навбатида, тирик мавжудотнинг алдамчи лаззатланиши учун зарур бўлган моддий унсурларни яратади. Лаззатланувчи бўлган ҳолда тирик мавжудот амалда моддий унсурларга ҳукмронлик қилади, лекин, буларнинг ҳаммасининг ортида Парвардигор туради. Аслини олганда Парвардигордан бошқа ҳеч ким лаззатланувчи деб аталиш ҳуқуқига эга эмас, лекин, алданиш домига тушиб қолган тирик мавжудот ўзи лаззатланувчи бўлишни истайди. Ана шундай истакни сохта ўзлик юзага келтиради. Адашган тирик мавжудотда ана шундай истак пайдо бўлганида Парвардигорнинг амри билан алдамчи унсурлар пайдо бўлади, тирик мавжудот эса, худди саҳродаги сароб изидан кувгандай, уларнинг изидан чопиш имкониятига эга бўлади.

Аввалига тан-мантра – товуш яратилади, кейин эса осмон яратилади, буни мазкур шеър ҳам тасдиқлайди, лекин, аслини олганда, товуш – осмоннинг нафис шакли, улар орасидаги фарқ ҳам худди кўрувчи билан у кўриб турган нарса орасидаги фарқни эслатади. Товуш аниқ мавжуд нарсанинг киёфаси, чунки, бирор жисмни таърифлаганда пайдо бўладиган товуш ана шу жисмнинг кўриниши қандайлиги ҳақида маълумот беради. Худди шундай, Парвардигорнинг товуш киёфаси ҳам, сифат

жихатидан Парвардигорнинг тўла бутун, Парвардигор Кришна ва Парвардигор Раманинг оталари – Васудева ва Махараж Дашаратха кўриб юрган аниқ киёфасидан фарқ қилмайди. Парвардигорнинг товуш киёфаси Парвардигорнинг Ўзидан фарқ қилмайди, чунки Парвардигор ҳам, Унинг товушда намоён бўлиши ҳам, - мутлақ илмдир. Парвардигор Чайтанйа тушунтирганки, Парвардигорнинг товуш киёфасида, Унинг муқаддас номида Парвардигорнинг барча кувватлари мужассам бўлган. Шундай қилиб, асл содиқ Парвардигорнинг муқаддас номининг соф товушини талаффуз қилганида, у Парвардигор билан мулоқот қилиш лаззатини ҳис қилади, шу заҳотиёқ унинг олдида Парвардигорнинг асл киёфаси намоён бўлади. Демак, агар биз Парвардигор билан ҳамиша мулоқотда бўлишни истасак, шастраларнинг маслаҳатига кўра, ҳамма вақт Парвардигорнинг муқаддас номини такрорлаб юришимиз лозим: Ҳаре Кришна, Ҳаре Кришна, Кришна Кришна, Ҳаре Ҳаре / Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Ҳаре Ҳаре. Парвардигор билан йўл орқали мулоқот ўрната олган киши, шубҳасиз, сохта ўзлик яратган моддий олам зулматидан қутулиб кетади(тамаси ма джйотир гама).

26-29. Осмон сифатини ўзгартириб, сезилиш қобилиятига эга бўлган ҳавога айланади. Аввалги унсур сингари ҳаво ҳам товушга тўла, шунингдек, ҳаво ҳаётнинг асосий белгилари - ҳис қиладиган сезгилар, ақл кучи ва жисмоний кучни ўзида мужассам этган. Вақт ўтиши билан, эволюцион ривожланиш жараёнида ҳаво оловга айланади. Олов, товуш ўтказиш ва сезилиш сифатларини сақлаган ҳолда, шаклга кириш сифатига ҳам эга бўлади. Олов, ўз навбатида, ўзгариб сувга айланади, сув олдинги унсурларнинг сифатларни ўзида сақлаган ҳолда, намлик ва таъмга ҳам эга бўлади. Олдинги унсурлар сингари сув шакл, сезилиш ва товушни ўзида мужассам қилиш сифатларига эга. Сув ўзгариб, ерга айланади. Ер ўзидан олдинги унсурларнинг сифатлари - таъм, сезилиш, товуш, шакл сифатлари билан бирга ҳид сифатига ҳам эга.

Изоҳ: Яратиш жараёни бир унсурнинг аста-секин, эволюцион ўзгариб, иккинчи унсурга айланишидан иборат, бунинг натижасида ер юзида ҳар хил шакллар пайдо бўлади: дарахтлар ва ўсимликлар, тоғлар, дарёлар, паррандалар, ҳашаротлар, ҳайвонлар ва одамларнинг ҳар хил турлари. Сезиладиган нарсалар ҳам эволюция қонунига бўйсунди: аввалига товуш пайдо бўлади, кейин, шаклга айланадиган ва тери

оркали сезиладиган нарсалар пайдо бўлади. Таъм ва ҳид ҳам осмоннинг ҳавога, ҳавонинг – оловга, оловнинг – сувга, сувларнинг – ерга эволюцион ўзгариши жараёнида пайдо бўлади. Бу унсурларнинг ҳар бири ўзидан аввалги унсурдан пайдо бўлади ва кейинги унсурнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади, лекин уларнинг ҳаммасининг яралишининг бошланғич сабабчиси – Парвардигорнинг Ўзи, Ўзининг тўла бутун қисми қиёфасида махат-таттвнинг сабаб уммонида ястаниб ётган Маха-Вишну. Шунинг учун “Брахма-самхита”да Кришна барча сабабларнинг сабабчиси деб аталган, бу “Бхагавад-гита”(10.8)да ҳам тасдиқланади:

*Ахам сарвасйа прабхаво маттаҳ сарвам
правартаме*

Ити матва бхаджанте мам будха бхава-саманвитаҳ

Ер сезилар сеза оладиган барча сифатларга эга, бошқа унсурларда эса, улар қисман бор. Фазода фақат товуш бор. Ҳавода товуш ҳам, тери оркали сезилиш хусусияти ҳам бор. Олов да товуш ҳам, сезилиш ва шакл хусусиятларига эга, сувда эса, бошқа сифатлар(товуш, сезилиш ва шакл) билан бирга таъм ҳам бор. Ер эса, бу сифатларнинг ҳаммасига эга бўлиш билан бирга яна ҳидга ҳам эга. Шунинг учун айнан ерда бошида ҳаво унсури турган ҳаётнинг сон-саноксиз турлари яратилган. Асосан ердан таркиб топган тананинг касалликлари танада ҳаво айланиб туриш жараёнининг бузилиши сабабли юзага келади. Психик касалликлар ҳам танадаги ҳаво оқимларининг бузилиши сабабли юзага келади. Шунинг учун ҳам ҳар қандай касалликни даволашда йога ҳолатларида ўтириш, йога машқларини бажаришнинг самара беради. Чунки бунда ҳаво оқимлари нормал ҳолатга келади ва организм барча касалликлардан халос бўлади. йога машқларини тўғри бажариш инсон умрини узайтиради, бунинг устига, ҳатто ўлимни енгиш имкониятини беради. Баркамолликка эришган йог ажални ўзига бўйсундиради ва ўзи истаган пайтда, ўзига керак бўлган сайёрага кўтарилиш мумкин бўлган пайтда танасидан чиқиб кетади. Лекин бхакти-йог қолган барча йоглардан устун туради, чунки Худога садоқат билан хизмат қилиб юргани шарофати ва бутун борлиқнинг ҳукмдори бўлган Парвардигорнинг олий иродаси билан у моддий олам чегарасидан ташқарида бўлган оламга эришади ва рухий оламдаги сайёралардан бирига тушади.

30. Эгулик гунасида ақл ва тананинг фаолиятини бошқарувчи ўн фаришта: Дунё тарафларининг фариштаси, ҳаво фариштаси, Қуёш фариштаси, Пражапати Дакшининг отаси, Ашвини кумарлар, олов фариштаси, осмон фариштаси, жаннатдагилар

сиғинадиган маъбуд, Адитийларнинг энг асосийси ва Праджапати Брахма пайдо бўлади. Улар ҳаммаси шу тарзда дунёга келадилар..

Изоҳ: Ваикарика – яратишнинг нейтрал босқичи, теджас – яратишга туртки, тамас эса – ғофиллик зулмати қоплаб олган моддий оламнинг тўла намоён бўлиши. Кали юга(машиналар даври)да кенг ривожланиб кетган фабрика ва заодларда кенг истеъмол молларини ишлаб чиқариш – зулмат(ғофиллик) сифатининг ривожланиш чўққиси. Инсон кўли билан яратилган барча саноат корхоналари зулмат гунасининг намоён бўлган кўринишидан бошқа нарса эмас, чунки, аслини олганда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришнинг ҳожати йўқ. Одмларга энг аввало тирикчилигини таъминлаб туриш учун озик-овқат; ухлаш имконини берадиган бошпана; ўзини ҳимоя қилиш воситалари ва сезгиларнинг эҳтиёжини қондириш учун зарур нарсалар керак. Навбатдаги шеърда тушунтириладики, сезгиларнинг борлиги – ҳаёт, тириклик белгисидир. Инсонлар тамаддунининг мазмуни сезгиларни поклашдан иборат, шу боис, инсонда сезгиларининг талабини минимал даражада қондириш учун зарур бўлган нарсалар керак, акс ҳолда улар сезгиларнинг эҳтиёжини сунъий равишда оширишга сабабчи бўлади. озик-овқат, бошпана, ҳимоя воситалари ва сезгиларнинг эҳтиёжини қондирадиган нарсалар моддий оламда яшаш учун керак, лекин, тирик мавжудотнинг соф, булганмаган ҳолатида бундай нарсаларга эҳтиёж бўлмайди. Демак, бу эҳтиёжлар сунъий, ва улар мавжудликнинг соф ҳолатида йўқ, шунинг учун, дунёвий маданиятга хос бўлган сунъий эҳтиёжларни кўпайтириш, яъни жамиятнинг иқтисодий ривожланиши – ғафлат зулматидаги фаолиятдир. бундай фаолият билан шуғулланиб, инсон ўзининг биринчи навбатда, Парвардигорнинг сезгиларини қаноатлантиришда машғул қилиш учун сезгиларини поклашга сарфлаши лозим бўлган қувватини бекорга хазон қилади. Рухий сезгиларнинг олий эгаси бўлган Парвардигорни Хришикеша, сезгилар ҳукмдори деб атайдилар. Хришика – сезгилар, иша – ҳукмдор. Парвардигор сезгиларнинг кули эмас, бошқача қилиб айтганда, Парвардигор уларнинг талабига бўйсунмайди, шартланган руҳлар, яъни алоҳида тирик мавжудотлар эса, - ўз сезгиларининг хизматкорларидир. Улар сезгиларининг талабларига бўйсундилар, шунинг учун моддий тамаддун тўлалигича сезгиларни қаноатлантириш билан машғул. Инсонлар жамияти нормал ҳолатга келиши учун ана шу иллат(сезгиларини лаззатлантириш

иллати)дан покланиши лозим, агар ўзини Парвардигорнинг илоҳий сезгиларини лаззатлантиришга бағишласа, бунга эришиш қийин эмас. Сезгиларни ҳаракатдан тўхтатиб қўйишнинг иложи йўқ, пок хизмат- сезгилар ҳукмдорининг сезгиларини лаззатлантириш билан машғул қилиб уларни поклаш керак. "Бхагавад-гита"нинг бошидан охиригача одамларга мана шу маслаҳат берилган. Аввалига Аржун, дўстлари ва қариндошларига қарши жанг қилишни истамай, ўз сезгиларини лаззатлантирмоқчи эди, лекин, уни худбинларча фақат ўз сезгиларини лаззатлантиришга интилиш туйғусидан ҳалос этиш учун Парвардигор Шри Кришна унга "Бхагавад-гита"ни гапириб берди. Шундан сўнг Аржун Парвардигорнинг сезгиларини лаззатлантиришга рози бўлди, Парвардигорнинг амрига бўйсуниб, Курукшетрадаги жангда иштирок этди.

Ведалар бизни зулматда яшашдан воз кечишга ва ёруғлик йўлига чиқишга чақиради(тамаси ма джйотир гама). Ёруғлик йўлидан бориш – Парвардигорнинг сезгиларини лаззатлантириш. Адашган ғофил одамлар ўзликни англаш йўлидан борадилар, лекин бунда, Аржун ва Худонинг бошқа содиқларидан ўрнак олишдан бош тортиб, Парвардигорнинг илоҳий сезгиларини лаззатлантиришни ҳаёлига ҳам келтирмайдилар. Бунинг ўрнига улар сезгиларининг фаолиятини сунъий равишда тўхтатиш(йога тизимлари)га интиладилар ёки Парвардигорнинг илоҳий сезгилари борлигини инкор этадилар(жнана тизими). Лекин, Худонинг содиқлари йог ва жнанилардан устун туради, чунки асл содиқлар Парвардигорнинг илоҳий сезгилари борлигини инкор этмайдилар, аксинча, уларни лаззатлантиришга интиладилар. Йоглар ва жнанилар Парвардигорнинг сезгилари борлигини инкор этадилар ва фақат ғофиллиги сабабли ўзларининг касал сезгиларининг фаолиятини сунъий йўллар билан жиловлаб олишга интиладилар. Касал сезгилар инсонни ўзининг бутун умрини моддий эҳтиёжларини кўпайтиришга ундайди. Сезгиларининг фаолият кўрсатиш майдонини кенгайтиришдан бирор яхшилик чиқмаслигини тушунган кишини жнани деб атайдилар; йога билан шуғулланиб, сезгиларининг фаолиятини тўхтатиб қўйишга интилиб юрган кишини йог деб; Парвардигорнинг илоҳий сезгилари борлигини биладиган ва уларни лаззатлантиришга ҳаракат қилиб юрган кишини Худонинг содиқ хизматкори деб атайдилар. Худонинг содиқлари Парвардигорнинг сезгилари борлигини инкор этишга ҳам, ўз сезгиларининг фаолиятини сунъий равишда тўхтатиб қўйишга ҳам уринмайдилар. Бунинг ўрнига улар, Аржундан ўрнак олиб, ўз хоҳиши билан покланган

сезгиларидан сезгилар ҳукмдорига хизмат қилишда машғул қиладилар ва шу тарзда осонлик билан баркамолликка эришадилар – Парвардигорни мамнун қиладилар. Бу эса, баркамолликка эришишнинг барча йўлларининг охириги мақсадидир.

31. Бундан кейинги ўзгаришлар(трансформация) давомида хирс гунаси сезиш органларини: кулок, тери, бурун, кўзлар, тил, оғиз, қўллар, жинсий органлар, оёқлар ва чиқариш органларини, шунингдек тафаккур ва ҳаётий қувватини келтириб чиқаради.

Изоҳ: Моддий оламда ҳаёт шароити у ёки бу даражада тирик мавжудотнинг тафаккурига ва унинг ҳаёт қувватига боғлиқ бўлади. Тирикчилик учун олиб бориладиган қаттиқ курашга дош бериш учун тафаккур хис қиладиган сезгиларга таянади, ҳаёт қуввати эса, тана ичида ўзининг мавжудлигини ишчи органлар: қўллар, оёқлар ва бошқаларни бошқариш билан таъминлайди. Умуман олганда, тирикчилик учун кураш – эҳтирос гунасининг намоён бўлиши, демак, барча сезги органлари, уларни бошқариб турган тафаккур ва ҳаёт қуввати(прана) табиатнинг иккинчи гунаси – эҳтирос гунаси юзага келтирган нарсалар ва кўшимча маҳсулотлардир. Эҳтирос гунасининг ўзини эса, юқорида айтилганидек, ҳаво юзага келтиради.

32. Эй Нарادا, илоҳиётчилар аълоси, токи ана шу пайдо бўлган қисмлар ҳаммаси: унсурлар, сезгилар, ақл ва табиат гуналари бирикмагунча тирик мавжудотнинг танаси шаклланмайди.

Изоҳ: Тирик мавжудотларнинг тузилиши ҳар хил бўлган таналари худди ҳар хил деталлардан териб ясаладиган автомобилларнинг турли маркаларига ўхшайди. Автомобил тайёр бўлганида, ҳайдовчи унга ўтириб, истаган жойига боради. Бу "Бхагавад-гита"(18.61)да ҳам тасдиқланади. Унда айтилганки, тирик мавжудот, худди поездининг ҳаракатини машинист бошқаргани сингари, ҳаракатларини моддий табиат бошқариб турадиган тана машинаси ичида жойлашган. Лекин тирик мавжудот тана эмас, у тана машинасидан фарқ қилади. Афсуски, калтафаҳм материалист олимлар тананинг таркибий қисмлари – сезгилар, ақл ва моддий гуналарнинг сифатлари қандай бирлашишини тушуна олмайдилар. Ҳар бир тирик мавжудот руҳий учкун, Олий Мавжудотнинг ажралмас зарраси, Парвардигорнинг марҳамати билан алоҳида

тирик мавжудотларга маълум даражада, ўз истаги билан ҳаракат қилиш ва моддий табиат устидан ҳукмронлик қилишга эришиш имконини берадиган эркинлик бериб қўйилган. Йиғлаётган болани юпатиш учун отаси унга ўйинчоқ беради. Худди шундай, бутун моддий олам Парвардигорнинг амри билан фақат адашган тирик мавжудотлар учун Парвардигорнинг қаттиқ назорати остида моддий нарсаларга ўзлари истаганча ҳукмронлик қилиш имконини бериш учун яратилган. Тирик мавжудотлар худди ёш болаларга ўхшаб, Парвардигорнинг хизматкори – табиат назорати остида моддий оламда ўйнайдилар. Улар майя(хизматкор)ни олий ҳукмдор тимсоли деб биладилар, шу боис адашиб, Олий Ҳақиқат аёл табиатига эга деб ўйлайдилар(Дурга фариштаси ва ҳок.). кўпол материалистлар, худди ёш болалар сингари, моддий табиат, Парвардигорнинг хизматкоридан устун турадиган бирор Зот борлиги ҳатто тасаввур ҳам қила олмайдилар, лекин Парвардигорнинг ақл-фаросатли ўғиллари, худди хизматкор уй эгасига, бефаросат ёш болаларнинг отасига ббўйсунгари сингари, моддий табиат Парвардигорга бўйсунганини жуда яхши англайдилар.

Тананинг барча аъзоларини – сезги органлари ва бошқаларни – махат-таттва яратган. Парвардигорнинг амри билан улар бирлашганларида моддий тана пайдо бўлади, тирик мавжудот ўз фаолиятида ундан фойдаланиш имконига эга бўлади. у қуйидагича тушунтирилади.

33. Шундай қилиб, Худо Шахсининг қуввати ана шу таркибий унсурларнинг барчасини бирлаштиради, шунда яратишнинг бирламчи ва иккиламчи сабаблари таъсири остида коинот пайдо бўлади.

Изоҳ: Мазкур шеърда аниқ айтилганки, бу дунёни яратиш учун Худонинг Олий Шахси Ўзининг ҳар хил қувватларидан фойдаланади: унинг Ўзи моддий оламга айланади деб ҳисоблаш хато бўларди. У Ўзини хилма-хил қувватлар шаклида, шунингдек, Ўзининг тўла қисмлари кўринишида таркатади. Руҳий осмон(браҳмажйоти)нинг маълум бир жойида вақти вақти билан руҳий булут пайдо бўлади, ана шу булут қоплаган жой махат-таттва деб аталади. Шунда Парвардигор Маха-Вишну – Парвардигорнинг тўла экспансияси - киёфасида Сабаблар уммони(Карана-джала океани) деб аталадиган махат-таттва сувлари устига ётади. Сабаблар уммонида ястаниб ётган Маха-Вишну уйкуга ғарқ бўлади, Унинг уйкуси давомида Унинг нафасидан пайдо бўлган сон-саносиз коинотлар дунёга келади. Ана шу коинотлар

Сабаблар уммонида сузиб юради, уларнинг ҳаммаси Маха-Вишнунинг бир марта нафас олиши давомида мавжуд бўлиб туради. Ана шу Маха-Вишну, Гарбходакашайи Вишну киёфасига кириб, ҳар бир коинот ичига киради ва шу ерда Ўзининг илон кўринишида намоён қилган Шеша экспансияси устига ётади. Вишнунинг қорнидан нилуфар гули ўсиб чиқади ва ундан ана шу коинот ҳукмдори маъбуд Браҳма дунёга келади. Браҳма коинотдаги бар тирик мавжудотларнинг истақларига мос бўлган ранг-баранг турларини, шунингдек, Куёшни, Ойни ва бошқа сайёраларни яратади.

Шундай қилиб, моддий оламни яратган бош яратувчи Парвардигорнинг Ўзи, бу "Бхагавад-гита"(9.10)да ҳам тасдиқланади. Фақат Унинг амри билан моддий табиат қўзғалувчан ва қўзғалмас тирик мавжудотларнинг барча турларини яратади.

Моддий оламни яратиш икки босқичда амалга ошади: барча коинотларнинг бирикмасини яратиш – буни аввал айтганимиздек, Маха-Вишну амалга оширади; алоҳида ҳар бир коинотни яратиш. Уни ҳам, буни ҳам Парвардигор амалга оширади, бунинг натижасида ҳозир биз кўриб турган коинот пайдо бўлади..

34. Кўп минг даврлар мобайнида бутун олам сув(Сабаблар уммони)да ғарқ бўлиб ётган эди. Ҳар бирининг ичига кириб, тирик мавжудотларнинг Парвардигори уларга ҳаёт бахш этди.

Изоҳ: Мазкур шеърда Парвардигор жива деб аталган, чунки У – барча живалар ичида асосийси. Ведаларда У нитйа, яъни мангу, “бошқа мангу зотлар ичида биринчиси” деб таърифланган. Парвардигор билан тирик мавжудотларнинг ўзаро муносабатлари худди ота билан фарзандлар орасидаги муносабатларни эслатади. Фарзандлар сифат жиҳатидан ота билан бир хил, лекин ота ҳеч қачон фарзанд бўлмайди, фарзанд ҳам отасининг отаси бўла олмайди. Шундай қилиб, аввал айтгандикки, Парвардигор Гарбходакашайи Вишну, яъни Хиранягарбхи(Олий Руҳ) киёфасида ҳар бир коинот ичига киради ва моддий табиат қорнида тирик мавжудотларни юзага келтириб, уни жонлантиради. Бу "Бхагавад-гита"(14.3)да ҳам тасдиқланади. Моддий олам яқсон бўлгандан кейин тирик мавжудотлар Парвардигорнинг танасига ғарқ бўладилар, олам яралишининг янги даври бошланганида эса, улар яна моддий табиат ичига жойлаштирилади. Шундай қилиб, моддий қувват моддий оламда барча тирик мавжудотларнинг онаси ролини бажаради,

уларнинг отаси эса Парвардигор. Тирик мавжудотлар модда ичига кириб, уни жонлантирганида, замон ва қувват алдовига тушиб қолиб, улар яна ўзларининг одатаги фаолиятини бажаришга киришадилар бу эса коинотда кўришиб турган тирик мавжудотларнинг ранг-баранг турларининг мавжуд бўлишига сабабчи бўлади. Шундай қилиб, Парвардигор моддий оламда ҳаёт пайдо бўлишининг бошланғич сабабчиси.

35. Сабаблар уммонида ястаниб ётган ҳолда, Парвардигор(Маха-Вишну) аини пайтда, Ўзидан чиқиб кўпайди ва Хиранийагарбха қиёфаларида, ҳар бир коинот ичига кирди ва минглаб қўл, оёқ, оғиз, калла ва бошқа аъзоларга эга бўлган вират кўринишини олди.

Изоҳ: Ҳар бир коинотнинг турли хил сайёралар тизими вират-рупанинг турли хил жойларига жойлашган. Улар қуйидагича таърифланади.

36. Буюк файласуфлар коинотдаги мавжуд барча сайёралар тизими Парвардигор танасининг турли хил юқори ва пастки қисмлари эканини тасаввур эта оладилар.

Изоҳ: Мазкур шеърда калпайанти, “тасаввур қиладилар” ибораси алоҳида аҳамиятга эга. Вират, Мутлақ Ҳақиқатнинг фазовий қиёфаси – Парвардигор Шри Кришнанинг икки қўллик мангу қиёфаси мавжуд бўлишига ишонмайдиган эмпирик файласуфларнинг хаёлан ўйлаб топган тасаввурларидир. Гарчи, Парвардигорнинг буюк файласуфлар тасаввур қиладиган кўринишдаги фазовий қиёфаси Парвардигорнинг жиҳатларидан бири бўлса ҳам, барибир у қайсидир маънода уларнинг ўзлари ўйлаб топган хаёлий тасаввурларидир. Бу ерда айтилганки, етти олий сайёралар тизими Парвардигорнинг фазовий қиёфасининг белидан юқорида жойлашган, қуйи сайёралар тизими эса, белидан пастда жойлашган. Бу гапнинг маъноси шундан иборатки, Парвардигор Ўз танасининг ҳар бир қисмини ҳис қилади ва шу тарзда борлиқдаги ҳамма нарса Унинг ҳукми остида.

37. Унинг оғзи - брахманлардир, қўллари - кшатрийлар, бели - вайшйалар, шудралар эса, Унинг оёқларидан пайдо бўладилар.

Изоҳ: Барча тирик мавжудотлар Парвардигорнинг ажралмас заррачаларидир, улар Парвардигорнинг қандай заррачалари экани мазкур шеърда тушунтирилган. Жамиятнинг тўрт табақаси: зиёлилар(брахманлар), хукмдор(кшатрийлар),

савдогар(вайшйа)лар ва ишчи(шудра)лар – Парвардигорнинг танасининг ҳар хил қисмлари ҳисобланади. Шу маънода улар Парвардигордан фарқ қилмайди. Оғиз ҳам оёқ ҳам бир тананинг таркибий аъзолари, лекин оғиз ёки калла сифат жиҳатидан тана учун оёқдан муҳимроқ. Аини пайтда уларнинг ҳаммаси – оёқ, оғиз, қўл ва сонлар – ягона бир тананинг таркибий қисмларидир. Парвардигорнинг танасининг барча аъзолари тўла бутунга хизмат қилиш учун яратилган. Оғиз гапириш ва ейиш учун, қўллар – танани химоя қилиш учун, оёқлар танани олиб юриш учун, тананинг ўрта қисми бутун тананинг мавжудлигини таъминлаб туриш учун керак. шу боис, зиёлилар табақасига мансуб бўлган одамлар бутун тана номидан гапиришлари ва бутун танани таъминлаш учун овқат ейишлари лозим. Парвардигорнинг очлиги – қурбонлик маросимларидаги эҳсонларни қабул қилиш истаги, шу боис брахманлар, яъни зиёлилар синфига мансуб одамлар қурбонлик маросимини қанджай ўтказишни яхши билишлари, бошқа табақадаги кишилар эса, шу маросимларда иштирок этишлари лозим. Парвардигор номидан гапириш – Уни олқишлаш, Парвардигорнинг ва Унинг танасининг ҳар хил аъзоларининг асл табиатларини таърифлаб, одамларга Парвардигор ҳақидаги ҳақиқий илмни тарқатиш демакдир. Шу боис брахманлар Ведаларни – барча илмлар манбаини яхши билишлари лозим. Веда – илм, анта – илмнинг охири, якуний илм. "Бхагавад-гита"га асосан Парвардигор бутун борлиқнинг манбаи(ахам сарвасйа прабхаввах), шу боис, илм ўрганишнинг энг баланд чўққиси(веданта) – Парвардигорни, У билан ўзимизнинг муносабатларимизни англаб етиш ва ана шу муносабатлар доирасида ҳаракат қилиб яшашдан иборат. Тананинг ҳар хил қисмлари тана билан чамбарчас боғлиқ, демак, тирик мавжудот ҳам Парвардигор билан ўзаро қандай муносабатларда эканини билиши керак. инсон ҳаётининг мазмуни ҳам айнан ман шунда, - ҳар бир тирик мавжудотни Парвардигор билан боғлаб турган ҳақиқий муносабатларни англаб етиш. Шуларни англаб етмаган киши умрини бекорга хазон қилган бўлади. Шу боис зиёлиларга, брахманларга алоҳида маъсулият юкланган: улар бизнинг Парвардигор билан ўзаро муносабатларимиз ҳақидаги илм тарқатиши ва одамларни тўғри йўлга бошлашлари лозим. Хукмдорлар табақасига мансуб кишилар тирик мавжудотларни химоя қилишлари ва уларнинг ўз мақсадларига – Худони англаб етишларига имкон беришлари лозим. Одамлар фаровонликда яшаб, инсон ҳаёти уларга юклайдиган бурчларини бажара олишлари учун вайшйалар ғалла етиштириб,

бутун жамиятни таъминлаши лозим. Бундан ташқари, одамларда етарлича сут ва сут маҳсулотлари бўлиши учун вайшйалар сигирларга ғамхўрлик қилишлари лозим, чунки сут маҳсулотларисиз инсон саломатлигини ҳам сақлай олмайди, ақли ҳам етишмайди. Буларсиз эса, жамиятда ҳар бир инсонга олий ҳақиқатни англаб етиш имконини берадиган маданиятни қўллаб-қувватлаб туришни таъминлашнинг иложи бўлмай қолади. Уткир зехни ҳам, етарли куч-қуввати ҳам бўлмаган ишчилар синфининг вакиллари эса, ўзларининг жисмоний меҳнатлари билан юкори синф вакилларига ёрдам беришлари ва бундай ҳамкорликдан манфаат кўриб яшаши мумкин. Парвардигор билан ана шу тарзда боғланган бутун коинот ягона бир бутунни ташкил этади, Парвардигор билан ўзаро ана шундай алоқадан маҳрум бўлган жамият эса, палапартишлик ҳукмрон бўлади, бундай жамиятда эса, на тинчлик-осойишталик, на фаровонлик бўлмайди. Буни ведалар ҳам тасдиқлайди: брахmano сйа мукхам асид, баху раджанйах критах.

38. Ер сайёрасигача бўлган барча қуйи сайёралар тизими Унинг оёқларида жойлашган. Бхуварлокадан бошланган ўрта сайёралар Унинг киндигида жойлашган. Бу-юк донишмандлар ва авлиёлар, фаришталар яшайдиган сайёралар тизими Парвардигорнинг кўкрагида жойлашган.

Изоҳ: Коинотда сайёралар тизимининг ўн тўрт поғонаси мавжуд. Қуйи сайёралар тизими Бхурлока деб аталади, ўрта сайёралар тизими – Бхуварлока, то коинотдаги энг олий сайёралар тизими Браҳмалокагача бўлган олий сайёралар тизими эса, - Сварлока деб аталади. Уланинг ҳаммаси Парвардигорнинг танасида жойлашган. Бошқача қилиб айтганда, бутун коинотда Парвардигор билан боғлиқ бўлмаган бирор зот йўқ.

39. Худо Шахсининг кўкраги ва бўйни оралиғида Жаналока ва Таполока сайёралар тизими жойлашган. Олий сайёралар тизими Сатйалока эса, Парвардигорнинг фазовий кўринишининг бошида жойлашган. Аммо рухий сайёралар ҳамиша, мангу мавжуд.

Изоҳ: Биз бу китобда биз моддий осмондан ташқарида жойлашган рухий сайёраларни бир неча бор таърифладик, мазкур шеърда ана шу гаплар яна бир бор тасдиқланган. Бу ерда санатана ибораси алоҳида аҳамиятга эга. Бу мангулик ғояси "Бхагавад-гита"(8.20)да ифодаланган, унда айтилганки, моддий оламдан ташқарида ҳамма нарса мангу бўлган рухий

осмон ястаниб ётибди. Баъзан, Браҳма яшайдиган Сатйалока сайёрасини Браҳмалока деб ҳам атайдилар, лекин бу ерда келтирилган Браҳмалоканинг Сатйалока сайёралар тизимига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Сатйалокадан фарқли равишда бу Браҳмалока мангу. Улар орасидаги фарқни алоҳида таъкидлаш учун мазкур шеърда санатана деган сифат ишлатилган. Шрила Жива Госвамиининг фикрига кўра, бу ерда келтирилган Браҳмалока, Браҳманнинг, яъни Парвардигорнинг сайёраси. Аслида рухий осмондаги барча сайёралар Парвардигорнинг Ўзидан фарқ қилмайди. Парвардигор тўлалигича рухий табиатга эга, Унинг номи, шуҳрати, сифатлари, эрмаклари ва бошқа жиҳатлари Унинг Ўзидан фарқ қилмайди, чунки У – мутлақ Зот. Шу боис, Худонинг даргоҳидаги сайёралар ҳам Унинг Ўзидан фарқ қилмайди. У жойда тана билан руҳ бир биридан фарқ қилмайди. Биз моддий оламда қарам бўлган замон, вақт бу сайёраларга ўз таъсирини ўткази олмайди. Замон таъсирига берилмайдиган Браҳмалока сайёралари бунинг устига, рухий табиатга эга, шу боис улар ҳеч қачон яқсон бўлмайдилар. Рухий сайёралардаги ранг-баранг кўринишлар ҳам Парвардигордан фарқ қилмайди, шунинг учун эвадвйтиям деган ведавий ҳақиқатни фақат рухий рангбарангликнинг мангу(санатана) муҳитига қўллаш мумкин. моддий олам – Парвардигорнинг рухий салтанатининг шунчаки бузилган акси, соясидир, шу боисЮ соя сифатида бу олам мангу бўла олмайди. Моддий оламдаги, зиддиятлар(руҳ ва модда) оламидаги ранг-барангликни рухий оламдаги ранг-баранглик билан умуман таққослаб бўлмайди. Ғофилиги сабабли калтафаҳм одамлар баъзан адашганидан алдамчи моддий оламда ҳам шароит худди рухий оламдагидай деб ўйлайдилар, шу оис улар Парвардигорни ҳам шартланган руҳ деб биладилар, Парвардигорнинг моддий оламдаги эрмаклари эса, уларга шартланган руҳнинг эрмаклари бўлиб кўринади. "Бхагавад-гита"(9.14)да Парвардигор ана шундай калтафаҳм одамларни коралайди:

Аваджананти мам мудха манушим танум ашритам

Парам бхавам аджананто мама бхута-махешварам

Ҳар гал, Парвардигор бу дунёга ташриф буюрганида, У бу дунёга Ўзининг ички қувватида(тма-майя) келади, лекин калтафаҳм одамлар Уни моддий мавжудот деб қабул қиладилар. Мана шу шеърни изоҳлар экан, Шрила Шридхар Свами ҳаққоний равишда айтадики, бу ерда ёзилган Браҳмалока – Вайкунтҳа, Парвардигорнинг салтанатидир. У – санатана(мангу), ва шу боис юкорида таърифланган моддий сайёралардан фарқ

қилади. Парвардигорнинг фазовий вират қиёфаси – моддий олам учун мўлжалланган хаёлан тасавуур қилинган қиёфа. Унинг руҳий олам, Парвардигорнинг салтанатига ҳеч қандай дахли йўқ.

40-41. Азиз ўғлим Нарادا, мавжуд ўн тўрт сайёралар тизимдан еттигаси қуйи тизимлардир. Улардан биринчиси, Атала, Худо Шахсининг белида жойлашган, иккинчиси (Витала) - Унинг сониди, учинчиси(Сутала) - тизасида, тўртинчиси(Талатала) - Унинг болдирида, бешинчиси(Махатала) - тўпниғида, олтинчиси(Расатала) - оёқ панжаларининг устки қисмида, еттинчиси(Патала) эса - Унинг товонида жойлашган. Шу тарзда Парвардигорнинг фазовий вират қиёфаси барча сайёралар тизимини ўз ичига олади.

Изоҳ: Ҳозирги даврда космосга учиб юрган кишилар "Шримад-Бхагаватам"ни ўқиб, коинотда шн тўрт турли сайёралар тизими борлигини билиб оладилар. Уларнинг ҳисоби ерга ўхшаган Бхурлока деган сайёрадан бошланади. Унинг устида Бхуварлока жойлашган. Коинотдаги олий сайёралар тизими Сатйалока деб аталади. Етти олий лока, сайёралар тизими шулардир. Бундан ташқари, яна етти сайёралар тизими(лока) бор: Атала, Витала, Сутала, Талатала, Махатала, Расатала ва Патала. Бу сайёралар тизимлари 2.000.000.000 x 2.000.000.000 квадрат километр майдонни эгаллаган бутун коинот бўйлаб тарқалган. Ҳозирги космонавтлар Ер сайёрасидан атиги бир неча минг километрга узоклаша оладилар, шу боис, осмонда саёҳат қилишга уринишларида улар худди чексиз уммон соҳилида ўйнаб юрган ёш болаларга ўхшайдилар. Ой учинчи поғонада турадиган олий сайёралар тизимига киради. "Шримад-Бхагаватам"нинг бешинчи қўшиғидан билиб оламизки, моддий осмонда жойлашган сайёралар тизимлари бир биридан жуда катта масофада жойлашган. Бизларнинг коинотдан бошқа сон-саноксиз моддий коинотлар бор, уларнинг ҳаммаси биргаликда, аввалги шеърда мангу Браҳмалока деб таърифланган руҳий осмоннинг арзимаган бир қисмини эгаллаб туради. "Бхагавад-гита"(8.16)да меҳрибон Парвардигор барча соғлом фикрли кишиларни ўзларининг уйига, Худонинг даргоҳига қайтиб боришга чақиради:

*Абрахма-бхуванал локаҳ пунар авартино ржуна
Мам упетйа ту каунтейа пуран жанма на видйате*
Коинотдаги энг олий сайёра, аввал айтганимиздек, бевосита мангу Браҳмалоканинг остида жойлашган Сатйалокадан бошлаб барча сайёралар моддий, тирик мавжудот ана шу моддий сайёраларнинг қайси бирида бўлмасин,

унга моддий табиат қонунлари таъсир қилади: туғилиш, ўлиш, касаллик ва кексалик қонунлари. Лекин, санатана, мангу Браҳмалокага, Парвардигорнинг салтанатига эришган киши барча моддий мусибатлардан халос бўлади. Демак, сеҳргарлар ва эмпирик-файласуфлар орзу қилиб юрган озодликка, фақат Худонинг содиқ хизматкори бўлиб эришиш мумкин. Ўзини Худога топширмаган имонсизлар учун Парвардигор салтанатининг эшиги ёпиқ. Фақат қалбида илоҳий оламда Парвардигорга хизмат қилишга интилиш туйғусини ривожлантирган кишигина Парвардигорнинг салтанатига эриша олади. Шу боис, агар сафсатабоз файласуфлар ва сеҳргарларҳақиқатан ҳам озодликка эришишни истасалар, улар Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлига киришлари лозим.

42. Бошқа тасаввурларга кўра коинотдаги барча сайёралар тизимлари уч қисмга бўлинади: Худо Шахсининг оёғида жойлашган сайёралар тизими(то Ерғача) пастки сайёралар; қорнида жойлашган сайёралар - ўрта сайёралар; Олий Шахсининг кўкрагидан то бошигача бўлган сайёралар(сварғалока) - олий сайёралар тизимлари.

Изоҳ: Бу ерда коинотдаги сайёралар тизимларининг уч поғонаси ҳақида гап боради, лекин бошқа олимлар, юқорида айтганимиздек, сайёралар тизимларининг ўн тўрт поғонаси бор деб айтадилар.

*"Шримад Бхагаватам"нинг Иккинчи қўшиқ,
"Барча сабаблар сабабчиси" деб аталадиган
бешинчи бобига Бхактиведантанинг изоҳлари
шундай яқунланади.*

Олтинчи боб Пуруша суктанинг тасдиқлаши

1. Маъбуд Браҳма шундай деди: Вират-пуруша(Парвардигорнинг фазовий кўриниши)нинг оғзи - товуш манбаидир, уни бошқарадиган илоҳ эса - Оловдир. Унинг териси ва бошқа олти қават қобиғи - ведавий ҳамду-санолар манбаидир. Унинг тили турли туман озиқ-овқат ва ширинлик моддаларини яратади, улардан фаришталар, ўтган авлодлар ва одамлар озиқланадилар.

Изоҳ: Мазкур шеърда Парвардигорнинг фазовий қиёфасининг бойлиги таърифланади. Бу ерда

айтилганки, Унинг оғзи ҳар хил товушларнинг манбаидир, вират-пурушанинг оғзини бошқариб турадиган илоҳ эса, олов фариштаси. Унинг танасининг териси ва бошқа етти қобиғи ведавий мадҳияларнинг етти турини, шу жумладан Гаятри мантрасини яратадиган марказлардир. “Шримад-Бхагаватам”нинг биринчи қўшиғида тушунтирилганидек, барча ведавий мантралар Гайатридан келиб чиқади. Мантраларни яратадиган ана шу марказларнинг ҳаммаси Парвардигорнинг фазовий қиёфасининг ҳар хил қисмлари, Парвардигорнинг қиёфаси эса, моддий оламга нисбатан илоҳий, демак, мазкур шеърда айтилган вират-пурушанинг овози, тили, териси ва бошқа нарсалари Парвардигорнинг илоҳий қиёфасида ҳам бор. Моддий товуш ва овқат ҳазм қилиш олови аввал бошлаб Парвардигордан чиқади; бу функцияларнинг ҳаммаси – руҳий ранг-барангликка тўла илоҳий оламда мавжуд бўлган нарсаларнинг бузилиб кўриниб турган аксидан бошқа нарса эмас. Бузилиб акс этиб турган ранг-баранг моддий нарсаларнинг ҳаммасининг руҳий оламда ўзининг руҳий табиатли прообразидир. Улар орасидаги ягона фарқ шундаки, моддий фаолият моддий табиатнинг уч гунаси билан булганган, руҳий оламнинг барча қувватлари эса, пок, чунки улар Парвардигорга соф илоҳий муҳаббат билан хизмат қиладилар. Руҳий оламда Парвардигор олий лаззатланувчи, барча тирик мавжудотлар моддий табиат гуналари булғамайдиган соф фаолият кўрсатиб Унга муҳаббат билан хизмат қиладилар. Руҳий оламдаги фаолият моддий оламда намоён бўладиган ҳар қандай иллатлардан пок, лекин бу дегани, руҳий олам – имперсоналистлар ўйлаганидек, шахсиятсиз бўшлиқ дегани эмас. “Нарада-панчаратра”да Худога садоқат билан хизмат қилиш қуйидагича таърифланади.

*Сарвопадхи-винирмуктам тат-паратвена нирмалам
Хришикена хришикеша севанам бхактир учйате*

Сезгилар аввал бошда Парвардигордан – барча сезгилар манбаидан чиқади, шу боис уларнинг моддий оламдаги фаолиятини Унга садоқат билан хизмат қилиш жараёнида поклаш мумкин. Шундай қилиб, инсон шунчаки ўзининг ҳозирги моддий фаолиятини поклаш билан ҳаётда баркамолликка эришиши мумкин. Инсон ўзининг ташқи моддий атамаларини ўзига қиёслашни тарк этган пайтдан поклана бошлайди. Барча тирик мавжудотлар кимгадир хизмат қилади: ўзига, оиласига, жамиятга, ватанига ва ҳоказо, - лекин афсуски, уларнинг ана шу хизмати моддий боғланишлар билан шартланган. Лекин, агар ана шу моддий боғланишлар Худога садоқат билан хизмат қилиш билан алмаштирилса, бу амалда моддий боғланишлардан халос бўлиш билан баробар

бўлади. Шундай қилиб, Худога садоқат билан хизмат қилиш орқали озодликка эришиш бошқа ҳар қандай йўллар билан озодликка эришишдан осонроқ. Бу “Бхагавад-гита”(12.5)да ҳам тасдиқланади, унда айтилганки, Муғлақ Ҳақиқатнинг шахсиятсиз жихатига боғланган киши ҳар хил мусибатларга дучор бўлади: клешо дхикаратас тешам авйактасакта-четасам.

2. Унинг икки бурун тешиги бизнинг ҳаёт нафасимизни ва ҳаёт нафасларининг барча турларини яратади. Унинг хид билиш қобилияти Ашвини-кумар фаришталарини ва доривор гиёҳларнинг барча турларини яратади. Унинг нафас олиш қувватидан эса, турли хил муаттар хидлар пайдо бўлади.

3. Унинг кўзлари - турли хилдаги қиёфа ва шакллар манбаидир. Унинг кўз қорачиқлари қуёш ва жаннатий сайёраларга ўхшайди. Унинг қулоқлари оламнинг ҳар тарафидан келаётган товушларни эшитиши ва ўзида барча Ведаларнинг мужассам қилган. Унинг эшитиш қобилияти эса, осмонни ва товушларнинг барча турларини яратади.

Изоҳ: Тиртханама иборасини баъзан “зиёратгоҳ” деб таржима қиладилар, лекин Шрила Жива Госвами айтадики, бу ибора “илоҳий ведалар илмини англаб етиш” деган маънони англатади. Шунингдек, ведалар илмини тарғибот қилиб юрган кишиларни ҳам тиртха деб атайдилар.

4. Унинг танасининг юзаси - бутун мавжудотнинг фаолият кўрсатиши учун ҳамма имкониятлар яратилган макондир. Унинг териси худди, эсаётган шамол сингари сезилишнинг ҳамма турларини яратади ва барча қурбонлик маросимларини ўтказиш жойи ҳисобланади.

Изоҳ: Ҳаво – барча сайёраларни ҳаракатга келтириб турган куч, шу боис, инсоннинг жаннатий сайёраларга боришига ёрдам берадиган қурбонлик маросимлари Парвардигорнинг танасининг юзаси, демак, барча шарофатли имкониятлар манбаи ҳисобланади.

5. Унинг танасидаги туклари наботот оламининг барчасини, энг аввало қурбонлик маросими ўтказиш учун зарур бўлган дарахтларни яратади. Унинг бошидаги сочи ва юзидаги туклари булутлар маконидир, Унинг тирноқларидан тошлар, темир рудалари ва электр қуввати пайдо бўлади.

Изоҳ: Парвардигорнинг текис тирноқлари электр қувватининг манбаидир, булутлар эса, Унинг калласидаги соч толаларида жойлашади. Шундай қилиб, тирикчилик учун зарур нарсаларнинг ҳаммасини Парвардигордан топиш мумкин, шу боис Ведаларда айтилганки, оламда бор нарсаларнинг ҳаммасининг манбаи Парвардигорнинг Ўзи. Парвардигор – барча сабабларнинг олий сабабчиси.

6. Парвардигорнинг қўлларидан буюк фаришталар ва оддий одамларнинг бошқа йўлбошчи ва химоячилари пайдо бўлади.

Изоҳ: "Шримад-Бхагаватам"нинг жуда муҳим бўлган мазкур шеъри "Бхагавад-гита"(10.41-42)да ажойиб тушунтирилган.

*Йад йад вибхутимат саттвам шримад урджитам
эва ва*

*Тат тад эвавагачча твам мама теджо-миша-
самбхавам*

*Атхава бахунаитена ким джнатена таварджуна
Виштабхйахам идам критснам экамитена стхито
джагат*

Қудратли шоҳлар, хукмдорлар, муқаддас китобларнинг билимдонлари, олимлар, рассомлар, муҳандислар, кашфиётчилар, геологлар, археологлар, саноатчилар, сиёсатчилар, иқтисодчилар, бизнесменлар ва қудратлироқ тирик мавжудотлар, яъни фаришталар: Браҳма, Шива, Индра, Чандра, Сурйа, Варуна ва Марут – ҳар ким ўз ўрнида турган ҳолда коинотда тартибини сақлаб туриш ҳақида қайғуради. Уларнинг ҳаммаси Парвардигорнинг маълум бир ваколат берилган ажралмас заррачаларидир. Парвардигор Шри Кришна – истак ва интилишларига қараб оламда у ёки жой ажратиб бериладиган барча тирик мавжудотларнинг отаси. Уларнинг баъзиларига, масалан, юқорида эслаб ўтганларимизга, Парвардигор алоҳида ваколат юклайди. Соғлом фикрли киши ўзи учун шуни яхши англаб етиши лозимки, қанчалик қудратли бўлмасин, тирик мавжудот мутлақ эркин ҳам, мустақил ҳам эмас. Барча тирик мавжудотлар ўзидаги куч-қудратнинг мазкур шеърда айтилган манбаини тан олишлари лозим. агар улар ўз фаолиятида ана шундай тасаввурга амал қилсалар, баркамолликнинг олий чўққисига – мангу ҳаётга, мутлақ илмга ва чексиз лаззатга эришадилар. Токи бу дунёдаги куч-қудрат эгалари ўзларидаги кучнинг манбаи – Худо Шахси борлигини тан олмас эканлар, улар майя(алданиш, сароб) таъсири остида юраверадилар. Майя таъсири шундаки, алдамчи моддий қувват адаштириб қўйган қудратли шахс ўзини оламнинг маркази(дунёнинг устун) деб ҳисоблай бошлайди ва қалбида Худога ишонч

туйғусини ривожлантирмайди. Бунинг натижасида ҳозирги даврда жаҳонда сохта эгоизм туйғуси, яъни “мен” ва “меники” деган ғоя кучайиб кетган, бунинг оқибатида инсонлар жамиятида тирикчилик учун қаттиқ кураш бир дақиқа ҳам тўхтамайди. Шунинг учун ҳам соғлом фикрли кишилар барча куч-қудратлар манбаи Парвардигор эканини тан олишлари ва Унинг инсониятга ато этиб қўйган барча бойликлари учун Унга муносиб миннатдорчилик билдириб яшашлари лозим. Парвардигорни шунчаки бутун борлиқнинг олий эгаси, - У ҳақиқатан ҳам шундай - эканини тан олиш билан ҳаётда энг олий баркамолликка эришиш мумкин. Инсон жамиятда қандай мартабага эга бўлмасин, агар у Худонинг Олий Шахсининг унга кўрсатаётган муҳаббатига муносиб миннатдорчилик билдиришга ҳаракат қилса, агар Парвардигорнинг берган ризкига қаноат қилса, шунча умрлардан бери интилиб юрган мамнуният ва осойишталикка у дарров эришади. Ақлнинг хотиржамлигига, бошқача қилиб айтганда, ақлнинг соғлом ҳолатига, инсон ўз ақлини Худога илоҳий муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилишда машғул қилсагина эриша олади. Парвардигор Ўзининг ажралган заррачалари Унга хизмат қила олишлари учун уларга маълум бир ҳокимият бериб қўяди. Бу худди йирик бизнесмен баъзан ўз ўғлини ўз кампаниясида юқори лавозимга тайинлашига ўхшайди. Итоаткор ўғил ҳеч қачон отасининг амрига қарши иш қилмайди, шу боис у оила бошлиғи, отаси билан иноқ яшайди. Парвардигор – барча тирик мавжудотларнинг отаси, шунинг учун уларнинг ҳаммаси, итоаткор ўғиллар сифатида, Парвардигор олдидаги ўз бурчларини ва отасининг амрини бажариб юришлари лозим. агар одамлар мана шу ҳақиқатни тушуниб етсалар, ер юзида тинчлик ва фаровонлик ҳукм суради.

7. Парвардигорнинг қадамлари - олий, қуйи ва жаннатий сайёраларнинг ва шунингдек, бизга зарур бўлган барча нарсаларнинг нажот маконидир. Унинг нилуфар пойи қадамлари бизларни барча хавфу-хатарлардан химоя қилади.

Изоҳ: Бизлар қаерда бўлсак ҳам, - бу сайёрадами, олий, қуйи ёки жаннатий сайёралардами, - барча хавф-хатарлардан сақланиш учун, шунингдек, ҳаёт учун зарур бўлган ҳамма нарсага эга бўлиш учун, биз Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойидан паноҳ топишимиз лозим. Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига бутунлай қарам бўлиш Худога соф садоқат билан хизмат қилиш деб аталади, мазкур шеърда айнан ана шу ҳақда

айтилган. Бунга ҳеч кимда шубҳа бўлиши ёки ёрдам сўраб фаришталарга мурожаат қилиши мумкин эмас, чунки улар ҳам ягона Парвардигорга қарам. Парвардигорнинг Ўзидан бошқа ҳамма Унинг марҳаматига қарам; ҳатто ҳамма жойга сингиб кетган Олий Рух ҳам Мутлақ Ҳақиқатнинг олий жиҳати Бхагаванга, Худо Шахсига қарам.

8. Унинг жинсий аъзоларидан сув, ҳар хил уруғликлар, насл қолдириш аъзолари, ёмғир ва аждодлар пайдо бўлади. Унинг жинсий аъзолари - насл қолдириш билан боғлиқ бўлган азоблар эвазига бериладиган лаззатлар маконидир.

Изоҳ: Жинсий аъзолар ва насл қолдириш пайтида ҳис қиладиган жинсий лаззат оилавий турмуш ташвишлари учун мукофот ўрнини босади. Агар Парвардигор Ўзининг бесабаб марҳамати билан насл қолдириш органларини кишига лаззат бағишлайдиган алоҳида тери билан қопламагида, одамлар умуман насл қолдирмаган бўлардилар. Ана шу органнинг тери қатламлари шу қадар чуқур лаззат манбаики, жинсий алоқа пайтида олинадиган бу лаззат оилавий турмушнинг барча қийинчиликларининг ўрнини босиб кетади. Ана шу лаззат инсонни ўзига шунчалик мафтун қилиб қўядики, шу лаззатни такрор ва такрор ҳис қилиш учун у ўзидан биргина авлод қолдириш билан чекланиб қолмасдан, уларни боқиш қанчалик оғир бўлмасин, фарзандлари сонини кўпайтираверади. Лекин, кишига лаззат берувчи бу аъзоларни алдамчи деб бўлмайди, чунки улар Парвардигорнинг илоҳий танасидан чиқади. Бошқача қилиб айтганда, жинсий алоқа пайтида лаззат бағишлайдилан тери қатламлари – аниқ ҳақиқат, лекин, моддий иллатлар ана шу лаззатни бузиб кўрсатади. Моддий оламда жинсий алоқа сон-саноксиз мусибатларга сабаб бўлади, чунки у модда билан боғлиқ. Шунинг учун жинсий алоқани чеклаб, фақат зарурий ҳолларда бунга йўл қўйиш мумкин. Моддий оламда насл қолдириш зарурати бор, лекин бунга, руҳий қадриятларни эсдан чиқармаган ҳолда, маъсулият билан ёндошиш лозим. Тирик мавжудот моддий оламда руҳий қадриятларни фақат инсон танасида англаб ета олади, шу боис инсон фақат руҳий қадриятлардан келиб чиққан ҳолда оиласини режалаштириши лозим. Оила ривожланишини туғишга қарши ишлатиладиган дорилар ва бошқа сунъий йўллар билан тартибга солишга уриниш – гуноҳ ва моддий иллатнинг жуда кўпол тури ҳисобланади. Ана шундай сунъий воситалардан фойдаланадиган имонсиз одамлар руҳий қадриятларнинг аҳамиятини тушунмайдилар ва сунъий йўллар билан жинсий

органларни қоплаган тери қатламларининг лаззатланиш имкониятидан иложи борича кўпроқ фойдаланишга интиладилар. Ҳаётнинг руҳий қадриятлари ҳақида ҳеч нарса билмасдан, калтафаҳм одамлар жинсий аъзоларини фақат моддий лаззатланиш воситаси деб биладилар.

9. Эй Нарада, Парвардигорнинг (ахлат) чиқариш аъзоси - ажал фариштаси Митранинг яшаш маконидир. Унинг йўғон ичаги ва чиқариш жойи - ғазаб, ҳар хил бахтсизликлар, ажал, дўзах ва шу каби мусибатлар маконидир.

10. Худо Шахсининг елкаси - ҳар хил афеус надоматлар, ғофиллик ва маънавиятсизлик маконидир. Унинг қон томирларидан катта ва кичик дарёлар пайдо бўлади, Унинг суякларидан эса, баланд тоғ қоялари пайдо бўлади.

Изоҳ: Худонинг Олий Шахсининг шахсиятсиз экани ҳақидаги тасаввурни инкор этиш учун мазкур шеърларда навбат билан Унинг илоҳий танасининг физиологик ва анатомик тузилиши таърифланади. Парвардигорнинг танасининг бу ерда келтирилган таърифидан Унинг танаси моддий оламдаги бизга таниш бўлган шакллардан фарқ қилишини тушуниб олиш қийин эмас. Лекин барибир У – шакл-шамойилсиз бўшлиқ эмас. Ғофиллик - Парвардигорнинг лекаси, демак, калтафаҳм одамларнинг ғофиллиги ҳам Унинг танасининг таркибий қисми ҳисобланади. Унинг танаси – ўзида бутун борлиқни мужассам қилган тўла бутун, шу боис, У – шахсиятсиз деб айтишга ҳеч қандай асос йўқ. Аксинча, Парвардигорнинг мукамал таърифида айтилганки, У бир вақтнинг ўзида ҳам шахс жиҳатига, ҳам шахсиятсиз жиҳатларга эга. Худо Шахси Парвардигорнинг бошланғич кўриниши, Унинг шахсиятсиз кўриниши эса – Унинг илоҳий танасининг акс этган кўриниши. Парвардигорнинг жамолини кўриш бахтига эришган кишилар, Унинг шахсий жиҳатини англаб ета оладилар. Парвардигорнинг ғофиллик тимсоли бўлган тарафида турган, яъни, бошқача қилиб айтганда, Парвардигорга Унинг орқа тарафидан қараб юрган омадсиз кишилар эса, Унинг шазсиятсиз жиҳатини кўрадилар.

11. Парвардигорнинг шахсиятсиз жиҳати - буюк океанлар маконидир, мавжуд моддий олам емирилганда барча тирик мавжудотлар Унинг қорнида нажот топадилар. Унинг юраги - тирик мавжудотларнинг нозик таналари(ақл, тафаккур, эго)нинг маконидир. Чуқур

тафаккурга эга бўлган зотлар буларнинг ҳаммасини биладилар.

Изоҳ: "Бхагавад-гита"(8.17-18)да айтилганки, Браҳманинг бир куни давомида Ер юзида минг давр алмашади, уларнинг ҳар бири тўрт даврдан таркиб топган ва ердаги вақт ҳисоби билан 4.300.000 йил давом этади. Браҳманинг туни ҳам шунча узок давом этади. Браҳма шундай ҳисоб билан юз йил умр кўради, кейин ўлади. Одатда, Браҳма вазифасини Парвардигорнинг буюк содиғи бажаради ва ўлганидан кейин озодликка эришади. Браҳма ўлиши билан коинот(браҳманда – “Браҳма бошқариб турган, коптокка ўхшаган жисм”) яксон бўлади, ундаги мавжуд тирик мавжудотларнинг ҳаммаси ҳалок бўлади. мазкур шеърдаги авйакта ибораси Браҳманинг туни билдиради, унинг тунида коинот қисман яксон бўлади, бунда Браҳмалокадан бошқа сайёраларнинг ҳаммаси, устидаги барча тирик мавжудотлар билан бирга вират-пурушанинг корнига киради. Браҳманинг туни ниҳоясига етганида, у яна яратишни бошлади, Парвардигорнинг танасидаги тирик мавжудотлар, худди қаттиқ уйқудан уйғонгандай, ўз ролларини ижро этиш учун яна дунёга келадилар. Тирик мавжудотларни яксон қилишнинг иложи бўлмагани учун улар моддий олам яксон бўлгандан кейин ҳам мавжуд бўлиб қолаверадилар, лекин, то тирик мавжудотлар озодликка эришмаганларича, улар бир моддий танадан иккинчи моддий танага ўтиб юришга мажбур бўладилар. Инсон ҳаёти тирик мавжудотга туғилиш ва ўлишлар чархпалагидан чиқиб кетиш ҳамда илм ва лаззатга тўла мангу ҳаёт ҳукм сурадиган руҳий оламга эришиш учун берилган. Бошқача қилиб айтганда, тирик мавжудотларнинг нафис қиёфалари Олий Зотнинг қалбида мавжуд, коинот яратилганида улар кўпол моддий тана олиб, улар дунёга келадилар.

12. **Мана шу буюк шахснинг онги - мангу дин(дхарма) қодаларининг, шунингдек, менинг, сенинг ва уйланмасликка қасам ичган тўрт Кумар(Санака, Санатана, Санат ва Санандана)нинг нажот маконидир. Унинг онгидан мангу ҳақиқат ва илоҳий илм ҳам жой олган.**

13-16. **Парвардигорнинг фазовий қиёфаси бутун борликни ўз ичига олган: унинг таркибига мен, сен, Бхава(Шива) ва сендан аввал туғилган барча донишмандлар, фаришталар, иблислар, нагалар, одамлар, паррандалар, ҳайвонлар, шунингдек коинотдаги барча мавжуд нарсалар: сайёралар, юлдузлар, астероидлар, ҳар хил**

ёритгичлар, яшин, момоқалдиноклар киради. Унга ҳар хил сайёралар тизимидаги барча тирик мавжудотлар - гандҳарвалар, апсарлар, йакшалар, ракшаслар, бхутаганлар, урагалар, пашулар, питалар, сиддхалар, видйадхаралар, чараналар ва тирик мавжудотларнинг бошқа турлари, шу жумладан қушлар, ҳайвонлар, дарахтлар шунингдек ўтмишдаги, ҳозирги ва келажакдаги барча тирик мавжудотлар киради. Аммо, Унинг Ўзи буларнинг барчасига нисбатан бутунлай илоҳий бўлган ҳолда ва Ўзининг йигирма сантиметрдан ошмайдиган мангу қиёфасида мангу мавжуддир.

Изоҳ: Худонинг Олий Шахси Ўзининг қисман намоён бўлган, ўлчами йигирма сантим бўлган Олий Рух қиёфасида, Ўзининг қуввати ёрдамида каттайиб, органик ва неорганик моддаларнинг ранг-баранг ва турли шакллари ўз ичига олган фазовий қиёфа кўринишига киради. Шундай қилиб, худди, турли хил шаклларга эга бўлган олтин тақинчоклар шу тақинчоклар ясаладиган олтидан фарқ қилмагани сингари, коинотда намоён бўлган ранг-барангликнинг ҳаммаси Парвардигордан фарқ қилмайди. Бошқача қилиб айтганда, Парвардигор бутун оламни бошқариб турган, лекин, намоён бўлган моддий оламдан фарқ қиладиган ва эканини мустақил шахс бўлиб қоладиган Олий Хукмдордир. Шунинг учун "Бхагавад-гита"(9.4-5)да Уни Йогешвара деб атайдилар. Ҳамма нарса Парвардигор Шри Кришнанинг қувватида жойлашган, шунга қарамасдан, Унинг Ўзи Ўзи яратган ҳамма нарсадан фарқ қилади ва унга нисбатан илоҳий ҳолатди. “Риг-мантралар” таркибига кирадиган ведавий “Пуруша-сукта” мадҳиясида ҳам шундай дейилган. Ачинтйа-бхедабхеда-таттва деб аталадиган, бир вақтнинг ўзида фарқ қилиши ва фарқ қилмасликни билдирадиган фалсафий доктринани Парвардигор Шри Чайтанйа Махапрабху олға сурган эди. Браҳма, Нарада ва қолган бошқа тирик мавжудотлар Парвардигор билан бир ва бир вақтнинг ўзида Ундан фарқ қиладилар. Худди олтин тақинчоклар олтин қонидаги олтин зарраларидан фарқ қилмагани сингари, бизлар ҳаммамиз ҳам Парвардигордан фарқ қилмаймиз, лекин миқдор жиҳатидан улар орасида катта фарқ бор. Қазиб олинган олтидан қанча безавқлар тайёрласалар ҳам, олтин қонидаги олтин камайиб қолмайди, чунки у пурнам, тўла бутун. Ҳатта ана шу пурнам Зотдан бошқа бир пурнам зот ажралиб чиқса ҳам, олий пурнам ўзгармай қолаверади. Биз ўзимизнинг мукаммал бўлмаган сезгиларимиз ёрдамида бу ҳақиқатни англаб ета олмаймиз, шунинг учун Парвардигор Чайтанйа Ўзининг фалсафасини ачинтйа(англаб бўлмас) деб атади. "Бхагавад-гита" ва "Шримад-

Бхагаватам"да тасдиқланганидек, Парвардигор Чайтнйанинг **ачинтйа-бхедабхеда-таттва** фалсафаси Мутлак Ҳақиқатни тўлиқ таърифлаб беради.

17. Куёш ўз нурлари билан бутун коинотни ҳам ичидан, ҳам ташқарисидан ёритиб туради. Худди шунингдек, Олий Худо Шахси, фазовий қиёфага кирган ҳолда, бутун борликни ҳам ичидан, ҳам ташқарисидан қўллаб-қувватлаб туради.

Изоҳ: Мазкур шеърда Парвардигорнинг фазови қиёфаси яъни, Унинг брахмажйоти деб аталадиган шахсиятсиз жиҳати жуда аниқ таърифлаб берилган. Бу ерда Парвардигорнинг шахсиятсиз жиҳатини куёш нурига қиёслайдилар. Куёш нури бутун коинот бўйлаб тарқалади, лекин ана шу нурнинг манбаи Куёш сайёраси, яъни, Сурйа-нарайана деб аталадиган Илоҳ ҳисобланади. Худди шундай, Худонинг Олий Шахси, Парвардигор Кришна шахсиятсиз брахмажйоти ёғдусининг, Парвардигорнинг шахсиятсиз жиҳатининг манбаи. Бу "Бхагавад-гита"(14.27)да тасдиқланади. Демак, Парвардигорнинг фазовий қиёфаси Унинг шахсиятсиз жиҳатидан келиб чиққан, Парвардигорнинг бошланғич қиёфаси эса, Унинг икки қўллик қиёфаси – Ўзининг мангу найини чалиб турган Шйамасундара қиёфаси. Парвардигордан таралиб турган ёғдунинг тўртдан уч қисми руҳий осмонда намоён бўлади(трипад-вибхути), тўртдан бир қисми эса, барча коинотларни ўз ичига олган бутун моддий оламни қамраб олади. Бу ҳам "Бхагавад-гита"(10.42)да тушунтирилади. Мос равишда, Ундан таралиб турган нурнинг тўртдан бир қисмини Парвардигорнинг ички қуввати деб, қолган қисмини эса – Унинг ташқи қуввати деб аталади. Руҳий ва моддий оламларни эгаллаб олган тирик мавжудотлар Парвардигорнинг оралик қувватига(татастха-шакти) мансуб, шу боис улар ўз истаги билан Унинг ё ташқи, ё ички қувватида бўла оладилар. Парвардигорнинг руҳий қувватида бўлган тирик мавжудотларни озод руҳлар деб атайдилар, Унинг ташқи қувватида юрган тирик мавжудотлар эса, шартланган руҳлар деб аталади. Бундан келиб чиққан ҳолда, Парвардигорнинг ички қувватида ва ташқи қувватида тахминан қанча тирик мавжудотлар борлигини аниқлаш ва шартланган руҳларга нисбатан озод руҳлар анча кўп эканига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

18. Парвардигор мангулик ва кўркмаслик устидан ҳам ҳукмрондир, У ўлимга ва моддий оламдаги карма(оқибат) келтирувчи фаолиятга нисбатан илоҳийдир. Шунинг

учун, эй брахман Нарада, Парвардигорнинг улуғворлигини таърифлаб адо этишнинг иложи йўқ.

Изоҳ: Парвардигорнинг, Ўз қувватининг тўртдан уч қисмига тенг келадиган илоҳий оламда намоён бўладиган улуғворлиги “Падма-пурана”нинг Уттара-кхандасида таърифланган. Унда айтилганки, Парвардигорнинг ички қувватининг тўртдан уч қисмини ташкил этадиган руҳий осмондаги сайёралар сони Парвардигорнинг ташқи қувватига мансуб бўлган барча коинотлардаги сайёраларнинг умумий сонидан бир неча марта кўп. “Чайтанйа-чаритамрита”да Парвардигорнинг ташқи қуввати яратган коинотларни бир қоп қантал уруғига, ҳар бир коинотни эса, қопдаги уруғларнинг биттасига ўхшатадилар. Биз ҳатто биргина коинотдаги сайёралар сонини аниқлай олмаймиз, шундай экан, худди қоп ичидаги қантал уруғи сингари кўп бўлган коинотларнинг ичидаги барча сайёраларнинг сонини эса тасаввур ҳам қила олмаймиз. Шунга қарамасдан, руҳий оламги сайёраларнинг сони моддий оламдагидан камида уч марта кўп. Руҳий табиатга эга бўлган бу сайёралар моддий табиат гуналарига нисбатан илоҳий, демак, соф, бенуқсон эзгуликдан таркиб топган. Уларда руҳий лаззат, брахмананда ҳукм суради. Улар мангу, емирилмас, моддий оламга хос бўлган иллатлардан пок. Уларнинг ҳар бири ўзидан нур таратиб туради, ва унинг ёғдуси миллионлаб куёшларнинг бирлашган ёғдусидан кучли. Ана шу сайёраларда яшайдиган зотлар туғилмайдилар, ўлмайдилар, кексаймайдилар, касал бўлмайдилар, улар ҳаммаси тўлиқ илмга эга, ҳамиша эзгуликда юрадилар ва моддий истақлардан пок. Ана шу сайёралада яшайдиган зотларнинг ягона иши – Парвардигор Нарайанага, Вайкунтха сайёраларида ҳукмрон бўлган Илоҳга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишдан иборат. Руҳий оламдаги озод руҳлар ҳамиша “Сама-веда”дан қўшиқ ва мадҳиялар куйлайдилар ва беш Упанишад тимсоллари ҳисобланадилар. Парвардигорнинг ички қуввати деб аталадиган бутун қувватининг тўртдан уч қисми, трипад-вибхути - Парвардигорнинг салтанати бўлиб, у моддий осмондан анча олисда жойлашган. Пада-вибути(Парвардигорнинг қувватининг қолган қисми) деганда эса, Унинг ташқи қуввати назарда тутилади. “Падма-пурана”да яна айтилганки, трипад-вибути салтанати илоҳий, пада-вибути олаи эса – моддий. Трипад-вибути олами мангу, пада-вибути эса, ўткинчи.

Илоҳий салтанатда Парвардигор ва Унинг мангу хизматкорлари лаззатга тўла, мукамал ва мангу ёш танага эга. Бошқача қилиб айтганда, у

жойда туғилиши, касаллик, кексалик ва ўлим йўқ. Мангу рухий олам илоҳий лаззатларга тўла, унда ҳамиша гўзаллик ва лаззат ҳукмрон. Бу ҳақиқатни "Шримад-Бхагаватам"нинг мазкур шеъри ҳам тасдиқлаб турибди, унда илоҳий табиат амрита деб аталган. Ведаларда: утамритатвасйешанах – Парвардигор мангулик ҳукмдори, бошқача қилиб айтганда, Унинг Ўзи мангу, мангулик ҳукмдори бўлган ҳолда, Ўзининг содиқларига ҳам мангулик ато эта олади. "Бхагавад-гита"(8.16)да ҳам Парвардигор айтганки, Унинг мангу салтанатига эришган киши ҳеч қачон бу ўткинчи дунёга, уч турли азоб-укубатлар ва ажал маконига қайтиб келмайди. Парвардигор бу дунёнинг ҳукмдорларидан фарқ қилади. Ҳукмдорлар яъни, бу дунёнинг худолари ҳеч қачон қўл остидагилар билан бир қаторда лаззатланмайдилар, бунинг устига улар ўзлари ўлимга маҳкум, шу боис қўл остидагиларга мангулик ато эта олмайдилар. Аммо Парвардигор, барча тирик мавжудотларнинг ҳукмдори, Ўзининг содиқ хизматкорларига Ўзида мавжуд бўлган барча сифатларни, шу жумладан мангулик ва илоҳий лаззат ато эта олади. Моддий оламда тирик мавжудотнинг қалби ҳамиша кўрқув ва даҳшат ичида юради, аммо Парвардигор – энг олий жасорат тимсоли – Ўзининг асл содиқларини ҳам жасорат билан мукофотлайди. Қўрқув туйғуси моддий тирикчиликнинг табиатида бор нарса, чунки, моддий оламдаги барча тирик мавжудотлар маҳкум бўлган туғилиш, ўлиш, касаллик ва кексалик билан муқаррар бирга бўладиган азоб-укубатлар ҳаммага ҳамиша кўрқув солиб юради. Моддий оламда ҳамма, бутун борлиқда турли ўзгаришларга олиб келадиган замон ҳукми остида юради. Тирик мавжудот ўзининг табиатига кўра, авикара(ўзгармас), шу боис замон туфайли юзага келадиган ҳар қандай ўзгариш унга сон-саноксиз мусибат келтиради. Лекин, Парвардигорнинг ўлмас салтанатида мангу замон олиб келадиган ўзгариш йўқ, яъни замон ҳукми рухий оламга таъсир қилмайди, шу боис унда яшайдиган зотлар кўрқув нималигини билмайдилар. Моддий оламда инсон ўз меҳнатлари эвазига ўткинчи бахтга эришади. Бетиним оғир меҳнат қилиб инсон бойлик тўплаши мумкин, лекин оғир меҳнат эвазига келган бундай бахт ҳамиша кўрқув ва шубҳа билан бирга келади, чунки бу бахт қанча узоқ давом этишини ҳеч ким билмайди. Лекин Парвардигорнинг салтанатида, бахтиёр бўлиш учун тер тўкиб ишлашнинг ҳожати йўқ. "Веданта-сутра"да айтилганидек, рухий табиатнинг ўзида бахт туйғуси бор: анандамайо бхйасат – руҳ табиатан бахтга тўла. Рухий оламда бахт ҳамиша кучайиб боради ва тобора кўпроқ лаззат келтиради. Рухий оламда

лаззат ҳеч қачон камаймайди. Ана шундай, бирор нарса тўскинлик қилмайдиган рухий лаззат моддий оламнинг бирор жойида, ҳатто Жаналока, Махарлока ва Сатялокада ҳам топилмайди, чунки ҳатто маъбуд Браҳма ҳам карма қонуни ва туғилиш ва ўлиш қонунига бўйсунди. Шу боис мазкур шеърда дуратйайах ибораси ишлатилган, бошқача қилиб айтганда, ҳатто жаннатий сайёралардан ҳам устун турадиган сайёраларга эришган браҳмачарий ва саннийасилар ҳам Парвардигорнинг мангу салтанатида ҳукм сурадиган рухий лаззатни ҳатто тасаввур ҳам қила олмайдилар. Яъни, Парвардигор шу қадар буюкки, Унинг улуғворлигини ҳатто буюк браҳмачарилар ва саннийасилар ҳам Унинг улуғворлигини тасаввур қила олмайдилар, лекин Парвардигорнинг илоҳий марҳамати билан Унинг асл содиқлари ана шундай бахтга эриша оладилар.

19. Билсанг, барча тирик мавжудотлар жойлашган Худонинг Олий Шахси қудратининг тўртдан бир қисми Уни барча моддий бойликларнинг олий манбаи қилиб қўяди. Мангулик, кўрқмаслик ҳамда кексалик ва касалликлар келтирадиган азоблардан озодлик – буланинг ҳаммаси сайёраларнинг барча уч тизимидан ва коинотнинг барча қатламларидан ташқарида жойлашган Парвардигорнинг салтанатида бор.

Изоҳ: Парвардигорнинг сандхини-шактисининг намоён бўлган кўринишларининг тўртдан бир қисми моддий оламга, тўртдан уч қисми эса, рухий оламга тўғри келади. Парвардигорнинг қувватлари уч қисмдан иборат: сандхини, самвит ва хладини. Бошқача қилиб айтганда, У мавжудлик, илм ва лаззатнинг тўла намоён бўлган тимсолидир. Моддий оламда мавжудлик, илм ва лаззат туйғулари жуда чекланган тарзда намоён бўлади. Парвардигорнинг арзимас қчик заррачалари бўлган ҳолда, озод тирик мавжудотлар мавжудлик, илм ва лаззат туйғулари билан маълум даражада лаззатланишлари мумкин, лекин моддий мавжудликнинг шартланган ҳолатида, улар амалда мавжудликнинг ҳақиқий, мангу, соф ва илмга тўла бахтини ҳис қилишдан маҳрумдирлар. Моддий оламдаги шартланган руҳлардан анча кўп бўлган озод руҳлар ҳақиқатан ҳам Парвардигорнинг юкорида санаб ўтилган сандхини, самвит ва хладини қувватлари имкониятидан фойдалана оладилар, яъни улар ўлмас, кўрқмас ҳамда кексалик ва касалликка дучор бўлмайдилар.

Моддий оламдаги сайёралар тизими трилока деб аталадиган уч сферада: Сварга, Мартйа ва

Паталада жойлашган, уларнинг ҳаммаси биргаликда Парвардигорнинг сандhini кувватининг атиги тўртдан уч қисмини ташкил этади. Трилокадан юқорида, етти қават моддий қобиқдан ташқарида Вайкунтха сайёралари билан бирга рухий осмон жойлашган. Трилока сайёралар тизимининг бирортасида тўлиқ илм ва мутлақ лаззатга бўла мангулик йўқ. Уч олий сайёралар тизими саттвик сайёралар деб атайдилар, чунки ундаги аҳоли узоқ яшайди, амалда кексалик ва касалликлардан холи, деярли қўрқув нималигини билмайдилар. Буюк донишманд ва авлиё зотлар жаннатий сайёралардан ҳам устун турадиган Махарлокага эришадилар, ҳатто уш ерда ҳам улар қўрқув туйғусидан биратўла халос бўла олмайдилар, чунки, калпа охирида Махарлока яксон бўлади, ва ундаги аҳолининг ҳаммаси ундан ҳам юқорироқ сайёраларга кўчиб ўтадилар. Лекин, ҳатто улар ҳам ўлимга маҳкум. Улар узоқ умр кўрадилар, чуқурроқ илмга эга, чуқурроқ лаззат ҳис қиладиган бахтга эга, лекин буларнинг ҳаммаси нисбий. Ҳақиқий мангуликка, қўрқмасликка ва кексалик ва касалликлардан холи бўлишга фақат моддий осмоннинг моддий қатламларидан ташқарида эришиш мумкин. Буларнинг ҳаммаси Парвардигорнинг салтанатида бор (*адхайи мурдхасу*).

20. Парвардигорнинг қудратининг тўртдан уч бўлагини ташкил этадиган рухий олам моддий оламдан ташқарида жойлашган ва қайта туғилишдан озод бўлган руҳлар яшаши учун мўлжалланган. Оилавий ҳаётга боғланиб қолган ва жинсий поклигини сақлаш қасамига амал қилмайдиганлар эса, мавжуд уч моддий олам ичида яшашга маҳкумдирлар.

Изоҳ: "Шримад-Бхагаватам"нинг мазкур шеърида варнашрама(санатана)-дхарма тизимининг мақсади аниқ ифодалаб берилган. Инсонга қилиш мумкин бўлган яхшиликнинг энг яхши тури – унда жинсий алоқага нисбатан бефарқлик туйғусини уйғотиш, чунки айнан тартибга солинмаган жинсий алоқалар тирик мавжудотни шартланган ҳаётга мубтало этиб, такрор ва такрор моддий оламда туғилишга мажбур қилади. Жинсий алоқа тартиб солинмаган жамият – тўртинчи нав жамиятдир, чунки бундай муҳитда руҳ моддий тана қафасидан чиқиб имкониятидан маҳрум бўлади. туғилиш, ўлиш, кексалик ва касалликлар моддий тана билан боғлиқ иллатлардир. Буларнинг ҳаммасининг рухий табиатли бўлган жонга ҳеч қандай алоқаси йўқ. лекин, токи тирик мавжудот ҳиссий лаззатларга бўлган моддий боғланишини қўллаб турар экан, худди кийимга ўхшаб

эскириб бораверадиган моддий тана қафасидан чиқиб кета олмасдан, такрор ва такрор туғилиш ва ўлишга мажбур бўлади.

Фақат инсон танасида эришиш мумкин бўлган олий саодатга эришиш учун варнашрама қоидаларига амал қилиб яшайдиган кишилар, ёшлик даврида брахмачари бўлиб, жинсий поклигини сақлашга қасам ичадилар. Жинсий поклигини қатъий сақлашга ўргатилган ёшлар брахмачарий бўлиб яшайдилар. Жинсий алоқа мазасини тотиб кўрмаган ёшларнинг бундай қасамга риоя қилиб юришлари қийин эмас, уларнинг олий баркамолликка – Парвардигорнинг кувватининг тўртдан уч қисмини эгаллаган рухий оламга олиб борувчи йўлдан боришда давом этишлари ҳам осон бўлади. Аввал айтганимиздек, у салтанатда ўлим ҳам, қўрқув ҳам йўқ, ҳаёт илм ва лаззатга тўла. Агар ёшлигида брахмачари қоидаларига амал қилиб юрган бўлса, оилавий турмушга боғланиб қолган кишига жинсий алоқа берадиган лаззатдан воз кечиш қийин бўлмайди. Муқаддас китобларда оилали кишига эллик ёшга киргандан кейин уйини тарк этиб (*панчашордхвам ванама враджет*), ўрмонда ёлғиз яшаш тавсия қилинади, шундан кейин, оиласига бўлган барча боғланишлардан халос бўлиб, улар санниаса турмуш тарзини қабул қилишлари, яъни таркидунё қилишлари ва ҳаётини бутунлай Худога садоқат билан хизмат қилишга бағишлашлари мумкин. Издошларини жинсий поклигини сақлашга ўргатадиган диннинг ҳар қандай тури инсоннинг рухий юксалиши учун яхши, чунки мусибатларга тўла моддий оламда тутқун бўлиб яшашга фақат ана шундай кишилар чек қўя оладилар. Парвардигор Будда ҳам нирвана қоидаларини одамларни моддий тирикчилик мусибатларидан халос этиш берган. Аслини олганда, "Шримад-Бхагаватам"нинг мазкур шеърида ҳам ана шу усул мукамалроқ кўринишда берилган, бундан ташқари, бу йўлдан бораётган киши эришадиган олий мақсад аниқ таърифлаб берилган. Бошқа жиҳатдан буддистларнинг, Шанкара издошларининг ва вайшнавларнинг усуллари бир биридан кескин фарқ қилмайди. Ана шу мактабларнинг издошлари баркамолликнинг олий даражасига кўтарила олишлари – туғилиш ва ўлишлар чархпалагидан, ташвиш ва қўрқувдан қутула олишлари учун жинсий поклигини сақлаш қасамини бузмасликлари лозим.

Оилавий кишилар ва онгли равишда жинсий поклигини сақлаш қасамини бузадиган кишилар учун мангулик салтанатининг эшиклари ёпиқ. Такводор оилавий кишилар, тубанликка юз тутган йоғлар ва адашган илоҳиётчилар Парвардигорнинг кувватининг чорак қисмини

эгаллаган моддий оламнинг олий сайёраларига эришишлари мумкин, лекин улар учун мангулик салтанати эшиклари ёпиқ. Абрихад-врата – жинсий поклигини сақлаш қасамини бузган киши. Агар оиласини тарк этган ванапрастха ва таркидунё қилган саннийаси ўзи тутган йўлда муваффақиятга эришишни истаса, ҳеч қачон жинсий поклигини сақлаш қасамини бузмасликлари лозим. брахмачари, ванапрастха ва саннийаси – бу дунёда қайта туғилмасликка қарор қилган (апраджа) кишилардир, шу боис улар яширин равишда жинсий алоқа қилиб лаззатланиб юриш улар учун ҳаром. Агар руҳий фаолият билан шуғалланиб юрган киши жинсий поклигини сақлаш қасамини бузса, кейинги ҳаётида у ўз йўлини давом эттира олиши учун унга инсон танасида билимдон брахман ёки бадавлат такводор савдогар оиласида туғилиш имконияти берилади. Лекин яхшиси – ҳозирги инсон ҳаётнинг ўзидаёқ мангуликка эришиш. Ана шундай баркамолликка эриша олмаган киши ўз умрини бекорга яшаган бўлади. Парвардигор Чайтанья Ўзининг издошларига жинсий покликни сақлаш борасида жуда қаттиқ талаблар қўйган. Унинг яқин ҳамроҳларидан бири, Чхота Харидас, жинсий поклик қасамини бузиб қўйганди, бунинг учун Парвардигор уни қаттиқ жазолади. Шундай қилиб, моддий мусибатлардан холи бўлган руҳий оламга эришишга интилиб юрган илоҳиётчи кишига, айниқса у таркидунё қилишга қасам ичган бўлса, онгли равишда жинсий алоқа қилиб лаззатланиб юриш – ўзини ўзи ўлдиргандан ҳам ёмон. Агар таркидунё қилган киши жинсий алоқа билан шуғулланишда давом эттириб юрган бўлса, бу – диний ҳаётнинг энг бузуқ, жирканч кўринишидир. Бундай адашган кишини фақат тасодифан унинг йўлида учраб қолган Худонинг асл содиқ хизматкори кутқара олади.

21. Парвардигор Ўз қувватларининг кучи билан Ўзининг мутлак(абсолют) ҳукмини ҳар қандай фаолиятга, - моддий оламга ҳукмронлик қилиш ниятида қилинадиган фаолиятга ҳам, Худога садоқат билан хизмат қилиш фаолиятига ҳам ўтказиб туради. Ҳар қандай вазиятда ҳам У ҳақиқий илмнинг ҳам, ғофилликнинг ҳам олий ҳукмдори бўлиб қолаверади.

Изоҳ: Мазкур шеърда вишван ибораси алоҳида аҳамиятга эга. Бир фаолият майдонидан иккинчи фаолият майдонига эркин ўтиб юра оладиган зотни пуруша ёки кшетраджна деб атайдилар. Бу икки атама, кшетраджна ва пуруша, алоҳида руҳга ҳам, Олий Руҳга ҳам бир хилда тегишли. "Бхагавад-гита"(13.3)да бу шундай тушунтирилади:

*Кшетраджнам чапи мам виддхи сарва-кшетрешу
бхарата*

*Кшетра-кшетраджнайор джнанам йат тадж
джнанам матам мама*

Кшетра ибораси “майдон” деганни билдиради, майдонни биладиган зот эса, кшетраджна деб аталади. Алоҳида руҳ биландиган фаолият майдони чекланган, Олий Руҳ, Парвардигор эса, чексиз фаолият майдонларини биледи. Алоҳида руҳ фақат ўзининг фикрларини, сезгиларини ва истакларини биледи, аммо Олий Руҳ – ҳамма жойда мавжуд бўлган олий ҳукмдор Параматма, ҳамманинг фикрлари, сезгилари ва истакларини биледи. Демак, ҳар бир алоҳида тирик мавжудот фақат ўзининг кичкина фаолият майдонининг хўжайини, Худонинг Олий Шахси эса, барча тирик мавжудотларнинг ўтмишдаги, ҳозирги ва келажакдаги барча ишларини бошқариб туради(*ведахам саматитани...*). Парвардигор билан тирик мавжудотлар орасидаги ана шу фарқни фақат ғофил одамлар кўра олмайдилар. Тирик мавжудот, онгсиз моддадан фарқли равишда, ўзининг билиш қобилияти билан сифат жиҳатидан Парвардигор билан бир хил, лекин у ўтмиш, ҳозир ва келажак борасидаги билимларининг тўлалиги бўйича ҳеч қачон Худо билан тенглаша олмайди.

Тирик мавжудотнинг билими чекланганлиги шунга олиб келадикки, баъзан у ўзининг руҳий табиатли эканини эсдан чиқариб қўяди. Парвардигорнинг экапад-вибхути майдони, яъни моддий олам – ана шу унутувчанлик намоеън бўладиган жой, трипад-вибхути(руҳий олам) фаолият майдони эса, унутувчанлик сабабли юзага келадиган ҳар қандай иллатдан пок бўлган тирик мавжудотлар учун мўлжалланган. Моддий тана унутувчанликнинг қўпол ва нафис кўринишлари тисолидир, шу боис бутун моддий олам авидйа, ғофиллик деб аталади, руҳий олам эса, видйа, илмга тўла олам деб аталади. авидйанинг турли хил босқичлари дхарма, артха ва мокша деб аталади. Монистлар олға сурадиган мокша, яъни, тирик мавжудотларнинг Парвардигор билан ягона танага бирикиб қўшилиб кетишни назарда тутадиган “озодлик” ғояси - материализмнинг энг юқори поғонасидир, яъни, барибир тирик мавжудотнинг ўша унутувчанлиги, холос. Алоҳида руҳ билан Олий Руҳнинг сифат жиҳатидан бирлиги ҳақидаги илм тўлиқ илм эмас, қайсидир маънода ғофиллик ҳисобланади, чунки, юқорида айтилганидек, алоҳида руҳ билан Олий Руҳнинг миқдор жиҳатидан бир биридан фарқ қилишини ҳисобга олмайди. Алоҳида руҳ ҳеч қачон илмда Парвардигор билан тенглаша олмайди, акс ҳолда у унутувчан бўлмасди. Шундай қилиб, худди бўлак ҳамиша бутундан фарқ қилгани сингари, алоҳида руҳлар,

яъни тирик мавжудотлар унутувчан бўлганлари сабабли, Парвардигордан тубдан фарқ қиладилар. бўлак ҳеч қачон бутунга тенг бўла олмайди, демак, Парвардигор билан тирик мавжудотнинг бир бирига тенглиги ҳақидаги тасаввур ҳам ғофиллик сабабли юзага келган.

Ғофиллик майдонида ҳар қандай фаолиятдан мақсад оламга ҳукмронлик қилиш бўлади. шу боис моддий оламда ҳар ким моддий оламга ҳукмронлик қилиш учун бойишга ҳаракат қилади. Бунинг оқибатида эса, моддий оламда ғофиллик аломатлари бўлган жанжаллар ва афсус-надоматлар(ҳафсаласи пир бўлишлар) мукаррар. Лекин, илм ҳумрон бўлган руҳий оламда тирик мавжудотлар Худога садоқат билан хизмат қилиш(бҳакти) билан машғул, шу боис озод ҳолда Худога садоқат билан хизмат қилиш поғонасида ғофиллик, яъни унутувчанлик(авидйа) билан боғлиқ бўлган иллатлар билан булғанишнинг иложи йўқ. Шундай қилиб, Парвардигор ҳам ғофиллик майдонининг, ҳам илм майдонининг эгасидир, тирик мавжудотга эса, ана шу икки оламдан қайси бирида яшашни танлаш ҳуқуқи берилган.

22. Худо Шахси барча шарсимон коинотларни, шунингдек, барча моддий унсурлардан, сифатлардан ва сезгилардан таркиб топган Ўзининг фазовий қиёфасини яратади. Лекин, худди ўз нурлари ва хароратидан ажралиб турадиган қуёш сингари У ҳам, Ўзи яратган ана шу моддий нарсалардан ажралган ҳолда мавжуддир.

Изоҳ: Аввалги шеърда олий ҳақиқат пурушу ёки пурушоттама, яъни Олий Шахс деб ифодаланган эди. Мутлақ Шахс – ишвара, Ўзининг хилма-хил қувватлари ёрдамида бошқарадиган олий ҳукмдор. Экапад-вибхути, Парвардигорнинг моддий қувватининг намоён бўлиши Унинг кўп сонли севгилларидан бирига, Парвардигор анча совуқ муносабатда бўлган бирига ўхшайди. "Бхагавад-гита"да унинг бхинна пракритих деб аталиши шундан далолат бериб турибди. Парвардигорнинг қувватининг соф руҳий намоён бўлиши бўлган трипад-вибхути майдонини У кўпроқ ёқтиради. Шунинг учун, моддий қувват уруғлантитар экан, Парвардигор моддий нарсаларни яратади, кейин, баҳайбат вишва-рупа қиёфасига кириб, Ўзини уларнинг ичига тарқатади. Аржунга кўрсатилган вишва-рупа Парвардигорнинг бошланғич қиёфаси эмас. Унинг бошланғич қиёфаси – илоҳий Пурушоттама қиёфаси, яъни Кришнанинг Ўзи. Мазкур шеърда қуёш мисол келтирилиб, У Ўзини қандай тарқатиши жуда яхши тушунтирилган. Қуёш ўзини кўзни камаштирадиган ёғду ва иссиқлик сифатида

тарқатади, лекин бунда, ҳамиша иссиқлик ва ёғдудан мустақил, алоҳида самовий жисм бўлиб қолаверади.

Имперсоналистлар, Парвардигорнинг сезса бўладиган, илоҳий мангу қиёфаси – Парвардигор Кришна ҳақида ҳеч нарса билмасдан, диққатини фақат Парвардигорнинг нурларига қаратадилар. Шунинг учун Кришнанинг икки қўлида най ушлаб турган олий шахс қиёфаси фақат Унинг баҳайбат вишва-рупа қиёфасини тасаввур қилишга қодир бўлган имперсоналистларни боши берк кўчага киритиб қўяди. Улар билиб қўйишлари лозимки, қуёш нурлари қуёшга нисбатан иккинчи даражали худди шундай, Парвардигорнинг баҳайбат шахсиятсиз қиёфаси Унинг Пурушоттама шахсий қиёфасига нисбатан иккинчи даражали аҳамиятга эга. Бу “Брахма-самхита”(5.37)да ҳам тасдиқланади.

Ананда-чинмайя-раса-пратибхавитабхис...

“Худонинг Олий Шахси, Говинда, танасидан таралиб турган нур билан ҳар қимнинг сезгиларини жонлантирадиган Зот, ҳамиша Ўзининг Голока деб аталадиган илоҳий даргоҳида яшайди. Айни пайтда Ўзининг лаззатли, қудрати билан Унинг лаззатланиш қувватига тенг бўлган руҳий нурлари ёрдамида оламнинг ҳамма жойида иштирок этади”.

Шундай қилиб, Ўзининг англаб бўлмас қуввати шарофти билан У Ўзида шахс сифатини ва шахсиятсиз табиатини бирлаштиради, яъни, У – ягона Парвардигор, Ўзида намоён бўлган моддий ва руҳий ранг-барангликни мужассам қилган ягона Зот. У бутун борлиқдан фарқ қилади, лекин айни пайтда Унга боғлиқ бўлмаган, Ундан ташқарида бўлган бирор нарса йўқ.

23. Мен Парвардигорнинг, Олий Шахс(Маха-Вишну) қорнидан ўсиб чиққан нилуфар гулидан дунёга келганимда, қурбонлик маросими ўтказишим учун буюк Худо Шахсининг тана аъзоларидан бошқа, бирор нарса йўқ эди.

Изоҳ: Космик оламни яратган маъбуд Браҳмани, Свайамбху, яъни, “ота ва она иштирокисиз туғилган зот” деб атайдилар. Одатда тирик мавжудотлар эркак(ота) ва аёл(она)нинг жинсий алоқаси натижасида дунёга келадилар, лекин маъбуд Браҳм, коинотдаги биринчи тирик мавжудот, Парвардигор Кришнанинг тўлиқ экспансияси бўлган Маха-Вишнунинг қорнидан ўсиб чиққан нилуфар гулидан дунёга келган. Парвардигорнинг қорнидан ўсиб чиққан нилуфар гули Унинг танасининг бир қисми ҳисобланади, маъбуд Браҳма ана шу нилуфар гулидан дунёга келган. Демак, маъбуд Браҳма

ҳам Парвардигорнинг танасининг бир қисми. Коинотнинг бахайбат бўшлиғида дунёга келиб, Брахма қоронғу зулматдан бошқа ҳеч нарсани кўрмасди. У саросимага тушди, унинг қалбида мавжуд бўлган Парвардигор уни риёзат чекишга илҳомлантирди, буни натижасида у қурбонлик маросими ўтказиш учун зарур бўлган ҳамма нарсага эга бўлди. Лекин, улар иккиси – Маха-Вишну ва Парвардигорнинг танасидан туғилган Брахманинг ўзидан бошқа коинотда ҳеч ким йўқ эди. қурбонлик маросими ўтказиш учун жуда кўп нарсалар, асосийси ҳайвонлар керак бўлади. ҳайвонларни шунчаки ўлдириш учун эмас, балки қурбонлик маросими ўтказишдан кўзланган мақсадга эришиш учун эҳсон қиладилар. Албатта, оловга эҳсон қилинган ҳайвон ҳалок бўлади, лекин тажрибали руҳонийлар талаффуз қиладиган ведавий мадҳиялар унинг дарров янги тана олишига имкон беради. Тажрибали руҳонийларсиз олов ёқиб унга ҳайвонларни эҳсон қилиш маросими ўтказиш таъқиқланган. Шундай қилиб, ҳатто қурбонлик маросими ўтказиш учун зарур бўлган анжомларни ҳам маъбуд Брахма Гарбходакашайи Вишну танасининг аъзоларидан яратди, яъни, коинотдаги тартибни Брахманинг ўзи белгилади. Бундан ташқари, коинотда бўшлиқдан яратилган бирор нарса йўқ, - ундаги ҳамма нарса Парвардигорнинг танасидан яратилган. "Бхагавад-гита"(10.9)да Парвардигор айтадики, ахам сарвасйа прабхавах маттах сарвам правартате - “Ҳамма нарса Менинг танамнинг аъзоларидан яралган, демек, Иен – бутун борлиқнинг манбаиман”.

Имперсоналистлар айтадиларки, Парвардигорга сиғинишнинг ҳеч қандай маъноси йўқ, чунки бутун борлиқ Парвардигорнинг ўзидир. Лекин, Парвардигор шахс эканини тушунадиган зотлар, Парвардигорнинг танасидан яратилган нарсалардан фойдаланиб, чуқур миннатдорлик юзасидан Унга сиғинадилар. Мевалар ва гуллар Ернинг танасидан ўсиб чиқади, лекин шунга қарамай, соғлом фикрли содиқлар унда ўсган тўнарсаларни тақдим этиб Она ерга сиғинадилар. Она-Гангага унинг ўзидан олинган сувни тақдим этиб сиғинадилар, шунга қарамай, шу йўл билан сиғиниб юрган кишилар ўзларининг бу ишларининг яхши натижасига эришадилар. Парвардигорга ҳам Унинг тана аъзоларидан яралган нарсаларни эҳсон қилиб сиғинадилар, лекин, барибир, ўзи ҳам Парвардигорнинг бир зарраси бўлган содиқ, Худога садоқат билан хизмат қилиш натижасига эришади. Имперсоналистга гўё унинг ўзи Худо бўлиб туюлади, лекин Худо – шахс эканини тушунган киши, бутун борлиқда Парвардигордан фарқ қиладиган бирор нарса йўқлигини жуда

яхши тушунган ҳолда, Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёнида миннатдорлик юзасидан Унга сиғинади. Шу боис Худонинг содиқ хизматкори, ҳамма нарса Парвардигорнинг мулки эканини ва ҳеч кимнинг бирор нарсани ўзининг мулки деб эълон қилишга ҳаққи йўқлигини тушунган ҳолда, ҳамма нарсадан фақат Парвардигорга сиғиниш учун фойдаланишга ҳаракат қилади. Ана шу мукамал бирлик ғояси содиқнинг Худога садоқат ва муҳаббат билан хизмат қилишига ёрдам беради, ўзига бино қўйган имперсоналистнинг манманлиги эса, унинг Худонинг содиқ хизматкори бўлишига имкон бермайди, Парвардигор ҳам ундай худбин одамни ҳеч қачон тан олмайди.

24. Қурбонлик маросими ўтказиш учун маълум анжомлар керак бўлади: гуллар, япроқлар, қуриган майсалар, олов ёқиш учун меҳроб ва белгиланган фасл(бахор).

25. Ундан ташқари ҳар хил қурбонлик анжомлари: дон, сарийёғ, асал, олтин, ер, сув, "Риг-веда", "Йаджур-веда", "Сама-веда" ва тўрт руҳоний ҳам бўлиши керак.

Изоҳ: Қурбонлик маросимини муваффақият билан ўтказиш учун ҳеч бўлмаса тўрт нафар тажрибали руҳоний бўлиши лозим: эҳсон таклиф қиладиган руҳоний(хота); мантралар тиловат қиладиган руҳоний(удгата); бошқа бирор оловдан фойдаланмасдан қурбонлик оловини ёқадиغان руҳоний(адхварйу); қурбонлик маросимини ўтказиш тартибини назорат қилиб турадиган руҳоний(браҳма). Коинотда қурбонлик маросими биринчи тирик мавжудот маъбуд Брахма дунёга келгандан бошлаб, то Махараж Юдхистхира ҳукмрон бўлган давргача ўтказилиб келган. Лекин ҳозирги таназул ва ўзаро жанжаллар давридатажрибали браҳман руҳонийлар жуда кам, шу боис Кали даврида фақат санкиртана-йаджна, Парвардигорнинг муқаддас номларини такрорлаш маросими ўтказиш тавсия қилинган. Муқаддас китобларда шундай дейилган:

Харер нама харер нама харер намаива кевалам
Калау настй эва настй эва настй эва гатир
анийатха

26. Шу билан бирга, маълум мақсадни кўзлаб, аниқ тартибда, муқаддас китобларда берилган кўрсатмалар асосида, ҳар хил мадҳиялар ўқиб, ҳар хил нарсаларни эҳсон қилишни ваъда бериб, фаришталарнинг номларини чақириш лозим.

Изоҳ: Қурбонлик маросими ўтказиш кармали фаолиятнинг бир тури бўлиб, у чуқур илмий асосга эга. Қурбонлик маросимининг натижаси асосан ургуларни тўғри қўйган ҳолда мантраларни тўғри талаффуз қилишга боғлиқ бўлади. Бу жуда буюк фан, лекин, тажрибали брахманларнинг йўқлиги сабабли бу санъат охириги тўрт минг йилдан бери қўлланилмай келяпти, шу боис ҳозирги даврда қурбонлик маросимлари бирор натижа бермайди. Бунинг устига, инсоният тубанликка юз тутган Кали-юга даврида уларни ўтказиш тавсия қилинмайди. Агар ҳозир ҳам кимдир шундай қурбонлик маросимини ўтказса, одатда бу шунчаки бошқаларга кўз-кўз қилиш учун ўтказилади, маккор рухонийларнинг бундан кўзлайдиган ягона мақсади – ишонувчан содда одамларни лақиллатиб алдашдан бошқа нарса эмас. Бундай томоша қурбонлик маросимлари ҳеч кимга бирор фойда келтирмайди. Ҳозир кармали фаолият асосан моддий илм-фан ёрдамида, арзимаган даражада жисмоний меҳнат ёрдамида амалга оширилади, лекин материалистлар бундан ҳам нафисроқ тараққиётга интиладилар, бунга улар ведавий мантраларнинг асосини ташкил этадиган товушларнинг маълум бирикмаларини талаффуз қилиш билан эришишга ҳаракат қиладилар. қўпол моддий илм-фан инсонга инсон ҳаётининг асл мақсадига эришишда ёрдам бера олмайди. Илм-фан фақат инсоннинг сунъий эҳтиёжларини қўпайтира олади, лекин у ҳаётнинг ҳақиқий муаммоларидан бирортасини ҳам ҳал қила олмайди, шу боис, ҳаёт ҳақида моддий тасаввурга асосланиб яшаш ненормал инсонлар жамиятининг шаклланишига олиб келади. Инсон ҳаётининг олий мақсади руҳий ўзлигини англаб етишдан иборат, шунинг учун Парвардигор Чайтанья одамарга бевосита Парвардигорнинг муқаддас номларини зикр қилишга мурожаат қилишни тавсия қилади. Мазкур шеърда тавсия қилинганидек, ҳозирги даврда одамлар мана шу осон усулнинг шарофатли эканига осонлик билан ишонч ҳосил қила оладилар. Санкиртана - чигал ижтимоий тизимга эга бўлган ҳозирги даврдаги жамият шароитида энг самарали қурбонлик маросимидир.

27. Шундай қилиб, мен қурбонлик маросимини ўтказишга зарур нарсаларни тўплаш учун Худо Шахсининг тана қисмларидан фойдаланишга мажбур бўлдим. Фаришталарнинг номларини такрорлаш билан аста-секин олий мақсадга - Вишнуга эришдим ва шу тарзда, қурбонлик маросимини охирига етказишга ва Ундан олган нарсаларимни ўрнига қўйишга муваффақ бўлдим.

Изоҳ: Мазкур шеърда Парвардигорнинг шахсига алоҳида эътибор берилган, чунки, Унинг шахсиятсиз брахмажйотиси эмас, балки айнин Унинг Ўзи бизда бор бўлган ҳамма нарсанинг манбаидир. Барча қурбонлик маросимларидан мақсад – Нарайан, Парвардигор, барча ведавий мадҳиялар ҳам оқибат натижада ана шу мақсадга эришиш учун мўлжалланган. Шундай қилиб, фақат Нарайанани мамнун қила олган ва Вайкунтха руҳий салтанатида У билан бевосита мулоқот қилиш ҳуқуқига эга бўла олган кишининг ҳаётини муваффақиятли деб ҳисоблаш мумкин.

28. Шундай қилиб мен, эҳсон қилинган нарсалардан лаззат олувчи Парвардигорнинг тана аъзоларидан қурбонлик ўтказиш учун зарур бўлган ҳамма нарсани яратдим, кейин эса, Парвардигорни мамнун қилиш учун қурбонлик ўтказдим.

Изоҳ: Ҳамма руҳий осойишталикка эришишни ва бутун жаҳонда тинчлик ўрнатишни истайди, лекин афсуски, улар бунга қандай эришишни билмайдилар. Бунга фақат риёзат чекиш ва қурбонлик маросими ўтказиш орқали эришиш мумкин. "Бхагавад-гита"(529)да шундай дейилган:

*Бхоктарам йаджна-тапасам сарва-лока-
махешварам*

*Сухридам сарва-бхутанам джнатва мам шантим
ричхати*

“Карма-йоглар биладиларки, қурбонлик маросими ва риёзатлар аслида Парвардигорнинг мамнун қилиш учун мўлжалланган ва қурбонлик маросими ўтказиш ва риёзат чекиш учун зарур бўлган нарсаларни фақат Унинг Ўзи беради. Бундан ташқари, улар биладиларки, Парвардигор барча сайёраларнинг олий эгаси ва барча тирик мавжудотларнинг ҳақиқий дўсти. Карма-йоглар Парвардигорнинг асл содиғи билан учрашганларида, бу илм аста-секин уларнинг ўзларини моддий тутқунликдан халос этиб, асл содиқларга айлантиради”.

Қурбонлик маросими ўтказишни бизларга моддий оламдаги биринчи тирик мавжудот Браҳма ўргатган. “Қурбонлик маросими” деган иборанинг ўзи бошқа бировни мамнун қилиш учун ўз манфаатларидан воз кечишни назарда тутаяди. Бу ҳар қандай фаолиятга тегишли. Ҳар бир инсон бошқалар учун, хоҳ оиласи, хоҳ жамият, табақа, мамлакат ёки ҳатто бутун инсоният учун бирор нарсасидан воз кечади. Лекин бундай қурбонликлар инсон бирор нарсасидан воз кечиб, уни қурбонлик сифатида Олий Шахс, Парвардигорга эҳсон қилгандагина мукамал бўлади. Парвардигор –

ҳамма нарсанинг эгаси, барча тирик мавжудотларнинг дўсти. Қурбонлик маросими ўтказиб юрган зотларнинг мавжудлигини ҳам Унинг Ўзи қўллаб-қувватлаб туради, Унинг Ўзи унга қурбонлик маросими ўтказиш учун зарур бўлган анжомларни етказиб беради. Шу боис барча қурбонлик маросимлари фақат Уни мамнун қилиш учун ўтказилиши лозим. ҳозирги даврда одамлар ўз қувватини таълим-тарбия тизимини ривожлантиришга, ижтимоий ва иқтисодий тараққиётга қурбон қиладилар, одамларнинг ҳаётшароитларини яхшилаш режаларини тузадилар, лекин, "Бхагавад-гита"да берилган насиҳатларга зид равишда ҳеч ким Худо учун бирор нарсадан воз кечишни истамайди. Шунинг учун ҳам ер юзида тинчлик йўқ. Агар одамлар ҳақиқатан ҳам тинчлик бўлишини истасалар, улар бутун борлиқнинг ҳақиқий эгаси ва барча тирик мавжудотларнинг дўсти номига қурбонлик маросимларини ўтказишлари лозим.

29. Эй ўғлим, шундан сўнг, намоён бўлган ва намоён бўлмаган пуруша(шахс)ларни мамнун қилиш учун, барча тирик мавжудотларнинг ҳукмдорлари бўлган сенинг тўққиз оғанг қурбонлик маросимларини ўтказдилар.

Изоҳ: Намоён бўлган шахслар – барча фаришталар, шу жумладан, осмон салтанатининг ҳукмдори Индра ва унинг яқин ҳамроҳлари, намоён бўлмаган шахс – Парвардигорнинг Ўзи. Намоён бўлган шахслар моддий ва коинот ишларини бошқариб турадилар, Худо Шахси эса, илоҳий ва моддий атмосфера чегарасидан ташқарида. Кали юга давридаги одамлар ҳатто намоён бўлган фаришталарни ҳам кўриш қобилиятидан ҳам маҳрум, чунки космик саёҳатлар умуман тўхтаб қолган. Шу боис, ҳозирги одамларнинг ғофилик пардаси билан тўсилган кўзларига Худонинг Олий Шахси ҳам, қудратли фаришталар ҳам бир хилда намоён бўлмаган бўлиб қолаверади. Ҳозирги одамлар, гарчи зарур сифатларга эга бўлмасалар ҳам, ҳаммаси ўз кўзлари билан кўришга интиладилар, шунинг учун улар фаришталарнинг ва Парвардигорнинг мавжудлигига ишонишдан бош тортадилар. Ўзларининг мукамал бўлмаган кўзларига таваккал қилгандан кўра, одамлар оламга ишончли муқаддас китоблар назари билан қараш лозим. ҳатто ҳозирги даврда ҳам Худони кўриш мумкин, лекин бунинг учун бизларнинг кўзларимизга Худога муҳаббат малҳами сурилган бўлиши лозим.

30. Кейин Парвардигорни мамнун қилиш учун, инсоният бобокалони Ману,

инсониятнинг бобокалонлари, аждодлари, буюк донишмандлар, ведавий илм билимдонлари, даитилар ва одамлар қурбонлик маросимларини ўтказдилар.

Изоҳ: Даитилар – эвазига улардан ҳар хил моддий бойлик олишни кўзлаб, фаришталарга сиғинадиган зотлар. Худонинг содиқларини эканишхта, яъни, “Худога садоқат билан хизмат қилишга ўзини бутунлай топширган зот”лар деб атайдилар. Шу боис Худонинг содиқларининг амалда моддий бойлик излашга вақти қолмайди. Улар ўзининг руҳий табиатга эга эканини англаб етган зотлар, шу боис уларни моддий қулайликлардан кўра руҳий озодликка чиқиш кўпроқ қизиқтиради.

31. Шундай қилиб, мавжуд бутун борлиқ Унинг бениҳоя моддий қудратлари доирасида намоён бўлади. Тўла бутун бўлган ҳолда, гарчи У моддий гуналар билан боғланмаган бўлса ҳам, бу қувватларни қабул қилади.

Изоҳ: Мазкур шеърда Брахма Нараданинг моддий оламнинг мавжудлигини ким таъминлаб туради деган саволига жавоб беради. Кўзга кўринадиган ҳолда намоён бўлган кўринишларини материалист олимлар ўрганиб юрган моддий сабаб ва оқибатлар коинотнинг яралиш, мавжудлик ва яқсон бўлишининг бошланғич сабабчиси эмас. Моддий қувват Парвардигорнинг қувватларидан бири бўлиб, у замон ичида намоён бўлади ва Вишну, Брахма ва Шива тимолида намоён бўлган уч сифат(эзгулик, эҳтирос ва ғафлат) кўринишига киради. Шундай қилиб, гарчи Парвардигор моддий фаолиятнинг ҳар қандай кўринишига ҳаминиша илоҳий муносабатда бўлса ҳам, моддий қувват Парвардигорнинг олий ҳукмига бўйсунди. Бадавлат киши ўзининг пул кўринишидаги қувватини сарфлаб катта иморат куради. Худди шундай, ана шу одам маблағ сарфлаб, уни яқсон қилади, лекин, иморатининг нормал ҳолда сақланиб туришига у шахсан ғамхўрлик қилади. Парвардигор – барча бадавлат зотлар ичида энг бой Зот, чунки У бутун бойликнинг олти тури турининг тўлиқ эгаси. Демак, Унинг Ўзи бирор иш қилиши шарт эмас, лекин шунга қарамасдан моддий оламда ҳамма нарса Унинг иродаси ва кўрсатмаси билан амалга ошади. Шундай қилиб, намоён бўлган бутун моддий олам Нарайанада, Худонинг Олий Шахсида мужассам. Олий ҳақиқатнинг шахсиятсиз экани ҳақида тасаввур фақат илм етишмаслиги сабабли юзага келади. Бу ерда мана шу коинотнинг яратувчиси бўлган Брахманинг ўзи тушунтиряпти. Брахмаджи – ведавий донишмандлик илмининг энг буюк

билимдони, шу боис бу масалада унинг фикри аниқ ҳақиқат деб ҳисобланиши лозим.

32. Унинг амри билан мен яратаман, маъбуд Шива яксон қилади, Унинг Ўзи эса, Ўзининг мангу Худо Шахси Вишну қиёфасида моддий оламнинг мавжудлигини таъминлаб туради. У - мана шу уч қувватнинг қудратли ҳукмдоридир.

Изоҳ: Мазкур шеърда ягона тўла бутун ғояси тасдиқланади. Ана шу ягона тўла бутун – Парвардигор Васудева, моддий руҳий оламдаги намоён бўлган барча ранг-баранг нарсалар фақат Унинг қувватлари ва экспансияларида мужассам. Моддий оламда ҳам Парвардигор Васудева ҳамма нарсани Ўзида мужассам қилган. Бу ҳақиқат “Бхагавад-гита”(7.19)да ҳам тасдиқланади: васудевах сарвам ити – бутун борлик Васудевадир, Ундан бошқа бирор Зот йўқ. Ведавий мадҳияларда ҳам Васудева – ягона Парвардигор дейилган. Васудеват паро брахман на чанйо ртхо сти таттватах – Васудевадан устун ҳақиқат йўқ. Парвардигор Кришна ҳам “Бхагавад-гита”(7.7)да буни тасдиқлайди: маттах паратарам нанйат – “Мен(Парвардигор Кришна)дан устун бирор зот йўқ”. Шундай қилиб, Парвардигорнинг шахсий қиёфасига сифиниб юрган содиқлар имперсоналистлар ўзларининг шиори қилиб олган Парвардигор билан бирлик ғоясини шундай қабул қиладилар. Улар орасидаги фарқ шундаки, имперсоналистлар Мутлақ Ҳақиқатнинг шахсий табиатини инкор этадилар, Худонинг содиқлари эса, Худо Шахсига катта эътибор берадилар. “Шримад-Бхагаватам” мазкур шеърда мана шу ҳақиқатни тушунтиради: Парвардигор Васудева – бир ва ягона, лекин, ҳар нарсага кодир бўлгани учун ҳар хил шаклларга кириши ва Ўзининг турли хил қувватларини намоён қилиши мумкин. Бу ерда айтилганки, Парвардигор уч асосий қувватнинг(три-шакти-дхрик) қудратли ҳукмдоридир. Бу ерда Унинг уч қуввати – ички, оралиқ ва ташқи қуввати назарда тутилган. Ўз навбатида ташқи қувват ҳам уч турли сифатда намоён бўлади: эзгулик, эҳтирос ва ғафлат. Худди шундай Парвардигорнинг ички қуввати ҳам уч руҳий сифат кўринишида намоён бўлади: самвит, сандҳини ва хладини. Оралиқ қувват, яъни тирик мавжудотлар ҳам руҳий табиатга эга(пракритим виддхи ме парам), лекин тирик мавжудотлар ҳеч қачон Парвардигорга тенг бўла олмайдилар. Парвардигор нираста-самйа-атишайа, бошқача қилиб айтганда, Парвардигордан буюкроқ ёки Унга тенг бўлган бирор Зот йўқ. барча тирик мавжудотлар, ҳатто маъбуд Браҳма ва маъбуд Шива сингари буюк шахслар ҳам Парвардигорнинг ҳукми остида.

Унинг мутлақ ҳокимлиги моддий оламда ҳам ҳукмронлик қилади, бу ерда У Ўзининг мангу Вишну қиёфасида барча фаришталарнинг, шу жумладан Браҳма ва Шиванинг ҳам фаолиятини назорат қилиб туради.

33. Эй ўғлим, шундай қилиб, мен сенинг барча саволларингга жавоб бердим: (Ҳоҳ руҳий, ҳоҳ моддий оламдаги барча сабаб ва оқибатлар) оламдаги ҳамма нарса Худонинг Олий Шахсининг ҳукми остида эканига қалбингда ҳеч қандай шубҳа қолмаслиги керак.

Изоҳ: Парвардигорнинг қувватининг барча космик моддий ва руҳий намоён бўлган кўринишлари аввалига сабаб кўринишида, кейин эса, оқибат кўринишида ҳаракат қилади. Лекин ҳамма нарсанинг бошланғич сабаби - Худонинг Олий Шахси. Ана шу бошланғич сабабнинг оқибатлари янги оқибатларга сабабчи бўладилар, шундай қилиб, ҳамма нарса – мангу ва ўткинчи нарсалар – сабаб ва оқибат вазифасини бажарадилар. Парвардигор барча шахс ва қувватларнинг бошланғич сабабчиси бўлгани боис Уни барча сабаблар сабабчиси деб атайдилар. Бу “Бхагавад-гита”да ҳам, “Брахма-самхита”да ҳам тасдиқланади. “Брахма-самхита”(5.1) шундай дейилган:

*Ишвараҳ парамаҳ кришнаҳ сач-чид-ананда-виграҳах
Анадир адир говиндаҳ сарва-карана-каранам
“Бхагавад-гита”(10.8)да ҳам шундай дейилган:
Ахам сарвасйа прабхаво маттаҳ сарвам
правартате
Ити матва бхаджанте мам будха бхаво-саман
витах*

Шундай қилиб, ҳамма нарсанинг бошланғич сабабчиси – виграҳа, шахс, шахсиятсиз руҳий ёғду, брахмажйоти эса, сабабчиси Олий Браҳман, Парвардигор Кришна бўлган оқибатдир (*браҳмано хи пратиштхакхам*).

34. Эй Нарада, мен Худонинг Олий Шахси, Харининг нилуфар қадамлари пойига маҳкам ёпишиб олганман, шу боис мен айтган нарсалар ҳали ҳеч қачон нотўғри бўлган эмас. Ҳеч нарса ва ҳеч қачон менинг ақлим учун тўсиқ бўла олмаган, сезгиларимни эса, ўткинчи моддий нарсаларга боғланиш иллоти ҳеч қачон булғамаган.

Изоҳ: Маъбуд Браҳма Нарада Мунига Ведалар илмини очиб берди, Нарада эса, уни ўзининг Вйасадева ва бошқалар сингари кўплаб шогирдлари ёрдамида бутун оламга тарқатиб юрибди. Ведавий илм издошлари Браҳмаджининг айтган гапларини айни ҳақиқат деб қабул қиладилар, шу тразда, қадим

замонлардан бери, олам яралгандан бошлаб бу илоҳий илм шогирдлар силсиласи бўйича авлоддан авлодга ўтиб келяпти. Маъбуд Браҳма – моддий оламдаги озодликка эришган мукаммал тирик мавжудот, илоҳий илмни англаб етишга самимий интилаётган киши Браҳманинг гапларини бенуқсон ҳақиқат деб қабул қилиши лозим. ведавий илм бенуқсон, чунки бу илм бевосита, уни маъбуд Браҳманинг қалбига жойлаб қўйган Парвардигорнинг Ўзидан чиқади. Маъбуд Браҳма энг мукаммал тирик мавжудот бўлган ҳолда ҳеч қачон хато қилмайди. Бунинг сабаби шундаки, маъбуд Браҳма – Парвардигорнинг буюк содиғи ва у Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойини айни ҳақиқат деб қабул қилган. “Браҳма-самхита”да Браҳма такрор ва такрор говиндам ади пурушам там ахама бхаджами – “Мен бошланғич Худо Шахси, Говиндага, азалий Парвардигор олдида сажда қиламан” - дейди. Шу боис, унинг ўзининг одатдаги ҳолатида айтганларининг, ўйлаганларининг ва қилганларининг ҳаммасини ҳақиқат деб билиш керак, чунки у азалий Парвардигор Говинда билан бевосита ва жуда яқин боғланган. Ўзининг содиқ хизматкорларининг муҳаббат билан қилган хизматларини меҳрибонлик билан қабул қиладиган Шри Говинда уларнинг гапларини ва қилган ишларини ишончли ҳимоя қилади. Парвардигор "Бхагавад-гита"(9.31)да: каунтейа пратиджанихи – “Эй Кунтининг ўғли, буни дадил эълон қил!” – дейди. Нимага У буни Аржундан илтимос қилади? Чунки баъзи бир овсар одамлар Говинданинг баъзи гапларини зиддиятли деб биладилар, аммо Унинг содиқларининг гапларидан ҳеч қачон зиддият топиб бўлмайди. Ўз содиқларининг бенуқсонлигини Парвардигор шахсан Ўзи таъминлаб туради. Шунинг учун Худога садоқат билан хизмат қилишни шогирдлар силсиласида турган содиққа хизмат қилишдан бошлаш керак. Худонинг содиқлари ҳамиша озод ҳолатда бўладилар, лекин бу дегани улар шахсиятсиз дегани эмас. Парвардигор ҳамиша шахс, Унинг содиқ хизматкори ҳам ҳамиша шахс бўлиб қолади. Ҳатто озодликка эришгандан кейин ҳам содиқ сезги органларига эга бўлгани учун, у ҳамиша ўзининг алоҳида шахс хусусиятини сақлаб қолади. Парвардигор Ўзининг содиқ хизматкорининг хизматларига муносиб жавоб бергани учун У ҳам, руҳий табиатли тўла бутун тимсоли бўлган шахс бўлиб қолаверади. Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган содиқни алдамчи моддий лаззатлар ўзига мафтун эта олмайди. содиқ ҳамиша Худога садоқат билан хизмат қилишга самимий боғлангани шарофати билан унинг барча ниятлари ҳамиша амалга ошади. Аслини олганда, мана шунинг ўзи

озодликнинг ва баркамолликнинг ҳақиқий намунасидир. Агар Парвардигор Шри Кришнага – азалий Парвардигорга самимий боғлансалар, Браҳмадан тортиб, оддий одамларгача ҳамма озодликка эришади. Парвардигор бу ҳақда "Бхагавад-гита"(14.26)да айтади:

Мам ча йо вйабхичарена бхакти-йогина севате
Са гунан саматитайаитан браҳма-бхуйайа
калпате

Шундай қилиб, Худога илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиш жараёнида Худо Шахси билан бевосита мулоқот қилишга бутун қалби билан самимий интилиб юрган кишининг гаплари ва ишлари ҳамиша бунуқсон бўлади. Бунинг сабаби шундаки, Парвардигор Мутлақ Ҳақиқатдир, Мутлақ Ҳақиқат билан боғланган нарсаларнинг ҳаммаси ҳам худди шундай илоҳий сифатларга эга бўлади. бошқа томондан, моддий илм-фанга асосланган ва Мутлақ Ҳақиқат билан боғланмаган ҳар қандай мантикий тушунчалар, шунчаки Мутлақ Ҳақиқат билан боғланмагани сабабли, охири-оқибатда ҳамиша нотўғри, бемаъни ва сафсата бўлиб чиқади. Қанчалик моддий фазилатларга эга бўлмасин, ана шундай маккорона, худобехабар гапларга ва ишларга ҳеч қачон ишонмаслик керак. мазкур муҳим шеърнинг маъноси шундай: заррача садоқат тонналаб имонсизликдан қиммат туради.

35. Гарчи мени, шогирдлар силсиласи орқали бериладиган ведавий илмларни мукаммал эгаллаган буюк Браҳма деб атасалар ҳам, гарчи барча риёзатлар орқали ўтган бўлсам ҳам, ўзимни англаб олган, барча сеҳр илмларини эгаллаган бўлсам ҳам, гарчи буни, ҳатто олдимда тиз чўкиб иззат кўрсатадиган тирик мавжудотларнинг буюк бобокалонлари тан олган бўлсалар ҳам, мен барибир Уни, дунёга келишимга сабабчи бўлган Парвардигорни англаб етишга қодир эмасман.

Изоҳ: Коинотдаги барча тирик мавжудотлар ичида энг буюк зот бўлган Браҳма бу ерда, ведавий донишмандлик илмининг барча сирларини билса ҳам, шунча риёзат чеккан бўлса ҳам, сеҳр қудратига эга бўлса ҳам, руҳий ўзлигини англаб етган бўлса ҳам ва буюк Праджапатилар, тирик мавжудотларнинг бобокалонлари унга сажда қилишларига қарамасдан, Парвардигорни англаб ета олмаслигини тан оляпти. Шундай қилиб, Парвардигорни англаб етиш учун буларнинг ҳаммаси камлик қиларкан. Браҳма Парвардигорни фақат арзимаган даражада англаб етишга муваффақ бўлган, чунки у Парвардигорга самимий, бутун қалби билан

хизмат қилишга ҳаракат қилган (хридауткантхйавата), яъни, Худога садоқат билан хизмат қилган. Демак, Парвардигорни англаб етишнинг калити Унга хизмат қилишга интилиш истагида экан. Фалсафий илмлар ва сеҳр қудратлари инсоннинг Парвардигорни англаб етишига ёрдам бермас экан. Бу ҳақиқат "Бхагавад-гита"(18.54-55)да ҳам тасдиқланади:

Брахма бхутах прасаннатма...

Фақат юқорида санаб ўтилган эзгу фазилатлар ведавий донишмандлик илмини билиш, риёзат ва ҳок. билан бирга келадиган руҳий ўзлигини англаб етишигина инсоннинг Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлида юксалишига ёрдам бера олади. Лекин, Худога садоқат билан хизмат қилишсиз у баркамолликка эриша олмай қолаверади, чунки биргина руҳий ўзлигини англаб етишнинг ўзи Парвардигорни англаб етиш учун етарли эмас. Руҳий ўзлигини англаб етиган киши Худонинг содиқ хизматкори бўлади, Худонинг содиқ хизматкори бўлган киши эса, фақат хизмат қилишга бўлган истаги, ихлоси (бхактйа)шарофати билан аста-сектин Худо Шахсини англаб етади. Лекин, вишате – “киради” деган ибора Парвардигор билан қўшилиб кетишни билдиради деб, нотўғри талқин қилмаслик керак. Биз ҳатто моддий оламда ҳам Парвардигорнинг борлиғига ғарқ бўлганмиз. Ҳеч бир материалист руҳни модда чангалидан озодликка чиқара олмайди, чунки руҳ Парвардигорнинг ташқи қувватига ғарқ бўлган. Инсон агар йўлини билмаса, ҳеч қачон сундан ёғни ажрата олмайди. моддага ғарқ бўлган руҳни ажратиб олиш эса, ундан анча қийин, бунда бизга ҳеч қандай моддий сифатлар ёрдам бера олмайди. Худога садоқат билан хизмат қилиш (бхактйа) шарофати билан эришиладиган вишате – Парвардигор билан шахсий мулоқотда бўлишни назарда тутати. Бхакти, Худога садоқат билан хизмат қилиш – модда исканжасидан озод бўлиш ва Парвардигор билан бир хил бўлиб Унинг салтанатига кириш демакдир. Бхакти-йога билан шуғулланишдан, Худога садоқат билан хизмат қилишдан мақсад ўзининг алоҳида мавжудлигидан маҳрум бўлиш эмас. Озодликнинг беш тури мавжуд бўлиб, улардан бири сайуджйа-мукти – Парвардигорнинг танаси ва борлиғига қўшилиб кетиш. Озодликнинг бошқа турлари атомар руҳнинг алоҳида мавжудлигини сақлаб қолишни ва Парвардигорга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишни назарда тутати. Шундай қилиб, "Бхагавад-гита"нинг мазкур шеърларида ишлатилган вишате ибораси озодлик умуман қизиқтирмайдиган содиқларга тааллуқлидир. Ташқи шароитлар қандай бўлишдан қатъий назар Парвардигорга илоҳий муҳаббат билан

хизмат қилишнинг ўзи уларга тўла мамнуният олиб келади.

Маъбуд Браҳма – коинотдаги биринчи тирик мавжудот, у ведалар илмини бевосита Парвардигорнинг Ўзидан олган(тене браҳма хриди йа ади-кавайе). Шунинг учун ким ҳам Ведаларни маъбуд Браҳмадан яхшироқ била оларди? Лекин Браҳма тан оляптики, Ведаларни мукаммал билганига қарамасдан, у Парвардигорнинг улўғворлигини англаб ета олмаган. Ҳеч ким Ведаларни маъбуд Браҳмадан яхши била олмайди. шундай экан, қандай қилиб ведантистлар Мутлақ Ҳақиқатни мукаммал англаб етишдан умидвор бўла оладилар? Шу боис, токи ведантистлар бхакти-веданта мактабини, яъни, бхакти билан биргаликда ўрганиладиган веданта мактабини ўтмас эканлар, улар Парвардигорнинг салтанатига кира олмайдилар. Веданта дегани руҳий ўзлигини англаб етишни билдиради, бхакти эса, - Худо Шахсини қисман англаб етишдир. Мутлақ Ҳақиқатни, Худо Шахсини тўлиқ англаб етишнинг иложи йўқ, лекин, Унга ўзини топшириб, Худога садоқат билан хизмат қилиш билан шуғулланиб, ҳеч бўлмаса, маълум даражада Мутлақ Ҳақиқатни, Худо Шахсини англаб етиш мумкин. Бунинг бошқа ҳеч қандай йўли йўқ. “Брахма-самхита”да ҳам айтилган: ведешу дурлабхам – “Веданта”ларни ўрганиш ёрдамида Худо Шахсининг мавжудлигини аниқлаш жуда қийин; лекин, айти пайтда Парвардигор ведешу адурлабхам – Ўзининг содиқларига Ўзин осонлик билан ошқор этади. Шу боис Шрила Вйасадева, “Веданта-сутра”ларни ёзиб бўлиб ҳам, қалбида мамнуният ҳосил қилмади ва веданталарнинг асл маъносини англаб етиш учун, у руҳий устози Нараданинг маслаҳати билан "Шримад-Бхагаватам"ни ёзди. Шундай қилиб, "Шримад-Бхагаватам" Мутлақ Ҳақиқатни англаб етишнинг мукаммал воситасидир.

36. Шунинг учун, қўлимдан келадиган энг яхши иш - Унинг нилуфар қадамлари пойига ўз ихтиёримни топшириш, чунки, туғилиш ва ўлишлар чархпалаги олиб келадиган азоб-уқубатлардан фақат улар халос эта оладилар. Парвардигорга садоқат ҳар тарафдан шарофатли ва тўла бахтиёрлик лаззатидан бахраманд бўлиш имконини беради. Ҳатто осмон ҳам ўзининг кенглигини ўлчашга ожизлик қилади. Ҳатто Парвардигорнинг Ўзи ҳам Ўзининг ниҳоясини билмаса, бошқа тирик мавжудотлар ҳақида нима дейиш мумкин?

Изоҳ: Маъбуд Браҳма, барча олимлар ва қурбонлик маросими ўтказувчилар ичида энг

буюги, энг буюк риёзатчи, ўзини англаб етган энг буюк сеҳргар барча тирик мавжудотларнинг олий руҳий устозидир, у айтяптики, ўз фаолиятида муваффақият қозонишни истаган киши, ҳатто унинг мақсади – моддий мусибатлардан халос бўлиш ва руҳий ҳаётга эришиш бўлса ҳам, - шунчаки ўз ихтиёрини Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига топшириши лозим. маъбуд Браҳмани питамаҳа, яъни, “оталар отаси” деб атайдилар. Одатда фарзанд ўз бурчини қандай бажариш кераклигини тажрибали отасидан билиб олади. Бу табиий ҳол, чунки отаси унга яхши маслаҳат бера олади. Маъбуд Браҳма – барча оталар отаси. У – коинотдаги инсонлар зотининг отаси бўлган Манунинг отасининг отаси. Шунинг учун биз яшаётгант кичкина коинотдаги одамларнинг ҳаммаси Браҳманинг маслаҳатларига кулоқ солиши керак. Агар, Парвардигорнинг қувватларининг катталигини ўлчашга уриниб юргандан кўра, Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига ўзларини топширсалар, тўғри иш қилган бўладилар. Парвардигорнинг қувватлари беўлчов, бу Ведаларда ҳам тасдиқланади. “Шветашватара-упанишад”(6.8): парасйа шактир вивидхаива шруйате свабхавики джнана-бала-крия ча. Парвардигор – ҳаммадан буюк Зот, бошқа барча тирик мавжудотлар ҳам тан оладиларки, энг яхшиси – ўз ихтиёрини бутунлай Худога топшириш. Фақат ғофил ва акли чекланган одамларгина ўзларини кўзлари кўриб турган нарсаларнинг хўжайини деб эълон қиладилар. Улар нимани ҳам кўра олардилар? Улар ҳатто арзимаган кичик коинотлардан биттасининг кенглигини ҳам кўзлари билан қамраб ололмайдилар. Материалист-олимлар айтадиларки, коинотдаги энг юқори сайёрага учиб бориш учун уларга қирқ минг йил керак бўлар экан. Бу бутунлақ утопия, хом хаёл. Ким ҳам қирқ минг йил умр кўришдан умидвор бўла оларди? Бунинг устига, агар космонавт ўзининг шундай саёҳатидан қайтиб келади деб фараз қилсак ҳам, бу пайтгача, ҳозирги адашган олимларда одат бўлганидай, уни коинотни заб этган қахрамон сифатида муносиб ҳурмат эҳтиром билан кутиб олиш учун ер юзида унинг бирорта дўсти тирик қолмайди. Худога ишонмайдиган ана шундай олимлардан биттаси келажакка жуда катта режалар тузган эди, ҳатто бошқаларни даволаш, уларнинг жонини сақлаб қолиш учун катта шифохона ҳам қурганди, лекин шифохона очилгандан кейин олти ойдан кейин ўзи оламдан ўтди. Шу боис, 8.400.000 турли ҳаёт шаклларида иборат бўлган чархпалакда сон-саноксиз марта тана алмашлаб юриб, ниҳоят инсон танасига эга бўлган эканмиз, уни одамлар илмий тараққиёт ва иқтисодий ривожланиш ёрдамида ўзларининг

сунъий эҳтиёжларини қондириш орқали эгаллашга интилиб юрган алдамчи моддий бахт изидан қувиб хазон қилмаслигимиз керак. Бунинг ўрнига шунчаки ўз ихтиёримизни Худога топширишимиз ва шу йўл билан барча мусибатлардан биратўла ва бутунлай халос бўлишимиз лозим. Бу ҳақда Парвардигор Кришнанинг Ўзи "Бхагавад-гита"да айтган, барча тирик мавжудотларнинг отаси Браҳма ҳам "Шримад-Бхагаватам"да бизни шунга ўргатади.

Парвардигорнинг амрига бўйсунидан бош тортадиган, яъни, "Бхагавад-гита" ва "Шримад-Бхагаватам"да, умуман олганда барча муқаддас китобларда тавсия қилинган йўлни инкор этадиган киши эса, моддий табиат қонунларига бўйсунидан мажбур бўлади. Тирик мавжудот ўзининг асл табиатига кўра мустақил эмас. У ё Парвардигорга, ё моддий табиатга бўйсунидан керак. Моддий табиат ҳам Парвардигорга бўйсунидан, чунки Парвардигорнинг Ўзи уни мама майа – “Менинг қувватим” деб атайди("Бхагавад-гита".7.14), ва ме бхинна пракритир аштадха – “Менинг саккиз шаклда мавжуд бўлган ажралган қувватим”(“Бхагавад-гита” 7.4) дейди. Шу боис моддий қувват ҳам Парвардигорнинг амрига бўйсунидан, Парвардигор бу ҳақда "Бхагавад-гита"(9.10)да шундай дейди: “Моддий табиат бутун оламни ҳаракатга келтириб, Менинг амрим билан ҳаракат қилади”. Моддага нисбатан олий қувват бўлган тирик мавжудотлар кимнинг амрига бўйсунидан яшашни ўзлари танлаши мумкин – Парвардигоргами ёки моддий қувватгами. Ўз ихтиёрини Парвардигорга топширган кишилар ҳақиқий бахт ва озодликка эришадилар, ўзини моддий қувват амрига топширган зотлар эса, ўзларини турли мусибатларга мубтало этадилар. Демак, барча мусибатлардан халос бўлиш учун биз ўзимизни Худонинг амрига топширишимиз лозим, чунки бу жараённинг ўзиёқ бхавач-чхидам – “барча моддий мусибатлардан халос этади” ва свасти-айанам – “тўла бахт туйғусини ҳис қилиш имконини беради”, сумангалам – “ҳар жиҳатдан шарофатли”.

Шундай қилиб, инсон фақат ўз ихтиёрини Худога топшириш орқали ҳар бир ишда бахт ва омадга эриша олади, чунки У – мутлақ озодлик, мутлақ бахт ва мутлақ саодатдир. Бу бахт ва эркинликнинг чегараси йўқ. Гарчи улар осмондан бекиёс катта бўлса ҳам, одатда уларни бепоён осмонга ўхшатадилар. Шунчаки, бизларнинг ҳозирги ҳолатимизда, уларни осмонга қиёслаш чексиз бахт ва озодлик деганда нимани назарда тутаётганларини яхшироқ тушуниб олишга ёрдам беради. Биз ҳатто осмонни ҳам ўлчай олмаемиз, Парвардигор билан бевосита мулоқот қилишдан эришадиган

бахт ва озодликни эса, умуман унга тенглаштириб бўлмайди. Бу илоҳий бахт шунчалик чексизки, бошқа тирик мавжудотлар нари турсин, уни хатто Парвардигорнинг Ўзи ҳам ўлчай олмайди.

Муқаддас китобларда айтилганки: брахма-саукхйам тв анантам – руҳий бахт чексиз. Мазкур шеърда айтилганки, хатто Парвардигорнинг Ўзи ҳам уни ўлчай олмайди. Лекин бу дегани, Парвардигор уни ўлчашга қодир эмас, демак, Парвардигор ҳам қайсидир маънода мукамал эмас дегани эмас. Аслида Парвардигор уни ўлчай олади, лекин Парвардигор мутлақ бўлгани боис, Ундаги бахт ҳам мутлақ табиатга эга ва Унинг Ўзидан фарқ қилмайди. Шундай қилиб, Парвардигор Ўзи ато этадиган бахтни ўлчай олади, лекин бу бахт ҳаминиша учайиб боради. Парвардигор яна уни ўлчайди, бахт эса яна кучайиб кетади. Парвардигор уни такрор ва такрор ўлчайверади, шундай қилиб, руҳий бахтнинг катталиги ва ўлчами бир бири билан мангу мусобақа қиладилар ва бу мусобақа ҳеч қачон адо бўлмайди. Руҳий бахт – анандамбудхи вардханам – ҳаминиша кенгайиб борадиган лаззат уммони. Моддий уммоннинг чегаралари ўзгармас, руҳий бахт уммони эса ҳаминиша кенгайиб туради. “Чайтанья-чаритамрита”(Ади-4)д Кавираж Госвами Парвардигор Кришнанинг лаззатланиш қувватининг тимсоли бўлган Шримати Радхарани ҳис қиладиган руҳий бахтнинг ана шу чексиз каттайиб борадиган уммоини ажойиб таърифлаган.

37. Руҳий(илоҳий) бахт чегарасини на маъбуд Шива, на сен, на мен аниқлай олмаймиз, бошқа фаришталар уни қаердан билсинлар? Биз ҳаммамизни Парвардигорнинг алдамчи ташқи қуввати адаштириб қўйгани боис, ҳар биримиз ўз қобилиятларимизга яраша, фақат мана шу намоён бўлган борлиқнигина кўра оламиз.

Изоҳ: Биз, Парвардигорни маълум даражада англаб етган, руҳий илмлари рўйхатда турган ўрнига мос равишда камайиб борадиган ўн икки мўътабар зот(двадаша-махаджан)нинг номларини бир неча марта тилга олдик. Бу буюк зотлар рўйхатининг бошида Брахма, Нарада ва маъбуд Шива турибди. Бошқа фаришталар, гандхарвалар, чараналар, видйадхаралар, одамлар ва асурлар Мутлақ табиатли Парвардигор, Шри Кришнанинг қувватлари ҳақида ҳамма нарсани билиб олишга шунчаки қодир эмаслар. Фаришталар ва гандхарвалар ва бошқалар – олий сайёраларда яшайдиган кучли тафаккурга эга зотлар. Одамлар ўрта сайёраларда, асурлар эса - қуйи сайёраларда

яшайдилар. Уларнинг ҳар бири, худди инсонлар жамиятидаги олимлар ва эмпирик файласуфлар сингари, Мутлақ Ҳақиқат ҳақида ўзича тасаввурга эга. Ана шу тирик мавжудотларнинг ҳаммаси – моддий табиат яратган зотлар, шунинг учун ҳам улар моддий табиатнинг уч гунасининг намоён этган ажойиб кўринишлари уларни йўлдан адаштириб қўйган. Бу ҳақда "Бхагавад-гита"(7.13)да айтилган: трибхир...: Бу дунёдаги маъбуд Брахмадан тортиб, то кичкина чумолигача, ҳаммани моддий табиатнинг уч гунаси: эзгулик, эҳтирос ва ғафлат таъсири остида ўзича йўлдан адашган. Қобилияти чекланган барча тирик мавжудотлар ўзлари кўриб турган коинотдан бошқа ҳеч нарса мавжуд эмас деб ўйлайдилар. Масалан, Ер сайёрасидаги олимлар йигирманчи асрда ўз усуллари ёрдамида коинотнинг пайдо бўлган вақтини ва қачон яқсон бўлиш вақтини аниқлашга уриняптилар. Лекин, бу олимлар нимани ҳам билардилар? Ҳатто Брахма ҳам, бир марта ўзини оламдаги ягона Брахма, Парвардигорнинг севимли содиғи деб адашган эди. Кейин, Худонинг марҳамати билан у унинг коинотидан анча катта бўлган бошқа коинотларни бошқариб турган сон-саноклар Брахмалар борлигини, ана шу коинотларнинг ҳаммаси биргаликда экапад-вибхути, Парвардигорнинг яратувчи қувватининг атиги тўртдан бир қисмини эгаллаб турганини билиб олди. Парвардигорнинг қувватининг қолган тўртдан уч қисми руҳий оламга тўғри келади. Шундай экан, Мутлақ Худо Шахси ҳақида арзимаган дунёвий олим ўзининг арзимас илми билан нимани ҳам биларди? Шунинг учун ҳам Парвардигор шундай дейди: мохитам набхиджанати мам эбхйах парам авйайам – “моддий табиат гуналари адаштириб қўйгани учун улар буларнинг ҳаммасининг ортида Олий Шахс – бутун борлиқнинг мутлақ ҳукмдори турганини тушуна олмайдилар”. Брахма, Нарада ва маъбуд Шива Парвардигор ҳақида нисбатан жуда кўп нарсани биладилар, шу боис, ўзининг арзимаган ақли ва унинг космик кемаси ёки бошқа илм-фан ютуқлари сингари ўйинчоқдай кашфиётларидан мағрурланиш ўрнига, биз ана шу буюк шахсларнинг кўрсатмаларига амал қилиб яшашимиз лозим. Фарзанд учун унинг отаси кимлигини аниқ айтиб бера оладиган ягона ишончли зот онаси бўлгани сингари, Брахма, Нарада ёки Шива сингари ишончли мўътабар зотлар баён этган она-ведалар – Мутлақ Ҳақиқат ҳақида маълумот олиш мумкин бўлган ягона ишончли манба ҳисобланади.

38. Шундай экан, гарчи Парвардигорни охиригача англаб етишга қодир бўлмасак ҳам, Унинг намоён қилган қиёфалари ва

кўрсатган кароматларини олқишлаб, Худонинг Олий Шахси олдида эхтиром билан бош эгайлик.

Изоҳ: Мазкур шеърда айтилганки, Худо Шахсининг илоҳий номларини, қиёфасини, сифаларини, эрмакларини, фазилатларини ва бошқа жиҳатларини кўпол моддий сезгилар ёрдамида англаб етишнинг иложи йўқ. Лекин, Унинг номларини такрорлаш, тинглаш, Уни эслаш, Илоҳлар олдида сажда қилиш ва ҳоказо амаллар жараёнида инсоннинг сезгилари покланганида, унинг Худога садоқат билан хизмат қилишининг сифати қай даражада бўлса, Парвардигор содиқ хизматкорига Ўзини шу даражада ошкор этади: (йе йатха мам прападйанте). Парвардигорни бизларнинг истакларимизни итоаткорлик билан амалга оширадиган, биз чақирган заҳоти олдидмизда пайдо бўладиган хизматкор деб билмаслик керак. Агар биз Уни кўришни истасак, Брахма, Нарада сингари мўътабар зотлардан бошланадиган шогирдлар силсиласида ўзимиздан аввалги зотлар кўрсатган йўлдан бориб, Худога садоқат билан хизмат қилиш қоидаларига қатъий риоя қилишимиз лозим. Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёнида содиқнинг сезгилари покланганида, унинг руҳий юксалиш даражасига қараб Парвардигор унга Ўзини ошкор этади. Лекин, Худога садоқат билан хизмат қилмай туриб, ўз фикрлари ва фалсафий хулосалари ёрдамида Мутлақ Ҳақиқатни англаб етишга интилиб юрган кишилар амалда Парвардигорни кўриш имкониятидан маҳрум. Шундай арбоб одамлар олдида жимжимадор гаплар билан воизлик қилиши мумкин, лекин у ҳеч қачон Худонинг Олий Шахсининг шахсий жиҳатини англаб ета олмайди. “Бхагавад-гита”да Парвардигор аниқ айтганки, Уни фақат Худога садоқат билан хизмат қилиш ёрдамида англаб етиш мумкин. Ўзига бино қўйган материалист олим, ўзининг асоссиз моддий талаблари билан ҳеч қачон Парвардигорни англаб ета олмайди, лекин тақдирга тан берган камтар содиқ ўзининг холис хизмати билан Парвардигорни мамнун қила олади, ана шундай содиққа у қанчалик муносиб бўлса, шу даражада Парвардигор Ўзини ошкор этади. Шу боис, ҳақиқий руҳий устоз сифатида маъбуд Брахма Парвардигор олдида эхтиром билан бош эгади ва бизга ҳам шраванам ва киртанам билан шуғулланишни маслаҳат беради. унинг маслаҳатига амал қилган, яъни, Парвардигорнинг намоён этган қиёфалари кўрсатган кароматлар ҳақидаги ҳикояларни тинглаб юрган, уларни олқишлаб юрган киши, албатта ўзининг қалбида Худо Шахсини кўради.

Биз бу ҳақда “Шримад-Бхагаватам”нинг 1.2.12 шеърини изоҳлаганда гапирган эдик.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Худонинг Олий Шахсини охиригача тўлиқ англаб етиш имконини берадиган усул йўқ, лекин, Унинг муқаддас номларини тинглаш, такрорлашдан бошланадиган Худога садоқат билан хизмат қилиш ёрдамида Унинг мавжудлигини қисман англаб етиш мумкин.

39. Ана шу Худонинг Олий Шахси, Парвардигор Кришна, Ўзининг тўла қисми ва биринчи қиёфаси бўлган Маха Вишну қиёфасига кириб, намоён бўлган коинотни яратади, лекин Унинг Ўзи туғилмаган Зотдир. Лекин барибир яратиш Унинг ичида рўй беради, моддий унсурлар ҳам, мавжуд моддий олам ҳам Унинг Ўзидан бошқа нарса эмас. Маълум вақт давомида У моддий оламнинг мавжудлигини таъминлаб туриб, кейин уни яна Ўз ичига қайтариб олади.

Изоҳ: Яралган олам Парвардигорнинг Ўзидан фарқ қилмайди, лекин шунга қарамай, У яралган оламдан ташқарида. “Бхагавад-гита”(9.4)да бу шундай тушунтирилади.

Мутлақ Ҳақиқатнинг шахсиятсиз жиҳати Парвардигорнинг авйакта-мурти деб аталадиган қиёфаларидан бири. Мурти дегани қиёфа, лекин, Парвардигорнинг шахсиятсиз жиҳатини бизларнинг мукамал бўлмаган сезгиларимиз орқали англашнинг иложи бўлмагани сабабли, Унинг қиёфаси авйакта-мурти деб аталади ва Парвардигорнинг ана шу англаб бўлмас қиёфасида бутун олам жойлашган. Бошқача қилиб айтганда, бутун борлик Парвардигорнинг Ўзи, борлик Унинг Ўзидан фарқ қилмайди, лекин, айна пайтда У, бошланғич Худо Шахси, Шри Кришна қиёфасила намоён бўлган борлиқдан ташқарида жойлашган. Имперсоналистлар, биринчи навбатда Унинг азалий шахс эканига ишонмасдан Парвардигорнинг шахсиятсиз қиёфасига, яъни, Унинг шахсиятсиз жиҳатига кўпроқ эътибор берадилар, вайшнавлар эса, Унинг шахсиятсиз қиёфасини шунчаки Худо Шахсининг жиҳатларидан биттаси деб ҳисоблаган ҳолда, Парвардигорнинг бошланғич шахси қиёфасини тан оладилар. Парвардигорнинг шахс ва шахсиятсиз жиҳатлари бир вақтнинг ўзида мавжуд, бу ҳақда “Бхагавад-гита”да, “Шримад-Бхагаватам”да ва бошқа ведавий муқаддас китоблар жуда аниқ айтилган. Бу ғояни инсон тафаккури билан англаб етишнинг иложи йўқ, шу боис, уни муқаддас китоблар обрўсига ишониб шундайлигича қабул қилиш лозим. Бунини мантиқий хулосалар ёки фалсафий фикр-мулоҳазалар ёрдамида эмас, фақат Худога

садоқат билан хизмат қилиш жараёнида англаб етиш мумкин. имперсоналистлар у ёки бу даражада индуктив мантиққа таянадилар, шунинг учун азалий Худо Шахси, Шри Кришна ҳақида ҳеч нарса билмайдилар. Гарчи Кришна барча ведавий муқаддас китобларда аниқ тасвириланган таърифланган бўлса ҳам, уларнинг Кришна ҳақидаги тасаввурлари чала. Илмнинг етишмаслиги уларни Парвардигорнинг азалий шахсий қиёфаси мавжудлиги билан Унинг бутун борлиқда мавжудлиги ҳақидаги тасаввурни бирлаштириш имкониятидан маҳрум қилади. Имперсоналистларнинг бу ғоясининг нуқсонлилиги биринчи навбатда “бўлақларга бўлинган бутун нарса ўзининг аввалги бутун шаклини йўқотади” деган моддий тасаввурга асосланганида.

Азалий Худо Шахси(адйах), Говинда, Маха-Вишну қиёфасига кириб Ўзини кўпайтиради ва Ўзи яратган Сабаблар Уммонининг сувларида ётади. Бу “Брахма-самхита”(5.47)да ҳам тасдиқланади:

Йах каранарнава-джале бхаджати сма-йога
“Брахма-самхита”да маъбуд Брахмаджи айтадики: “Мен азалий Парвардигор Говиндага сажда қиламан, У Ўзининг тўла бутун қисми - Маха-Вишну қиёфасида Сабаблар Уммонида ётади. Унинг илоҳий танасининг тешикларида сон-саноксиз коинотлар чиқади, Унинг Ўзи сеҳрли мангулик уйқусига ғарқ бўлган”.

Шундай қилиб, Маха-Вишну – Парвардигорнинг борлиқдаги биринчи намоён бўлган қиёфаси бўлиб, Ундан барча коинотлар ва бирин-кетин барча моддий оламлар чиқади. сабаблар Уммонини Парвардигор махат-таттва – рухий осмондаги булут сифатида яратади, ва у Парвардигорнинг намоён бўлган хилма-хил кўрнишларидан бир қисми, холос. Рухий осмон Унинг шахсий қиёфасидан таралиб турган нурлардан ташкил топган, шунингдек, У Ўзини махат-таттва булутни кўринишида намоён этади. У Сабаблар уммонида ётади ва нафаси билан коинотларни яратади, кейин, Гарбходакашайи Вишну қиёфасида уларнинг ҳар бирининг ичига кириб, коинот ичида тартибни сақлаб туриш учун Брахма, Шива ва бошқа кўплаб фаришталарни яратади. Вақти келганда эса, У бутун борлиқни Ўз ичига тортиб олади. “Бхагавад-гита”(9.7)да айтилганидек:

“Эй Кунтининг ўғли, калпа ниҳоясига етганида, яъни, Браҳманинги умри охирига етганида, бутун олам Менинги пракрити(қувватим) ичига қиради, кейин, Менинги истагим билан, Менинги қувватим оламини яна шундай ҳолда яратади”.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, бутун борлиқ – Парвардигорнинг англаб бўлмас қувватларининг намоён бўлган кўриниши, ва бирор тирик мавжудот бу қувватлар ҳақида

муқаммал илмга эга бўла олмайди. Биз бу масалани аввал муҳокама қилгандик.

40-41. Парвардигор пок, чунки моддий оламнинг ҳеч қандай қусурлари, иллатлари Унга таъсир қилмайди. У - тўла ва муқаммал илм тимсоли, Мутлақ Ҳақиқатдир. У бутун борлиқни Ўзи қамраб олган, Унинг на аввали, на охири мавжуд эмас, ва ҳеч ким Унга тенг кела олмайди. Эй буюк донишманд Наррада, фақат барча моддий орзу-истаклардан бутунлай пок бўлган ва тўла хотир-жам(осойишта) ҳолатга эришган буюк донишмандларгина Уни англай оладилар. Бемаъни фикрлашлар ҳамма нарсани фақат чалкаштириб юборади, холос, шу боис Парвардигор бизнинг кўзимиздан ғойиб бўлади.

Изоҳ: Бу ерда Парвардигор Унинг моддий оламда кўрсатадиган илоҳий фаолиятдан ажралган ҳолда таърифланган. Майявадилар фалсафаси Парвардигор моддий оламга Ўзининг аватарлари кўринишида келганида моддий тана олиб моддий иллатга булғанади деб исботлашга уринади. Мазкур шеърда, Парвардигор ҳар қандай вазиятда ҳам пок ва бенуқсон бўлиб қолавериши таъкидланиб, уларнинг бундай хом хаёллари тўла инкор этилади. Майявадилар фалсафасига кўра, рухий табиатга эга рух ғофиллик билан копланганида уни жива деб атайдилар, ғофиллик иллатидан покланганида эса, у Мутлақ Ҳақиқатнинг шахсиятсиз борлиғи билан кўшилиб кетади. Лекин мазкур шеърда айтилганки, Парвардигор ҳамиша тўлиқ ва муқаммал илм тимсоли бўлиб қолаверади. Унинг бошқалардан фарқ қиладиган жиҳати шундай – ҳамиша моддий иллатдан пок бўлиб қолиш. Демак, Парвардигор, ғофиллик таъсирига бериладиган ва моддий шартланган ҳолтага тушиб қоладиган оддий тирик мавжудотлардан фарқ қилади. Ведаларда айтилганки, Парвардигор – виджнанам анандам – илм ва лаззатга тўла. Шартланган алоҳида руҳларни ҳатто Унга тенглаштириб ҳам бўлмайди, чунки улар модда билан булғанишга мойил. Озодликка эришган тирик мавжудот Парвардигорнинг сифатларига эга бўлади, лекин Парвардигорга бегона, аммо уларнинг табиатига хос бўлган булғанишга мойиллик ҳамиша тирик мавжудотни Парвардигордан ажратиб туради. Ведаларда айтилганки, шуддхам апапа-виджим – гуноҳ алоҳида атмани булғайди, аммо гуноҳ ҳеч қачон Парвардигорни булғай олмайди. Парвардигорни куёшга қиёслайдилар. Куёшнинг шундай қуввати борки, ҳеч қандай иллат унга яқинлаша олмайди. аксинча, ўзининг нурлари билан у ҳар қандай иллатни поклайди. Худди

шундай, Парвардигорга ҳам ҳеч қандай гуноҳ яқинлаша олмайди, аксинча, У Ўзига яқинлашган барча тирик мавжудотларни поклайди. Бу дегани, куёш сингари, Парвардигор ҳамма жойга сингиб кетган, шунинг бу ерда пратйак ибораси ишлатилган. Парвардигорнинг қувватидан ташқарида ва ундан ажралган ҳолда мавжуд бўлган бирор нарса йўқ. Парвардигор ҳамма жойда бор, шунингдек У ҳамма нарсани олаб олган, алоҳида руҳларнинг фаолияти Унга таъсир қилмайди. Шундай қилиб, У чексиз буюк, тирик мавжудотлар эса – чексиз кичик.

Ведаларда айтилганки, Парвардигордан ташқарида бирор нарса йўқ ва ҳамма нарса фақат Унинг шарофати билангина мавжуд бўлиб турибди. У – ҳар бир тирик мавжудотнинг ҳаёт манбаи, У – Олий Ҳақиқат, ҳақиқатнинг бошқа барча турларининг бошланғич сабабчиси. У – бошқа мавжудотларда мавжуд бўлган ҳамма нарсанинг манбаи, демак, ҳеч ким бойликда У билан тенглаша олмайди. Барча бойликларнинг: бойлик, шон-шухрат, куч, гўзаллик, илм ва боғланмасликнинг мукамал эгаси бўлган ҳолда, У, шубҳасиз, Олий Шахсдир. Шахс бўлган ҳолда, модий гуналарга нисбатан илоҳий ҳолатда қолиб, Парвардигор кўплаб шахсий сифатларга эга. Биз "Шримад-Бхагаватам" 1.7.10 да итхам-бхута-гуно харих деган тушунчани муҳокама қилган эдик. Унинг илоҳий сифатлари шунчалик жозибадорки, ҳатто озодликка эришган зотлар ҳам уларга бефарқ қарай олмайдилар. Лекин, барча шахсий фазилатларга эга бўлган ҳолда, Парвардигор айна пайтда ҳар нарсага қодир, шу боис, У бирор ишни Ўзи қилиши шарт эмас, ҳамма ишни Унинг учун Унинг ҳар нарсага қодир қувватлари қилади. Бу ведавий мантраларда тасдиқланади: парасйа шактир вивидхаива шруйате свабхавики джнана-бала-крия. Демак, У моддий сезгилар билан қабул қилиб бўлмайдиган маълум бир руҳий қиёфага эга. Уни фақат Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёнида покланган сезгилар ёрдамида кўриш мумкин(йам эваиша вринуте тена лабхйах). Шундай қилиб, Парвардигор ва тирик мавжудотлар кўп жиҳатдан бир биридан фарқ қиладилар. ведаларда айтилганки, Унга тенг бўлган зот йўқ. экам эвадвйтиям брахма, дваитад ваи бхайам бхавати. Парвардигорга рақобатдош зот бўлиши мумкин эмас, У бошқа тирик мавжудотлардан кўрқмайди, ҳеч ким У билан бир поғонага кўтарила олмайди. гарчи бошқа барча тирик мавжудотлар Ундан чиққан бўлсалар ҳам, улар билан Парвардигор орасида жуда катта фарқ бор. Акс ҳолда, ҳеч ким Уни тўлиқ англаб ета олмайди, деган аввалги шеърнинг маъноси қолмаган бўларди. Мазкур шеърда аввалги шеърнинг маъноси қўллаб

қувватланади: Парвардигорни тўлиқ англаб етиб бўлмайди, лекин бу ерда яна, Уни қисман англаб етиш учун инсонда қандай сифатлар бўлиши зарурлиги санаб ўтилган. Парвардигорни фақат прашанталар, Унинг бенуксон асл содиқлари англаб ета оладиар, чунки уларнинг бир нарсдан – Парвардигорнинг итоаткор содиқ хизматкори бўлишдан бошқа бирор истаги йўқ. Қолган бошқа одамлар эса, - эмпирик файласуфлар, сеҳргарлар ва кармилар – шахсий манфаат кўзлайдилар, шунинг учун ҳам тинчлик билмайдилар. Кармилар қилган меҳнатлари учун мукофот олишга интиладилар, сеҳргарлар ҳаётда у ёки бу кўринишдаги баркамолликка эришишга интиладилар, файласуфлар эса, Парвардигорнинг борлиғи билан қўшилиб кетишга интиладилар. Лекин, токи инсонда, - қандай кўринишда намоён бўлмасин, - ўз сезгиларини лаззатлантириш истаги қолар экан, у хотиржамликка эриша олмайди, аксинча, ақлнинг бемаъни мавҳум фикрлари ва мулоҳазалар уни фақат Парвардигордан узоклаштириб, ҳақиқатни бузиб кўрсатаверади. Сафсатабоз файласуфлар риёзат қоидаларига амал қилиб юрганлари шарофати билан Парвардигорнинг шахсиятсиз жиҳатини маълум даражада англаб ета оладилар, лекин уларнинг Парвардигорнинг олий қиёфасини – Говиндани англаб етишга ҳеч қандай имкони йўқ, чунки фақат амалатманалар, яъни мутлақо бегуноҳ зотлар Парвардигорга соф садоқат билан хизмат қила оладилар. Бу "Бхагавад-гита"да ҳам тасдиқланади(7.28).

42. Каранарнавашайи Вишну Парвардигорнинг биринчи намоён бўлган қиёфасидир. У мангу вақтнинг, фазонинг, сабаб ва оқибатларнинг, ақлнинг, моддий унсурларнинг, моддий эго(ўзлик)нинг, табиат сифат(гуна)ларининг, сезгиларнинг, Парвардигорнинг фазовий қиёфасининг, Гарбходакашайи Вишнунинг, шунингдек, барча кўзғалувчи ва кўзғалмас тирик мавжудотларнинг ҳукмдоридир.

Изоҳ: Моддий оламнинг ўткинчилиги ҳақида бу китоб саҳифаларида бир неча марта гапирилди. Моддий олам – шунчаки Парвардигорнинг моддий қувватининг вақтинча намоён бўлган кўриниши. У Парвардигор билан ўзаро илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиш орқали муносабат қилишни истамайдиган шартланган руҳларга имкон бериш учун мўлжалланган. Шартланган руҳлар учун руҳий оламнинг озод салтанатига кириш эшиклари ёпик, чунки қалбининг тўрида улар хизмат қилишни истамайдилар, аксинча, Парвардигорга тақлид қилиб лаззатланишни истайдилар. Ўзларининг асл табиатига кўра

тирик мавжудотлар – Парвардигорнинг мангу хизматкорларидир, лекин уларнинг баъзилари, ўзларининг озгина мустақиллигини суистеъмом қилиб, Унга хизмат қилишдан бош тортадилар, шунинг учун уларга майя, яъни сароб деб аталадиган моддий табиат билан лаззатланиш имкони берилади. Уни сароб деб аташларининг боиси шундаки, майя чангалига тушиб қолган тирик мавжудотлар, гарчи майя алдаб қўйгани учун ўзларини шундай деб ҳисобласалар ҳам, ҳақиқатан ҳам лаззатланувчилардир. Алданиб адашиб қолган тирик мавжудотларга вақти вақти билан моддий табиат устидан ҳукмрон бўлишга интилиш истагидан халос бўлиш ва Ведалардан ўзларининг Парвардигор Кришна билан мангу муносабатлари ҳақида билиб олиш имкони бериб турилади(ведаиш ча сарвар ахам эва ведйах). Шундай қилиб, ўткинчи моддий олам Парвардигорнинг моддий қувватининг намоён бўлган кўриниши, уни бошқариш учун, худди ҳукумат ҳокимга маълум бир вақт мобайнида бирор вилоятни бошқариб туришни буюргани сингари, Парвардигор Каранарнавашайи Вишну қиёфасига киради. Каранадокашайи Вишну Ўзининг моддий қувватига нигоҳ ташлаб, моддий оламни яратади(са аикшата). "Шримад-Бхагаватам"нинг биринчи Қўшиғида(1.3.1) биз буни қисман тушунтирган эдик. Моддий оламнинг алдамчи мавжудлик даври калпа деб аталади, аввал айтганимиздай, ҳар бир калпада яратиш жараёни қайтадан бошланади. Коинотда намоён бўлиб, Парвардигор Ўзининг қувватлари ёрдамида олам таркиб топган ҳамма нарсани яратади: замон, фазо, сабаб, оқибат, ақл, қўпол ва нафис унсурлар, улар билан ўзаро ҳаракат қиладиган моддий табиат гуналари(эзгулик, эҳтирос ва ғафлат), кейин сезгилар ва уларнинг манбаи, ниҳоят, Пурушанинг иккиламчи намоён бўлган кўриниши бўлган баҳайбат фазовий қиёфа – Гарбходакашайи Вишнуни ҳамда, пурушанинг иккиламчи кўринишидан чиқадиган барча кўзғалувчан ва кўзғалмас тирик мавжудотларни. Охир оқибатда бу яралган унсурлар ва яратишнинг ўзи – Парвардигорнинг қувватининг намоён бўлган кўринишидан бошқа нарса эмас. Оламдаги ҳамма нарса Олий Мавжудотнинг ҳукми остида жойлашган. Моддий оламдаги биринчи намоён бўлган қиёфа – Каранарнавашайи Вишну – азалий Худо Шахси, Шри Кришнанинг тўла намоён бўлган қисми. “Брахма-самхита”(5.48) да бу шундай таърифланади: “Сон-саноксиз коинотлар Маха-Вишну, яъни Говинданинг азалий Худо Шахси Шри Кришнанинг тўла намоён бўлган қисми бўлган Каранарнавашайи Вишнунинг фақат бир марта нафас олиши давомида мавжуд бўлиб турадилар”.

43-45. Мен(Брахма), Маъбуд Шива, Маъбуд Вишну, тирик мавжудотларнинг буюк бобокалонлари(Дакша, Пражапати ва бошқалар), сизлар(Нарада ва Кумарлар), Индра ва Чандра сингари жаннат фаришталари, бхурлока ҳукмдорлари; ер сайёрасининг ва қуйи сайёраларнинг ҳукмдорлари, гандҳарвалар, видйадхаралар яшайдиган ва Чараналока сайёраларининг ҳукмдорлари; йакшалар, ракшаслар ва урагаларнинг ҳукмдорлари, буюк донишмандлар, буюк иблислар, буюк худосизлар, фазода сайр қилувчиларнинг энг улуғлари, шунингдек, ўликлар, арвоҳлар, ажиналар, жинлар, кушмандалар, бахайбат денгиз махлуқлари, бахайбат қуш ва ҳайвонлар - бир сўз билан айтганда ғайритабиий қудратга, зийрак тафаккурга, ҳайратланарли даражада ривожланган сезиш органларига, кучга, гўзалликка, камтаринликка, бойликка, шон-шарафга эга бўлган, ҳар хил қиёфалардаги ва қиёфага эга бўлмаган тирик мавжудотлар – Парвардигор -нинг намоён бўлган кўриниши ёки Ҳақиқатнинг қисман кўриниши бўлиб туюлиши мумкин, аммо аслида ундай эмас. Уларнинг ҳар бири - Худо Шахсининг илоҳий қудратининг кичик бир заррачаси, холос.

Изоҳ: Юқорида санаб ўтилган зотларнинг ҳаммасини: коинотдаги биринчи тирик мавжудот Браҳмаджи, маъбуд Шива, Парвардигор Вишну, Нарада ва бошқа қудратли фаришталарни, одамларни, олий зотларни, донишмандларни, ришиларни ва ғайритабиий кучга ва бойликка эга бўлган қуйи мавжудотларни, шу жумладан арвоҳларни, нопок мавжудотларни, жинларни, ёвуз руҳларни, денгизда яшайдиган мавжудотларни, қушларни ва ҳайвонларни – Парвардигор деб қабул қилиш мумкин, лекин аслида уларнинг бирортаси ҳақиқий Парвардигор эмас. Уларнинг ҳаммасига фақат Унинг чексиз қувватларининг арзимаган қисми ато этилган. Худди яшин чакнаши, бахайбат банйан дарахтининг ҳайбати ёки қалин ўрмон ўртасида баланд кўтарилиб турган тоғ қояси ғофил, ёввойи одамларни ҳайратга солгани сингари, моддий оламдаги ғаройиб ҳодисалар калтафаҳм одамларни ҳайратга солади. Онги паст одамни ҳатто Парвардигорнинг қуввати намоён этган арзимас бир қиёфаси ҳам ҳайратга солиши мумкин. анча илмга эга бўлган кишини фаришталарнинг кароматлари ҳайратга солади. Парвардигор яратиб қўйган оламдаги бирор мавжудотнинг қудратини кўриб ҳайратга тушадиган, лекин Парвардигорнинг Ўзи ҳақида ҳеч нарса билмайдиган кишиларни шакталар, яъни, куч ва

кудратга сиғинадиган зотлар деб атайдилар. Замонавий олимларни ҳам табиатнинг жумбоқли ҳодисалари ҳайратга солади, демак, олимлар ҳам шакталар тоифасига киради. Онги ривожланишда давом этиб, ана шу содда одамлар саурийлар(қуёшга сиғинадиганлар) ва ганапацийлар(Ганапати қиёфасида джаната-жанардана, даридра-нарайан деб, оддий одамларга сиғинадиган одамлар) поғонасига кўтариладилар. Кейин, мангу руҳни излаб, улар маъбуд Шивага сиғиниш поғонасига кўтариладилар, ва ниҳоят, Парвардигор Вишнуга, Олий Руҳга сиғиниш даражасига кўтариладилар, лекин, бунда ҳам барибир Говинда, Парвардигор Кришна, азалий Вишну ҳақида илмга эга бўлмай қолаверадилар. Ўзларининг ирқиға, миллатига, қушларга, ҳайвонларга, ёвуз руҳларга, нопок кучларга сиғинадиган одамлар бор. Мусибатга тушганларнинг ҳомийси бўлган Шанидевага сиғиниши, оспа фариштаси Ситаладевиға сиғиниш ҳам одамлар орасида кенг тарқалган. Халқ оммасига ёки гадойларга сиғинадиган аҳмоқлар ҳам топилади. Шундай қилиб, ҳар хил одамлар, гуруҳлар, табақалар ва жамоалар адашганидан бирор тирик мавжудотни Худо деб, Парвардигорнинг қувватларининг намоён бўлган турли кўринишларига сиғинадилар. Лекин мазкур шеърда Браҳмаджи тушунтирадики, ана шундай калтафаҳм одамлар сиғиниб юрган кудратли зотлардан бирортаси Парвардигор эмас. Улар шунчаки ҳар нарсага кодир азалий Парвардигор Шри Кришнадан олинган товус патини тақиб олган қарғалар, холос. Парвардигор Кришна "Бхагавад-гита"да Унинг Ўзига, фақат Унга сиғинишни маслаҳат берганида, тушуниш лозимки, Парвардигор Кришнага сиғиниш билан биз айна пайтда мазкур шеърда кўрсатиб ўтилган зотларнинг ҳаммасига сиғинаётган бўламиз, чунки У - Парвардигор Кришна ҳамма нарсани Ўзида мужжасам қилган.

Ведавий муқаддас китобларда Парвардигорнинг қиёфаси йўқ дейилганида, тушуниш лозимки, юқорида кўрсатилган, биз оламни ўрганиш жараёнида дуч келадиган қиёфаларнинг барчаси, шунчаки Парвардигорнинг илоҳий қувватларининг намоён этган турли хил кўринишлари, холос, лекин уларнинг бирортаси Парвардигорнинг илоҳий қиёфаси эмас. Лекин, Парвардигор ҳақиқатан ҳам Ер юзида ёки коинотнинг бошқа бирор жойида намоён бўлганида, калтафаҳм одамлар адашганидан Уни оддий инсон деб қабул қиладилар, шунинг учун ҳам, Илоҳий Мавжудликни шакл-шамойилсиз ёки шахсиятсиз деб тасаввур қиладилар. Аслида Парвардигор шакл-шамойилсиз эмас, лекин унинг қиёфаси

моддий коинот доирасида кўриш мумкин бўлган хилма-хил қиёфалар тоифасига кирмайди. Парвардигор ҳақидаги ҳақиқатни Браҳманинг маслаҳатларига амал қилган ҳаолда англаб етишга интилиш лозим.

46. Эй Нарада, энди мен сенга лила-аватаралар деб аталадиган Парвардигорнинг намоён бўлган илоҳий қиёфаларини таърифлаб бераман. Уларнинг кароматлари ҳақидаги ҳикояларни тинглаш инсон қалбини тўпланган барча дунёвий иллатлардан халос этади. Ана шундай ўйинлар ҳақидаги ҳикоялар инсон қалбини қувонтириб, жонларга ором беради, шу боис мен уларни ҳамиша қалбим тўрида асраб юраман.

Изоҳ: "Шримад-Бхагаватам"(1.5.8)нинг бошида айтилганидек, токи инсон Парвардигорнинг илоҳий эрмаклари ҳақидаги ҳикояларни тинглай бошламас экан, бошқа нарсалар ҳақида тинглаш унга тўла мамнуният олиб келмайди. Мазкур шеърда ҳам Браҳмаджи Парвардигорнинг моддий оламга тушган пайтларида намоён этган илоҳий эрмаклари ҳақидаги суҳбатларнинг муҳимлигини алоҳида таъкидлашга ҳаракат қилади. Тирик мавжудотлар қизиқарли янгиликлар ва ҳикояларни тинглашни ёқтирадилар, шунинг учун деярли ҳамма радио орқали бериладиган янгиликларни тинглайдилар. Лекин шуниси ёмонки, бундай янгиликлар ҳеч кимга тўла мамнуният олиб кела олмайди. Бизларнинг тўла мамнуният ҳосил қила олмаётганимизнинг боиси шундаки, тинглаётган нарсаларнинг ҳаммаси бизлар учун бегона, шу боис улар қалбимизнинг тўрига, тирик руҳга таъсир қилмайди. Бу илоҳий битикларни Шрила Вйасадева Шри Нарада Мунининг кўрсатмаси билан атайлаб, Парвардигорнинг кароматлари ҳақидаги ҳикояларни тинглаб, одамлар тўла мамнуният ҳосил қила олишлари учун ёзган. Парвардигорнинг кроматлари икки асосий тоифага бўлинади. Биринчи тоифага Унинг моддий яратувчилик қувватининг бу дунёдаги намоён этган кўринишлари киради, иккинчи тоифага эса, Унинг ҳар хил жойларда, турли замонарда намоён қилган қиёфаларининг эрмаклари киради. Парвардигорнинг сон-саноксиз қиёфалари бетиним қирғоққа урилиб турадиган дарё тўлқинларини эслатади. Калтафаҳм одамларни Парвардигорнинг моддий оламда намоён бўладиган бунёдкорлик кучлари кўпроқ қизиқтиради. Парвардигор билан алоқадан маҳрум бўлган ҳолда, шундай одамлар коинотнинг пайдо бўлиши ҳақида бирин кетин турли ғояларни ўртага ташлайдилар ва буни

илмий тадқиқот деб атайдилар. Лекин, улардан фаркли равишда Худонинг содиклари Парвардигорнинг моддий кувватининг сабабокибат қонуниятлари билан боғлиқ яратувчи кучларнинг тартибли ҳаракатларини жуда яхши биладилар, шу боис уларни кўпроқ моддий оламда намоён бўлган Парвардигорнинг илоҳий эрмаклари қизиқтиради. “Шримад-Бхагаватам” – Парвардигорнинг кўрсатган кароматлари хроникаси, “Шримад-Бхагаватам”ни тинглашни ёқтирадиган кишиларнинг қалби уларда тўпланиб қолган моддий иллатлардан покланади. Китоб магазинларининг пештоқлари ҳозирги куннинг долзарб мавзулари ҳақида ёзилган китоблар билан тўла, лекин эътиборини “Шримад-Бхагаватам” жалб қилган киши бошқа китоблар билан умуман қизикмай қўяди. Шунинг учун Шри Браҳмаджи, Нарадага бундай ҳикояларнинг илоҳий нектаридан лаззатланиш имконини бериш учун Парвардигорнинг намоён этган асосий қиёфалари ҳақида ҳикоя қилмоқчи бўляпти.

*“Шримад-Бхагаватам”нинг Иккинчи Қўшиқ,
“Пуруша-Суктанинг тасдиқлаши” деб
аталадиган олтинчи бобида Бҳактиведантаннинг
изоҳлари шундай яқунланади.*

Еттинчи боб.

Худо Шахсининг бу дунёда мунтазам намоён қиладиган қиёфалари ва уларнинг алоҳида вазифалари

1. Маъбуд Браҳма шундай деди: Бениҳоя қудратга эга бўлган Парвардигор, Гарбходака уммони деб аталадиган чексиз коинот уммонида ётган Ер сайёрасини кўтариб чиқиш учун, (вепрь)Тўнғиз қиёфасига кирганида, Унинг рўпарасида биринчи иблис(Хиранйакша) ҳозир бўлди, Парвардигор ўткир кураклари ёрдамида уни ёриб ўлдирди.

Изоҳ: Олам яралгандан бошлаб коинотлардаги сайёраларга ё иблислар, ё фаришталар (вайшнавлар) ҳукмронлик қиладилар. маъбуд Браҳма – биринчи фаришта, Хиранйакша эса – бу коинотдаги биринчи иблис. Сайёралар фақат маълум бир шароитлардагина осмонда худди шарларга ўхшаб учиб юрадилар, агар ана шу шароитлар бузилса, улар коинотнинг ярмини тўлдириб турган Гарбходака уммонига тушиб кетадилар. Коинотнинг қолган ярми ёйсимон гумбаз бўлиб, унинг ичида сон-саноксиз

сайёралар тизими жойлашган. Сайёраларнинг осмонда муаллақ сузиб юришларига уларнинг ички тузилиши ёрдам беради, ҳозирги даврда иблисларнинг нефт қазиб олиш учун ерни илматешик қилиб юборишлари сайёрамизнинг коинот осмонида муаллақ сузиб юришига тўсқинлик қилиши мумкин. Бир вақтлар Хиранйакша бошлиқ иблисларнинг айби билан шундай бўлган ҳам эди: Ер сайёраси мувозанатини йўқотиб, Гарбходака уммонига тушиб кетганди. Шунинг учун, бутун моддий оламнинг мавжудлигини таъминлаб турган Парвардигор баҳайбат тўнғиз қиёфасига кирди ва Ўзининг баҳайбат кураги билан Ер сайёрасини Гарбходака уммони қаъридан олиб чиқди. Буюк вайшнавлар шоир Шри Жаядева Госвамининг ёзган шеърларидан бирида бу ҳақда шундай ёзилган:

Васати дашана-шикхаре дхарани тава лагна

Шашини каланка-калева нимагна

Кешава дхрита-шукара-рупа

Жая жагадйаша харе

“О Кешава! Эй, тўнғиз қиёфасига кирган Парвардигор! Эй Парвардигор, юзида доғлари бор Ойга ўхшаган Ер сайёраси Сенинг курак тишларинг устидан жой олган”.

Парвардигорнинг намоён бўлган қиёфаларининг аломатлари шундай. Парвардигорнинг намоён этган қиёфалари – шунчаки бир хаёлпарастнинг ўйлаб топган тасаввурлари эмас. Парвардигорнинг қиёфалари бу дунёга юкорида таърифлагандек, фавқулодда ҳолатларда келади ва инсон ўзининг арзимаган даражада кичик ақлчаси билан ҳатто тасаввур ҳам қила олмайдиган ишларни амалга ошириб кетади. Ҳозирги даврда кўплаб сариқ чақага арзимайдиган кичик зотларни Парвардигорнинг аватаралари деб юрган калтафаҳм одамлар Ўзининг курагида Ер сайёрасини кўтара оладиган Парвардигорнинг тўнғиз қиёфасига кирган ҳақиқий аватарасига эътибор беришлари керак.

Парвардигор Ер сайёрасини кўтариб чиқиш учун пайдо бўлганида, Хиранйакша деган иблис Унинг Ўз вазифасини бажаришига тўсқинлик қилди, шунда Парвардигор Ўзининг кураклари билан уни ёриб ўлдирди. Шрила Жива Госвами айтадики, Парвардигор иблис Хиранйакшани қўллари билан ўлдирган. Унинг фикрига кўра, Парвардигор иблисни қўли билан ўлдириб, кейин унга курагини тикиб олган. Унинг бу фикрини Шрила Вишванатха Чакраварти Тхакур ҳам маъқуллайди.

2. Аввало Пражапати ва унинг хотини Акутининг фарзанди бўлиб Суйажна дунёга келди, кейин, Суйажна ва унинг хотини Дакшинанинг фарзандлари сифатида Суйама бошлиқ фаришталар туғилдилар. Индрадева-

нинг вазифасини бажара туриб, Суйажна коинотдаги барча уч(олий, ўрта ва қуйи) турли сайёралар тизимидаги мусибатларни енгиллаштирди. Унинг ана шу жасорати учун инсониятнинг буюк бобокалони Свайамбхува Ману Унга "Хари" номини берди.

Изоҳ: Ўзларича Парвардигорнинг турли хил аватараларини ўйлаб топадиган калтафаҳм хаёлпарастларни чалғитиш учун ишончли муқаддас китобларда, одатда, Парвардигорнинг ҳақиқий аватарасининг отасининг исми ҳам башорат қилинади. Демак, агар муқаддас китобларда отасининг исми, шунингдек, у дунёга келадиган қишлоқ ёки туғиладиган жойининг номи кўрсатилмаган бўлса, ҳеч кимни Парвардигорнинг аватараси деб ҳисобламаслик керак. “Бхагавата-пурана”да Ер юзига деярли тўрт юз минг йилдан кейин келадиган Парвардигорнинг аватараси бўлган Зотнинг Калки деган номи билан бирга Унинг отасининг исми, У туғиладиган қишлоқ номи ҳам кўрсатилган. Шунинг учун соғлом фикрли кишилар агар ишончли муқаддас китобларда бу ҳақда бирор маълумот бўлмаса, ўзини Худо деб юрган бирор ўзбилармонни аватара деб тан олмайдилар.

3. Кейин Парвардигор брахман-донишманд праджапати Кардама ва унинг хотини Девахутининг фарзанди Капила қиёфасида пайдо бўлди. У билан бирга Унинг тўққиз опаси ҳам дунёга келди. У онасига руҳий ўзликни англаш илмини ўргатди ва натижада онаси шу ҳаётининг ўзидаёқ моддий табиат гуналари иллатидан бутунлай покланиб, Капила ўргатган йўл билан озодликка эришди.

Изоҳ: Парвардигор Капиланинг Ўз онаси Девахутига берган насиҳатлари "Шримад-Бхагаватам"нинг Учинчи кўшиғи(25-32)да тўла баён этилган, уларга амал қилиб яшаган ҳар қандай инсон ҳам Девахути эришган озодликка эриша олади. Парвардигор Аржунга "Бхагавад-гита" илмини баён этди, Ардун шу илм шарофати билан руҳий ўзлигини англаб етди, то ҳозиргача, Шри Аржуннинг изидан бораётган кишилар ҳам худди шундай саодатга эришадилар. Муқаддас китобларнинг вазифаси шундай. ақли заиф нодон одамлар ўзларининг издошларини йўлдан адаштириб ва уларни моддий олам зиндонидан мангу тутқунликка дучор этиб, муқаддас китобларни ўзларича ногўғри талқин қладилар. Лекин, Парвардигор Кришнанинг ёки Парвардигор Капиланинг насиҳатларига амал қилиб яшаган киши, ҳатто

ҳозирги даврда ҳам энг олий бахтга эриша олади.

Мазкур шеърда “Парвардигорни тўлиқ англаб етиш ” деган маънони англатадиган атма-гатим ибораси алоҳида аҳамиятга эга. Инсон тирик мавжудот сифат жиҳатидан Парвардигор билан бир хил эканини англаб етгани билан қаноат ҳосил қилмаслиги керак. Биз Парвардигорни чекланган билиш қобилиятимиз қанча имконият берса, шу қадар чуқур англаб етишга интилишимиз лозим. Парвардигорни охиригача тўлиқ англаб етишнинг иложи йўқ, бунга, моддий оламдаги бошқа фаришталар ва одамлар нари турсинлар, ҳатто Шива ва Брахма сингари озодликка эришган зотлар ҳам қодир эмаслар. Шунга қарамай, бизларга буюк содиқлар васият қилиб кетган қонун-қоидаларга, шунингдек, муқаддас китобларда берилган кўрсатмаларга амал қилиб, Парвардигорнинг турли сифатларини сезиларли даражада англаб етиш мумкин. Парвардигор Капила, Ўзининг онасига Парвардигорнинг шахсий қиёфаси ҳақида гапириб берди, бунинг натижасида у Худони англаб етди ва Вайкунтхалоканинг Парвардигор Капила ҳукмронлик қиладиган даргоҳига эришди. Руҳий оламда Парвардигорнинг ҳар бир тимсолининг Ўз даргоҳи бор, демак, Парвардигор Капиланинг ҳам алоҳида Вайкунтха сайёраси бор. Руҳий осмон – шунчаки шакл-шамойилсиз бўшлиқ эмас. Унда сон-саноксиз Ваикунтха сайёралри сузиб юради, уларнинг ҳар бирини Парвардигорнинг сон-саноксиз тимсоллари бошқаради. Уларда Парвардигорнинг асл содиқлари яшайдилар ва улар ҳам худди Парвардигор ва Унинг мангу ҳамроҳлари сингари турмуш кечирадилар.

Парвардигор моддий оламга Ўзи келганида ёки Ўзининг тўлиқ экспансиялари кўринишида намоён бўлганида Унинг тимсолларини амша, кала, гуна, йуга ва манвантара деб атайдилар, Парвардигорнинг иродаси билан моддий оламга Унинг ҳамроҳлари ташриф буюрганларида эса, уларни шактйавеша деб атайдилар. Лекин, Парвардигор ҳар иккала тимсоллари ҳам, қандайдир бир авантюристнинг ўз манфаатини кўзлаб ўйлаб топган хом хаёллари эмас, балки ишончли муқаддас китобларда батафсил таърифлаб берилган бўлади. Парвардигорнинг юқорида айтилган тоифаларнинг истаган бирига мансуб бўлган тимсоллари ҳамиша Худонинг Олий Шахсини Олий Ҳақиқат деб эълон қиладилар. олий ҳақиқатнинг шахсиятсиз ғояси – шунчаки, Парвардигорнинг қиёфасини олтий ҳақиқат ҳақидаги модий тасаввурлар қатламидан поклаш усули холос.

Тирик мавжудотлар ҳам асл табиатига кўра худди Парвардигор сингари руҳий табиатга эга.

Улар орасидаги ягона фарқ шундан иборатки, Парвардигор ҳамиша олий ҳукмдор бўлиб қолаверади, У мангу пок ва ҳеч қачон моддий табиат гуналари билан булганмайди, тирик мавжудотлар эса, моддий табиатнинг эзгулик, эҳтирос ва ғафлат гуналари билан булганишга мойил. Моддий табиат гуналари иллатидан илм, таркидунёлик ва Худога садоқат билан хизмат қилиш ёрдамида тўла покланиш мумкин. Худога садоқат билан хизмат қилиш – энг олий ҳақиқатдир, шу боис шундай фаолият билан шуғулланиб юрган зотлар шунчаки зарур бўлган даражада рухий илм ўрганиб қолмасдан, барча моддий боғланишлардан ҳам покланадилар ва шу тарзда Парвардигорнинг салтанатига эришиб, тўла озодликка чиқадилар. "Бхагавад-гита"(14.26)да айтилганидек,

мам ча йо вйабхичарена бхакти йогена севате

Сагунан саматитйаитан брахма-бхуйайа калпате

Тирик мавжудот ҳатто ўартланган ҳолатида ҳам, бевосита Худо Шахси, Парвардигор Кришнага ёки Унинг Рама ёки Нрисимха сингари тўлиқ экспансияларига илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиши мумкин. Шундай қилиб, Парвардигорга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишда юксала борган сари содиқ аввалига брахма-гатим, яъни атма-гатим поғонасига кўтарилади, кейин эса, ниҳоят осоник билан капиласйа гатим, Парвардигорнинг даргоҳига эришади. Худога садоқат билан хизмат қилиш шунчалик кучли поклаш қудратига эгаки, содиқнинг қалбини барча моддий иллатлардан унинг ҳозирги ҳаётининг ўзидаёқ тўла поклаши мумкин. Рухий озодликка эришиш учун Худонинг содиқ хизматкори бу дунёда яна бир марта туғилиб юриши шарт эмас.

4. Буюк донишманд Атри Парвардигордан фарзанд тилаб илтижо қилди, Парвардигор унинг илтижоларидан мамнун бўлиб, унинг ўғли (Атрининг ўғли Датта) Даттатрея бўлиб дунёга келишга ваъда берди. Парвардигорнинг нилуфар пойи қадамлари шарофати билан кўплаб Йаду, Хайхайи ва бошқаларнинг қалблари гуноҳлардан шу қадар покландики, улар - ҳам моддий, ҳам рухий олам саодатига эришдилар.

Изоҳ: Тирик мавжудотлар ва Худо Шахси орасидаги ўзаро илоҳий муносабатлар беш турли ишқий раса(боғланиш)ларда намоён бўлади: шанта, дасйа, сакхйа, ватсалйа ва мадхурйа. Донишманд Атри Парвардигор билан ватсалйа раса муносабатида эди, шу боис, Худога садоқат билан хизмат қилишда баркамолликка эришиб, Парвардигор унинг ўғли бўлиб туғилишини истади. Парвардигор унинг илтижоларини инобатга олиб, унинг ўғли Атри бўлиб дунёга

келди. Содиқнинг Парвардигорга нисбатан оталарча меҳр билан боғланишига бошқа жуда кўп мисоллар бор, Парвардигор бениҳоя бўлгани учун, Унинг сон-саноксиз содиқ хизматкор – оталари бор. Аслини олганда Парвардигор барча тирик мавжудотларнинг отаси, лекин содиқларни Парвардигор билан боғлаб турадиган илоҳий муҳаббат ва боғланиш ришталари туфайли, У ота бўлишдан кўра содиқ хизматкорининг ўғли ролини ўйнашни ёқтиради. Аслини олганда ота ҳамиша ўғлига хизмат қилади, ўғил эса, отаси унга у ёки бу йўл билан хизмат қилишини талаб қилади. Шунинг учун, ҳамиша Парвардигорга хизмат қилишни истайдиган асл содиқ Парвардигор унинг отаси эмас, ўғли бўлишини истайди. Парвардигор ўзининг содиқ хизматкорининг ана шундай хизматини қабул қилади, шундай қилиб, содиқ Парвардигордан ҳам юқори турадиган поғонада бўлиб қолади. имперсоналистлар Парвардигор билан қўшилиб кетишни орзу қиладилар, лекин содиқ хизматкор, буюк монистлар ҳатто орзу ҳам қилишга журъат эта олмайдиган Парвардигордан ҳам юқори турадиган мартабага эришади. Парвардигорнинг ота-налари ва бошқа қариндошларига уларнинг Парвардигор билан ўзаро жуда яқин муносабатда бўлганлари шарофати билан ҳар хил сеҳр қудратлари ўзидан ўзи келади. Ана шу сеҳр қудрати уларга барча моддий лаззатлардан, озодликнинг барча турларидан ва барча сеҳр қудратларидан устидан ҳукмронлик имкониятини беради. Шунинг учун Худонинг содиқ хизматкори ўз умрининг кадрли вақтини ана шундай нарсаларни излашга сарфламайди. Қимматли инсон умрини Парвардигорга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишга сарфлаш керак, шунда бошқа барча истақлар ҳам ўзидан ўзи амалга ошади. Лекин, ҳатто баркамолликнинг орзу қилиш мумкин бўлган барча турларига эришиб ҳам, алданиб қолмаслик ва асл содиқнинг пойи қадамларини ҳақорат қилиб, тузатиб бўлмас хатога йўл қўймаслик учун жуда эҳтиёт бўлиш керак. бунга ёрқин мисол – Хаихайа. У Худога садоқат билан хизмат қилиш ёрдамида инсон эриша олиши мумкин бўлган ҳамма нарсага эришди, лекин, асл содиқнинг пойи қадамларини ҳақорат қилиб қўйгани сабабли Парвардигор Парашурама қўлидан ҳалок бзўлди. Парвардигор буюк донишманд Атрининг ўғли бўлиб дунёга келди ва Унга Даттатрея деб исм қўйдилар.

5. Турли хил сайёралар тизимини яратиш учун илоҳий қасамларимга риоя қилиб, қаттиқ риёзат чекишимга тўғри келди, шунда, мендан мамнун бўлган Парвардигор тўрт Сан(Санака, Санаткумар, Санандана ва Санатана) киёфасида намоён бўлди.

Яратишнинг аввалги циклида коинот емирилаётган пайтда илоҳий(руҳий) илм ҳам йўқолиб кетди, аммо, ана шу тўрт Сан илоҳий илмни шудай маҳорат билан баён этдиларки, уларни тинглаган донишмандлар Ҳақиқат илмини дарров эгаллаб олдилар.

Изоҳ: “Вишну-сахасра-нама” илтижоларида Парвардигорнинг бошқа номлари билан бир қаторда санат ва санатанатама деган номлар ҳам бор. Ўзларининг асл табиатига кўра Парвардигор ҳам, тирик мавжудотлар ҳам санатана, яъни мангу, лекин Парвардигор – санатана-гама, олий даражада “мангу”. Тирик мавжудотлар ҳам, шубҳасиз, мангу, лекин, уларга хос бўлган, бирор нарса мангу бўлмаган ўткинчи оламга қулаш мойиллиги сабабли, уларга санатана сифатини олий даражада қўллаб бўлмайди. Шундай қилиб, тирик мавжудотлар билан олий санатана, Парвардигор орасида миқдор жihatдан фарқ бор.

Сан ибораси айни пайтда “эхсон” деган маънони ҳам англатиши мумкин. Агар содик ҳамма нарсасини Парвардигорга эхсон қилса, ундан миннатдор бўлган Парвардигор унга Ўзини эхсон қилади, бу “Бхагавад-гита”(4.11)да ҳам тасдиқланади: йе йатха мам прападйанте. Браҳмаджи коинотни у аввал қандай бўлса шундай ҳолда қайтадан яратмоқчи эди. Калпа охирида рўй берадиган коинотнинг яксон бўлиш жараёнида Мутлақ Ҳақиқат ҳақидаги илм бутунлай йўқолиб кетгани боис, у ана шу илмни қайта тикламоқчи бўлди. Акс ҳолда оламни яратишнинг ҳеч қандай маъноси бўлмасди. Илоҳий илм – энг биринчи зарурат, чунки бу илм олам яралишининг ҳар бир циклида шартланган руҳларнинг озодликка чиқишига имкон беради. Худонинг марҳамати билан Браҳманинг тўрт ўғли: Санака, Санаткумар, Санандана ва Санатана – тўрт сан дунёга келганида, Браҳманинг ана шу вазифаси амалга ошган эди. Парвардигорнинг илм тимсоли бўлган ҳолда, улар илоҳий илмни шу қадар маҳорат билан баён этдиларки, уларнинг гапларини тинглаган донишмандлар, ҳеч қийналмасдан бу илмни англаб етдилар. Тўрт Кумар изидан бораётган киши ўзининг қалбида Худонинг Олий Шаҳсини кўра олади.

6. Ўзининг риёзат чекиш бобида қанчалик улуғвор эканлигини намоён қилиш учун Парвардигор Дакшининг кизи - Мурти ва унинг эри Дхарманинг эгизак фарзандлари Нара ва Нарайана қиёфаларида дунёга келди. Гўзаллик фариштаси Купидон атрофидаги соҳибжамол фаришталар Унинг ақлини чалғитиб, риёзатларини бузишга мажбур қилишга уриниб кўрдилар, аммо

Парвардигорнинг танасидан бирин-кетин, худди ўзлари сингари кўплаб соҳибжамол фаришталар чиқаётганини кўриб, ҳайратга тушдилар.

Изоҳ: Парвардигор – бутун борликнинг манбаи, демак, У барча риёзат ва қасамларнинг ҳам манбаи. Руҳий ўзлигини англаб етиш учун донишмандлар қаттиқ риёзатларга бериладилар. Инсон ҳаётининг мазмуни риёзат чекишда, бу риёзат жинсий покликни сақлашга буюк қасам ичишдан, браҳмачаридан бошланади. Риёзатга бағишланган оғир ҳаётда аёллар билан алоқа қилишга ўрин йўқ. Инсонга ҳаёт тапасйа, руҳий ўзлигини англаб етиш учун берилгани боис, санатана-дхарма қонун-қоидаларига асосланган ҳақиқий инсонлар жамиятида аёллар билан алоқа қилиш инсон ҳаётининг уч босқичида қатъий ман қилиб қўйилган. Инсон ўзининг маданий ва манъавий юксалишида умри давомида тўрт босқичдан ўтади: жинсий поклигини сақлаш, оилавий турмуш, оилавий ишларни тарк этиш ва таркидунёлик. То йигирма беш ёшгача давом этадиган биринчи босқичда ёш йигит ҳақиқий руҳий устоз раҳбарлиги остида браҳмачари, аёл зоти – инсонни моддий оламга боғлаб қўядиган куч эканини тушуниб етиш учун жинсий поклигини сақлаш қоидаларига риоя қилиб яшашни ўрганади. Моддий оламдаги шартланган ҳаёт қуллигидан озодликка чиқишни истаган киши аёлларга нисбатан боғланишдан халос бўлиши лозим. Аёл зоти – тирик мавжудотни авраш, алдаш тимсоли, эркак танаси эса, айниқса ҳаётнинг инсон шаклида, тирик мавжудотга руҳий ўзлигини англаб етиш учун берилади. Бутун олам аёл зотининг маккорлигига алданиб юрибди, эркак киши аёл билан қўшилган заҳоти унинг оёқ-қўлларини моддий кишанлар боғлаб ташлайди. Моддий олам устидан вақтинча сохта ҳукмронлик қилиш туйғуси тирик мавжудотни маст қилиб қўяди, ана шу моддий табиат устидан ҳукмронлик қилиш истаги айнан эркак билан аёл бир бири билан қўшилганида юзага келади. Уй сотиб олиш, ерга эга бўлиш, бола-чақа қилиш ва жамиятда обрў-эътиборга эга бўлиш, ватандошларига, ватаинга ёки миллатига муҳаббат, бойлик орттириш истаги – бошқача қилиб айтганда, ана шу ўткинчи сароб нарсаларга боғланиш туйғуси инсоннинг руҳий ўзлигини англаб етишига, яъни инсон ҳаётининг асл мақсадига эришишига тўсқинлик қилади. Браҳмачари, ўғил бола, айниқса, агар у олий табақаларга мансуб бўлса, яъни браҳманлар, кшатрий ёки вайшйалар табақасидан чиққан бўлса, беш ёшдан то йигирма беш ёшгача ҳақиқий руҳий устоз раҳбарлиги остида таълим олади, ва унинг қаттиқ назорати остида инсон

хаётининг мазмунини англаб етади, шунингдек, келажакда ўз касби бўйича фаолият кўрсатганида зарур бўладиган махсус билимларни ўрганади. Кейин брахмачари уйига қайтиб келиши ва муносиб тарбия кўрган қизга уйланиб, оилавий ҳаётни бошлаши мумкин. лекин кўпчилик брахмачарилар уйларига қайтиб келмайдилар ва уйланмайдилар, улар аёллар билан ҳеч қандай алоқа қилмасдан, бутун умри давомида найштхика-брахмачари бўлиб қоладилар. Аёллар билан алоқа ўрнатиш – инсон учун руҳий ўзлигини англаб етишини қийинлаштирадиган кераксиз оғир бир дард эканини англаб етиб, улар саннийаса – таркидунёлик турмуш тарзини қабул қилдилар. Лекин, инсон ҳаётининг маълум бир даврида шахвоний эҳтирос жуда кучли бўлгани боис, руҳий устоз баъзи бир брахмачариларнинг уйланишига рухсат бериши мумкин. Бундай кўрсатма фақат найштхика-брахмачари бўлиб қолишга қодир бўлмаган иродаси заиф шогирдларга берилади, ҳақиқий руҳий устоз шундай шогирдларни бошқалардан ажрата билиши керак. Оилаий турмушни режалаштириш керак. брахмачари мактабини ўтаган ва муқаддас китобларнинг кўрсатмалари асосида аёллар билан бўладиган ўзаро муносабатларни тартибга солиб юрган кишининг оилавий ҳаёти ҳеч қачон ит ва мушукларнинг оилавий ҳаётига ўхшамайди. Эллик ёшга чикқандан кейин оилали киши аёллар билан бўладиган ҳар қандай муносабатларни тарк этади ва ванапрастха турмуш тарзини қабул қилади. Бундай турмуш тарзининг мақсади – аёллардан йироқ юриб, хилватда ёлғиз яшашни ўрганиш. Инсон ҳаётининг мана шу босқичи ҳам ортда қолганида, турмуш ташвишларини аллақачон тарк этган киши, аёллар билан, ҳатто ўз хотини билан ҳам бўлган ҳар қандай алоқани бутунлай тарк этиш учун саннийаса турмуш тарзини қабул қилади.

Аёллар билан бўладиган муносабатларни босқичма-босқич тарк этиш тизимини батафсил таҳлил қилиб, шундай хулосага келиш мумкин: аёллар - руҳий ўзликни англаш йўлидаги энг катта тўсиқ ҳисобланади, одамларга аёллар билан алоқа қилмаслик қасамига амал қилишда ўрнак кўрсатиш учун Парвардигор моддий оламда Нарайана киёфасида пайдо бўлди. Брахмачари қоидаларига қатъий амал қилиб, риёзат чекиб яшаётган брахмачарининг ҳаётига ҳасад қилган фаришталар уларнинг олдида Купидон аскарларини юбориб, уларни қасамини бузишга мажбур қилишга уринадилар. Лекин бу гал уларнинг бу уринишлари ҳеч қандай фойда бермади, чунки улар юборган самовий парилар, Парвардигор Ўзининг ички сеҳр қудрати билан

уларга ўхшаган сон-саноксиз чиройли париларни яратишга қодир эканини, демак, ҳеч қандай ташқи жилвалар Унга таъсир қилмаслигини кўрдилар. Қандолатчини ширинлик билан алдаб бўлмайди, деган мақол бор. Ҳар куни ширинлик тайёрлаб юрган қандолатчи ҳеч қачон ширинликка ўч бўлмайди. Худди шундай, Парвардигор ҳам Ўзининг қудратли қувватлари ёрдамида сон-саноксиз илоҳий гўзалларни яратиши мумкин, шунинг учун моддий оламдаги ўткинчи гўзалларнинг ноз-ишваларига бефарқ қолаверади. Фақат энг ғофил одамларгина Парвардигор Кришна Вриндаванда раса лила пайтида аёллар билан рақсга тушиб ёки Дваракада Ўзининг ўн олти минг хотини билан лаззатланади деб айтиши мумкин.

7. Маъбуд Шива сингари матонатли зотлар ўзларининг ғазаб тўла нигоҳлари ёрдамида эҳтиросларини зўрлик билан босиб туришлари мумкин, аммо ғазабини ичига юта олмайдилар. Ана шундай ғазаб олови Парвардигорнинг қалбига яқинлаша олмайди, чунки У бундай туйғулардан устун туради. Шундай экан, қаердан ҳам Унинг ақлида эҳтирос пайдо бўларди?

Изоҳ: Маъбуд Шива қаттиқ риёзат чекиб мууроқабага берилиб ўирганида шахвоний эҳтирос уйғотадиган фаришта Купидон унга истақлар пайконини йўллади. Ғазаби келган маъбуд Шива ўрнидан кўзгалмасдан ўтирган жойидағазаб туўла нигоҳи билан Купидонни ёндириб юборди. Шунча қудратли зот бўлса ҳам, маъбуд Шива ғазабини тўхтатиб қола олмаганди. Парвардигор Вишну эса, бирор марта ғазабланмаган. Аксинча, Бхригу Муни Парвардигорнинг сабр-тоқатини синаб кўриш учун атайлаб Унинг кўксига оёғи билан тепганида, бундан ғазабланиш ўрнига У Ўзининг қаттиқ кўксига тегиб юмшоқ оёғи лат еган бўлиши мумкин деб, донишманддан кечирим сўраган эди. шундан бери Парвардигорнинг кўксига Унинг сабрлилиги тимсоли сифатида Бхригу Мунининг пойи қадамлари изи – бхригу-пада турибди. Шундай қилиб, ғазаб туйғуси Парвардигорга ўз ҳукмини ўтказа олмайди, шу боис, ғазабдан анча заифроқ бўлган шахвоний эҳтирос ҳам Унга ҳукмрон бўла олмайди. Қондирилмаган шахвоний эҳтирос сабабли ғазаб пайдо бўлади, лекин ғазаб ўз ҳукмини ўтказа олмайдиган зотда шахвоний эҳтирос қаердан бўлсин? Парвардигорни апта-кама деб атайдилар, бунда Унинг Ўзининг барча истақларини Ўзи амалга ошира олиши назарда тутилади. Ўз истақларини амалга ошириш учун У ҳеч кимнинг ёрдамига муҳтож эмас.

Парвардигор чексиз, шу боис Унинг истаклари ҳам чексиз. Парвардигордан бошқа тирик мавжудотларнинг ҳаммаси ҳар томонлама чекланган. Шундай экан, ўзлари чекланган зотлар қандай қилиб чексиз Зотнинг истакларини амалга ошириши мумкин? бу айтилган гаплардан келиб чиқадики, гарчи баъзан, Мутлақ Парвардигор Ўзини ғазаблангандай ёки шаҳвоний эҳтиросга берилгандай кўрсатса ҳам, аслида Худонинг Мутлақ Шаҳси шаҳвоний эҳтирос ва ғазабдан пок, шу боис, Унинг бундай “ғазаб” ва “шаҳвоний эҳтироси”ни мутлақ саодат деб қабул қилиш керак.

8. Шоҳнинг ҳузурида унинг иккинчи хотини айтган аччиқ гапларни эшитиб хафа бўлган шаҳзода Дхрува, ҳали ёш бўлишига қарамай ўрмонга кетиб, қаттиқ риёзат чека бошлади. Унинг илтижоларидан мамнун бўлган Парвардигор унга Дхрува сайёрасини тухфа қилди. Ана шу сайёрага ундан юқори ва паст сайёраларда яшайдиган буюк донишмандлар сиғинадилар.

Изоҳ: Бир куни Махараж Уттанападанинг ўғли, шаҳзода Дхрува, Худонинг буюк содиқ хизматкори, энди атиги беш ёшга тўлган болакай, отасининг тиззасида ўйнаб ўтирарди. Унинг ўғай онасига шоҳнинг бошқа хотинидан туғилган ўғлини эркалаб ўтириши ёкмади, шу боис у болакайни шоҳнинг тиззасидан тортиб пастга туширди ва шаҳзодага айтдики, унинг қорнидан дунёга келмагани учун шоҳнинг тиззасида ўтиришга ҳаққи йўқ. ўғай онасининг бундай аччиқ гапларидан болакай қаттиқ хафа бўлди, шоҳ отаси эса, ўша иккинчи хотинига қаттиқ боғланиб қолгани боис, ҳатто унинг тарафини олишга ҳам журъат этмади. Шундан кейин шаҳзода Дхрува онасининг олдида бориб шикоят қила бошлади. Лекин унинг онаси ҳам ўғай онасининг айтган бундай ҳақоратли гапларига қарши бирор нарса деёлмади – шунчаки, ночорлигидан ҳўнграб йиғлаб юборди, холос. Болакай онасидан отасининг тахтини эгаллай олиши учун нима қилиши кераклигини сўради, бунга жавобан бахтиқаро малика ўғлига бу ишда унга фақат ягона Парвардигор ёрдам бериши мумкинлигини айтди. Боласи ундан Парвардигорни қаердан топиши мумкинлигини сўради. Онаси унга, айтишларига қараганда, Парвардигор баъзан ўрмонда риёзат чекиб ўтирган буюк донишмандлар олдида пайдо бўлармиш, деб айтди. Шундан кейин шаҳзода ўрмонга йўл олишга ва ўз мақсадига эришиш учун шу ерда қаттиқ риёзатга берилишга қарор қилди.

Парвардигор атайлаб унинг олдида юборган руҳий устози Шрила Нарада Мунининг насиҳатларига амал қилиб, шаҳзода Дхрува жуда оғир риёзатларга қасам ичди. Нарада унга ўн саккиз ҳарфдан иборат бўлган мантра берди: ом намо бхагавате васудевайа. Парвардигор Васудева, Пришнигарбха, тўрт қўлли Худо Шаҳси қиёфасига кириб, шаҳзоданинг олдида пайдо бўлди ва унга етти юлдуз устида жойлашган алоҳида бир сайёрани совға қилди. Шаҳзода ўз мақсадига эришганида – кўз олдида турган Парвардигорни кўрганида, унинг барча истаклари амалга ошган эди.

Дхрува Махаражга совға қилинган сайёра, - Парвардигор Васудеванинг иродаси билан моддий оламда пайдо бўлган кўзгалмас Вайкунтха. Гарчи бу сайёра моддий оламда жойлашган бўлса ҳам, коинот яқсон бўлганида бу сайёра яқсон бўлмай, ўз жойида қолади. ваикунтха сайёраларидан бири сифатида у яқсон бўлиши мумкин эмас, шу боис унга бу сайёрадан пастда жойлашган етти сайёра аҳолиси, ҳатто ундан юқорида жойлашган сайёралар аҳолиси ҳам сажда қиладилар. дхрува сайёрасидан юқорида Махариши Бхригу сайёраси жойлашган.

Шундай қилиб, шунчаки Ўзининг асл содигининг истагини амалга ошириш учун Парвардигор Пришнигарбха қиёфасида намоён бўлди. Шаҳзода Дхрува бошқа бир асл содиқ – Нарада Мунидан фотиҳа олиб, юқорида келтирилган мантрани такрорлаш шарофати билан руҳий баркамолликка эришди. Шундай қилиб, олий баркамолликка эришиш – Парвардигор билан юзма-юз учрашиш учун руҳий фаолият билан жиддий шуғулланаётган киши Парвардигорнинг асл содигининг кўрсатмаларига амал қилиши лозим. Инсоннинг қалбида қандай қилиб бўлса ҳам Парвардигор билан юзма-юз учрашишга кучли истак пайдо бўлганида ана шундай руҳий устоз унинг олдида ўзи келади.

Шаҳзода Дхруванинг кўрсатган кароматлари ҳақида "Шримад-Бхагаватам"нинг тўртинчи кўшиғида батафсил баён этилган.

9. Махараж Вена тақводорлик йўлидан четга чиқиб кетгани учун браҳманлар уни дуои бад қилиб, унинг бошига қарғиш оловини ёғдирдилар. Ана шу қарғиш шоҳ Венанинг барча савоб ишлари-ю мол-дунёсини хазон қилиб, ўзини дўзахга мубтало қилди. Шунда Ўзининг бесабаб марҳамати билан Парвардигор Ер юзига унинг ўғли Притху қиёфасида келиб, қарғишга учраган шоҳ Венани дўзах азобидан қутқарди ва Ер юзига ишлов бериб, уни ҳар хил озиқ-овқатлар ундириб-ўстиришга мажбур қилди.

Изоҳ: Варнашрама-дхарма тизимидаги жамият тартибини зиёли брахманлар назорат қилиб турганлар. мамлакат барча одамлар фаровон ва бахтиёр яшайдиган ҳақиқий инсонлар давлати бўлиши учун улар шоҳларга давлатни бошқариш санъатини холис ўргатганлар. Шоҳлар ва ҳукмдор кшатрийлар ҳар бир ишни билимдон брахманлар билан маслаҳатлашиб қилардилар: улар ҳеч қачон яккахокимлик билан иш кўрмаганлар. Фуқароларни бошқариш ишларида улар буюк донишмандларнинг “Ману-самхита” ва бошқа асарларидаги кўрсатмаларга амал қилганлар. Ўша даврда жамиятда демократия никоби остида калтафаҳм одамлар яратадиган ҳар хил ўткинчи қонунлар тўпламига ҳожат йўқ эди. Жамиятдаги одамларнинг аксарият кўпчилиги ўткир ақл-идроққа эга бўлмайдилар ва ўзлари учун нима фойдалию, нима зарарли эканини билмайдилар. Шу жиҳати билан одамлар яхши-ёмонни ажрата олмайдиган ёш болаларга ўхшайдилар. Ҳаёт тажрибасига эга бўлган ота ўзининг бебош фарзандларини эзгу ишларга ўргатади, худди шундай, асосан ёш болаларга ўхшаган халқ оммаси ҳам доно ҳукмдорнинг раҳбарлигига муҳтож бўлади. Ҳамма бахтиёр яшай оладиган давлат қонунлари “Ману-самхита” ва бошқа ведавий муқаддас китобларда берилган. Билимдон брахманлар одатда шоҳга ана шу ҳамма тан олган муқаддас китобларга асосланиб ва замон ва шароитни ҳисобга олган ҳолда насихат берардилар. Брахманлар моддий жиҳатдан шоҳга қарам эмасдилар, шу боис улар унга муқаддас китобларда битилган қонунларга асосланиб, кўрсатмалар беришдан қўрқмасдилар. Давлатни бошқаришнинг бундай тизими то Махараж Чандрагупта ҳукмрон бўлган давргача сақланиб келган. Унинг бош вазири брахман Чанакйя эди ва у ҳукуматдаги ўз хизмати учун шоҳдан иш ҳақи олмасди.

Махараж Вена ҳукуматни бошқаришнинг ана шу коидасини бузди ва билимдон брахманларнинг маслаҳатларига қулоқ солмай қўйди. Олижаноб брахманлар фақат ўзларини ўйламайдилар, улар мамлакатнинг бутун аҳолисининг бахтини ўйлаб фикр юритадилар. Шунинг учун улар шоҳ Венани халқ оммасига қилган золим ишлари учун жазолашга қарор қилдилар ва Парвардигорга илтижо қилиб, шоҳни дуои-бад қилдилар.

Буюк зотнинг гапларига қулоқ солишдан бош тортган кишининг умри қисқаради, мағрурланиб кетади, обрўсидан, тақводорлигидан айрилади, олий сайёраларга кўтарилиш имконидан маҳрум бўлади, одамларнинг эътиборидан қолади. Буюк зотларнинг барча кўрсатмаларига қатъий амал қилиб яшашга ҳаракат қилиш керак. шубҳа

йўқки, Махараж Вена аввалги ҳаётида қилган кўплаб савоб ишлари шарофати билан шоҳ бўлган, лекин онгли равишда Худонинг буюк содиқларининг кўрсатмаларига амал қилмагани учун жазоланди ва бор мулкидан айрилди. Махараж Вена тарихи ва унинг тубанликка юз тутиши “Вамана пурана”да батафсил баён этилган. Махараж Притху, отаси Вена кейинги ҳаётида млечхалар орасида туғилган ва пес касалига мубтало бўлганини, қанчалик даҳшатли дўзах шароитида юрганини билиб, у покляниши ва барча азоб-уқубатлардан халос бўлиши учун дарров уни Курукшетрага олиб борди.

Парвардигорнинг тимсоли бўлган Махараж Притху брахманларнинг илтижоларини инобатга олиб, Ер юзида қонун ва тартибни қайта тиклаш учун келган эди. У ер юзида барча ғалла экинларини етиштирди, айна пайтда отасини дўзах азобидан қутқариб, ўзининг фарзандлик бурчини адо этди. Путра, яъни ўғил ибораси “пут деган дўзахдан қутқарадиган зот” деган маънони англатади. Муносиб фарзанд шундай бўлиши керак.

10. Кейин Парвардигор шоҳ Набхининг хотини Судевининг фарзанди Ришабхадева қиёфасида дунёга келди. Ақлини мувозанатга келтириш учун У моддий йога усули билан шуғулланди. Бу усул ҳам озодликка чиқишнинг мукамал поғонаси ҳисобланади, бу поғонага кўтарилган инсон руҳий ўзлигига ғарқ бўлиб, тўла осойишталикка эришади.

Изоҳ: Жада-йога – сеҳрли йоганинг ишончли зотлар тан олган, руҳий ўзликни англашга ёрдам берадиган усулларида бири. Жада-йога усули инсон худди тошдай гаранг бўлиши ва ташқи моддий нарсалар таъсирига умуман эътибор бермаслиги кераклигини назарда тутди. Жада-йог ҳеч қандай ташқи таъсирларга эътибор бермайдиган тошга ўхшаши керак, бунинг учун у атайлаб ўзининг моддий танасини қийноққа солади. Бошқа азоб-уқубатлар билан бир қаторда жада-йог масалан, шундай қилади: у бошидаги сочларининг ҳаммасини бирор ускунасиз қўли билан бирин-бирин юлиб чиқади. Лекин, жада-йога билан шуғулланишдан асосий мақсад – моддий боғланишлардан халос бўлиш ва бутунлай ўзининг руҳий ўзлигига ғарқ бўлиш. Умрининг охирида император Ришабхадева гунг, телбага ўхшаб, одамларнинг унга кўрсатаётган муносабатларига заррача эътибор бермасдан ҳамма ерда айланиб юрди. Яланғоч, соч-соқоли ўсган ва телба гадойни кўчада учратиб қолиб, бебош болалар ва нодон катталар уни масҳара қилар, юзига тупурар, устига сияр эдилар. Тез-тез у узоқ вақт кўзғалмасдан ўз ахлатига булғаниб ётарди. Лекин унинг

ахлатидан атрофга муаттар хид тараларди, шу боис такводор инсонлар унинг парамахамса – рухий баркамоллик чўққисига эришган зот эканини тан олардилар. Ўз ахлатларини худди анвойи гуллар сингари муаттар хид тараладиган қила олмаган кишилар император Ришабхадевага тақлид қилмасликлари керак. Жада-йога билан Ришабхадева ва рухий баркамолликнинг ана шундай поғонасига кўтарила олган кишилар шуғуллана оладилар, лекин бундай ғайритабиий усулнинг барча қонун қоидаларига риоя қилиш оддий инсонларнинг қўлидан келмайди.

Мазкур шеърда айтилганидек, жада-йоганинг асосий мақсади – прашанта-каранах, яъни сезгиларни жиловлаб олиш. Нима деб аталишидан қатъий назар ҳар қандай йога машғулотида мақсад – асов сезгиларни жиловлаб олиш ва шу тарзда рухий ўзлигини англаб етишга тайёрланиш. Ҳозирги даврда жада-йога билан амалда шуғулланиб бўлмайди, лекин бхакти-йога билан бемалол шуғулланиш мумкин, чунки бхакти-йога айнан ҳозирги давр учун мўлжалланган. Ҳақиқий манбадан "Шримад-Бхагаватам"ни тинглашнинг оддий усули инсонни йогада баркамоллик чўққисига кўтариша олади. Ришабхадева шоҳ Набханинг ўғли, шоҳ Агнидхарнинг невараси ва шоҳ Бхаратанинг отаси эди. Ер сайёраси ана шу шоҳ Бхарата шарафига Бхарата-варша деб аталади. Ришабхадеванинг онасининг яна бир исми – Мерудеви, лекин бу ерда у Судеви деб аталган. Баъзан, Судеви – шоҳ Набхининг бошқа хотинининг исми деб тахмин қиладилар, лекин, "Шримад-Бхагаватам"нинг бошқа жойларида Ришабхадева Мерудеванинг ўғли деб аталгани боис, кўриниб турибдики, Мерудеви билан Судеви – бир шахс.

11. Мен(Брахма) қурбонлик маросими ўтказаятган пайтимда Парвардигор Хайагрива қиёфасида намоён бўлди. У - қурбонлик тимсолидир, Унинг танаси олтин рангида. У Ведаларнинг ҳам тимсоли бўлиб, барча фаришталарнинг Олий Рухидир. У на-фас олганида бурунларидан ведавий мадҳияларнинг қулоққа ёқимли овозлари эшитиларди.

Изоҳ: Ведавий мадҳиялар асосан, ўзларининг моддий истакларини амалга ошириш ниятида фаришталарни мамнун қилишга интилиб юрган кармилар ўтказадиган қурбонлик маросимларини ўтказиш учун мўлжалланган. Лекин Парвардигор қурбонлик эҳсон қилиш маросимининг ҳамда ведавий мадҳиялар тимсолидир. Демак, бевосита Парвардигорнинг Ўзига сиғиниб юрган зотлар барча қурбонлик маросимларининг мақсадига ҳам эришадилар ва

барча фаришталарни мамнун қиладилар. Худонинг содиқлари ҳеч қандай қурбонлик маросимлари ўтказмасликлари ва Ведаларнинг фаришталарга сиғиниш борасидаги кўрсатмаларини бажармасликлари мумкин, лекин шунга қарамай, улар кармилардан ва фаришталарга сиғиниб юрган зотлардан устун турадилар.

12. Ҳозирги яратиш даври ниҳоясига етганида, Сатйаврата номли бўлғуси Вайвасвата Ману Худо Шахсининг балиқ(Матся) қиёфасига кириб, Ер ва шу каби сайёралардаги тирик мавжудотларга қандай нажот беришини кўради. Ҳар гал давр ниҳоясига етганида, чексиз сув тошқинини кўриб, мен даҳшатга тушаман, барча ведалар оғзимдан тушиб кетади. Шунда ана шу чексиз сувлардан лаззат оладиган Парвардигор уларни қутқариб қолади.

Изоҳ: Браҳманинг бир куни давомида ўн тўрт Ману алмашади, ҳар бир Манунинг ҳукмронлик даври ниҳоясига етганида, то Ер тоифасидаги сайёраларгача барча сайёралар чексиз сув тошқинига ғарқ бўладилар, бу ҳатто Браҳмани ҳам даҳшатга солади. Ўзининг ҳукмронлик даври бошланиши олдида Вайвасвата Ману ана шундай сув тошқинининг гувоҳи бўлади. Шунда бошқа воқеалар ҳам бўлиб ўтади, масалан, машхур иблис Шанкхасура ўлдирилади. Бу башорат Браҳмаджининг тажрибаси асосида қилиняпти. У кишини даҳшатга соладиган сув тошқинини кўрганида Ведалар унинг оғзидан тушиб кетишини ва Парвардигор балиқ қиёфасига кириб, барча тирик мавжудотларни, шунингдек Ведаларни ҳам қутқариб қолишини билади.

13. Кейин азалий Парвардигор фаришталар ва иблислар океанни чайиш учун (пишкак) сифатида қўлланаётган Мандара тоғининг таянчи вазифасини бажариш учун Тошбақа(Курма) қиёфасида намоён бўлди. Улар мангулик шарбатини олиш ниятида Мандара тоғи билан сут уммон(океан)ини чайётган эдилар. Тоғ пишкак бўлиб айланганида мудраб ётган Парвардигорнинг елкасини қашиб, Унга лаззат бағишлади.

Изоҳ: Гарчи биз уни кўра олмаган бўлсак ҳам, ана шу коинотда сут уммони бор. Ҳатто замонавий олимлар ҳам тепамизда ҳар хил иқлим шароитига эга бўлган юз минглаб сайёралар учиб юрганини тан оладилар. "Шримад-Бхагаватам"да бугунги бизнинг дунёқарашимизга зид бўлган жуда кўп маълумотлар бор. Шунга қарамасдан,

хиндистонлик донишмандлар учун ягона ишончли илм манбаи ведавий муқаддас китоблар ҳисобланади, барча ишончли зотлар оламга муқаддас китоблар нуқтаи назари билан(шастра-чакшурват) қараш лозимлигини тан оладилар. Токи биз космик осмонда учиб юрган барча сайёраларни ўз кўзимиз билан кўрмас эканмиз, "Шримад-Бхагаватам"да маълумот берилганидек, коинотда сут уммони мавжудлигини инкор этишга бизда ҳеч қандай асос йўқ. Бундай тажриба ўтказишнинг имкони бўлмагани учун, "Шримад-Бхагаватам"даги бу маълумотни қабул қилишдан бошқа чорамиз йўқ, чунки бу ҳақиқатни Шридхара Свами, Жива Госвами, Вишванатха Чакраварти Тхакур ва бошқалар сингари руҳий илм билимдонлари тан олганлар. Ведалар буюк зотларнинг изидан боришни тавсия қиладилар, ва мана шу - биз ҳатто тасаввур ҳам қила олмайдиган нарсаларни англаб етишнинг ягона йўлидир. Азалий Парвардигор ҳар нарсага қодир, У истаган ишини амалга ошира олади, шунинг учун маълум бир мақсадни кўзлаб, Унинг тошбақа ва балиқ қиёфасига кириши бизни ҳайратга солмаслиги керак. "Шримад-Бхагаватам" сингари муқаддас китобларда айtilган гапларнинг ҳаммасини биз ҳеч иккиланмасдан айни ҳақиқат деб тан олишимиз лозим.

Жуда катта ишни амалга ошириш— сут уммонини чайиш учун фаришталар ва иблисларга баҳайбат пишкак вазифасини бажарган Мандара тоғини сувда ушлаб турадиган катта таянч керак эди. Шу боис, фаришталарга ёрдам бериш учун азалий Парвардигор сут уммонида сузиб юрадиган баҳайбат тошбақа қиёфасига кирди. Мандара тоғи мудраб ётган Парвардигор-тошбақанинг елкасини қашиб, Уни қичиш азобидан халос этди.

14. У фаришталарни қамраб олган кўрқув дахшатини тарқатиб юбориш учун Нрисимхадева қиёфасида дунёга келди. Гурзиси билан Парвардигорга ташланган иблислар шоҳи(Хиранякашипу)ни ўлдирди. Ғазаб ўтида қошларини чимириб, Парвардигор дахшатли курак тишлари чиқиб турган оғзини очди ва иблисни тиззасига олиб, панжалари билан тимдалаб ташлади.

Изоҳ: Хиранякашипу ва унинг буюк содиқ ўғли ҳақида "Шримад-Бхагаватам"нинг еттинчи кўшиғида ҳикоя қилинади. Ўзининг эришган моддий ютуқлари шарофати билан Хиранякашипу жуда катта қудратга эга бўлди ва Брахманинг дуои фотиҳасини олиб, ўзини мангу барҳаёт деб ҳисоблай бошлади. Брахмаджи унга мангулик ато этишдан бош

тортди, чунки унинг ўзи ўлимга маҳкум. Лекин, Хиранякашипу ҳар хил маккорликлар билан Брахмадан уни деярли мангу барҳаёт қилиб кўядиган дуои фотиҳа олишга эришди. Шундан кейин у энди ўзини на фаришталар, на одамлар ўлдира олмаслигига қаттиқ ишонарди. Унга яна ваъда берилган эдики, маълум бўлган қуроллардан бирортаси унга бирор зарар етказа олайди, у на кечаси, на кундузи ҳалокатга учрамайди. Аммо Парвардигор ярим-одам, ярим арслон қиёфасига кирди, бу имонсиз иблис Хиранякашипунинг ҳатто хаёлига ҳам келмасди. Шундай қилиб, Парвардигор Брахманинг иблисга берган ваъдасини бузмасдан уни ўлдирди. Иблис ерда ҳам эмас, осмонда ҳам эмас, сувда ҳам эмас - Парвардигорнинг тиззасининг устида ҳалокатга учради. Нарасимха уни иблис тасаввур қила оладиган бирор қурол турига кирмайдиган Ўзининг тирноқлари билан ўлдирди. Хиранякашипу иборасининг маъноси “олтинга ва юмшоқ тўшакка интиладиган зот” деганни билдиради, бу эса, барча имонсиз дунёвий одамларнинг ҳаётдаги олий мақсади. Парвардигорни инкор этадиган ана шундай иблистабиатли кишилар вақти келиб ўзларининг моддий ютуқлари билан жуда гердайиб кетадилар ва Парвардигорнинг олий ҳукмронлигига қарши чиқа бошлайдилар, Худонинг содиқларига мусибат келтира бошлайдилар. Прахлад Махараж иблис Хиранякашипунинг ўғли бўлиб дунёга келган эди, ўғли Парвардигорнинг буюк содиғи бўлгани учун отаси унга қўлидан келганча азоб берарди. Ана шундай фавқулудда вазиятда Парвардигор Нарасимхадева қиёфасига кирди ва фаришталарнинг душманини яқсон қилиш учун иблис ҳатто хаёлига ҳам келтирмайдиган усулдан фойдаланиб Хиранякашипуни ўлдирди. Ҳар нарсага қодир Парвардигор имонсиз иблисларнинг барча дунёвий режаларини албатта чиппақка чиқаради.

15. Кунларнинг бирида, дарёда чўмилаётганида филлар сардорига ўздан кучлироқ бўлган тимсоҳ ҳамла қилди ва уни чидаб бўлмас қийноққа солди. Хартуми билан нилуфар гулғунчасини олиб, фил Парвардигорга нола қилди: "Эй азалий лазатланувчи Зот, эй бутун олам Ҳукмдори! Эй муқаддас зиёратгоҳ сифатида машҳур бўлган нажоткор! Сенинг зикр қилишга муносиб бўлган муқаддас номларингни тинглаш билан ҳамма гуноҳлари оқибатидан покланади!"

Изоҳ: Парвардигорнинг дарёда ўздан кучли бўлган тимсоҳ оёғини тишлаб олган филлар

шоҳини кутқариши тарихи "Шримад-Бхагаватам"нинг Саккизинчи кўшиғида ёзилган. Парвардигор мутлақ илмдир, шу боис Худо Шахси билан Унинг муқаддас номи орасида ҳеч қандай фарқ йўқ. Тимсоҳнинг ҳамласига дуч келиб, филлар шоҳи жуда қийин аҳволга тушиб қолди. Гарчи одатда фил тимсоҳдан анча кучли бўлса ҳам, одатда сувда тимсоҳ филдан кучлироқ бўлади. Лекин, аввалги ҳаётида фил Парвардигорнинг буюк содиғи бўлгани учун, аввал қилган савоб ишлари шарофати билан у Худонинг муқаддас номларини тилига олишга муваффақ бўлди. Моддий оламда ҳар бир тирик мавжудот ҳамиша изтироб ва мусибатларга дучор бўлиб юради. Бу олам шундай яратилганки, ҳар қадамда бизларни турли фалокатлар кутиб туради. Лекин аввалги ҳаётида савоб ишлар қилган кишилар Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлига кирадилар, бу "Бхагавад-гита"(7.16)да ҳам тасдиқланади. Аввалги ҳаётида гуноҳ ишлар қилган кишилар қандай ачинарли аҳволга тушиб қолмасинлар, Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлига кира олмайдилар. Бу ҳам "Бхагавад-гита"(7.15)да тасдиқланади. Худо Шахси, Хари шу заҳотиёқ Ўзининг мангу улови бўлган Гаруданинг елкасида филнинг олдида пайдо бўлди ва уни ҳалокатдан кутқариб қолди.

Фил Парвардигор билан ўзаро қандай муносабатда эканини англаб етган эди. Фил Парвардигорга *ади-пуруша*, яъни бошланғич лаззатланувчи деб мурожаат қилганди. Парвардигор ҳам, тирик мавжудот ҳам онгли зотлар, шу боис улар иккиси ҳам лаззатлана оладилар, лекин Парвардигор бошланғич лаззатланувчи, чунки У – бутун борлиқнинг яратувчиси. Оилада ота ҳам, болалар ҳам, шубҳасиз, лаззатланувчилар, лекин ота – бирламчи лаззатланувчи, унинг ўғиллари эса – иккиламчи, отасига қарам бўлган лаззатланувчилардир. Асл содиқ коинотдаги ҳамма нарса Парвардигорнинг мулки эканини ва тирик мавжудот фақат эса фақат Парвардигор унга ризқ-насиба қилиб ажратиб берган нарсалардангина лаззатланиши мумкинлигини жуда яхши билади. Бирламчи лаззатланувчи ғояси “Ишопанишад”да жуда ажойиб тушунтирилган. Ўзи билан Парвардигор орасидаги ана шу фарқни кўра билган киши ҳеч қачон бирор нарсани аввал Парвардигорга таклиф этмай туриб, ўзи лаззатланиш учун олмайди.

Фил Парвардигорни акхила-лока-натха, яъни “Коинот Парвардигори, шу боис мен(фил)нинг ҳам Парвардигори” деб атаган ҳолда Унга мурожаат қилди. Парвардигорнинг асл сдиғи бўлган ҳолда, фил мусибатдан халос бўлишга муносиб эди, Парвардигор “Менинг содиқ

хизматкорим ҳеч қачон ҳалокатга учрамайди” деб ваъда бериб қўйгани учун, филнинг ёрдам сўраб Унга илтижо қилиши жуда ўринли эди, ҳамага меҳрибон бўлган Парвардигор дарров унинг илтижосини қабул қилиб ёрдамга шошилди. Парвардигор барча тирик мавжудотларни ҳимоя қилади, лекин биринчи навбатда У сохта мағрурлигини четга суриб қўйиб, Парвардигорнинг олий ҳукмдор эканини тан олган зотларни ҳимоя қилади. Инсонни Парвардигорнинг олий ҳукмдор эканини тан олмасликка ёки ўзини Парвардигор билан тенг деб эълон қилишга фақат унинг сохта манманлиги мажбур қилади. Аслида Парвардигор ҳамиша бизлардан устун туради. Асл содиқ Парвардигор билан ўзи орасидаги ана шу фарқни ҳамиша кўриб юради, шу боис ҳамиша ҳар бир ишда Парвардигорга таваккал қилади, шу боис Парвардигор ҳам уни бошқалардан устун қўйиб, ҳамиша унга шахсан Ўзи ғамхўрлик қилади. Парвардигорнинг мавжудлигини инкор этадиган ва ўзини Худо деб эълон қиладиган кишини эса, асур деб атайдилар. Ундай зотни фақат Парвардигорнинг амрига бўйсунадиган чекланган куч ҳимоя қилади. Парвардигор ҳаммадан устун бўлгани учун, унинг мукамаллиги ҳам тенгсиз. Парвардигорнинг қанчалик мукамал эканини ҳеч ким ҳатто тасаввур қила олмайди.

Фил Парвардигорни тиртха-шравах – “худди зиёратгоҳ сингари машхур”деб ҳам атади. Одамлар билмасдан содир қилиб қўйган гуноҳлари оқибатидан покланиш учун муқаддас зиёратгоҳларга борадилар. Лекин, шунчаки Парвардигорнинг муқаддас номини зикр қилиш билан ҳам покланиш мумкиншу боис, аслини олганда Парвардигор билан муқаддас зиёратгоҳ орасида ҳеч қандай фарқ йўқ. муқаддас зиёратгоҳга бориб, инсон ўзи содир қилган гуноҳ оқибатидан халос бўлади, лекин худди шундай натижага уйда ёки истаган бошқа бир жойда эришиш ҳам мумкин, бунинг учун Парвардигорнинг муқаддас номларини такрорлашнинг ўзи кифоя. Асл содиқнинг муқаддас зиёратгоҳларга бориб юришининг ҳожати йўқ. У Парвардигорни самимий эслаш билан ўзининг барча гуноҳларидан покланиши мумкин. Парвардигорнинг асл содиғи ҳеч қачон гуноҳ иш қилмайди, лекин, бутун олам гуноҳга ботгани учун, ҳатто асл содиқ ҳам баъзан билмасдан гуноҳ иш қилиб қўйиши мумкин. онгли равишда гуноҳ иш қилиб юрган кишининг Худонинг содиқ хизматкори деб аталишга ҳаққи йўқ, лекин агар асл содиқ билмасдан қандайдир гуноҳ иш қилиб қўйган бўлса, Парвардигорнинг Ўзи уни бундай гуноҳ оқибатидан халос этади, чунки асл содиқ ҳамиша Парвардигорни эслаб, Унга таваккал қилиб юради.

Мазкур шеърда Парвардигорнинг муқаддас номи шравана-мангала деб аталган. Бу дегани, инсон шунчаки муқаддас ном товушини тингласа бас, унга ҳар қандай ишда омад кулиб боқади. "Шримад-Бхагаватам"нинг бошқа бир жойида Парвардигорнинг муқаддас номи пунйашравана-киртана деб аталган. Парвардигор ҳақидаги ҳикояларни тинглаш ва Унинг кароматларини шарафлаб куйлашнинг ўзи савоб иш ҳисобланади. Фақат Ўзининг қилган ишлари ўзаро суҳбатлар мавзуси бўлсин, одамлар Мен ҳақимда тингласинлар деган ниятда Парвардигор Ер юзига ташриф буюради ва худди оддий одамларга ўхшаб, бу дунёнинг ишларида иштирок этади. бундан бошқа Унинг моддий оламда қиладиган бирор иши йўқ, У ҳеч кимдан қарздор эмас. У бу дунёга Ўзининг бесабаб марҳамати билан келади ва Ўзи истаганча ҳаракат қилади. Ведалар ва Пураналарда Унинг кароматлари ҳақида жуда кўп маълумотлар бор, уларнинг ҳаммасининг мақсади – одамлар қалбида мудраб ётган Парвардигор ҳақидаги ҳикояларни ўқиш ва тинглаш истагини уйғотиш. Лекин, ҳозирги одамларнинг аксарият кўпчилиги ўзларининг нодир инсон ҳаётининг бебаҳо вақтларини дунёвий роман ва повестларни ўқишга сарфлаб хазон қиладилар. бундай адабиётлар ҳеч кимга фойда келтирмайди. Аксинча, улар ҳеч қандай заруратсиз бегуноҳ ёшларнинг ақлини безовта қилади ва ғафлат ва моддий тутқунлик тугунини яна ҳам қаттиқроқ тортиб, эҳтирос гуналарининг уларга кўрсатадиган таъсирини кучайтиради. Одамлар қалбидаги тинглаш ва ўқишга бўлган ихлосни ва эҳтиёжни Парвардигорнинг кароматлари ҳақидаги ҳикояларни тинглаш ва ўқишга қаратиш керак – бу ҳар бир одамнинг ўзига ҳам, бутун жамиятга ҳам жуда катта фойда келтиради.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, инсон ҳамиша Парвардигорнинг муқаддас номини ва Парвардигор ҳақидаги ҳикояларни тинглаб юришга ҳаракат қилиши лозим, шу боис мазкур шеърда Уни нама-дхейа, яъни, “Муқаддас номи такрорлаб юришга муносиб бўлган Зот ” деб атайдилар.

16. Филнинг илтижоларини эшитган Парвардигор унинг қаттиқ азобга дучор бўлганини ва зудлик билан ёрдам бериш кераклигини тушунди. Шу захотиёқ чакрасини қўлига олиб, қушлар шоҳи Гаруданинг елкасида филнинг ёнида ҳозир бўлди. Қуроли билан У тимсоҳнинг оғзини тимдалаб ташлади ва филни хартумидан кўтариб озодликка чиқарди.

Изоҳ: Парвардигорнинг даргоҳи Унинг сайёрасида – Вайкунтҳада жойлашган. Бу сайёра биздан қанчалик узоқда эканини ҳеч ким аниқлай олмайди. айтишларига қараганда, агар ана шу сайёрага ҳаво кемалари ёки фикр кемалари ёрдамида эришмоқчи бўлсак, коинотда миллион йиллар учиб юрсак ҳам барибир бу сайёрага эриша олмаймиз. Ҳозирги олимлар моддий ҳаво кемалари яратганлар, моддий илмнинг сирларини анча чуқурроқ англаб етган йоглар эса, фикр кемаларида сайр қиладилар. ўзларининг ана шундай фикр кемаларида йоглар бир зумда ҳар қандай масофани босиб ўта оладилар. Лекин на моддий ҳаво кемаларида, на фикр кемаларида моддий осмондан узоқда жойлашган Вайкунтҳалокадаги Парвардигорнинг даргоҳига эришиб бўлмайди. Ундай бўлса, қандай қилиб шунча узоқ масофада жойлашган Парвардигор филнинг илтижоларини тинглай олди ва кўз очиб юмгунча унинг олдида пайдо бўлди? Ҳеч қачон буни инсон тафаккури ёрдамида англаб етиб бўлмайди. Бунга фақат Парвардигорнинг чексиз қудрати ёрдамида эришиш мумкин, шунинг учун мазкур шеърда Парвардигорни апрамейа деб аталган. Қанчалик ўткир ақл-заковатга эга бўлмасин, Унинг қудрати ва кучини ўлчашга ёки математик йўл билан таърифлаш ҳеч кимнинг қўлидан келмайди. Биздан жуда узоқда бўлса ҳам, Ўзининг даргоҳини тарк этмай туриб ҳам Парвардигор бизнинг илтижомизни тинглаши ва биз таклиф қилган таомни қабул қила олади, худди шундай, кўз очиб юмгунча истаган жойда пайдо бўла олади. Парвардигорнинг англаб бўлмас чексиз қудрати шундай.

17. Парвардигор моддий табиатнинг барча гуналарига нисбатан илоҳий, аммо шунга қарамай Ўзининг фазилатлари билан Адитининг барча ўғилларининг шухратини сўндирди. Парвардигор Адитининг кенжа ўғли(Вамана) қиёфасида дунёга келиб, коинотнинг барча сайёралари устидан ҳатлаб ўтди, демак, У – Худонинг Олий Шаҳси. Уч қадам катталигидаги ер парчасини сўраш баҳонаси билан, Парвардигор Бали Маҳаражнинг бутун салтанатини тортиб олди. У бунинг учун шоҳдан рухсат сўради, чунки, қанчалик қудратга эга бўлишидан қатъий назар, эгасининг рухсатисиз бировнинг молини ўзлаштириб олишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Изоҳ: Қандай қилиб Бали Маҳараж Ваманадевага ер парчаси эҳсон қилгани "Шримад-Бхагаватам"нинг саккизинчи кўшиғида баён этилган. Бали Маҳаражкоинотдаги барча сайёраларни босиб

олган ва ҳаққоний равишда уларга ҳукмронлик қиларди. Агар шоҳ ўзининг ҳарбий қудрати билан бошқа шоҳларни мағлуб қилса, босиб олган ерлари ҳақли равишда унинг мулки бўлади. Шундай қилиб, Бали Махараж коинотдаги барча ерларнинг ҳукмдори эди ва айни пайтда брахманларга нисбатан жуда саховатли шоҳ сифатида машҳур эди. Шу боис, Парвардигор унга Ўзини гадоё брахман қилиб кўрсатиб, Бали Махараждан Унга уч қадам кенглигида ер парчаси эҳсон қилишни илтимос қилди. Парвардигор – бутун борлиқнинг эгаси, агар У истаса, Бали Махаражнинг ҳамма ерларини тортиб олишга қудрати етарди, лекин Парвардигор бундай қилмади, чунки Бали Махараж шоҳ сифатида ҳақли равишда ерларнинг эгаси эди. Парвардигор Вamanaдева Бали Махараждан Унга шунчалик оз миқдорда эҳсон беришни илтимос қилганида, Бали Махаражнинг руҳий устози Шурачарйа, шоҳни Унинг илтимосини рад этишга кўндиришга уринди, чунки, у Вamanaдева – аслида Ўзини қашшоқ брахман қилиб кўрсатиб турган Парвардигор Вишну эканини биларди. Лекин, Бали Махараж олдида турган брахман – Парвардигор Вишнунинг Ўзи эканини тушуниб етгандан кейин, руҳий устозининг амрига итоат этишдан бош тортди ва Вamanaдевага қанча истаса шунча ер парчаси беришга рози бўлди. Ундан розилик олгандан кейин Парвардигор Вamanaдева биринчи икки қадами билан коинотнинг ҳамма ерларини босиб олди, кейин Бали Махаражга учинчи қадамини қаерга босишини сўради. Шунда Бали Махараж хурсанд бўлиб Парвардигорга учинчи қадамини унинг бошига қўйишни таклиф қилди. Шундай қилиб, Бали Махараж бор мол-мулкдан айрилиш ўрнига Парвардигорнинг марҳаматига эришди, Парвардигор эса шундан бери унинг мангу ҳамроҳига ва дарвозабонига айланди. Шундай қилиб, агар ўзининг бор бойлигини Парвардигор учун сарфласа, инсон ҳеч нарса йўқотмайди, аксинча, ҳеч қачон ҳатто ҳаёлига ҳам келтира олмаган бойликка эга бўлади.

18. Гарчи руҳий устози берган ваъдасини бажармасликни буюрган бўлса ҳам, Парвардигорнинг қадамлари пойидан оқаётган(Ганга) сувида покланиб, Бали Махараж ваъдасининг устидан чиқишдан бошқа нарсани ўйламади. Парвардигор учинчи қадамини қаерга қўйишни сўраганида, шоҳ Унга ўзининг бошини кўрсатди. Ана шундай инсон Парвардигорни мамнун қилиш учун, ҳатто ўзи қўлга киритган жаннат тахтини ҳам аямайди.

Изоҳ: Буюк моддий эҳсон қилгани учун Парвардигор Ўзининг илоҳий марҳаматини кўрсатган Бали Махараж мангу лаззат ҳукм сурган Вайкунтхага кириш ҳуқуқига эга бўлди ва аввалгидан ҳам яхшироқ шароитга тушиб қолди. Шундай қилиб, ўзининг ҳарбий қудрати билан босиб олган жаннатий салтанатни эҳсон қилган билан у ҳеч нарса йўқотмади. Бошқача қилиб айтганда, агар Парвардигор инсондан унинг оғир меҳнат эвазига тўплаган моддий бойлигини тортиб олса ва бунинг ўрнига унга илм ва лаззатга тўла мангу ҳаётга олиб борадиган Худога илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиш имкониятини берса, буни Унинг Ўзининг асл содиқ хизматкорига кўрсатган алоҳида марҳамати деб билиш керак.

Моддий бойлик, қанчалик жозибадор бўлиб кўринмасин, мангу бизники бўлиб қололмайди. Шунинг учун инсон ундан ўз ихтиёри билан воз кечиши лозим, акс ҳолда, ажал бизни бу танамизни тарк этишга мажбур қилганида, барибир ундан айрилиб қолишга тўғри келади. Соғлом фикрли киши тушунадики, ҳар қандай моддий бойлик мангу эмас, шу боис, ундан фойдаланишнинг энг яхши йўли – ундан Худога садоқат билан хизмат қилиш учун фойдаланиш, шунда унинг хизматидан мамнун бўлган Парвардигор унга Ўзининг парам дхамасидан мангу жой беради.

"Бхагавад-гита"(15.5-6)да Парвардигорнинг парам дхамаси таърифланади. Катта моддий бойликка эга бўлган киши, хоҳ у иморат бўлсин, ер, болалар, қариндошлар, дўстлар ёки пул бўлсин – буларнинг ҳаммаси вақтинчалик нарсалардир. Майя яратиб қўйган бундай алдамчи нарсаларга мангу эга бўлишнинг иложи йўқ. Ана шундай бадавлат одам ҳатто ҳеч нарсаси йўқ гадридан ҳам кўпроқ алданиш домига тушган киши ҳисобланади, шу боис унинг руҳий ўзлигини англаб етиши анча қийинроқ бўлади: шу боис, инсон ўзининг сохта манманлигидан халос бўлиш учун ё энг зарур нарсаларгагина эгалик қилиб, бойликка интилишни чеклаб қўйиши керак, ё ё бу дунёда бирор нарсага эгалик қилишдан бутунлай бош тортиши керак. моддий оламди бизларни моддий табиатнинг уқ гунаси билан боғданиш булғаб қўяди, шу боис инсон Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёнида ўткинчи нарсалардан воз кечиб, қанчалик руҳий юксалишга эриша борса, у алдамчи моддий нарсаларга бўлган боғланишдан шунчалик кўпроқ халос бўлади. Ана шундай поғонага кўтарилиш учун инсон мангу руҳий олам ҳақиқатан ҳам мавжуд эканига аниқ ишонч ҳосил қилиши лозим. Руҳий олам ҳақиқатан ҳам мавжуд эканига ишонч ҳосил қилиш учун эса, моддий бойликларидан ўз истаги билан воз кечиш ё ки тирикчилик қилиш

учун энг зарур нарсалар билан қаноат ҳосил қилиб яшаш керак. Биз тирикчилик учун зарур бўлган эҳтиёжларни сунъий равишда кўпайтиришга уринмаслигимиз керак – бу бизнинг энг зарур нарсаларга қаноат қилиб яшашимизга ёрдам беради. Фақат сезгиларини лаззатлантириб юрган кишилардагина сунъий эҳтиёжлар ривожлана боради. Ҳозирги замон маданиятининг тараққиёти сезгилар фаолиятига асосланган, бошқача қилиб айтганда, бизлар ҳиссий лаззатлар маданияга мансуб одамлармиз. Мукаммал маданият – атманинг маданияти, рухий маданият. Ҳиссий лаззатлар маданиятига мансуб кишининг онги ҳайвонлар поғонасида бўлади, чунки ҳайвонлар ҳам сезгилар фаолиятдан юқори кўтарила олмайди. Ақл сезгилардан устун туради. Лекин, ақлий фикрлашларга асосланган маданият ҳам мукаммал эмас, чунки ақлдан устун турадиган тафаккур бор. Тафаккурга асосланган маданият “Бхагавад-гита”да таърифланган. Ведавий муқаддас китобларда инсонлар маданиятининг барча турларига, шу жумладан, сезгиларнинг, ақлнинг, тафаккурнинг ва руҳнинг фаолиятига асосланган маданиятлар учун мўлжалланган кўрсатмалар бор. “Бхагавад-гита” биринчи навбатда инсоннинг тафаккури учун мўлжалланган бўлиб уни рухий маданиятга йўналтиради. “Шримад-Бхагаватам” эса, бевосита руҳни таърифлаш билан, мукаммал инсонлар маданиятига асосланган. Инсон рухий маданият поғонасига кўтарилган захоти “Бхагавад-гита”нинг юқорида келтирилган шеърларида таърифланган Парвардигорнинг мангу салтанатига кириш ҳуқуқига эга бўлади.

Парвардигор салтанати ҳақида биз билиб оладиган биринчи маълумот – у даргоҳда, моддий олам зулматига ғарқ бўлган салтанат учун зарур бўлган на куёшга, на Ойга, на электр қувватига ҳеч қандай зарурат йўқ. Кейин биз билиб оламизки, рухий маданиятни қабул қилиб, яъни, бхакти-йога йўлига кириб, Парвардигорнинг салтанатига эришган киши, инсон ҳаётининг энг олий мақсадига эришади. Парвардигорга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиш ҳақида тўлиқ илмга эга бўлган ана шундай киши мангу рухий ҳаётга эришади. Ўзининг моддий бойликларини эҳсон қилиш эвазига Бали Махараж рухий маданият поғонасига кўтарилиш имкониятига, шу билан бирга Парвардигорнинг мангу салтанатига кириш ҳуқуқига эга бўлди. Ўзининг моддий қудрати билан эгаллаб олган жаннатий салтанатнинг барча бойликлари Парвардигор салтанатининг бойликлари олдида арзимаган нарса.

Моддий маданиятнинг ҳиссий лаззатланиш учун яратилган барча қулайликларидан

фойдаланиб юрган киши, “Бхагавад-гита”да тавсия қилинган ва “Шримад-Бхагаватам”да батафсил таърифлаб берилган бхакти-йога усулидан фойдаланиб, олий мақсадга эришиш учун ўзи тўплаган моддий бойлигини сарфлаган Бали Махараждан ўрناق олиб, Парвардигор салтанатига кириш ҳуқуқига эга бўлишга ҳаракат қилиши лозим.

19. Эй Нарада, Хамсаватара қиёфасида намоён бўлган Парвардигор сенга Худо ва Унга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиш ҳақидаги илмни ўргатди. У сенинг буюк муҳаббат билан Унга хизмат қилаётганингдан жуда мамнун бўлганди. Шунингдек, У сенга Худога садоқат билан хизмат қилиш илмини ҳам батафсил баён этганэди. Бу илмни фақат ўз ихтиёрини Парвардигор Васудевага, Худо Шахсига бутунлай топширган инсонларгина англаб етишга қодир бўладилар.

Изоҳ: “Содиқ” ва “Худога садоқат билан хизмат қилиш” тушунчалари ўзаро чамбарчас боғлиқ. Худонинг содиқ хизматкори бўлишга интилмаган киши Худога садоқат билан хизмат қилиш илмининг сирларини англаб ета олмайди. Парвардигор Шри Кришна “Бхагавад-гита”ни – Худога садоқат билан хизмат қилиш илмини Шри Аржунга ошкор этди, чунки Аржун шунчаки Унинг дўсти бўлиб қолмасдан, буюк содиқ хизматкори ҳам эди. Гап шундаки, олий тирик мавжудот, Худонинг Мутлақ Шахсининг ажралмас кичик заррачалари бўлган ҳолда, тирик мавжудотлар ўзларининг ҳолатига мос равишда ҳаракат эркинлигига эга. Шунинг учун Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлига кириш учун зарур бўлган биринчи сифат – Унга хизмат қилишни бошлаш истаги, шундай истақ пайдо бўлиши учун эса, инсон ўз ихтиёри билан Худога илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиб юрган зотлар билан ҳамкорлик қилиш керак. Ана шундай одамлар билан ҳамкорлик қилиб юриб, инсон аста-секин Худога садоқат билан хизмат қилиш усулларини эгаллаб олади, ўз илмларини чуқурлаштира борган сари, модда билан аралашиб юргани сабабли юзага келган иллатлардан поклана боради. Покланиш жараёни унинг ишончини кучайтира боради, ундаги кучли ишонч туйғуси шарофати билан эса, унда Худога садоқат билан хизмат қилишга илоҳий ихлос уйғона боради. Шундай қилиб, аста-секин унда Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёнига илоҳий боғланиш туйғуси ривожланади, бу боғланиш уни хизмат қилишдан жазавали лаззат олиш поғонасига олиб келади, бу эса – унинг қалбида Худога илоҳий муҳаббат уйғоинишига олиб келади.

Худога садоқат билан хизмат қилиш илми икки қисмдан иборат: биринчи қисм Худога садоқат билан хизмат қилиш ҳақида бошланғич маълумотлар, иккинчи қисм эса, уни амалда қандай бажариш йўллари тушунтиради. "Шримад-Бхагаватам"да Худо Шахси, Унинг гўзаллиги, шон-шухрати, бойлиги, улуғворлиги, жозибдорлиги ва тирик мавжудотларни У билан ўзаро муҳаббатга асосланган муносабатларга ундайдиган илоҳий сифатлари ҳақида ҳикоя қилади. Парвардигорга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишга мойиллик азалдан барча тирик мавжудотларнинг табиатида бор. Тирик мавжудотнинг модда билан бирлашуви уни ана шу ўзига хос бўлган мойилликни эсидан чиқаришга мажбур қилади, "Шримад-Бхагаватам" эса, тирик мавжудотнинг ана шу ғайритабиий унутиш пардасини очишга ёрдам беради. шунинг учун мазкур шеърда айтилганки, "Шримад-Бхагаватам" илоҳий илм машғаласига ўхшайди. Фақат ўз ихтиёрини Васудевага бутунлай топширган кишигина Худога садоқат билан хизмат қилиш ҳақидаги ана шу илоҳий илмнинг икки қисмини ҳам тушуна олади. "Бхагавад-гита"(7.19)да айтилганки, Васудевага ўзини топширган буюк зотлар бу дунёда жуда кам учрайдилар.

20. Ману қиёфасига кириб, Парвардигор Ману хонадонининг авлодларидан бири бўлди ва Ўзининг қудратли халқа(чакраси) ёрдамида золим шоҳлар устидан ғалаба қозониб, уларни Ўзига бўйсундирди. Унинг чексиз салтанатининг, давлатни бошқаришининг шухрати бутун оламга таралиб, коинотнинг энг олий сайёраси - Сатйалокагача етиб борди.

Изоҳ: Биринч қўшиқда биз Манулар ҳақида гапирган эдик. Браҳманинг бир куни давомида ўн тўрт Ману алмашади. Шундай қилиб, Браҳманинг бир ойлик умри давомида 420 ману, бир йилида эса – 5040 Ману алмашади. Браҳма юз йил умр кўради, демак, унинг бутун умри давомида 504000 Ману келиб кетади. Моддий оламда сон-саноксиз кўп Браҳмалар бор, уларнинг ҳаммаси Маха-Вишнунинг бир марта нафас олиши давомида яшайдилар. Бундан биз Худонинг Олий Шахсининг атиги чорак қисмини эгаллаган моддий оламнинг ҳамма жойида Парвардигорнинг намоён бўлган қиёфалари қандай ҳаракат қилиши ҳақида бироз тасаввурга эга бўламиз.

Ману қиёфасида келиб, Парвардигор турли сайёраларнинг золим ҳукмдорларини жазолайди, чунки у - ярамас зотларни Ўзининг илоҳий қуроли Чакраси билан жазолайдиган Худонинг Олий Шахси, Кришнанинг қудратига эга бўлади.

Манвантара-аватаралар бутун оламга Парвардигорнинг илоҳий шон-шухратини таратадилар.

21. Ўзининг Дханвантара қиёфасида Парвардигор шухрат тимсоли билан мангу хасталикка учраган барча тирик мавжудотларнинг дардига малҳам бўлди. Унинг шарофати билан фаришталар узоқ умр кўриш имкониятига эга бўлдилар. Шунинг учун одамлару-фаришталар Худо Шахсини ҳамиша олқишлайдилар. Шунингдек, У қурбонликлардан ўз улушини белгилаб, бутун жаҳонда тиббиёт илмига асос солди.

Изоҳ: "Шримад-Бхагаватам"нинг бошида айтилганидек, ҳамма нарса ягона манбадан – Худо Шахсидан чиқади. Мазкур шеърдан кўришиб турибдики, тиббиёт илмини ҳам одамларга Дханвантана қиёфасида келган Парвардигор берган шу боис бу илм ҳам Ведаларда баён этилган. Ведалар барча илмлар манбаи, шу боис уларда тирик мавжудотнинг ҳар қандай касаллигини даволаш имконини берадиган тиббиёт илми ҳам бор. Касаллик шартланган руҳнинг танасининг табиатига азалдан хос бўлган ҳолат. Моддий тана – касалликлар тимсоли. Ҳр хил одамларда касалликлар ҳар хил бўлиши мумкин, лекин ҳеч ким касалликлардан бутунлай пок бўла олмайди, худди шундай бу дунёга келган одам туғилишдан, кексалишдан ва ўлимдан қутула олмайди. Лекин Худо Шахсининг марҳамати билан инсон шунчаки танаси ва ақлининг касалликларидан халос бўлиб қолмасдан, ҳатто туғилиш ва ўлишлар чархпалагидан чиқиб, мангу руҳини ҳам озодликка чиқара олади. Парвардигорнинг номларидан бири – бхаваушадхи, яъни, “моддий тирикчилик иллатидан халос этувчи Зот”.

22. Дўзах ўтига дучор бўлишни истаб юрган, кшатрийлар деб аталмиш ҳукмдорлар Мутлак Ҳақиқатга етказувчи йўлдан адашган вақтда, Парвардигор Парашурама қиёфасида пайдо бўлди ва чипқон сингари Ернинг танасига ёпишиб олган шу ярамас шоҳларни яксон қилди. Ўзининг ўтқир қиличи билан У кшатрийлар авлодини уч бор етти мартадан яксон қилди.

Изоҳ: Коинотнинг қайси жойида – бизларнинг сайёрадами, ёки бошқа сайёралардами, - ҳукмронлик қилмасинлар, ҳукмдор-кшатрийлар аслида ҳар анарсага қодир бўлган Худо Шахсининг вакиллари дидлар ва уларнинг бурчи – ўз фуқароларини Худони англаб етиш йўлига олиб чиқиш. Қандай бошқарув тизими

ўрнатилганидан қатъий назар, - монархиями, демократиями, олигархиями, диктатура ёки автократиями - ҳар қандай давлатнинг ва унинг ҳукмдорларининг асосий бурчи шу давлатда яшаётган фуқароларни худони англаб етишга олиб келишдан иборат. Инсон бўлиб яшашдан мақсад шундан иборат, шу боис, ҳар бир отанинг, руҳий устознинг, оқибат-натижада ҳукуматнинг бурчи – одамларни ана шу мақсадга олиб келишдан иборат. Бутун моддий олам Олий Отасининг амрига қарши чиққан ва шу боис моддий табиатга тутқун бўлиб адашиб юрган шартланган руҳлар ўзларининг асл ҳолатини англаб етишлари учун яратилган. Моддий табиат кучлари тирик мавжудотнинг ҳаётини дўзахга айлантириб ва мангу мусибатларга дучор этиб, уни тубанликка кулашга мажбур қилади. Шастраларда берилган шартланган руҳнинг ҳаётини тартибга соладиган қонун ва кўрсатмаларни бузадиган одамларни брахмоджджхита-патхалар, яъни, Мутлақ Ҳақиқат йўлидан адашган одамлар деб атайдилар ва шундай одамлар албатта жазоланадилар. Худо Шахсининг тимсоли Парвардигор Парашурама жаҳонда айнан ана шундай вазият юзага келганда пайдо бўлди ва золим шоҳларни йигирма бир марта яқсон қилди. Ўша даврда унинг ғазабидан кўркиб, кўплаб шоҳлар Ҳиндистонга ва бошқа жойларга қочиб кетдилар. “Маҳобҳорат”да ёзилишича, Миср шоҳлари Парашураманинг ғазабидан қочиб, Ҳиндистондан борганлар. Ҳар гал Худони унутиб, ер юзида Худосизлар давлатини тузганларида шоҳ ва ҳукмдорлар Парвардигор томонидан ана шундай жазоланадилар. Парвардигорнинг иродаси шундай.

23. Бу коинотда яшаётган тирик мавжудотларга чексиз марҳамат кўрсатиб, Парвардигор Ўзининг тўлиқ экспансиялари билан бирга Маҳараж Икшваку сулоласида пайдо бўлди ва ички қуввати бўлган Ситанинг хожаси бўлди. Отаси Маҳараж Дашаратҳанинг амри билан рафиқаси ва укаси ҳамроҳлигида ўрмонда бир неча йил узлатда бўлди. Буюк моддий қудрат соҳиби бўлган ўн бошли иблис Равана Парвардигорни қаттиқ ҳақорат қилишга журъат этди, бу иши охир-оқибатда унинг ҳалокатга учрашига саба бўлди.

Изоҳ: Парвардигор Рама – Худонинг Олий Шахси, Унинг укалари Бхарата, Лакшмана ва Шатругхна - Унинг тўлиқ экспансиялари. Тўрт ака-ука ҳам вишну-таттва тоифасига киради, уларни ҳеч қачон оддий одамлар деб ўйламаслик керак. “Рамайана”нинг жуда кўп виждонсиз ва ғофил талқинчилари борки, улар Парвардигор

Рамачандранинг укаларини оддий тирик мавжудотлар деб айтадилар. Лекин бу ерда, Парвардигор ҳақида маълумот берадиган энг ишончли муқаддас китоб бўлган “Шримад-Бхагаватам”да Унинг укалари Парвардигорнинг тўлиқ экспансиялари эканлиги аниқ айтилган. Парвардигор Рамачандра – Васудеванинг, Лакшмана – Санкаршананинг, Бхарата – Прадйумнанинг, Шатругхна эса – Анируддханинг тимсоли. Лакшмиджи Сита – Парвардигорнинг ички қуввати, у оддий аёл ёки ташки қувват Дурганинг тимсоли эмас. Дурга Парвардигорнинг ташки қуввати тимсоли бўлиб, у маъбуд Шива билан боғланган.

“Бхагавад-гита”(4.7)да айтилганидек, Парвардигор моддий оламга одамлар мангу дин қонунларига амал қилмай қўйганида келади. Парвардигор Рамачандра ҳам Ўзининг укалари – Парвардигорнинг ички қувватининг экспансиялари ва Лакшмиджи Ситадеви билан бирга шундай вазият юзага келганда келганди.

Парвардигор Рамачандранинг отаси маҳараж Дашаратҳа, қийин аҳволга тушиб қолиб, Унга саройни тарк этиб, ўрмонга сургунга кетишни буюришга мажбур бўлди. Шу куни уни тахтга ўтказиш маросими бўлиши лозимлигига қарамасдан, Парвардигор Рамачандра намунали ўғил сифатида отасининг амрини бажо келтирди. Парвардигорнинг укаларидан бири Лакшмана ва Унинг мангу рафиқаси Ситадеви ҳам У билан бирга ўрмонга кетишга қарор қилдилар. Парвардигор уларнинг қарорига рози бўлди ва улар уччовлон Дандакарания ўрмонида жойлашиб, шу ерда ўн тўрт йил яшадилар. Ўрмонда яшаб юрганида Рамачандра билан Равана жанжаллашиб қолдилар, Равана Парвардигорнинг рафиқаси Ситани ўғирлаб кетди. Бу жанжал қудратли иблис Равананинг ва унинг бутун оиласининг ҳалокати билан ниҳоясига етди, иблиснинг бутун салтанати яқсон бўлди.

Сита – равақ фариштаси Лакшмиджи, лекин бирор тирик мавжудотнинг ундан лаззатланишга ҳаққи йўқ. Тирик мавжудотлар унга уни рафиқаси Шри Рамачандра билан бир қаторда қўйиб сифинишлари лозим. раван сингари имонсиз иблис мана шу олий ҳақиқатни англаб етишга қодир эмас, шу боис у Ситани Раманинг ихтиёридан ўғирлаб кетишга қарор қилди ва ўзининг бошига сон-санқсиз кулфатларни сотиб олди. Бойлик ва моддий фаровонлик изидан қувиб юрган имонсиз дунёвий одамлар “Рамайана”дан ўзларига хулоса чиқариб олишлари ва Парвардигорнинг олий ҳокимлигини тан олмасдан, Унинг қувватидан фойдаланиш – Раванга ўхшаб иш тутиш эканини тушуниб олишлари керак. Раваннинг моддий қудрати шунчалик катта эдики, унинг

салтанатидаги иморатларнинг ҳаммаси олтидан эди, бошқа бойликларининг чеги йўқ эди. Лекин у Парвардигор Рамачандранинг олий ҳукмдор эканини тан олмади ва Унинг хотинини ўғирлаб, Унга қарши чиқишга журъат қилди, бунинг оқибатида ўзининг барча бойлик ва қудратидан маҳрум бўлиб, ҳалокатга учради.

Парвардигор Рамачандра – Худо Шахсининг тўлиқ намоён бўлган қиёфаси. У Парвардигорнинг барча олти хил бойликларининг тўла соҳиби, шу боис мазкур шеърда У калеша, яъни “барча бойликлар соҳиби” деб аталган.

24. Худо Шахси, Парвардигор Рамачандра яқин дўсти(Сита)дан ажралгач, хижрон ўтида ёниб, душмани(Раван) шахрига ғазаб билан нигоҳ ташлади. Унинг ғазаб билан ёниб турган кўзлари (жаннатнинг қулини кўкка совуришга жазм қилган) Харининг кўзларини эслатарди. Буюк океан даҳшат ичида титраб, Парвардигорни ўтказиб юборди, чунки сувда яшаётган илон, тимсоҳ ва акулалар Парвардигорнинг ғазабли нигоҳи ҳароратига бардош беролмай қолган эдилар.

Изоҳ: Бошқа барча тирик мавжудотларга хос бўлган сезги ва ҳис-туйғулар Парвардигорда ҳам бор, чунки У олий, бошланғич тирик мавжудот, бошқа барча тирик мавжудотларнинг олий манбаи. У – нитйа, бошқа мангу зотлар ичида асосий мангу Зот. У - Олий, қолган ҳамма тирик мавжудотлар Унга қарам. Бир мангу мавжудот қолган барча мангу мавжудотларнинг эҳтиёжларини қондиради, демак, мангу Парвардигор ва мангу тирик мавжудот сифат жиҳатидан бир бирига ўхшаш. Табиати бир хил бўлгани сабабли Парвардигор ҳам, тирик мавжудот ҳам бир хил ҳис-туйғуларни ҳис қилади, фақат асосий ману тирик мавжудотнинг ҳис-туйғулари унга қарам тирик мавжудотларнинг ҳис-туйғуларидан миқдор жиҳатидан фарқ қилади. Рамачандра ғазабланиб, кўзлари қизиган темир парчасидай қип-қизил бўлганида, Унинг кўзларининг тафти океандаги сувни шунчалик қиздириб юбордики, ундаги тирик мавжудотларнинг ҳаммаси буни сездилар, океаннинг ўзи эса, кўрқувдан титраб, Парвардигорни ўтказиб юборди ва Унинг душман шахрига осонлик билан етиб олишига имкон берди. Парвардигорнинг ана шу ўтли нигоҳи имперсоналистларнинг ақлини шошириб қўяди, чунки улар инкор этиш билан мукамалликни исботлашга ҳаракат қиладилар. Мутлақ Ҳақиқат барча моддий нарсаларга нисбатан илоҳий, шунинг учун имперсоналистлар ўйлайдиларки, Мутлақ Зотда моддий ҳис-туйғуни эслатадиган ғазаб бўлиши

мумкин эмас. Илми саёзлиги боис улар Мутлақ Шахсининг ҳис-туйғулари сифат ва миқдор ҳақидаги дунёвий тасаввурларга нисбатан илоҳий эканини тушуна олмайдилар. Агар Парвардигор Рамачандранинг ғазаби моддий табиатли бўлса, У бутун бир океаннинг сувини ва ундаги тирик мавжудотларни қиздириб юбора олармиди? Оддий одамнинг ғазабдан қизарган кўзлари бутун бир океаннинг сувини қиздириб юбора олармиди? Мутлақ Ҳақиқатнинг шахсий ва шахсиятсиз жиҳатларини таҳлил қилганда ана шу факторларнинг ҳаммасини эътиборга олиш керак. "Шримад-Бхагаватам"нинг бошида айтилганки, Мутлақ Ҳақиқат бутун борлиқнинг манбаидир. Демак, Мутлақ Шахс ўткинчи моддий оламда акс этадиган ҳис-туйғулардан маҳрум бўлиши мумкин эмас. Лекин, Мутлақ Зотга хос бўлган ҳар хил ҳис-туйғулар – ғазабми, ҳамдардликми – сифат жиҳатидан бир биридан фарқ қилмайди, бошқача қилиб айтганда, моддий ҳис-туйғулардан фарқли равишда, бир хил, чунки Унинг барча ҳис-туйғулари ягона мутлақ табиатга эга. Илоҳий оламга моддий кўз билан қарайдиган имперсоналистларнинг тасаввурига зид равишда, Мутлақ Ҳақиқатнинг албатта ҳис-туйғулари бор.

25. Равана билан жанг қилаётганида, Индра минган филнинг хартуми Раваннинг кўксига урилиб чил-парчин бўлиб кетди ва хар тарафга сочилиб кетган бўлаклар бутун оламни ёритди. Ўзининг бу жасоратидан мағрурланиб кетган Равана, бутун оламни забт этганига ишонч ҳосил қилиб, жанг қилаётган қўшинлар олдида гердаиб юра бошлади. Аммо, шунда Парвардигор Рамачандранинг камон овози жаранглаб, Раваннинг шодлик тўла кулгиси бирданига тўхтаб қолди ва у жонидан жудо бўлди.

Изоҳ: Инсон қанчалик қудратли бўлмасин, агар Худо уни жазоламоқчи бўлса, ҳеч ким уни қутқариб қола олмайди, аксинча. Инсон қанчалик заиф бўлса ҳам, агар Парвардигор уни ҳимоя қилиб турган бўлса, ҳеч ким уни ўлдира олмайди.

26. Имонсиз шоҳлар тўплаган ҳарбий қўшинлар азобидан бутун жаҳон мусибатга тушганида, Парвардигор, Шри Кришна ва Унинг тўла бутун қиёфаси(Баларама) оламнинг дардини енгиллатиш учун бу дунёда намоён бўлдилар. Шунда Парвардигор Ўзининг сочлари тимқора азалий мангу қиёфасида дунёга келган ва илоҳий қудратини намоён қилиш учун жуда кўп ғайриоддий қаҳрамонликлар кўрсатганди.

Худо Шахсининг улуғворлигини ҳеч ким охиригача англаб ета олмайди.

Изоҳ: Мазкур шеърда Парвардигор Кришнанинг ва Унинг биринчи экспансияси Парвардигор Баладеванинг бу дунёга келиши таърифланган. Ҳар нарсага қодир бўлган Парвардигор Ўзни сон-саноксиз қиёфаларда ва қувватларда кўпайтиради. Ана шу қиёфа ва қувватларнинг ҳаммаси, биргаликда ягона Олий Браҳман деб аталади. Парвардигорнинг намоён бўлган хилма-хил кўринишлари икки тоифага бўлинади: шахсий ва алоҳидалашган кўринишлари. Парвардигорнинг шахсий экспансиялари вишну-таттвалар деб, алоҳидалашган кўринишлари – жива-таттвалар деб аталади. Худонинг Олий Шахси Кришнанинг энг биринчи шахсий экспансияси Парвардигор Баладева.

“Вишну-пурана”да ҳам, “Маҳобҳорат”да ҳам Кришна ва Баладева ҳақида айтилганки, ҳатто кексалик ёшга етиб қолганда ҳам Уларнинг сочлари ажойиб ва қоп-қора бўлган. Парвардигорни анопалакшья-маргаҳ, ёки, яна ҳам аниқроқ ведавий иборани олсак, аванманаса-гочараҳ – “кўпчилик одамлар ўзларининг чекланган моддий сезгилари ёрдамида кўришга ёки қабул қилишга қодир бўлмаган Зот” деб атайдилар. “Бхагавад-гита”(7.25)да Парвардигор шундай дейди: нахам пракашаҳ сарвасйа йогамайа-самавритаҳ. бу дегани, Унинг Ўзини ҳаммага баробар кўрсатавермасликка ҳаққи бор. Парвардигорни бошқалардан фарқ қиладиган аломатларига қараб фақат асл содиқлар билиб олишга қодир, ана шу белгилардан бири мазкур шеърда келтирилган: сита-кришна-четаҳ – Уни ҳамиша ажойиб тим-қора сочлар бежаб туради. Парвардигор Кришнанинг ҳам, Парвардигор Баладеванинг ҳам сочлари шундай эди, шу боис ҳатто кекса ёшида ҳам Улар ўн олти яшар ўспиринлардай кўринардилар. Фақат Худо Шахси ана шундай сифатларга эга. “Брахма-самхита”да айтилганки, гарчи Парвардигор – барча тирик мавжудотлар ичида энг кексаси бўлса ҳам, У ҳамиша ёш ва навқирон кўринади. Руҳий тананинг хусусиятлари шундай. моддий тана туғилиш, ўлиш, кексайиш ва касалланишга маҳкум, лекин аломатлардан бирортаси руҳий танада йўқ. Вайкунтхалокаларда мангу лаззатга тўла ҳаётдан лаззатланиб юрган тирик мавжудотлар ҳам худди шундай кексаймайдиган танага эга. “Шримад-Бхагаватам”нинг олтинчи қўшиғида айтилганки, Аджамилани Азроилнинг хизматкорлари жазосидан қутқариш учун келган Винудуталар худди ёш болалардай кўринардилар. Бу ҳам мазкур шеърда берилган маълумотни тасдиқлаб турибди. Бундан кўриниб турибдики, Парвардигорнинг ва Вайкунтхалокадаги бошқа мавжудотларнинг

руҳий таналари бу дунёда яшайдиган мавжудотларнинг моддий таналарига умуман ўхшамайди. Парвардигор у дунёдан бу дунёга келганида Ўзининг атма-майядан, ички қувватидан таркиб топган руҳий танасида келади. Бахиранга-майя – ташқи, моддий қувват Парвардигорнинг танасига яқинлаша олмайди. Шахсиятсиз Браҳман моддий оламга келганида моддий тана олади деган тасаввур ғирт нодонликдир. Парвардигор бу оламга моддий эмас, руҳий танада келади. Шахсиятсиз браҳмажйоти – Парвардигорнинг танасидан таралиб турган ёрқин нур, Парвардигорнинг танаси ва Унинг шахсиятсиз нури, браҳмажйоти орасида сифат жиҳатидан ҳеч қандай фарқ йўқ.

Шундай савол туғилиши табиий: бу оламни имонсиз золим шохларнинг зулмидан қутқариш учун Парвардигор шахсан Ўзи келиб юришининг нима ҳожати бор? Албатта, бунинг учун Парвардигорнинг Ўзи келиб юриши шарт эмас. Аслини олганда У бу дунёга Ўзининг илоҳий эрмакларини намоёиш этиш ва бу билан Парвардигорни олқишлаб ва шарафлаб қуйлаб бу дунёда ҳам лаззатланиб яшашни истайдиган Ўзининг асл содиқларини мамнун қилиш учун келади. Ведавий муқаддас китобларнинг ҳаммаси фақат инсоннинг диққат-эътиборини Парвардигорга ва Унинг илоҳий кароматларига жалб этиш учун яратилган. Шундай қилиб, Парвардигорнинг Ер юзидан намоён бўлиши ва Унинг бу дунёдаги одамлар билан ўзаро муносабатлари Унинг асл содиқларининг ўзаро суҳбатларининг мавзусидир.

27. Шри Кришна – Худонинг Олий Шахси эканига заррача шубҳа йўқ, акс ҳолда У ҳали чақалоқ бўлишига қарамай, баҳайбат иблис Путанани ўлдирди олган, уч ойлик бола пайтида оёғи билан аравани ағдарган ёки, оёғига боғланган ҳовонча билан айланиб юриб, ҳовлида ўсиб турган осмонўпар икки катта Аржун дарахтини илдизи билан бирга кўпориб олган бўлармиди? Ана шундай қахрамонликларни амалга оширишга Парвардигорининг Ўзидан бошқа ҳеч ким қодир эмас.

Изоҳ: Худони хаёлан ўйлаб топишнинг ёки ҳозирги даврда калтафаҳм одамлар орасида одат бўлганидек, сайлов йўли билан озозга қўйиб танлашнинг иложи йўқ. Худо ҳамиша Худо, оддий тирик мавжудот эса, Унинг ажралмас заррачаси бўлиб қолаверади. Худо бир, оддий тирик мавжудотлар эса, сон-саноксиз, ведавий муқаддас китобларда айтилганидек, Худо қолган барча тирик мавжудотларнинг эҳтиёжларини қондиради. Кришна ҳали эмадиган чақалоқ

пайтида иблис путана Унинг онаси олдида пайдо бўлди ва ундан боласини эмизиб беришга рухсат сўради. Она Йашода рози бўлди ва чақалокни унга, тарбия кўрган аёллардан кийиниб олган иблисга берди. Чақалокни ўлдиришни ният қилиб, Путана ўзининг кўксига захар суртиб қўйган эди, лекин, бу режаси амалга ошай деб турганда, Парвардигор Кришна унинг сути билан бирга унинг танасидан жонини ҳам суғуриб олди ва иблиснинг жонсиз(узунлиги олти мил бўлган) бахайбат танаси ерга кулаб тушди. Путанани ўлдириш учун, гарчи бу иш ҳам Кришнанинг кўлидан келса ҳам, Кришна Ўзи ҳам то унинг бўйи билан тенг бўлиш учун каттайиб ўтириши шарт эмасди. Вamana киёфасида намоён бўлганида У пакана-браҳман киёфасига кирган эди, лекин, Бали Махараж Унга уч қадам катталигида ер парчаси эҳсон қилишга рози бўлганида, У бир зумда ўлчамларини каттайтириб, Ўзининг қадамларини шу қадар кенг қилдики, бир қадами билан миллионлаб км жойни босиб, ёғи коинотнинг энг юқори нуқтасига бориб етди. Шундай қилиб, Ўз танасининг ўлчамларини катталаштириб бемалол мўъжиза кўрсата оларди, лекин онаси Йашодага нисбатан ёш болаларча меҳр билан қаттиқ боғланиб қолганидан бундай қилиб ўтирмади. Агар Йашода ўғли Кришнанинг танаси каттайиб иблис Путананинг танаси билан тенг бўлиб кетганини кўрса, бу унинг Кришнага бўлган табиий оналик муҳаббатига зарар етказган бўларди, чунки бунда, у ўғли деб ҳисоблаб юрган Кришна – аслида ягона Парвардигорнинг Ўзи экани унга аён бўлиб қоларди. Кришнанинг Парвардигор эканини билиб қолса, Йашода Уни меҳрибон тукқан онаси сифатида сева олмасди. Парвардигор Кришна эса, ҳамиша: эмадиган чақалок киёфасида Ўз онасининг қўлларида ўйнаб ётганда ҳам, Вamanaдева киёфасида икки қадами билан бутун коинотни босиб олганида ҳам Парвардигор бўлиб қолаверади. Гарчи баъзи бир калтафаҳм одамлар айнан шу йўл билан Худо бўлиш мумкин деб ўйласалар ҳам, Худо бўлиб етишиш учун У қаттиқ риёзатларга берилиши шарт эмасди. қаттиқ риёзатларга берилиш йўли билан Худо билан тенг бўлишнинг ёки Унга қўшилиб кетишнинг иложи йўқ, лекин, илоҳий сифатлардан кўпларига эришиш мумкин. тирик мавжудот жуда кўп илоҳий исфатларга эриша олади, лекин у Худо бўла олмайди, Кришна эса, ҳеч қандай риёзат чекмасдан ҳамиша: чақалок пайтида ҳам, улғайиб катта бўлганида ҳам, бир гап билан айтганда, ҳаётининг истаган даврида Худо билиб қолаверади.

У энди уй ойлик бўлганида, У Йашодамайа ҳовлисида арава ортида яшириниб турган

Шакатасурани ўлдирди. Бошқа бир гал, ерда емаклар юриб, онасига уй ишларини бажаришда халақит беравергани учун, онаси Уни сут чайиладиган катта қувиға боғлаб қўйди, лекин бу шўх болалқай қувини судраб, Йашодамайа ҳовлисида ўсиб турган икки катта аржун дарахтлари орасидан ўта бошлади. Қуви дарахтлар орасидан ўтолмай тикилиб қолганида эса, Кришна зарб билан тортганидан икки катта дарахт гурсиллаб етга қулади. Шовқинни эшитиб чопиб келган Йашодамайа, бу тўс-тўполонни ҳовлида эмаклар юрган Кришнанинг Ўзи уюштирганини хаёлиға ҳам келтирмасдан, фақат Худо сақлаб қолгани учунгина йиқилган дарахтлар унинг боласини босиб қолмаган деб ўйлади. Парвардигор ва Унинг асл содиқлари орасидаги ўзаро муҳаббатга асосланган муносабатлар ана шундай. Йашодамайа Парвардигор унинг ўғли бўлишини истаган эди, шу боис Парвардигор ан шу ролни бенуксон ижро этарди, лекин айни пайтда, ҳар гал, зарур бўлганида, ҳар нарсаға қодир қудратли Парвардигор вазифасини ҳам бажарарди. Парвардигорнинг эрмакларининг ажойиблиги шундаки, У ҳар биримизнинг истакларимизни амалга оширади. Куверанинг Нараданинг қарғишиға учраб, дарахтға айланиб қолган икки ўғлини озодликка чиқариш учун Парвардигор катта аржун дарахтларини қулатди, айни пайтда, Парвардигор ўз ҳовлисида ўйнаб юрганини кўриб илоҳий лаззат олаётган Йашоданинг ҳовлисида емаклар юрган ёш бола ролини бажарарди.

Парвардигор ҳар қандай киёфада - бахайбат ёки ёш бола кўринишида – ҳамиша бутун олам Парвардигори бўлиб қолаверади.

28. Кейин, подачи болалар ва улар боқиб юрган сигирлар Ямунанинг захарли сувидан ичиб, бетоб бўлиб қолганларида, Парвардигор меҳрибон нигоҳини ташлаб, уларни ажал домидан қутқарди ва худди ўйнаётган бола сингари дарёға сакраб, сувда яшириниб ётган, оғзидан захар томаётган катта илон - Калияни ўлдирди. Ана шундай қахрамонликларни Парвардигордан бошқа ким қила оларди?

29. Шу қуни тунда, Вражабҳуми аҳолиси қаттиқ ухлаб ётганида, ўрмонға ёнғин кетди. Вradжа аҳолиси муқаррар ажал домига тушиб қолган эди, аммо Парвардигор Баларама билан бирга, шунчаки ёнғинға кўзларини қисиб қараш билан оловни ўчирдилар. Парвардигорнинг кўрсатган ғайритабиий кароматлари шундай.

Изоҳ: Парвардигорнинг мазкур шеърда таърифланган кароматлари ғайритабиий деб аталган, лекин шуни таъкидлаш алоҳида

лозимки, Парвардигорнинг кароматлари ҳамиша ғайритабиий, бошқа тирик мавжудотлардан У шуниси билан ажралиб туради. Қанчалик ҳаракат қилса ҳам бирор инсон катта банъан дарахтини ёки икки катта аржун дарахтини таг-томири билан қўпора олмайди, қўзларини қисиб қараш билан ўрмонга кетган катта ёнғинни ўчира олмайди. лекин Парвардигорнинг фақат бу кароматлари эмас, аслини олганда Унинг қилган ҳамма ишлари ғайритабиий эди. Бу "Бхагавад-гита"(4.9)да ҳам тасдиқланади. Парвардигорнинг кўрсатган илоҳий кароматларининг ғайритабиий эканини билан киши Кришнанинг салтанатига кириш ҳуқуқига эга бўлади, шу боис ҳозирги моддий танасини тарк этиб, ўзининг уйига, Худонинг даргоҳига қайтади.

30. (Шри Кришнанинг онаси Яшода) Подачи аёл ўғлининг қўлларини арқон билан боғлаб қўймоқчи бўлди, аммо ҳар қанча уринса ҳам, ҳар гал унинг қўлидаги арқон калталиқ қилиб қолаверарди, охири у бунга қўл силтаб қўя қолди. Шунда Шри Кришна оғзини очди, боласининг оғзига қараган онаси унда бутун коинотни кўрди. Бу мўъжизадан онасининг қалбига ғулғула тушди, аммо у ўғлининг бу мўъжизани англаб етмай, унга ўзича маъно бериб қўя қолди.

Изоҳ: Бир куни, ўйинқароқ шўх болакай ролини ўйнаб юрган Парвардигор Кришна қилиқлари билан онаси Йашоданинг қаттиқ жаҳлини чиқарди, ўғлини жазолаш учун у Уни арқон билан боғлаб қўйишга қарор қилди. Лекин, ўғлини боғлаш учун қўлига қанчалик узун арқон олса ҳам, ҳар гал боғлаш учун етмай қолаверди. Бу иш уни қаттиқ чарчатиб қўйди, шу пайт Парвардигор эснаб Ўзининг оғзини очди, шунда онаси Унинг оғзида коинотларга тўла бутун моддий оламни кўрди. Бу манзарани кўриб, Йашода ҳайратга тушди, лекин Кришнага муҳаббат билан қаттиқ боғланиб қолганидан у, ҳар нарсага қодир Нарайана меҳрибонлик билан унинг ўғлига ғамхўрлик қилади, ҳамиша унинг ўғли қийин аҳволга тушиб қолганида Ўзи кутқариб юради, деб ўйлади. У Кришнани шунчалик қаттиқ севар эдики, аслида унинг ўғли Парвардигор Нарайананинг Ўзи, яъни Худо Шахси экани унинг хаёлига ҳам келмасди. Парвардигорнинг ички қуввати, вазифаси Парвардигор Кришнанинг ҳар хил тоифага мансуб бўлган содиқлари билан ўзаро эрмакларининг ҳаммасини мукамал даражага етказишдан иборат бўлган йогамайя шундай шундай ҳаракат қилади. Парвардигордан бошқа ким ҳам ана шундай мўъжизаларни кўрсата оларди?

31. Шри Кришна отаси Нанда Махаражни Варуна фариштаси олдидаги кўркув туйғусидан қутқарди ва Майанинг ўғли ғор ичига қамаб қўйганида, подачи болаларни у ердан озодликка чиқарди. Бундан ташқари, кун бўйи бетиним ишлаб чарчаб, кечаси қаттиқ уйқуга кетган Вриндаван аҳолисига рухий оламнинг энг баланд сайёрасига эришиш имконини берди. Бу ишларнинг ҳаммаси илоҳий мўъжизалардир ва улар Шри Кришнанинг ҳақиқатан ҳам Худонинг Олий Шахси эканлигига заррача шубҳа қолдирмайди.

Изоҳ: Бир куни, Парвардигор Кришнанинг отаси Нанда Махараж, тонг отиб қолди деб ўйлаб, тун ярмида ювиниш учун Йамунага йўл олди. Шунда сув фариштаси Варуна, шундай қилсам, Парвардигор Кришна отасини қутқаргани келади, шунда мен Унинг жамолини кўра оламан, деб ўйлаб, уни ўзининг сайёрасига олиб кетди. Аслида ҳеч қачон Варуна Нанда Махаражни асирга олмаган, чунки Вриндаван аҳолиси ҳамиша Худо Шахсига муроқабга қилиб, ҳамиша Кришна ҳақидаги ўғларга ғарқ бўлиб, самадҳининг алоҳида тури бўлган бхакти-йоганинг жазавали ҳолатида юрадилар. Улар моддий оламда яшаш мусибатларидан чўчимасдилар. "Бхагавад-гита"да айтилганки, инсон қалбидаги Худога муҳаббат туйғусидан ўзини Унга бутунлай топширганида ва У билан ўзаро шу тарзда муносабат ўрнатганида, унга моддий табиат қонунлари рўпара қиладиган барча мусибатлардан халос бўлади. Бу шеърдан маълум бўладики, Вриндаван аҳолиси, кун бўйи меҳнат қилганлар, кундузги ишлардан чарчаб, кечалари қаттиқ уйқуга кетганлар. Шундай қилиб, муроқабга қилиш учун ёки рухий фаолиятнинг бошқа бир тури билан шуғулланиш учун уларнинг вақти бўлмаган. Лекин аслида, улар ҳамма вақт рухий фаолиятнинг энг юксак турига ғарқ бўлиб юрганлар. Улар қилиб юрган ишларнинг ҳаммаси рухий фаолият эди, чунки уларнинг ҳамма ишлари Парвардигор Кришна билан боғлиқ эди. Уларнинг моддий оламдаги ишларининг ҳаммаси Кришна билан боғлиқ ва шу боис рухий қувват билан тўла эди. Бхакти-йога йўлининг афзаллиги ҳам шунда. Инсон ўзининг ҳамма ишини Парвардигор Кришна учун бажариши лозим, шунда бизнинг бутун фаолиятимиз рухий ўзликни англаш йўлидаги жазавали меҳнатга айланади.

32. Шри Кришнанинг гапига кириб, Вриндаван подачилари осмон шоҳи Индра фариштасига қурбонлик қилмай қўйганларида, Враджа деб аталадиган

жойнинг ҳаммасига етти кун тинмай кучли ёмғир қуйди, ҳамма ёқни сув босиб кетиш ҳавфи туғилди. Ҳали етти ёшга энди тўлган бўлишига карамай, Шри Кришна Ваджа аҳолисига Ўзининг бесабаб марҳаматини кўрсатиб, бир қўли билан Говардхана тоғини кўтариб турди. У ана шундай қилиб подачи ва чорва молларини тинимсиз ёғаётган ёмғирдан сақлаб қолди.

Изоҳ: Болалар кўпинча ўйинчоқ соябонларни ўйнаб юрадилар, Парвардигор Кришна эса, атиги етти яшар бўлган пайтида Вриндаванда жойлашган Говардхан Парвата деб аталадиган катта тоғни кўтариб олди ва Вриндаван аҳолисини ва ҳайвонларни Ваджабҳуми аҳолиси қурбонлик маросими ўтказиб, эҳсон қилмай қўйган осмон шоҳи Индранинг ғазабидан ҳимоя қилиш учун етти кун давомида уни бир қўли билан кўтариб турди.

Аслида, инсон Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган бўлса, фаришталарнинг унга қилиб юрган яхшиликлари эвазига миннатдорчилик сифатида уларга ҳар хил эҳсонлар қилиши шарт эмас. Ведавий муқаддас китобларда фаришталарни мамнун қилиш учун ўтказиш тавсия қилинадиган қурбонлик маросимлари – уларни ўтказиб юрган одамларнинг олий ҳукмдор борлигини англаб етишларига ёрдам берадиган ўзига хос рағбатлантиришдир. Парвардигор моддий фаолиятнинг маълум бир соҳаларига маъсул қилиб фаришталарни тайинлайди, ва "Бхагавад-гита"га асосан, қайсидир фариштага сиғиниш билан инсон билвосита Парвардигорга сиғинади. Лекин, инсон бевосита Парвардигорнинг Ўзига сиғиниб юрган бўлса, ведаларда кўрсатилганидек, унинг фаришталарга сиғиниб юришининг ёки уларга ҳар хил эҳсонлар қилиб юришининг ҳожати йўқ. Шунинг учун Парвардигор Кришна Ваджабҳуми аҳолисини осмон шоҳи Индра шарафига қурбонлик маросими ўтказишни бас қилиш кераклигига ишонтирди. Индра эса, Парвардигор Кришна Ваджабҳумида эканидан беҳабар ҳолда, Ваджа аҳолисидан қаттиқ ғазабланди ва уларнинг бу ҳақоратлари учун улардан қасос олишга ҳаракат қилди. Лекин, ҳар нарсага қодир қудратли Парвардигор Ўзининг қувватидан фойдаланиб, Ваджабҳуми аҳолисини ва ҳайвонларни ҳимоя қилди. Бу билан У бутун оламга исботладики, Парвардигорга садоқат билан хизмат қилиб юрган кишининг ҳеч қандай фаришталарни, ҳатто Браҳма ёки Шива сингари буюк фаришталарни ҳам мамнун қилишга уриниб юришининг ҳожати йўқ. мана шу ҳодиса, Парвардигор Кришнанинг Худо Шахси, ягона Парвардигор эканига ва У ҳамиша – ёш бола

пайтида ҳам, етти яшар пайтида ҳам, бир юз йигирма бешга чиққанида ҳам – Парвардигор эканига ҳеч қандай шубҳа қолдирмайди. У ҳеч қачон оддий одамлар билан бир поғонада бўлиб қолмаган ҳатто кексалик пайтида ҳам ўн олти яшар йигитдай кўринган. Парвардигорнинг илоҳий танасининг бошқалардан фарқ қиладиган жиҳатлари шундай.

33. Худо Шахси Ўзининг ширин куйлари билан Вриндаван аҳолисининг хотинларининг эҳтиросларини уйғотиб, Вриндаван ўрмонларида ишқий эрмакларга берилганида, жаннат хазиначиси(Кувера)нинг бадавлат издошларидан бири бўлмиш Шанкхачуда деган иблис уларни ўғирлаб кетди ва бу иши учун Парвардигор унинг бошини танасидан жудо қилди.

Изоҳ: Маъбуд Браҳманинг мазкур шеърда келтирилган гаплари Нарадага қаратилганига ва келажакда, Парвардигор Кришна Ер юзига келганида бўладиган воқеалардан хабар беришига эътибор бериш керак. Ўтмиш, ҳозир ва келажакни билладиган зотларга Кришнанинг эрмаклари маълум, маъбуд Браҳма ҳам ана шундай зотлардан бири бўлгани учун, бу ерда у келажакда нималар бўлишини башорат қиляпти. Парвардигор иблис Шанкхачудани раса-лиладан анча вақт ўтгандан кейин ўлдирган, бу икки воқеа бир вақтнинг ўзиде бўлиб ўтмаган. Аввал ҳам биз бундай ҳолларни учратган эдик: Парвардигорнинг шрмон ёнғинини ўчириши илон Калияни ўлдириши билан бир вақтда бўлган деб айтилган эди, мазкур шеърда эса, худди шундай раса-лила билан Шанкхачуданинг ўлими бир вақтда баён этиляпти. Бу воқеаларнинг ҳаммаси ҳали келажакда, Браҳмаджи Нарада билан суҳбатлашиб турган пайтдан кўп минг йиллардан кейин бўлиб ўтишини эътиборга олсак, ҳаммаси жойига тушади. Парвардигор иблис Шанкхачудани Пхалгуна ойида Ўзининг Хорикадаги эрмаклари пайтида ўлдиради, Ҳиндистонда ҳалигача ҳар йили Парвардигорнинг Хорикадаги эрмаклари арафасида ана шу воқеа шарафига катта маросим ўтказилиби, унда иблис Шанкхачуданинг катта тулупи ёндирилади. Бу байрам ҳамма жойда Холи байрами деб аталади.

Одатда Парвардигорнинг ёки Унинг аватараларининг келажакда бу дунёга келиши ва кўрсатадиган кароматлари муқаддас китобларда башорат қилинган бўлади, шу боис ишончли шастраларда ёзилган гапларни яхши билладиган кишиларни Парвардигорнинг сохта аватаралари алдай олмайди.

34-35. **Праламба, Дхенука, Бака, Кеши, Аришта, Чанура, Муштика, Камса, Йавана, Наракасура ва Паундрака деган иблислар, Кувалайапида деган фил, Шалвага ўхшаган харбий қўмондонлар, Двивида ва Балвала деган маймунлар, Дантавакра, етти хўкиз, Шамбара, Видуратха ва Рукми, шунингдек Камбоджа, Матсйа, Куру, Сриджайа ва Кекайя каби буюк жангчилар Парвардигор Харининг шахсан Ўзи(Шри Кришна) билан ёки, Баладева, Аржун, Бхима номидан ҳаракат қилаётган Парвардигор билан қаттиқ жанг қиладилар. Ана шу иблислар ҳалок бўлганидан кейин эса, Парвардигорнинг Вайкунтҳадаги даргоҳига ёки шахсиз брахмаджйотига қирадилар.**

Изоҳ: Моддий ва руҳий оламдаги мавжуд нарсаларнинг ҳаммаси Парвардигор Кришнанинг турли хил қувватларининг намоён бўлган кўринишларидир. Худо Шахси Баладева – Парвардигорнинг биринчи экспансияси, Бхима, Аржун ва бошқалар – Унинг яқин ҳамроҳлари. Парвардигор бу дунёга ҳар галгидай Ўзининг яқин ҳамроҳлари ва қувватлари билан бирга келди. Шу боис, Парвардигорнинг ҳокимиятига қарши чиққан баъзи бир руҳлар, масалан, мазкур шеърда номма-ном атаб ўтилган иблислар ва ибилисифат одамлар, ё Парвардигорнинг Ўзининг қўлида, ё Унинг ҳамроҳларининг қўлида ҳалок бўлишлари кера кэди. Буларнинг ҳаммаси "Шримад-Бхагаватам"нинг Ўнинчи қўшиғида батафсил баён этилган. Лекин, яхши тушуниб олиш лозимки, юқорида тилга олинган тирик мавжудотларнинг ҳаммаси ё Парвардигорнинг брахмаджйотисига қўшилиб, ё Парвардигорнинг Вайкунтҳалар деб аталадиган салтанатига кириш ҳуқуқига эга бўлиб озодликка эришганлар. Бхишмадева буни "Шримад-Бхагаватам"нинг биринчи қўшиғида тушунтирган эди. Курукшетрада жангда иштирок этганларнинг ҳаммаси, Парвардигорнинг Ўзи билан ёки Баладева билан ёки Парвардигорнинг хизматкорларининг бирортаси билан жанг қилган зотларнинг ҳаммаси ақлининг ажали етган пайтдаги ҳолатига мос келадиган руҳий ҳолатга эришганлар. Кришнани ягона Парвардигор деб биладиган кишилар Вайкунтҳаларга, Уни шунчаки бир қудратли инсон деб биладиганлар эса, Парвардигорнинг шахсиятсиз брахмаджйотисига қўшилиб, озодликка эришганлар. Лекин уларнинг ҳаммаси моддий олам тутқунлигидан озодликка чиққанлар. Агар ҳатто Парвардигорнинг душманларининг тақдирига ана шундай мукофот ёзилган бўлса, Парвардигор билан илоҳий муносабатда

боғланган содиқларнинг тақдири нима бўлишини тасаввур қилиш қийин.

36. Парвардигорнинг Ўзи, Сатйаватининг ўғли(Вйасадева) қиёфасида намоён бўлиб, Ўзи яратган Ведавий битикларни “тафаккури ривожланмаган, умрлари қисқа бўлган одамлар тушуниб олиши учун жуда қийин” деган хулосага келди ва ана шу битикларни ҳозирги(Кали) даври шароитига мослаб, ҳар хил бўлақларга бўлади.

Изоҳ: Мазкур шеърда Браҳма Кали-юганинг умри қисқа одамлари учун мўлжалланган "Шримад-Бхагаватам"нинг яратилиши ҳақида башорат қиляпти. Биринчи қўшиқда айтилганидек, кали даврининг калтафаҳм одамларининг умри қисқа бўлиб қолмасдан, умри давомида имонсиз атеистик жамиятда муқаррар бўлган турли хил муаммоларга дуч келадилар. Моддий табиат қонунларига кўра, моддий қулайликлар яратишга қаратилган илм фан тараққиёти ғофиллик гунасидаги фаолият натижасидир. Илм-фаннинг ҳақиқий тараққиёти – инсоннинг ўзини ўзи, руҳий ўзлигини англаш йўлидаги тараққиётидир. Лекин Кали юга даврида калтафаҳм одамлар адашганидан уларга яшаш учун берилган қандайдир юз(ҳозир ўртача 60, ҳатто 40) йил ўтгандан, яъни ўлгандан кейин ҳаммаси тамом бўлади деб биладилар. Уларнинг ақли жуда чекланган, чунки ҳаёт мангу давом этишини билмайдилар. Улар ўзини ўткинчи, қандайдир қирқ йил мавжуд бўлиб турадиган моддий таналарига қиёслайдилар ва ана шу танасини ўзларининг ҳаётининг асоси деб аниқ ишонадилар. Ана шундай одамларни онги эшак ва хўкизларникидан фарқ қилмайди деб айтадилар. Лекин Парвардигор, - барча тирик мавжудотларнинг меҳрибон отаси – уларга "Бхагавад-гита" ва "Шримад-Бхагаватам" сингари қисқа асарлар кўринишида чексиз ведалар илмини беради. Пураналар ва “Маҳобҳорат” ҳам моддий табиатнинг ҳар хил гуналари таъсири остида юрган одамлар учун мўлжалланган. Лекин бу асарларнинг ҳаммаси ведавий қонун-қоидаларга қатъий мос ҳолда ёзилган.

37. Ведалар илмини мукаммал эгаллаб олган атеистлар, буюк олим Майя ясаган ҳаво кемаларида учиб юриб, коинотнинг турли сайёраларидаги аҳолини қириб ташлаётганида, Парвардигор уларнинг ақлларини хайратда қолдириб, чиройли либосларга ўранган Будда қиёфасида, азалий диний қоидалар(дхарма)га амал қилишдан олдин келадиган қонун-қоидаларни тарғибот қилади.

Изоҳ: Мазкур шеърда таърифланган Будда, Парвардигорнинг аватараси, бизга тарихдан маълум бўлган Будда эмас. Шрила Жива Госвамининг фикрига кўра, бу ерда таърифланган Будда бошқа Кали югада келган. Битта Манунинг умри давомида Ер юзида етмиш икки Кали-юга бўлиб ўтади, уларнинг биттасида мазкур шеърда таърифланган Будда келган. Парвардигор Будда ер юзига одамлар жуда имонсиз бўлиб кетганларида келади ва уларга диннинг асосларини ўргатади. У тарғибот қиладиган ахимса қонуни ҳали диний қонун эмас, лекин бу ҳақиқий диндор одамнинг энг муҳим сифатларидан бири. Бу – соғлом фикр поғонасидаги дин бўлиб, инсонни бошқа ҳайвонларга ва бошқа тирик мавжудотларга зарар етказмасликка ўргатади, чунки охи-окибатда бундай ишларнинг оқибатида барибир унинг ўзига ёмон бўлади. Лекин ахимса қонун-қоидаларини англаб етишдан аввал тақдирга тан беришни(камтарликни) ва манманлик иллатидан халос бўлишни ўрганиш керак. Токи инсон тақдирга тан бермас экан ва манманлик иллатидан халос бўлмас экан, у бошқаларга зулм қилмаслик қоидасига риоя қила олмайди. Бошқаларга зулм ўтказмасликни ўргангандан кейин инсон сабр-тоқатли бўлишга ва соддаликка ўрганиши лозим. Бундан ташқари, буюк дин тарғиботчиларига ва руҳий устозларга чуқур ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, шунингдек, оиласига, уйига бўлган боғланиш туйғуларидан халос бўлиб ва Худога садоқат билан хизмат қилиб, ўзининг сезгиларини жиловлаб олишни ўрганиш керак. Охир-окибатда инсон Худонинг борлигини тан олиши ва Унинг содиқ хизматкори бўлиши керак. бусиз ҳеч қандай дин ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Барча диний қонун-қоидалар бевосита Парвардигор билан боғлиқ бўлиши керак; одоб-ахлоқ қоидалари шунчаки, диний қоидаларни қўллаб-қувватлайдиган қоидалар бўлиб, улар упадхарма, яъни, диний қоидалардан олдин бажариладиган қоидалар деб аталади.

38. Кейин, Кали юга охирида, ҳатто тақводор авлиё саналган кишилар хонадонларида ҳам, уч олий табақага тегишли хонадонларда ҳам Худо ҳақидаги гаплар умуман айтилмай қолганида, ҳокимиятни бошқариш сайлов орқали танланадиган ғофил шудра ёки ундан ҳам пастроқ табақадаги одамлар қўлига ўтиб, қурбонлик маросимини қандай ўтказиш лозимлигини биладиган ҳеч ким қолмаганида Парвардигор олий ҳукмрон - одил жазоловчи (Калка)сифатида намоён бўлади.

Изоҳ: Мазкур шеърда ҳозирги Кали-юга охирида моддий оламнинг қандай даҳшатли шароитларга тушиб қолиши аломатлари санаб ўтилган. Бу шароитларнинг маъноси – имонсизлик. Ўша даврда ҳатто авлиё саналган инсонлар, жамиятнинг одатда двиджа-жанлар, яъни, иккибор туғилганлар деб аталадиган зотлари ҳам имонсиз атеистларга айланиб кетадилар. Улар Худонинг кўрсатган кароматлари нари турсин, ҳатто Унинг муқаддас номларини ҳам эсдан чиқариб юборадилар. Олий табақага мансуб кишилар, яъни, жамият ривожланишига йўналиш берадиган зиёлир, жамиятда тартиб сақлаб турадиган ҳукмдорлар табақаси, жамиятнинг иқтисодий ҳолатига маъсул бўлган ишлаб-чиқарувчилар табақасига мансуб одамлар Парвардигор ҳақидаги илмни яхши билиб олишлари лозим. Улар Парвардигорнинг муқаддас номларини, сифатларини, эрмакларини, ҳамроҳлари ва анжомларини, аватараларини билишлари лозим. Жамиятнинг олий табақасига мансуб одамларнинг ва авлиё зотларнинг обрўси уларнинг танасига мансуб бўлган ижтимоий келиб чиқиши ёки бошқа аломатларига эмас, фақат Парвардигор ҳақидаги илм таттва-джнанадан қанчалик хабардор экани билан ўлчанади. Агар инсон Худо ҳақидаги илмдан беҳабар бўлса, Худога садоқат билан хизмат қилишда амалий тажрибага эга бўлмаса, унинг бошқа барча унвонлари ва уни бошқалардан ажралиб турадиган безаклари шунчаки мурданинг безакларидан фарқ қилмайди. Бутун жамият ана шундай чиройли безатилган мурдалардан иборат бўлса, одамларнинг осойишталикда руҳий юксалишининг иложи бўлмай қолади. Жамиятнинг олий табақаларида таълим-тарбиянинг етишмаслиги уларга двиджа-жанлар, иккибор туғилганлар деб аталиш ҳуқуқини бермайди. Бу буюк асар саҳифаларида иккинчи бор туғилишнинг қанчалик муҳим экани бир неча бор айтилди, мазкур шеърда ҳам, яна таъкидлаб айтяптики, ота ва онанинг жинсий алоқасининг натижаси бўлган туғилиш шунчаки ҳайвоний туғилишдир. Агар шундай туғилишдан кейин инсоннинг ҳаёти фақат еб-ичиш, ухлаш, ўзини ҳимоя қилиш ва жинсий алоқадан иборат бўлса, агар унинг ҳаёти руҳий маданиятнинг илмий қоидалари асосида қурилмаган бўлса, бундан одамнинг ҳаёти шудраларнинг ёки ғофил банданинг ҳаёти деб аталади.

Мазкур шеърда айтилганки, Кали-югада давлат ҳокимияти ишчилар синфининг имонсиз ғофил вакиллари қўлига ўтади, нридевалар(вазир) лавозимини эса, вришалалар, яъни жамиятнинг паст қатламларидан чиққан одамлар эгаллайди. Қуйи табақаларига мансуб, таълим-тарбия олмаган имонсиз одамлардан

иборат бўлган жамиятда на тинчлик, на фаровонлик бўлиши мумкин эмас. Ана шундай маданиятсиз ижтимоий ҳайвонлар аломатларини ҳозирги жамиятда ҳар қадамда учратиш мумкин. жамият раҳбарларининг бурчи – бунга эътибор бериш ва жамиятда иккибортуғилганлар маданиятини, яъни Худонинг илмини англаб етган кишилар амал қиладиган қонун-қоидаларни қайта-тиклаб, вазиятни тўғрилаб олишга ҳаракат қилишдан иборат. Бутун жаҳон бўйлаб "Шримад-Бхагаватам" маданиятини кенг тарқатиш орқали бунга эришиш мумкин. инсонлар жамияти бутунлай тубанликка юз тутганида, Парвардигор Калки қиёфасида келиб, барча иблисларни шафқатсиз равишда яқсон қилади.

39. Риёзат, мен(Брахма) ва зурёд қолдирувчи буюк донишмандлар - Пражапатилар яратиш азалидан мавжуд. Кейинрок, оламнинг мавжудлигини таъминлаш жараёнида Парвардигор Вишну, бошқариш ваколати берилган фаришталар ва хар хил сайёраларнинг ҳукмдорлари фаолият кўрсатадилар. Лекин, замон охирида коинотда имонсизлик хумрон бўлади, шунда маъбуд Шива ҳамда у билан бирга қутурган имонсиз-иблислар келадилар. Уларнинг ҳаммаси Олий ҳукмдор – Парвардигорнинг қувватларининг намоён бўлган турли хил кўринишларидир.

Изоҳ: Моддий олам Парвардигор қуввати билан яратилади, Унинг бу қуввати оламнинг яратилиши бошида коинотдаги биринчи тирик мавжудот Браҳманинг риёзатида намоён бўлади. кейин, буюк донишмандлар деб аталадиган тўққиз Праджапати пайдо бўлади. оламнинг мавжудлигини таъминлаб туриш даврида олам Парвардигор Вишнуга садоқат билан хизмат қилиш, яъни ҳақиқий дин ҳамда кўп сонли фаришталар ва турли сайёраларнинг ҳукмдорлари шарофати билан мавжуд бўлиб туради. Охир замон яқинлашган сари аввалига оламда имонсизлик ҳукм суради, кейн маъбуд Шива ўзининг қутурган имонсиз иблислардан иборат ҳамроҳлари билан келади. Лекин буларнинг ҳаммаси Парвардигорнинг намоён бўлган турли хил кўринишларидир. Браҳма, Вишну ва Махадева(Шива) моддий табиат гуналарининг тимсолларидир. Вишну – эзгулик гунаси тимсоли, Браҳма – эҳтирос гунасининг, Шива – ғафлат гунасининг тимсоли. Охир-оқибатда моддий олам – моддий қувват алдовига учиб қолган шартланган руҳларга озодликка чиқиш имкоинини бериш учун яратилган вақтинча намоён бўлган оламдир. Парвардигор Вишнунинг паноҳи остига кирган ва ўзида

эзгулик гунасини ривожлантиришга ҳаракат қилиб юрган кишининг моддий олам тутқунлигидан қутулишга бўлган имконияти анча кўп бўлади. Вайшнавларнинг қонун-қоидаларига амал қилиб, шундай инсон мусибатларга тўла бу дунёда қайтиб туғилмаслик учун Парвардигор салтанатида кириш имконига эга бўлади.

40. Вишнунинг улуғворлигини ким ҳам таърифлай оларди? Агар бу ишга коинотдаги барча атомлар сонини биладиган олим қўл урса, ҳатто у ҳам уддасидан чиқолмаган бўларди. Ахир, Ўзининг Тривикрама қиёфасида, коинотнинг барча сайёралар тизимини уч қадамда босиб ўтиб, оёғи коинотнинг энг олий сайёраси - моддий табиатнинг уч гунаси таъсир қилмайдиган Сатйалокага осонликча етган ҳам Парвардигорнинг Ўзику! Ана шу ҳодиса барчани хайратга солиб қўйган эди.

Изоҳ: Дунёвий илм-фаннинг энг юксак ютуғи атом энергиясини кашф этганидир. Лекин дунёвий олимлар коинотдаги атомлар сонини аниқлай олмадилар. Лекин кимдир барча атомларни санашга ёки худди кўрпа сингари осмонни бир жойга тўплай олишга қодир бўлса ҳам, барибир у Парвардигорнинг буюклигини ва улуғворлигини ўлчамай олмаган бўларди. Уни Тривикрама деб атайдилар, чунки У Вамана қиёфасида намоён бўлиб, оёғини коинотнинг энг юқорида жойлашган сайёралар тизими бўлган Сатъялока устидан узатиб, моддий табиат гуналари нейтрал ҳолатда бўладиган жойига, моддий оламнинг қобиғи деган жойга етказди. Моддий осмон устида етти моддий қатлам жойлашган, Парвардигор(нинг оёғи) ҳатто уларнинг ҳаммасини ҳам ёриб зтган эди. Оёғининг бош бармоғи билан Уўша қатламларда тешик ҳосил қилди, ана шу тешик орқали абаблар уммонининг сувлари моддий оламга кириб кела бошлади. Ана шу сув оқими муқаддас Ганга дарёси деб ном олди ва унинг сувлари бутун уч олам сайёраларини поклаб туради. Бошқача қилиб айтганда, илоҳий қудратга эга бўлган Вишнунинг рақобатчилари бўлиши мумкин эмас. У ҳар нарсага қодир, Унга тенг келадиган ёки Ундан буюқроқ бўлган ҳеч ким йўқ.

41. Менинг ўзим ҳам, сенгача туғилган буюк донишмандлар ҳам, Худо Шахсини охиригача англаб ета олмаймиз. Шундай экан, биздан кейин туғилганлар ҳақида нима дейиш мумкин? Ҳатто Парвардигорнинг биринчи намоён бўлган қиёфаси - Шеша ҳам, гарчи минг оғзи билан Парвардигорнинг

сифатларини бетиним таърифлаётган бўлса ҳам, бу илмнинг охирига ета олмаяпти.

Изоҳ: Ҳар нарсага қодир Худо Шахсининг қуввати уч турли асосий кўринишда - ички, ташқи ва оралиқ қувват намоён бўлади ва уларнинг ҳар бири ўз навбатида сон-саноксиз равишда кўп бўлган кўринишларга эга. Шундай қилиб, Парвардигорнинг қувватларининг намоён бўлган кўринишларининг ҳаммасини ҳисоблаб чиқа олмайди, чунки, гарчи Шеша киёфасида ҳатто Ўзининг минглаб оғизлари билан улрни олқишлаётган бўлса ҳам, Парвардигорнинг Ўзи ҳам ана шу қувватларни ўлчай олмайди.

42. Аммо, Парвардигорга холис хизмат қилишга ўзини бутунлай бахшида қилган ва шу туфайли Худо Шахсининг алоҳида марҳаматига сазовор бўлган одам, ўтиб бўлмас ғафлат уммонини кечиб ўтиб, Парвардигорни англаб ета олади. Лекин, охир-оқибатда иту-бўриларга ем бўлиб кетадиган ўзининг ўткинчи танасига боғланиб қолган кишилар бунга қодир эмаслар.

Изоҳ: Парвардигорнинг соф, асл содиқлари Унинг улуғворлигини англаб етганлар, улар Парвардигор қанчалик буюк ва Унинг қувватларининг намоён бўлган кўринишлари қанчалик чексиз эканини тушунадилар. Лекин ўзининг ўлимга маҳкум бўлган танасига боғланиб қолган кишилар учун амалда Худо ҳақидаги илм эшиклари ёпиқ. Тирик мавжудотнинг “мен”и билан унинг моддий танаси бир нарса деган ғоя, тасаввурга асосланган имонсизлар оламида бу илм нотаниш. Ўзининг моддий танасини, болаларининг, қариндошларининг, ватандошларининг таналарини зарур нарсалар билан таъминлаш учун дунёвий одам туну-кун тиним билмасдан меҳнат қилади. Дунёвий одамлар сиёсат соҳасида, ўз мамлакати ва бутун жаҳон доирасида турли хил инсонпарварлик ва эзгу ишлар билан машғул бўладилар, лекин уларнинг фаолиятларининг бирортаси моддий тана билан рухий табиатга эга бўлган жон бир нарса деган сохта таълимот доирасидан четга чиқмайди. Демак, токи, инсон тана билан рухнинг табиати ҳақидаги сохта тасаввурлардан халос бўлмас экан, у Худони англаб ета олмайди. Токи жамиятда Худо ҳақида ҳақиқий илм бўлмас экан, моддий тараққиёт қанчалик юкса ривожланмасин, уни барибир инсониятнинг таназзули деб ҳисоблаш керак.

43-45. Эй Нарада, Парвардигорнинг қувватлари бениҳоя ва англаб бўлмас, аммо

бизлар Унга ихтиёримизни бутунлай топшириб қўйган зот(рух)лар бўлганимиз учун, Унинг йогамайя қувватлари ёрдамида қандай ҳаракат қилиши бизга аён. Парвардигорнинг қувватлари ҳақидаги имлни қудратли Шива, Прахлада, Свайамбхува Ману, унинг хотини Шатарупа, ўғил ва қизлари(Прияврата, Уттапанана, Акути, Девахути ва Прасути), Прачинаярхи, Рибху, Анга(Венанинг отаси), Маҳараж Дхрува, Икшваку, Аила, Мучукунда, Маҳараж Жанака, Гадҳи, Рагху, Амбариша, Сагара, Гайа, Нахуша, Мандхата, Аларка, Шатадханве, Ану, Рантидева, Бхисма, Бали, Амуртгарайа, Дилипа, Саубхари, Утганка, Шиби, Девала, Пиппалада, Сарасвата, Уддхава, Парашара, Бхуришена, Вибхишана, Хануман, Шукадева Госвами, Аржун, Ариштишена, Видура, Шрутадева ва бошқалар ҳам биладилар.

Изоҳ: Мазкур шеърда айтилганки, Парвардигорнинг ўтмишда яшаб ўтган, ҳозирги даврда яшаётган, шунингдек, келажакда дунёга келадиган барча содиқлари Парвардигорнинг хилма-хил қувватларини, шу жумладан Унинг номларининг, сифатларининг, эрмақларининг, ҳамроҳларининг, шахсининг қувватларини биладилар. Улар бу илмга қандай эришганлар? Албатта, фалсафий изланишлар ёки билим олишнинг чекланган воситалари орқали эмас. Билим олиш воситалари(моддий сезгилар, микроскоплар, телескоплар ва ҳок.) ёрдамида ҳатто Парвардигорнинг моддий қувватининг ўз кўзларимиз билан кўриб турган намоён бўлган кўринишларини охиригача англаб етиб бўлмайди. Масалан, коинотда миллион-мллион сайёралар бор, лекин дунёвий олимлар ҳатто уларнинг сонини ҳам билмайдилар. Бу сайёралар – Парвардигорнинг моддий қувватининг намоён бўлган кўринишлари. Шундай экан, улар қўлларидаги моддий воситалар ёрдамида Парвардигорнинг рухий қуввати ҳақида нимани ҳам билиб олардилар? Уларнинг барча гиптоеза ва “агар”, “мумкин” деган иборалар билан тўла фикр-мулоҳазалари бизларга Парвардигорнинг рухий қувватини англаб етишда ёрдам бера олмайди. аксинча, ҳақиқатни бундай ақлий изланишлар ёрдамида излашдан одамларнинг Худони излашдан ҳафсаласи пир бўлишига ва Худо йўқ деган хулосага келиб, Уни умуман изламай қўйишига олиб келади. Шу боис, соғлом фикрли киши ўзининг арзимас даражадаги фикрлаш қобилиятидан ташқарида бўлган нарсалар ҳақида ҳатто фикр юритишни ҳам истамайди, бунинг ўрнига фақат ўз ихтиёрини Худога қандай топшириш мумкинлигини ўрганади,

чунки фақат Парвардигорнинг Ўзи инсонга ҳақиқий илм ато этиши мумкин. Упанишадаларда аниқ айтилганки, на тер тўкиб оғир меҳнат қилиш, на ақлий изланишлар, на фалсафий фикрлашлар, на софистика, бизга Худонинг Олий Шахсини англаб етишда ёрдам бера олмайди. Парвардигорни фақат ўз ихтиёрини бутунлай Унга топширгина зотларгина англай оладилар. Мазкур шеърда ана шу ҳақиқатни моддий оламдаги тирик мавжудотлар ичида энг буюги бўлган маъбуд Брахма тан оляпти. Шунинг учун одамлар Худони тажриба йўли билан англаб етишга бекорга уринишни тарк этишлари лозим. Парвардигорни англаб етиш учун инсон Унга ўзини топшириши ва мана шу шеърда санаб ўтилган ишончли зотларнинг гапларини ҳақиқат деб тан олиши лозим. Парвардигор бениҳоя, шу боис У ўз ихтиёрини Унга топширган кишига Ўзининг йогамайя қуввати ёрдамида шу зот ўзини Унга қанчалик топширганига мос равишда Уни англаб етишда ёрдам беради.

46. Ўз ихтиёрини бутунлай топширган зотлар, хатто улар гуноҳкор осийлар - аёллар, шудралар, тоғликлар ва сибирлик(чукча)лар ва хатто қушлару-хайвонлар тоифасидан бўлсалар ҳам, - агар, Худога садоқатли хизмат қилиш йўлига кириб, Унинг асл содиқларига ўзларини топшириб, уларнинг изидан борсалар, Парвардигор ҳақидаги илмни эгаллай оладилар ва бу алдамчи қувват чангалидан озодликка чиқа оладилар.

Изоҳ: Баъзан одамлар қандай қилиб ўз ихтиёрини Худога топшириш мумкинлиги ҳақида савол берадилар. "Бхагавад-гита"(18.66)да Парвардигор Аржундан ўз ихтиёрини бутунлай Унга топширишни илтимос қилади, Парвардигорнинг ана шу маслаҳатига кулоқ солишни истамайдиган кишилар Худо қаерда, биз ўз ихтиёримизни кимга топширишимиз керак, деб савол берадилар. Мазкур шеърда ана шундай саволларнинг ҳаммасига батафсил жавоб берилган. Биз Худо Шахсини албатта ўз кўзимиз билан кўришимиз шарт эмас, лекин агар биз ҳақиқатан ҳам Парвардигор бизни тўғри йўлга бошлашни самимий истасак, У бизга Ўзининг ҳақиқий вакилини юборади, Унинг ана шу вакили бизни ўз уйимизга, Худонинг даргоҳига олиб боради. Руҳий ўзликни англаш йўлидан боришда муваффақиятга эришиш учун моддий жиҳатдан тайёр бўлиш шарт эмас. Моддий оламда бирор фаолият билан шуғулланиш учун инсонда шунга мос ҳунар, қобилият, хусусият керак бўлади. Ана шундай нарсаларга эга бўлмаган киши бундай фаолият учун яроқсиз ҳисобланади. Лекин

Худога садоқат билан хизмат қилиш учун фақат бир нарса – ўз ихтиёрини Унга топшириш талаб қилинади. Ўз ихтиёрини Худога топшириш ҳар кимнинг қўлидан келади, бу фақат инсоннинг ўзига боғлиқ. Агар истаса инсон бир зумда ўзини Худга топшириши мумкин, шунда айнан шу вақтдан унинг руҳий ҳаёти бошланади. Парвардигорнинг ҳақиқий вакили амалда Парвардигорнинг Ўзи билан бир поғонада туради. Бошқача қилиб айтганда, Парвардигорнинг қалби меҳрга тўла вакили хатто Парвардигорнинг Ўзидан ҳам марҳаматлироқ, чунки унга яқинлашиш осонроқ. Гуноҳкор одам Парвардигорнинг Ўзига яқинлаша олмайди, лекин у Худонинг асл содиғига яқинлаша олади. Агар у Парвардигорнинг ана шундай асл содиғини ўзининг руҳий устози деб қабул қилса, у Худо ҳақидаги илмни ўргана олади ва охир оқибатда унинг ўзи ҳам Худонинг ана шу илоҳий содиқ хизматкоридай бўлади. Шундай қилиб, у ҳам ўз уйига, Парвардигорнинг мангу бахт ҳукм сурадиган салтанатига эришиб озодликка чиқади.

Шундай қилиб, ҳақиқатан ҳам шунга самимий интилаётган киши учун Худо ҳақидаги илмни англаб етиш ва бу дунёда тирикчилик учун бемаъни кураш олиб боришни тарк этишнинг қийин жойи йўқ. Лекин ўз ихтиёрини Худога топширишни истамайдиган ва бундан кўра ҳеч қандай фойда бермайдиган фалсафий изланишлар билан шуғулланишни афзал кўрадиган кишилар учун Худони англаб етиш жуда қийин бўлади.

47. Мутлақ Брахман кўринишида англаб еитладиган Зот чексиз лаззатга тўла, бу лаззатга қайғунинг сояси ҳам яқинлаша олмайди. Бу албатта, олий лаззатланувчи бўлган Худо Шахсининг олий кўринишидир. У ҳамиша хотиржам, кўрқув нималигини билмайди. Моддадан фарқ қилган ҳолда, У мукамал онг тимсолидир. Моддий қарама-қаршиликларга эга бўлмаган ҳолда У мутлақо пок, барча сабаб ва оқибатларнинг азалий, олий сабабчисидир. Унда натижасидан лаззатланиш ниятида ўтказиладиган қубонликларга ўрин йўқ, Унга ташқи алдамчи қувват таъсир ўтказа олмайди.

Изоҳ: Олий лаззатланувчи, Худо Шахси – Олий Брахман, суммум бонум(олий саодат), чунки У – барча сабаблар сабабчиси. Шахсиятсиз Брахманни англаб етиш – Мутлақ Зотни англаб етиш йўлидаги биринчи қадам, холос, ва у аслида алдамчи моддий олам тушунчасининг антитезасидир. Бошқача қилиб айтганда,

шахсиятсиз Браҳман – худди зулматнинг қарама-қарши кўриниши нур бўлгани сингари, Мутлақ Ҳақиқатнинг моддий оламнинг ранг-баранглигига қарама-қарши далил сифатида келтирилган жиҳати, холос. Лекин нур турли хил рангли нурлардан таркиб топган, аммо буни фақат нурнинг табиатини чуқурроқ тушунадиган зотлар кўра олади. Демак, Браҳманни англаб етишнинг олий поғонаси – Браҳман нурининг манбаини, яъни, суммум бонум, бутун борлиқнинг бошланғич манбаи бўлган Худонинг Олий Шахсини англаб етишдир. Шундай қилиб, Худо Шахсини англаб етиш, айни пайтда, аввалига моддий иллатнинг антитезаси сифатида англаб етиладиган шахсиятсиз Браҳманни англаб етишни ҳам назарда тутати. Худо Шахсини англаб етиш – Браҳманни англаб етишнинг учинчи поғонаси. “Шримад-Бхагаватам”нинг биринчи кўшиғида тушунтирилганидек, инсон Мутлақ Ҳақиқатнинг уч жиҳатининг ҳаммасини англаб етиши лозим. Браҳман, Параматма ва Бхагаван.

Прадибодха-матрам – моддий борлиқнинг минус белгиси, яъни унга қарама-қарши тасавури. Моддий оламда ҳаёт моддий мусибатлар билан бирга бўлади, шу боис Браҳманни англаб етишнинг биринчи поғонасида инсон моддий иллатнинг барча кўринишларини инкор этади ва туғилиш, ўлиш, кексалик ва касаллик мусибатларига қарама-қарши бўлган мангу ҳаётни тасаввур, ҳис қила бошлайди. Шахсиятсиз Браҳманни англаб етиш, умуман олганда, мана шундан иборат.

Парвардигор бутун борлиқнинг Олий Руҳи, шу боис Худони англаб етишнинг юкори босқичларида инсон қалбида Унга нисбатан муҳаббат туйғуси уйғонади. Руҳлар бир бири билан ўзаро муносабатга кириша бошлаши туфайли муҳаббат юзага келади. Ота ўғлини севади, чунки ўғли билан ўзаро яқин муносабатда. Лекин моддий оламда бундай муносабатлар иллатларга тўла. Лекин инсон Худо Шахси билан учрашганида, у кодир бўлган муҳаббат ўзини тўла равишда намоён этади, чунки руҳ билан Парвардигор орасидаги ўзаро муносабатлар ҳақиқий муносабатлардир. Худога муҳаббат туйғуси инсоннинг моддий танасининг ёки ақлининг ўзгаришларига боғлиқ эмас. Парвардигор – барча тирик мавжудотлар севиши учун мавжуд бўлган тўла-бутун, табиий, аниқ-равшан, бенуқсон пок Зот, чунки У – ҳар кимнинг қалбида мавжуд бўлган Олий Рух, Параматмадир. Тирик мавжудот руҳий озодликка эришганида унинг қалбидаги Худога муҳаббат туйғуси мукамалликка эришади.

Бу муҳаббат шунга олиб келадикки, унинг қалбида мангу бахтнинг туганмас манбаи отилиб чиқа бошлайди, бу бахтга, “тугаб қолади” деган

кўркув туйғуси таъсир қилмайди. Моддий оламдаги ҳар қандай бахтни ана шундай кўркув туйғуси хиралаштириб қўяди. Парвардигор билан ўзаро муносабатлар ҳеч қачон узилиб қолмайди, шунинг учун бу муносабатларни на кўркув, на мусибат хиралаштира олмайди. Бу муҳаббатни сўз билан ифодалаб бўлмайди, қурбонликка асосланган ҳеч қандай кармали фаолият инсонга бундай бахт келтиришга кодир эмас. Лекин шуни тушуниш лозимки, мазкур шеърда айтилганидек, Худонинг Олий Шахси билан ўзаро муносабатлар келтирадиган мана шу туганмас бахт Парвардигорнинг Упанишадаларда айтилган шахсиятсиз жиҳатидан устун туради. Упанишадалар келтирилган Худо ҳақидаги тушунча асосан Худо ҳақидаги моддий тушунчаларни инкор этишдан иборат, лекин бу ҳали Парвардигорнинг илоҳий сезгилари, ҳис-туйғулари йўқ дегани эмас. Мазкур шеърда, моддий унсурлар билан руҳ орасидаги фарқни ифодалаш билан ана шу ҳақиқатни тасдиқлайди. Парвардигорнинг сезгилари илоҳий табиатга эга ва ўзини моддага қиёслаш билан булганмаган. Озодликка эришган зотларда ҳам сезгилар, ҳис туйғулар бор, чунки, акс ҳолда улар билан Парвардигор орасида чексиз руҳий лаззатга ва туганмас табиий шодликка тўла ўзаро муносабатлар юзага кела олмаган бўларди. Парвардигорнинг ва Унинг содиқларининг барча сезгилари моддий иллат билан булганмаган пок, чунки уларга моддий сабаб ва оқибатлар қонуни таъсир қилмайди, бу ҳақда мазкур шеърда аниқ айтилган(сад-асатаҳ парам). Алдамчи моддий қувват Парвардигор ва Унинг содиқларидан уялган ҳолда, уларга яқинлаш олмайди. Моддий оламда сезгилар фаолияти ҳамиша муқаррар мусибатлар билан хиралшиб қолади, лекин бу ерда аниқ айтилганки, бундан Парвардигорнинг ва Худонинг содиқларининг сезгилари бундан мустасно. Руҳий сезгилар моддий сезгилардан тубдан фарқ қилади, моддий тасаввурлардан келиб чиққан ҳолда уларнинг мавжудлигини инкор қилиш ўрнига биз буни яхши тушуниб олишимиз лозим.

Моддий оламда сезгилар моддий ғофиллик билан қопланган, мўътабар зотлар бизга уларни моддий тасаввурлардан поклаш учун бор кучимизни ишга солишни маслаҳат берадилар. Моддий оламда сезгилардан фақат ўзини лаззатлантириш учун фойдаланилади, руҳий оламда эса, улардан Парвардигорни мамнун қилиш йўлида фойдаланилади. Сезгилар аслида тирик мавжудотга шунинг учун берилган. Сезгиларнинг ана шундай фаолияти табиий, шу боис моддий иллат покланган руҳий сезгиларнинг Худога садоқат билан хизмат қилишдан лаззатларини хиралаштира олмайди.

Бундай лаззатларни икки илоҳий зот ҳам тенг ҳис қилади. Бундай фаолият келтирадиган бахт чексиз ва ҳамиша кучайиб боргани сабабли, бундай фаолият билан шуғулланиб юрган кишида ўзининг моддий сезгиларини лаззатлантириш учун сунъий йўллардан фойдаланишга зарурат қолмайди. Илоҳий табиатга эга бўлган ана шундай бахт браҳма-саукхйам деб аталади ва "Шримад-Бхагаватам"нинг бешинчи қўшиғида батафсил таърифланади.

48. Ана шундай илоҳий ҳолатга эришган кишининг, гьяна ва йогалар сингари, ақлини сунъий равишда назорат қилишга уринишига, фалсафий изланишларга берилишига ҳамда чуқур муроқаблага берилиб юришига ҳожат йўқ. Худди, осмон шоҳи Индранинг қудуқ қазиб сув излашига ҳожат бўлмагани сингари, бундай (Худони англаб етган) инсонга ҳам, бу ишларнинг мутлақо кераги йўқ.

Изоҳ: Худди сувга муҳтож бўлган камбағал киши барча қийинчиликларга бардош бериб қудуқ қазигани сингари, илоҳий илм ўрганишининг қуйи босқичларида юрган кишилар ҳам ўз сезгиларини ижловлаб олишга уриниб, фалсафий фикр-мулоҳазаларга ёки муроқаблага бериладилар. Лекин улар, Худонинг Олий Шахсига илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиш орқали инсон бир вақтнинг ўзида руҳий баркамолликка ҳам, сезгиларини ижловлай олишга ҳам эриша олишини билмайдилар. Айнан шу сабабли озодликка эришган буюк зотлар ҳам Парвардигорнинг кароматлари ҳақида тинглашни ва уларни шарафлаб қуйлашни истайдилар. Бу ерда Индра жуда ўринли мисол келтирилган. Жаннат шоҳи Индра – коинотдаги барча сайёраларида булутлар ҳаракатини бошқарадиган ва ёмғир ёғиши учун маъсул бўлган фаришта, шу боис у ўзини сув билан таъминлаши учун қудуқ қазиб юришининг ҳожати йўқ. Агар у сув топиш учун қудуқ қазий бошласа, бу шунчаки кулгили туюларди. Худди шундай, ҳақиқатан ҳам Худого садоқат билан хизмат қилиб юрган киши ҳаётнинг олий мақсадига эришган бўлади: уларнинг Парвардигорнинг ва Унинг кўрсатган кароматларининг асл табиатини англаб етиш учун фалсафий фикр-мулоҳаза юритишларига ҳожат йўқ. Асл содиқлар ҳақиқатан ҳам Парвардигорга илоҳий муҳаббат билан хизмат қиладилар, демак, фалсафий изланиш ва муроқабалар натижасига улар аллақачон эришганлар. Шундай қилиб, инсон ҳаётининг ҳақиқий баркамоллиги Парвардигорга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишда.

49. Худо Шахси барча бахт-саодатларнинг олий эгасидир, чунки, тирик мавжудотни моддий ва руҳий ҳаётида қилган барча ишларининг натижаси билан айнан Унинг Ўзи мукофотлайди. Демак, У - энг олий саодатманддир. Ҳар бир тирик жон - аджа, туғилмаган, мангу мавжуддир, шунинг учун ҳатто моддий тана ўлгандан кейин ҳам, тана ичидаги мавжуд ҳаво сингари, тирик мавжудотнинг ўзи мавжуд бўлиб қолаверади.

Изоҳ: Тирик мавжудот туғилмайди, ўлмайди ва "Бхагавад-гита"(2.30)да айтилганидек, ҳатто моддий унсурлардан таркиб топган танаси ҳалок бўлгандан кейин ҳам йўқолиб кетмайди. Тирик мавжудотнинг моддий фаолият жараёнида амалга оширадиган ҳар қандай иши албатта у ёки бу оқибатларга олиб келади, шу боис тирик мавжудот ўзи қилган ишларнинг оқибат ва натижаларига кейинги ёки ҳатто ҳозирги ҳаётида дучор бўлади. Худди шундай тирик мавжудотнинг руҳий фаолияти ҳам ўз натижасини беради: бунга мукофот сифатида Парвардигор тирик мавжудотга озодликнинг беш туридан биттасини ато этади. Худонинг Олий Шахсининг марҳаматисиз ҳатто имперсоналист ҳам ўз мақсадига эриша олмайди – Парвардигорнинг борлиғига қўшилиб кета олмайди. "Бхагавад-гита"(4.11)да айтилганки, инсон бу ҳаётида нимага интилиб юрган бўлса, Парвардигор уни шу ниятига эриштиради. ("Ниятинг – йўлдошинг"). Тирик мавжудотларга танлаш эркинлиги берилган, Парвардигор ҳар кимни қилган ишларига қараб мукофотлайди. Шу боис, олдида қўйган мақсадига эришишни истаган киши – бу мақсад қандай бўлишидан қатъий назар, - садоқат билан фақат Худо Шахсига сажда қилиши лозим. Фикр-мулоҳазаларга ёки муроқаблага берилиш ўрнига имперсоналист бевосита Худого сиғиниши мумкин, шунда у ҳам осонлик билан ўз мақсадига эришади.

Лекин Худонинг содиқларини, имперсоналистлар интилиб юрганидай, Парвардигорнинг борлиғи билан қўшилиб кетишдан кўра, Унинг Ўзи билан бирга бўлиш кўпроқ қизиқтиради. Шу боис Худонинг содиқлари ўзларининг табиий мойиллигига мос равишда ўзлари интилиб юрган мақсадга эришадилар – Парвардигорнинг хизматкори, дўсти, қариндоши ёки севгилиси бўладилар. Худого садоқат билан хизмат қилиш ўз ичига Парвардигор ҳақида тинглаш ва тақрорлашдан бошланадиган тўққиз турли илоҳий жараённи олади. Худого садоқат билан хизмат қилишнинг оддий ва табиий усулидан фойдаланиб, Худонинг содиқлари Браҳманнинг борлиғига

қўшилиб кетишдан анча устун турадиган олий баркамолликка эришадилар. Шу боис, Худонинг содиқлари Парвардигорнинг табиати ҳақида фалсафий фикр-мулоҳазаларга берилиб ёки инсон учун ғайритабиий бўлган бўшлиққа муроқабани қилиш билан шуғалланиб юришларининг мутлақо ҳожати йўқ.

Лекин, ҳозирги танаси ҳалок бўлгандан кейин тирик мавжудот Парвардигор билан бевосита мулоқотда бўлиш имконини берадиган бошқа тана олмайди деб ўйламаслик керак. Тирик мавжудот – аджа, туғилмаган. Тирик мавжудот унинг моддий танаси дунёга келганида пайдо бўлади деб ўйламаслик керак. Аксинча, унинг моддий танаси тирик мавжудотнинг истаги билан ривожлана бошлайди. Тананинг ривожланиши тирик мавжудотнинг истақларига боғлиқ бўлади. Унинг истақлари моддий танани шакллантиради. Шундай қилиб, руҳий табиатга эга бўлган жон ҳаёт кучи яратадиган моддий танани юзага келтиради. Тирик мавжудот мангу бўлгани учун у ҳам худди ҳаво сингари тана ичида мавжуд. Тана ичида ҳам, ундан ташқарида ҳам ҳаво бор. Шу боис, ташқи парда(моддий тана) яқсон бўлганида, худди тана ичидаги ҳаво сингари мангу тирик жон яшашда давом этаверади. Парвардигор барча тирик мавжудотларнинг олий саодатманди бўлгани учун Унинг амри билан тирик мавжудот шу захотиёқ унга руҳий оламда Парвардигор билан бирга бўлиш имконини берадиган танага эга бўлади. бунда Парвардигор тирик мавжудотга руҳий озодликнинг тўрт туридан биттасини ато этади: сарупйа(Парвардигорники сингари танага эга бўлиш), салокйа(Парвардигор билан бир сайёрада яшаш имконияти), саришти(Парвардигор сингари бойликларга эга бўлиш) ва самипйа(Парвардигор билан бирга юриш).

Парвардигор шунчалик меҳрибонки, ҳатто содиқ хизматкор ҳозирги ҳаётида поклигини сақлаб, моддий нарсалар билан бирга юрганидан булғанмасдан, Худога садоқат билан хизмат қилишда баркамолликка эриша олмай қолса ҳам, кейинги ҳаётида унга Худога садоқат билан хизмат қилиш билан машғул бўлиш имконияти берилади – моддий тирикчилик учун курашда иштирок этиб юрмасдан ҳаётини тўла поклаш ва танаси ҳалок бўлгандан кейин ўзининг уйига, Худонинг даргоҳига эриша олишўи учун у Худонинг содиқларининг ёки бадавлат хонадонда туғилади. Бу "Бхагавад-гита"да ҳам тасдиқланади.

Булар ҳақида “Бхагават-сандарбха” асарида Шрила Жива Госвами Прабхупада батафсил баён этган. Аввалги шеърни изоҳлаганда айтганимиздек, бир марта руҳий оламга эришган Худонинг содиқ хизматкори шу жойда мангу қолади.

50. Ўғлим, мен сенга намоён борлиқни яратувчи Худонинг Олий Шахсини қисқача таърифлаб бердим. Бу моддий ва руҳий олам мавжудлигининг Парвардигор Харидан бошқа ҳеч қандай сабаби йўқ.

Изоҳ: Одатда биз фақат ўткинчи, моддий олам ва унга ҳукмронлик қилишга уриниб юрган шартланган руҳларни биламиз, шу боис маъбуд Брахма Нарадага тушунтиряптики, ўткинчи моддий оламни Парвардигорнинг ташқи қуввати яратиш қўйибди, унда тирикчилик учун курашиб юрган шартланган руҳларни эса, Худо Шахсининг, Парвардигорнинг оралиқ қуввати яратган. Биз моддий оламда кўриб юрган бутун фаолиятнинг ягона сабабчиси – Ўша, Хари, барча сабабларнинг ягона бошланғич сабабчиси бўлган ягона Парвардигор. Лекин бу дегани, Парвардигорнинг Ўзи фақат шахсиятсиз кўринишда мавжуд дегани эмас. Парвардигор Ўзининг ташқи ва оралиқ қувватларининг ўзаро ҳаракатларидан ташқарида туради. "Бхагавад-гита"(9.4)да айтилганки, Парвардигор ҳамма жойда фақат Ўзининг қувватлари ёрдамида иштирок этади. оламдаги намоён бўлган нарсаларнинг ҳаммаси Унинг қувватларида жойлашган, лекин У, Худонинг Олий Шахси сифатида ҳаммаша бутун борлиқдан ташқарида туради. Қувват ва қувват манбаи бир вақтнинг ўзида бир ва бир биридан фарқ қилади.

Худди мамлакатда қамоқхоналар мавжудлиги учун шохни айблаб бўлмагани сингари, мусибат ва азоб-уқубатларга тўла бу оламни яратгани учун Парвардигорни айблаб бўлмайди. Қамоқхона – давлат тизимининг таркибий қисми бўлиб, у давлат қонунларига бўйсунмайдиган кишилар учун мўлжалланган. Худди шундай, мусибатларга тўла моддий олам ҳам, Худони эсдан чиқариб қўйган ва алдамчи оламга ҳукмронлик қилишга уриниб юрган одамлар учун мўлжалланган Парвардигорнинг вақтинча яратган оламидир. Лекин Парвардигор ҳаммаша ана шу адашган зотларни ўз уйига, Худонинг даргоҳига қайтаришга интилади, шунинг учун У шартланган руҳларга бунинг учун барча имкониятларни яратиш беради: уларга ишончли муқаддас китоблар нозил қилади, Ўз вакиллари юборади, турли киёфаларда Ўзи бу дунёга келади. Парвардигор моддий оламга бевосита боғланмагани учун моддий оламни яратишда Уни айбламаслик керак.

51. Эй Нарада, ягона Парвардигор ҳақидаги илм "Шримад-Бхагаватам"ни менга Худонинг Олий Шахсининг Ўзи қисқача айтиб берган эди. Менга очилган ана шу илм

Парвардигорнинг турли-туман қувватларининг барчасини ўз ичига олган. Сен эса, илтимос, энди бу илмни батафсил баён эт.

Изоҳ: Кейинроқ шу китобда келтириладиган, Худонинг Олий Шахси беш-олти шеърда қисқача баён этган "Шримад-Бхагаватам" – Худо ҳақидаги илм бўлиб, Худо Шахсининг қувватининг намоён бўлган кўринишидир. Парвардигор Мутлақ Зот бўлган учун У Худо ҳақидаги илмдан – "Шримад-Бхагаватам"дан фарқ қилмайди. Бу илмни Брахмаджига Парвардигорнинг Ўзи баён этган, у эса бу илмни Нарадага берган, ўз навбатида Нарада уни Шрила Вйасага ўргатиб, батафсил баён этишни буюрган. Шундай қилиб, Парвардигор ҳақидаги илохий илм дунёвий сафсатабозларнинг хаёлан ўйлаб топган гаплари эмас, балки, соф, мангу, мукамал илм, унга моддий табиат гуналари таъсир қилмайди. Шундай қилиб, “Бхагавата пурана” Парвардигорнинг бевосита илохий товуш кўринишида намоён бўлган қиёфаси, шу боис бу илмни, уни Брахмага ўргатган Парвардигорнинг Ўзидан бошланадиган шогирдлар силсиласида турган Унинг ҳақиқий вакилидан ўрганиш лозим. Брахма бу илмни Нарадага, Нарада – Вйасага, Вйасадева – Шукадева Госвамига, Шукадева Госвами эса – Сута Госвамига берган; Ведалар илми дарахтининг етилиб пишган меваси шу тарзда авайлаб-асраб шогирдлар силсиласи орқали қўлдан қўлга ўтиб, бизгача ўзгармасдан етиб келган. Агар у дарахт тепасидан узилиб ерга тушса эди, у албатта янчилиб кетган бўларди. Шу боис, токи инсон Худо ҳақидаги илмни Унинг шогирдлар силсиласи занжирида турган ҳақиқий вакилидан ўрганмас экан, унинг бу илмни тушуниб олиши жуда қийин бўлади. "Шримад-Бхагаватам" илмини ҳеч қачон тингловчиларнинг қулоқларига ёқимли гапларни гапириб тирикчилик қилиш учун пул топиб юрган, "Шримад-Бхагаватам" ҳақида гап сотишни касб қилиб олган кишилар оғзидан тингламаслик керак.

52. Қатъий қарорга келиб, Худо ҳақидаги бу илмни шундай баён қилгинки, уни ўрганган инсон Парвардигор Харига илохий хизмат қилиш йўлига кирсин. Барча тирик мавжудотларнинг олий руҳи бўлган Парвардигор - энг буюк бахт-саодат, барча қувватларнинг манбаи ва марказидир.

Изоҳ: "Шримад-Бхагаватам"да Худога садоқат билан хизмат қилиш фалсафаси баён этилган ва инсоннинг Худонинг Олий Шахси билан ўзаро муносабатлари илмий равишда таҳлил қилинган.

Кали даври кириб келгунча, Парвардигор ва Унинг қувватларини англаб етиш учун бундай китобга зарурат йўқ эди, лекин Кали даври кириб келиши билан жамиятда атса-секин гуноҳ ишларнинг асосий тўрт тури кенг тарқалиб кетди: аёллар билан ноқнуний жинсий алоқа, маст қилувчи нарсалар истеъмол қилиш, ҳар хил қимор ўйинлари, асосиз равишда ҳайвонларни ўлдириш. Бу гуноҳларни содир қилиб юрган киши аста-секин Парвардигор билан мангу муносабатларини эсдан чиқаради. Шундай қилиб, инсонлар жамиятида одамларни инсон ҳаётининг олий мақсадини кўриш имкониятидан маҳрум қиладиган кўрлик иллоти тарқалиб кетди. Бу дунёда инсон бўлиб яшашдан мақсад ҳечам ҳайвонларга ўхшаб боқи-беғамларча кун кечириб, ҳайвонлар ҳам қила оладиган ишларнинг тўрт тури: еб-ичиш, ухлаш, болачақа қилиш ва ўзини ҳимоя қилиш билан машғул бўлиб яшаш эмас. Ғафлат зулматида юрган ана шундай одамлар учун "Шримад-Бхагаватам" инсон бўлиб яшашдан мақсад нима эканини кўриш имконини берадиган машғала вазифасини бажаради. Шунинг учун ҳам уни тартиб билан, моддий олам яралишидан бошлаб баён этиш зарурати пайдо бўлди.

Биз аввал тушунтирганимиздек, худо ҳақидаги илм "Шримад-Бхагаватам"да шунчалик аниқ ва бенуқсон баён этилганки, "Шримад-Бхагаватам"ни мунтазам ўқиб ёки бу илмни биладиган кишидан мунтазам тинглаб, уни самимий ўрганган ҳар қандай инсон Худо ҳақидаги илмни англаб ета олади. Ҳамма бахтга интилади, лекин ҳозирги даврда қалб кўзлари кўр одамлар бахтнинг бошланғич манбаи Парвардигор эканини кўра олмай қолганлар. Парвардигор фақат бахтнинг эмас, балки бутун борликнинг бошланғич манбаи(жанмаади асйа йатах). Фақат У билан ўзаро мунгосабат ўрнатиш, Унга муҳаббат ва садоқат билан холис хизмат қилиш орқали мукамал, ҳеч ким раҳна сололмайдиган бахтга эришиш мумкин. Фақат Парвардигор билан ўзаро муносабат ўрнатиш орқали бу моддий оламнинг барча мусибатларидан халос бўлиш мумкин. "Шримад-Бхагаватам"да баён этилган буюк илм ҳатто бу дунёда лаззатланиш истагида ёниб юрган одамларга ҳам ёрдам бера олади, - улар ҳам охир-оқибатда ўзлари истаган нарсага эришадилар. Шу боис Нараданинг руҳий устози ундан бу илмни қатъият билан ва тартиб билан тушунарли қилиб баён этишни илтимос қилади, аниқроғи, унга буюради. Нарадага ҳеч қачон ҳеч ким "Шримад-Бхагаватам" таълимотини тирикчилик қилиш учун пул топиш мақсадида тарғибот қилишни маслаҳат бермаган. Унинг руҳий устози унга бу ишни ўзининг бурчи деб

билган ҳолда жиддий эътибор билан амалга оширишни талаб қилган.

53. Парвардигорнинг ҳар хил қувватлари билан боғлиқ бўлган фаолиятларини, Унинг кўрсатмалари асосида таърифлаш, тасвирлаш ва тинглаш керак. Мунтазам равишда садоқат ва ҳаяжонли кўрқув билан шундай қилиб юрган киши албатта Парвардигорнинг ташқи алдамчи қуввати таъсиридан қутулиб, озодликка эришади.

Изоҳ: Бирор фанни ўрганишга илмий киришиш фанатикларнинг фақат сезгиларга, ҳис-туйғуларга асосланган муносабатидан фарқ қилади. Фанатик ва калтафаҳм одамлар баъзан Парвардигорнинг қувватлари билан боғлиқ бўлган фаолияти уларни қизиқтирмаслигини, бундай гаплар уларнинг эътиборига муносиб эмаслигини айтадилар ва ўзларини Парвардигорнинг Унинг ички қуввати соҳасига кириш ҳуқуқига эга бўлган ёқимтой эркалари деб биладилар. Лекин аслида, Парвардигорнинг ташқи қуввати билан боғлиқ фаолияти ҳам Унинг ички қуввати билан боғлиқ фаолияти сингари улғувор. Бундан ташқари, ҳали Парвардигорнинг ташқи қуввати чангалидан озодликка чиқа олмай юрган кишилар албатта Унинг ташқи қуввати билан боғлиқ кароматлари ҳақида мунтазам ва ҳаяжонли кўрқув билан тинглаб юришлари лозим. Улар фақат ўзларининг калтафаҳмлиги сабабли, ўзларини бизларга фақат Парвардигорнинг раса-лила сингари илоҳий эрмаклари ёқади деб ишонтириб, дарров Парвардигорнинг ички қувватининг фаолияти ҳақидаги ҳикояларга ўтадилар.

"Шримад-Бхагаватам"нинг ўзбилармон тарғиботчилари Парвардигорнинг ички қувватининг фаолияти ҳақида ҳикоя қилишни жуда ёқтирадилар, моддий ҳиссий лаззатларга берилган сохта содиқлар эса, ўзларини худди руҳий озодликка эришган зотлардай тутадилар, шунинг учун улар ташқи қувват тўрларига баттар илиниб, яна ҳам тубанроқ қулайдилар.

Уларнинг баъзилар, Парвардигорнинг эрмаклари ҳақида тинглаш – Унинг гопилар билан ўтказган ишқий эрмаклари ёки Унинг Говардхана тоғини кўтаргани ҳақида тинглаш демақдир, деб ўйлаб, Парвардигорнинг тўлиқ экспансияларига ва Уларнинг моддий оламни яратиш, мавжудлигини таъминлаб туриш ва яксон қилиш жараёнидаги фаолиятига эътиборсиз қарайдилар. Лекин Парвардигорнинг асл содиғи тушунадик, Парвардигорнинг раса-лила эрмаги билан Унинг моддий оламни яратиш, унинг мавжудлигини таъминлаб туриш ва яксон қилиш жараёнидаги эрмаклари бир

бирдан фарқ қилмайди. Бунинг устига, Парвардигорнинг фаолиятини Унинг пурушааватара қиёфасида баён этиш айнан ташқи қувват чангалига тушиб қолган одамлар учун мўлжалланган. Раса-лила эрмаклари шартланган руҳлар учун эмас, балки руҳий озодликка эришган зотлар учун мўлжалланган. Шунинг учун шартланган руҳлар Парвардигорнинг Унинг ташқи қуввати билан боғлиқ эрмаклари ҳақида садоқат ва ҳаяжонли кўрқув билан тинглашлари лозим. улар учун мана шу худди озодликка чикқан руҳлар учун раса-лилани тинглаш сингари фойдали бўлади. Шартланган руҳлар кўр-кўрона озодликка эришган руҳларга тақлид қилмасликлари керак. Парвардигор Шри Чайтанья ҳеч қачон озодликка эришмаган шартланган руҳлар олдида Парвардигорнинг раса-лилани ҳақида тингламаган.

"Шримад-Бхагаватам" Худо ҳақидаги илм, бу асарнинг биринчи тўққиз боби китобхонни унинг Ўнинчи қўшиғини тўғри қабул қилишга тайёрлайди. Бу Иккинчи қўшиқнинг охириги бобида батафсил, Учинчи қўшиқда ундан ҳам батафсилроқ тушунтирилади. Шундай қилиб, Парвардигорнинг асл содиғи "Шримад-Бхагаватам"ни дарров Ўнинчи қўшиқдан эмас, бошидан бошлаб тартиб билан тинглай бошлаши лозим. баъзи бир содиқлар биздан дарров "Шримад-Бхагаватам"нинг Ўнинчи қўшиғини изоҳлашга киришишни илтимос қилишди. Лекин биз ҳар гал уларнинг илтимосини рад этдик, чунки "Шримад-Бхагаватам"ни ўқувчига Худо ҳақидаги илм сифатида тақдим этишни истаймиз. Бу асар шартланган руҳларнинг ҳиссий лаззатланишга бўлган талабини қондириш учун ёзилган дунёвий асар эмас. Шри Браҳмаджи сингари мартабали зотлар бундай қилишни таъқиқлаб қўйган. "Шримад-Бхагаватам"ни илмий асар сифатида тинглаб ва ўқиб, шартланган руҳлар ҳиссий лаззатланишга асосланган алдамчи қувват таъсиридан халос бўла оладилар ва аста-секин илоҳий илм чўққисига эришадилар.

*"Шримад-Бхагаватам"нинг Иккинчи қўшиқ
"Парвардигорнинг мунтазам келиб турадиган
аватарлари ва уларнинг алоҳида вазифалари"
деб аталадиган еттинчи бобида
Бҳактиведантаннинг изоҳлари шундай
яқунланади.*

Саккизинчи боб.

Шоҳ Парикшитнинг саволлари.

1. Шоҳ Парикшит Шукадева Госвамидан сўради: Нарада Мунининг гапларини тинглашга муяссар бўлиш, худди маъбуд Брахмани тинглаш сингари буюк бахтдир. У қандай қилиб, моддий сифатларга эга бўлмаган Парвардигорнинг илоҳий сифатларини таърифлади, унинг ҳикоясини кимлар тинглаган эди?

Изоҳ: Деварши Нараданинг бевосита руҳий устози Парвардигорнинг Ўзи илм ўргатган Брахмаджи эди, шунинг учун Нараданинг ўзининг кўп сонли шогирдларига берадиган насиҳатлари амалда Парвардигорнинг кўрсатмаларидан фарқ қилмайди. Ведалар илмини англаб етишнинг йўли шундай. Ведалар илми Парвардигорнинг Ўзидан чиқади ва шогирдлар силсиласи орқали бутун жаҳонга тарқалади. Лекин ҳалигача ҳеч ким ҳеч қачон ведалар илмини сафсатабоз файласуфлардан ўрганган эмас. Шундай қилиб, Нарада Муни қаерда пайдо бўлса ҳам, ҳамма жойда у Худонинг вакили сифатида ҳаракат қилади, шу боис унинг пайдо бўлиши Парвардигорнинг пайдо бўлиши билан баробар. Худди шундай, агар илоҳий кўрсатмалар бузмасдан етказиб берилса, шогирдлар силсиласи ҳақиқий ҳисобланади. Руҳий устозларнинг ҳақиқийлик мезони қуйидагича: шогирлар силсиласида турган руҳий устозларнинг кўрсатмалари Парвардигор Ўзининг содиқ хизматкорига берган бошланғич кўрсатмасидан фарқ қилмаслиги керак. Нарада Мунининг Парвардигор ҳақидаги илоҳий илми қандай тарқатгани ҳақида кейинги қўшиқларда баён этилади.

Бундан ташқари, моддий олам яратилмасдан аввал ҳам Парвардигор мавжуд бўлганини билиб оламиз, демак, Унинг илоҳий номи, сифатлари, ва ҳоказо жиҳатларининг бирор моддий сифатларга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Шу боис, Парвардигорни агуна, яъни сифатлари йўқ, деб атаганларида, Унда моддий сифатлар, яъни шартланган руҳларга мансуб бўлган эзгулик, эҳтирос ва ғафлат сифатлари йўқлиги назарда тутилади. У ҳар қандай моддий тасаввурларга нисбатан илоҳий шу боис Уни агуна деб атайдилар.

2. Мен ҳақиқатни англаб етишни истайман. Ҳеч қандай шубҳа йўқки, ажойиб қувватлар соҳиби бўлган Парвардигор ҳақидаги ҳикоялар, қайси сайёрада яшашидан қатъий назар, барча тирик мавжудотлар учун бахт-саодат келтиради.

Изоҳ: Парвардигорнинг кароматлари ҳақидаги ҳикоялардан таркиб топган “Шримад-Бхагаватам” қайси сайёрада яшаётганидан қатъий назар, барча тирик мавжудотларга саодат келтиради.

“Шримад-Бхагаватам”ни сектант(бирор диний оқим)нинг китоби деб ҳисоблайдиган киши қаттиқ адашади. “Шримад-Бхагаватам” албатта, Парвардигорнинг барча содиқлари учун жуда азиз, аммо Худонинг содиқлари бўлмаган кишилар ҳам ундан катта манфаат кўра оладилар, чунки агар ҳам “Шримад-Бхагаватам” илмини Парвардигорнинг шогирдлар силсиласида турган ҳақиқий вакили оғзидан диққат ва садоқат билан тингласалар, ҳатто улар ҳам моддий қувват чангалидан қутулиб кета оладилар.

3. Эй бахтиёр зот, Шукадева Госвами, мен бутун ақлу-ҳаёлимни Олий Рух, Парвардигор Шри Кришнада мужассам қила олишим ва барча моддий сифатлардан халос бўлиб, бу танани тарк эта олишим учун “Шримад Бхагаватам”ни ҳикоя қилишда давом эт.

Изоҳ: “Шримад-Бхагаватам” ҳикояларини тинглашга фарқ бўлиш – ҳамиша Олий Рух, Шри Кришна билан мулоқотда бўлиш демакдир. Парвардигор Кришна билан ҳамиша мулоқотда бўлиш эса, - моддий сифатлардан халос бўлиш демакдир. Парвардигор Кришна куёшга ўхшайди, моддий иллатлар эса - зулматга. Худди куёш зулматни тарқатиб юборгани сингари, Парвардигор Кришна билан ҳамиша мулоқотда бўлиб юриш ҳам бизни моддий сифатлар иллатидан поклайди. Моддий сифатлар илллати билан булғаниш такрор ва такрор туғилиш ва ўлишлар сабабчиси дир, моддий сифатлардан халос бўлиш эса, илоҳий мавжудлик аломатидир. Шоҳга “ажали етган пайтда Парвардигор Нарайанани эслаш – инсон эриша олиши мумкин бўлган энг юксак баркамоллик” деб айтган Шукадева Госвамининг марҳамати билан Махараж Парикшит руҳий озодликка эришиш сирини англаб етди ва комил инсон бўлди. Махараж Парикшит етти кундан кейин танасини тарк этиши керак эди, шу боис, танасини Олий Рух Парвардигор Кришнанинг ёнида эканини аниқ ҳис қилган ҳолда тарк эта олиш учун, у Парвардигор ҳақида “Шримад-Бхагаватам”да ёзилган ҳикояларни тинглаб, ҳамиша Парвардигорни эслаб юришга қарор қилди.

“Шримад-Бхагаватам”ни оддий маърузачилар оғзидан тинглаш билан уни Махараж Парикшит сингари Шукадева Госвами оғзидан тинглаш - баробар эмас. Махараж Парикшит Мутлақ Ҳақиқат, Худо Шаҳси Шри

Кришнани англаб етган зот эди, шу боис уни "Шримад-Бхагаватам"ни тинглашдан бирор моддий манфаат кўришни ўйлайдиган дунёвий тингловчиларга тенглаштириб бўлмайди. Албатта, "Шримад-Бхагаватам"ни оддий маърузачилар оғзидан тинглаган кишилар ҳам ўзларининг моддий истакларини амалга ошира оладилар, лекин бу дегани, етти кун давом этадиган уларнинг спектаклини ҳам Махараж Парикшитнинг "Шримад-Бхагаватам" тинглаши билан тенглаштириш мумкин дегани эмас.

Соғлом фикрли киши "Шримад-Бхагаватам" руҳий ўзлигини англаб етган киши оғзидан тинглаши ва оддий маърузачиларнинг уни лақиллатишига йўл қўймаслиги керак. Бундан ташқари инсон "Шримад-Бхагаватам"ни то умрининг охиригача тинглаш керак, шундагина биз тинглаш натижасида Парвардигор билан илоҳий мулоқотга кириша оламиз ва руҳий озодликка эриша оламиз.

Бу пайтга келиб Махараж Парикшит, дунёвий одамлар учун энг кадрли бўлган нарсалар - салтанати ва оиласи билан бўлган барча алоқаларини бутунлай узган эди, лекин ҳали ўзининг моддий танасини ҳис қиларди. Энди, Парвардигор билан узлуксиз мулоқотда бўлиш ёрдамида мана шу занжирдан ҳам халос бўлмоқчи эди.

4. Ҳамиша "Шримад-Бхагаватам"ни тинглаб, унда нима ҳақида гап бораётганини англашга интилиб юрган кишиларнинг қалбида тез орада Парвардигор, Шри Кришна Ўзини намоён этади.

Изоҳ: Сохта содиқлар, яъни дунёвий содиқлар бунинг учун зарур бўлган сифатларга эга бўлмасдан, Парвардигорни шахсан кўриш иштиёқида ёнадилар. Ана шундай учинчи нав содиқлар яхши билиб олишлари лозимки, токи қандайдир моддий боғланишлари қолар экан, у ҳеч қачон Парвардигорни кўра олмайди. Парвардигорни кўра билиш қобилияти – шунчалик арзон нарса эмаски, уни "Шримад-Бхагаватам"нинг оддий маърузачиси дунёвий сохта содиққа ато эта олса. Оддий маърузачилар ҳеч кимга илоҳий назар ато эта олмайдилар, чунки улар ҳали ўзлари озодликка эришган эмаслар ва улар ўз тингловчиларининг озодликка эришишларидан манфаатдор эмаслар. Уларнинг мақсади – ўзларининг мартабасини, оилавий боғланишларини сақлаб қолиш ва ўзларининг шу касбидан кўпроқ пул ишлаб топиш. Махараж Парикшитнинг атиги етти кун умри қолган эди, лекин у бошқаларга "Шримад-Бхагаватам"ни садоқат ва диққат билан ҳамиша, нитйам тинглаб юришни маслаҳат беради. Бу

инсонга Парвардигор Шри Кришнани ўзининг қалбида кўриш имконини беради.

Шунга қарамасдан сохта содиқлар "Шримад-Бхагаватам"ни мунтазам тинглаб юрмасдан ва ўзларининг шахсий манфаатларидан воз кечмасдан Парвардигорни кўра оламиз деб ўйлайдилар. Уларнинг фикрига кўра, бунинг учун шунчаки уларнинг истагининг ўзи кифоя. Лекин ишончли мўътабар зотлар, масалан, "Шримад-Бхагаватам"нинг ҳаммасини тинглаган ва бу буюк асарни тинглаш инсонга бера олиши мумкин бўлган энг юксак соғгани ола билган Махараж Парикшит кўрсатган йўл бундай эмас.

5. Олий Рух, Парвардигор Шри Кришнанинг товуш тимсоли("Шримад Бхагаватам"), ҳақиқий ўзлигини англаб етган содиқнинг қалбига кириб, унинг муҳаббат нилуфар гулида жойлашиб, унинг қалбини модда билан бирлашишдан пайдо бўлган ғуборлар – шахвоний эҳтирос, ғазаб ва истаклардан поклайди. У худди дарёлардаги лойқа сувни поклаб, мусаффо қиладиган куз ёмғирга ўхшайди.

Изоҳ: Парвардигорнинг биттагина асл содиғи бу дунёдаги адашган бандаларнинг ҳаммасини озодликка чиқаришга қодир, деб айтадилар. Шу боис, Нарада ва Шукадева Госвами сингари асл содиқлар билан яқин муносабатда бўлиб юрган ва худди Нарада Брахмаджидан олгани сингари, руҳий устозидан бунга ваколат олган киши ўзининг Парвардигорга бўлган соф садоқатининг қудрати билан алданиш, майя чангалидан фақат ўзини эмас, балки бутун жаҳон аҳлини озодликка чиқара олади. Буни лойқа сув ҳавзаларини мусаффо қиладиган куз ёмғири мисолида жуда яхши тушунтириш мумкин. Ёмғир палласида дарёларнинг суви лойқаланиб кетади, лекин июл-август ойларида, яъни кузда озгина ёмғир ёғиб ўтса бас, бутун дунёдаги дарёларнинг лойқа сувлари дарров тип тиниқ бўлиб қолади. Химикатлардан фойдаланиб, кичик сув ҳавзасининг, масалан шаҳарни сув билан таъминлайдиган сув омборининг сувини тозалаш мумкин, лекин бу йўл билан барча сув омборларидаги, дарёлардаги сувларни тозалашнинг иложи йўқ. Лекин Парвардигорнинг асл содиғи шунчалик қудратлики, у фақат ўзини эмас, балки ўзи билан қандайдир йўллар билан учрашган кўплаб одамларни моддий олам чангалидан озодликка чиқара олади.

Бошқача қилиб айтганда, инсон бошқа усуллар ёрдамида фақат ўзининг нопок қалбини поклай олади, Худога садоқат билан хизмат қилиш орқали эса, агар бу билан Кришнанинг

ваколатини олган асл содиқ шуғулланса, ҳамма одамларнинг нопок қалбларини поклаш мумкин. Парвардигорнинг ҳақиқий вакиллари: Нарада, Шукадева Госвами, Парвардигор Чайтанья, олти Госвами, кейинги даврларда Шрила Бхактивинода Тхакур, Шримад Бхактисиддхантасарасвати Тхакур ва бошқалар – ўзларининг Худога садоқат билан хизмат қилиши шарофати билан ҳаммани озодликка чиқаришга қодир.

"Шримад-Бхагаватам"ни тинглашга самимий ҳаракат қилаётган киши ўзининг Парвардигор билан ўзаро хизматкор, дўстлик, қариндошлик ёки ошиқлик расаларидан бирида бўлган азалий муносабатларини англаб етади ва шундай поғонага эришган заҳоти Худога илоҳий муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилишга киришади. Нарада сингари асл содиқларнинг барчаси нафақат ўзларининг асл ҳолатини англаб етганлар, балки, табиий руҳий эҳтиёжга бўйсуниб, бу илмни бошқаларга ҳам ўргатганлар ва моддий табиат гунларига ўралашиб қолган кўплаб бахтиқаро жонларни озодликка чиқарганлар. Бошқаларни озодликка чиқара билиш қобилияти уларга уларнинг ҳаммиша Парвардигор ҳақидаги ҳикояларни тинглаб, Унга сажда қилиб, "Шримад-Бхагаватам" қонун-қоидаларига самимий амал қилиб юрганлари шарофати билан келган. Шундай турмуш тарзи билан яшаш инсон қалбини унда тўпланиб қолган шахвоний эҳтирос ва бошқа моддий сифатлар иллатидан поклайди. Инсоннинг самимий интилаётганини кўриб, Парвардигорнинг Ўзи унинг қалбида туриб, уни поклайди. Парвардигор ҳаммиша тирик мавжудотнинг қалбида мавжуд, лекин У Ўзини фақат Унга муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилиб юрган кишининг қалбида намоён этади.

Фалсафий изланиш ва сеҳрли йога усуллари билан қалбни поклаш маълум бир вақтгача шу одамнинг ўзига фойда бериши мумкин, лекин бу усуллар худди кичик сув омборларидани тинч турган сувни сунъий йўл билан тозалашга ўхшайди. Сувнинг лойқаси унинг тагига чўқади, сув анча вақтгача тоза бўлиб қолиши мумкин, лекин озгина тўлқин бўлса бас, у яна лойқаланади. Бошқача қилиб айтганда, мазкур шеърда айтилганки, Худога садоқат билан хизмат қилиш – инсон қалбини бутунлай ва биратўла поклашнинг ягона усулидир. Бошқа усуллар ҳам самарали туюлиши ва бироз вақт давомида яхши натижаларга олиб келиши мумкин, лекин, озгина ҳаракат қилган заҳоти, барибир яна иллатга булғаниш хавфи сақланиб қолаверади. "Шримад-Бхагаватам"ни мунтазам тинглаб юришга алоҳида эътибор бериладиган Худога садоқат билан хизмат қилиш усули – алданиш чангалидан қутулиш учун тавсия қилинадиган усуллар ичида аълоси.

6. Худога садоқат билан хизмат қилиш ёрдамида бир марта қалбини поклаган асл содиқ Парвардигор Кришнанинг нилуфар қадамлари пойини ҳеч қачон тарк этмайди, чунки, Унинг қадамлари пойида у, худди узок сафардан кейин уйига қайтиб келган киши сингари, тўла тўла мамнуният ҳосил қилади.

Изоҳ: Парвардигор Кришнанинг асл содиғи бўлмаган кишининг қалби беғубор пок бўлиши мумкин эмас. Лекин, қалби беғубор пок киши ҳеч қачон Худога садоқат билан хизмат қилишни тарк этмайди. Брахмаджи Нарадага буюргани сингари, Парвардигорнинг одамлар орасида "Шримад-Бхагаватам" таълимотини тарғибот қилиб юрган вакили баъзан, Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлида турли хил қийинчиликларга дуч келади. Масалан, икки адашган банда Жагай билан Мадхайни кутқармоқчи бўлганида Парвардигор Нитйананда шундай аҳволга тушганди. Йисо пайғамбарни ҳам имонсизлар хочга михлаган эдилар. Лекин, одамларга Худога муҳаббат илмини тарғибот қилиб юрган содиқлар, қанчалик оғир кўринмасин, ҳар қандай синовни ҳам шодлик билан қарши оладилар, чунки Худонинг содиқлари, бу ишлари Парвардигорни мамнун қилаётганини билган ҳолда улардан илоҳий лаззат оладилар. Прахлада Махараж жуда қаттиқ азоб-уқубатларни бошидан кечирди, лекин бунда Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойини бир лаҳза ҳам эсидан чиқармади. Содиқнинг қалби шунчалик покки, ҳеч қандай вазият уни Парвардигор Кришнани тарк этишга мажбур қила олмайди. Ана шундай содиқнинг хизмати мутлақо холис. Охир-оқибатда жнанилар фалсафий изланишларни, йоглар гимнастик машқ бажаришни тарк этадилар, лекин Худонинг содиқ хизматкори Худога садоқат билан хизмат қилишни тарк эта олмайди, чунки у руҳий устозининг кўрсатмасига амал қилиб яшайди. Нарада ва Нитйананда Прабху сингари асл содиқлар учун руҳий устознинг кўрсатмаси ҳамма нарсадан, ҳатто жонидан ҳам қиммат туради. Улар ўзларининг келажаги, тақдири ҳақида ўйламайдилар. Улар руҳий устозининг амри олий ишончли зотдан, Парвардигорнинг вакилидан ёки Парвардигорнинг Ўзидан чиқаётганини тушунган ҳолда, уни жиддий қабул қиладилар.

Бу шеърда келтирилган мисол жуда ўринли. Инсон кўпроқ пул топиш ниятида уйини ташлаб узок юртларга кетади. Бойлик излаб у қалин ўрмонга, океан ортига ёки баланд тоғларга бориб қолиши мумкин. Бегона юртларда унинг жуда кўп қийинчиликларга дуч келиши муқаррар,

лекин у ўзининг уни кутиб юрган оила аъзолари ҳақида ўйлаган заҳоти бу қийинчиликлар бир зумда ҳеч нарса бўлмай қолади. Уйига қайтиб келгандан кейин эса, бошидан кечирган қийинчиликлари бутунлай эсдан чиқиб кетади.

Асл содиқнинг Парвардигор билан ўзаро муносабатлари ҳам оилавий ришталарга ўхшайди, шунинг учун унинг Худо олдидаги ўз бурчини бажариб яшашига ҳеч нарса тўсқинлик қила олмайди, чунки у Парвардигор билан ўзроа муҳаббат ришталари билан чамбарчас боғланган.

7. Эй билимдон брахман, илоҳий табиатга эга бўлган рух(жон) моддий танадан фарқ қилади. У бу танага қандай эга бўлади? Бунга бирор сабаб борми, ёки бу шунчаки тасодифми? Сен бу саволларга жавоб бера оласан, шу боис, илтимос менга тушунтириб бер.

Изоҳ: Махараж Парикшит асл содиқ эди, шу боис "Шримад-Бхагаватам"ни Брахмаджининг шогирдлар силсиласида турган вакили оғзидан тинглашжуда муҳим эканини таъкидлаш уни қаноатлантира олмасди. Бу унинг "Шримад-Бхагаватам"ни фалсафий жиҳатдан асослаб бериш истагини кучайтирди. "Шримад-Бхагаватам" – Худонинг Олий Шахси ҳақидаги фан, ўу боис бу фанни биладиган киши жиддий шогирднинг ақлида бўладиган ҳамма саволларга жавоб бера олиши керак. Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлига кирган киши ўзининг руҳий устозидан Парвардигорнинг ва тирик мавжудотларнинг ҳолати билан боғлиқ бўлган ҳамма нарсалар ҳақида сўраб олиши мумкин. "Шримад-Бхагаватам" ва "Бхагавад-гита"дан биламизки. Парвардигор ва тирик мавжудотлар сифат жиҳатидан бир хил. Моддий оламдаги шартланган ҳолатда тирик мавжудот ҳамини бир танасини иккинчи танага алмашлаб юради. Лекин, нима сабдан Парвардигорнинг ажралмас зарчаси моддий тана олади? Махараж Парикшит бу саволни Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлидан бориб, руҳий ўзлигини англаб етишга интилиб юрган зотлар учун мана шу муҳим саволни беради.

Мазкур шеър ҳам Олий Мавжудот, Парвардигор моддий шартланган мавжудотлардан фарқли равишда ҳеч қачон ўз танасини ўзгартирмаслигини билвосита тасдиқлайди. У – руҳий бутун зот, Унинг руҳи билан танаси орасида фарқ йўқ, лекин шартланган руҳларда ундай эмас. Парвардигор билан ўзаро шахсий муносабат ўрнатган озод руҳлар ҳам шу жиҳатдан Парвардигор билан бир. Фақат, ҳали озодликка эришмаган шартланган руҳлар тана алмашлаб юришга

мажбур. Тана алмашлаб юриш нимадан бошланган ўзи?

Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлида биринчи қадам ҳақиқий руҳий устоз паноҳига кириш ва унга Худога садоқат билан хизмат қилиш амалиёти бўйича саволлар беришдан бошланади. Бу билан у Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлида ҳақорат қилиб қўйишдан сақланиш имконига эга бўлади. Ҳатто инсон Махараж Парикшитга ўхшаб, Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлида мустаҳкам туриб олган бўлса ҳам, у ҳақиқатни англаб етган руҳий устозига саволлар беришда давом этиши керак. Бошқача қилиб айтганда, Худонинг содиқларининг барча саволларига жавоб бера олиш учун руҳий устоз чуқур илмга эга бўлиши лозим. Шундай қилиб, ишончли муқаддас китобларни мукамал билмайдиган ва барча муҳим саволларга жавоб бера олмайдиган киши шахсий манфаат кўзлаб ўзини бошқаларга руҳий устоз қилиб кўрсатмаслиги керак. Шогирдини озодликка чиқара олмайдиган кишининг руҳий устоз бўлиши таъқиқланган.

8. Киндигидан нилуфар гули ўсиб чиқадиган Олий Худо Шахси ўзининг қудратига ва ўлчамларига мос равишда баҳайбат танага эга бўлса, Унинг танаси бошқа тирик мавжудотларнинг танасидан нимаси билан фарқ қилади?

Изоҳ: Парвардигорнинг илоҳий танаси ҳақида илмий тасаввурга эга бўлишга интилиб, Махараж Парикшит ўзининг руҳий устозига қанчалик чуқур саволлар бераётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бунгача биз бир неча марта айтган эдикки, Парвардигор баъзан, масалан, танасининг тери тешиқларидан сон-саноксиз коинотлар пайдо бўладиган Каранодакашайи Вишну кўринишида баҳайбат киёфага киради. Гарбходакашайи Вишну танасидан нилуфар гули ўсиб чиқади, ана шу гулда коинотнинг барча сайёралари жойлашган, гулнинг гунчасидан эса, маъбуд Брахма пайдо бўлади. Моддий оламни яратиш учун Парвардигор, албатта, баҳайбат киёфага киради, бу билан У ўз эҳтиёжига қараб катта ёки кичик таналарга эга бўладиган тирик мавжудотларни эслатади. Масалан, филга ўз эҳтиёжларига мос равишда катта тана, чумолига эса – кичик тана берилган. Худди шундай, Худо Шахси ўз танасида барча коинотларни ёки бир коинотдаги барча сайёраларни жойлаштириш учун баҳайбат киёфада намоён бўлганида ҳам қонуният ўзгармай қолаверади – Унинг танасининг ўлчамлари заруратга, эҳтиёжга мос равишда ўзгаради. Шундай қилиб, Парвардигорнинг бошқа тирик мавжудотлардан фарқ қилишини

исботлаш учун Унинг танасининг ўлчамлари мезон бўла олмайди. Бу саволга жавобни Парвардигорнинг танасининг бажарадиган алоҳида вазифаларидан излаш керак, ана шу вазифалар Унинг танасини оддий тирик мавжудотларнинг танасидан ажратиб туради.

9. Моддий танадан эмас, балки илоҳий Парвардигорнинг киндигидан ўсиб чиққан нилуфар гулидан дунёга келган Браҳма - моддий оламдаги барча мавжудотларнинг яратувчисидир. Браҳма фақат Худонинг марҳамати билангина Парвардигорнинг жамолини кўришга муяссар бўлди.

Изоҳ: Биринчи тирик мавжудот Браҳмани аджаҳ деб атайдилар, чунки у моддий оламдаги она қорнидан дунёга келган эмас. У бевосита Парвардигорнинг танасининг давоми бўлган нилуфар гулининг ғунчасидан пайдо бўлган. Шу боис, Парвардигорнинг танаси билан маъбуд Браҳманинг танаси бир биридан фарқ қиладимийўқми, аниқ маълум эмас. Буни ҳам яхши тушуниб олиш керак. лекин қатъий ишонч билан шуни айтиш мумкин: Браҳма бутунлай Парвардигорнинг марҳаматига қарам эди, чунки дунёга келгандан кейин у фақат Парвардигорнинг марҳамати билан тирик мавжудотларни яратишга ва фақат Парвардигорнинг марҳамати билан Парвардигорнинг жамолини кўришга муяссар бўлди. Браҳманинг танаси билан Парвардигорнинг у кўрган танаси бир биридан сифат жиҳатдан фарқ қиладимийўқми, - жуда қийин савол, Махараж Парикшит бу саволга Шрила Шукадева Госвами аниқ жавоб беришини истайди.

10. Худо Шаҳси қандай қилиб барча тирик мавжудотлар қалбида Олий Рух қиёфасида мавжуд, нимага барча қувватлар эгасига Ўзининг ташқи қуввати таъсир қилмайди?

Изоҳ: Албатта, Парвардигорнинг маъбуд кўрган қиёфаси илоҳий табиатга эга эди, акс ҳолда қандай қилиб У яратувчи қувватга нигоҳ ташлаши ва У билан қўшилиб кетмаслиги мумкин эди? Яна шуниси маълумки, ана шу пурушанинг ўзи ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида мавжуд. Буни ҳам тушуниб олиш керак.

11. Эй билимдон браҳман, ўзларининг ҳукмдорлари билан бирга барча сайёралар тизими Парвардигорнинг вират-пуруша танасининг ҳар хил қисмларида жойлашган, дейилган эди. Мен барча сайёралар вират-пурушанинг ичида жойлашган деб ҳам

эшитганман. Аслида улар қаерда жойлашган? Шунини менга тушунтириб бер.

12. Коинот яратилгандан то унинг емирилишига қадар қанча вақт ўтади, унинг мавжудлик даври қанча вақт давом этади? Ўтмиш, ҳозир ва келажак тушунчаларида ўзини намоён қилувчи Вақт(Замон)нинг табиати ҳақида гапириб бер. Ҳар хил сайёралардаги фаришталарнинг, одамларнинг ва бошқа тирик мавжудотларнинг умрларининг узунлиги қанча, улар қандай белгиланади?

Изоҳ: Ўтмиш, ҳозир ва келажак – вақтнинг, мана шу коинотнинг мавжудлик даврини, унда жойлашган ҳамма нарсанинг, шу жумладан, ҳар хил сайёраларда яшайдиган хилма-хил тирик мавжудотларнинг мавжудлик даврини ифодалайдиган тушунчанинг турли хил кўринишларидир.

13. Эй пок браҳманлар ичида аълоси, биз вақтнинг узун ва қисқа бўлақларини қандай ҳис қиламиз, яратилиш аввалида пайдо бўлган сабаб ва оқибат занжири қанча вақт давом этади?

14. Тирик мавжудотнинг ҳар хил моддий табиат гуналари таъсири остида қилган ишларининг оқибатлари(кармаси) қай тарзда тўпланиб боради ва улар орзу-истаклардан ҳалос бўлмаган тирик мавжудотга қандай таъсир қиладилар ва уни гоҳ фаришталар маконида, гоҳ энг қуйи ҳаёт шароитларида яшашга қандай мубтало этади? Бу жараён қандай қонуният асосида бошқарилади?

Изоҳ: Моддий табиат гуналари таъсири остида амалга оширилган ҳар қандай амал шунга олиб келадикки, уларнинг барча оқибатлари, қандай бўлса ҳам, - арзимас даражада кичикми ёки жуда каттами – тўпланиб бораверади, улардан эса, ҳар қандай карманинг умумий натижаси келиб чиқади. биз филган ишларнинг оқибатлари қандай тўпланиб боради, бу қандай усул билан амалга оширилади, ҳар бир амалнинг оқибати қандай – Махараж Парикшитнинг буюк браҳман Шукадева Госвамига берган саволлари шундай.

Олий сайёраларга, фаришталар яшайдиган маконга космик кемалар ёрдамида боришнинг иложи йўқ. уларга фақат эзгулик гунасида савоб ишлар қилиш орқали эришиш мумкин.

Ҳатто биз яшайдиган сайёрада ҳам, турмуш шароити юқори бўлган давлатларга чет элликларнинг кириши чекланган. Масалан, Америка ҳукумати бу давлатга ривожланмаган давлатларнинг фуқароларининг киришини қатъий чеклаб қўйган. Бунга сабаб шуки,

америкаликлар ўз бойлигини мана шу давлатнинг тўла ҳуқуқли фуқароси бўлмаган бошқа бировлар билан бирга баҳам кўришни истамайдилар. юксак ривожланган тафаккур эгаси бўлган мавжудотлар яшайдиган бошқа сайёраларда ҳам шундай фикр юритадилар. Олий сайёраларда турмуш шароити эзгулик гунасида бўлади, шу боис, Ой, Қуёш ёки Венера сингари сайёраларга боришни истаган киши фақат эзгулик гунасидаги ишларни қилиб, бунга жиддий тайёрланиши лозим.

Махараж Парикшит бу сайёрадан коинотнинг юқори соҳаларидаги сайёраларига бориш учун эзгулик гунасида қанча савоб иш қилиш кераклигини сўраяпти. Олий СУД лавозимини куч билан эгаллаб олиб бўлмайди. Бунинг учун маълум бир қобилиятларга ва илмга эга бўлиш керак. Худди шундай, олий сайёралар тизимига ҳам фақат ҳозирги ҳаётида маълум миқдорда савоб ишлар заҳирасини тўплаган киши эриша олади. Одатлари эҳтирос ва ғафлат гуналари таъсири остида бўлган кишининг олий сайёраларга боришига ҳеч қандай электрон асбоблар ёрдам бера олмайди.

"Бхагавад-гита"(9.25)да айтилганидек, жаннатий сайёраларга эришишга тайёрланиб юрган кишилар унга эришадилар: Питрилокага интилиб юрганлар ҳам ниятига эришадилар: Ер сайёрасида турмуш шароитини яхшилашга интилиб юрганларга ҳам имкон берилади: ўзининг мангу уйига, Худоинг даргоҳига қайтиб кетишга тайёрланиб юрганлар ҳам ўз ниятига эришадилар. Эзгулик гунасида қилинадиган ишларни ва уларнинг оқибатларини одатда тўрт тоифага бўлиш мумкин: Худога садоқат билан хизмат қилиш билан бирга қилинган савоб ишлар; Худога садоқат билан хизмат қилиш билан бирга оламни фалсафий ўрганиш; Худога садоқат билан хизмат қилиш билан бирга сеҳр қудратини ошириш; Худога садоқат билан хизмат қилишнинг савоб ишларнинг ҳеч қандай тури қўшилмаган соф тури. Ана шундай бунқсон соф садоқат билан қилинган хизмат илоҳий бўлади ва пара бхакти деб аталади. фақат ана шундай хизматгина инсонни руҳий салтанатга, Худонинг даргоҳига олиб бора олади. Ана шу илоҳий салтанат – афсона эмас, у ҳам худди Ой сингари ҳақиқатан мавжуд. Лекин, Парвардигорнинг салтанатини ёки Унинг Ўзини англаб етиш учун инсон илоҳий сифатларга эга бўлиши лозим.

15. Эй брахманлар аълоси, коинотдаги мавжуд нарсалар қандай яратилган, оламнинг тўрт тарафи қандай пайдо бўлди, осмон, сайёралар, юлдузлар, тоғлар, дарёлар, денгизлар, ороллар ва уларда яшаётган

турли-туман тирик мавжудотлар қандай пайдо бўлдилар?

Изоҳ: Коинотнинг турли жойларида яшайдиган тирик мавжудотлар турли хил шароитларда бўлади ва бир бирига ўхшамайдилар. Қуруқликда яшайдиган мавжудотлар сувда ёки ҳавода яшайдиган мавжудотлардан фарқ қилади. Худди шундай, турли хил сайёра ва юлдузларда яшайдиган зотлар ҳам бир биридан фарқ қилади. Парвардигорнинг қонунига кўра табиатда тирик мавжудотлар яшамайдиган бирор жой йўқ, лекин ҳар бир жойнинг наботот ва ҳайвонот олами ўзига хос ажойиб. Ҳатто инсонлар жамиятида ҳам қалин ўрмонда ёки чўлда яшайдиган одамлар шаҳар ва кишлоқлар аҳолисидан фарқ қилади. Улар орасидаги фарқ моддий табиатнинг турли гуналари таъсир қилиши билан белгиланади. Табиат қонунлари ўрнатиб қўйган ана шу тартиб тасодифий эмас. Бунинг ортида буюк бир режа бор. Махараж Парикшит Шукадева Госвамидан ишончли муқаддас китобларга асосланиб унга ана шуни тушунтириб беришни илтимос қиляпти.

16. Коинотнинг ички ўлчамларини, ва унинг сиргини ўраб турган қатламларнинг ўлчамларини таърифлаб бер. Буюк зотларнинг, жамиятдаги ҳар бир табақа ва турмуш тарзига мансуб кишиларнинг вазифалари ва сифатларини таърифлаб бер.

Изоҳ: Парвардигор Кришнанинг асл содиғи сифатида Махараж Парикшит Парвардигорнинг оламни яратишдан мақсадини англаб етишга интиляпти. У Парвардигорнинг фазовий қиёфасининг ичида ва ташқарисида нима борлигини билишни истайди. Буни ҳақиқатни англаб етишга интилиб юрган ҳар бир инсон билиши лозим. Худонинг содиқлари фақат ҳис-туйғуларига асосландилар, деб ўйлайдиган кишилар учун Махараж Парикшитнинг саволлари яхши сабоқ бўлиши лозим, чунки бу билан у асл содиқлар ҳамма нарсани чуқур ўзганишга интилишини кўрсатиб турибди. Ҳозирги дунёвий олимлар, коинот ташқарисига чиқиш ва ундан ташқарида нима борлигини аниқлаш нари турсин, ҳатто коинотнинг ички тузилишини билишга қодир эмаслар.

Махараж Парикшит фақат моддий илм билан қаноатланиб қолмайди. У буюк зотларнинг, Худонинг содиқлари сифатлари ва кўрсатган қароматлари ҳақида саволлар бeryпти. бутун "Шримад-Бхагаватам" Парвардигор ва Унинг содиқларининг шухрати ҳақида ҳикоя қилади. Парвардигор Кришна онаси ўғлига махлиё бўлиб, У қанчалик лой еганини аниқламоқчи бўлиб, оғзининг ичига

қараганида, онасига бутун моддий оламни Ўзининг оғзининг ичида кўрсатган эди.

Худонинг марҳамати билан содиқлар бутун оламни Унинг оғзининг ичида кўра оладилар.

Бу ерда Махараж Парикшит савол бераётган жамиятда одамларнинг тўрт табақага ва уларнинг ҳаёти эса, тўрт турли турмуш тарзига бўлиниши асосида жамият тизимининг инсон танасига ўхшашлиги ётади. Жамият бўлинадиган тўрт табақа инсон танасининг тўрт қисмига ўхшайди. Сифат жиҳатидан тананинг қисмлари бутун танадан фарқ қилмайди, лекин алоҳида ҳолда улар шунчаки тананинг бир қисми бўлиб қоладилар. Жамиятни илмий равишда тўрт табақага бўлишнинг маъноси шунда. Жамиятнинг бундай табақаларга бўлиниши ва инсон ҳаётининг тўрт поғонаси жамиятдаги ҳар бир инсоннинг Худога садоқат билан хизмат қилишда юксалишига ёрдам бергани учун жуда қимматли ҳисобланади. Ҳар бир ҳукумат аъзоси, шу жумладан президент ҳам, ҳукуматнинг таркибий қисмидир. Ҳамма ҳукуматга хизмат қилади, лекин ҳеч ким ўзини мен ҳукуматман деб айта олмайди. Парвардигорнинг ҳукуматининг таркибига қирадиган тирик мавжудотлар ҳам худди шундай ҳолатдалар. Улардан ҳеч бири Парвардигорнинг ўрнини эгаллашга талабгор бўлолмайди, лекин ҳамма тўла бутунга хизмат қилиши лозим.

17. Бу оламнинг мавжудлик даврида биринкетин алмашилиб турадиган даврларни, уларнинг ҳар бирининг давом этиш вақтини тушунтириб бер. Ҳар хил даврларда келадиган Парвардигорнинг қиёфаларининг кўрсатган кароматлари ҳақида гапириб бер.

Изоҳ: Парвардигор Кришна – азалий Худо Шахси, Парвардигорнинг намоён бўлган барча қиёфалари эса, гарчи Ундан фарқ қилмасалар ҳам, иккиламчи бўлиб, Парвардигордан чиқадилар. Махараж Парикшит буюк билимдон донишманд Шукадева Госвамидан унга Парвардигорнинг турли хил қиёфалари кўрсатган кароматлар ҳақида гапириб беришни илтимос қиляпти. Шунда, Уларнинг муқаддас китобларда келтирилган аломатларига қараб, Парвардигорнинг намоён бўлган қиёфаларини, аватараларини билиб олиш мумкин. Махараж Парикшит, ҳис-туйғуларига берилиб, ким бўлса шуни Парвардигорнинг аватараси деб қабул қилаверадиган ғофил одамларга ўхшаб қолишни истамасди. У Парвардигорнинг ҳақиқий аватараларини ведавий муқаддас китобларда келтирилган аломатларига ва Шукадева Госвами сингари ачарйаларнинг тасдиқлашлари асосида қандай аниқлаб олиш мумкинлигини билиб

олмоқчи эди. Парвардигор моддий табиат қонунларига бўйсунмасдан, бу дунёга Ўзининг ички қуввати ёрдамида келади, шу боис Унинг кўрсатган кароматлари ҳам ғайритабиий. Парвардигорнинг барча кароматлари шастраларда ёзилган, шуни тушуниб олиш лозимки, мутлақ поғонада бўлган ҳолда бу кароматлар Парвардигорнинг Ўзидан фарқ қилмайди. Шунинг учун Парвардигорнинг кароматлари ҳақида тинглаш – бевосита Унинг Ўзи билан мулоқотда бўлиш демакдир. Парвардигор билан мулоқотда бўлиш эса – моддий иллатлардан покланиш демакдир. биз бу мавзунини аввалги бобда муҳокама қилган эдик.

18. Жамиятдаги мавжуд барча динларни бирлаштириб турган нарса нима эканини, жамиятнинг барча аъзолари бажаришлари лозим бўлган диний қондалар ҳақида гапириб бер. Жамият қай тарзда табақаларга бўлинади ва кимлар шоҳлар(ҳукмрон синф) табақасига қиради. Бошига мусибат тушганлар диний қонунларнинг қайсиларига амал қилишлари керак?

Изоҳ: Қандай ҳолатда бўлишидан қатъий назар барча одамлар учун ягона дин – Худога садоқат билан хизмат қилиш. Ҳатто ҳайвонлар ҳам Худога садоқат билан хизмат қила оладилар, бунга Шри Ваджрангаджи, Парвардигор Шри Рамнинг содиқ хизматкори Хануман мисол бўла олади. Агар Парвардигорнинг ҳақиқий вакили раҳбарлик қилса, ҳатто ёввойи одамлар ва қаннибаллар ҳам Худога хизмат қила оладилар деб айтгандик. “Сканда-пурана”да ўрмонда яшайдиган бир овчи Шри Нарада Мунининг раҳбарлиги остида Парвардигорнинг буюк содиғи бўлиб етишгани ҳақида ҳикоя бор. Шундай қилиб, Худога садоқат билан хизмат қилишда барча тирик мавжудотлар иштирок эта оладилар.

Ўз ўзидан маълумки, мамлакат ва маданий муҳитга қараб ўзгариб турадиган эътиқод турлари барча одамлар учун ягона дин бўла олмайди. Лекин барча динлар асосида Худога садоқат билан хизмат қилиш қонуни ётади. Ҳатто қайсидир бир дин Худо Шахсининг олий ҳукмдор эканини тан олмаса ҳам, унинг издошлари барибир шу дин асосчиси ўрнатиб кетган қонунларга бўйсунадилар. Бирор дин оқимининг асосчиси ягона Парвардигор бўлиши мумкин эмас, чунки у ўз мартабасига қандайдир риёзат чекиш орқали эришган. Лекин Худонинг Олий Шахси Парвардигор бўлиши учун ҳеч қандай риёзат чекиши керак эмас. Буни Парвардигор Кришнанинг кўрсатган кароматлари исботлаб турибди. Турли варна ва ашрамлар учун белгиланган ҳамда айни пайтда

жамиятнинг барча аъзоларининг тирикчилик учун пул топиш манбаини аниқлайдиган вазифалар ҳам Худога садоқат билан хизмат қилиш қоидасига асосланган. "Бхагавад-гита"да айтилганки, ўз бурчини бажаргани орқали келадиган натижаларни, яъни ўз бурчини ҳалол бажариш орқали топган пулини Худога садоқат билан хизмат қилиш учун бериш билан инсон олий баркамолликка эришади. Худога садоқат билан хизмат қилиш қоидаларига риоя қилиб юрган киши ҳеч қачон қийин аҳволга тушиб қолмайди, шу боис апад-дҳарма, яъни камбағал-қашшоқлар учун дин ҳақида гапиришнинг ҳеч қандай маъноси йўқ. буюк ишончли зот Шукадева Госвами мазкур шеърда тушунтирганидек, гарчи сиртдан қараганда турли кўринишларда бўлиши мумкин бўлса ҳам, Худога садоқат билан хизмат қилишдан бошқа ҳеч қандай дин йўқ.

19. Олам таркиб топган унсурларни, уларнинг қанчалигини, келиб чиқишини, қандай ривожланишини, шунингдек, Худога садоқат билан хизмат қилиш йўллари, ўзида сеҳр қудратини кучайтирадиган усулларни тушунтириб бер.

20. Буюк сеҳргарлар қандай қудратга эга бўладилар, охир-оқибатда улар нимага эришадилар? Камолотга эришган сеҳргар қандай қилиб ўзининг нафис танасини ташлаб, ундан чиқиб кета олади? Муқаддас ведавий китобларнинг, шу жумладан, тарихий асарлар ва Пураналарнинг асосий мазмуни нимадан иборат?

Изоҳ: Йогешвара, яъни, сеҳр кучларининг соҳиби, саккиз турли мўъжиза ярата олади: атомдан ҳам кичик ҳаводан ҳам энгил бўла олади, истаган нарчасини ола билади, истаган жойига бора олади, ҳатто бирор сайёрани ярата олади ва ҳоказо. Лекин ана шу сеҳр қудратларига ҳамма йогешваралар ҳам бир хил даражада эга бўлавермайди, улар чичда энг қудратлиси – маъбуд Шива. Маъбуд Шива – энг буюк йог, унинг ғаройиб қобилиятлари оддий тирик мавжудотларникидан бир неча марта кўп. Худонинг Олий Шахсининг, Парвардигорнинг содиқлари атайлаб ўзларида сеҳр қудратини ошириш билан шуғулланмайдилар, лекин Парвардигорнинг марҳамати билан Худонинг содиқ хизматкори ҳатто энг буюк йогешвара устидан ғалаба қозона олади. Масалан, буюк сеҳргар йог Дурваса Муни Амбариша Махараж билан жанжаллашиб қолиб, ўзининг сеҳр қудратини намоён қилмоқчи бўлганини мисол келтириш мумкин. махараж Амбариша Парвардигорнинг асл содиғи эди, шу боис у

бунга қарши бирор чора кўриши шарт эмасди, Парвардигорнинг Ўзи бунга араллашиб, уни йогешвара Дурваса Мунининг ғазабидан ҳимоя қилди. Кейин Дурваса Муни шохдан кечирим сўрашга мажбур бўлди. Худди шундай, Курузодалар саройда тўпланган мажлис аъзолари олдида Драупадини ечинтириб шарманда қилмоқчи бўлганларида Парвардигор уни бу фалокатдан қутқариб қолганди. Гарчи Драупади сеҳр қудрати ҳақида ҳеч нарса билмаса ҳам, Парвардигор унинг сарисини чексиз узун қилиб қўйиб, уни шарманда бўлишдан қутқариб қолди. Шундай қилиб, худди ёш боланинг қудрати унинг ота-онасининг қудрати билан ўлчангани сингари, Парвардигорнинг чексиз қудрати шарофати билан Худонинг содиқлари ҳам йогешвара бўладилар. Ёш болалар ўзларини қандайдир сунъий йўллар билан ҳимоя қилишга уринмайдилар, уларнинг ягона ҳимояси – ота-онасининг ғамхўрлиги.

Махараж Парикшит билимдон брахман Шукадева Госвамидан буюк сеҳргалар охир-оқибатда нимага эришиши ҳақида, улар ана шундай ғайритабиий қудратга қандай – ўзларимининг интилишлари туфайлими ёки Худонинг марҳамати биланми - эришишлари ҳақида сўрапти. Шунингдек, улар ўзларининг қўпол ва нафис таналарини қандай тарк этишлари ҳақида, ведавий донишмандлик илмининг асл маъноси ҳақида гапириб беришни илтимос қиляпти. "Бхагавад-гита"(15.15)да айтилганки, барча Ведаларнинг маъноси – одамларга Худонинг Олий Шахси ҳақида илм бериш ва шу йўл билан уларнинг Парвардигорнинг севимли хизматкорлари бўлиб етишишларига ёрдам бериш.

21. Тирик мавжудотлар қандай пайдо бўлади, уларнинг мавжудлигини ким таъминлаб туради, улар қандай яксон бўладилар? Худога садоқат билан хизмат қилишга қандай амаллар ёрдам беради-ю, нималар халақит беради? Ведавий урф-одатлар, (диний) маросимлар нима ўзи, ведавий маросимларга қўшимча кўрсатмалар қандай? Худонинг қонунларига амал қилиш, иқтисодий ривожланиш ва ҳиссий лаззатларга берилиш йўлидан бораётган кишиларнинг қилиши керак бўлган бурч-вазифалари нимадан иборат?

Изоҳ: Мазкур шеърда “мукамал восита” маъносини билдирадиган амплаваҳ ибораси Худога садоқат билан хизмат қилишни назарда тутаяди, унинг антоними бўлган пратисамплаваҳ ибораси эса, Худога садоқат билан хизмат қилишда юксалишга тўсқинлик қиладиган

нарсаларни билдиради. Худога садоқат билан хизмат қилишда мустаҳкам туриб олган киши, ҳеч қийналмасдан ўзига шартланган ҳаёт юклайдиган вазифани адо эта олади. Шартланган ҳаёт билан яшаш – океанни қайиқда сузиб ўтишга шайди. Чексиз уммон ўртасига тушиб қолган киши бутунлай унинг марҳаматига қарам бўлиб қолади, салгина тўлқин таъсиридан ҳам чўкиб кетиши мумкин. Об-ҳаво яхши бўлганда океанда сузиш хатарсиз бўлиб туюлиши мумкин, лекин тўфон, туман ёки шамол бошланиб булутлар тўпланган захоти чўкиб кетиш хавфи кучаяди. Инсон океан ўртасида қанчалик ҳимоя воситаларига эга бўлмасин, у чексиз уммон суви олдида ночор, ноилож, у бутунлай океан марҳаматига қарам бўлиб қолади. Лекин Худонинг марҳамати билан инсон тўфон ва туманлардан қўрқмасдан моддий тирикчилик уммонини осонлик билан сузиб ўтиши мумкин. Ҳамма нарса Парвардигорнинг қўлида. Биз шартланган ҳаёт тўла бўлган ҳар хил хавф-хатарлар олдида ночор-ноиложмиз. Аммо Худонинг содиқлари моддий тирикчилик уммонини осон сузиб ўтадилар, чунки асл содиқ ҳамиша Парвардигорнинг ҳимояси остида бўлади("Бхагавад-гита" 9.13). Парвардигор Ўзининг моддий оламда яшайдиган содиқларига алоҳида ғамхўрлик қилади("Бхагавад-гита".9.29). Шунинг учун, биз Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойи паноҳига киришимиз ва қандай қилиб бўлса ҳам Унинг асл содиқлари бўлишимиз лозим.

Бунга эришиш учун биз руҳий устози Шукадева Госвамига саволлар берган Махараж Парикшитдан ўрнак олишимиз ва тажрибали руҳий устоздан Худога садоқат билан хизмат қилишга нима тўқинлик қилишини ва нима ёрдам беришини билиб олишимиз лозим. Худога садоқат билан хизмат қилиш илмига бағишланган “Бхакти-расамрита-синдху” асарида айтилганки, содиқ жонини танасида сақлаб туриш учун зарур бўлганидан ортиқча овқат емаслиги лозим. Инсон танасини саломатликда сақлаб туриш учун вегетариан таомлар вқа сут маҳсулотлари бемалол етарли, шунинг учун, ўз нафсининг қули бўлиб, сут маҳсулотлари ва мева сабзавотлардан бошқа нарса емаслик керак. Моддий оламда катта обрў қозониш учун кўп бойлик орттирмаслик керак. Инсон тирикчилик қилиш учун оддий ва ҳалол йўл билан пул ишлаб топиши керак. Макккорлик билан одамларни алдаб пул топиб жамиятда обрў қозониб юргандан кўра, оддий ишчи бўлиб ҳалол пул топиб кун кечирган яхши. Агар кимдир ҳалол йўл билан пул топиб жамиятда катта обрў қозонган бўлса, бунинг ёмон жойи йўқ, лекин, бой бўлай деб виждонни сотмаслик керак. бундай ишлар Худога садоқат билан

хизмат қилишга тўқинлик қилади. Шунингдек, бекорчи гаплардан ҳам йироқ юриш керак. Содиқнинг бурчи - Парвардигорни мамнун қилиш, шунинг учун у ҳамиша Парвардигорни ва Унинг яратган оламини шарафлаши лозим. Содиқ Парвардигор яратиб қўйган оламини ҳақорат қилмаслиги, Уни алдамчи дунёни яратиб қўйганликда айблаб, Унга қарши исён кўтармаслиги керак. Бу дунё алдамчи, рўё эмас. Тирикчилигимизни сақлаб туришимиз учун биз бу дунёнинг жуда кўп неъматларидан фойдаланамиз – шундай экан, уни рўё деб бўладими? Худди шундай, Парвардигорнинг шакл-шамойили йўқ деб ўйламаслик керак. Ахир шакл шамойилсиз Зотда онг, ақл, тафаккур бўладими? Шундай қилиб, Худонинг содиқ хизматкори жуда кўп нарсаларни мукамал билиши керак ва у шундай илмни ҳақиқий ишончли мўътабар зотдан ўрганиши керак. Шукадева Госвами ана шундай зот эди.

Худога садоқат билан хизмат қилишга ёрдам берадиган фазилатлардан биринчиси ихлосдир. Шри Чайтанья Махапрабху қиёфасида келган Парвардигор Худога садоқат билан хизмат қилиш маданияти ҳар бир қишлоқ ва шаҳарга етиб бориб, бутун жаҳонга тарқалишини истаган эди, шу боис, асл содиқнинг бурчи – бор имкониятини ишга солиб, қўлидан келганча Шри Чайтанья Махапрабхунинг истагини амалга оширишдан иборат. Худонинг ҳар бир содиқ хизматкори шунчаки кундалик сиғиниш урф-одатларига ихлос билан қатъий риоя қилиб қолмасдан, Шри Чайтанья изидан бориб, ана шу маданиятни бошқаларга тарғибот қилишга ҳам ихлос билан ўз хиссасини қўшиши лозим. Ҳатто унинг уринишлари бирор натижа бермаса ҳам, у ўз бурчини бажаришни давом этириши керак. Асл содиқ учун омад ва омадсизликнинг аҳамияти йўқ, чунки у – худди жанг майдонидаги жангчига ўхшайди. Худога садоқат билан хизмат қилиш илмини тарғибот қилиш – дунёвий турмуш тарзига қарши уруш эълон қилиш демакдир. Дунёвий одамларнинг ҳар хил тоифалари бор: ўз меҳнати натижаларидан лаззатланиш учун ишлайдиганлар(карми), дунёвий файласуфлар, сеҳргарлар ва ҳоказо. Уларнинг бирортаси Худо борлигига ишонмайди. Гарчи ҳамиша, ҳар бир ишда, ҳар қадамда Худонинг марҳаматига қарам бўлсалар ҳам, баъзан улар ўзларини Худо деб эълон қиладилар. Шу боис, Худонинг содиқ хизматкори атеистларнинг ҳар қандай тури билан ҳамсуҳбат бўлишдан қочиши керак. Парвардигорнинг имони комил содиғини имонсиз одамларнинг атеистик пропагандаси йўлдан ура олмайди, лекин янги содиқлар улардан йироқ юрганлари маъқул. Содиқ ҳақиқий руҳий устознинг кўрсатмаларига риоя

қилиб, Худога садоқат билан хизмат қилишнинг барча қоидаларига қатъий риоя қилишга ҳаракат қилиши керак, лекин у буни шунчаки расмиятчилик юзасидан қилмаслиги керак. Фақат барча қоидаларга қатъий амал қилиш ҳақида қайғуриб қолмасдан, инсон ҳақиқий руҳий устоз раҳбарлиги остида **ўз хизмати билан иложи борича кўпроқ фойда келтиришга ҳаракат қилиши** лозим. Содик бирор моддий нарсага эришиш учун ҳаддан ташқари куч сарфламаслиги ва Худонинг иродаси билан ўзидан ўзи келадиган нарсаларга қаноат қилиб яшаш керак. мана шу унинг бу дунё яшаш шиори бўлиши керак. Шукадева Госвами сингари руҳий устоз раҳбарлиги остида бундай шиорга амал қилиб яшаш қийин эмас. Махараж Парикшит Шукадева Госвамига жуда тўғри саволлар берган, биз ҳам ундан ўрнак олишимиз лозим.

Махараж Парикшит моддий олам қандай яратилиши, унинг мавжудлиги қандай таъминланиб тургани ва у қандай яқсон бўлиши ҳақида, ведавий маросимларни қандай ўтказиш лозимлиги ҳақида, шунингдек, Ведаларга кўшимча қилиб ёзилган Пурана ва “Маҳобҳорат”да савоб ишларнинг қайси турлари тавсия қилмингани ҳақида савол берди. Аввал айтганимиздек, “Маҳобҳорат”да қадимий Ҳиндистон тарихи баён этилган. Савоб ишлар Ведаларга кўшимча асарларда, смритиларда ёзилган. Масалан, уларда шундай деб ёзилган, одамлар чанқоғини қондира олиши учун қудуқлар казиш лозим. Йўл четига дарахтлар ўтказиш, одамлар Худога сиғинишлари учун эҳромлар қуриш, гадоёлар бепул овқатлана олиши учун ошхоналар қуриш, - бундай савоб ишлар пурта деб аталади.

Бундан ташқари, бошқа одамларнинг манфаатини кўзлаб, шоҳ донишманддан ҳиссий лаззатларга бўлган табиий эҳтиёжни қандай қондириш мумкинлигини тушунтириб беришни илтимос қилади.

22. Аввал Парвардигорнинг танаси ичига кириб қолган тирик мавжудотлар қай тарзда бу дунёга келадилар, бу дунёда имонсиз одамлар қаердан пайдо бўлади? Шартланмаган тирик мавжудотлар қандай ҳолатда бўладилар?

Изоҳ: Ҳақиқат илмини англаб етишга интилаётган содик руҳий устоздан қандай қилиб Парвардигорнинг танасига ғарқ бўлган тирик мавжудотлар моддий оламни яратиш жараёнида яна қандай қилиб моддий оламга қайтиши ҳақида сўраши керак. Тирик мавжудотлар икки тоифага бўлинадилар: мангу озод ва мангу шартланган тирик мавжудотлар. Мангу

шартланган тирик мавжудотлар иккига бўлинади: имонли тақводорлар ва имонсиз атеистлар. Имонли тақводорлар икки тоифага бўлинади: Худонинг содиқлари ва эмпирик файласуфлар. Файласуфлар Парвардигорнинг борлиғига ғар бўлиб кетишга, У билан қўшилиб кетишга интиладилар, Худонинг содиқлари эса, алоҳида мавжудлигини сақлаган ҳолда ҳамиша Унга хизмат қилишга интиладилар. Тўла покланиб улгурмаган содиқлар ва файласуфлар олам яралишининг кейинги циклида яна моддий оламга қайтадилар ва покланишни давом эттириш учун шартланган ҳаёт билан яшайдилар. Кейин, Худога садоқат билан хизмат қилишда баркамолликка эришиб, бу шартланган руҳлар озодликка эришадилар. Махараж Парикшит Худо ҳақидаги илмининг барча нозик сирларини билиб олиш учун руҳий устозига ана шундай саволлар берди.

23. Мустақил Худо Шаҳси, Парвардигор ички қуввати ёрдамида ўтказадиган эрмакларидан мангу лаззатланиб юради. Коинотни яқсон қилиш пайти келганда У буни ташқи қуввати ҳукмига ҳавола этади ва Ўзи бу жараёни фақат кузатиб туради.

Изоҳ: Парвардигор Кришна – Худонинг Олий Шаҳси ва бошқа барча қиёфаларнинг манбаи бўлгани боис, У – ягона мустақил шахсдир. У бу оламни яратиб Ўзининг эрмаклари билан лаззатланиб юради, кейин, олам яқсон бўлганида, Ўз яратган оламни ташқи қувват ҳукмига топширади. У фақат Ўзининг ички қуввати ёрдамида иблис Путанани ўлдиради, лекин бунда У онаси Йашоданинг тиззасида ўйнаб лаззатланишдан тўхтамайди. У бу дунёни тарк этмоқчи бўлганида, Ўз хонадонининг аъзоларои(йаду-қулалар) ҳалок бўладиган эрмак ўйлаб топади, лекин Ўзи буларнинг ҳаммасидан четда қолаверади. У оламда рўй бераётган воқеаларнинг ҳаммасини кузатиб туради, лекин Унинг бунга ҳеч қандай алоқаси йўқ. У мутлақо мустақил. Махараж Парикшит бу ҳақда аниқ тасаввурга эга бўлишни истайди, чунки асл содик Худо ҳақидаги илмини мукамал билиши лозим.

24. Парвардигорнинг вакили бўлган эй буюк донишманд, қизиққанымдан мен сенга берган ва ҳали бериб улгурмаган барча саволларимга жавоб бериб, мени мамнун қилишингни илтимос қиламан. Мен энди ўз ихтиёримни бутунлай сенга топшираман.

Изоҳ: Руҳий устоз ҳамиша, айниқса, шогирди илм ўрганишга интилаётганини сезиб қолса, ўзи билган нарсаларни шогирдига ўргатишга

интилади. Қизиқувчанлик – Худога садоқат билан хизмат қилишда юксалишга эришиш учун зарур бўлган асосий шартлардан бири. Махараж Парикшит – намунали шогирд, чунки унда ана шундай фазилат бор. Руҳий ўзликни англаш илми билан етарлича қизиқмайдиган киши, шунчаки ўзини бошқаларга шогирд қилиб кўрсатиш учун руҳий устоз қабул қилмаслиги керак. Махараж Парикшит фақат ўзи сўраган нарсалар билан қизиқиб қолмасдан, балки, ўзи сўрамаган нарсалар ҳақида ҳам билиб олишни истайди. Руҳий устоздан ҳамма нарсани сўраб олишнинг иложи йўқ, лекин ҳақиқий руҳий устоз шогирдининг бахтини ўйлаб, унга зарур бўлган илмнинг ҳаммасини беришга қодир.

25. Эй буюк донишманд, сен биринчи тирик мавжудот Браҳма билан бир қаторда турасан, бошқалар эса, ўзларидан олдинги дунёвий файласуфлар ўрнатиб кетган урф-одатларгагина амал қиладилар.

Изоҳ: Кимдир эътироз билдириши мумкин: Шукадева Госвами мутлақ илоҳий илм борасида ягона ишончли зот эмас, чунки бошқа кўплаб донишмандлар ва уларнинг издошлари ҳам бор-ку? Вйасадева билан бир даврда, ҳатто ундан ҳам олдин Гаутама, Канада, Жаимини, Капила ва Аштавакра деган буюк донишмандлар яшаган, уланинг ҳар бири ўзининг фалсафа мактабини яратган. Ҳатто Патанжали ҳам улар қаторига киради, ана шу олти буюк ришининг, худди ҳозирги файласуф ва мутафаккирлар сингари, ўзига хос фалсафий дунёқараши бўлган. Ана шу машҳур донишмандлар ишлаб чиққан олти фалсафий тизим Шукадева Госвамининг "Шримад-Бхагаватам"да баён этган фалсафасидан шуниси билан фарқ қиладики, бу донишмандларнинг ҳар бири ўзининг нуқтаи назарини баён этади, Шукадева Госвами эса, бевосита, атма-бхах, яъни ҳар нарсага қодир Худо Шахсидан туғилган ва ўз илмини Ундан олган Браҳмаджидан олган билимни баён этади.

Илоҳий Ведавий илм бевосита Худо Шахсидан чиқади. Худонинг марҳамати билан бу илм Браҳманинг – коинотдаги биринчи тирик мавжудотнинг қалбига жойланган эди. браҳмаджи уни Нарадага берди, Нарада – Вйасага берди. Шукадева Госвами бу илоҳий илмни бевосита ўз отаси Вйасадевадан олди. Шундай қилиб, шогирдлар силсиласи орқали олинган илм мукамал илмдир. Шогирдлар силсиласи орқали келаётган илмни олмай туриб, комил руҳий устоз бўлишнинг иложи йўқ, илоҳий илм олишнинг сири мана шунда. Юқорида эслаб ўтилган буюк донишмандлар, балки, буюк мутафаккир бўлган бўлишлари мумкин, лекин уларнинг чуқур фикр-мулоҳаза

юритиш орқали олинган илми мукамал илм бўла олмайди. эмпирик файласуф ўзининг у ёки бу фалсафий ғоясини қанчалик ишончли қилиб асослаб бермасин, унинг илми барибир мукамал бўлмай қолаверади, чунки бу унинг ўзининг мукамал бўлмаган ақлининг ўйлаб топган фикрлари бўлиб қолаверади. Ана шу буюк донишмандлар яратган фалсафий ғоялар ҳам шогирдлар силсиласи орқали ўтиб келяпти, лекин улар барибир ишончсиз ҳисобланади, чунки бу шогирдлар силсиласи орқали ўтиб келаётган илм бевосита мустақил Худонинг Олий Шахси Нарайанадан чиққан эмас. Нарафйанадан бошқа ҳеч ким тўлиқ мустақилликка эга эмас, шунинг учун инсоннинг ўзи ўйлаб топган илм мукамал эмас, чунки у унинг нотинч ва ўзгарувчан ақлининг маҳсулидир. Ум моддий, шунинг учун дунёвий файласуфлар ўйлаб топган илм илоҳий бўла олмайди, шу боис у ҳеч қачон мукамал бўлмайди. Бир номукамал дунёвий файласуфларнинг фикри бошқа бир файласуфларнинг фикрига мос келмайди, чунки бу дунёда агар ўзининг фалсафий нуқтаи назарини ўртага ташламаса, ҳеч ким уни файласуф деб тан олмайди. Махараж Парикшит сингари соғлом фикрли соғлом фикрли кишилар, ана шундай сафсатабозлар қанчалик даҳо бўлмасинлар, уларни тан олмайдилар. Бунинг ўрнига улар, "Бхагавад-гита"да таъкидланганидек, парампара шарофати билан Худонинг Олий Шахсидан фарқ қилмайдиган Шукадева Госвами сингари ишончли зотларга кулоқ соладилар.

26. Эй билимдон браҳман, гарчи мен бутунлай оч ҳолда рўза тутаетган бўлсам ҳам, сенинг гапларинг уммонидан дарё каби оқаетган, бегуноҳ Парвардигорнинг асалдай ширин хабарларидан лаззат олаётганим туфайли куч-қудратим ҳечам камаймаяпти.

Изоҳ: Браҳма, Нарада, Вйаса ва Шукадева Госваидан бошланадиган шогирдлар силсиласи бошқа силсилалардан тубдан фарқ қилади. Бошқа донишмандлар асос солган парампара орқали келаётган фалсафани ўрганиш – вақтни бекорга сарфлаш демакдир, чунки уларнинг таълимотида ачйута-катха, яъни, бегуноҳ Парвардигорнинг хабари йўқ. Дунёвий файласуфлар ўз таълимотларини мантикий далиллар билан асослаб беришлари мумкин, лекин уларнинг даллиларини бегуноҳ бенуқсон деб бўлмайди, чунки мантиқ илмини яхши биладиган киши уларни бемалол инкор эта олади. Махараж Парикшитни кимнингдир нотинч ақлининг фикр-мулоҳазалари қизиқтирмасди, у Шукадева Госвами оғзидан

Парвардигор ҳақидаги ҳикояларни тинглашни истарди, чунки Парвардигор ҳақидаги нектарли ҳикояларни тинглаш унга куч бағишларди, шу боис, муқаррар ажалини кутиб у сув ичиш ва овқатланишдан бутунлай воз кечган бўлишига қарамасдан у ҳеч қандай заифлик ҳис қилмасди.

Баъзи бир одамлар дунёвий файласуфларни тинглашни ёқтирадилар, лекин барибир ҳеч ким уларни тинглашга узоқ вақт дош бера олмайди. Уларнинг бир томонлама фикр-мулоҳазалари тез вақт ичида кишини зериктириб қўяди. Бундай бемаъни фикр-мулоҳазалар ҳали ҳеч кимга тўла мамнуният олиб келмаган. Парвардигорнинг хабарини эса, айниқса Шукадева Госвами сингари зот оғзидан тинмасдан узлуксиз тинглаш мумкин. Бундай ҳикоялар ҳатто чарчаган кишининг ҳам жонига тегмайди.

"Шримад-Бхагаватам"нинг бошқа нашрларида мазкур шеърнинг охириги сатри бошқача ёзилган: аниътра купитад двиджат. Бу дегани, илон чақишидан ўлиш фикри шохнинг хаёлидан кетмасди. Илонни ҳам иккибор туғилган зот еб атайдилар, унинг ғазабини эса, бебош брахман боланинг қарғишига ўхшатадилар. Лекин, Парвардигорнинг хабаридан илҳомланиб кетган Махараж Парикшит ажалдан кўркиш туйғусидан бутунлай халос бўлди. Ачйута-катха билан машғул кишини бу дунёдаги бирор нарса кўрқита олмайди.

27. Сута Госвами шундай деди: - Шукадева Госвами Махараж Парикшитнинг шу ерга тўпланган содиқларга Парвардигор Шри Кришна ҳақида гапириб беришини илтимос қилганидан жуда мамнун бўлди.

Изоҳ: "Шримад-Бхагаватам"ни муҳокама қилишга фақат Худонинг содиқлари ҳақли. Худди "Бхагавад-гита"ни Парвардигор Кришна билан Аржун(Парвардигор ва Унинг содиғи) муҳокама қилгани сингари, "Бхагавад-гита"ни ўрганиб бўлган кишилар учун мўлжалланган "Шримад-Бхагаватам"ни ҳам, Шукадева Госвами ва Махараж Парикшит сингари ведавий илм билимдонлари ва Худонинг содиқлари муҳокама қилишга ҳақли. Акс ҳолда бу нектарнинг асл таъмини ҳис қилиб бўлмайди. Шукадева Госвами Махараж Парикшитдан мамнун бўлди, чунки Парвардигор ҳақидаги ҳикоялар уни заррача бўлса ҳам чарчатиб қўймаганди, аксинча, унда бу ҳикояларни тинглашга бўлган ихлос ва иштиёқ тобора ортиб борарди. Калтафаҳм талқинчилар "Бхагавад-гита" ва "Шримад-Бхагаватам"ни талқин қилишга уринадилар, лекин уларнинг барча меҳнатлари – ўз вақтини бекорга кетказишдан бошқа нарса эмас, чунки улар бу китобларнинг мазмунини

тушунмайдилар. Имонсиз одамларнинг бу икки энг сирли ведавий асарнинг мазмунини тушунтиришга ҳар қандай уринишлари аввал бошданок ҳеч қандай натижа бермаслиги аниқ, шунинг учун Шанкарачарйа ҳатто "Шримад-Бхагаватам"ни изоҳлаб ҳам ўтирмади. Шрипада Шанкарачарйа "Бхагавад-гита"га ёзган изоҳида Парвардигор Кришнани Худонинг Олий Шахси сифатида тан олади, лекин умуман олганда унинг изоҳлари имперсоналистнинг изоҳи бўлиб қолаверади. Ўзининг руҳий ҳолатини англаган ҳолда у "Шримад-Бхагаватам"ни изоҳлаб ўтирмади.

Шрила Шукадева Госвами Парвардигор Кришнанинг ҳимояси остида эди, шунинг учун уни Брахмарата, Шриман Махараж Парикшитни эса, Парвардигор Вишну ҳимоя қиларди, шу боис уни Вишнурата деб атардилар. Худонинг содиқ хизматкори бўлган ҳолда улар ҳамиша Унинг ҳимояси остида бўладилар. Шу сабабли аниқ кўриниб турибдики, Вишнурата "Шримад-Бхагаватам"ни бошқа бировдан эмас, айнан Брахмарата оғзидан тинглаши лозим эди, чунки бошқаларнинг ҳаммаси илоҳий илмни бузиб кўрсатадилар ва шу боис тингловчиларнинг вақтини бекорга сарфлайдилар, холос.

28. Махараж Парикшитнинг саволларига жавоб берар экан, у Худо Шахси ҳақидаги илмни биринчи бор Парвардигорнинг Ўзи, биринчи тирик мавжудот Брахмага ўргатганини айтди. "Шримад Бхагаватам" - Ведаларга тўла асосланган ҳолда уларга қўшимча қилиб ёзилган асар.

Изоҳ: "Шримад-Бхагаватам" – Худо Шахси ҳақидаги илм. Имперсоналистлар, мана шу буюк илмни билмасдан, ҳамиша Парвардигорнинг шахсий жиҳатини сохта кўринишда талқин қиладилар, лекин "Шримад-Бхагаватам" қатъий равишда Ведаларга ва Худо Шахси ҳақидаги илмга асосланган. "Шримад-Бхагаватам"ни ўз билганича талқин қилиш – Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойини ҳақорат қилишдир, шу боис, бу илмни англаб етиш учун, уни ўзича талқин қилишга уринмасдан Шри Шукадева Госвамининг вакили паноҳи остига кириш ва Махараж Парикшит изидан бориш керак. имонсиз одамларнинг шубҳали талқинлари одамларни "Шримад-Бхагаватам"нинг асл маъносини тушуниб олиш имконидан маҳрум қилдилар. Жиддий шогирд, агар Парвардигор ҳақидаги илмни англаб етишни истаса, ҳамиша шуни эса тутиши лозим.

29. У шох Парикшит берган саволларнинг ҳаммасига жавоб беришга ҳозирланди. Махараж Парикшит Пандузодалар авлоди-

нинг энг яхши вакили эди, шу боис у жавоб беришга қодир кишига мукамал саволлар беришни биларди.

Изоҳ: Махараж Парикшит ҳақиқатни англаб етишга интиларди, шунинг учун кўп саволлар берди, уларнинг баъзиларини алоҳида қизиқиш билан, лекин руҳий устоз шогирдининг саволларига жавоб берар экан, айнан у саволларни берган тартибда бирин кетин жавоб бериши шарт эмас. Тажрибали руҳий устоз сифатида Шукадева Госвами шохнинг саволларига жавоб берар экан, уларга шогирдлар силсиласида ўрнатилган тартибда жавоб берди, шу боис, Махараж Парикшитнинг бирорта саволи жавобсиз қолмади.

*“Шримад-Бхагаватам”нинг Иккинчи қўшиқ,
“Шоҳ Парикшитнинг саволлари” деб
аталадиган саккизинчи бобига
Бҳактиведантининг изоҳлари шундай
яқунланади.*

Тўққизинчи боб

Шукадева Госвамининг Худо Шахсининг насихатларига асосланиб берган жавоб- лари

1. Шукадева Госвами шундай деди: Эй шох, агар Худонинг Олий Шахсининг қуввати таъсир қилмаса, соф онгга эга бўлган пок руҳ моддий тана билан боғланиб юрган бўлармиди? Бу боғланиш худди, ўзининг тана-наси қандай ҳаракат қилаётганини тушида кўриб турган одамнинг уйқусини эслатади.

Изоҳ: Бу шеърда Махараж Парикшитнинг, моддий тана ва ақлдан фарқ қиладиган тирик мавжудот қандай қилиб моддий ҳаёт бошлайди, деган саволига мукамал жавоб берилган. Аслида руҳий табиатга эга бўлган жон(руҳ)нинг моддий онг ва моддий танага ҳеч қандай алоқаси йўқ, лекин Парвардигорнинг моддий қуввати, атма-майя таъсири остида у ҳаёт ҳақидаги моддий тасаввурлар чангалига тушиб қолади. Бу “Шримад-Бхагаватам”нинг биринчи қўшиғида тушунтирилган эди, унда гап қандай қилиб Вйасадева Парвардигорни ва Унинг ташқи қувватини кўргани ҳақида борганди. Парвардигор ташқи қувватни бошқариб туради, ташқи қувват эса, Унинг амрига бўйсуниб, тирик мавжудотларни бошқариб туради. Шу боис, ўзининг асл ҳолатида тирик мавжудот соф онгдан иборат бўлишига қарамасдан, у барибир

Парвардигорнинг ташқи қуввати таъсирида бўлиб, Парвардигорнинг амрига бўйсунди. Бунинг тасдиғини “Бхагавад-гита”(15.15)да ҳам кўриш мумкин, унда айтилганки, Парвардигор ҳар бир тирик мавжудот қалбида мавжуд бўлиб, унинг онгига ва хотирасига таъсир қилиб туради.

Шундай савол туғилади: нимага Парвардигор шу тарзда тирик мавжудотнинг онгига таъсир қилади ва унинг хотирасини олиб қўяди? Бунга жавоб шундай: Албатта, Парвардигор тирик мавжудотнинг соф онгга бўлишини, ўзи Парвардигорнинг ажралмас заррачаси эканини англаган ҳолда Унга муҳаббат билан хизмат қилишини истайди, бу унинг табиий ҳолатига мос келади. Лекин, маълум даражада эркинликка эга бўлгани боис, у Парвардигорга хизмат қилишдан бош тортиши ва Парвардигорнинг ўзи сиангари мустақил бўлишга ҳаракат қилиши мумкин. Ўзини Худога топширмаган тирик мавжудотларнинг ҳаммаси, гарчи бунга қодир бўлмасалар ҳам, Парвардигорга ўхшашни ва худди У сингари қудратли бўлишни истайдилар. Тирик мавжудотлар Парвардигорнинг амри билан алданиш домига тушиб қолганлар, чунки улар Парвардигор билан тенг бўлишни истаган эдилар. Шартланган тирик мавжудот худди ўзида шох бўлиш учун зарур бўлган бирор фазилат бўлмаса ҳам, шох бўлишга ҳаракат қилиб юрган кишига ўхшайди. Тирик мавжудотда ана шундай истак пайдо бўлганида Парвардигор уни уйқуга ғарқ қилиб қўяди, тирик мавжудотга шунда гўё у шох бўлганга ўхшаб туюла бошлайди. Шундай қилиб, тирик мавжудотнинг биринчи гуноҳли истаги – Худо бўлишга интилиш, унда ана шундай истак пайдо бўлган захоти тирик мавжудот Парвардигорнинг иродаси билан ўзининг асл ҳолатини эсдан чиқаради ва ўзи шох бўладиган, аслида мавжуд бўлмаган салтанат ҳақида ўйлай бошлайди. Ёш бола онасига осмондаги Ойни олиб бер деб йиғлайди, онаси боласини юпатиш учун унга ойна беради ва бола ойнада ойнинг аксини кўриб тинчланади. Парвардигорнинг йиғлаган боласи ҳам, аввалига карми бўлиб, унга ҳукмрон бўлишга интилиш учун, кейин бу ишдан ҳафсаласи пир бўлиб, Парвардигор билан қўшилиб кетишдан умидвор бўлиб бу йўлни тарк этиш учун ҳақиқий руҳий оламнинг аксини - моддий оламни олади. Бу икки ҳолат ҳам туш, саробдан бошқа нарса эмас. Тирик мавжудотда биринчи марта шундай истак қачон пайдо бўлганини аниқлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Бир нарса аниқ: унда ана шундай истак пайдо бўлган захоти Парвардигорнинг иродаси билан у атма-майянинг ҳукмига топширилган. Шунинг учун, моддий онг уйқусига ғарқ этилган тирик мавжудот адашганидан моддий танасини “мен”

деб ўйлайди ёки ўзини Худо деб билади ва моддий танаси билан боғлиқ нарсаларнинг ҳаммасини “меники” деб билади. Шундай қилиб, кетма-кет умрлар оша унинг изидан эргашиб келаётган “мен” ва “меники” деган сохта тасаввурлар фақат унинг тушида мавжуд. Токи инсон ўзининг асл табиатини англаб етмас экан, токи у Парвардигорнинг ажралмас заррачаси, мангу Унга қарам эканини тушунмас экан, унинг бундай ҳолати давом этаверади.

Айни пайтда, тирик мавжудотнинг соф онгида бундай алдамчи тушларга ўрин йўқ, соф онга эга бўлган тирик мавжудот ҳамиша ҳеч қачон у Парвардигор бўла олмаслигини, у Парвардигорнинг илоҳий муҳаббат ришталари билан боғланган мангу хизматкори эканини ҳамиша эслаб юради.

2. Алдамчи қувват таъсирига тушиб қолган тирик мавжудот унга Парвардигорнинг ташқи қуввати яратиб берган турли хил қиёфаларда пайдо бўлади. Танага қамалган рух(жон) моддий табиат гуналаридан лаззатланиб, алданиб юради ва "мен" ва "меники" деган тушунчалар асосида фикр юритади.

Изоҳ:Тирик мавжудотларнинг ҳар хил шакллари – Парвардигорнинг ташқи қуввати таклиф этадиган турли хил либослардир. Уларнинг шакли тирик мавжудот моддий табиатнинг қайси гунаси таъсири остида лаззатланишни исташига боғлиқ бўлади. Ташқи моддий қувват уч гуна кўринишида бўлади: эзгулик, эҳтирос ва ғафлат. Шундай қилиб, ҳатто моддий оламда ҳам тирик мавжудот танлаш эркинлигига эга, унинг истагига қараб моддий табиат унга турли хил таналарни таклиф қилади. Коинотда сувда яшайдиганмавжудотларнинг 900 000 тури, ўсимликларнинг 2000 000 тури, ҳашарот ва судралиб юрувчиларнинг 1 100 000 тури, паррандаларнинг 1000 000 тури, ҳайвонот оламининг 3 000 000 тури, одамларнинг эса 400 000 тури мавжуд. Коинотнинг барча сайёраларида ҳаётнинг ҳаммаси бўлиб 8 400 000 тури мавжуд ва тирик мавжудот ҳиссий лаззатларнинг қандай турларини исташига қараб, бир танадан иккинчи танага ўтиб юради. Шартланган рух ҳатто бир тана ичидаги ҳаёти давомида ҳам ёш бола танасини ўспирин танасига, ўспирин танасини эса, кекса чол танасига алмаштиради. Кейин бу ҳаётида қилган ишлари оқибатида унга моддий табиат тайёрлаб қўйган янги танага ўтиш учун бу танасини ташлаб кетади. Тирик мавжудот ўз истаклари билан танасини ўзи яратади, - Парвардигорнинг ташқи қуввати шунчаки унга ўз истақларини тўла амалга ошира олиш имконини берадиган

тана таклиф этади, холос. Йўлбарс бошқа ҳайвонларнинг қонини ичиб лаззатланишни истаган эди, шу боис моддий табиат Парвардигорнинг иродаси билан унга йўлбарс танасини берди, энди у ўз истагини амалга ошира олади. Худди шундай, тирик мавжудот олий сайёраларда фаришта танасига эга бўлишни истайдиган тирик мавжудот ҳам Худонинг марҳамати билан ўз истагига эриша олади. Лекин агар тирик мавжудотнинг етарлича ақл-фаросати бўлса, у Худонинг даргоҳида Парвардигор билан бирга бўлиш учун рухий тана олишга интилади ва охир-оқибатда шу ниятига эришади. Шундай қилиб, тирик мавжудот ўзига берилган танлаш эркинлигидан ўзи фойдаланади, Парвардигор эса, меҳрибонлик билан уни ўзи олишга интилиб юрган таналар билан мукофотлайди. Тирик мавжудотнинг истақлари тушида олтин тоғни кўрганга ўхшайди. Инсон тоғ нима эканини билади, олтин нима эканини билади, унинг истақлари олтин тоғ қиёфасида бирлашади ва унинг тушига қиради, лекин уйқудан уйғониб у, ёнида ҳеч нарсани – олтин тоғ нари турсин, ҳатто олтинни ҳам, тоғни ҳам кўрмайди.

Тирик мавжудот моддий оламда эга бўладиган таналарнинг турли шакллари унинг ҳаёт ҳақидаги “мен” ва “меники” деган сохта тасаввурларидан келиб чиқади. Кармилар бу дунёни “меники” деб биладилар, гйанилар эса: “ҳаммаси – мен ўзим!” – деб ўйлайдилар. Шартланган рухларнинг сиёсат, жамиятшунослик, инсонпарварлик, хайр-саховат ва ҳоказолар кўринишидаги барча моддий дунёқарашлари тўлалигича мана шу, моддий дунёдан лаззатланиш истагидан келиб чиқадиган “мен” ва “меники” деган сохта тушунчаларга асосланган. Ўзини тана билан, танага эга бўлган жой билан қиёслашнинг социализм, миллат, оилавий муносабатлар ва ҳоказолар сингари кўринишлари тирик мавжудотнинг ўзининг асл табиатини эсдан чиқариб қўйгани оқибатидир. Ана шундай сохта тасаввурлардан халос бўлиш учун адашган тирик мавжудот Шуқадева Госвами ва Махараж Парикшит билан ҳамсуҳбат бўлиши лозим, чунки бу нарсаларнинг ҳаммаси "Шримад-Бхагаватам"да батафсил тушунтирилган.

3. Тирик мавжудот ўзининг улуғворликка тўла ҳолатига қайтиб, моддий қувват ва замон таъсир қилмайдиган илоҳий мавжудликдан лаззат ола бошлаган заҳоти, ўзининг ҳаёт ҳақидаги ("мен, "меники" сингари) ўткинчи ва нотўғри тасаввурларини тарк этади ва шу тарзда ўзининг пок беғубор рухий табиатини намоён эта бошлайди.

Изоҳ: Ҳаёт ҳақидаги сохта тасаввурнинг “мен” ва “меники” кўринишидаги икки тури икки тоифага мансуб одамларда бўлади. Ривожланишнинг куйи поғоналарда “мен” деган, юқорироқ поғоналарда эса, “меники” деган сохта тушунча устивор бўлади. Ҳайвонот оламида “меники” деган тушунча ҳатто ит ва мушукларда ҳам бор, ана шу тасаввур уларни бир бири билан жанжаллашишга мажбур қилади. Инсон ҳаётининг куйи поғоналарида ҳам шундай тушунча устивор бўлади, бунда у “бу менинг танам”, “бу менинг уйим”, “менинг оилам”, “менинг миллатим”, “менинг ватаним” ва ҳоказо кўринишларда намоён бўлади. юқорироқ поғоналарда оламни фикр орқали қабул қилиш поғонасида “меники” деган сохта тасаввур “мен борман” ёки “ҳамма нарса менман” сингари тушунчаларга айланади. Одамларнинг ҳаммаси “мен” ва “меники” деган сохта тасаввур билан яшайдилар, шунчаки улар турли хил кўринишларда бўлади. Лекин, фақат “мен Парвардигорнинг мангу хизматкори” эканимни тўлиқ англаб етгандан кейингина “мен” тушунчасининг асл табиатини тушуниб етиш мумкин. Соф онг тушунчаси ана шундай, ведавий муқаддас китобларнинг ҳаммаси бизга айнан шуни тушунтиради.

“Мен - Худоман” деган сохта тасаввур билан яшаш “меники” деган тасаввурдан анча хавфлироқ. Гарчи ведавий муқаддас китобларда баъзан ўзини сифат жиҳатидан Парвардигор билан бир деб ҳисоблаш тавсия қилинса ҳам, бу деган ҳечам, ҳамма жиҳатдан Парвардигор билан бир бўламиз дегани эмас. Албатта, тирик мавжудот кўп жиҳатлари билан Парвардигор билан бир, лекин охир оқибатда у ҳамиша Парвардигорга қарам ва Унинг сезгиларини қаноатлантириш учун яратилган. Шунинг учун ҳам Парвардигор тирик мавжудотлардан ўз ихтиёрини Унга топширишни илтимос қилади. Агар тирик мавжудот олий иродага қарам бўлмаганда эди, Парвардигор улардан ўзини Унга топширишни илтимос қилармиди? Агар тирик мавжудот ҳар жиҳатдан Парвардигор билан тенг бўлса, нимага у майя таъсири остига тушиб қолди? Мазкур асар саҳифаларида биз бир неча бор айтдикки, моддий қувватни Парвардигор бошқариб туради. Моддий табиат Парвардигорнинг ҳукми остидан экани “Бхагавад-гита”да тасдиқланади. Ўзини Худо деб, Олий Мавжудот билан тенгликни даъво қилаётган тирик мавжудот моддий табиатни бошқара оладими? Калтафаҳм “мен” бунга келажакда эришамиз, деб жавоб бериши мумкин. ҳатто у ҳам келажакда Олий Мавжудотда моддий табиатга ҳукмрон бўлади деб тан олсак ҳам барибир, нимага ҳозир у моддий табиат ҳукми остига тушиб қолганига жавоб бера олмайди.

“Бхагавад-гита”да айтилганки: моддий табиат ҳукми остидан чиқиш учун тирик мавжудот ўз ихтиёрини Худога топшириши лозим. Токи тирик мавжудот ўзини Худога топширмас экан, у ҳеч қачон моддий табиатга ҳукмронлик қила олмайди. Шундай қилиб, инсон Худога садокат билан хизмат қилиш билан шуғулланиб, яъни Парвардигорга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишга киришиб, ўзининг “мен”и ҳақидаги барча сохта тасаввурларни тарк этиши лозим. Ишсиз қашшоқ одам ҳаётда сон-саноксиз қийинчиликларга дуч келади, лекин агар у давлат корхоналаридан бирида яхши иш топишга эришса, у бундан дарров ўзини бахтиёр ҳис қила бошлайди. Барча қувватларни бошқариб турган Парвардигорнинг олий ҳукмини инкор этишнинг ҳеч қандай маъноси йўқ. бунинг ўрнига тирик мавжудот ўзининг бошланғич табиий ҳолатига қайтишга уриниши ва бир вақтлар йўқотиб қўйган улғуворлигига эга бўлиши, яъни “мен Парвардигорнинг мангу хизматкориман” деган пок онгини қайта тиклаб олиши лозим. Шартланган ҳолатда тирик мавжудот алдамчи майяга хизмат қилади, лекин озодликка эришгандан кейин у Парвардигорнинг пок, бенуқсон хизматкори бўлади. Парвардигорга хизмат қилиш ҳуқуқига эга бўлиш учун моддий табиат гуналари таъсири остидан чиқиш лозим. Токи инсон ўзининг номукамал ақли ўйлаб топган турли хил ғояларга хизмат қилар экан, у “мен” ва “меники” деган иллатларидан биратўла халос бўла олмайди.

Алдамчи қувват Олий Ҳақиқатни ўз таъсири билан булғай олмайди, чунки у Олий Ҳақиқатга қарам. Лекин нисбий ҳақиқатлар алдамчи қувват таъсирига берилишга мойил бўладилар, шу боис улар учун энг яхшиси – худди биз қуёшни кўргандай, бевосита Олий Ҳақиқатни кўриш. Осмонда қуёш порлаб турганида ҳамма ёқ унинг нурлари билан равшан бўлади, қуёш ботган заҳоти бутун оламни зулмат қоплайди. Худди шундай, Парвардигорни кўриб юрган киши ҳар қандай алданишдан пок бўлади, Уни кўра олмаган киши эса, алдамчи майя зулматида юрган бўлади. бунинг тасдиғини биз “Бхагавад-гита”(14.26)да кўрамиз: мам ча йо...

Шундай қилиб, Парвардигорга сиғиниб, Уни олқишлаб, ҳақиқий манбадан “Шримад-Бхагаватам”ни тинглаб ва ҳамиша Худонинг асл содиқлари билан бирга юриб, бхакти-йога илмини англаб етишга жиддий интилиш лозим. “Мен” ва “меники” деган сохта ғоялар бизни йўлдан адаштириб қўйишига имкон бермаслик керак. Кармилар “меники” деган ғояга, ғяниллар – “мен” деган ғояга қаттиқ ёпишиб олганлар, лекин улар ҳам, булар ҳам, алдамчи қувват таъсири остидан чиқиб кетишга қодир эмаслар.

"Шримад-Бхагаватам", биринчи навбатда "Бхагавад-гита" инсонни ҳаёт ҳақидаги “мен” ва “меники” деган сохта тасаввурлардан халос этиш учун яратилган. Шрила Вйасадева бу асарларни адашган руҳларнинг озодликка чиқишига ёрдам бериш учун яратган. Тирик мавжудот шу тарзда замон ва моддий қувват ҳукми остидан чиқиб, илоҳий поғонага эришиши лозим. Шартланган руҳ замон ҳукми остида бўлиб, унинг тушга ўхшаган моддий ҳаёти ўтмиш, ҳозир ва келажакка бўлинади. Дунёвий файласуфлар келажакда билимларини ошириб, сохта ўзлигини енгиб, Васудева, Парвардигор бўлиб замон ҳукмидан чиқишга уринадилар. Лекин бу усул мукамал эмас. Мукамал усул - Парвардигор Васудеванинг бутун борлиқнинг олий ҳукмдори эканини тан олишдир. Ҳақиқатни англаб етиш йўлидаги олий баркамоллик эса – Унга ўз ихтиёрини бутунлай топширишдир, чунки У – бутун борлиқнинг манбаи. Фақат шуни англаб етгандан кейингина инсон ҳаёт ҳақидаги “мен” ва “меники” деган сохта тасаввурлардан халос бўла олади. Бунинг тасдиғини "Шримад-Бхагаватам" ва "Бхагавад-гита"да топиш мумкин. "Шримад-Бхагаватам"да баён этилган Парвардигор ҳақидаги илм, ҳамда бхакти-його йўли – Шрила Вйасадеванинг алданиш домига тушиб қолган тирик мавжудотларга бериб қўйган бебаҳо неъматидир. Шартланган руҳлар уларга мана шу буюк илм берадиган имкониятдан фойдаланиб қолишлари лозим.

4. Эй шох, Браҳманинг бхакти-йогода чеккан самимий риёзатларидан мамнун бўлган Парвардигор унга Ўзининг мангу илоҳий киёфасини намоён қилди. Шартланган тирик мавжудотнинг покланишдан асосий мақсади ҳам мана шунда(Парвардигорнинг дийдорига эришиш).

Изоҳ: Атма-таттва – Худо ва тирик мавжудот ҳақидаги илм. Парвардигорни ҳам, тирик мавжудотни ҳам атма деб атайдилар. Парвардигорни Параматма деб, тирик мавжудотни эса – атма, браҳма ёки жива деб атайдилар. Параматма ҳам, живатма ҳам моддий қувватга нисбатан илоҳий, шу боис унисини ҳам, бунисини ҳам атма деб айтадилар. Мазкур шеърда Шукадвев Госвами Парматма ва живатма ҳақидаги барча сохта тасаввурларни инкор этади. одамлар орасида Параматманинг табиати ҳақида ҳам, живатманинг табиати ҳақида ҳам кўплаб сохта тасаввурлар бор. Живатмани нотўғри тушуниш моддий танани соф руҳ билан киёслашдан иборат, Параматмани нотўғри тушуниш эса, шундан иборатки, Уни тирик мавжудот қаторига қўшиб қўядилар.

Лекин, ана шу икки турли адашиш ҳам бир зумда тарқалиб кетиши учун инсон бхакти-його билан озгина шуғулланса бас, чунки бхакти-його, худди ўз нури билан бутун оламни равшан қиладиган, қуёш ҳам, у ёритиб турган нарсалар ҳам аниқ кўриниб қоладиган қуёшга ўхшайди. Қоронғуда инсон қуёшни ҳам, ўзини ҳам, атрофидаги оламни ҳам кўра олмайди, лекин, қуёш порлаб турганида у ўзини ҳам, қуёшни ҳам, атрофидаги оламни ҳам яққол кўради. Шунинг учун Шрила Шукадева Госвами айтадики, маъбуд Браҳманинг бхакти-його билан шуғулланишга берган қасамига содик қолганидан мамнун бўлган Парвардигор, адашишнинг мана шу икки турини ҳам тарқатиб юбориш учун, унга Ўзининг мангу киёфасини намоён этди. Атма-таттва(руҳ ҳақидаги илм)ни англаб етишнинг бхакти-йогодан бошқа ҳар қандай йўли охир-оқибатда сохта бўлиб чиқади.

"Бхагавад-гита"да Парвардигор айтадики, Уни фақат бхакти-його усули ёрдамида англаб етиш мумкин, Уни англаб етгандан кейин эса, инсон Худо ҳақидаги илмга эга бўлади. бхакти-йогна билан шуғулланиб, Браҳмаджи буюк риёзат чекди, бунинг шарофати билан эса Парвардигорнинг илоҳий киёфасини кўрди. Парвардигорнинг илоҳий киёфаси бутунлай руҳий табиатга эга, шу боис Уни фақат илоҳий назарга эга бўлгандан кейин кўриш мумкин. илоҳий назар эса, тапасйа, соф бхакти-йогода чекиладиган риёзат натижасида келади. Парвардигорнинг маъбуд Браҳма кўрган киёфаси биз моддий оламда кўриб юрган киёфаларга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Браҳма моддий нарсалардан яралган киёфалардан бирини кўриш учун шунчалик қаттиқ риёзатларга берилгани йўқ. Махараж Парикшит Парвардигорнинг киёфаси ақида берган саволига шу тарзда жавоб олди. Парвардигорнинг киёфаси сач-чид-ананда мангу, илм ва лаззатга тўла, тирик мавжудотнинг моддий танаси эса бундай сифатларга эга эмас. Парвардигорнинг киёфаси ва шартланган руҳнинг киёфалари орасидаги фарқ шундан иборат. Лекин, шартланган руҳ ўзининг илм ва лаззатга тўла мангу киёфасига қайтадан эга бўлиши мумкин. Бунинг учун у бхакти-його усулидан фойдаланиб Парвардигорнинг киёфасини кўрса бас.

Шундай қилиб, ўзининг ғофиллиги сабабли шартланган руҳ турли хил ўткинчи моддий киёфаларга камалиб юради. Лекин Парвардигор, шартланган руҳлардан фарқли равишда, ҳеч қачон моддий киёфага кирмайди. У ҳамиша илм ва лаззатга тўла мангу киёфага эга, тирик мавжудот билан Парвардигор орасидаги фарқ шундан иборат. Мана шу фарқни ҳам бхакти-його билан шуғулланиш ёрдамида англаб етиш

мумкин. кейин Парвардигор маъбуд Браҳмага "Шримад-Бхагаватам"нинг асл маъносини мазкур асарнинг негизини ташкил этадиган тўрт шеърда очиб берди. Шундай қилиб, "Шримад-Бхагаватам" дунёвий файласуфларнинг ўйлаб топган сафсаталари эмас. "Шримад-Бхагаватам" товушлари илоҳий, Ведаларнинг товуши сингари илоҳий кудратга эга. Шундай қилиб, "Шримад-Бхагаватам" Парвардигор ва тирик мавжудот ҳақидаги илмдан таркиб топган. "Шримад-Бхагаватам"ни мунтазам равишда ўқиб, тинглаб юриш бҳакти-йога билан шуғулланишнинг бир тури. Шунчаки "Шримад-Бхагаватам"ни ўқиб ёки тинглаб юриш орқали инсон баркамолликнинг олий поғонасига кўтарила олади. Шукадева Госвами ҳам, Махараж Парикшит ҳам "Шримад-Бхагаватам" ёрдамида олий баркамолликка эришганлар.

5. Бу коинотнинг ҳукмдори ва биринчи руҳий устози мабуд Браҳма, барибир, ўзи ўтирган нилуфар гулининг қаерда ўсиб турганини аниқлай олмади. Моддий оламни яратишга киришиш ҳақида ўйлар экан, бу фаолиятни нимадан бошлашни ҳам, уни қандай амалга оширишни ҳам аниқлай олмади.

Изоҳ: МАзкур шеър Парвардигорнинг киёфалари ва даргоҳи илоҳий табиатга эга эканини таърифлаш арафасида айтилган. "Шримад-Бхагаватам"нинг энг бошида айтилган эдики, Олий Мутлақ Ҳақиқат Ўзининг алдамчи қувват яқинлаша олмайдиган даргоҳида яшайди. Шундай қилиб, Парвардигорнинг салтанати – афсона эмас, гарчи тбъабитан бутунлай бошқача бўлса ҳам, аниқ мавжуд бўлган ва Вайкунтхалар деб аталадиган илоҳий сайёралар тизими. Бу ҳам мазкур бобда тушунтирилади.

Моддий осмондан жуда узоқда жойлашган руҳий олам, унинг табиати ҳақидаги илмни фақат Худога садоқат билан хизмат қилиш, бҳакти-йога усули орқали ўрганиш мумкин. маъбуд Браҳма оламни яратиш қобилятига ҳам бҳакти-йога орқали эришди. Браҳма коинотни яратишни нимадан бошлашни билмай турган эди, бунинг устига у бу дунёга келиб қолишига ким сабабчи бўлганини ҳам билмай турганди. Лекин бҳакти-йога усулидан фойдаланиб, у илмга эга бўлди. Бҳакти-йога инсонга Парвардигорни англаб етиш имконини беради, Парвардигорни Олий Ҳукмдор сифатида англаб етгандан кейин эса, қолган ҳамма нарсани англаб етиш мумкин. худони таниган киши ҳамма нарсани билади. Барча ведавий муқаддас китоблар буни тасдиқлайди. Ҳатто коинотдаги биринчи руҳий устоз ҳам Парвардигорнинг марҳамати билан илмга эга бўлди – шундай экан, бошқа кимдир Худонинг марҳаматисиз

мукамал илмга эга бўлишдан умидвор бўлиши мумкинми? Ҳақиқатни англаб етишга ва мукамал илмга эга бўлишга интилаётган киши Худонинг марҳаматига эришишга интилиши лозим, бошқа йўл йўқ. ҳақиқатни фақат ўз кучи билан англаб етишга интилиш – вақтни бекорга сарфлашдан бошқа нарса эмас.

6. Браҳма сув устида ана шулар ҳақида ўйлаб ўтирганида ёнгинасида кимдир икки бўғинли сўзни икки бор айтганини эшитди. Уларнинг бири *спарша* алифбесининг ўн олтинчи(та), иккинчиси эса йигирма биринчи(па) ҳарфлари эди. Бу икки ҳарф бирикканида ҳосил бўлган бўғин(та-па) (тапа ибораси "риёзат" деган маънони англатади)таркидунё қилган зотларнинг ягона бойлигига айланди.

Изоҳ: Санскрит тилидаги ундош товушлар икки гуруҳга бўлинган, улардан биттаси спарша-варна деб аталади, иккинчиси – талавйа-варна. Ка ҳарфидан ма ҳарфигача спарша-варна, улардан ўн олтинчиси – та, йигирма биринчиси – па. Биргаликда улар “риёзат” деган маънони англатадиган тапа иборасини ташкил этадилар. Риёзат – браҳманларнинг ва таркидунё қилган кишиларнинг бойлиги ва бегагидир. Бхагавата мактабининг файласуфларининг фикрига кўра инсон бу дунёга фақат риёзат чекиш учун келади, чунки риёзат чекиш – руҳий ўзлигини англаб етишнинг ягона йўлидир. Ҳаётда инсон бўлиб яшашдан мақсад – сезгиларни лаззатлантириш эмас, балки, руҳий ўзлигини англаб етишдан иборат. Шундай қилиб, тапа, риёзат олам яралгандан бери мавжуд, биринчи бўлиб риёзат чекишни бошлаб берган зот, бутун коинотнинг руҳий устози маъбуд Браҳма. Инсон танаси берадиган имкониятларнинг ҳаммасидан фақат тапасйа қилган кишигина тўлиқ фойдалана олади, маданиятли хайвонларга ўхшаб кун кечираётган кишилар бунга қодир эмас. Хайвонлар “еб-ичиб кайфу-сафо қилиб лаззатланиб қол!” шиори остида ҳиссий лаззатланишдан бошқа ҳеч нарсани билмайдилар. Лекин инсон бу дунёга тапасйа қилиш яъни риёзат чекиш ва ўзининг мангу уйига, Худонинг даргоҳига қайтиб кетиши учун келган.

Маъбуд Браҳма моддий коинотни яратишни нимадан бошлаш кераклигини билмасдан, саросимага тушиб қолганди, шунда, буни аниқлаб олиш ва ўзи ўтирган нилуфар гули қаердан ўсиб чиқаётганини тушуниб олиш учун сувнинг тагига тушганида Браҳма икки марта такрорланган тапа иборасини эшитди. Баркамолликка эришишга интилиб юрган шогирд тапа йўлига кирганида, у иккинчи бор туғилади. Бу ерда упашринот ибораси алоҳида

аҳамиятга эга. Унинг маъноси “тапа йўлига киришни истаган шогирднинг руҳий устозга яқинлашиши” деган маънони англатадиган упанайана иборасига яқин. Демак, Брахмаджи шу тарзда Парвардигор Кришнадан фотиҳа олган, буни унинг ўзи “Брахма-самхита”да айтган. “Брахма-самхита”нинг ҳар бир шеъри шундай нақорат билан яқунланади: говиндам ади пурушам там ахам бхаджами. Шундай қилиб, Парвардигор Кришнанинг ўзи Брахмага Кришна мантрасини ошкор этиб фотиҳа берган. Демак, Брахма ҳали мана шу чексиз коинотни яратмасдан аввал вайшнав, Худонинг содиқ хизматкори бўлган. “Брахма-самхита”да айтилганки, Парвардигор маъбуд Брахмага ўн саккиз ҳарфдан иборат бўлган Кришна мантрасини ошкор этган, бу мантрани Парвардигор Кришнанинг барча содиқлари тан оладилар. Биз ҳам шу қоидага амал қиламиз, чунки биз ҳам, биринчи шогирди Нарада бўлган Брахманинг ўзидан бошланадиган шогирдлар силсиласи занжирига - Брахма-сампрадаёга мансубмиз. Нарада бу илмни Вйасага берди, Вйасанинг шогирди Мадхва Муни эди, Мадхва Мунининг издоши Мадхавендра Пури бўлди, унинг шогирди Ишвара Пури эди, Ишвара Пурининг шогирди Парвардигор Чайтанйа эди. Ана шу шогирдлар силсиласида Парвардигор Чайтанйанинг издошларидан бири бизнинг илоҳий устозимиз, ҳазрат Бхактисиддхантас Сарасвати Тхакур эди.

Шогирдлар силсиласида турган руҳий устоздан фотиҳа олган ҳар қандай шогирд ҳам шундай натижага эриша олади, яъни маъбуд Брахма сингари яратиш қобилиятига эга бўла олади. Ана шу муқаддас мантрани такрорлаш – Парвардигорнинг беминнат асл содигининг ягона паноҳи. Худонинг содиқ хизматкори худди Брахмага ўхшаб тўла баркамолликка эриша олиши учун шундай тапасянанинг, шундай риёзатнинг ўзи кифоя.

7. Бу товушни эшитиб, у овоз манбаини топиш ниятида ҳар тарафга аланглади, аммо ўзидан бошқа ҳеч кимни тополмагач, қайтадан нилуфар гулидаги жойида ўтиришни афзал кўрди ва товуш орқали олган кўрсатмага амал қилиб, бутун фикру-хаёлини риёзат чекишда жамлади.

Изоҳ: Инсон бўлиб яшашдан мақсадга эришиш учун олам яралиши бошида дунёга келган биринчи тирик мавжудот маъбуд Брахмадан ўрناق олиш керак. Парвардигор уни тапасйа қилишга ундаб, фотиҳа бергандан кейин Брахма Унинг кўрсатмасини ихлос билан бажаришга киришди. Гарчи Брахма ўзидан бошқа ҳеч кимни кўра олмаган бўлса ҳам, ўзи эшитган товуш

Худодан эканини у тушуниб етди. Ўша пайтда Брахма коинотдаги ягона тирик мавжудот эди, чунки ҳали бошқа бирор мавжудот яратилмаган эди. Шунинг учун у ўзидан бошқа ҳеч кимни учрата олмади. Биринчи кўшиқнинг бошида, биринчи бобнинг биринчи шеърида Парвардигор маъбуд Брахмага унинг қалбида туриб илм бергани айтилганди. Парвардигор Олий Рух киёфасида ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида мавжуд, У Брахмага фотиҳа берди, чунки Брахма фотиҳа олишни жуда истаган эди. Парвардигор фотиҳа олишни истаган ҳар қандай инсонга ана шундай фотиҳа бера олади.

Аввал айтганимиздек, Брахма коинотнинг биринчи руҳий устози ва у Парвардигорнинг ўзидан фотиҳа олгандан бошлаб, “Шримад-Бхагаватам” таълимоти шогирдлар силсиласи бўйлаб устоздан шогирдга ўтиб келяпти. Бу илмнинг маъносини англаб етиш учун, ҳозирги пайтда шогирдлар силсиласининг вакили бўлиб турган руҳий устозга мурожаат қилиш керак. Ана шу силсилага мансуб бўлган ҳақиқий руҳий устоздан фотиҳа олиб, Худога садоқат билан хизмат қилиш билан боғлиқ бўлган тапасйа ўтказишни бошлаш керак. Лекин, “биз ҳам маъбуд Брахма билан бир қаторда турамыз, бизга ҳам қалбимизда туриб Парвардигор фотиҳа беради, чунки ҳозирги даврда худди Брахмадай қалби пок бўлган зот йўқ”, деб ўйламаслик керак. Коинотни яратган Брахма эгаллаб турган лавозим – қалби энг пок тирик мавжудотга берилади. Худди шундай покликка эга бўлмаган киши Парвардигорнинг худди Брахмага эътибор берганидай эътибор беришидан умидвор бўлмаслиги керак. Лекин, Парвардигорнинг асл содиқлари муқаддас китобларнинг кўрсатмалари ва самимий шогирдга ҳамиша ёрдамга келадиган ҳақиқий руҳий устоз инсон олдида амалда худди шундай имкониятларни очиб беради. Парвардигорга садоқат билан хизмат қилишга самимий интилаётган кишининг олдида руҳий устоз киёфасида Парвардигорнинг ўзи келади, шу боис самимий содиқ ўзининг ҳаёт йўлида учратган ҳақиқий руҳий устозини Парвардигорнинг ишончли вакили деб ҳисоблаш лозим. агар инсон ҳақиқий руҳий устозни учратиб, унинг раҳбарлигини қабул қилса, мана шунинг ўзи унинг шунча вақтдан бери кутиб юрган Худонинг марҳаматига эришганининг шубҳасиз исботи бўлади.

8. Маъбуд Брахма фаришталар ҳисоби бўйича минг йил риёзат чекди. У самодан келаётган овознинг илоҳий товушлигини тан олди ва шунга асосан ўзининг сезгилари ва ақлини назорат қилиб, риёзатга берилди. У чеккан риёзатлар барча тирик мавжудотлар учун

сабоқ ҳисобланади. Энг буюк риёзатчи деган шухратга у ана шундай эга бўлган эди.

Изоҳ: Маъбуд Браҳма илоҳий тапа деган товушни эшитди, лекин бу товуш кимдан чиққанини топа олмади. Шунга қарамасдан у бу кўрсатмани ўзи учун бахт деб қабул қилди ва самовий минг йил давом этган чуқур муроқаблага фарқ бўлди. Самовий минг йил бизларнинг ҳисоб бўйича 6x30x12x1000 йилга тенг. У шу товушнинг амрига бўйсунди, чунки унинг пок назарига Парвардигорнинг мутлақ табиати ошкор бўлганди. Ана шундай назарга эга бўлган Браҳма Парвардигор билан Унинг кўрсатмаси бир биридан фарқ қилмаслигини кўрди. Парвардигор билан Ундан чиқаётган товушлар, ҳатто Парвардигор шахсан иштирок этаётган бўлмаса ҳам, бир биридан фарқ қилмайди. Ҳақиқатни англаб етишнинг энг осон йўли – Парвардигорнинг кўрсатмаларига амал қилиш, ҳар кимнинг руҳий устози бўлган Браҳма илоҳий илм ўрганишнинг ана шу усулининг самарали эканини ўз мисолида кўрсатиб берди. Биз унинг қаердан чиқаётганини кўрмаганимиз билан илоҳий товуш ўзининг кудратини йўқотмайди. Шунинг учун "Шримад-Бхагаватам", "Бхагавад-гита" ёки бошқа ҳар қандай муқаддас китобларни ҳеч қачон оддий китоблар, илоҳий қувватга эга бўлмаган моддий товушлар деб ҳисобламаслик керак.

Илоҳий товушни ҳақиқий манбадан тинглаш, унинг ҳақиқатан ҳам мавжудлигини тан олиш ва ҳеч иккиланмасдан олинган кўрсатмага амал қилишни бошлаш керак. Бу йўлда муваққият қозонишнинг сири бу товушни ҳақиқий манбадан, яъни ҳақиқий руҳий устоз оғзидан олишда. Моддий товуш илоҳий кудратга эга эмас, шу боис, ишончсиз шахсдан чиқаётган илоҳийга ўхшаган товуш ҳам ҳеч қандай илоҳий кучга эга бўлмайди. Биз товушда илоҳий қувват борлигини аниқлай олишни ўрганишимиз лозим, агар инсон онгли равишда излангани натижасидами ёки бахтли тасодиф бианми, ҳақиқий руҳий устоздан чиқаётган илоҳий товушни эшитиш бахтига муяссар бўлса, унинг олдида руҳий озодликка олиб борадиган йўл эшиклари очилади. Лекин, бу амалга ошиши учун шогирд, ўзининг руҳий устози Парвардигорнинг кўрсатмаларига амал қилган маъбуд Браҳмага ўхшаб, руҳий устознинг ҳар қандай кўрсатмасини бажаришга тайёр бўлиши керак. Ҳақиқий руҳий устознинг кўрсатмаларини бажариш – шогирднинг ягона бурчи, руҳий юксалишда муваффақиятга эришишнинг сири ҳам айнан ҳақиқий руҳий устознинг ҳар қандай кўрсатмасини сўзсиз бажаришга тайёр бўлишда.

Маъбуд Браҳма ўз сезгиларини – сезиш органларини ҳам, ҳаракат қилиш органларини ҳам, - жиловлаб олган эди, чунки Браҳма улардан фақат Парвардигорнинг кўрсатмасини бажаришда фойдаланарди. Шундай қилиб, сезгиларни жиловлаб олиш – уларни Парвардигорга илоҳий хизмат қилишда фойдаланиш демакдир. Парвардигорнинг кўрсатмалари шогирдлар силсиласи бўйича ҳақиқий руҳий устоз орқали берилади, шу боис, ҳақиқий руҳий устознинг кўрсатмасини амалга ошириб юрган киши ҳақиқатан ҳам ўз сезгиларини жиловлаб олган киши ҳисобланади. Браҳмадқи чуқур ишонч билан чеккан риёзатлар уни шунчалик кудратли қилиб қўйдикки, у бутун бир коинотни яратишга қодир бўлди. Ана шундай кудратга эга бўлиб, у риёзат чекувчилар ичида аълоси деган шон-шухратга эришди.

9. Браҳманинг чеккан риёзати Худо Шахсини жуда мамнун қилди. Шунинг учун Парвардигор унинг кўз олдида энг олий сайёра, Ўзининг даргоҳи - Вайкунтхани намоён қилди. Ўзлигини англаган ва алдамчи дунёнинг барча мусибатларидан ва кўрқувларидан халос бўлган зотларнинг ҳаммаси Парвардигорнинг ана шу даргоҳига сиғинадилар.

Изоҳ: Маъбуд Браҳма чеккан риёзатлар, шубҳасиз, Худога садоқат билан хизмат қилишнинг бир тури эди, акс ҳолда у Вайкунтхани, яъни свалокам – Парвардигорнинг шахсий даргоҳини кўра олмаган бўларди. Парвардигорнинг Ўзи яшайдиган Вайкунтхалар деб аталадиган оламлар, ҳечам афсона эмас, лекин улар имперсоналистлар тасаввур қилганидек, моддий оламлар ҳам эмас. Лекин, Парвардигорнинг илоҳий даргоҳларини фақат Худога садоқат билан хизмат қилиш ёрдамида яққол кўриш мумкин, шу боис бу оламларга фақат Худонинг содиқлари кира оладилар. Риёзат дегани ҳамиша йўқотишлар билан боғлиқ бўлади, лекин, бҳакти-йога йўлини танлаган инсоннинг бу йўлда дуч келадиган йўқотишларининг ҳаммаси аввал бошдан унинг учун илоҳий бахт манбаига айланади. Лекин руҳий ўзликни англашнинг, Вайкунтха оламини англаб етишга олиб келмайдиган бошқа йўлларида инсон дуч келадиган йўқотишларнинг ҳаммаси фақат йўқотиш бўлиб қолаверади. Сомонни қанча титкилаган билан ундан буғдой олиб бўлмайди. Худди шундай, бҳакти-йога ва руҳий ўзликни англаш жараёни билан боғлиқ бўлмаган ҳар қандай риёзат, риёзат чекаётган кишига ҳеч қандай фойда бермайди.

Бҳакти-йога билан шуғулланар эканмиз, биз худди илоҳий Худо Шахсининг қорнидан ўсиб

чикқан нилуфар гулида ўтиргандай бўламиз, чунки маъбуд Браҳма ҳам шунда ўтирган. Браҳмаджи Парвардигорни мамнун қила олган, Парвардигор ҳам ўз навбатида, унга Ўз даргоҳини кўрсатишдан хурсанд бўлганди. “Шримад-Бхагаватам”нинг изоҳи бўлган “Крама-сандарбха”да Шрила Жива Госвами ведавий муқаддас китоблардан бири бўлган “Тарга-упанишад”дан мисол келтиради. Унда айтилганки, Ўйджнавалкйа Гарга Мунига Парвардигорнинг коинотнинг энг юқорида жойлашган сайёрасидан – Браҳмалокадан ҳам юқори турадиган илоҳий даргоҳини таърифлаб берган. Парвардигорнинг даргоҳи муқаддас китобларда, масалан, “Бхагавад-гита” ва “Шримад-Бхагаватам”да таърифланган бўлишига қарамасдан, калтафаҳм ва ғофил одамлар уни афсона деб ўйлайдилар. Мазкур шеърда свадриштавадбхих ибораси алоҳида аҳамиятга эги. Ўз “мен”ининг асл табиатини англаб етган киши ўз шахсининг илоҳий қиёфасини ҳам англаб етади. Ўзини ва Парвардигорни шахсиятсиз кўринишда англаб етиш мукамал эмас, - бу шунчаки шахс ҳақидаги тасаввурни инкор этиш, холос. Худонинг Шахси ҳам, Худонинг содиқларининг шахси ҳам илоҳий. Уларнинг моддий таналари йўқ. Моддий танада мусибатларнинг беш манбаи бор: ғофиллик, ўзини моддага қиёслаш, боғланиш, нафрат ва диққат-эътиборини моддий оламнинг у ёки бу нарсаларида жамлаш. Токи инсон моддий мусибатларнинг ана шу беш тури чангалида экан, унинг учун Вайкунтхалокалар эшиги ёпиқ бўлади. Ўзининг “мен”и ҳақида шахсиятсиз тасаввурга эга бўлиш – шунчаки моддий шахсни инкор этишдан бошқа нарса эмас, бу ҳали шахсий мавжудлик ҳақида ижобий тушунчага жуда узоқ бўлган тасаввур. Илоҳий оламнинг шахсий қиёфалари ҳақида навбатдаги шеърларда баён этилади. Браҳмаджининг ўзи ҳам олий сайёра Ваикунтхалокани – Парвардигор юз минглаб раванқ фаришталари даврасида илоҳий сурабхи сигирларини боқиб юрадиган подачи ролини ўйнаб яшайдиган Голока Вриндаванни таърифлаган. “Браҳма-самхита”5.29.

Бундан ташқари мазкур шеърда “Бхагавад-гита”нинг йад гатва на нивартате тад дхама парамам мама шеъридаги гаплар тасдиқланади. Парам ибораси илоҳий Браҳманни англатади. Демак, Парвардигорнинг даргоҳи ҳам – Худонинг Олий Шахсидан фарқ қилмайдиган Браҳман. Парвардигорни Ваикунтха деб атайдилар, Унинг даргоҳи ҳам Ваикунтха деб аталади. Фақат илоҳий танага ва илоҳий сезгиларга эга бўлган зотларгина Ваикунтхани шундай тасаввур қилиш ва унга сиғинишга қодир бўладилар.

10. Парвардигорнинг ана шу даргоҳига моддий табиатнинг эҳтирос ва эзгулик гуналари таъсир қилмайди. У жойда ҳукмрон бўлган соф эзгулик гунасини табиатнинг паст гуналари ҳеч қачон булғай олмайди. Бу даргоҳда умуман ўрин йўқ бўлган алдамчи, ташқи қувват нари турсин, ҳатто вақт ҳам унга ўз ҳукмини ўтказа олмайди. У ерда яшайётганларнинг ҳаммаси - иблислар ҳам, фаришталар ҳам, - Парвардигорнинг содиқ хизматкорлари сифатида Унга сиғинадилар.

Изоҳ: Парвардигорнинг салтанати, ёки трипад-вибхути деб аталадиган Ваикунтха олами ўлчами бўйича моддий оламдан уч марта катта. Бу ерда, “Бхагавад-гита”даги сингари, у жуда қисқа таърифланган. Сон-саноксиз юлдуз ва сайёраларни ўз ичига олган бизнинг коинот – махат-таттва доирасида тўпланган, унга ўхшаган сон-саноксиз коинотлардан биттаси, холос. Ана шу миллиард-миллиард коинотларнинг ҳаммаси биргаликда Парвардигор яратган оламнинг тўртдан бир қисмини ташкил этади. Моддий осмондан ташқарида, Парвардигор яратган оламнинг тўртдан уч қисмини ташкил этадиган, Ваикунтхалар деб аталадиган руҳий сайёралари билан бирга бепоён руҳий олам ястаниб ётади. Парвардигорнинг яратган оламлари бениҳоя. Инсон ҳатто дарахт барглари ёки ўзининг калласидаги соч толаларини санаб чиқишга қодир эмас. Лекин, ҳатто ўзининг танасида бир дона соч толасини ҳам ярата олишга қодир эмаслигига қарамасдан нодон одамлар манманлигидан Худо бўлишга интиладилар. Одамлар жуда кўп ажойиб транспорт воситаларини яратганлар, ҳатто улар ўзлари шунча мақтаган космик кемаларида Ойгача учиб бора олсалар ҳам, барибир у жойда яшай олмайдилар. Шунини тушунган ҳолда, соғлом фикрли киши ўзини бутун оламнинг Хукмдори деб эълон қилиш ўрнига Ведаларнинг кўрсатмаларига амал қилади, чунки мана шу илоҳий англаб етишга олиб борадиган энг осон йўлдир. Шунинг учун, одамлар “Шримад-Бхагаватам”нинг ишончли манба эканини тан олишлари ва унинг ёрдамида моддий оламдан ташқарида ястаниб ётган илоҳий оламнинг табиатини ва тузилишини англаб етишлари лозим. Илоҳий оламга моддий сифатлар, айниқса ғафлат ва эҳтирос гуналари таъсир қилмайди. Ғафлат гунаси таъсири остида юрган тирик мавжудотлар шахвоний эҳтиросга берилган ва сонсаноксиз орзу-истаклар чангалида юрадилар. Бундан келиб чиқадики, Ваикунтхаокада яшайдиган зотлар шахвоний эҳтирос ва истаклардан бутунлай пок. “Бхагавад-гита”да айтилганки, тирик мавжудот браҳма-

бхута поғонасига кўтарилганида исстак ва қайғулардан халос бўлади. Шундай қилиб, Ваикунтхалоканинг бутун аҳолиси – брахма-бхута поғонасига эришган зотлардир, шу жиҳати билан улар қайғу аламларга ботган ва сон-саноксиз орзу-истаклар қулиб бўлиб юрган моддий зотлардан фарқ қилади. Моддий оламда эҳтирос ва ғафлат гунаси таъсир қилмайдиган киши эзгулик гунаси таъсири остида бўлади. Лекин бу дунёда эзгулик гунаси вақти-вақти билан унга аралашиб турадиган эҳтирос ва ғафлат гуналари билан булғаниб туради, Ваикунтхалокада эса, фақат бенуксон пок эзгулик гунаси ҳукмрон бўлади.

Ваикунтха муҳити ташқи қувватнинг барча кўринишларидан пок. Гарчи алдамчи қувват Парвардигорга хос бўлган сифатлардан бири бўлса ҳам, у Парвардигордан ажралган. Лекин, монист файласуфларнинг фикрига зид равишда, алдамчи қувват ҳақиқатан ҳам мавжуд. Арқонни илон деб юрган киши алданиб юрган кишидир, лекин арқоннинг ўзи, худди илон сингари ҳақиқатан ҳам мавжуд. Чўлда сув излаб юрган ғофил ҳайвон учун кизиган қумлар устида сувнинг кўриниши – сароб, рўё, лекин чўл ҳам, сув ҳам аслида бор нарсалар. Худди шундай, имонсиз кишига Парвардигор яратиб қўйган моддий олам сароб, рўё бўлиб кўриниши мумкин, лекин Худонинг содиқ хизматкори учун ҳатто Парвардигор яратган моддий олам ҳам – ҳақиқат, чунки у Парвардигорнинг ташқи қувватининг намоён бўлган кўриниши. Парвардигорнинг ички қуввати ҳам бор, ундан бошқа олам – Ваикунтхалока олами яралган, унда ғофиллик, эҳтирос, алданиш йўқ, унда ўтмиш ҳам, ҳозир ҳам келажак ҳам йўқ. Илми саёз киши Ваикунтха оламининг табиатини тушуниб олиши жуда қийин, лекин бу унинг ҳақиқатан ҳам мавжудлигини инкор этолмайди. Космик кемалар уларгача бориб етолмагани, улар умуман йўқ дегани эмас. Бу сайёраларнинг ҳақиқатан ҳам мавжуд эканлигининг исботи уларнинг муқаддас китобларда келтирилган таърифларидир.

Шрила Жива Госвами “Нарада-панчаратра”дан мисол келтиради, унда айтилганки, илоҳий олам – Ваикунтха олами – илоҳий сифатларга тўла. Инсонга Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёнида келадиган ана шу илоҳий сифатлар моддий ғофиллик, эҳтирос ва эзгулик сифатларига умуман ўхшамайди. Худога ишонмайдиган одам бундай илоҳий сифатларга эга бўлиш имкониятидан маҳрум. “Падма-пурана”нинг Уттара-кхандасида айтилганки, Парвардигор яратган оламнинг чорак қисмидан ташқарида Унинг қувватининг тўртдан уч қисмини ташкил этадиган олам ястаниб ётибди. Моддий ва руҳий

олам ўртасидаги чегарада Вираджа дарёси оқиб туради. Парвардигорнинг танасидан чиқаётган илоҳий тердан пайдо бўлган Вираджа дарёсининг нариги томонида Парвардигор яратган оламнинг тўртдан бир қисми ястаниб ётади. Оламнинг ана шу қисми мангу, ўзгармас, емирилмас ва чексиз, ундаги ҳаёт шароити баркамолликнинг энг олий тимсолидир. “Санкхья-каууди”да айтилганки, бенуксон соф эзгулик, яъни, илоҳий табиат, моддий табиат гуналарига бутунлай карама-қарши. Илоҳий оламда барча тирик мавжудотлар Парвардигор билан мангу бирга бўладилар, уларнинг ўзаро муносабатлари ҳеч қачон узилиб қолмайди, уларнинг ҳаммасига Парвардигорнинг Ўзи раҳбарлик қилади. “Агама-пурана”ларда ҳам Парвардигорнинг илоҳий даргоҳи таърифланган. Унда айтилганки, руҳий салтанатда яшайдиган зотлар Парвардигорнинг чексиз бутун олами бўйлаб бемалол сайр қилиб юра оладилар. Ўзининг табиатига кўра руҳий олам чексиз бўлгани учун, уларнинг Парвардигор билан бирга яшашининг боши ҳам, охири ҳам йўқ.

Бу айтилган гаплардан келиб чиқадики, руҳий оламда моддий эҳтирос ва ғафлат сифатлари умуман бўлмагани учун у ҳеч қачон яратилмайди ва ҳеч қачон яқсон бўлмайди. Моддий оламда ҳамма нарса яратилади ва яқсон бўлади. Бу дунёдаги ҳар бир тирик мавжудотнинг ва ҳар бир жисмнинг мавжудлик даври яралиш ва яқсон бўлиш оралидаги вақт билан ўлчанади. Аммо илоҳий салтанатда яралиш ҳам йўқ, туғилиш ҳам йўқ, шу боис у даргоҳда ҳаёт чексиз, мангу давом этади. бошқача қилиб айтганда, руҳий оламда ҳамма нарса мангу, илмга ва лаззатга тўла ва ўзгармас. Ундаги ҳамма нарса ўзгармас қолгани боис, руҳий оламда вақт ҳам ўтмиш, ҳозир ва келажакка бўлинмайди. Мазкур шеърда аниқ айтилганки, вақт руҳий оламга ўз кучини ўтказа олмайди. Моддий олам моддий унсурларнинг ўзаро ҳаракати натижасида пайдо бўлади, моддий унсурларнинг ана шу ўзаро ҳаракатлари ва ўзгаришлари бу оламнинг унда ўзини ўтмиш, ҳозир ва келажак кўринишида намоён этадиган замон ҳукми остига тушиб қолишига олиб келади. Лекин руҳий оламда сабаб ва оқибат қонуни билан бошқарилиб турадиган унсурларнинг ўзаро ҳаракатлари йўқ, шу боис у жойда туғилиш, ўсиш, мавжуд бўлиб туриш, насл қолдириш, сўлиш ва ўлишдан иборат олти босқичдан иборат бўлган моддий ўзгаришлар ҳам йўқ. Илоҳий салтанат – Парвардигорнинг қувватининг моддий оламга хос бўлган алданишдан пок, бенуксон соф ҳолда намоён бўлишидир. Ваикунтхада бутун ҳаёт унинг сайёраларидаги ҳар бир тирик мавжудот Парвардигорнинг фуқароси эканидан далолат

бериб туради. Парвардигор уларнинг ҳаммасининг бошида туради ва уларнинг бирортаси Унинг ўрнини олишга интилмади. Уларнинг ҳаммаси Парвардигорнинг олий ҳокимлигини сўзсиз тан оладилар. Ведаларда айтилганки, Парвардигор олий ҳукмрон, бошқа барча тирик мавжудотлар Унга қарам, чунки фақат Парвардигор ҳаммага ғамхўрлик қилади ва қолган барча тирик мавжудотларнинг барча эҳтиёжларини қондиради.

11. Вайкунтҳада яшайдиган аҳолининг танасидан зангори тусдаги ёғду таралиб туради. Уларнинг қоматлари жуда чиройли, кўзлари нилуфар гулбаргини эслатади ва улар сариқ либос кийиб олганлар. Уларнинг барчаси тўрт қўллик, навқирон ёшлар ва ҳаммасида ажойиб тақинчоқлар – чиройли безатилган марварид маржонлар бор.

Изоҳ: Вайкунтҳалокалардаги аҳолининг барчаси – шахслар ва уларнинг ҳар бирининг моддий оламдаги таналарга умуман ўхшамайдиган руҳий танаси бор. Уларнинг ташқи кўринишларининг таърифини шастралардан, масалан, "Шримад-Бхагаватам"дан топши мумкин. Шастраларда илоҳий мавжудлик шахсиятсиз деб таърифланганида, улар Вайкунтҳадаги зотларнинг танасига ўхшаган тана моддий оламнинг бирор жойида йўқлиги назарда тутилади. Бир сайёранинг турли жойларида, ёки ҳар хил сайёраларда яшайдиган тирик мавжудотлар бир бирига ўхшамагани сингари, Вайкунтҳалокада яшайдиган зотлар ҳам моддий оламда яшайдиган зотлардан тубдан фарқ қилади. Масалан, уларнинг тўрт қўли бор, моддий оламда яшайдиган одамларнинг эса, икки қўли бор.

12. Баъзиларининг танаси дуру-жавоҳирлардай ярқираб туради, улар бошларида нилуфар гулларидан қилинган гулчамбар, кулоқларига эса сирғалар тақиб олганлар.

Изоҳ: Вайкунтҳалокада яшайдиган зотларнинг баъзилари озодликнинг сарупйа турига эришганлар, яъни ташқи кўринишлари худди Парвардигорникига ўхшайди. Ваидурйа деган бриллиант Худо Шахсини безаб туради, озодликнинг сарупйа турига эришган, яъни Парвардигорники билан бир хил танага эга бўлган зотлар ҳам ўз танасига ана шундай бриллиант тақиб юриши мумкин.

13. Вайкунтҳа сайёралари атрофида ўзидан кучли ёғду таратиб турадиган ажойиб ҳаво кемалари учиб юради. Улар Парвардигорнинг

буюк содик хизматкорлари бўлмиш махатмаларнинг ҳаво кемаларидир. Уларда сайр қилиб юрган аёлларнинг нозик таналарининг илоҳий ранги уларни яшин сингари жозибатор қилиб кўрсатади. Ана шу манзара, худди яшин чакнаб турган булут тўла осмонни элатади.

Изоҳ: Мазкур шеърдан кўриниб турибдики, Вайкунтҳа сайёраларида ҳаво кемалари бор. Ана шу кемалар ўзидан порлоқ нур таратиб турадилар, уларда самовий, яшиндай чакнаган гўзалликка эга бўлган аёллар даврасида Парвардигорнинг буюк содиқлари учиб юрадилар. У ёқда ҳаво кемалари бор экан, демак, бошқа транспорт турлари ҳам бўлиши керак, лекин у жойдаги транспорт воситалари бу дунёдаги моддий транспорт воситаларидан бутунлай фарқ қилади. Руҳий оламда ҳамма нарса ягона табиатга эга, - у жойда ҳамма нарса илм ва лаззатга тўла мангу, шу боис Вайкунтҳадаги ҳаво кемалари ва бошқа транспорт воситалари Брахман сифатига эга бўлади. гарчи илоҳий оламда Брахмандан бошқа ҳеч нарса бўлмаса ҳам, бу дегани ҳечам, руҳий олам бўм-бўш, рангбарангликдан асар ҳам йўқ дегани эмас. Фақат илм етишмаслиги сабабли кишида шундай тасаввурлар пайдо бўлади. Илм етишмаслиги – Брахман дегани бўм-бўшлиқдир деган сохта тасвувурлар келиб чиқишининг асосий сабабидир. Брахман салтанатида ҳаво кемалари бор, аёллар бор, эркаклар бор, демак у жойда шаҳарлар, уйлар ва шу оламнинг ҳар бир сайёрасида яшаш учун зарур бўлган ҳамма нарса мавжуд. Моддий оламдаги номукамаллик ҳақидаги тасаввурни дарров қўпол равишда аввал айтилганидек, заман моддий табиатнинг қуйи гуналари таъсир қилмайдиган илоҳий табиатини ҳисобга олмасдан руҳий олам ҳақидаги тасаввурга олиб ўтмаслик керак.

14. Илоҳий танага эга бўлган равнақ фариштаси Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига муҳаббат билан хизмат қилади ва баҳор даракчиси бўлган қовоғарилардан илҳомланиб, ўзининг ҳамроҳлари билан чексиз лаззат олиб Парвардигорга хизмат қилиш билан бирга, Унинг шавкатли қароматларини шарафлаб куйлайди.

15. Мабуд Брахма Вайкунтҳа сайёраларида Худо Шахсини - барча содиқларнинг ҳукмдори, равнақ фариштасининг рафиқаси, барча қурбонликларнинг Эгаси, энг яхши хизматкорлар – Парвардигорнинг яқин ҳамроҳлари Нанда, Сунанда, Прабала ва Арханалар хизмат қиладиган бутун борлик

Парвардигорини кўрди. Унга Худо Шахсининг энг яқин ҳамроҳлари, энг яхши хизматкорлар - Нанда, Сунанда, Прабала ва Арханалар хизмат қиларди.

Изоҳ: Шоҳ ҳақида гапирар эканмиз, шуни назарда тутиш керакки, унинг атрофида ҳамиша унинг яқин ҳамроҳлари бўлади – котиб, шахсий котиб, хизматкор, вазирлар ва маслаҳатчи. Худди шундай, биз Парвардигорни кўрганимизда Уни Ўзининг қувватлари, яқин ҳамроҳлари ва бошқалар билан бирга кўрамыз. Шундай қилиб, Парвардигор – барча тирик мавжудотларнинг ҳукмдори. Барча мактаб ва оқимлардаги содиқлар сиғинадиган ягона Парвардигор, барча бойлиқлар ҳукмдори, барча қурбонлиқларнинг эгаси, Ўзи яратган оламдаги ҳамма нарсдан ягона лаззатланувчи Зот – шунчаки Олий Шахс эмас; Парвардигор деган тушунча Унга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиб юрган Унинг яқин ҳамроҳларини ўз ичига ҳам олади.

16. Парвардигор, Худо Шахси Ўзининг сеvimли хизматкорлари олдида эҳтиром билан бош эгди. Унинг мамнуният тўладийдори қалбларни маст қилиб, кишини Ўзига мафтун этарди. Унинг қирмизи юзи энгил табассум билан қулиб турарди. У сариқ либос кийиб олган, бошида чиройли тож, қулоқларида эса, сирға бор эди. Унинг тўрт қўли бўлиб, кўкси омад фариштасининг чизиқлари билан безанган эди.

Изоҳ: “Падма-пурана”нинг Уттара-кхандасида йога-питханинг – Парвардигор ҳамиша Ўзининг мангу содиқлари билан бирга бўладиган даргоҳнинг батафсил таърифи келтирилган. Йога-питхада Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойидан дин, илм, бойлик ва боғланмаслик тимсоллари жой олган. Парвардигорга маслаҳатлар бериб туриш учун тўрт Веда(риг, Сама, Йаджур ва Атхарва) шахсан иштирок этади. Бундан ташқари Парвардигорнинг Чанда бошлиқ ўн олти қуввати ҳам бор. Чанда ва Кумуда – биринчи дарвозада турадиган кўриқчилар, Бхадра ва Субхадра ўрта дарвозанинг кўриқчилари, учинчи дарвозани эса, Жайа билан Виджайа кўриқлайдилар. Кумуда, Кумудакша, Пундарика, Вамана, Шанкукарна, Сарванетра, Сумукха деган бошқа кўриқчилар ҳам бор. Парвардигорнинг саройи ҳашаматли безатилган, ана шу кўриқчилар Уни ҳар тарафдан кўриқлаб турадилар.

17. У тахтиравонида савлат тўкиб ўтирар, Унинг атрофини тўрт, ўн олти ва беш турли қувватлари ўраб олган эди. Бундан ташқари у

жойда Унинг олти фазилати, шунингдек, ўзгариб турувчи табиатга эга бўлган бошқа муҳим қувватлар ҳам бор эди. У Ўзининг даргоҳидан лаззатланиб яшаётган ҳақиқий Олий Ҳукмдорнинг Ўзи эди.

Изоҳ: Парвардигор азалдан олти хил бойликнинг тўлиқ соҳиби: У энг бадавлат, энг қудратли, энг машҳур, энг чиройли, энг боғланмаган ва мутлақ илм эгаси. Унинг моддий бунёдкорлик қувватларини оладиган бўлсак, Унга тўрт турли қувват хизмат қилади: пракрити, пуруша, махат-таттва ва эго қонунлари. Бундан ташқари Унга бошқа ўн олти қувват хизмат қилади: беш унсур(ер, сув, олов, ҳаво, сув ва ер), беш сезиш органи(кўз, қулоқ, бурун, тери ва тил), беш ҳаракат органи(қўллар, оёқлар, қорин, анус ва жинсий аъзолар) ҳамда ақл. Мазкур шеърда тилган олинган беш қувват – сезиладиган нарсалар: шакл, таъм, ҳид, товуш ва тери сезадиган нарсалар. Мана шу йигирма беш қувват Парвардигорга моддий оламда хизмат қилади, уларнинг ҳаммаси Унинг ҳар қандай истагини бажо келтириш учун Унинг ёнида турадилар. Бошқа саккиз бойлик(ашта-сиддхи – моддий табиат устидан ҳукмронлик қилишга интилиб юрган йоглар ана шу сеҳр қудратига эришишга интиладилар) ҳам Унинг ҳукми остида бўлиб, ана шу қувватларнинг ҳаммаси азалдан Унинг мулки ҳисобланади. У бу қувватларга эга бўлиш учун ҳеч қандай ҳаракат қилмайди, чунки У – азалий Парвардигор.

Қаттиқ риёзатлар ва жисмоний машқлар ёрдамида тирик мавжудот бирор ғаройиб қобилиятга вақтинчалик эга бўлиб туриши мумкин, лекин бу дегани бу билан у Парвардигор бўлиб қолади, дегани эмас. Парвардигор Уни ҳар қандай йогдан тенглаб бўлмас даражада қудратли қилиб кўядиган қувватларга азалдан эга. У ҳар қандай джнанидан тенглаб бўлмас даражада кўп билади, У ҳар қандай бадавлат инсондан тенглаб бўлмас даражада бой, ҳар қандай чиройли тирик мавжудотдан тенглаб бўлмас даражада гўзал, ҳар қандай саховатли зотдан тенглаб бўлмас даражада сахий. У бошқа барча тирик мавжудотлардан устун туради. Ҳеч ким Унга тенг эмас, қанчалик риёзат чекмасин, қанчалик йога қобилиятини намойиш этмасин, барибир ҳеч ким Ундан устун бўла олмайди. куч ва қудратда ҳеч ким Унга тенглаша олмайди. йоглар ҳар жиҳатдан Унинг марҳаматига қарам. Бениҳоя сахий бўлган ҳолда У йогнинг қанчалик тиришаётганини кўриб, сеҳр қудратининг бирор тури билан уни вақтинча мукофотлаб кўйиши мумкин, лекин, илоҳий муҳаббат билан холис қилиб юрган хизматлари эвазига Ундан холис хизмат қилиш имкониятидан бошқа бирор нарса

тиламайдиган Ўзининг асл содикларига У бутунлай Ўзини топшириб қўяди.

18. Парвардигорни бутун улуғворлик ҳолатида кўришга муяссар бўлган маъбуд Браҳманинг юраги шодликка тўлиб кетди. Қалбини тўлдирган илоҳий муҳаббат ва жазава таъсиридан унинг кўзлари жикка ёшга тўлганди ва у Парвардигорнинг оёқларига йиқилди. Баркамолликнинг энг олий чўққисига эришган тирик мавжудот(парамахамса)лар борадиган йўл ана шундай.

Изоҳ: "Шримад-Бхагаватам"нинг бошида айтилганки, бу асар парамахамсалар учун мўлжалланган. Парамо нирматсаранам сатам: "Шримад-Бхагаватам" бошқаларга зулм қилиш нималигини билмайдиган зотлар учун мўлжалланган. Шартланган мавжудотга хос бўлган золимликнинг илдизлари жуда чуқур, у Худонинг Олий Шахсидан ғазабланишдан бошланади. Худо Шахси – ўзгармас ҳақиқат, буни барча муқаддас китобларлар тан оладилар. "Бхагавад-гита"да ҳам Парвардигорнинг шахсий жиҳатига алоҳида эътибор берилган, бу буюк асарнинг устига унинг хулоса қисмида алоҳида таъкидлаб айтилганки, агар инсон барча мусибатлардан халос бўлишни истаса, у ўз ихтиёрини Худо Шахсига топшириши керак. Лекин, афсуски аввалги ҳаётида кўп гуноҳ ишлар қилган кишилар Худо Шахсининг борлигига ишонмайдилар, ўз ихтиёрини Худого топшириш ўрнига улар ҳеч қандай асосиз равишда ўзлари Худо бўлишга интилиб юрибдилар. Шартланган руҳга хос бўлган золимлик туйғуси ҳатто унда Парвардигор билан бирга қўшилиб кетиш истаги пайдо бўлганда ҳам сақланиб қолаверади. Шу боис ҳатто Парвардигор билан қўшилиб кетишни ўйлаб юрган энг буюк дунёвий файласуфлар ҳам парамахамсалар бўла олмайдилар, чунки уларнинг ақли золимлик иллати билан булганган. Шундай қилиб, фақат ўзларини бхакти-йога билан шуғулланишга бутунлай топширган зотларгина парамахамса поғонасига эриша оладилар. Инсон баркамолликнинг олий чўққисига эришиш учун биргина илоҳий муҳаббат ҳолатида Худого садоқат билан хизмат қилишнинг ўзи бутунлай кифоя эканига тўла ишонч ҳосил қилган пайтдан бошлаб бхакти-йога йўлига киради. Браҳмаджи бхакти-йога йўлига ишонган эди, шу боис унга риёзат чекишни буюрган Парвардигорнинг амрини ишонч билан қабул қилди ва буюк қасамларга риоя қилиб риёзат чекди. У чеккан риёзатлар зафар билан ниҳоясига етди: унинг кўз олдида Ваикунтҳалока ва Парвардигор намоён бўлди.

Парвардигорнинг даргоҳига бирор механик воситалар ёрдамида эришиб бўлмайди – на ақл ёрдамида, на космик кемалар ёрдамида. Лекин Парвардигорнинг ана шу даргоҳига, Ваикунтҳалокага бхакти-йога ёрдамида эришиб бўлади, чунки фақат бхакти-йога инсонга Парвардигорни англаб етиш имконини беради. Маъбуд Браҳма нилуфар гулида ўтиришда давом этди ва бхакти-йога билан шуғулланишдаги самимийлиги шарофати билан шу ерда ўтирган ҳолида Ваикунтҳалокани бутун улуғворлиги билан бирга, шунингдек Парвардигорнинг Ўзини ва Унинг яқин ҳамроҳларини кўришга муяссар бўлди.

Маъбуд Браҳманинг изидан бориб, яъни мазкур шеърда тавсия қилинган парамахамсалар йўлидан бориб, ҳар қандай инсон ҳатто ҳозирги даврда ҳам худди шундай баркамолликка эриша олади. Руҳий ўзлиқни англашнинг ҳозирги даврда яшаётган одамлар учун мўлжалланган ана шу усулини Парвардигор Чайтанья ҳам қўллаб қувватлаган. Биринчи навбатда Худо Шахси Парвардигор Кришнанинг мавжудлигига самимий ишониш керак. Уни дунёвий фалсафий изланишлар орқали англаб етишга уринмасдан Парвардигор ҳақида "Бхагавад-гита"да айтилган гапларни тинглаш керак, кейин "Шримад-Бхагаватам"ни ўрганишни бошлаш керак. Бу муқаддас китобларнинг изоҳларини маъруза қилишни касб қилиб олган дунёвий одамлар, кармилар, гйанилар ёки йоглардан эмас, балки ўзи ҳам бхагаватам бўлган шахс оғзидан тинглаш керак. Худо ҳақидаги илмни англаб етишнинг сири мана шунда. Бу илмни англаб етиш учун албатта таркидунё қилиш шарт эмас; инсон ҳозир қандай юрган бўлса, шундай ҳолатда қолиши мумкин, лекин у Парвардигорнинг ҳақиқий содиғини топиши ва унинг Парвардигорнинг илоҳий хабарини изоҳлаб айтган гапларини ишонч билан тинглаши керак. Мазкур шеърда тавсия қилинаётган парамахамсалар йўли шундан иборат. Парвардигорнинг кўплаб муқаддас номлари орасида Унинг Аджита яъни, “енгилмас” деган номи ҳам бор. Лекин, барибир Парвардигор енгилмас мумкин, - парамахамсалар йўлидан бораётган киши шундай қила олади. Буюк руҳий устоз маъбуд Браҳма "Шримад-Бхагаватам"нинг(10.14.3) мана бу шеърда парамахамса-пантхх йўлини тавсия қилади.

Маъбуд Браҳма деди: "Эй Парвардигор Кришна, гарчи Сен аджита, енгилмас бўлсанг ҳам, Парвардигорнинг борлиғи билан қўшилиб кетишга олиб келадиган эмпирик фалсафа йўлини тарк этган ва жамиятдаги ўз мартабаси такозо этган бурч-вазифаларини ҳалол бажариб юрган ва ҳақиқий садху, авлиё зотдан Сенинг кароматларинг ва шон-шуҳратинг ҳақида

тинглаб юрган содиқ Сени ўзига бўйсундиришга ва Сенинг марҳаматингга эришишга қодир”. Маъбуд Браҳманинг ўзи борган ва ҳаётда баркамолликка эришишга интилиб юрган зотларнинг ҳаммасига тавсия қилган парамахамсалар йўли шундан иборат.

19. Олдида турган Браҳмани кўрган Парвардигор эса, уни тирик мавжудотларни яратишга ва ўз иродаси билан уларга ҳукмронлик қилишга муносиб зот деб тан олди. Браҳмадан жуда мамнун бўлиб, Парвардигор унинг қўлини қисди, енгил табассум билан унга гапира бошлади.

Изоҳ: Моддий олам ўзидан ўзи тасодифан пайдо бўлмайди, уни яратишдан мақсад – мангу шартланган руҳлар(нитйа-баддха)нинг маъбуд Браҳмага ўхшаб озодликка эришишларига имкон беришдан иборат. Парвардигор бу илмни шартланган руҳлар орасида тарқатиш учун Браҳманинг қалбига ведалар илмини жойлаб қўйди. Шартланган руҳлар Парвардигор билан ўзаро муносабатларини эсдан чиқариб қўйганлари учун моддий оламни яратиш ва унда ведалар илмини тарқатишга зарурат пайдо бўлди. Маъбуд Браҳмага шартланган руҳларни озодликка чиқаришдай жуда катта маъсулият юкланган, шу боис у Парвардигор учун жуда азиз.

Браҳма, шунчаки тирик мавжудотларни яратиш қолмасдан, бурчи адашган руҳларни кутқаришдан иборат бўлган ўзининг издошлари сонини кўпайтириб ҳам, ўз бурчини мукамал бажариб юрибди. Унинг издошлари Браҳма-сампрадаёга бирлашганлар ва ҳатто ҳозирги кунда ҳам Браҳма-сампрадаёсида турган кишиларнинг ҳаммасининг бу дунёда биргина бурчи бор: адашган руҳларни ўзларининг уйига, Худонинг даргоҳига қайтишга чақириш. “Бхагавад-гита”да айтилганидек, Парвардигор ўзининг ажралмас заррачаларининг ҳаммаси Унинг олдида қайтишини жуда каттиқ истайди, шу боис, бу дунёда Парвардигор учун адашган руҳларни Худонинг даргоҳига қайтишга чақиришни ўзининг бу дунёдаги ягона бурчи қилиб олган зотлардан азизроқ ҳеч ким йўқ.

Бир вақтлар Браҳма-сампрадаёга мансуб бўлган, лекин энди йўлдан адашган жуда кўп зотлар бор. Улар ҳозир бор кучи билан одамларнинг Худони яна ҳам кўпроқ эсдан чиқаришларига ва бу билан моддий олам тўрларига яна ҳам чигалроқ ёпишиб олишларига қўлидан келганча ёрдам беришга уриниб юрибдилар. Ана шундай йўлдан қайтган зотлар Парвардигор учун азиз бўзла олмайдилар, Парвардигор уларни моддий оламнинг энг қоронғу жойларига юборади ва бу билан ана

шундай ҳасадгўй иблисларни Парвардигорни англаб етиш имконидан маҳрум қилади. Лекин, Браҳма-сампрадаёда туриб, адашган зотларни Худонинг даргоҳига чорлаб юрган киши Парвардигор учун ҳамиша азиз, ҳақиқий бҳакти маданиятини тарғибот қилиб юрган кишидан мамнун бўлган Парвардигор хурсанд бўлиб, худди ўз дўстидек, унинг қўлини қисади.

20. Ғаройиб Парвардигор Браҳмага шундай деди: Ўзида Ведаларни мужассам қилган эй Браҳма, оламни яратишни ният қилиб, шунчалик узоқ вақт чеккан риёзатингдан Мен жуда мамнунман. Сохта йогларнинг Мени мамнун қилишлари жуда қийин.

Изоҳ: Риёзатларнинг икки тури бор: улардан биттасидан мақсад – сезгиларни лаззатлантириш, иккинчисидан мақсад – руҳий ўзлигини англаб етишга эришиш. Ўзининг шахсий ситакларини амалга ошириб, ҳис-туйғуларига лаззат бериш мақсадида каттиқ риёзатга берилиб юрган жуда кўп сохта сеҳргарлар бор. Лекин, Парвардигорнинг сезгиларини лаззатлантириш ниятида буюк риёзатлар чекиб юрган зотлар ҳам бор. Масалан, ядровий қурол яратишга уриниб юрган одамлар чекишга мажбур бўлган риёзатлардан Парвардигор ҳечам мамнун бўлмайди, чунки бундай риёзатлар ҳеч кимга мамнуният олиб келмайди. Табиат қонунлари бу дунёда яшаётган одамларнинг ҳаммасини ўлимга маҳкум этади, лекин агар инсон кимларнингдир ажалини тезлаштириш мақсадида риёзат чекиб юрган бўлса, албатта, бундай риёзатлар Парвардигорга мамнуният олиб келмайди. Парвардигор ўзининг ажралган заррачаларидан ҳар бири ўзининг мангу уйига, Худонинг даргоҳига қайтиб лаззатга тўла мангу ҳаётга эришишини истайди, аслини олганда фақат шу мақсадда У моддий оламни яратиш қўйибди. Маъбуд Браҳма ҳам фақат шу мақсадда каттиқ риёзатларга берилди: у Парвардигорни мамнун қилиш учун оламни яратишни ўрганмоқчи эди, Парвардигор ундан мамнун бўлиб, унинг қалбига Ведалар илмини солиб қўйди. Ведалар илмининг олий мақсади – бу илмни қандайдир бошқа мақсадга эришиш йўлида суистеъмол қилиш эмас, балки Парвардигорни англаб етишдан иборат. Ведалар илмидан бошқа мақсадларга эришиш йўлида фойдаланиб юрган кишилар кута-йоглар яъни, “ўз умрини хазон қилиб юрган нияти бузуқ, сохта илоҳиётчилар” деб аталади.

21. Ҳар бир ишда сенга омад ёр бўлсин, эй Браҳма, ҳар қандай истакни амалга ошира оладиган Мендан хоҳлаган тилагингни тила. Билиб қўй, риёзат чекишдан эришиладиган

энг олий мукофот - Мени юзма-юз кўриш имкониятидир.

Изоҳ: Олий Ҳақиқатни англаб етишнинг энг юқори поғонасида инсон Парвардигорнинг шахсий жихатини англаб етади ва Уни яққол кўради. Худо Шахсини англаб етиш шахсиятсиз брахманни ва ҳар ерда мужассам бўлган Параматмани англаб етиш билан чекланиб қолмайди. Парвардигорни англаб етган киши энди бундай риёзатларга куч сарфлаб юрмайди. Шу кундан бошлаб у Парвардигорни мамнун қилиб яшашга ҳаракат қилиб, Унга садоқат билан хизмат қила бошлайди. Бошқача қилиб айтганда, Парвардигорни англаб етган ва Уни кўрган киши баркамолликнинг олий поғонасига кўтарилган бўлади, чунки баркамолликнинг бу поғонаси ҳамма нарсани ўз ичига олади. Лекин имперсоналистлар ва сохта сеҳргарлар бу поғонага кўтарилишга қодир эмаслар.

22. Мукамал донишмандлик Менинг даргоҳларимни бевосита кўра олишдир. Сен ана шундай имкониятга Менинг амримни бажариб, қаттиқ риёзат чекканинг шарофати билан эришдинг.

Изоҳ: Баркамолликнинг олий поғонасига эришиш – Парвардигорни яққол кўриш демакдир. Бунга фақат Унинг марҳамати билан эришиш мумкин. Ҳақиқий ачарйалар, руҳий устозлар тан олган ишончли муқаддас китобларнинг кўрсатмалари асосида Парвардигорга садоқат билан хизмат қилишга интилиб юрган ҳар қандай инсон бунга эриша олади. Масалан, "Бхагавад-гита" – ишончли ҳақиқий муқаддас китоблар эканини барча буюк ачарйалар, шу жумладан, Шанкара, Рамануджа, Мадхва, Чаитанья, Вишванатха, Баладева, Сиддхантасарасвати ва бошқа кўплаб устозлар танг олган муқаддас китобдир. "Бхагавад-гита"да Худо Шахси, Парвардигор Кришна биздан ҳаммиша Уни эслаб юришни, ҳаммиша Унинг содиқ хизматкори бўлишни, ҳаммиша фақат Унга сиғинишни ва Унинг олдида эҳтиром билан сажда қилишни илтимос қилади. Ана шундай қилиб юрган киши албатта ўзининг уйига, Худонинг даргоҳига қайтади – бунга ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмас. "Бхагавад-гита"нинг бошқа бир жойида ҳам биз худди шундай кўрсатма оламиз: бошқа ҳамма нарсани тарк этиб, ҳеч иккиланмасдан ўзимизни Унга топшириш. Мана шу кўрсатмага амал қилган кишини Парвардигорнинг Ўзи ўз ҳимояси остига олади. Баркамолликнинг энг юқори поғонасига эришишнинг сири шундай. Ўзига бино қўйиш иллатидан пок маъбуд Брахма ана шу кўрсатмаларга сўзсиз амал қилди ва шу боис

Парвардигорнинг даргоҳини ҳамда барча яқин ҳамроҳлари билан биргаликда Унинг Ўзини кўриб, баркамолликнинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Парвардигорнинг танасидан таралиб турган шахсиятсиз ёғдуни англаб етиш ҳам, худди Параматмани англаб етиш сингари, баркамолликнинг энг юқори поғонаси эмас. Мазкур шеърда маништа ибораси алоҳада аҳамиятга эга. Ҳар биримиз, асосли ёки асоссиз равишда, ўзининг билимдонлиги билан фахрланамиз, лекин Парвардигор айтяптики, фақат Уни ва Унинг алданишга ўрин йўқ бўлган мангу даргоҳини англаб етган кишигина олий донишмандликка эришган бўлади.

23. Эй бегунох Брахма, билиб қўй, ўз бурчинг нималигини билмасдан хайрон бўлиб турганинда сенга риёзат чекишни буюрган Мен эдим. Бундай риёзат - Менинг танижонимдир, шу боис у Мендан фарқ қилмайди.

Изоҳ: Худо Шахсини бевосита кўриш имконини берадиган ягона риёзат – Худого садоқат билан хизмат қилиш, чунки Парвардигорнинг ёнига фақат Унга садоқат билан, илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиб юрган кишигина яқинлаша олади. Ана шундай риёзат Парвардигорнинг ички қувватида ва Унинг Ўзидан фарқ қилмайди. Парвардигорнинг ички қувватининг фаолияти шунда намоён бўладики, тирик мавжудот қалбида моддий лаззатланишга боғланиш туйғуси йўқолиб кетади. Тирик мавжудотлар фақат моддий табиат устидан ҳукмронлик қилишга интилишлари сабабли моддий оламда тутқун бўлиб қоладилар. Лекин Худого садоқат билан хизмат қилиш фаолияти инсоннинг лаззатланишга интилиш туйғусидан халос бўлишига ёрдам беради. Худонинг содиқ хизматкори мукамал илмга эга бўлганида унга моддий лаззатларга боғланмаслик туйғуси ўзидан ўзи келади. Шундай қилиб, Худого садоқат билан хизмат қилишда риёзат чекиш илмни ҳам, бу дунёга боғланмасликни ҳам ўз ичига олади – илоҳий қувватнинг фаолияти шундай намоён бўлади.

Ўз уйига, Худонинг даргоҳига қайтишни истаган киши алдамчи моддий фаровонлик билан лаззатланмаслиги керак. Фақат Парвардигор билан боғланишдан келадиган илоҳий лаззат нималигини билмайдиган нодон одамгина ўткинчи моддий бахтдан лаззатланишга интилади.

“Чайтанья-чаритамрита”да айтилганки, Парвардигорни кўришга самимий интилаётган ва айни пайтда моддий оламдан лаззатланишни истайдиган киши – шунчаки телба одамдир. Моддий лаззатларга берилиб яшаш учун бу дунёда қолишни истаб юрган кишиларга Парвардигорнинг мангу салтанатида

ҳеч гап йўқ. Парвардигор ана шундай аҳмоқ содиқнинг қўлидан ҳамма бойлигини тортиб олиб, ЎЗ марҳаматини кўрсатади. Агар ўша калтафаҳм содиқ яна ўзининг моддий ахволини яхшилаб олишга интилса, Парвардигор яна унинг ҳамма нарсасини тортиб олади. Ана шундай содиқнинг моддий фаровонликка эришиш йўлидаги бирин-кетин чиппақка чиқаётган уринишлари шунга олиб келадики, барча оила аъзолари ва дўстлари ундан юз ўгирадilar. Одатда, моддий оламда қариндошлар ва дўстлар фақат омадли ва бадавлат кишиларни қадрлаб ҳурмат қиладilar, инсон ўз бойлигини қандай йўл билан топгани уларни кизиқтирмайди. Парвардигор Ўзининг содиқ хизматкорига меҳрибонлигидан уни риёзат чекишга мажбур қилади, шунда содиқ хизматкор Худога садоқат билан хизмат қилишга ўзини бутунлай тпоишириб охи-оқибатда мукамал бахтга эришади. Шундай қилиб, Худога садоқат билан хизмат қилишда риёзат чекиш – хоҳ у ўз хоҳиши билан бўлсин, хоҳ Парвардигор мажбур қилгани сабабли бўлсин, - баркамолликка эришишнинг зарурий шартидир, - шунинг учун ҳам риёзат Парвардигорнинг ички кувватининг тимсоли ҳисобланади.

Лекин, ҳали ўзининг барча гуноҳлари оқибатидан халос бўлмаган киши Худога садоқат билан хизмат қилишда риёзат чека олмайди. "Бхагавад-гита"да айтилганидек, содир қилган барча гуноҳлари оқибатидан биратўла озод бўлган кишигина Парвардигор олдида сажда қила олади. Брахмаджи бегуноҳ зот эди, шунинг учун у Парвардигорнинг “тапа, тапа” деган амрини чуқур ишонч билан бажарди. Парвардигор эса, ундан мамнун бўлиб, Брахманинги ўзи интилиб юрган нарсасини ато этди. Шундай қилиб, фақат муҳаббат билан аралашган риёзат чекиш билангина Парвардигорни мамнун қилиш ва Унинг марҳаматига сазовор бўлиш мумкин. Парвардигор бегуноҳ зотларга йўл кўрсатади, ана шу йўлдан бориб, бегуноҳ содиқ ҳаётда баркамолликнинг олий поғонасига кўтарилади.

24. Риёзат кучи билан Мен коинотни яратаман, риёзат кучи билан унинг мавжудлигини таъминлаб тураман, риёзат кучи билан уни ютиб юбораман. Шундай қилиб, риёзат ҳар қандай қудратнинг туганмас манбаидир.

Изоҳ: Риёзат чекиб юрган киши қандай қилиб бўлса ҳам уйимга, Худонинг даргоҳига қайтиб кетаман деган ўзгармас қатъиятга эга бўлиши ва ана шу мақсадга эришиш йўлида ҳар қандай

жудоликка ҳам тайёр бўлиши лозим. Ҳатто моддий фаровонликка, ҳурмат-эътиборга, шон-шуҳратга эришиш учун ҳам қаттиқ риёзат чекиш керак бўлади, - бусиз моддий оламда одамлар кўзига кўринадиган бирор шахс бўлиб етишишнинг иложи йўқ. Лекин, Худога садоқат билан хизмат қилишда баркамолликка эришишга интилиб юрган кишига қаттиқ риёзат чекишнинг нима кераги бор? Енгил ҳаёт кечириш билан илоҳийликни англаб етишда баркамолликка эришишнинг иложи йўқ. Парвардигор ҳар қандай тирик мавжудотдан ақллироқ, шу боис У содиқ ўз хизматига қанчалик самимий муносабатда эканини синаб кўради. Парвардигор шахсан Ўзи ёки ҳақиқий руҳий устоз орқали содиқ хизматкорга бирор кўрсатма беради, бу кўрсатмани қандай қилиб бўлса ҳам амалга ошириш – жуда қаттиқ риёзат. Ана шу қоидага сўзсиз амал қилиб юрган киши, шубҳасиз, муваффақият қозонади ва Парвардигорнинг марҳаматига эришади.

25. Маъбуд Брахма шундай деди: Эй Худо Шахси, Сен бутун борликнинг олий ҳукмдори сифатида барча тирик мавжудотларнинг қалбида ҳам мавжудсан. Олий тафаккур сохиби бўлганинг учун уларнинг барча орзу-истакларидан хабардорсан.

Изоҳ: "Бхагавад-гита" Парвардигор ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида мавжуд эканини ва унинг ҳар бир ҳаракатини кузатиб туришини, демак, ҳамма нарса фақат Унинг иродаси ва рухсати билан бўлишини тадиқлайди. Лекин Парвардигорнинг Ўзи бу ҳаракатларнинг натижаларидан лаззатланмайди - У фақат бошқаларнинг лаззатланишига рухсат беради. Масалан, ароқ ичиш таъқиқлаб қўйилган давлатларда сурункали ароқ ичиш дардига учраган киши ўзига маълум миқдорда ароқ беришлари учун рухсат сўраб, бу ишга маъсул ҳукумат ходимига ариза ёзади, ходим унинг аризасини кўриб чиқиб, унга аниқ маълум миқдорда ароқ берилишига рухсат беради. Аслини олганда бутун моддий оламдаги одамларнинг ҳаммаси шу маънода сурункали ароқхўрлардирки, бу ерда ҳар бир тирик мавжудотнинг лаззатланиш ҳақида ўзига хос тасаввури бор ва у ўз орзуларига эришиш иштиёқида ёниб яшайди. Ҳаммага бир хилда меҳрибон Парвардигор ҳар бир тирик мавжудотга оталарча ғамхўрлик қилади, тирик мавжудотни мамнун қилиш учун унинг болаларча талабларининг ҳаммасини қондиради. Лекин аслида, моддий истаклар домига тушиб қолган тирик мавжудот лаззатланмайди, шунчаки ўз танасининг талабларига хизмат қилади, ўзи бундан мамнуният ҳам ҳосил

қилмайди, бирор фойда ҳам кўрмайди. Ароқ ароқхўрга ҳеч қандай фойда келтирмайди, лекин, у ана шу беъмани одатнинг қули бўлиб қолгани ва ундан халос бўлишни истамагани сабабли меҳрибон Парвардигор унга ўз истагини амалга оширишга имкон беради.

Имперсоналистлар ҳар қандай истаклардан озод бўлишни тарғибот қиладилар, бошқалар эса, ҳар қандай истакни босиб қўйиш керак деб айтадилар. Лекин, бунинг иложи йўқ: ҳеч ким истаклардан бутунлай халос бўла олмайди, чунки иташ – ҳаёт аломатларидан бири. Агар тирик мавжудотнинг истаги бўлмаса, у ўлган бўларди, лекину тирик. Демак, ҳаёт ва истак бир бири билан чамбарчас боғлиқ. Истаклар Худога хизмат қилишга қаратилганда мукамал истак бўлади, Парвардигор ҳам барча тирик мавжудотлар ўзларининг шахсий истакларини тарк этиб, Унинг истагини бажаришларини истайди. “Бхагавад-гита”да берилган кўрсатмаларнинг якуний хулосаси шундай. Брахмаджи шунга рози бўлди, шунинг учун Парвардигор унга бўм-бўш коинотни тўлдириши керак бўлган тирик мавжудотларни яратишдай маъсулиятли вазифани ишониб топширди. Шундай қилиб, Парвардигор билан бир бўлишнинг маъноси – ўз истакларини Унинг истакларига мос ҳолга келтиришдир. Шунда бизларнинг барча истакларимиз мукамал бўлади.

Олий Рух қиёфасида ҳар кимнинг қалбида мавжуд бўлган Парвардигор тирик мавжудотнинг барча ўй-фикрларини билади, Ундан ҳеч нарса яшириб бўлмайди. Олий тафаккур соҳиби бўлган ҳолда Парвардигор ҳар кимга ўз истагини амалга ошириш имконини беради, яна Унинг Ўзи тирик мавжудотни барча ишларининг меваси билан мукофотлайди.

26. Шунга қарамай, эй Парвардигор, Сендан илтижо қиламан, менинг истагимни бажариб, айтчи, Ўзинг илохий қиёфада бўлган ҳолда, қандай қилиб Сен ҳеч қачон Сенда бўлмаган моддий қиёфада намоён бўласан?

27. Қандай қилиб, ҳар хил қувватлар Сендан пайдо бўладилар ва бир-бирлари билан, хилма-хил равишда ўзаро бирикиб, моддий оламни яратадилар, унинг мавжудлигини таъминлаб турадилар, яксон қиладилар, қабул қиладилар?

Изоҳ: Худди, қуёш нури ҳам Қуёшнинг қувватининг намоён бўлган кўриниши бўлгани сингари, намоён бўлган бутун борлиқ – Ўзини (ички, ташқи ва оралик) қувватлари кўринишида кўпайтирган Парвардигорнинг Ўзидан бошқа нарса эмас. Бир вақтнинг ўзида қуёш нурлари

қуёш билан бир ва ундан фарқ қилиши сингари, Парвардигорнинг қувватлари бир вақтнинг ўзида Парвардигор билан бир ва Ундан фарқ қилади. Парвардигорнинг иродасига бўйсуниб, ана шу қувватлар ўзаро ҳар хил кўринишларда бирикиб фаолият кўрсатадилар. Брахма, Вишну ва Шива тимсолида намоён бўлган ҳаракат қилувчи қувватлар ҳам Парвардигорнинг намоён бўлган кўринишларидир. Бошқача қилиб айтганда, бутун борлиқда Парвардигордан бошқа ҳеч нарса йўқ, лекин Парвардигорнинг Ўзи бутун борлиқда бўлиб турган ишлардан ташқарида. Буни қандай тушуниш кераклиги кейинги шеърда тушунтирилади.

28. Эй барча қувватлар ҳукмдори, менга уларнинг табиатини фалсафий жиҳатдан тушунтириб бер. Сен худди, ўз қуввати билан ўзини ўраб оладиган ўргимчакка ўхшаб эрмак қилиб фаолият кўрсатасан, Сенинг қатъиятнинг ўзгармас.

Изоҳ: Парвардигорнинг англаб бўлмас қуввати борлиқдаги ҳар бир унсурга маълум миқдорда қувват бериб қўйган, улар унсурнинг қуввати, илм қуввати ҳамда ҳар хил амаллар ва уларнинг оқибатлари қуввати деб аталади. Ўзаро бирикиб ва ўзаро ҳаракат қилиб, Парвардигорнинг ана шу қувватлари намоён бўлган оламнинг яралишини, мавжуд бўлиб туришини ва яксон бўлишини таъминлайдилар. Бу ишларни ўз вақтида Парвардигорнинг вакиллари: Брахма, Вишну ва Махешвара амалга оширадилар. Брахма оламни яратади, Вишну унинг мавжудлигини таъминлаб уради, маъбуд Шива эса, яксон қилади. Лекин уларнинг ҳаммаси, худди яратувчи қувватлар сингари Парвардигордан чиқади, демак, бутун борлиқда Парвардигордан – ранг-баранг бутун моддий оламнинг ягона бошланғич манбаидан бошқа бирор нарса йўқ. Бунга мисол қилиб ўргимчак ва ўргимчак инини келбириш мумкин. ўргимчак ўргимчак уясини куради, уни саклаб туради, ўзи истаган пайтда уянинг ҳаммасини яна ичига ютиб юборади. Бундан ташқари, ўргимчакнинг ўзи уясининг ичида яшириниб ётади. Агар ана шу кичкина ўргимчак ўз хоҳиши билан яратиш, мавжудлигини таъминлаб туриш ва яксон қилишга қодир бўлса, Олий Мавжудотнинг намоён бўлган моддий оламни яратиб, мавжудлигини таъминлаб туриб, истаган пайтида яксон қилиб, Ўзининг олий иродасини амалга оширишига ким ҳам тўсқинлик қила оларди? Парвардигорнинг марҳамати билан Брахма сингари содиқ ёки Брахмадан бошланадиган шогирдлар силсиласига мансуб бошқа бир зот ҳам Худо Шахси қандай қилиб ҳар хил қувватларнинг ўзаро ҳаракатлари доирасида

Ўзининг мангу илоҳий эрмакларини намойиш этишини тушуна олади.

29. Мен, Худо Шахсининг Ўзидан илм олиб, ўз фаолиятим натижаларига ўралиб қолмасдан, тирик мавжудотларни яратишда Сенинг қўлингдаги қурол бўлиб ҳаракат қила олишим учун марҳамат қилиб менга шуларнинг ҳаммасини тушунтириб бер.

Изоҳ: Браҳмаджи фақат ўзининг билимларига ишонадиган ва шу боис моддий тутқунликда юришга маҳкум бўлган дунёвий файласуфларга ўхшашни истамайди. Ҳар ким ўзи учун тушуниб олиши лозимки, инсон қандай фаолият билан машғул бўлмасин, барибир у шунчаки Парвардигор қўлида қурол бўлиб қолаверади. Шартланган руҳ – ташқи қувват, гунамаё майанинг, яъни Парвардигорнинг алдамчи қувватининг қўлида қурол, озодликка эришган ҳолатида эса, тирик мавжудот Худо Шахсининг иродасини амалга ошириш қуроли бўлади. Парвардигорнинг иродасини бажариб юрган киши ўзининг бошланғич табиий ҳолатида бўлади, Парвардигорнинг алдамчи қувватининг ҳукми остида юрган киши эса, моддий тутқунликда юрган ҳисобланади. Шартланган ҳолатда тирик мавжудот Мутлақ Ҳақиқат ва Унинг хилма-хил фаолияти ҳақида турли тахминлар қилади. Лекин, шартланмаган ҳолатда тирик мавжудот бевосита Парвардигорнинг Ўзидан илм олади. Ана шундай озод руҳда бемаъни фикр-мулоҳазаларга берилиш одати бўлмайди, у ҳамиша беҳато ҳаракат қилади. "Бхагавад-гита"(10.10-11)да алоҳида таъкидланадики, Парвардигорга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиб юрган асл содиқларга Парвардигор шахсан раҳбарлик қилади, шу боис ундай содиқлар ўзининг мангу уйига, Худонинг даргоҳига олиб борадиган йўлдан адашмасдан тўғри борадилар. Шу боис асл содиқлар ҳеч қачон эришган мартабасидан мағрурланмайдилар, имонсиз-файласуфлар эса, ҳамиша алдамчи қувват зулматида қолиб, ҳеч қачон уларни тўғри йўлга олиб чиқа олмайдиган шахсий фикр-мулоҳазаларига асосланган сохта билимлари билан мағрурланиб юрадилар. Маъбуд Браҳма, коинотдаги энг юксак лавозимни эгаллаб турган бўлишига қарамасдан, алданиш домига тушиб қолишни ва мағрурланиб кетишни истамасди.

30. Эй Парвардигор, эй туғилмаган Зот, Сен мени худди Ўз дўстингдай билиб қўлимни қисдинг. Мен ҳар хил тирик мавжудотларни яратиб Сенга хизмат қиламан. Ўз бурчимни бажаришда менга ҳеч нарса халақит бера олмайди. Мен Сендан фақат бир нарсани ти-

лайман - бу яратиш фаолияти қалбимда манманлик туйғусини уйғотиб, ўзимни Худо деб санашга мажбур қилмасин!

Изоҳ: Шубҳа йўқки, маъбуд Браҳма Парвардигор билан ўзаро дўстона муносабат(сакхйа-раса) ришталари билан боғланган. Ҳар бир тирик мавжудот Худо Шахси билан шанга, дасйа, сакхйа, ватсалйа ва мадхурйа деб аталадиган беш турли илоҳий муносабатларнинг бирида мангу боғланган. Биз Парвардигор билан алоҳида руҳ орасидаги ўзаро муносабатларнинг бу беш турини аввал муҳокама қилган эдик. Мазкур шеърдан кўриниб турибдики, маъбуд Браҳма Худо Шахси билан илоҳий дўстлик ришталари билан боғланган. Асл содиқ Парвардигор билан ҳар қандай илоҳий муносабатда бўлиши мумкин, у ҳатто Парвардигорнинг отаси ёки онаси ролини ўйнаши мумкин, лекин у ҳамиша Парвардигорнинг илоҳий хизматкори бўлиб қолаверади. Ҳеч ким Парвардигорга бирор жиҳатдан Парвардигорга тенг бўла олмайди ёки бирор жиҳатда Ундан устун бўла олмайди. "Бхагавад-гита"да шундай дейилган. Маъбуд Браҳма Парвардигор билан илоҳий дўстлик ришталари билан боғланган ва коинотда энг олий лавозим – тирик мавжудотларнинг барча турларининг яратувчиси лавозимини эгаллаб турган бўлишига қарамасдан, у ўз ўрнини биледи ва ҳар анарсага кодир Парвардигор эмаслигини тушунади. Баъзан, бу коинотдаги ёки ундан ташқаридаги алоҳида қудрат ато этилган бирор тирик мавжудот ўзининг Парвардигордан ҳам кучлироқ эканини намойиш этиши мумкин. лекин асл содиқ биладик, ана шундай тирик мавжудотлар намойиш этаётган қудратлар – вибхути, яъни, уларга Парвардигор ато этган қудратдир ва ана шундай қудрат ато этилган тирик мавжудотлар барибир мустақил эмаслар. Шри Хануманжи бир сакрашда Ҳинд Океанидан ҳатлаб ўтди, Парвардигор Шри Рамачандра эса, океандан ўтиш учун кўприк қуриши керак бўлди. Лекин бу дегани Хануман Парвардигордан ҳам қудратлироқ дегани эмас. Баъзан Парвардигор Ўзининг содиғига ғайритабиий қудрат ато этади, лекин содиқ хизматкор бу қудрат аслида Худо Шахсиники эканини, унинг ўзи эса – шунчаки Парвардигор қўлидаги қурол эканини ҳамиша эсида саклайди. Ўзларини Худо деб биладиган имонсиз одамлардан фарқли равишда асл содиқ ҳеч қачон мағрурланиб кетмайди. Ҳар қадамда Парвардигорнинг алдамчи қонуни зарбасига учраб юрган кишининг хаёлига қандай қилиб, Парвардигор билан қўшилиб кетиб, ўзим ҳам Худо бўламан, деган фикр қелиши мумкинлиги кишини ҳайратга солади. Ана шундай ғоялар –

алдамчи қувватнинг шартланган руҳ учун тайёрлаб қўйган охирги тузоғи. Аввалига тирик мавжудотнинг ақлига “катта бойлик тўплаб, катта ҳокимиятни қўлга киритиб, моддий оламнинг ҳукмдори бўлиб оламан” деган фикр келади, лекин барча уринишлари бирин-кетин чиппака чиқавергандан кейин, унда Парвардигор билан қўшилиб кетиш фикри пайдо бўлади. Шундай қилиб, моддий оламда энг кудратли зот бўлиш истаги ва Парвардигор билан қўшилиб кетиш истаги – алдамчи қувватнинг ҳар хил тузоқларидир. Лекин, асл содиқлар ўз ихтиёрини бутунлай Худога топшириб қўйганлари боис, улар ҳеч қачон алдамчи қувват, майя қўйган бундай тузоқларга илинмайдилар. Маъбуд Браҳма – моддий оламни бошқариб турган фаришта, шу боис у жуда кўп ҳайратли ишларни амалга ошира олади, лекин, у Худонинг асл содиқ хизматкори бўлгани боис, илми саёз имонсиз одамлардан фаркли равишда, ҳеч қачон унинг хаёлига Парвардигор билан қўшилиб кетишга ўхшаган бемаъни фикрлар келмайди. Манманлигидан биз ҳам Худо бўла оламиз деб юрган ғофил одамлар маъбуд Браҳмадан ўрнак олсалар ёмон бўлмасди.

Аслида маъбуд Браҳма тирик мавжудотларни яратмайди. У коинот яратилган пайтда тирик мавжудотларга ҳар хил шаклдаги таналарни етказиб беришга маъсул қилиб қўйилган. Бу таналар тирик мавжудотларга уларнинг коинот яратилишининг аввалги циклида қилган ишларининг натижасига қараб берилади. Браҳманинг вазифаси – тирик мавжудотларни уйқудан уйғотиш ва уларнинг ўз бурчларини бажаришларига имкон яратиш беришдан иборат. Браҳма тирик мавжудотларнинг ҳар хил турларини ўз ёхоиши билан яратмайди, - унга тирик мавжудотлар ўз истақларига мос бўлган фаолият билан шуғуллана олишлари учун уларга ҳар хил тана турларини етказиб бериш вазифаси юклатилган. Шунга қарамадан, ўзини Парвардигор деб мағрурланиб кетишдан қўрқиб, у хамиша ўзини шунчаки Парвардигорнинг қўлидаги қурол эканини эслаб юради.

Худонинг содиқлари уларга Парвардигор буюрган фаолият тури билан машғул бўлиб юрадилар, шу боис улар бу йўлда ҳеч қандай тўсикқа учрамасдан ўз вазифаларини муваффақият билан адо этадилар, чунки улар Парвардигорнинг амрини бажариб юрибдилар. Ўзлари эришган муваффақиятларнинг ҳаммасини улар ўзлариники эмасч. Балки Худоники деб биладилар. Аммо ғофил одамлар Парвардигорни муносиб равишда олқишлашни истамасдан, эришган муваффақиятларининг ҳаммасини ўзлариники деб биладилар. Имонсиз одамларнинг Худонинг содиқларидан фарқи ҳам шунда.

31. Парвардигор шундай деди: Муқаддас китобларда Мен ҳақимда берилган илм – энг сирли илоҳий илм бўлиб, бу илмни фақат Менга садоқат билан холис хизмат қилиш жараёнидагина англаб етиш мумкин. Мен сенга ана шу жараённинг таркибий қисмлари ҳақида гапириб бераман, сен эса, Мендан эшитганларингга сўзсиз амал қилишга ҳаракат қил.

Изоҳ: Браҳма – Парвардигорнинг бу коинотдаги энг буюк содиғи, Браҳма берган тўрт саволга Парвардигор "Шримад-Бхагаватам"нинг бошланғич кўриниши бўлган тўрт шеър билан жавоб берди. браҳма Парвардигорга қуйидаги тўрт саволни берганди:

- 1. Парвардигор моддий ва илоҳий оламларда қандай қиёфаларни намоён этади?**
- 2. Парвардигорнинг ҳар хил қувватлари қандай ҳаракат қиладилар?**
- 3. Парвардигор Ўзининг ҳар хил қувватлари билан қандай эрмаклар ўтказиши?**
- 4. Қандай қилиб Браҳма ўзига юклатилган вазифани бажаришни ўргана олади?**

Бу шеър ана шу саволларга жавоб беришга киришиш ҳисобланади. Парвардигор Браҳмага айтяптики, муқаддас китобларда берилган Олий Мутлақ Ҳақиқат ҳақидаги илм жуда чигал, шу боис уни фақат Парвардигорнинг марҳамати билан ўзлигини англаб етган кишигина англай олади. Парвардигор Браҳманинг барча саволларига Ўзи жавоб беришини айтяпти. Бу дегани, Мутлақ Олий Зот ҳақидаги илмни Парвардигорнинг Ўзи уни кимга ошкор этган бўлса, фақат шу зотгина англаб ета олади. Мутлақ Ҳақиқатни У ҳақда чуқур мулоҳаза юритиш орқали англаб етишнинг иложи йўқ. Мутлақ Ҳақиқат ҳақидаги илм ҳатто бу дунёнинг энг буюк мутафаккир ва файласуфлари учун ҳам очилмай қолаверади. Дунёвий файласуфлар нари борса, шахсиятсиз Браҳманни англаб етишлари мумкин, лекин илоҳий олам ҳақидаги илм шахсиятсиз Браҳман ҳақидаги илм чегарасига сиғмайди, шунинг учун ҳам бу илм энг махфий сир деб аталади. Озодликка эришган кўплаб зотлар орасида ҳам Худо Шахсини англаб етган бирор зотни топши қийин. Бу ҳақда Парвардигорнинг Ўзи "Бхагавад-гита"да айтган: юз минглаб одамлар орасида биргина киши баркамолликка интилади, озодликка эришган зотлар ичида биргинаси ҳақиқатан ҳам Парвардигорни билиши мумкин. Шундай қилиб, Худо Шахсини фақат Худога садоқат билан хизмат қилиш ёрдамида англаб етиш мумкин. рахасйам ибораи “Худога садоқат билан хизмат қилиш” деган маънони англатади. Парвардигор Кришна "Бхагавад-гита"ни Аржунга гапириб

берди, чунки Аржун Унинг дўсти ва содиқ хизматкори эканини биларди. Ана шундай сифатларга эга бўлмаган киши "Бхагавад-гита" сирини англаб ета олмайди. Шундай қилиб, токи инсон Худонинг содиқ хизматкори бўлмас ва Худога садоқат билан хизмат қилишга киришмас экан, у Худо Шахсини англаб ета олмайди. бу йўлда муваффақиятга эришишнинг сири – Худога муҳаббатда. Худога муҳаббат – Худо Шахсининг сирини англаб етиш имконини берадиган ягона калит. Қалбимизда Худога илоҳий муҳаббат уйғотиш поғонасига эришиш учун Худога садоқат билан хизмат қилишнинг қонун-қоидаларига қатъий амал қилиб яшаш лозим. Қонун-қоидаларга асосланган хизмат қилиш видхи-бхакти – Худога садоқат билан хизмат қилиш фаолияти деб аталади, янги содиқ Худога нисбатан ўзида ҳозир мавжуд бўлган сезги, ҳис-туйғуларидан фойдаланиб Худога садоқат билан хизмат қила бошлаши мумкин. Худога садоқат билан хизмат қилиш қонун-қоидаларининг асосини Парвардигор ҳақидаги ҳикояларни тинглаш, Уни олқишлаш ташкил этади. фақат Худонинг содиқлари даврасида Парвардигор ҳақидаги ҳикояларни тинглаш ва Уни олқишлаб куйлаш мумкин. Шунинг учун, Худога садоқат билан хизмат қилишда баркамолликка эришишга интилиб юрган кишиларга Парвардигор Чайтанья беш асосий қоидага амал қилиб яшашни тавсия қилган. 1 – Худонинг содиқлари билан ҳамсухбат бўлиш, яъни Парвардигор ҳақида тинглаш; 2 – Парвардигорни шарафлаб куйлаш; 3 – асл содиқлар оғзидан "Шримад-Бхагаватам"ни тинглаш; 4 – Парвардигорнинг эрмаклари билан боғлиқ бўлган муқаддас даргоҳда яшаш; 5 – Парвардигорнинг Илоҳига садоқат билан сажда қилиб сиғиниш. Ана шу қоидалар Худога садоқат билан хизмат қилишнинг таркибий қисмларидир. Шундай қилиб, маъбуд Браҳманинг илтимосига кўра, Парвардигор унинг берган тўрт саволига ва шу саволлар билан боғлиқ бўлган бошқа саволларга тўлиқ жавоб беради.

32. Қалбингдаги Мен ҳақимдаги илм уйғонсин ва Менинг бесабаб марҳаматим билан сенга Менинг мангу ҳақиқий қиёфам, Менинг илоҳий борлигим, сифатларим, рангларим ва кўрсатган кароматларим аён бўлсин.

Изоҳ: Мутлақ Ҳақиқат, Худо Шахси ҳақидаги илмнинг барча нозик сирларини билишда муваффақиятга эришишнинг калити Парвардигорнинг бесабаб марҳаматидир. Ҳатто моддий оламда ҳам кўплаб фарзандларга эга бўлган ота ўзининг энг махфий сирларини фақат

ўзининг энг сеvimли боласига айтади. Ота ўз сирларини ўзи энг муносиб деб ҳисоблаган ўғлига айтади. Жамиятда юқори мартаба эгаллаб турган кишининг фақат унинг ўзи исасагина яқиндан билиб олиш мумкин. Худди шундай, Парвардигорни ҳам фақат Унинг учун энг азиз бўлган киши англаб ета олади. Парвардигор бениҳоя; ҳеч ким Уни тўлиқ англаб ета олмайди, лекин, Парвардигорга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишда маълум поғонага эришгандан кейин инсон Парвардигорни маълум даражада англаб етиш ҳуқуқига эга бўлади. Биз бу ерда кўриб турибмизки, Парвардигор маъбуд Браҳмадан мамнун бўлганидан, бесабаб марҳамат кўрсатиб, унга Ўзини ошкор этди.

Ведаларда ҳам айтилган: Мутлақ Ҳақиқатни, Худо Шахсини англаб етиш учун дунёвий олим бўлиш ёки ақлий машқлар бажаришнинг ўзи кифоя эмас. Олий Ҳақиқатни фақат руҳий устозига ва Парвардигорга тўлиқ ишонган кишигина англаб ета олади. Ана шундай инсон ҳатто ҳеч қандай дунёвий маълумотга эга бўлмаса ҳам, у Худонинг марҳамати билан осонлик билан Парвардигорни англаб етади. "Бхагавад-гита"да ҳам айтилганки, Парвардигор Ўзини ҳаммага бирдай ошкор этавермасликка ҳақли, шу боис, У имонсиз одамлардан Ўзини йога-майя пардаси билан тўсиб қўйган.

Қалби ишончга тўла кишига Парвардигор Ўзини: Ўзининг қиёфасини, сифатларини ва эрмакларини ошкор намоён этади. Имперсоналистларнинг фикрига зид равишда Парвардигор шакл-шамойилсиз эмас, лекин Унинг қиёфаси биз атрофимизда кўриб юрган барча қиёфалардан фарқ қилади. "Шримад-Бхагаватам"нинг буюк билимдони Шрила Жива Госвамиининг фикрига кўра, мазкур шеърдаги йаван ибораси шуни билдирадики, Парвардигор Ўзининг асл содиғига Ўзининг қиёфасини ва ҳатто унинг ўлчамларини ҳам ошкор этади.

Парвардигор бу ерда айтяптики, Унинг борлиғи табиатан илоҳий. Дунёвий файласуфлар Парвардигорнинг икёфаси борасида ҳар хил моддий тасаввурларни ўйлаб топадилар. Муқаддас китобларда айтилганки, Парвардигорнинг моддий қиёфаси йўқ, шу боис, баъзи бир ғофил одамлар бундан Парвардигорнинг умуман ҳеч қандай шакл-шамойили йўқ деб хулоса чиқарадилар. Улар руҳий қиёфани моддий қиёфадан ажрата олмайдилар. Уларнинг фикрига кўра, моддий қиёфаси бўлмаган зот шакл-шамойилсиз бўлади. Лекин бу хулосанинг ўзи ҳам моддий, чунки шакл-шамойилсиз деган ғоянинг ўзи аслида, “минус” қиёфанинг борлигини англатади. Шунчаки моддий ғояни инкор этиш илоҳий ҳақиқат ҳақида ҳеч қандай тасаввур ҳосил қилмайди. “Браҳма-самхита”да айтилганки,

Парвардигорнинг илоҳий қиёфаси бор, У ўзининг ҳар бир сезги органидан ҳар қандай мақсадда фойдалана олади. Масалан, У кўзлари билан овқатнинг таъмини билиши, оёқлари билан кўриши мумкин. Моддий тана тирик мавжудотга кўзлари билан ейиш ёки оёқлари билан кўриш имконини бера олмайди. моддий тана билан сач-чид-ананла - руҳий тана орасидаги фарқ шундан иборат. Руҳий тана шакл-шамойилсиз эмас, бу тана умуман бошқача тана, уни моддий сезги аъзолари билан сезишнинг иложи йўқ. Демак, Мутлақ Зотни шакл-шамойилсиз деб атаганларида унинг моддий қиёфаси йўқлигини назарда тутадилар, яъни, Унинг руҳий танаси бор, лекин, бу тана ҳақида имонсиз кишиларнинг номукамал усуллари ёрдамида тасаввур ҳосил қилиб бўлмайди.

Парвардигор содиқ хизматкорига Ўзининг илоҳий таналарининг хилма-хил чексиз қиёфаларини намоён этади, Унинг бу таналарининг ҳаммаси, гарчи ташқи кўриниши турлича бўлса ҳам, бир биридан фарқ қилмайди. Парвардигорнинг таналаридан баъзилари қора, баъзилари оқ рангда. Улар орасида олтинранг ва қизил ранглилари ҳам бор. Унинг баъзи таналари икки қўлли, баъзилари тўрт қўлли. Шақли балиқ қиёфасини, арслон қиёфасини эслатадиган таналари ҳам бор. Худонинг марҳамати билан содиққа Парвардигорнинг хилма-хил илоҳий таналари намоён бўлади, Унинг бу таналари ташқи кўриниши турлича бўлса ҳам, барибир бир тоифага мансуб таналардир. Шунинг учун, имперсоналистларнинг Парвардигорнинг шакл-шамойили йўқлиги исботлайдиган сохта далилларига Худонинг содиқ хизматкори, ҳатто ҳали Худога садоқат билан хизмат қилишнинг қуйи поғоналарида юрган бўлса ҳам, эътибор бериб ўтирмайди.

Парвардигор сон-саноксиз илоҳий сифатларга эга эди, улардан бири Унинг ўзининг асл содиқларига бўлган муҳаббатидир. Моддий олам тарихини ўрганиб, Унинг илоҳий сифатларини тушуниб етиш ва муносиб баҳолаш мумкин. Парвардигор бу дунёга Ўзининг содиқларини ҳимоя қилиш ҳамда имонсиз зотларни яқсон қилиш учун келади. Унинг барча кароматлари Худонинг содиқлари билан боғлиқ. "Шримад-Бхагаватам"да Парвардигорнинг Ўзининг содиқлари билан боғлиқ бўлган жуда кўп кароматлари баён этилган, лекин имонсизлар Парвардигорнинг бу эрмаклари ҳақида ҳеч нарса билмайдилар. Парвардигор Говардхан тоғини кўтариб, Вриндаван вилоятини сувга ғарқ қилиш ниятида бир неча кун бетиним жала қуйдирган Индранинг ғазабидан Ўзининг асл содиқларини ҳимоя

қилган пайтда эндигина етти ёшга тўлган эди. имонсиз атеист етти яшар боланинг Говардхан тоғини кўтарганига ҳеч қачон ишонмайди, лекин Парвардигорнинг ҳар нарсага қодир эканига ишонадиган содиқлар бунга ҳечам шубҳа қилмайдилар. Худонинг содиқлари Парвардигорнинг ҳар нарсага қодир эканига ишонадилар, имонсизлар эса, Унинг ҳар нарсага қодир эканини фақат тилида тан оладилар, лекин аслида бунга ишонмайдилар. Ана шундай ғофил бандалар билмайдиларки, Парвардигор – ҳамиша Парвардигор, ҳатто миллион йил муроқаба қилса ҳам, ёки миллиард йил фикр-мулоҳаза юритса ҳам, ҳеч ким Парвардигор бўла олмайди.

Мазкур шеър дунёвий сафсатабозларнинг имперсоналистик талқинларига заррача ўрин қолдирмайди, чунки бу ерда аниқ айтилганки, Парвардигорнинг қиёфаси, сифатлари, эрмаклари, яъни, шахсга мансуб бўлган барча сифатлари бор. Худо Шахсининг илоҳий табиатининг бу ерда келтирилган таърифи ҳақиқий эканига Худонинг содиқ хизматкори ўз тажрибаси давомида ишонч ҳосил қилиши мумкин. Ўзининг бесабаб марҳамати билан Парвардигор ҳамма нарсани Ўзининг асл содигига ошкор этади, бошқа ҳеч ким бунга эриша олмайди.

33. Эй Брахма, оламда Мендан бошқа бирор нарса бўлмаган пайтда Мен - Худо Шахси мавжуд эдим. У пайтда оламнинг яралишига сабаб бўлган моддий табиат ҳам йўқ эди. Ҳозир сен кўриб турган нарсаларнинг ҳаммаси – Мен Худо Шахсиман, бутун олам яқсон бўлгандан кейин қоладиган ҳам Мен, Худо Шахси бўламан.

Изоҳ: Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, маъбуд Брахма билан суҳбатлашар экан, Худо Шахси унинг диққат-эътиборини Ўзига қаратади ва алоҳида таъкидлаб айтяптики, У. Ягона Парвардигор олам яралмасдан аввал бор эди, мавжуд оламнинг мавжудлигини фақат Унинг Ўзи таъминлаб туради, олам яқсон бўлгандан кейин эса, фақат Унинг Ўзи қолади. Брахманинг ўзини ҳам Парвардигор яратган. Имперсоналистлар ягона бирлик ғоясини илгари сурадилар: Брахма, ягона “Мен”(Мутлақ Ҳақиқат)нинг эманацияси сифатида ўша “Мен”нинг ўзи, шу боис, у ана шу ягона “Мен” бўлган Парвардигордан фарқ қилмайди ва шундай қилиб, мазкур шеърга асосан, ягона “Мен”дан бошқа ҳеч нарса мавжуд эмас. Лекин, имперсоналистларнинг бу далилларини қабул қилар эканмиз, барибир Парвардигор – яратувчи “Мен”, Брахма эса – яралган “мен” эканини тан олиш керак. Демак, икки “мен”, ҳукмрон “Мен”

билан унга қарам “мен” бир биридан фарқ қилади. Шундай қилиб, ҳатто биз имперсоналистларнинг далилларини қабул қилсак ҳам, барибир икки хил “мен” борлигини тан олишимиз лозим. Лекин, шуни айтиб ўтиш лозимки, ведавий муқаддас китоблар (“Катхопанишад”) бу икки “мен”нинг сифат жиҳатидан бир хиллигини тан олади. Унда шундай дейилган:

Нитйо нитйанам четанаш четананам
эко бахунам йо видадхати каман

Ведалар яратувчи “Мен” билан яралган “мен”нинг сифат жиҳатдан бирлигини тан оладилар, чунки улар иккиси ҳам нитйа ва четана. Лекин, яратувчи “Мен” бирлик шаклида, яралган “мен” эса, кўплик шаклида ифодаланган, чунки яралган “мен”лар сон-саноксиз – Брахмининг ўзи ва Брахмандан тарқалган тирик мавжудотларнинг ҳаммаси. Буни тушуниб олиш қийин эмас: ота ўғлини дунёга келтиради, ўғли ҳам ўз навбатида ўз ўғилларини дунёга келтиради, қайсидир маънода уларнинг ҳаммаси бир, чунки улар ҳаммаси инсон, лекин айни пайтда, боласи ва неваралари отасидан фарқ қилади. Ота, ўғил ва неваралар бир вақтнинг ўзида бир ва бир биридан фарқ қиладилар. инсон сифатида улар бир, лекин бир бирларига муносабати жиҳатидан улар ҳар хил ҳолатда. Шунинг учун Ведалар “яратувчи” ва “яралган олам”, “ҳукмдор” ва “қарам зотлар” каби тушунчаларни ҳар хил маънода қабул қиладилар ва ҳукмдор “Мен”ни унга қарам “мен”ларнинг мавжудлигини таъминлайдиган зот ўрнида қўядилар. Шундай қилиб, бу икки тоифа “мен” орасида жуда катта фарқ бор.

Бундан ташқари, мазкур шеърда Парвардигор ва Брахма шахслар эмас деб айтишга ҳеч қандай асос келтирилмаган. Шундай қилиб, охир-оқибатда ҳукмдор ҳам, унга қарам зот ҳам – шахслардир. Шундай қилиб, мазкур шеър имперсоналистларнинг бутун борлиқ шахсиятсиз табиатга эга деган хулосасини инкор этади. Имперсонализмнинг ақли паст издошларининг Мутлақ Зотнинг шахсиятсиз жиҳатига алоҳида урғу берадиган бундай гаплари мазкур шеърда инкор этилган: ҳукмрон “Мен” – Мутлақ Ҳақиқат эканлиги кўрсатилган, демак, Мутлақ Ҳақиқат – шахс. Унга қарам “мен”, Брахма ҳам – шахс, лекин у Мутлақ Зот эмас. Баъзи ҳолларда, ўз “мен”ининг рухий табиатга эга эканини англаб етиш учун ўзимизнинг Мутлақ Ҳақиқат билан бирлигимизни тан олиш мумкин, лекин аслида ҳукмрон зот билан қарам зот ҳамиша бир биридан фарқ қилади. Бу ҳақиқат имперсоналистлар мутлақо нотўғри тълқин қиладиган мазкур шеърда яққол кўриниб

турибди. Брахма ўз кўзи билан олдида турган ҳукмдорини, ҳатто моддий олам яқсон бўлгандан кейин ҳам Ўзининг илоҳий ва мангу киёфасида мавжуд бўлиб қолаверади Парвардигорни кўриб турибди. Парвардигорнинг Брахма кўрган киёфаси Брахмининг ўзи пайдо бўлмасдан аввал ҳам бор эди. Моддий олам ўзининг барча таркибий қисмлари ва ҳаракатга келтирувчи кучлари билан биргаликда Парвардигорнинг қувват экспансиясидир. Парвардигорнинг қуввати ҳаракатдан тўхтаганида, мавжуд бўлиб қоладиган ягона зот – барибир ўша Худо Шахси бўлади. Шундай қилиб, Парвардигор Ўзининг шахс киёфасида ҳамиша, борлиқнинг яралиш, мавжудлик ва емирилиш босқичларида мавжуд бўлиб қолаверади. Бу ҳақиқатни ведавий мадҳиялар ҳам тасдиқлайди: васудево ва идам агра асин на брахма на ча шанкара эко нарайана асин на брахма нешана ва ҳок. Олам яралмасдан аввал Васудевадан бошқа ҳеч ким йўқ эди. ўша пайтда Брахма ҳам, Шанкара ҳам йўқ эди. Фақат Нарайана бор эди, бошқа ҳеч ким, Брахма ҳам, Ишана ҳам йўқ эди. Шрипада Шанкарачарйа ҳам "Бхагавад-гита"га ёзган изоҳида айтганки, Нарайана, Худо Шахси моддий оламга нисбатан илоҳий ҳолатда, бутун олам авйактанинг яратганидир. Шундай қилиб, гарчи сифат жиҳатдан бир хил бўлсалар ҳам, яралган олам билан яратувчи орасида ҳамиша фарқ бор.

Мазкур шеърдан келиб чиқадиган яна бир хулоса шундан иборатки, олий ҳақиқат – Бхагаван, яъни Худо Шахси. Юқорида Худо Шахси ва Унинг салтанатининг таърифи келтирилган эди. имперсоналистлар Парвардигорнинг салтанатини бўм-бўш деб тасаввур қиладилар, лекин аслида бундай эмас. Ваикунтха сайёраларида илоҳий ранг-баранглик ҳукм суради; уларда чексиз бойликларга эга бўлган тўрт қўлли одамлар яшайди, у жойда ҳатто ҳаво кемалари ҳам, ана шундай юқори даражада ривожланган маданиятга зарур бўлган бошқа жуда кўп нарсалар бор. Демак, Парвардигор олам яралмасдан аввал ҳам бор бўлган, У илоҳий ранг-баранглик ҳукм сурган Ваикунтхалокаларда яшайди. "Бхагавад-гита"да ҳам Ваикунтхалокаларнинг табиатини санатана деб таърифлайди. Демак, ҳатто намоён бўлган бу олам яқсон бўлганда ҳам улар яқсон бўлмайдилар. Ваикунтханинг илоҳий сайёралари моддий оламда ҳаракат қиладиган яралиш, мавжудлик ва емирилиш қонунлари таъсир қилмайдиган бутунлай бошқа табиатга эга. Шохнинг мавжудлиги унинг салтанатининг мавжудлигини тақозо этгани сингари, Худо Шахсининг мангу мавжудлиги Ваикунтхаларнинг ҳам мангу мавжудлигини назарда тутди.

Худо Шахсининг мавжудлиги ҳақида "Шримад-Бхагаватам" ва бошқа муқаддас китобларда айтилган. Масалан, "Шримад-Бхагаватам"(2.8.10)да Махараж Парикшит шундай савол беради:

*са чапи йатра пурушо вишва-стхита-
удбхаватйайах
муктватма-майам майешах шете сарва-
гухашиах*

“Қандай қилиб, коинотнинг яралиш, мавжудлик ва емирилиш сабабчиси, алдамчи қувват таъсир қилмайдиган ва унга ҳукмронлик қиладиган Худо Шахси ҳар кимнинг қалбида мавжуд бўлади?” “Шримад-Бхагаватам”(3.7.37)да Видура ҳам шундай савол беради.

Шридхар Свами буни шундай тушунтиради: “Олам яксон бўлганда, Шеша устида ётган Парвардигорга хизмат қилиб юрган...”. Демак, илоҳий Парвардигор ва Унинг номи, шуҳрати, сифатлари ва бошқа анжомлари мангу мавжуд бўлиб қолаверади. “Сканда-пурана”нинг Кашикхандасида, дхрува-чарита ҳақида гап борганда ҳам бу тасдиқланади. Унда шундай дейилади:

на чйаванте пи йад-бхакта махатйам
пралайапади

ато чйуто кхиле локе са эках сарваго
вйайах

Ҳали Парвардигорнинг Ўзи нари турсин, ҳатто Худо Шахсининг содиқлари ҳам моддий олам яксон бўлганида ҳалокатга учрамайдилар. Моддий ўзгаришларнинг барча уч босқичида ҳам Парвардигор мангу мавжуд.

Имперсоналистлар Парвардигорнинг фаолият билан машғул эканини инкор этадилар, лекин бу ерда, Браҳма билан Худонинг Олий Шахсининг ўзаро суҳбатида Парвардигорнинг фаолияти ҳақида, шунингдек, Унинг қиёфалари ва сифатлари ҳақида айтилган. Браҳма ва бошқа фаришталарнинг моддий оламни яратиш, мавжудлигини таъминлаш ва яксон қилиш фаолиятида Парвардигорнинг Ўзининг фаолиятини кўриш лозим. шох ёки ҳукумат раҳбари ҳукумат маҳкамасида шахсан ўзи ўтириб ишлаши шарт эмас, у бу пайтда шохларга хос турли хилэрмақлар билан машғул бўлиши мумкин. Шунга қарамадан тушуниш лозимки, ҳамма нарса унинг амри билан ва унинг раҳбарлиги остида амалга ошади. Худо Шахси ҳамиша қиёфага эга. Моддий оламда Унинг шахсий қиёфаси калтафаҳм одамлар кўзига кўринмайди, шу боис баъзан Уни шакл-шамойили йўқ деб атайдилар. Лекин аслида, У ҳамиша Ўзининг мангу қиёфасида Ваикунтха сайёраларида ва Ўзининг турли хил тимсолларида моддий олам сайёраларида юради. Буни қуёшни мисол келтириб тушунтириш мумкин. Тун қоронғусида одамлар қуёшни кўрмайдилар, лекин уни қуёш чикқан бошқа

жойларда кўриш мумкин. Ер шарининг баъзи жойларидаги одамлар қуёшни кўрмаганлари қуёшнинг шакл-шамойили йўқлигини исботлай олмайди-ку.

“Брихад-аранйака-упанишад”(1.4.1)да шундай дейилган: атмаиведам агра асит пуруша-видхх. Бу мантрада айтилганки, Худонинг Олий Шахси, Кришна пурушанинг намоеён бўлган қиёфалари пайдо бўлмасдан аввал мавжуд эди. "Бхагавад-гита"(15.18)да Парвардигор Кришна Пурушоттама деб аталган, чунки У – олий пуруша, ҳатто пуруша-акшара ва пуруша-кшарага нисбатан ҳам илоҳий ҳолатда. Акшара-пуруша – Маха-Вишну пракритига – моддий табиатга нигоҳ ташлайди, аммо Пурушоттама ҳали У пайдо бўлмасдан аввал ҳам бор эди. Шундай қилиб, “Брихад-аранйака-упанишад” ҳам "Бхагавад-гита"нинг Парвардигор Кришна Олий Шахс, яғни Пурушоттамадир, деган гапларини тасдиқлайди.

Баъзи бир Ведаларда айтилганки, аввалига фақат шахсиятсиз Браҳман мавжуд бўлган. Лекин, мазкур шеърда айтилишига кўра, Парвардигорнинг танасидан таралиб турган ёғду бўлган шахсиятсиз Браҳманни шунчаки бевосита сабаб деб ҳисоблаш мумкин, барча сабаблар сабабчиси, яъни, энг чуқур сабабчи – Худонинг Олий Шахсидир. Моддий оламда Парвардигор Ўзининг шахсиятсиз қиёфасида иштирок этади, чунки Парвардигорни моддий кўзлар билан кўришнинг ёки моддий сезгилар билан сезишнинг иложи йўқ. Парвардигорни кўришни истаган киши энг аввало ўзининг сезгиларини моддий иллатдан поклар руҳий табиатли қилиб олиши лозим. лекин Парвардигор ҳамиша алоҳида шахс сифатида мавжуд, ваикунтхаларда яшайдиган зотлар ҳамиша Унинг шахсий қиёфасини кўриб юрадилар. Шундай қилиб, худди ҳукумат маҳкамаларида шахсиятсиз кўринишда мавжуд бўлган шох сингари, моддий оламда Парвардигор шахсиятсиз қиёфада мавжуд. Лекин ўзининг саройида ҳукумат раҳбари ёки шох шахсан иштирок этади. Худди шундай Парвардигор ҳам, "Шримад-Бхагаватам"нинг бошиджа айтилганидек, ҳамиша нираста-кухакам бўлиб қоладиган Ўзининг даргоҳида шахсиятсиз эмас. Шундай қилиб, муқаддас китоблар Парвардигорнинг шахс жиҳатини ҳам, шахсиятсиз жиҳатини ҳам тан оладилар. Парвардигорнинг шахсий жиҳати айникса "Бхагавад-гита"нинг браҳманно хи пратиштххам(14.27) шеърда алоҳида таъкидланади. Бундан келиб чиқадики, Худо Шахси ҳақидаги руҳий илм Парвардигорнинг шахсиятсиз жиҳати бўлган Браҳман ҳақидаги илмдан ҳар томонлама муҳим ва маҳфийроқ. Шунинг учун инсоннинг ҳаётдаги олий мақсади Мутлақ Ҳақиқатнинг шахсиятсиз жиҳатини

эмас, балки шахсий жихатини англаб етиш бўлиши керак. мутлак Ҳақиқат ҳақидаги илми кўза ичидаги осмон парчаси ва унинг сиртидаги осмонга киёслаб тушунтириш бу илми ўрганиб юрганларнинг Мутлак Ҳақиқатнинг космик онги бутун борлиққа сингиб кетганини тушуниб олишга ёрдам беради, лекин, бу дегани, Парвардигорнинг ўзини Худо деб ўйлаб юрган бир зарраси ҳақиқатан ҳам Парвардигорга айланади дегани эмас. Бу дегани фақат шундай шартланган руҳ алдамчи қувватнинг унга тайёрлаб қўйган охирги тузоғига илиниб, унинг қурбони бўлганини билдиради, холос. Ўзининг Парвардигорнинг космик онги билан бирлигини даъво қилаётган киши алдамчи қувватнинг, даиви майянинг унга тайёрлаб қўйган охирги тузоғига илинган бўлади. Ҳатто Парвардигор Ўзининг шахсиятсиз киёфасида намоён бўладиган моддий олам юриб ҳам Парвардигорнинг шахсий киёфасини англаб етишга интилиш лозим – пашчид ахам йад ча йо вашишйета со сми ахам деган гапларнинг маъноси шуни англатади.

Нарадага насиҳат берар экан, Брахмаджи ҳам ана шу ҳақиқатни тан олади:

*Со йам те бхихитас тата бхагаван
вишва-бхаванаҳ*

(“Шримад-Бхагаватам”.2.7.50).

Хари, Худонинг Олий Шахси – барча сабабларнинг ягона сабабчиси. Демак, мазкур шеърда(ахам эва) гап фақат Парвардигор ҳақида, фақат У ҳақда боради. Шунинг учун инсон Брахма-сампрадаёя йўлидан, яъни Брахмадан Нарадага, ундан Вйасадевага, ва ҳоказо ўтиб келаётган йўлдан бориши ва Худо Шахси Харини, Парвардигор Кришнани англаб етишни ўз ҳаётининг олий мақсади қилиб олиши керак. Парвардигорнинг барча содиқ хизматкорларига қаратилган мана шу махфий насиҳатни Аржун ҳам олган эди. Олам яралишининг энг бошида Брахма ҳам айнан шундай насиҳат олган эди. Брахма, Вишну, Махешвара, Индра, Чандра, Варуна ва бошқа фаришталар – Парвардигорнинг турли хил вазифаларни амалга оширадиган ҳар хил киёфалари; моддий олам яратиладиган ҳар хил таркибий қисмлар, кўплаб хилма-хил қувватларнинг ҳаммаси Худо Шахсидан чиқади, лекин буларнинг ҳаммасининг илдизи, ягона манбаи Худонинг Олий Шахси, Парвардигор Кришна. Шоха ва баргларнинг бизни чалғитишига йўл қўймасдан, биз ўзимизда бутун борлиқнинг илдизига боғланиш туйғусимни ривожлантиришимиз лозим. мазкур шеърда берилган насиётнингмаъноси шундай.

34. Эй Брахма, Мен билан боғлиқ бўлмаган ҳолда, қандайдир қийматга арзигулик бўлиб

кўринган нарса ҳақиқий эмас, сароб, рўёдир. Билсанг, у Менинг алдамчи қувватим, нурнинг зулматдаги акси, холос.

Изоҳ: Аввалги шеърда айтилган эдики, олам мавжудлигининг ҳар қандай босқичида – у пайдо бўлганда, ривожланганида ва мавжуд бўлиб турганида, ҳар хил қувватлар ўзаро ҳаракат қилганида, шунингдек, Унинг емирила бошлаганида ва яқсон бўлганида – ундаги нарсаларнинг ҳаммасининг илдизи Худо Шахсига бориб тақалади. Шунинг учун Парвардигор билан бўлган мана шу азалий бошланғич муносабатларни унутишнинг намоён бўлган ҳар қандай кўриниши, Парвардигордан ажралган ҳолда мавжуд бўлган нарсаларни ҳақиқий деб тасавуур қилишнинг ҳар қандай тури – Унинг алдамчи қуввати юзага келтирган сароб, рўё ҳисобланади. Парвардигордан мустақил ҳолда мавжуд бирор нарса бўлмагани боис, алдамчи қувват ҳам Парвардигорнинг қувватларидан бири ҳисобланади. Борлиқдаги ҳамма нарсани Парвардигор билан боғлиқ ҳолда кўрадиган тўғри тасаввур йога-майя, боғланиш қуввати деб аталади, бирор нарсани Парвардигордан ажралган ҳолда таърифлайдиган ғоя эса, даиви майя, ёки Парвардигорнинг маха-майяси деб аталади. бу икки майя ҳам Парвардигор билан боғлиқ, чунки бутун борлиқда Парвардигор билан боғлиқ бўлмаган бирор нарса йўқ. Шундай қилиб, гарчи ўзи алданиш бўлса ҳам, бирор нарсани Парвардигорга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд деб хато тасаввур қилиш ҳам ҳақиқатга асосланган.

Алданиш, иллюзия – ҳақиқатни бузилган кўринишда қабул қилиш, бунда бир нарса умуман мбошқа нарса деб қабул қилинади. Масалан, агар биз арқонни илон деб қабул қилсак, гарчи арқон ҳақиқатан ҳам бор бўлса ҳам, алданган бўламыз. Алданиш домига тушган кишининг олдида ётган арқон ҳақиқатан ҳам бор, лекин унинг арқон ҳақидаги тасавуури – алданиш, сароб, иллюзия. Шундай қилиб, моддий олам Парвардигорнинг қуввати билан боғлиқ эмас деган нотўғри тасаввур – алданиш, сароб, лекин бундан моддий оламнинг ўзи ҳам сароб деган хулоса келиб чиқмайди. Ана шундай алдамчи ғоя “ҳақиқатнинг ғофиллик зулматидаги ярқираган акси” деб аталади. “Ме(Парвардигор)нинг қувватим яратмагандай бўлиб кўринган нарсаларнинг ҳаммаси” майя деб аталади. Тирик мавжудотнинг киёфаси йўқ, ёки Парвардигорнинг шакл шамойили йўқ, деган тасаввурлар ҳам алданиш, рўё. "Бхагавад-гита"(2.12)да Парвардигор, бўлажак жанг майдони ўртасида туриб айтадики, Аржуннинг олдида турган жангчилар, Аржуннинг ўзи ва

Парвардигор аввал ҳам мавжуд бўлганлар, ҳозир Курукшетра майдонида мавжуд бўлиб турибдилар, келажакда, ҳозирги таналари яксон бўлгандан кейин, хатто улар моддий олам тутқунлигидан озодликка эришсалар ҳам, алоҳида руҳ сифатида мавжуд бўлиб қолаверадилар. Парвардигор ҳам, тирик мавжудотлар ҳам ҳар қандай вазиятда ўзларининг алоҳида шахс хусусиятларини сақлаб қолаверадилар. Парвардигор ҳам, тирик мавжудотлар ҳам ҳеч қачон ўзларининг шахсий хусусиятларини йўқотмайдилар: фақат алдамчи қувватнинг – нурнинг зулматдаги аксининг – уларга кўрсатадиган таъсири йўқолиши мумкин, бу эса, Парвардигорнинг марҳамати билан амалга ошади. Моддий оламда жойлашган на Қуёш, на Ой мустақил ёруғлик манбаи эмас. Ёруғликнинг ҳақиқий манбаи – Парвардигорнинг илоҳий танасидан чиқиб турган нурни таркатадиган браҳмажйоти. Унинг нури турли манбаларда акс этади ва қуён шури, ой нури, олов ёки электр нури кўринишида намоён бўлади. Демак, алоҳида “мен” Олий “Мен”, Парвардигор билан боғлиқ эмас деган тасаввур ҳам - алданишдир. “Мен – Парвардигорман” деган ғоя кўринишидаги сохта даъволар эса, - ўша майянинг, Парвардигорнинг алдамчи қувватининг қўйган охири тузоғидир.

“Веданта-сутра”нинг бошида айтилганки, бутун борлиқ Парвардигордан тарқалган. Шундай қилиб, аввалги шеърда тушунтирилганидек, алоҳида тирик мавжудотларнинг ҳаммасини олий тирик мавжудотнинг, Худо Шахсининг қуввати яратган. Маъбуд Браҳмани Парвардигорнинг қуввати яратган эди, қолган тирик мавжудотларнинг ҳаммасини ҳам Браҳма воситасида Парвардигорнинг қуввати яратган. Улардан бирортаси Парвардигорга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлолмайди.

Алоҳида тирик мавжудотнинг эга бўлган мустақиллиги ҳақиқий мустақиллик эмас, у шунчаки, Олий Мавжудот, Парвардигор эга бўлган ҳақиқий мустақилликнинг акси, холос. Шартланган руҳларнинг асоссиз равишда тўла мустақилликка даъво қилишлари – сароб, алданиш, мазкур шеър шундан гувоҳлик беради.

Илми саъз одамлар алдамчи қувват таъсири остида юрадилар, шу боис, қуёш, ой, электр ва ҳоказоларнинг акс эттириб турган нурларидан кўзлари камашган дунёвий олимлар, психологлар, дунёвий файласуфлар ва ҳоказолар Парвардигорнинг мавжудлигини инкор этадилар ва моддий оламнинг қандай яралиши, мавжудлиги ва емирилишини турлича йўллар билан тушунтиришга уриниб, ўзлари ўйлаб топган турли ғил ғояларни ўртага ташлайдилар. Одам физиологиясини ўрганиб юрган врач

руҳнинг борлигини инкор этиши мумкин, лекин, гарчи тананинг барча аъзолари соппа-соғ бўлишига қарамасдан, у ўлик танани қайта тирилтира олмайди. Мия тўқималарининг тузилиши ақлни ҳаракатга келтирадиган механизмдир деган тахмин асосида психологлар мия физиологиясининг чиклаб ўрганиб чиққанлар, лекин, улар ўлик тана миясида ақлни ҳаракатга келтира олмайдилар. Коинот ёки тана тузилишини илмий жихатдан текшириш, агар ўрганилаётган нарса Парвардигордан ажратиб қўйилган ҳолда ўрганилса, - бу шунчаки ақлнинг эрмаги бўлган рўё, алданиш бўлади. Моддий тараққиёт жараёнида тўпланган илм-фан ютуқларининг ҳаммаси – онгни хиралаштирувчи алдамчи қувватнинг таъсирининг намоён бўлишидир. Алдамчи қувват фаолиятининг икки босқичи бўлади – аввалига у тирик мавжудотнинг онгини хиралаштиради, кейин эса, уни пастга тортади. Алдамчи қувватнинг пастга тортувчи ҳаракати шунда намоён бўладики, у тирик мавжудотни ғофиллик зулматига ғарқ қилади. Ўзининг онгни хиралаштирувчи вазифасини бажарар экан, алдамчи қувват ғофил одамларнинг кўзини боғлаб, улардан олий алоҳида тирик мавжудот Браҳманинг қалбига илм солиб қўйган Худонинг Олий Шахсини бекитиб қўяди. Бу шеърларнинг бирортасида Браҳманинг Парвардигор билан бир экани ҳақида айтилмаган, шунинг учун, бирор ўзига бино қўйган ғофил одам ўзини Парвардигор билан бир деб даъво қилганида, бунга шунчаки Парвардигорнинг алдамчи қувватининг навбатдаги намоён бўлган кўриниши деб қараш керак. “Бхагавад-гита”(16.18-20)да Парвардигор айтадики, Худонинг борлигини инкор этадиган иблистабиат одамларни У ғофиллик зулматига тобора чуқурроқ ғарқ қилади ва улар Худонинг Олий Шахси ҳақида ҳеч нарса билмасдан, бу дунёда тақрор ва тақрор туғилишга маҳкум бўладилар. Лекин соғлом фикрли киши Парвардигорнинг Ўзи илм ўргатган маъбуд Браҳмадан бошланадиган шогирдлар силсиласи орқали ёки Парвардигор “Бхагавад-гита” илмини ўрганган Аржундан бошланадиган шогирдлар силсиласи орқали Парвардигор ҳақидаги илмга эга бўлади. У Парвардигорнинг “Бхагавад-гита”(10.8)даги гапларини сўзсиз қабул қилади. Парвардигор – бутун борлиқнинг бошланғич манбаи, яратиладиган, мавжуд бўлиб турган ва яксон бўладиган нарсаларнинг ҳаммаси Парвардигорнинг қувватларидан чиқади. Шуни тушуниб етган соғлом фикрли киши – ҳақиқий илмга эга бўлган зотдир, шу боис ундай инсон Парвардигорнинг асл содиғи бўлади ва Унга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилади.

Парвардигорнинг акс этган қуввати ғофил одамлар кўзи олдида алдамчи манзараларни намоён этади, лекин соғлом фикрли киши тушунадики, Ўзининг хилма-хил қувватлари ёрдамида бизга кўринмайдиган Парвардигор, худди ўзининг иссиқлик ва нурини узокларга тарката оладиган олов сингари, Ўзи ундан чексиз узокда бўлса ҳам, бу дунёда ҳаракат қилишга қодир. “Айур-веда”да, тиббиёт ҳақидаги қадимий битикда донишмандлар Парвардигорнинг олий ҳоким эканини тан оладилар:

*Жагад-йонер аничхасйя чид-анандаика-
рупинах*

*Пумсо сти пракритир нитйа пратичхайева
бхасватах*

Ачетанапи чаитанйя йогена параматманах

Акарод вишвам акхилам анитйам

натакакритим

Ягона Худо Шахси бутун космик оламни яратади. Ана шу Олий Шахснинг қуввати пракрити – акс этиб турган нур билан ярқираб турган моддий табиат сифатида ҳаракат қилади. Практикнинг алдамчи қуввати ҳатто Парвардигорнинг ҳаёт қуввати билан боғланган ўлик моддани ҳам ҳаракатга келтиради; шу тариқа ғофил одамнинг кўз олдида моддий олам сахнаси ҳаракатга келади. Практик ташкил этган ана шу сахнада, ғофил одамлар баъзан ҳатто олим, психолог ролини бажарадилар, лекин, соғлом фикрли киши тушунадики, пракрити – Парвардигорнинг алдамчи қуввати. “Бхагавад-гита”да тасдиқланадиган ана шундай хулосага келгандан кейин, тирик мавжудотлар – Парвардигорнинг олий қуввати(пара пракрити)нинг намоён бўлиши, моддий олам эса, Унинг қуйи қуввати(апара пракрити) эканини тушуниш қийин эмас. Гарчи қувват ва унинг эгаси орасидаги фарқ, худди олов ва ундан чиқаётган иссиқлик орасидаги фарқ сингари, унчалик катта бўлмаса ҳам, Парвардигорнинг олий қуввати ҳар жиҳатдан Парвардигорга тенг бўла олмайди. Олов иссиқлик чиқаради, лекин иссиқликнинг ўзи олов эмас-да. Мана шу оддий ҳақиқатни калтафаҳм одамлар тушуниб ета олмайди, шу боис улар ҳеч қандай асоссиз равишда олов билан иссиқлик орасидан ҳеч қандай фарқ йўқ деб айтадилар. Оловнинг қуввати(иссиқлик) мазкур шеърда олов деб эмас, балки оловнинг акс этиб турган соси деб аталган. Шундай қилиб, тирик мавжудотнинг борлиғи – Парвардигорнинг борлигининг акс этиб турган кўриниши бўлгани боис, унинг мавжудлиги Парвардигорга, ёруғликнинг бошланғич манбаига боғлиқ. Моддий қувватни зулматга ўхшатадилар, чунки аслида у зулмат, тирик мавжудотларнинг зулматдаги фаолияти эса, -

бошланғич ёруғликнинг зулматдаги аксидан бошқа нарса эмас. Биз мазкур шеър асосида Парвардигорни тушуниб олишимиз лозим. Парвардигорнинг икки қувватининг мустақиллиги майя, иллюзия деб аталади. акс этиб турган ёруғлик қоронғу зулматни ёрита олмайди. Худди шундай, моддий оламдан фақат оддий одамларда акс этиб турган ёруғлик ёрдамида чиқиб кетишнинг иложи йўқ: бунинг учун бошланғич манбанинг ёруғлиги керак. Акс этиб турган нурни зулматга қаратсангиз, у зулматни ёрита олмайди, лекин куёшнинг тўғри тушиб турган нури уни ёрита олади. Қоронғу хонада ҳеч нарсани кўриб бўлмайди, у ерга кириб қолган киши илон ва чаёнлардан кўрқа бошлайди, ҳатто онада ундай зотлар умуман бўлмаса ҳам. Лекин, чироқ ёқилган заҳоти у хонадаги бор нарсаларнинг ҳаммасини кўради, шунда илон ва чаёнлардан кўркув туйғуси уни дарров тарк этади. Шунинг учун, Парвардигор билан умуман боғлиқ бўлмаган ва акс этиб турган нурни таратиб юрган оддий одамларнинг ёрдамига ишонгандан кўра, “Бхагавад-гита” ва “Шримад-Бхагаватам”дан таралиб турган Парвардигорнинг ёғдусидан фойдаланиш лозим. “Бхагавад-гита” ва “Шримад-Бхагаватам”ни ҳеч қачон Худонинг борлигига ишонмайдиган кишилар оғзидан тингламаслик керак. Ана шундай киши қарғишга учраган одамдир, шу боис, ана шундай зулматга маҳкум одам билан ҳамсуҳбат бўлиб, биз ўзимизни ҳам ланъатга дучор этамиз.

“Падма-пурана”га кўра, моддий оламда сон-саноксиз моддий коинотлар бор, уларнинг ҳаммаси зулматга ғарқ бўлган. Уларда яшайдиган тирик мавжудотлар, маъбуд Браҳмадан бошлаб, то энг кичик ҳашаротгача, зулматда дунёга келадилар, Парвардигорни кўра олишлари учун уларга Парвардигорнинг Ўзидан чиқаётган ҳақиқий ёғду керак. худди шундай, куёшни ҳам фақат унинг ўзидан таралиб турган нур ёрдамида кўриш мумкин. Одамлар ўзлари ясаган чироқ ва машъалалар қанчалик ёруғ бўлмасин, бизга куёшни кўриш имконини бера олмайди. куёшнинг ўзи бизга ўзини кўрсата олади. Худди шундай, фақат Парвардигорнинг бесабаб марҳамати нури ёрдамида Парвардигорнинг турли хил қувватлари қандай ҳаракат қилишини тушуниб етиш, ёки Худо Шахсини англаб етиш мумкин. Имперсоналистлар айтадиларки, Худони кўриб бўлмайди, лекин аслида бундай эмас. Худони кўриш мумкин, лекин, дунёвий файласуфларнинг ўзлари ўйлаб топган сафсаталар орқали эмас, балки фақат Унинг Ўзидан таралиб турган ёруғлик ёрдамида. Мазкур шеърдаги, маъбуд Браҳмага берилган кўрсатма бўлган видйат ибораси ана шу ёғдуни

билдиради. Парвардигорнинг бу амри – Унинг ички қувватининг намоён бўлиши, айнан шу қувват Парвардигорни яққол кўриш имконини берадиган воситадир. Фақат Браҳма эмас, Парвардигорнинг марҳамати билан Парвардигорнинг ҳаммага бир хилда меҳрибон бўлган ички қувватини кўриш бахтига муяссар бўлган ҳар қандай инсон ҳам ўз ақлининг ёрдамидан фойдаланмасдан Худо Шахсини англаб ега олади.

35. Эй Браҳма, борлиқ таркиб топган бирламчи унсурлар ҳам коинот ичида, айти пайтда коинот ичида эмаслиги сингари, Мен ҳам мавжуд яралган борлиқ ичида мавжудман, айти пайтда ундан ажралган ҳолда мавжудман.

Изоҳ: Моддий олам таркиб топган унсурлар(ер, сув, олов, ҳаво ва эфир) коинотда мавжуд бўлган ҳамма мавдуотлар танаси таркибида бор: денгизлар, тоғлар, сувда яшайдиган мавжудотлар, ўсимликлар, хашаротлар, паррандалар, ҳайвонлар, одамлар, фаришталар – бир сўз билан айтганда ҳар қандай моддий мавжудот танасида бор, айти пайтда ана шу унсурлар улардан ташқарида ҳам бор. Юсак даражада ривожланган онг эгалари бўлган одамлар физика ёки физиология фанини ўрганадилар, лекин, бундай фанлар ўрганадиган нарсалар шунчаки моддий унсурлар, холос. Инсон танаси, тоғнинг танаси, фариштанинг танаси, шу жумладан маъбуд Браҳманинг танаси ҳам бир хил таркибий унсурлардан – ер, сув, ҳаво ва ҳоказолардан таркиб топган, лекин айти пайтда, ана шу унсурлар уларнинг танасидан ташқарида, алоҳида ҳам мавжуд.бу унсурлар олам яралишининг биринчи босқичида яратилган эдилар, демак, улар тана таркибига кейинроқ кирганлар, лекин ҳар икки босқичда ҳам улар коинот таркибида бор, айти пайтда унинг таркибида эмас эдилар. Худди шундай, Парвардигор Ўзининг (ички ва ташқи)қувватлари кўринишида намоён бўлган коинотда мавжуд бўлган ҳамма нарсага сингиб кетган, айти пайтда Унинг Ўзи Парвардигорнинг салтанатида юрган ҳолда, ҳамма нарсадан ташқарида. Бу “Браҳма-самхита”(5.37)да жуда яхши тушунтирилган:

“Мен Худо Шахсига, Говиндага сажда қиламан. У Ўзининг илоҳий мавжудлик, илм ва лаззатдан иборат ички қувватини таркатади, Ўзининг азалий қиёфасида ва ундан тарқалган қиёфаларда лаззатланиб яшайди. Айти пайтда У борлиқдаги ҳар бир атом ичига қиради”.

Парвардигорнинг бутун борлитққа сингиб кетган тўлиқ экспансиялари “Браҳма-

самхита”нинг бошқа шеърда таърифланган(5.35):

“Мен Худо Шахсига, Говиндага сажда қиламан. У Ўзининг тўлиқ экспансияларидан бири қиёфасида ҳар бир коинот ва ҳар бир атом ичига қиради ва шу тарзда Ўзининг чексиз қувватини моддий оламнинг ҳамма жойида намоён этади”.

Имперсоналистлар Олий Браҳманнинг ҳамма жойда мавжудлигини тасаввур қила оладилар ёки ҳатто ҳис қила оладилар, шу боис улар бундан, Парвардигорнинг шахсий қиёфаси бўлиши мумкин эмас, деган хулоса чиқарадилар. Парвардигор ҳақидаги илоҳий илмнинг сирини мана шу ерда яширинган. Бу сир – Худога илоҳий муҳаббатда. Ана шундай илоҳий ишқ қалбини тўлдирган киши Худо Шахсини ҳар бир атомда, ҳар бир кўзгалувчан ва кўзгалмас тирик мавжудотда кўриб юради. Айти пайтда у Худо Шахси Ўзининг даргоҳида, Голокада Ўзининг мангу ҳамроҳлари – Унинг илоҳий борлигининг экспансиялари билан биргаликда лаззатланиб юрганини кўради. Парвардигор айтган эдики, (сарахасйам тад-ангам ча) ана шундай назарга эга бўлган киши ҳақиқатан ҳам руҳий илм сирини англаб етган бўлади. Ана шу сир – Парвардигор ҳақидаги илмнинг энг махфий сирли қисми. Дунёвий мутафаккирларнинг ақлий машқлари бу сирни англаб етшга ёрдам бера олмайди. Руҳий илмнинг сирини маъбуд Браҳма “Браҳма-самхита”(5.38)да тавсия қилган йўлдан бораётган кишига очилади:

“Мен азалий Худо Шахси Говиндага сажда қиламан. Кўзларига Худога муҳаббат малҳами сурилган асл содиқлар Уни ҳамиша қалбининг тўрида кўриб юрадилар. Ана шу Говинда, азалий Худо Шахси – барча илоҳий фазилатларга эга бўлган Шйамасундарадир.”

Шундай қилиб, гарчи Парвардигор ҳар бир атомда мавжуд бўлса ҳам, У Ўзини мавҳум фалсафий изланишлар ёрдамида англаб етишга интилиб юрган одамлар кўзига кўринмай қолаверади. Бу сир фақат кўзларига Худога муҳаббат малҳами сурилган асл содиқлар назарига очилади. Худога муҳаббат туйғусини эса, фақат Парвардигорга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиш жараёнида ривожлантириш мумкин. Бунинг бошқа йўли йўқ. Худонинг содиқ хизматкори дунёга оддий одамларниқидан бутунлай фарқ қиладиган назар билан қарайди, чунки Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёнида унинг кўзларидаги ғофиллик пардаси йўқолиб кетади.

Бошқача қилиб айтганда, коинот таркиб топган унсурлар мавжуд нарсаларнинг ҳаммасининг ҳам ичида, ҳам ташқарисида мавжуд бўлгани сингари, муқаддас китобларда ёзилган ва моддий оламдан чексиз узоқ бўлган Ваикунтҳаларда

якқол кўриш мумкин бўлган Парвардигорнинг номи, қиёфалари, сифатлари, эрмаклари ва ҳоказолар, асл содиқнинг қалбида аниқ намоён бўлади. Гарчи, моддий илм-фан, теле алоқадан фойдаланиб, узоқ масофада бўлиб турган нарсаларни кўришга қодир бўлса ҳам, ғофил банда буни тушуниб олишга қодир эмас. Аслида руҳий жиҳатдан юксалган киши, руҳий олам билан илоҳий(теле) алоқа ёрдамида боғланган ўзининг қалбида акс этиб турган Парвардигорнинг салтанатини кўриб юради. Худо Шахсини англаб етишнинг сири мана шунда.

Моддий олам тутқунлигидан озодликка чиқиш(мукти) бахтини Парвардигор истаган кишига ато этиши мумкин, лекин, Унинг алоҳида неъматини, Худога муҳаббат совғаси фақат камдан кам одамга насиб этади. буни Нарада Муни ҳам тасдиқлайди(муктим дадхати кархичит сма на бхакти-йогам). Парвардигорга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиш шунчалик қудратлики, у билан шуғулланиб юрган содиқнинг бутун фикру-хаёли бутунлай Мутлақ Зотда мужассам бўлади. Шундай қилиб, содиқнинг қалбида уйғонадиган Худога муҳаббат туйғуси – энг буюк сир. Брахмаджи Нарадага айтган эдики, у хамиша Парвардигорга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиб юргани ва қалбида Худога садоқат билан хизмат қилишдан бошқа ҳеч қандай истак бўлмагани туфайли, унинг барча истаклари албатта амалга ошади. Бхакти-йоганинг гўзаллиги ҳам, сири ҳам мана шунда. Парвардигорнинг истаклари бенуксон, чунки У – ачйуга, шу боис, Унга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиб юрган содиқларнинг истаклари ҳам ачйуга – бенуксон. Лекин, Худога садоқат билан хизмат қилиш сирини англаб етмаган дунёвий одамнинг буни тушуниб етиши жуда қийин. Буни тушуниш ҳам худди фалсафа тошининг табиатини англаб етиш сингари жуда мушкул. Фалсафа тоши ҳам, худди Парвардигорнинг асл содиғи сингари, жуда кам учрайди. Миллионлаб озодликка эришган зотлар орасидан зўрға биттагина асл содиқни топши мумкин(котишв апи махамуне). Ҳақиқатни англаб етиш йўлида инсон эриша оладиган ҳамма баркамолликлар ичида Худога садоқат билан хизмат қилиш йогасида эришилган баркамоллик – энг буюк ва энг сирлиси, бу ҳатто, сеҳрли йога билан шуғулланиш жараёнида эришиладиган сеҳр қудратининг саккиз тури сирларидан ҳам сирлироқ. Шунинг учун "Бхагавад-гита"(18.64)да Парвардигор Аржунга бхакти-йога ҳақида гапирар экан, шундай дейди:

“Мендан "Бхагавад-гита"нинг энг махфий қисмини яна бир марта эшит”.

Буни Брахманинг Нарадага айтган гаплари ҳам тасдиқлайди("Шримад-Бхагаватам" 2.7.5):

“Мен сенга "Шримад-Бхагаватам" ҳақида айтган гапларнинг ҳаммасини менга Парвардигорнинг ўзи гапириб берди, мен сенга бу илмни батафсилроқ баён этишни буюраман, токи, одамлар Парвардигорга илоҳий хизмат қилиш йўлидан бориб, осонлик билан бхакти-йога сирларини билиб олсинлар”.

Бу ерда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бхакти-йога сирини Брахмага Парвардигорнинг ўзи ошкор этган. Брахма эса уни Нарадага очган, Нарада уни Вйасага, Вйаса эса уни Шукадева Госвамига берган. Шу тарзда бу илм шогирдлар силсиласи орқали кўлдан кўлга ўтиб келяпти. Шогирдлар силсиласи орқали ўзгартирилмасдан ўтиб келаётган бу илмни олиш бахтига муяссар бўлган киши ҳам Парвардигорни ва Унинг товуш тимсоли бўлган "Шримад-Бхагаватам"нинг сирини англаб етиш имконига эга бўлади.

36. Олий Мутлақ Ҳақиқатни, Худо Шахсини излаган одам, ҳар ерда, хамиша, ҳар қандай ҳолатда, ҳар турли йўллар билан, қандай қилиб бўлса ҳам, ўз мақсадига эришгунча изланишда давом этавериши лозим.

Изоҳ: Аввалги шеърда тушунтирилганидек, бхакти-йога сирини англаб етиш барча изланишларнинг охири, барча изланувчиларнинг олий мақсадидир. Руҳий ўзлигини англашнинг жуда кўп йўллари бор: карма-йога, джнана-йога, дхйана-йога, раджа-йога, бхакти-йога ва ҳоказо. **Юксак даражада ривожланган онг соҳиби бўлган ҳар бир тирик мавжудотнинг бурчи – ўзининг кимлигини англаб етишдан иборат.** Қандай фаолият– ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий, руҳий ёки диний фаолият - билан машғул бўлмасин, ҳар бир соҳада, ҳар бир ишда юксак онг соҳиби бўлган инсон олдида руҳ(жон)нинг табиати, оламнинг сирлари ва ҳаётнинг асл муаммолари масалалари кўндаланг бўлади. мазкур шеърда ана шу изланишларнинг якуний мақсади нимада эканини кўрсатади.

“Веданта-сутра” фалсафаси ҳаётнинг табиати ва унинг мазмуни ҳақидаги саволдан бошланади, "Шримад-Бхагаватам" эса, бундай саволларнинг ҳаммасига, шу жумладан энг асосий саволга – барча саволлар ва изланишларнинг асл маъноси нимада деган саволга жавоб беради. Маъбуд Брахма Худо Шахсидан мукамал илм ўрганмоқчи эди, Парвардигор ахам эва иборасидан бошланадиган ва этавад эва иборасигача бўлган тўрт шеър билан унинг саволларига жавоб берди. Ўзликни англаш йўлларининг барчасининг якуний мақсади

шундан иборат. Ёруғликнинг ғофиллик зулматида яркираган аксига маҳлиё бўлиб адашган одамлар ҳаётнинг олий мақсади Вишну, Худонинг Олий Шахси эканини билмайдилар. Шу сабабли улар, ўзларининг жиловланмаган сезгиларининг қули бўлиб, моддий оламнинг энг қоронғу жойларига тушадилар. Бутун моддий олам асосида жинсий алоқа лаззати ётган ҳиссий лаззатларга интилишдан келиб чиқади. Бунинг оқибатида, оламни билишда шунча ютуқларга эришганига қарамасдан, тирик мавжудотнинг ҳар қандай фаолиятининг яқуний мақсади ҳиссий лаззатланиш бўлиб қолаверади. Лекин мазкур шеърда ҳаётнинг ҳақиқий мақсади нима экани кўрсатилган. Ҳар бир инсон, бхакти-йога илмини биладиган руҳий устозга, яъни "Шримад-Бхагаватам"нинг тирик тимсолига саволлар бериб, ҳаётнинг асл мақсадини англаб етиши лозим. Одамлар муқаддас китоблардан ўзининг саволларига жавоб излаб, ҳақиқатга турли йўллар билан келадилар, лекин, ўзликни англашнинг қайси йўлини танлаганидан қатъий назар, "Шримад-Бхагаватам" уларнинг ҳар бирига жавоб беради: ҳаётнинг олий мақсадига сўнмас қатъиятсиз, жон қийнамасдан эришиб бўлмайди. Ҳақиқатни излаб топишга самимий интилиб юрган киши ўзининг саволлари билан Брахмадан бошланадиган шогирдлар силсиласида турган руҳий устозга мурожаат қилиши лозим. мазкур шеърда берилган насихатларнинг маъноси шундан иборат. Бу сирни Брахмага Худо Шахси, Парвардигорнинг Ўзи очгани боис, ўзликни англаш сирлари борасидаги саволларнинг ҳаммасини Парвардигорнинг мазкур шогирдлар силсиласида ҳамма тан олган ишончли вакили бўлган зотга бериш керак. Ҳақиқий руҳий устоз ўзининг гапларини муқаддас китоблардан келтирилган бевосита ва билвосита далиллар билан тасдиқлаб, ўз шогирдининг барча саволларига тўлиқ жавоб бера олади. Гарчи ҳар ким ўз саволларига жавобни муқаддас китоблардан ўзи мустақил излашга ҳақли бўлса ҳам, барибир, ҳеч ким ҳақиқий руҳий устознинг раҳбарлигисиз ўз мақсадига эриша олмайди, мазкур шеър ҳам шунга таъкидлайди. Ҳақиқий руҳий устоз – Парвардигорнинг ишончини оқлаган вакили, руҳий устознинг насихатларини худди Брахмаджи Худонинг Олий Шахси, Парвардигор Кришнанинг насихатларини қабул қилгандай қабул қилиш лозим. Гарчи, шундай руҳий устоз ўзининг руҳий тажрибаси шарофати билан Парвардигорни бошқаларга бера олиши жиҳатидан ҳатто Парвардигордан ҳам устун туришига қарамасдан, ишончли шогирдлар силсиласи занжирида турган ҳақиқий руҳий устоз ҳеч қачон “мен - Худоман” деб айтмайди. Парвардигорни излаб топиш учун яхши таълим

олган ёки зийрак ақл эгаси бўлишнинг ўзи камлик қилади, бунинг учун, самимий шогирд билан Парвардигор орасида турадиган ва шаффоф парда ролини ўйнайдиган ҳақиқий руҳий устоз керак бўлади. Шогирд Парвардигорни ана шу шаффоф парда орқали кўради.

Муқаддас китоблар ана шу мақсадни аниқ кўрсатиб қўйибдилар, лекин, адашган тирик мавжудотларнинг кўзлари нурнинг зулматда яркираган аксидан қамашиб, кўр бўлиб қолганлар, шу боис улар муқаддас китобларнинг асл маъносини англаб ета олмайдилар. Масалан, бутун "Бхагавад-гита" бизларни Худо Шахсини, Парвардигор Шри Кришнани кўрсатиб турибди, лекин, жамиятда Брахманинг ёки "Бхагавад-гита"ни Парвардигорнинг Ўзидан тинглаган Аржуннинг издоши бўлган ҳақиқий руҳий устоз бўлмагани сабабли, кўплаб ишончсиз дунёвий талқинчилар шахсий манфаат кўзлаб, бу муқаддас китобнинг мазмунини турли кўринишда бузиб кўрсатадилар. Ҳамма "Бхагавад-гита"ни руҳий осмон уфқидаги энг ёрқин юлдузларнинг биттаси эканини тан олади, лекин бу буюк китобнинг турли талқинлари унинг мазмунини шу қадар бузиб юборганларки, "Бхагавад-гита"ни ўрганиб юрган кишилар, аввалгидай ҳақиқий зиё хира яркираб турган моддий олам зулматида қолиб кетаверадилар. Мазмуни бузиб кўрсатилгани боис "Бхагавад-гита"ни ўрганиш уларга амалда ҳеч қандай фойда бермаяпти. Аслини олганда, "Шримад-Бхагаватам"нинг мана шу тўрт шеърда нима дейилган бўлса, "Бхагавад-гита"да ҳам худди шу гаплар айтилган, лекин мода изидан қувиб юрган ишончсиз одамларнинг ёзган нотўғри изоҳлари одамлардан "Бхагавад-гита"нинг асосий хулосасини тўсиб қўйяпти.

"Бхагавад-гита"(18.61)да аниқ айтилган:

Ишварах сарва бхутанам...

Парвардигор ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида мавжуд ва Ўзининг ташқи қуввати ёрдамида моддий олам юрган зотларнинг ҳаммасини бошқариб туради. Шундай қилиб, мазкур шеърда аниқ айтилганки, Парвардигор олий ҳукмдор, тирик мавжудотлар эса – Унинг фуқароларидир. "Бхагавад-гита"(18.65)да ҳам шундай дейилади:

Ман-мана бхаво мад-бхакто...

"Бхагавад-гита"нинг бу шеърда Парвардигор Ўз иродасини очик ифодалаяпти: У биз ўзимизнинг бутун фикру-хаёлимизни Унда жамлашимизни, Парвардигор Кришнанинг содиқ хизматкори бўлишимизни, Унга саждақилишимизни ва Унга ҳурмат-эҳтиром кўрсатишимизни истайди. Шундай қилиб юрган содиқ албатта ўзининг уйига, Худонинг даргоҳига қайтиб боради.

Бундан ташқари, мазкур шеърда, ведавий қонунларга асосланган жамиятнинг барча аъзолари Парвардигорнинг танасининг таркибий қисмлари сифатида ҳаракат қилишини назарда тутди. Зиёли кишилар(браҳманлар) табақаси Парвардигорнинг юзида жойлашган; ҳукмдор ва жангчилар табақаси(кшатрийлар) – Парвардигорнинг қўлларида; моддий бойлик ишлаб чиқарадиган кишилар(вайшйалар) табақаси – Парвардигорнинг белида, ишчилар(шудралар) табақаси эса, Унинг оёғида жойлашган. Шундай қилиб, ижтимоий организм, умуман олганда Парвардигорнинг танасини билдиради, ана шу организмнинг таркибий қисмлари – браҳманлар, кшатрийлар, вайшйалар ва шудралар эса, ўзаро ҳамкорлик қилиб Парвардигорнинг бутун танасига хизмат қилишлари лозим. акс ҳолда ижтимоий организмнинг таркибий қисмлари олий ягона бирлик онгига бўйсунмай қўядилар. Одамлар Худонинг Олий Шахсига хизмат қилишда бирлашсаларгина уларда катта бир оила аъзолари эканини англаш туйғуси пайдо бўлади. жамиятда тинч-тотувлик ва қон-қардошлик ҳукм суриши учун шунинг ўзи етарли. Шундай қилиб, на буюк олимлар, на буюк файласуфлар, на буюк мутафаккирлар, на буюк сиёсатчилар, на буюк саноат қорхонасининг эгалари, на буюк ижтимоий ислохотчилар моддий оламдаги ҳаммиша ҳаракатда бўлган одамлар жамиятининг ижтимоий ва сиёсий аҳволини яхшилашга қодир эмаслар, чунки улар “Шримад-Бхагаватам”нинг мана шу шеърда баён этилган муваффақият сирини билмайдилар. Жамиятда тинч-тотувлик, осойишталик бўлиши учун одамлар бхакти-йога сирларини билиб олишлари лозим. “Бхагавад-гита”(7.15)да ҳам айтилганки:

На мам душкритино мудхаҳ...

Жамиятнинг Парвардигорнинг ташқи қуввати йўлдан адаштириб қўйган буюк йўлбошчилари бхакти-йога илми ҳақида ҳеч нарса билмайдилар, шу боис ўз сезгиларининг лаззатланишга бўлган талабларини қондириш учун ҳаммиша пасткаш ва жирканч ишлар қилиб юрадилар. Шу боис улар ўжарлик билан Худо Шахсининг олий ҳокимлигига очиқдан очиқ қарши чиқадилар, нодон, ярамас ва одамлар ичида энг пасткашлари бўлгани боис, ҳечам ўз ихтиёрини Худога топширишни истамайдилар. дунёвий одамлар назарида шундай имонсиз пасткашлар олий маълумотли зиёли одамлар бўлиб кўриниши мумкин, лекин аслида улар – дунёдаги энг аҳмоқ одамлардир, чунки Парвардигорнинг ташқи қуввати уларнинг барча “илм”ларини чиппақка чиқариб қўяди. Бунинг оқибатида жамиятда шундай муҳит юзага келадики, унда илм-фан ютуқларининг барчаси жамиятда бир бири билан ҳиссийлаззат талашиб

жанжаллашиб юрган ит ва мушукларнинг ўзаро муносабатларини аниқлаб олишга хизмат қила бошлайди. Илм-фан ва фалсафа соҳасида тўпланган билимлар, иқтисодиёт соҳасидаги, санъат, миллий маданият соҳасидаги ютуқлар, инсониятнинг барча буюк ютуқлари одамларга ҳеч қандай фойда бермай қолади, чунки улардан одамлар мурдани безаш учун фойдалана бошлайдилар. Тобутни ўрашга сарфланган қимматбах чиройли газлама ғофил одамларни хайратга солишдан бошқа ҳеч қандай фойда бермайди. Шунинг учун “Шримад-Бхагаватам”да такрор ва такрор таъкидлаб айтилганки, токи инсонлар жамияти бхакти-йога поғонасига кўтарилмас экан, унинг бутун фаолияти аввалдан мағлубиятга маҳкум. “Шримад-Бхагаватам”(5.5.5)да шундай дейилган:

Парабхавас тавад абодха-жато...

Токи инсон ўзининг “мен”ини излаш билан шуғулланмас экан, унинг моддий фаолиятдаги барча муваффақият ва ютуқлари – муваффақиятнинг ҳар хил кўринишларидан бошқа ҳеч нарса эмас, чунки бу куруқ ва бемаъни фаолият унинг инсон бўлиб яшашдан кўйилган мақсадга эришишига ёрдам бермайди.

Инсон танаси тирик мавжудотга у моддий олам тутқунлигидан озодликка чиқиб олиши учун берилади, лекин, токи инсон моддий фаолият билан машғул экан, унинг ақли моддий тирикчилик чархпалагига ғарқ бўлади ва шу боис унинг ўзи умрлар оша моддий тана зиндонидан қолиб кетишга маҳкум бўлади.

“Шримад-Бхагаватам”(5.5.6)да шундай дейилган

Эвам манаҳ карма-вашам праїункте

Тирик мавжудотни ҳар хил моддий азоб-уқубатларга дучор қиладиган таналарнинг ҳар хил турларини айнинг унинг ақли яратади. Шунинг учун кармали фаолият билан машғул ақл, аслини олганда, ғофилликка ботган бўлади ва токи тирик мавжудот ўзининг қалбида Олий Шахс Васудевага илоҳий муҳаббат уйғотмас экан, у моддий таналарнинг ҳар хил турлари ичида қамалиб юришга маҳкум. Агар инсон Олий Шахс, Васудеванинг илоҳий номи, сифатлари, қиёфаси ва кароматлари ҳақидаги фикр-мулоҳазаларга ғарқ бўлиб юрса, демак, унинг ақли, моддадан юз ўгириб, мутлақ илмга юз тутган бўлади, бу илм инсонни Мутлақ Ҳақиқатни англаб етиш йўлига олиб чиқади ва шу йўл билан уни моддага боғлаб қўядиган занжирлардан халос этади ва моддий тана зиндонидан озодликка олиб чиқади.

Шу боис Шрила Жива Госвами Прабхупада, сарватра сарвада ибораларини изоҳлар экан, шундай деб ёзади: бхакти-йога, Худога садоқат билан хизмат қилиш қоидалари ҳаммабоп, яъни,

барча муқаддас китоблар бхакти-йога билан шуғулланишни тавсия қиладилар, барча буюк зотлар бхакти-йога билан шуғулланганлар, у барча сабаб ва оқибатларни тушунтириб беради ва ҳок. Бу гапларни муқаддас китоблардан келтирилган далиллар билан тасдиқлаш учун у “Сканда-пурана”дан бир мисол келтиради, унда Брахма ҳақида гапирар экан, Нарада шундай дейди:

Самсаре смин маха-гхоре жанма-мритйу-самакуле...

Тирик мавжудотни ҳамиша туғилиш ва ўлиш, шунингдек, ҳар қадамда турли фалокатлар таъкиб қилиб юрадиган, қоронғу зулмат қоплаган моддий оламдан фақат Парвардигор Васудевага илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиш ёрдамида қутулиб чиқиб кетиш мумкин. бу ҳақиқатни барча файласуфлар тан оладилар.

Шрила Жива Госвами ҳам барча уч Пурана(“Падма-”, “Сканда-” ва “Линга-пурана”)да учрадиган машҳур бир шеърни келтиради:

Алодйа сарва-шастрани вичара ча пунах пунах
Идам экам сунешпаннам дхйейо нарайанах сада
“Барча муқаддас китобларни чуқур ўрганиб, уларни кўп марталаб ўқиб, уларда ёзилганлар устида чуқур фикр-мулоҳаза юритиб, бизлар шундай хулосага келдикки, Парвардигор Нарайана – Олий Мутлақ Ҳақиқатдир ва одамлар фақат Унга сиғинишлари лозим”.

“Гаруда-пурана”да ҳам бу ҳақиқат билвосита тасдиқланади:

Парам гато пи веданам сарва-шастратхаведй апи...

“Ҳатто инсон барча ведаларни ўрганиб чиққан, барча муқаддас китобларни чуқур биладиган бўлса ҳам, агар у Парвардигорнинг содиқ хизматкори бўлмаса, барибир, уни одамлар ичида энг пасткаши деб ҳисоблаш керак”.

“Шримад-Бхагаватам”да ҳам шунга ўхшаш шеър бор(5.8.2):

Йасйасти бхактир бхагаватй акинчана...

Худонинг Олий Шахсига ўзини бутунлай топширган киши фаришталарнинг барча фазилатларига эга бўлади, аксинча, Худонинг содиқ хизматкори бўлмаган киши, ўзи фикр-хаёллари зулматига ғарқ бўлиб юради, демак, моддий ва ўткинчи нарсалар билан алданиб юрибди.

“Шримад-Бхагаватам”(11.11.18)да шундай дейилади:

Шабда-браҳмани нишинато...

“Агар инсон барча илоҳий ведавий муқаддас китобларни яхши билса-ю, лекин, барибир Парвардигорни англаб етмаган бўлса, демак, унинг барча илмлари худди эшакнинг устига

юкланган қоп, ёки сут бермайдиган сигирни парваришлашга ўхшайди”.

Яна айтилганки, ҳатто аёллар, шудралар, қалин ўрмонда яшайдиган ёввойи одамлар, гуноҳдан туғилган бошқа тирик мавжудотлар ҳам Парвардигорга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиш ҳуқуқига эга.

“Шримад-Бхагаватам”(2.7.46)да шундай дейилган:

Те ваи видантй атитаранти ча дева-майам

Агар Парвардигорга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиш илмини мукаммал англаб етган ҳақиқий руҳий устоз раҳбарлиги остида таълим олса, ҳатто энг пасткаш одам ҳам Худога садоқат билан хизмат қилишда энг юқори поғонага кўтарила олади. Ҳатто одамлар орасида энг пасткаши ҳам шундай поғонага кўтарила оладиган бўлса, ведавий муқаддас китобларни чуқур биладиган кишилар ҳақида нима дейиш мумкин? Шундай қилиб, Худога садоқат билан хизмат қилиш эшиклари ким бўлишидан қатъий назар, ҳамма учун баробар очик. Мана шунинг ўзи Худога садоқат билан хизмат қилиш билан ҳар қандай тирик мавжудот шуғуллана олишини исботлайди.

Шундай қилиб, ҳақиқий руҳий устоз раҳбарлиги остида Худога садоқат билан хизмат қилиш мукаммал илмга олиб келади ва фақат инсонларга эмас, балки барча тирик мавжудотларга тавсия этилади. Бу “Гаруда-пурана”да ҳам тасдиқланади:

Кта-пакиша-мриганам ча...

“Агар Парвардигорга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишга ўзларини бутунлай топширсалар, ҳатто чувалчанглар, қушлар ва ҳайвонлар баркамолликнинг олий поғонасига эриша оладилар – шундай экан, фалсафа билан шуғулланишга мойил бўлган кишилар ҳақида нима дейиш мумкин?”

Демак, Худога садоқат билан хизмат қилишга тайёр бўлган кишиларни излаб юришнинг ҳеч қандай ҳожати йўқ. Инсон яхши тарбия кўрганми-йўқми, маълумоти борми ёки телбами, моддий боғланишлари кўпми ёки таркидунё қилганми, озодликка чиққанми ёки шунга интилиб юрганми, Худога садоқат билан хизмат қилишда тажрибаси борми-йўқми – аҳамияти йўқ, ҳақиқий руҳий устоз раҳбарлиги остида Худога садоқат билан хизмат қилиб у баркамолликнинг юқори поғонасига кўтарилади.

“Бхагавад-гита”(9.30,32)да ҳам шу ҳақда айтилган:

апи чет судурачаро...

Агар инсоннинг жуда кўп гуноҳкорона одатлари бўлса, лекин у муносиб раҳбарлик остида Парвардигорга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиб юрган бўлса, албатта, уни комил инсон, авлиё деб ҳисоблаш керак. Шунинг учун, агар

Ўзгармас қатъият ва самимият билан Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойидан паноҳ изласа, ҳатто адашган аёл, ақлсиз ишчи, ярамас савдогар ёки ундан ҳам пасткашроқ киши ҳаётда баркамолликка эришиши, яъни, ўзининг мангу уйига, Худонинг даргоҳига қатиб кета олади. Ана шундай самимий қатъият – баркамолликнинг олий поғонасига кўтарилиш учун зарур бўлган ягона сифат ҳисобланади. Лекин, токи инсонда ана шундай сўнмас қатъият йўқ экан, унга барибир поклик ва нопоклик, илмли-илмсиз сингари моддиқ мезонлар нуқтаи-назаридан баҳо бериш керак. Олов – ҳамиша олов, у ўзига яқинлашган ҳаммани куйдиради, буни у билиб қиладими, билмасданми – оловга барибир. Умумий қоида шундай: харир харати папани душта-читтаир апи смритах. Худди қуёш ўзининг иссиқ нурлари билан ҳар қандай иллатни поклагани сингари, ҳар тнарсага қодир Парвардигор ҳам содиқни поклайди ва уни қилган барча гуноҳлари оқибатидан халос этади. “Моддий лаззатларга интилиш тўйғуси Парвардигорнинг асл содиқларига таъсир ўтказа олмайди”. Муқаддас китоблар буни тасдиқлайдиган жуда кўп мисоллар топиш мумкин.

атмарамаш ча мунайах - “**Парвардигорга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиш ҳатто ўзлигини англаб етган зотларни ҳам мафтун этади**”.

кечит кевалайа бхактия васудева-парайанах – “**Биргина тинглаш ва такрорлашнинг ўзи Парвардигор Васудеванинг буюк содиғи бўлиш учун кифоя**”.

На чалати бхагават-падаравиндал лаванимишардхам апи са вашинавагрйах – “**Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойини бир лаҳза ҳам тарк этмайдиган кишини энг буюк вайшнава деб ҳисоблаш лозим**”.

Бхагават-паршадатам пранте мат-севайа пратитам те – “**Асл содиқлар Худо Шахси билан бирга бўлиш имконига эга бўлишига ишонадилар, шу боис ҳамиша Худога илоҳий муҳаббат билан хизмат қиладилар**”.

Шундай қилиб, Худога садоқат билан хизмат қилиш, яъни бхакти-йога билан барча континентларда, барча сайёраларда ва барча коинотларда шуғулланиладилар. Буни “Шримад-Бхагаватам” ва шунга ўхшаш барча муқаддас китоблар тасдиқлайдилар. “Ҳамма жойда” дегани, “**Парвардигор яратган оламнинг ҳамма жойида**” деган маънони билдиради. Парвардигор барча сезгилардан фойдаланиб ҳам, фақат биргина ақл билан ҳам хизмат қилиш мумкин. Жанубий ҳиндистонлик машҳур содиқ Парвардигорга фақат ақлида хизмат қилиб,

Парвардигорни англаб етди ва Уни яққол қўришга эришди. Ўз сезгиларидан бирортасини Парвардигорга хизмат қилишда фойдаланиб юрган содиқнинг муваффақиятга эришиши кафолатланади. Парвардигорга энг оддий ва ҳамма жойда топиладиган нарсаларни таклиф қилиб хизмат қилиш мумкин, - гул, барг, мева ёки озгина сув. Буларнинг ҳаммасини коинотнинг ҳамма жойидан текинга топиш мумкин, шу боис, коинотнинг ҳамма жойида одамлар Худога сиғинадилар. Худо ҳақидаги гапларни тинглаб, бошқаларга гапириб, Унинг муқаддас номларини такрорлаб ёки Унинг кўрсатган кароматлари ҳақидаги китобларни ўқиб, Илоҳлар олдида сажда қилиб, Уни ягона Парвардигор деб тан олиб хизмат қилиш мумкин.

“Бхагавад-гита”да айтилганки, қандай фаолият билан шуғулланиб юрганидан қатъий назар, ҳар бир инсон ўз меҳнатининг натижасини Унга таклиф этиш билан Худога хизмат қилиши мумкин. Қўпинча одамлар агар Худо кўнглимга солсагина хизмат қиламиз деб айтадилар, лекин бу етарли эмас. Худо учун меҳнат қилиш ва Унга хизмат қилиш керак. “Бхагавад-гита”(9.27)да Парвардигор шундай дейди:

Йат кароши йад ашнаси...

Ўзинга ёққан ишни қил, ёки ўзинг учун осон ишни қил, егинг келган нарсани е, нима беролсанг, шуни эҳсон қил, нимадан воз кеча олсанг, шуни садақа қил, қўлингдан келадиган риёзат билан машғул бўл, лекин буларнинг ҳаммасини Мен учун қил. Агар сен бизнес билан шуғулланиб юрган бўлсанг, ёки қаердадир хизмат қилиб юрган бўлсанг, ҳаммасини Худо учун қил. Нима есанг ҳам, аввал Худога таклиф қил, ишончинг комил бўлсин, Унга нима таклиф қилсанг ҳам, У ҳаммасини ўзинга қайтаради. У – тўла бутун, шунинг учун, таклиф қилган таомни Ўз содиғининг муҳаббатига миннатдорчилик юзасидан қабул қилади, кейин уни содиғи еб бахтиёр бўлиши учун прасад сифатида яна ўзига қайтариб беради. Бошқача қилиб айтганда, Кришна бизларга шундай амр этади: Худонинг содиқ хизматкори бўл, ҳамиша Худони эслаб, тинч яша шунда умрингнинг охирида ўз уйингга, Худонинг даргоҳига қайтасан.

“Сканда-пуран”да шундай дейилади:

Йасйа смритйя ча намоктия...

“**Мен бегуноҳ Парвардигор олдида эҳтиром билан сажда қиламан, чунки шунчаки Уни эслаб ёки Унинг муқаддас номини тилга олиш билан инсон барча риёзатлар чекиш, қурбонлик маросимлари ўтказиш ва кармали фаолият билан шуғулланиш орқали эришиладиган натижага эриша олади; бу**

усулдан ҳамма ҳамма жойда фойдаланиши мумкин”.

“Шримад-Бхагаватам”(2.3.10) шундай тавсия қилади:

Акамах сарва-камо ва ...

“Қалби орзу-истакларга тўла одам ҳам, истаклардан озод киши ҳам бенуксон бхакти-йога йўлидан бориши ва тўла баркамолликка эришиши мумкин”.

Барча фаришталарни мамнун қилиб юришнинг ҳожати йўқ, чунки Худо Шахси – барча фаришталарнинг манбаи, илдизи. Дарахт илдизига сув куйиш билан биз унинг барча шоха ва баргларига озуқа бериб хизмат қилган бўламиз. Худди шундай, Парвардигорга хизмат қилиш билан биз айна пайтда барча фаришталарга хизмат қилган бўламиз. Парвардигор ҳамма жойда бор, шунинг учун Унга ҳамма жойда хизмат қилиш ва бу билан ҳаммани мамнун қилиш мумкин.

Бу “Сканда--пурана”да тасдиқланади:

арчите дева-девеше...

Парвардигорга, қўлларида сур, халқа, гурзи, нилуфар ушлаб турган Худо Шахсига хизмат қилиш билан инсон барча фаришталарга ҳам хизмат қилган бўлади, чунки Хари, Худо Шахси ҳамма жойга сингиб кетган. Шундай қилиб, Парвардигорга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиш ҳаммага, ҳар жиҳатдан, ҳар томонлама фойдали.бундай фаолият Худога сиғиниб юрган зотнинг ўзига, Парвардигорга, сиғиниш анжомларига, Худога сиғиниш сабабига, Худога сиғиниб юрган жойга ва ҳоказо ҳаммага фойдали.

Ҳатто олам яксон бўлаётганда ҳам бхакти-йога билан шуғулланиш мумкин. калена нашта пралайе ванийам: Коинотни яксон қиладиган сув тшқини пайтида ҳам Худога сиғинадилар, чунки У Ведаларни яксон бўлишдан сақлаб қолади. Унга барча югаларда, барча даврларда сиғинадилар.

“Шримад-Бхагаватам”(12.3.52)да шундай дейилган:

Крите йад дхйайато вишнум

“Вишну-пурана”да шундай шеър бор:

“Агар инсон ҳатто бир лаҳза Васудевани, Худонинг Олий Шахсини эсидан чиқарган бўлса, бу унинг учун жуда катта йўқотиш, жуда катта алданиш, жуда катта саробдир”.

Инсон ҳаётининг барча босқичларида Худога сиғиниш мумкин. Масалан, Махараж Прахлад, Махараж Парикшит онасининг корнида пайтида Унга сиғинганлар. Дхрува Махараж Худога беш яшар бола пайтида сиғинган; Махараж Амбариша Парвардигорга ёшлигида сиғинган; махараж Дхритараштра барча умидлари пучга чиққанида, кексайиб қолганида Худога сиғинган. Аджамила ажали етган пайтда Худони

эслаган, Читракету эса, жаннатда ҳам, дўзахда ҳам Худога сиғинган. “Нарасимха-пурана”да айтилганки, Парвардигорнинг муқаддас номини зикр қилиб, дўзахдаги одамлар жаннатга кўтарила бошладилар. Буни Дурваса Муни ҳам тасдиқлайди: мучйета йан-намни удите нарико пи – “Парвардигорнинг муқаддас номини такрорлаб, дўзахдаги одамлар азоб-укубатлардан халос бўлдилар”.

Шундай қилиб, “Шримад-Бхагаватам”нинг Шукадева Госвами Махараж Парикшитга ошкор этган сири шундай:

Этан нирвйдйамананам ...

“Эй шоҳ, якуний хулоса шундай: олдига қўйган мақсадига эришиш учун ҳар ким – таркидунё қилганлар, сеҳргар-йоглар, кармали фаолияти натижасидан лаззатланиб юрганлар – ҳаммаси барча қўркув ва шубҳаларни тарк этиб, Парвардигорнинг муқаддас номини зикр қилишлари лозим”(“Шримад-Бхагаватам”2.1.11).

Бу ҳақда муқаддас китобларнинг бошқа жойларида ҳам айтилган:

1. Парвардигорнинг содиқ хизматкори бўлмаган кишини, ҳатто у барча Ведаларни, барча муқаддас китобларни чуқур ўрганган бўлса ҳам, одамлар ичида энг пасткаши деб ҳисоблаш керак.

2. “Гаруда-пурана”, “Брихан-нарадийа-пурана” ва “Падма-пурана” ҳаммасида шу такрорланади: Худога садоқат билан хизмат қилиш билан машғул бўлмаган кишига чеккан барча риёзатлари, ведалардан олган донишмандлиги ҳеч қандай фойда бермайди.

3. Ҳатто минглаб праджапатилар ҳам Парвардигорнинг биргина содиқ хизматкорига тенглаша олмайдилар.

4. Шукадева Госвами айтганки, (“Шримад-Бхагаватам” 2.4.17) : Худога садоқат билан хизмат қилишда машғул бўлмай туриб, на буюк риёзатчилар, на бошқаларга саховат кўрсатишда шуҳрат қозонганлар, на буюк файласуфлар ва на буюк инсонпарварлар – бир сўз билан айтганда, ҳеч ким ўзининг бирор фаолиятида муваффақият қозона олмайди.

5. Ваикунтха Парвардигорини ёки Унинг асл содигини шарафлаб қуйламайдиган жойни, ҳатто у жой ўзининг ажойиблиги билан жаннатдан ҳам чиройли бўлса ҳам, дарров тарк этиш керак.

6. Худога садоқат билан хизмат қилиш учун асл содиқ озодликнинг барча беш туридан ҳам воз кечади.

Шундай қилиб, якуний хулоса шундан иборатки, ҳамisha ва ҳамма жойда Парвардигорни шарафлаб қуйлаб юриш керак. Парвардигорни олқишлайдиган ҳикояларни тинглаш, Унга ҳамда-санолар айтиш, ҳамisha

Унинг улуғворлигини эслаб юриш керак, чунки мана ушнинг ўзи – энг олий баркамолликдир.

Кармали фаолият тирик мавжудот лаззатланадиган тананинг умри билан чекланган; йога фақат сеҳр қудратига эга бўлиш имкоинини беради; эмпирик фалсафа билан шуғулланиб ошиб борса илоҳий илмга эга бўлиш мумкин, илоҳий илм ёрдамида эса, ошиб борса озодликка эришиш мумкин. агар шу усуллар билан шуғуллансак ҳам, улар билан шуғулланишда жуда кўп қийинчиликларга дуч келамиз. Парвардигор илоҳий хизмат қилиш билан эса ҳамма шуғулланиши мумкин, бу йўлдан бораётган киши ҳеч қачон адашмайди. Худога садоқат билан хизмат қилишни бошлаган кишиларга Парвардигорнинг марҳамати билан унда баркамолликнинг олий поғонасига кўтарилиш кафолатланган. Худога садоқат билан хизмат қилишнинг бошланғич босқичларида, албатта, маълум бир билимлар зарур бўлади, лекин Худога садоқат билан хизмат қилишнинг юқориқ поғоналарида илмнинг ҳожати йўқ. Демак, руҳий юксалишга эришишнинг энг аъло ва энг ишончли йўли – бхакти-йога, Худога соф садоқат билан хизмат қилиш.

Баъзан, имперсоналистлар, "Шримад-Бхагаватам"нинг нектари бўлган мана шу тўрт шлокани олиб ташлайдилар ва унда ўз дунёқарашларининг тасдиқланишини кўриб, уларни ўзларича нотўғри талқин қиладилар. лекин шуни эсдан ичқармаслик керакки, бу тўрт шлокни Худо Шахсининг ўзи айтган, шу боис, Худо Шахси ҳақида тушунчага эга бўлмаган имперсоналистлар уларнинг маъносини тушунишга қодир эмаслар. Шу боис, улар бу шеърларни истаганча талқин қилишлари мумкин, лекин Брахмадан бошланадиган шогирдлар силсиласи орқали илм олган киши уларнинг талқинларини тан олмайдилар. Бу кейинги шеърларда тушунтирилади. Бундан ташқари, шрутиларда айтилганки, Олий Ҳақиқат, Мутлақ Худо Шахси дунёвий илми билан мағрурланиб юрган кишиларга ўзини ошкор этмайди. Шрути-мантра(“Катха-уп”1.2.23)да шундай дейилган:

Найам атма правачанена лабхйо

Буларнинг ҳаммасини Парвардигорнинг ўзи тушунтирган, шу боис, Парвардигорни Унинг шахсий киёфасида англаб етиш эшиклари ёпиқ кишилар "Шримад-Бхагаватам" маъносини фақат Брахмадан бошланадиган шогирдлар силсиласида турган бхагаватамдан илм ўргансаларгина англаб етишлари мумкин.

37. Эй Брахма, мана шу хулосада фикрингни жамлаб, ҳамиша унга сўзсиз амал қил, шунда коинот бутунлай емирилган пайтда ҳам,

қисман емирилганда ҳам, манманлик туйғуси сенга ёндошмайди.

Изоҳ: "Шримад Бхагавад-гита"нинг ўнинчи бобида Худо Шахси, Парвардигор Кришна бу асарнинг маъносини ахам сарвасйа прабхавах дан бошланадиган тўрт шеърда ифодалаб берган. Бутун "Шримад-Бхагаватам" асарининг маъноси ҳам ахам эваса эвагре сўзлари билан бошланадиган тўрт шеърда ифодаланган. Шундай қилиб, бхагавата мактаби фалсафасининг энг муҳим хулосасининг энг маҳфий маъносини, бутун олам аҳлига "Шримад-Бхагаватам" ва "Бхагавад-гита" илмини нозил қилган Парвардигор Шри Кришнанинг ўзи ошкор этган. Кўплаб тилшунослар ва Худога ишонмайдиган имонсиз олимлар "Шримад-Бхагаватам"нинг мана шу тўрт шеърининг маъносини нотўғри талқин қилишга ҳаракат қиладилар, лекин Парвардигорнинг ўзи маъбуд Брахмадан унга ўзи айтган якуний хулосадан четга чиқмасликни маслаҳат беради. "Шримад-Бхагаватам"нинг асл маъносини Парвардигорнинг ўзи баён этган, Брахма эса, ана шу илмни қабул қилиб олган. Имперсоналистларнинг ахам иборасига берадиган сохта ва чалкаш талқинлари "Шримад-Бхагаватам"нинг қатъий издошларини йўлдан адаштирмаслиги керак. "Шримад-Бхагаватам" – Худо Шахсининг ва Унинг бхагавата деб аталадиган асл содикларининг китоби, шу боис, Худога садоқат билан хизмат қилиш ҳақида ҳикоя қиладиган бу табаррук китобга бегона кишиларни яқин йўлатмаслик керак. Лекин, афсуски, Худонинг Олий Шахсига ҳеч қандай алоқаси бўлмаган имперсоналистлар баъзан, ўзларининг грамматик билимларига ва мавҳум хом-хаёлларига асосланиб, "Шримад-Бхагаватам"ни талқин қилишга уринадилар. Шунинг учун Парвардигор маъбуд Брахмага, ана шундай тилшунос ва бошқа илмсиз одамларнинг хулосалари йўлдан адаштириб қўймасин деб айтяпти ва унга ўз ақлини фақат парампара орқали олинган илмда жамлашни маслаҳат беряпти. Ҳеч ким ўзининг дунёвий билимларига асосланиб бу илоҳий донишмандлик илмига қандайдир янги изоҳлар бермаслиги керак. Шунинг учун маъбуд Брахма эга бўлган ҳақиқий илмга эга бўлиш учун инсон биринчи навбатда Парвардигорнинг парампарада турган вакили бўлган ҳақиқий гуруни топиб олиши лозим. Мукамал бўлмаган моддий илмлар ёрдамида муқаддас китобларнинг маъноси ҳақида ўзича хулоса чиқармаслик керак. Гуру, ҳақиқий руҳий устоз шогирдни ишончли ведавий муқаддас китоблар кўрсатган йўлдан олиб боришга қодир. У ҳеч қачон шогирдини йўлдан адаштириш учун чиройли сўзлар билан ўзининг шахсий

манфаатини кўзлаётганини яшириб ўтирмайди. Ҳақиқий руҳий устоз ўзининг шахсий ҳаёти билан шогирдига қандай қилиб Худога садоқат билан хизмат қилиш кераклигини амалда кўрсатиб тушунтиради. Шахсга хизмат қилмас кан, инсон имперсоналистларга ўхшаб, умрлар оша ҳеч қандай натижа бермайдиган бемаъни фикр-мулоҳазаларга берилиб юраверади ва ҳеч қачон яқуний хулосага кела олмайди. Руҳий устознинг муқаддас китобларнинг кўрсатмаларига мос келадиган кўрсатмаларига амал қилиб, шогирд мукаммал тўлиқ илмга эга бўлади. Шогирднинг мукаммал илмга эга бўлганини унда ҳиссий лаззатланишга боғланмаслик туйғуси тобора ривожланаётгани кўрсатади. Дунёвий олимлар қандай қилиб инсон ҳиссий лаззатларни тарк этиши мумкинлигини тушуна олмайдилар, шунинг учун улар кишининг фикру-хаёлини Худони англаб етишда жамлашга бўлган ҳар қандай интилишини сеҳр, жоду деб ҳисоблайдилар. Сезгилар олами боғланмаслик – илоҳий онг ривожланишининг брахма-бхута деб аталадиган, Парвардигорга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиш(пара бҳактих)нинг бошланғич поғонаси, маълум бир босқичдир. Руҳий юксалишнинг бу босқичи атмарама деб ҳам аталади. Мана шу поғонага кўтарилган киши ўзининг қалбида, тўла ички мамнуният ҳосил қилади ва ҳиссий лаззатлар олами уни умуман қизиқтирмай кўяди. Фақат ана шу босқичда, тўла ички мамнуният ҳосил қилинган поғонадагина Худо Шахси ҳақидаги илоҳий илмни ҳақиқатан ҳам англаб етиш мумкин. Бу "Шримад-Бхагаватам"да(1.2.20) ҳам тасдиқланади.

Эвам прасанна-манасо...

Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёнида ҳиссий лаззатлар оламига боғланмасликда намоён бўладиган тўла мамнуният ҳосил қилиб, озодликка эришган руҳ Парвардигор ҳақидаги илмни англаб етишга қодир бўлади.

Фақат брахма-бхута поғонасида, инсон қалбида тўла мамнуният ҳосил қилган ва ҳиссий лаззатларга бутунлай бефарқ бўлган ҳолатга эришганидагина Худо ҳақидаги илмнинг барча махфий икир-чикирлари билан бирга барча сирларини англаб етиш мумкин. Бунда унга на санскрит тилини билиши, на мавҳум дунёвий фикрлари ёрдам бера олмайди. Брахма Худо ҳақидаги илмни қабул қилишга тайёр эди, шунинг учун Парвардигор ундан мамнун бўлиб, унга "Шримад-Бхагаватам"нинг мазмунини тушунтириб берди. "Бхагавад-гита"(10.10)да айтилганидек, ҳиссий лаззатлар оламини тарк этган ҳар қандай содиқ ҳам Парвардигордан ана шундай бевосита кўрсатма олиши мумкин:

Тешам сатата-йуктанам...

Ҳамиша Парвардигорга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиб юрган содиқларга(притипурвакам), ўзининг беسابаб марҳаматини кўрсатиб, уларнинг ўз уйига, Худонинг даргоҳига олиб борадиган йўлдан ҳеч қийналмасдан юришларига ёрдам бериб, Парвардигорнинг ўзи турли насихатлар бериб туради. Шунинг учун "Шримад-Бхагаватам"нинг мана шу тўрт шеърининг маъносини фикр-мулоҳазалар ва мантикий хулосалар ёрдамида англаб етишга уриниб ҳам ўтирмаслик керак. Аслини олганда, фақат Брахма сингари Парвардигорни яққол кўргандан кейингина Ваикунтха, Парвардигорнинг даргоҳи ҳақида ҳамма нарсани билиб олиш мумкин. Шундай қилиб, Худога садоқат билан хизмат қилиш ёрдамида илоҳий поғонага кўтарилган ҳар қандай содиқ Ваикунтхага эриша олади.

“Гопала-тапани-упанишад”(шрути)да шундай дейилган: *гопа-вешо ме пурушах пуратад авирбабхува* – **“Парвардигор Брахманинг олдида подачи болакай, яъни, ўзининг бошланғич Худо Шахси, Парвардигор Шри Кришна – Говинда қиёфасида намоён бўлди”**. Кейинчалик Брахма Унинг шу қиёфасини “Брахма-самхита”(5.29)да таърифлаган:

Чинтамани-пракара-садмасу калпаврикша...

Брахма Худо Шахси, олий Ваикунтха сайёрасида, Голока Вриндаванада яшайдиган Парвардигор Шри Кришна олдида сажда қилади. Шу ерда Парвардигор подачи болакай қиёфасида сурабхи сигирларни боқиб юради, Унга минглаб раванқ фаришталари(гопилар) муҳаббат ва ҳаяжон билан хизмат қиладилар.

Шундай қилиб, Парвардигор Шри Кришна Парвардигорнинг бошланғич қиёфаси(кришнас ту бхагаван сваям), буни мазкур шеър ҳам тасдиқлайди. Худонинг Олий Шахси – Парвардигор Кришна – яъни, Нарайана ҳам эмас, Кришнанинг иккиламчи намоён бўлган кўринишлари бўлган пуруша-аватаралар ҳам эмас. Демак, аслида "Шримад-Бхагаватам" - Худонинг Олий Шахсининг, Парвардигор Шри Кришнанинг онги, шу боис, "Бхагавад-гита" сингари "Шримад-Бхагаватам" ҳам Парвардигорнинг товуш қиёфасидир. Шундай қилиб, "Шримад-Бхагаватам" Парвардигор ҳақидаги илмдир, унинг ёрдамида Парвардигорни ва Унинг даргоҳини мукаммал англаб етиш мумкин.

38. Шукадева Госвами Маҳараж Парикшитга юзланиб шундай деди: - ўзининг илоҳий қиёфасини барча тирик мавжудотларнинг яратувчиси Брахмага намоён қилган Худонинг Олий Шахси, Хари унга шу кўрсатмаларни бериб, кўздан ғойиб бўлди.

Изоҳ: Мазкур шеърда аниқ айтилганки, Парвардигор аджанах, Олий Шахс, шу боис У, Брахмага насихат берар ва "Шримад-Бхагаватам"нинг мазмунини тўрт шеърда баён этар экан, унга Ўзининг илоҳий қиёфасини(атмано рупам) намойиш этди. У – аджанах, бошқа барча шахслар(жананам) орасида Олий Шахс. Шрути-мантра(нитйа нитйанам четанаш четананам) ҳам тасдиқлайдики, барча тирик мавжудотлар ҳам алоҳида шахслардир, улар орасида Парвардигор Хари – Олий шахс. Шундай қилиб, моддий оламдан фарқли равишда руҳий оламда шахсиятсиз бирор нарса йўқ. четана, яъни илми бор нарсанинг ҳаммаси шахс хусусиятларига эга. Руҳий оламда ҳамма нарса илмга тўла, шу боис ер, сув, дарахтлар, тоғлар, дарёлар, одамлар, ҳайвонлар, кушлар – бир сўз билан айтганда, руҳий оламда ҳамма нарса четана табиатига эга. Демак, Ваикунтха оламида бутун борлиқ алоҳида мавжуд ва шахс сифатларига эга. Бу ҳақда биз "Шримад-Бхагаватам"дан – Худо Шахси, Парвардигорнинг Ўзи Брахмага баён этган энг маҳфий ведавий муқаддас китобдан билиб оламиз. Брахма, барча тирик мавжудотларнинг йўлбошчиси, "Шримад-Бхагаватам" таълимотини бутун коинот бўйлаб тарқатиши, ундаги аҳолига олий илм, бҳакти-йогани ўргатиши учун Парвардигор бу илмни Брахмага баён этган. Ўз навбатида Брахма "Шримад-Бхагаватам" хабарини севимли ўғли Нарадага берган, Нарада – Вйасадевага, у эса, Шукадева Госвамига берган. Шукадева Госвамининг марҳамати ҳамда Махараж Парикшит шарофати билан одамларга Мутлақ Худо Шахси, Парвардигор Кришна ҳақидаги илмни ошкор этадиган "Шримад-Бхагаватам" неъматини ато этилган.

39. Худонинг Олий Шахси, содиқларининг хис-туйғуларига илоҳий лаззат бағишлайдиган Хари кўздан ғойиб бўлгач, Брахма кўлларини илтижо билан қовуштириб, коинот аввал қандай бўлса, шундай ҳолатда, тирик мавжудотлар билан тўлдириб, коинотни бунёд қила бошлади.

Изоҳ: Худонинг Олий Шахси, Хари барча тирик мавжудотларнинг сезгиларининг талабларини қаноатлантиради. Парвардигорнинг ташқи қувватидан чиқаётган, акс этган ёғду адаштириб қўйган тирик мавжудотлар сезгиларидан тўғри йўлда, Парвардигорнинг истагини амалга оширишда фойдаланиш ўрнига, ўзларининг сезгиларига сиғинадилар.

“Хари-бҳакти-судходайа”(13.2)да шундай шеър бор:

Акшнох пхалам твадриша-даршанам хи...

“Эй Худонинг содиқ хизматкори, кўзлар бизга фақат сени кўриш учун берилган, сенинг тананга тегиш – танамиз учун мукофот. Тил фақат сенинг сифатларингни олқишлаш учун берилган, чунки бу дунёда Парвардигорнинг асл содиғини топши жуда қийин”.

Аввалдан тирик мавжудотга сезгилар айнан улардан Парвардигорга ва Унинг содиқларига илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиш учун берилган эди, лекин, моддий қувват адаштириб қўйган шартланган руҳлар ҳиссий лаззатлардан ўзларини тийиб тура олмайдилар. Шу боис Худони англаб етиш жараёнининг ҳаммаси шартланган фаолият билан машғул сезгиларни поклашга ва кейин улардан бевосита Парвардигорга хизмат қилишда фойдаланишга қаратилган. Шунинг учун Брахма ўз сезгиларидан Худога садоқат билан хизмат қилиш учун фойдаланиб, шартланган тирик мавжудотларни қайтадан яратди ва уларга ўзи яратган коинотда фаолият кўрсатиш имконини берди. Шундай қилиб, моддий олам Парвардигорнинг иродаси билан яратилади ва яксон бўлади. У шартланган тирик мавжудотларга унда фаолият кўрсатиш ва охири-оқибатда ўз уйига, Худонинг даргоҳига қайтиш имконини бериш учун яратилган, шу боис Худонинг содиқлари - Брахма, Нарад, Вйаса ва уларнинг издошлари – Парвардигорга Унинг шу режасини амалга оширишда ёрдам берадилар: шартланган руҳларни ҳиссий лаззатлар оламидан олиб чиқиш ва уларни ўз сезгиларидан фақат Худога садоқат билан хизмат қилишда фойдаланадиган нормал ҳолатга қайтариш. Лекин имперсоналистлар, сезгиларининг фаолият кўрсатиш турини ўзгартириш ўрнига, шартланган руҳни ва Парвардигорнинг Ўзини сезгилардан маҳрум қилишга интиладилар. Шартланган руҳларни бундай даволаш усули бутунлай нотўғри. Кўзни ўйиб олишни даволаш йўли деб бўлмайди. Худди шундай, моддий касалликнинг ягона сабаби ҳиссий лаззатлардир, бу иллатдан даволаш учун сезгиларни бошқа фаолият билан машғул қилиш лозим, - уларга Парвардигорнинг жамолини томоша қилиш, Унинг улуғворлиги ҳақида тинглаш, ўзининг бутун фаолиятини Унга бағишлаш. Шундай қилиб, Брахма навбатдаги марта коинотни яратди ва уни ҳаракатга келтирди.

40. Шу тарзда барча тирик мавжудотларнинг бобокалони ва тақводорликнинг отаси маъбуд Брахма, ўзига ва барча тирик мавжудотларга саодат тилаган ҳолда, белгиланган қонун-қоидаларга амал қила бошлади.

Изоҳ: Нотўғри турмуш тарзи билан яшаб, қонун-қоидаларга риоя қилмасдан юқори мартабага эришиб бўлмайди. Чекланмаган миқдорда ҳиссий лаззатларга берилиб юрган киши ҳайвоний ҳаёт кечириётган бўлади, шу боис, маъбуд Браҳма ўзининг келажакдаги авлодларининг бахт-саодати ҳайида ўйлаб, олий бурчни бажариш йўлида сезгилар фаолиятини қандай чеклаш лозимлигини ўзи ўрناق кўрсатиб ўргатиб кетди. У бу ишни барча тирик мавжудотларнинг бахтини ўйлаб қилди, чунки, улар аслида Парвардигорнинг хизматкорлари эканини тушунарди. Ундан ўрناق олиб, ўз оиласи ва келажакдаги авлодларига яхшилик қилишни ўйлайдиган киши одоб-ахлоқ ва дин қоидаларига амал қилиб яшаши лозим. Худонинг содиқ хизматкорининг турмуш тарзи одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиб яшаш намунаси, чунки асл содиқ Парвардигорнинг барча эзгу фазилатларини ўзида намоиш этади. Аксинча, Худонинг содиқ хизматкори бўлмаган киши, дунёвий нуқтаи-назардан караганда қанчалик намунали турмуш кечирмасин, аслида том маънода ҳеч қандай яхши фазилатга эга эмас. Парвардигорнинг асл содиқлари – Браҳма ва шогирдлар силсиласида турган унинг издошлари – шогирдларига ўргатиб юрган нарсаларнинг ҳаммасига ўзлари қатъий амал қиладилар.

41. Браҳма наслининг барча авлодлари ичида энг суюқлиси бўлган Нарада ҳамиша отасига хизмат қилишга тайёр. У одоблилик, камтарлик ва вазминлик намунаси бўлган ҳолда, отасининг кўрсатмаларига сўзсиз амал қилади.

42. Эй шох, Нараданинг отаси буюк содиқ ва билимдон донишмандлардан бири бўлгани учун Нарада ундан барча қувватлар эгаси Вишнунинг қувватлари ҳақида тўлиқ илм олишни истаганида отаси Нарадан жуда мамнун бўлди.

Изоҳ: Коинотдаги барча тирик мавжудотларнинг яратувчиси маъбуд Браҳма, биничи навбатда бир неча машҳур ўғилларнинг, шу жумладан Дакша, чатух-саналар ва Нараданинг отаси ҳисобланади. Ведаларда инсон ҳаётининг барча уч соҳаси бўйича илм берилган: карма-канда – кармали фаолият; жнана-канда – илоҳий илм ҳамда упасана-канда – Худога садоқат билан хизмат қилиш. Деварши Нарадага отаси Браҳмадан Худога садоқат билан хизмат қилиш мерос қолган, Дакшага кармали фаолият, Санака, санатана ва бошқаларга эса, - жнана-канда, илоҳий илм ҳақида маълумотлар мерос қолган. Бу ерда айтилганки, Нарада –

Брахманинг фарзандлари ичида энг суюқлиси, чунки у – одобли, итоаткор, мискин ва ҳамиша отасига хизмат қилишга тайёр. Бундан ташқари, Нарада энг буюк донишманд ҳисобланади, чунки у Парвардигор энг буюк содиғи. Нарада жуда кўп машҳур содиқларнинг руҳий устози. Унинг шогирдлари орасида Прахлада, Дхрува, Вйаса ва бошқалар, ҳатто ўрмондаги овчи Кирата. Нараданинг қиладиган ягона иши – ҳар кимга Парвардигорга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиш йўлини кўрсатиш. Мана шу фазилати уни отасининг энг суюқли фарзандига айлантди, буларнинг ҳаммасига у фақат Парвардигорнинг комил содиғи бўлгани шарофати билан эришди. Худонинг содиқлари ҳамиша барча қувватлар ҳукмдори Парвардигор ҳақида иложи борича кўпроқ билишга интиладилар. Бу "Бхагавад-гита"(10.9)да ҳам тасдиқланади.

Мач-читта мад-гата-прана...

Парвардигор бениҳоя, шу боис Унинг қувватлари ҳам бениҳоя. Ҳеч ким уларни тўла англаб етишга қодир эмас. Браҳмаджи – коинотдаги энг буюк фаришта, бевосита Парвардигорнинг Ўзидан насихат олгани боис, гарчи унинг илми ҳам мукамал бўлмаса ҳам, у Парвардигорнинг қувватлари ҳақида коинотдаги бошқа истаган бировдан кўра кўпроқ билиши керак. Шу боис, ҳар кимнинг бурчи – бениҳоя Парвардигор ҳақида бу илм Браҳмадан Нарадага, Нарадан Вйасага, Вйасадан Шукадевага ва ҳоказо ўтиб келаётган шогирдлар силсиласида турган руҳий устозга саволлар беришдан иборат.

43. Отаси, коинотнинг бобокалони Браҳманинг мамнун бўлганини билиб, буюк донишманд Нарада, худди сен ҳозир менга берган саволларни, отасига бера бошлади.

Изоҳ: Руҳий, яъни илоҳий илмни бу илмнинг маъносини англаб етган кишига савол бериш орқали ўрганадилар, лекин бу мактабдаги ўқитувчига савол беришдан фарқ қилади. Ҳозирги даврда ўқитувчилар ўқувчиларга бирор маълумотни гапириб бергани учун иш ҳақи оладилар, лекин руҳий устозни ишга ёллаб бўлмайди. Бунинг устига, руҳий устоз бўлиш ва бошқаларга насихат бериш ҳуқуқига эга бўлиш учун инсон аввало бунга маълум бир ваколат олиши керак. "Бхагавад-гита"(4.34)да илоҳий илм ўрганиш усули шундай таърифланади:

Тад виддхи пранипатена...

Кришна Аржунга айтяптики, фақат ҳақиқатни англаб етган кишидан илоҳий илмни ўрганиш мумкин. Илоҳий илм ўрганиш учун инсон ўз ихтиёрини руҳий устозига топшириши, унинг хизматини қилиб, уни мамнун қилиши ва

саволлар бериши лозим. ўзаро шартнома тузиб, пул тўлаб илоҳий илм ўрганиш мумкин деб юрган киши қаттиқ адашади. Бундай илмни ўрганиш учун биринчи навбатда руҳий устознинг хизматини қилиш лозим. Парвардигор бу илмни Браҳма Уни мамнун қилгандан кейин унга ошкор этган; худди шундай, руҳий устоздан илм ўрганиш учун шогирд аввал уни мамнун қилиши лозим. Фақат руҳий устозини мамнун қила олган кишигина илоҳий илмни англаб ета олади. Инсон илоҳий илмни шунчаки грамматикани ўрганиш орқали эгаллаб ололмайди. Ведаларда шундай дейилган: “Шветашватара-упанишад” 6.23.

Йасйа дева пара бхактир...

“Илоҳий илм сирлари фақат ўз ихтиёрини Парвардигорга ва руҳий устозига бутунлай топширган кишига очилади”.

Руҳий устоз билан шогирднинг ўзаро муносабатлари мангу. Ҳозир шогирд бўлиб юрган киши келажакда ўзи руҳий устоз бўлади. Фақат ҳар бир ишда руҳий устозининг насиҳатларига қулоқ соладиган кишигина тўлиқ ваколат берилган ҳақиқий руҳий устоз бўла олади. Парвардигорнинг шогирди бўлиб, Браҳма ҳақиқий илмга эга бўлди ва уни ўзининг суюкли шогирди нарадага ўргатди. Ўз навбатида Нарада руҳий устоз бўлиб, бу илмни Вйасага ўргатди, ва ҳоказо. Шундай қилиб, расмий руҳий устоз ва шогирд орасидаги ўзаро муносабатларни Браҳма билан Нарада, Нарада билан Вйаса орасидаги ўзаро муносабатларга тенглаштириб бўлмайди. Браҳма билан Нарада орасидаги ўзаро муносабатлар ҳақиқий, бу дунёдаги устоз билан шогирд орасидаги расмий муносабатлар эса, - алдоқчи ва алданган одамлар орасидаги муносабатлардир. Бу ерда айтилганки, Нарада шунчаки тартиб-интизомли, мискин ва итоаткор бўлиб қолмасдан, ўзини кўлга олишни ҳам яхши биларди. Айниқса жинсий ҳаётда ўзини тута билмайдиган кишининг шогирд бўлишга ҳам, руҳий устоз бўлишга ҳам ҳаққи йўқ. аввалига инсон ўзининг нутқини, ғазабини, нафс(тил)ининг истакларини, ақлини, қорнини ва жинсий аъзоларини жиловлай олишни ўрганиши лозим. ана шу туйғуларини жиловлаб олган кишини госвами деб атайдилар. Госвами бўлмай туриб, инсон шогирд ҳам, руҳий устоз ҳам бўла олмайди. Ўзининг сезгиларини жиловлай олмаган киши алдоқчи, ана шундай сохта руҳий устознинг шогирди эса - алданган кишидир.

Браҳмаджи – бизларнинг бобокалонимиз, одатда ер сайёрасида бўлганидек, аллақачон ўлиб кетган деб ўйламаслик керак. У – бизларнинг энг кекса бобокалонимиз, лекин у, худди Нарада сингари, ҳозир ҳам тирик. Браҳмалокада яшайдиган зотларнинг умри

"Бхагавад-гита"да ёзилган. Браҳманинг бир куни қанчалик узоқ давом этишини мана шу кичкина коинотда яшайдиган зотлар ҳатто тасаввур ҳам қила олмайдилар.

44. Нараданинг саволларига жавоб бера туриб, отаси унга "Шримад-Бхагаватам"ни, Парвардигорнинг Ўзи баён этган, ўн мавзу ҳақида маълумот берувчи, Ведаларга кўшимча илмни ўргатди.

Изоҳ: Гарчи "Шримад-Бхагаватам" атиги тўрт шеърда баён этилган бўлса ҳам, унинг ичида ўн мавзу ёритилган эди, бу ҳақда гап кейинги бобда боради. Тўрт шеърдан биринчисида айтилганки, Парвардигор моддий олам яратилмасдан аввал бор эди, шунинг учун "Шримад-Бхагаватам" ҳам "Веданта-сутра"нинг жанмадй асйа деган афоризмидан бошланади. Жанмадй асйа – энг боши, лекин, Парвардигор яралган моддий оламдан то Парвардигорнинг олий даргоҳигача бўлган бутун борлиқнинг илдизи деб айтилган тўрт шеърда барча ўн мавзу ёритилган. Лекин бундан, Парвардигор атиги тўрт шеърни айтган, "Шримад-Бхагаватам"нинг қолган 17996 шеър хеч қандай қимматга эга эмас, деган нотўғри хулосага келмаслик керак. кейинги бобдан маълум бўладики, "Шримад-Бхагаватам"нинг ўн мавзусининг ҳар бирини тушунтириб бериш учун жуда кўп шеърлар керак бўлади. Аввал айтгандикки, Браҳма Нарадага ўздан ўрганган илмни ривожлантириб баён этишни буюрганди. Шри Чайтанйа Махапрабху уларни Шрила Рупа Госвамига қисқача тушунтириб берди, Унинг шогирди Рупа Госвами бу насиҳатларни батафсил тушунтириб таърифлаб берди. Кейин бу мавзуни Жива Госвами ривожлантирди, Шрила Вишванатха Чакраварти Тхакур эса, бу мавзуни яна ҳам кенгроқ тушунтириб берди. биз фақат ана шу буюк ачарйалар изидан боришга ҳаракат қиляпмиз. Шундай қилиб, "Шримад-Бхагаватам" – дунёвий асар ҳам эмас, ўйлаб топилагн бадий асар ҳам эмас. Унинг кудрати чексиз, одамлар "Шримад-Бхагаватам"да берилган мавзуларни қанчалик ўрганмасинлар, улар ҳеч қачон бу асарни охиригача тўлиқ тушунтириб бера олмайдилар. "Шримад-Бхагаватам" – Парвардигорнинг товуш тимсоли, у тўрт шеърда баён этиладими, тўрт миллиард шеърдами – барибир, худди бир вақтнинг ўздан атомдан ҳам кичик ва чексиз осмондан ҳам катта Парвардигор сингари, ўша илоҳий "Шримад-Бхагаватам" бўлиб қолаверади. "Шримад-Бхагаватам"нинг кудрати шундай.

45. Эй шоҳ, буюк донишманд Нарада ўз навбатида "Шримад Бхагаватам"ни, Сарасвати дарёси қирғоғида Худога холис

хизмат қилиш лаззатига ғарқ бўлиб, Мутлақ Ҳақиқат, Худонинг Олий Шахсига муроқаба қилиб ўтирган, бениҳоя қудратга эга донишманд Вйасадевага ўргатди.

Изоҳ: "Шримад-Бхагаватам"нинг Биринчи қўшиқ бешинчи боби(1.5.13)да Нарада буюк донишманд Вйасадевага шундай насиҳат берганди:

Атхо маха-бхага бхаван амогха-дрк

“Эй одамлар орасида энг бахтиёри, эй олижаноб файласуф, сенинг шуҳратинг бутун коинотга тарқалган. Бенуксон одоб ва мукаммал нгуқтаи-назарга эга бўлган ҳолда, сен ақлингни Мутлақ Ҳақиқатда жамлагансан. Илтимос, қахрамонликлари ҳақиқатан ҳам ажойиб бўлган Парвардигорнинг кароматларига муроқаба қил”.

Шундай қилиб, Браҳма-сампрадаёя деб аталадиган шогирдлар силсиласида турган ишончли зотлар йога муроқабасини инкор этмайдилар. Лекин, Худонинг содиқлари бхакти-йоглар бўлгани боис, улар шахсиятсиз Браҳманга муроқаба қилмайдилар. Улар мазкур шеърда айтилганидек, браҳма парамам, Олий Браҳманга муроқаба қиладилар. Браҳманни англаб етиш шахсиятсиз ёғдуни англаб етишдан бошланади, бундай муроқабани чуқурлаштириш Олий Рухни, Параматмани англаб етишга олиб келади, бу йўлдан янада юксалиш натижасида инсон Худонинг Олий Шахсини англаб етиш имконига эришади. Вйасадеванинг руҳий устоз сифатида Нарада Муни ўз шогирдининг қобилияти ва сифатларини яхши биларди, шу боис у яна бир марта тасдиқладики, Шрила Вйасадеванинг ақли Мутлақ Ҳақиқатда жамланган, у ичган қасамларига қатъий риоя қилади ва ҳок. Нарада унга Парвардигорнинг илоҳий кароматларига муроқаба қилишни маслаҳат берди. Шахсиятсиз Браҳман ҳаракат қила олмайди, Худо Шахси эса, жуда кўр ишларни амалга оширади, уларнинг ҳаммаси илоҳий, яъни, уларда моддий сифатлардан асар ҳам йўқ. Агар Олий Браҳманнинг кароматлари моддий фаолият бўлса, Нарада Вйасадевага уларга муроқаба қилишни маслаҳат бермаган бўларди. Парам браҳма – Парвардигор Шри Кришна, буни "Бхагавад-гита" ҳам тасдиқлайди. "Бхагавад-гита"нинг ўнинчи бобида, Аржун, Парвардигор Кришна аслида ким эканини англаб етгандан кейин, Унга шундай сўзлар билан муурожаат қилди ("Бхагавад-гита" 10.12-13):

Парам браҳма парам дхама...

Парвардигор Шри Кришнани англаб етган Аржун "Бхагавад-гита"нинг мазмунини шундай ифодалади: ”Эй Худо Шахси, Сен – Олий

Мутлақ Ҳақиқатсан, илм ва лаззатга тўла мангу қиёфага эга бўлган бошланғич Шахссан. Буни Нарада, Асита, Девала, Вйасадевалар тасдиқлайдилар, буни Сен Ўзинг ҳам тасдиқладинг”.

Мууроқабага ғарқ бўлиб, бхакти-йогада жазавали руҳий ҳолатга кириб, Вйасадева Парвардигорни яққол кўрди, Унинг ортида турган майяни, алдамчи кувватни ҳам кўрди. Аввал айтганимиздек, майя, алданиш, рўё, - Парвардигорнинг намоён бўлган кўринишларидан бири, чунки майянинг мавжудлиги Парвардигорга боғлиқ. Зулмат ўзидан ўзи мавжуд эмас, унинг мавжудлиги ёруғликка боғлиқ. Агар ёруғлик бўлмаса, унинг акси, зулмат нима эканини ҳеч ким билмасди. Лекин майя, алданиш, Худонинг Олий Шахсига таъсир қила олмайди, шу боис Ундан анча узоқда туради(апашрайам).

Шундай қилиб, мууроқабада мукаммалликка эришиш - Худо Шахси ва Унинг илоҳий кароматларини англаб етиш демакдир. Шахсиятсиз Браҳманга мууроқаба қилиш эса, жуда қийин, бу "Бхагавад-гита"да ҳам тасдиқланади: клешо дхикаратас тешам авйактасакта-четасам.

46. Эй шох, юқоридаги тўрт шеърни сенга тушунтириш жараёнида мен сенинг, қандай қилиб Худо Шахсининг баҳайбат қиёфасидан коинот яралган, деган саволингга ва бошқа барча саволларингга жавоб бераман.

Изоҳ: "Шримад-Бхагаватам"нинг бошида айтилганидек, бу буюк илоҳий асар – ведавий донишманд лик илмининг етилиб пишган меваси. Шунинг учун "Шримад-Бхагаватам" коинотнинг фаолияти борасида, унинг яратилганидан бошлаб, инсон бериши мумкин бўлган барча саволларга тўлиқ жавоб беради. Бу саволларга берилган жавоблар фақат уларни берган кишининг илм даражасига боғлиқ бўлади. Буюк донишманд Шрила Шукадева Госвами баён этган "Шримад-Бхагаватам"нинг ўн бўлимида ҳамма саволларга мукаммал жавоб берилган, уларга муурожаат қилиб, соғлом фикрли зукко кишилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб топа оладилар.

*"Шримад-Бхагаватам"нинг Иккинчи қўшиқ,
"Шукадева Госвамнинг жавоблари" деб
аталадиган тўққизинчи бобида
Бхактиведантанинг изоҳлари шундай
яқунланади.*

10-боб.

“Шримад Бхагаватам”

хамма саволларга жавоб беради

Текст 1

Шри Шукадева Госвами деди: “Шримад Бхагаватам” ўн мавзуни ёритади. Унда: 1) оламни яратиш; 2) иккиламчи яратиш; 3) сайёралар тизимлари; 4) Парвардигорнинг хомийлиги 5) оламни ҳаракатга келтириб турган куч; 6) Мануларнинг алмашиб туриши; 7) Худо ҳақидаги илм; 8) Худонинг даргоҳига қайтиш; 9) рухий озодлик; 10) Мутлақ Ҳақиқат ҳақидаги илм ёритилган.

Текст 2

Мутлақ Ҳақиқат илоҳий табиатга эга эканини алоҳида таъкидлаш учун бошқа мавзулар ё Ведаларнинг хулосасига асосланган ҳолда, ё бевосита тушунтириш орқали, ё буюк донишмандларнинг қисқача изоҳлари ёрдамида очиқ берилади.

Текст 3

Модда таркиб топган ўн олти унсур: беш қўпол унсур(олов, сув, ер, ҳаво ва осмон), товуш, шакл, таъм, хид, тери орқали сезиладиган нарса, шунингдек, кўзлар, қулоқлар, бурун, тил, тери ва ақлни яратиш *сарга* деб аталади, моддий табиат гуналарининг ундан кейинги ўзаро ҳаракатлари эса – *висарга* деб аталади.

Изоҳ: Мазкур шеърдан бошлаб етти шеър бизларни “Шримад Бхагаватам”нинг ўн бўлиmidан ҳар бирининг мазмуни билан таништиради. Улардан ҳозир биз муҳокама қилаётган биринчиси ўн олти унсур: ер, сув, ва ҳоказоларни, шунингдек, моддий тафаккур ва ақлдан таркиб топган моддий ўзлик(эго)ни таърифлаб беради. Иккиламчи яратиш биринчи пурушанинг, яъни Говинданнинг Маха-Вишну қиёфасида намоён бўлган кўринишининг юқорида санаб ўтилган ўн олти қувватининг ўзаро ҳаракатлари натижасидир. Кейинчалик маъбуд Браҳма ўзининг “Брахма-самхита”(5.47) асарида иккиламчи яратишни шундай таърифлайди:

Йах каранарнава-джалe

Маха-Вишну – Парвардигорнинг, Шри Кришнанинг биринчи пуруша қиёфасида намоён бўлган кўриниши, йога-нидра деб аталадиган сирли уйкуга ғарқ бўлган, Унинг илоҳий танасининг ҳар бир тешигида намоён бўлмаган сон-саноксиз коинотлар жойлашган.

Ведалар таълимотига кўра, шрутена – оламнинг яралиши Парвардигорнинг маълум бир қувватларининг намоён бўлиши натижасида

бевосита Парвардигорнинг Ўзидан бошланади. Лекин, Ведаларнинг нуқтаи-назарини қабул қила олмайдиган кишилар оламни моддий табиат яратган деб тасаввур қиладилар. Бундай хулоса уларда илм етишмаслиги оқибатидир. Ведаларда айтилганки, барча қувватларнинг манбаи – Худонинг Олий Шаҳси, лекин, сохта нуқтаи-назарларга кўра, юқорида айтганимиздай, оламнинг пайдо бўлишига инерт(ўлик) модда сабаб бўлган. Ведалар нуқтаи-назари – илоҳий нур, зиё, бошқа таълимотлар эса – моддий зулматдир. Парвардигорнинг ички қуввати Парвардигорнинг Ўзидан фарқ қилмайди, шу боис у ташки қувват билан бирикиб, унга ҳаёт бағишлайди. Ички қувватнинг ташки қувват билан ўзаро алоқа қиладиган кичик заррачалари оралик қувват ёки тирик мавжудотлар деб аталади.

Шундай қилиб, оламнинг бирламчи яралишининг сабабчиси Худонинг Олий Шаҳси, Парамбраҳман, оламнинг бирламчи унсурларнинг ўзаро ҳаракати натижасида рўй берадиган иккиламчи яралишини эса, маъбуд Браҳма амалга оширади. Шу тарика бутун моддий олам ҳаракатга келади.

Текст 4.

Тирик мавжудотлар Парвардигорнинг қонунларига бўйсуниб ҳаракат қилганларида тўғри яшаётган бўладилар. Шу тарзда улар Худонинг Олий Шаҳсининг химояси остида тўла мамнуният ҳосил қиладилар. Ману ва унинг қонунлари одамларнинг ҳаётини тўғри йўлга солиш учун яратилган. Ҳар қандай фаолиятни юзага келтирадиган куч – ўз меҳнатининг натижаларидан лаззатланиш истагидир.

Изоҳ: Парвардигорнинг амри билан моддий олам яратилади, маълум вақт мобайнида мавжуд бўлиб туради, кейин яна яқсон бўлади. Аввалига Парвардигор Вишну Ўзининг намоён этган биринчи ва иккинчи қиёфаларида моддий оламнинг таркибий қисмларини ва иккиламчи бунёдкорни – маъбуд Браҳмани яратади. Пурушанинг биринчи намоён этган қиёфаси – Маха-Вишну, иккинчи қиёфаси – маъбуд Браҳмани яратадиган Гарбходакашайи Вишну. Учинчи пуруша-аватара – коинотда мавжуд бўлган барча тирик мавжудотларнинг Олий Руҳи бўлган ва маъбуд Браҳма яратган оламнинг мавжудлигини таъминлаб турадиган Кширодакашайи Вишну. Маъбуд Браҳманинг кўплаб ўғилларидан бири бўлган маъбуд Шива оламни яқсон қилади. Шундай қилиб оламнинг бирламчи яратувчиси Вишну ҳисобланади, коинотда мавжуд бўлган барча тирик мавжудотларнинг ҳаётини ҳам Ўзининг бесабаб марҳамати билан Унинг Ўзи таъминлаб туради. Шунинг учун барча шартлан-

ган рухларнинг бурчи – Парвардигорнинг буюклигини тан олиш ва ҳар қадамда хавф-хатар ва мусибат таъдид солиб турадиган бу оламда осойишталикка эришиб Унинг асл содиқ хизматкорлари бўлишдан иборат. Моддий оламни ўзларининг сезгиларини лаззатлантириш мумкин бўлган жой деб биладиган шартланган рухлар, бошқача қилиб айтганда, Вишнунинг ташқи қуввати адаштириб қўйган рухлар моддий табиат қонунлари – яралиш ва емирилиш қонунлари ҳукмига бўйсунган ҳолда моддий оламда такрор ва такрор туғилишга маҳкумдирлар.

"Бхагавад-гита"да айтилганки, коинотдаги энг олий сайёрадан то энг куйи, Паталалокагача бўлган барча сайёралар яқсон бўладилар, шартланган рухлар ўзларининг яхши ёки ёмон фаолиятининг натижаларидан фойдаланиб, ёки замонавий космик кемалар ёрдамида коинот бўйлаб қанча вақт сайр қилиб юрмасинлар, гарчи турли сайёраларда тирик мавжудотлар ҳар хил узокликда умр кўрсалар ҳам – барибир ўлимдан қочиб қутула олмайдилар. Мангу ҳаётга эришишнинг ягона йўли – тирик мавжудотни моддий оламдагидай таъқиб қилиб юрадиган туғилиш ҳам, ўлиш ҳам мавжуд бўлмаган Парвардигорнинг салтанатига, ўзларининг мангу уйига қайтишдан иборат. Ваикунтҳанинг Парвардигори билан ўзаро муносабатларини эсдан чиқарган шартланган рухлар мана шу оддий ҳақиқатни билмайдилар ва шунинг учун моддий оламда барҳаётликка эришишга уриниб юрадилар. Ташқи қувват адаштириб қўйгани сабабли улар, ўзларининг ҳақиқий вазифаси – ўзларининг уйига, Худонинг даргоҳига қайтиш эканини эсдан чиқариб, иқтисодий ва диний фаолиятнинг турли кўринишлари билан машғул бўладилар. Майа тирик мавжудотларни ана шу ҳақиқатни бутунлай эсдан чиқариб юборишга мажбур қиладики, улар Худонинг даргоҳига қайтишни умуман истамайдилар. Ҳиссий лаззат изидан қувиш уларни такрор ва такрор туғилиш ва ўлишга маҳкум этади. Шу тариқа улар Вишнуга қайтиш имкониятини қўлдан бой бериб, нодир инсон умрини бекорга хазон қиладилар. Манунинг ҳар хил давр ва замонлар учун ўрнатилган қонун ва қоидалари тўпланган муқаддас китоблар сад-дҳарма – инсонларга тўғри йўлни кўрсатадиган қўлланма деб аталади ва улар ўзларининг бахт-саодати учун, инсон бўлиб яшашдан кўзланган мақсадга эришиш учун барча муқаддас китобларнинг қонун-қоидаларига амал қилиб яшашлари лозим. Моддий олам сароб эмас, бу олам вақтинча намоён бўлиб туради ва унинг бирдан бир вазифаси – шартланган рухларнинг Худонинг даргоҳига қайтишига имкон беришдан иборат. Худонинг даргоҳига қайтиш истаги ва ана шу мақсадга

эришишга ёрдам берадиган ҳар қандай фаолият тўғри фаолиятдир. Ўзларининг ҳаётини ана шу кўрсатмалар асосида ташкил этадиган содиқлар Парвардигорнинг химояси остида бўлади, ўзларининг истагига қараб яшайдиган имонсиз кишилар эса, ўз фаолиятининг оқибатларига ўралиб қоладилар. Шу жиҳатдан сад-дҳарма ибораси алоҳида муҳим аҳамиятга эга. Сад-дҳарма, яъни, Худонинг даргоҳига қайтиш ва шу йўл билан Унинг асл содиқ хизматкори бўлиш учун бажариш лозим бўлган вазифалар – том маънодаги бирдан-бир шарофатли фаолиятдир; фаолиятнинг бошқа барча турлари савоб ишлар бўлиб кўриниши мумкин, лекин аслида ундай эмас. Фақат шу сабабли "Бхагавад-гита"да Парвардигор бизни ҳар қандай диний ишларни тарк этишга ва ўзини бутунлай Худога садоқат билан хизмат қилишга бағишлашга, шу йўл билан хавф-хатарларга тўла бу моддий оламда яшаш билан боғлиқ бўлган барча ташвишлардан халос бўлишга чорлайди. Сад-дҳарма қонунлари доирасида фаолият кўрсатиб юрган киши тўғри йўлда юрган киши ҳисобланади. Биз моддий оламда вақтинча фойдаланиш учун яхши ёки ёмон таналар олиб, бизни такрор ва такрор туғилиш ва ўлишга маҳкум этадиган туғилиш ва ўлиш қонунлари ҳукми остидан чиқиб, ўз уйимизга, Худонинг даргоҳига қайтишга интилишимиз лозим. Сад-дҳарманинг барча қоиди ва чеклашларига амал қиладиган киши ўзининг, инсонни бошқа пасткаш мавжудотлардан ажратиб турадиган юксак тафаккурини намойиш этган бўлади, шу боис ҳар бир инсон ўзининг ҳаётини ана шу қонун-қоидалар асосида ташкил этиши лозим.

Текст 5

Худо ҳақидаги илм Худо Шахсининг намоён бўлган қиёфалари ва Унинг кўрсатган кароматлари, шунингдек, Унинг буюк содиқларининг кароматларини таърифлаб беради.

Изоҳ: Олам мавжуд бўлиб турган вақт мобайнида бўлиб ўтган воқеалар тирик мавжудотларнинг фаолияти ҳақида ҳикоя қиладиган тарихий хроникаларда ёзилади. Одатда одамлар тарихни ўрганишга ва ўтган даврларда бўлиб ўтган воқеалар ва тарихий шахслар ҳақида ўқишга қизиқадилар, лекин, бахтга қарши, Худо ҳақидаги илмий маълумотлари етишмагани сабабли улар Худо Шахсининг бу дунёда намоён бўлишлари тарихини ўрганишга қизиқмайдилар. Лекин биз ҳамиша шуни эсда сақлашимиз лозимки, моддий олам шартланган рухларни қутқариб олиш учун яратилган. Меҳрибон Парвардигор Ўзининг бесабаб марҳамати билан моддий оламнинг турли сайёраларига ташриф

буюради ва шартланган руҳларни қутқариш учун зарур бўлган ҳамма ишларни қилади. Шу боис, аслини олганда фақат Парвардигорнинг кўрсатган кароматлари ҳақида ҳикоя қиладиган ҳикояларни ва тарихий хронгикаларни ўқиш лозим. “Шримад Бхагаватам”да Парвардигор билан Унинг буюк содиқларининг ўзаро муносабатлари ҳақидаги илоҳий ҳикоялар тўпланган, шу боис бизлар Парвардигор ва Унинг содиқлари ҳақидаги ана шу ҳикояларни эҳтиром билан тинглашимиз лозим.

Текст 6

Тирик мавжудот ўзининг шартланишга мойиллик хусусияти билан бирга сеҳрли уйқуга ғарқ бўлган Маха-Вишнунинг борлиғига қўшилиб кетганида, бу жараён космик оламнинг тамом(яксон) бўлиши деб аталади. Озодликка эришиш – тирик мавжудотнинг ҳамиша ўзгариб турадиган кўпол ва нафис моддий таналарини ташлаб, ўзининг ўзгармас мангу қиёфасига қайтишидир.

Изоҳ: Тирик мавжудотлар икки тоифага мансуб бўлишини биз бир неча бор тушунтирдик. Тирик мавжудотларнинг кўпчилик қисмини мангу озод руҳлар, яъни нитя-мукталар ташкил қилади, лекин тирик мавжудотларнинг маълум бир қисми мангу шартланган ҳисобланадилар. Мангу шартланган руҳларнинг табиатида моддий табиат устидан ҳукмронлик қилишга интилиш хусусияти бор, шунинг учун моддий оламни яратишдан бирданига икки мақсад кўзланади. Биринчиси – шартланган руҳга ўзининг оламга ҳукмронлик қилиш хусусиятини намоён этиш имконини бериш, иккинчи мақсад – унга Худонинг даргоҳига қайтиш имконини бериш. Космик олам яксон бўлгандан кейин шартланган руҳларнинг кўпчилиги Худо Шахсининг, сеҳрли уйқуга ётган Маха-Вишнунинг борлиғига ғарқ бўладилар ва олам яралишининг янги цикли бошланиб, яна тана олиш имкониятига эга бўлгунча шу ҳолатда қолиб кетадилар. Лекин, ведавий муқаддас китоблар кўринишидаги илоҳий товушларнинг кўрсатмаларига амал қилиб юрган шартланган руҳлар Худонинг даргоҳига қайтадилар ва шартланган кўпол ва нафис моддий таналарини тарк этиб, ўзларининг руҳий таналарига эга бўладилар. Шартланган руҳнинг моддий танаси у ўзининг Парвардигор билан ўзаро муносабатларини эсдан чиқаргани сабабли ривожланади, шу боис, моддий оламнинг намоён бўлган босқичида шартланган руҳлар агар ёрдам сўраб Парвардигор бесабаб марҳамати билан ўзининг турли қиёфаларида нозил қилган муқаддас китобларга мурожат қилсалар, ўзларининг бошланғич табиий ҳолатига қайтиш имкониятига эга бўладилар.

Илоҳий китобларни ўқиш ёки тинглаш инсонга ҳатто моддий оламдаги шартланган ҳолатида ҳам руҳий озодликка эришиш имконини беради. Ведавий битикларнинг ҳаммаси инсонни Худо Шахсига садоқат билан хизмат қилиш йўлига бошлайди, Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлига кирган киши шу заҳотиёқ шартланган ҳаётдан озодликка чиқади. Кўпол ва нафис моддий тананинг мавжуд бўлишига сабаб - шартланган руҳнинг ғофиллигидир, шу боис руҳ Худога садоқат билан хизмат қилишга киришган заҳоти ўзининг шартланганлик ҳолатидан халос бўлиш имконига эга бўлади. Худога садоқат билан хизмат қилиш – барча лаззат ва ширин туйғу(таъм)лар манбаи бўлган Парвардигорга илоҳий боғланишидир. Барча тирик мавжудотлар лаззатланишга интиладилар, лекин улар барча лаззатларнинг бошланғич манбаини билмайдилар(расо ваи саҳ расам хй эвайам лабдхвананди бхвати). Бу ҳақдаги маълумотлар ведавий мадҳияларда берилган, уларда айтилганки, барча лаззатларнинг туганмас манбаи Худо Шахсидир ва “Шримад Бхагаватам” ва бошқа илоҳий битиклардан шу сирни билин олиш бахтига муяссар бўлган киши мангу озодликка эришади ва Парвардигорнинг салтанатида ўзининг ўрнини эгаллайди.

Текст 7

Моддий оламнинг бошланғич манбаи, унинг паноҳ жойи ва яксон бўлишига Олий Зот ёки Олий Руҳ деб аталадиган Парвардигордир сабабчи. У – бутун борлиқнинг Олий Манбаи, Мутлақ Ҳақиқатдир.

Изоҳ: “Шримад Бхагаватам”нинг бошида тушунтирилганидек, барча қувватларнинг бошланғич манбаининг синоними джанмадй асйа йатах, шунингдек, ваданти тат таттва-видас таттвам йадж джнанам адвайам/ брахмети параматмети бхагаван ити шабдйате ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, Уни Парамбраҳма, Параматма ва Бхагаван деб атайдилар. Мазкур шеърда ишлатилган ити ибораси синонимлар қаторини яқунлайди ва Бхагаваннинг ҳал қилувчи ролини алоҳида таъкидлайди. Бу кейинги шеърларда батафсилроқ тушунтирилади, лекин охирида Бхагаван деганда Парвардигор Кришна назарда тутилади, чунки “Шримад Бхагаватам” Кришна - Худонинг Олий Шахси эканини тан олиб қўйибди: кришнас ту бхагаван свайам. Барча қувватларнинг бошланғич манбаи, суммум бонум, - , Парамбраҳма ва хоказо деб аталадиган Мутлақ Ҳақиқатдир. Лекин, ҳатто “Бхагаван” иборасининг Нарайана, Вишну, Пуруша ва бошқа синонимлари қаторида ҳам “Кришна” ибораси охирида турибди, бу ҳақиқат “Бхагавад-гита”да ҳам тасдиқланади: ахам сарвасйа праб-

хаво ва ҳоказо. Бундан ташқари, "Шримад Бхагаватам" Парвардигорнинг товуш шаклида намоён бўлган кўриниши сифатида Парвардигор Кришнанинг тимсоли ҳисобланади.

Кришне сва-дхамопагате дхарма-дженанадибхиҳ саха калау нашта-дришам эшаҳ пуранарко “дхунодитаҳ ("Шримад Бхагаватам".1.3.43)

Шундай қилиб, муқаддас китоблар тасдиқлайдиларки, Парвардигор Кришна -барча қувватларнинг бошланғич манбаи, “Кришна” иборасининг мазмуни шундан иборат, Кришна ким эканини тушунтириш, яъни, Кришна ҳақидаги илмни ўргатиш учун эса, "Шримад Бхагаватам" нозил бўлган. "Шримад Бхагаватам"нинг биринчи қўшиғида бу ҳақиқат Шаунака бошлиқ буюк донишмандларнинг саволларида ва Сута Госвамиининг уларга берган ва "Шримад Бхагаватам"нинг Биринчи қўшиқ биринчи ва иккинчи бобларида баён этилган жавобларида ифодаланган. Биринчи қўшиқнинг учинчи бобида бу масала батафсилроқ таҳлил қилинади, тўртинчи бобда эса яна ҳам батафсилроқ ишлаб чиқилган. Иккинчи қўшиқда Мутлак Ҳақиқатнинг шахсий жиҳатига яна ҳам каттароқ аҳамият берилади, унда айтилганки, Парвардигор Кришна Худо Шахсидир. Аввал айтганимиздек, тўрт шеърда ифодаланган "Шримад Бхагаватам"нинг мазмуни жуда қисқа баён этилган. Худонинг Олий Шахси тушунчасини маъбуд Браҳма ўзининг “Браҳма-самхита” асарида тасдиқлайди: Ишвараҳ парамах кришнаҳ сач-чид-ананда-виграхах. Унинг бу таърифига "Шримад Бхагаватам"нинг Учинчи қўшиғида яқун ясалади ва бу мавзу "Шримад Бхагаватам"нинг Ўнинчи ва Ўн биринчи қўшиқларида батафсил таҳлил қилинади. Парвардигор Кришна Манулар алмашуви яъни манвантаралар муҳокама қилинганда ҳам эслаб ўтилади, масалан, "Шримад Бхагаватам"нинг Учинчи, Тўртинчи, Бешинчи, Олтинчи ва Еттинчи қўшиқларида Свайамбхува-манвантара ва Чакшуша-манвантара таърифланганда. Саккинчи қўшиқда Ваивасвата-манвантара таърифланганда бу мавзу билвосита муҳокама қилинган, Тўққизинчи қўшиқда ҳам бу ҳақда гапирилади. Ўн иккинчи қўшиқда бу мавзу, айниқса Парвардигорнинг намоён бўлган қиёфалари, яна ҳам чуқурроқ таҳлил қилинган. Шундай қилиб, "Шримад Бхагаватам"ни ўрганиш Парвардигор Шри Кришна суммум бонум, барча қувватларнинг олий манбаи эканига ҳеч қандай шубҳа қолдирмайди. Унга сиғинадиган ва турли тоифаларга мансуб кишилар Уни ҳар хил номлар билан атайдилар ва бу номларга турлича маъно берадилар: Нарайана, Браҳман, Параматма ва ҳоказо.

Текст 8.

Ҳар хил сезги аъзоларига эга бўлган алоҳида шахс адхйатмика деб аталади, сезгиларни бошқариб турадиган алоҳида илоҳ эса, адхидавика деб аталади. Кўзимизга кўринадиган қиёфалар эса, адхихаутика деб аталади.

Изоҳ: Олий ҳокимиятга эга бўлган суммум бонум Худонинг Олий Шахсининг тўла намоён бўлган қисми – Параматма яъни Олий Рух. "Бхагавад-гита"(10.42)да шундай дейилган:

Атхава бахунаитена ким дженатена таварджуна Виштабхйахам идам критснам экашена стхито джагат

Бу оламдаги барча ҳукмдор илоҳлар, шу жумладан Вишну, Браҳма ва Шива - Худонинг Олий Шахси Шри Кришнанинг намоён бўлган кўринишларидан бири бўлган Параматманинг намоён этган турли кўринишларидир. Намоён этган ана шундай қиёфаларида Параматма Парвардигор яратган ҳар бир коинот ичига қиради. Лекин шунга қарамай, ўз-ўзидан маълумки, назорат қилувчи ва назорат остидаги зотлар, яъни, ҳукмдор ва бўйсунган зотлар тушунчалари мавжуд. Масалан, овқатнинг таркибини текшириш тизимидаунинг сифатини текширадиган киши ҳам ана шу овқатни тайёрлаган киши таркиб топган унсурлардан таркиб топган. Худди шундай, моддий оламдаги ҳар бир тирик мавжудот фаришталарнинг ҳукми остида бўлади. Масалан, бизларнинг сезги аъзоларимиз бор, лекин улар олий кучларнинг – оламни бошқариб турган илоҳларнинг ҳукми остида. Бизлар ёруғлик бўлмаса кўра олмаймиз, барча ёруғлик манбалари эса, охир-оқибатда Қуёшга қарам. Қуёш сайёрасини Қуёш фариштаси бошқариб туради, демак, одамларнинг ва ер юзидаги бошқа барча тирик мавжудотларнинг кўриш қобилияти Қуёш фариштасининг ҳукми остида. Худди шундай, қолган бошқа сезги аъзолари ҳам худди бизларга ўхшаган тирик мавжудотлар бўлган фаришталар ҳукми остида бўлади, шунчаки уларга ҳокимият берилган, бизлар эса, уларга тобемиз. Бўйсунган ҳолатдаги тирик мавжудот адхйатмика-пуруша деб аталади, ҳукмрон тирик мавжудот эса – адхидавика-пуруша деб аталади. Уларнинг моддий оламда эгаллаб турган ҳолатларининг бир биридан фарқи уларнинг кармали фаолиятига боғлиқ бўлади. Етарлича савоб ишлар қилиб ҳар қандай тирик мавжудотлар Қуёш фариштаси ёки ҳатто маъбуд Браҳма ёки олий сайёралар тизимида бошқа бирор фаришта бўлиши мумкин, пастроқ даражадаги кармали фолият билан машғул бўлиб юрган кишилар эса, ўзидан юкори турадиган фаришталар ҳукми остида бўлади. Шундай қилиб, охир-оқибатда барча тирик мавжудотлар тирик мавжудотлар қандай ҳолатда – ҳукмронми ёки бўйсунганми - бўлишини белги-

лайдиган Параматманинг олий ҳукмига бўйсунган бўлади.

Ҳукмрон зот бўйсунган зотдан ўзининг адхибхаутика-пуруша деб аталадиган моддий танаси билан фарқ қилади. Тана баъзан пуруша деб аталади, бу қуйидаги ведавий мадҳияда тасдиқланади: са ва эша пурушо “нна расамайах. Моддий танани анна-расанинг намоён бўлган қиёфаси деб ҳам атайдилар, чунки у озикланишга муҳтож. Унинг ичига қамалган тирик мавжудотнинг ўзи ҳеч нарса емайди, чунки тананинг эгаси рухий табиатга эга. Лекин моддий тана – емириладиган қурилма бўлиб, ташқаридан модда киритилишига муҳтож бўлади. Шундай қилиб оддий тирик мавжудотлар сайёраларни бошқариб турадиган фақат ўзларининг анна-расамайа танаси билан фарқ қиладилар. Қуёш баҳайбат танага эга, инсоннинг танаси эса анча кичик, лекин, кўзга кўринадиган таналарнинг ҳаммаси моддадан таркиб топган. Лекин, ўзаро ҳукмдор ва бўйсунган зот муносабатида бўлган қуёш фариштаси ҳам, оддий инсон ҳам, аслини олганда Олий Зотнинг бир хил рухий заррачаларидир, айнан Олий Зотнинг Ўзи Ўзининг турли заррачаларини ҳар хил ҳолатларга солиб қўяди. Шунинг учун Олий Шахс барча тирик мавжудотларнинг паноҳ ва нажот макони ҳисобланади.

текст 9

Юқорида санаб ўтилган уч тоифа тирик мавжудотларнинг ҳаммаси бир бирига ўзаро боғланган. Улардан бирортасининг йўқлиги бошқаларини сезилмайдиган қилиб қўяди. Лекин Парвардигор уларнинг ҳар бирини алоҳида кўриб туради, чунки У ҳеч кимга боғлиқ(қарам) эмас. Шунинг учун У бутун борлиқнинг охири нажот макони ҳисобланади.

Изоҳ: Бир бири билан ўзаро назорат қилувчи ва назорат остидаги зотлар муносабати билан боғланган сон-саноксиз тирик мавжудотлар бор. Лекин, агар сезиш қобилияти бўлмаса, ким назорат остидаю, ким назорат қилувчи эканини билиб ёки тушуниб олишнинг иложи бўлмасди. Масалан, қуёш бизларнинг кўриш қобилиятимизни назорат қилиб туради, бизлар қуёшни кўрамиз, чунки унинг танаси бор, қуёш нури эса, бизларнинг кўзларимиз бор бўлгани учунгина аҳамиятга эга. Агар кўзларимиз бўлмаса, бизлар учун қуёш нурининг ҳеч қандай фойдаси бўлмасди, агар қуёш нури бўлмаса, кўзлар ҳам бефойда бўлиб қолади. Шундай қилиб, бу уч тоифа мавжудотлар бир бирига чамбарчас боғлиқ бўлиб, улардан бирортаси мустақил эмас. Шундай савол туғилиши табиий: ким уларни бир бирига боғлиқ қилиб қўйган?

Уларни бир бирига ўзаро боғлиқ қилиб яратган Зотнинг ўзи оқибат натижада бутунлай мустақил бўлиши керак. "Шримад Бхагаватам"нинг биринчи шеърида айтилганидай, бир бирига ўзаро боғлиқ бўлган барча объект(зот)ларнинг бошланғич манбаи мустақил субъект(Зот)дир. ҳар қандай боғланганликларнинг ана шу бошланғич манбаи Олий Ҳақиқат яъни, Параматма, бирор нарсага боғлиқ бўлмаган Олий Рухдир. У – свашрайашрайах. Бу дегани, У фақат Ўзига боғлиқ, шу боис У – бутун борлиқнинг нажот макони. Лекин Параматма ва Брахман Бхагаванга бўйсунган, чунки Бхагаван Пурушоттама, яъни, Олий Шахс. "Бхагавад-гита"(15.18)да Парвардигор Кришна айтадики, У – Пурушоттама ва бутун борлиқнинг манбаи. Бундан келиб чиқадики, бутун борлиқнинг, шу жумладан Олий Рух ва Олий Брахманнинг ҳам, бошланғич манбаи ва охири нажот макони - Шри Кришна. Ҳатто, алоҳида рух билан Олий Рух бир биридан фарқ қилмайди деб ҳисобласак ҳам, барибир, алоҳида рух моддий қувват алдовидан озодликка чиқишда ҳар жихатдан Олий Рухга қарам эканини тан олишга мажбур бўламиз. Алоҳида рух алдамчи қувват чангалида тутқун ҳолатда, шу боис у сифат жиъатдан Олий Рухдан фарқ қилмаса ҳам, алданиш домига тушиб қолган ва ўзини моддага қиёслаб юрибди. Ҳақиқий ҳаёт ҳақидаги ана шундай сохта тасаввурлардан халос бўлиш учун алоҳида рух ўз ихтиёрини Олий Рухга топшириши лозим. Фақат шундагина уни Олий Рух билан бир деб ҳисоблаш мумкин. Ҳеч шубҳа йўқки, мана шу маънода Олий Рух энг олий нажот макони ҳисобланади.

Алоҳида тирик мавжудот(джива) ҳамиша Олий Рух(параматма)га боғлиқ, чунки алоҳида рух ўзининг асл табиатини эсдан чиқариб юборди, Олий Рух(Параматма) эса, ҳамиша Ўзининг илохий ҳолатини англаб туради. "Бхагавад-гита"да джива-атма билан Параматманинг ҳолатларидаги ана шу фарқ алоҳида таъкидлаб кўрсатилган. "Бхагавад-гита"нинг тўртинчи бобида айтилганки, Аржун(джива) ўзининг аввалги сон-саноксиз туғилишларини эсдан чиқариб юборган, лекин Парвардигор, Олий Рух уларнинг ҳаммасини эслайди. Парвардигор ҳатто миллиард йил олдин "Бхагавад-гита" илмини Қуёш фариштасига айтиб берганини ҳам эслайди.пр миллион, миллиард йиллар олдин бўлиб ўтган воқеа-ҳодисаларни эсида саклайди. "Бхагавад-гита"(7.26)да бу ҳақда Унинг Ўзи шундай дейди:

Ведахам саматитани вартаманани чарджуна

Бхавишийани ча бхутани мам ту веда на кашчана

Парвардигор Ўзининг илм ва лаззатга тўла мангу танасида аввал бўлиб ўтган, ҳозир рўй бераётган ва келажакда рўй берадиган ҳамма нарсани

билади. У Параматманинг ҳам, Брахманнинг ҳам нажот макони эканига қарамай, илми саёз одамлар Унинг аст табиатини англаб етолмайдилар.

Алоҳида руҳнинг онги космик онг билан бир деган гаплар умуман асоссиз, чунки ҳатто Аржун сингари инсон(алоҳида руҳ) ҳам, ҳамиша Парвардигорнинг ёнида юрганига қарамасдан, ўзининг аввал қилган ишларини эслай олмайди. Шундай экан, космик онгга эгалик қилишни даъво қилаётган арзимаган оддий одамлар ўзларининг ўтмиши, ҳозир ва келажаги ҳақида нимани ҳам биладилар?

Текст 10

Парвардигорнинг, биринчи пуруша-аватаранинг дунёга келадиган жойи - Сабаблар уммонидан чиққан баҳайбат фазовий қиёфаси(Маха-Вишну) коинотларни бир бирдан ажратиб олиб, Ўзи яратган (Гарбходака) уммонининг илоҳий сувлари устида ётишни истаб, уларнинг ҳар бирининг ичига кирди.

Изоҳ: Алоҳида руҳларнинг ва Парвардигорнинг, бошқа барча тирик мавжудотларнинг мустақил манбаи бўлган Параматманинг ҳолатини таҳлил қилиб, Шрила Шукадева Госвами энди барча тирик мавжудотларнинг бирдан бир бурчи - Худода садоқат билан хизмат қилиш биринчи даражада муҳим эканини тушунтира бошлайди. Парвардигор Шри Кришна ва Унинг тўла қисмлари, тўлиқ қисмларининг экспансиялари бир бирдан фарқ қилмайди, шунинг учун уларнинг ҳаммаси олий даражада мустақилликка эга. Буни исботлаш учун Шукадева Госвами мазкур шеърда Парвардигорнинг мустақиллигини – ҳатто Худо Шахсининг пуруша-аватараси моддий оламда намоён этган мустақиллигини таърифлайди. Парвардигорнинг мазкур шеърда баён этилган кароматлари илоҳий табиатга эга, шунинг учун улар ҳам лила, яъни мутлақ Парвардигорнинг эрмаклари ҳисобланади. Парвардигорнинг эрмаклари ҳақида тинглаш Худода садоқат билан хизмат қилиш йўлидан бораётган кишилар учун фойдали, чунки бу уларнинг ўзларини англаб етишига ёрдам беради. Кимдир савол бериши мумкин: нимага унда дарров Парвардигорнинг Матхура ва Вриндаванда намоён этган, бу дунёда ундан ҳам лаззатлироқ нарса бўлмаган илоҳий эрмакларига ўтиб кўя қолмаймиз? Шрила Вишванатха Чакраварти Тхакур бунга жавобан айтганки, Парвардигорнинг Вриндавандаги лаззатли эрмакларидан фақат Худода садоқат билан хизмат қилишда етарлича юқори поғонага кўтарилган кишиларгина лаззатлана оладилар. Тажрибасиз содиқлар Парвардигорнинг бу улуғвор илоҳий эрмакларини

ни тўғри тушунишга қодир эмаслар, шунинг учун пракрити-бхакталар, яъни Парвардигорнинг моддий онгга эга бўлган содиқларига Парвардигорнинг моддий оламини яратиш, унинг мавжудлигини таъминлаб туриш ва яқсон қилиш билан боғлиқ бўлган эрмаклари ҳақиқий лаззат келтиради. Худди, жисмоний машқларга асосланган йога тизимлари асосан жисмоний мавжудлигига қаттиқ боғланиб қолган кишилар учун мўлжаллангани сингари, Парвардигорнинг моддий оламини яратиш ва яқсон қилиш билан боғлиқ эрмаклари ҳам, моддий оламга қаттиқ боғланиб қолган кишилар учун мўлжалланган. Ана шундай дунёвий одамлар учун олий ҳукмдор, Худо Шахси тушунчаси ҳатто Парвардигор ўрнатиб қўйган физик қонунлар қандай қилиб коинотнинг ва моддий тананинг фаолиятини бошқариб туришини тушунтирадиган қоидаларни ҳам ўз ичига олади. Моддий табиат қонунларининг қандай ҳаракат қилишини тушунтирар экан, олимлар сон-саноксиз махсус иборалардан фойдаланадилар, лекин, калтафаҳмлиги сабабли, ана шу қонуенларни ким яратиб қўйганини умуман эсдан чиқариб юборадилар. Лекин, "Шримад Бхагаватам" бизга ана шу қонунларни ўрнатиб қўйган Зотни кўрсатади. Бирор моторнинг ёки динамомашинанинг чигал қурилмасини кўриб ҳайратланиш камчил қилади, биринчи навбатда ана шундай ажойиб мураккаб машинани яратган зотнинг иқтидорига муносиб баҳо бериш керак. Худонинг содиқлари моддий табиат қонунларини бошқариб турган Парвардигорни бетиним олқишлайдилар. "Бхагавадгита"(9.10)да Парвардигор қандай қилиб моддий табиатни бошқариб туриши таърифланган:

Майадхйакишена пракритих суйате сачарачарам Хетунанена каунтейа джагад випаривартате

“Моддий табиат ўзининг барча физик қонунлари билан биргаликда – Менинг сон-саноксиз қувватларимдан биридир; демак, уни мустақил ёки ўзидан ўзи ҳаракат қилади деб ўйламаслик керак. Чексиз илоҳий қудратга эга бўлган ҳолда Мен моддий табиатга ташлаган биргина нигоҳим билан уни ана шундай мукамал ҳолда бошқариб турадиган қонунларни ҳаракатга келтираман. Физик қонунларнинг амал қилишини таъминлаб турадиган куч – Мен бўламан. Шу тарзда моддий олам такрор ва такрор яратилади, мавжуд бўлиб туради ва яқсон бўлади”.

Лекин илми саёз калтафаҳм одамлар алоҳида организмнинг ёки бутун коинотнинг ҳаёт фаолиятини бошқариб турадиган физика қонунларини ўрганар эканлар, уларнинг мукамаллигини кўриб ҳайратга тушадилар ва нордонлиги сабабли, физика қонунлари мустақил экани, уларни бошқариб турган ҳеч қандай илоҳий онг йўқлиги ўзидан ўзи кўриниб турибди

деб ҳисоблаб, Худонинг борлигини инкор эта бошлайдилар. Ана шундай нодонларга “Бхагавад-гита”(9.11)да шундай жавоб берилган: *Аваджананти мам мудха манушам танум аширитам Парам бхавам аджананто мама бхута-махешварам* “**Нодон(мудха) одамлар илм ва лаззатга тўла мангу қиёфага эга бўлган Худо Шахси ҳақида ҳеч нарса билмайдилар**”. Нодон одам Парвардигорнинг илоҳий танасини ўзининг танасига ўхшаган тана деб ҳисоблайди, шу боис физик қонунларнинг фаолиятида иштирок этиши кўринмай турган Парвардигорнинг қанчалик чексиз қудратга эга эканини тасаввур қила олмайди. Лекин, Парвардигорнинг Ўзи, ички қуввати ёрдамида Ер юзига тшариф буюрганида Уни ҳар қандай инсон ҳам яққол кўра олади. Парвардигор Кришна Ер юзида Ўзининг бошланғич азалий қиёфасида пайдо бўлди ва бу ерда фақат Парвардигор қодир бўлган жуда кўп ҳайратланарли қахрамонликлар кўрсатди. Унинг ҳайратли кароматлари ва илоҳий илми “Бхагавад-гита”да таърифланган. Шунга карамай, нодон одамлар Кришна ягона Парвардигор эканини тан олишдан бош тортадилар. Одатда уларни Парвардигорнинг чексиз катта ва чекиз кичик намоён бўлган кўринишлари қизиқтиради, чунки уларнинг ўзлари на чексиз кичик бўлиш, на чексиз катта бўлишга қодир эмаслар. Лекин, улар Парвардигорнинг олий мукамаллиги Унинг чексиз катта ёки чексиз кичик бўла олишида эканини билиб кўйсалар ёмон бўлмасди. Ўзининг энг ҳайратланарли кўринишини Парвардигор Ўзини бизнинг олдимизда худди бизлардан биримизга ўхшаган қиёфада намоён этганда кўрсатади. Лекин шунда ҳам Унинг кароматлари чекланган тирик мавжудотларнинг кароматларидан фарқ қилади. Етти ёшлик пайтида У катта тоғни кўтарган, балоғатга етган пайтида эса, ўн олти минг маликага уйланган, - Парвардигорнинг анмоён этган чексиз қудратининг баъзи бирлари шундан иборат, лекин шунга карамай, мудхалар, ҳатто Унинг кароматларини кузатиб ёки улар ҳақида тинглаб туриб ҳам, уларни шунчаки эртак деб, Парвардигорни оддий одамлардан бири деб қабул қиладилар. Улар Ўз хоҳиши билан инсон танасида намоён бўлган Парвардигор Кришна барибир ягоан Парвардигор бўлиб қолаверишини ва олий ҳукмдорга хос бўлган чексиз қудратга эга эканини тушуна олмайдилар.

Лекин, агар мудхалар Парвардигорнинг “Шримад Бхагаватам”да ёки “Бхагавад-гита”да берилган ва шогирдлар силсиласи орқали авлоддан-авлодга ўтиб келаётган насиҳатларига камтарлик билан қулоқ солсалар, Унинг асл содиқларининг марҳамати билан улар ҳам Худонинг содиқлари бўла оладилар. Парвардигорнинг моддий оламдаги эрмаклари фақат бир

мақсадда – бу дунёдаги гофил одамларга илоҳий илмдан хабар бериш мақсадида “Бхагавад-гита” ва “Шримад Бхагаватам”да таърифлаб берилган.

Текст 11

Парвардигор шахсиятсиз Зот эмас. Шубҳасиз У – нара, шахс. Шунинг учун Олий Нара яратган илоҳий сувлар нара деб, ана шу сув устида ястаниб ётган Унинг Ўзини эса, Нарайана деб атайдилар.

Текст 12

Шуни яхши билиб олиш лозимки, оламнинг моддий таркибий қисмлари, фаолият, вақт, гуналар, шунингдек, шуларнинг ҳаммасидан лаззатланиш учун яратилган тирик мавжудотлар фақат Худонинг марҳамати билангина мавжуд бўлиб турадилар, Парвардигор улар ҳақида ғамхўрлик қилишни тарк этган заҳоти уларнинг ҳаммаси йўқликка равона бўладилар.

Изоҳ: Тирик мавжудотлар моддий табиат устидан ўқмронлик қилишга интилаётганлари туйғули моддий нарсалар, вақт, гуналар ва ҳоказо нарсалар билан лаззатланадилар. Лекин Олий лаззатланувчи Зот Парвардигордир, тирик мавжудотлар эса – Парвардигорнинг лаззатланишига ёрдам бериш ва бу билан бутун борлиқнинг биргаликда илоҳий лаззатланишида иштирок этиш учун яратилган. Лаззат бераётган зот ҳам, лаззатланаётган зот ҳам лаззатланадилар, лекин алдамчи қувват адаштириб қўйган тирик мавжудотлар ўзлари ҳам, гарчи бунинг учун яратилмаган бўлсалар ҳам, худди Парвардигордай лаззатланувчи зот бўлишни истайдилар. “Бхагавад-гита”да айтилганки, дживалар(тирик мавжудотлар) Парвардигорнинг олий табиати(парапракрити)га мансуб зотлардир. Бу ҳақиқат “Вишну пурана”да ҳам тасдиқланади. Шундай қилиб, тирик мавжудотлар ёч қачон пуруша, лаззатланувчи бўла олмайдилар, демак, тирик мавжудотларга хос бўлган моддий оламда лаззатланишга интилиш туйғуси уларнинг асл табиатига мос келмайди. Рухий оламдаги тирик мавжудотлар ўзларининг табиий, асл ҳолатидалар, шу боис улар Парвардигорнинг лаззатли эрмакларида иштирок этадилар. Моддий оламда моддий табиат қонунлари таъсири остида тирик мавжудотлар аста-секин ўз фаолиятининг натижалари(карма)дан лаззатланишга интилиш туйғусини йўқота борадилар, шунда алдамчи қувват шартланган руҳларнинг қулоғига улар Парвардигор билан қўшилиб кетиши лозимлигини шипшита бошлайди. Мана шу – алдамчи қувватнинг охириги тузоғидир. Тирик мавжудот Худонинг марҳамати билан ана шу алданишдан ҳам халос бўлганида, у ўзининг

асл ҳолатига қайтади ва ҳақиқий озодликка эришади. Тирик мавжудотларга модданинг чангалидан қутулиш имкониятини бериш учун Парвардигор Ўз истаги билан моддий оламни яратади, маълум вақт мобайнида унинг мавжудлигини таъминлаб туради, кейин эса, уни яна яксон қилади. Шундай қилиб, тирик мавжудотлар бутунлай Худонинг марҳаматига қарамдирлар, уларнинг замонавий илм-фан яратган барча лаззат ва қулайликлари Парвардигор истаган заҳоти бир зумда йўққа чиқади.

Текст 13

Сеҳрли уйқу тўшагида ястаниб ётар экан, Парвардигор биргина Ўзидан ранг-баранг тирик мавжудотларни намоён этиш истаги таъсири остида Ўзининг ташқи қуввати ёрдамида олтин рангли уруғлик тимсолини яратди.

Изоҳ: "Бхагавад-гита"(9.7-8)да моддий оламнинг яралиши ва яксон бўлиши шундай ифодаланади:

*Сарва-бхутани каунтейа пракритим йанти мамикам
Калпа-кишайе пунас тани калтадау висриджамй ахам
Пракритим свам аваштабхйа висриджами пунаҳ пунаҳ
Бхута-грамам имам критснам авашам пракритер вашат*

“Ҳар бир давр ниҳоясида бунёдкор кучлар, яъни моддий табиат ва унда тирикчилик учун курашиб юрган тирик мавжудотлар Парвардигорнинг илоҳий танасига ғарқ бўладилар, Парвардигорда яна уларни намоён этиш истаги пайдо бўлганида эса, Унинг амрига бўйсуниб, тирик мавжудотлар қайтадан дунёга келадилар. Шундай қилиб, моддий табиат Парвардигорнинг ҳукми остида ҳаракат қилади. Парвардигорнинг амри билан ва Унинг назорати остида моддий табиат тирик мавжудотларни такрор ва такрор яратади ва яксон қилади”.

Шундай қилиб, моддий олам яратилишидан олдин Парвардигор намоён бўлмаган қувватлар бирикмаси(маха-самашти) кўринишида мавжуд бўлади, кейин, кўплик бўлишни истаб, Парвардигор намоён бўлган қувватлар бирикмаси(самашти) кўринишида Ўзини кўпайтиради. Юқорида тушунтирилганидек (вйашти), ана шу қувват Парвардигорнинг уч тоифага – адхйатмика, адхидайвика ва адхибхаутика тоифасига мансуб бўлган алоҳида экспансияларининг пайдо бўлишини бошлаб бериб, намоён бўлишда давом этади. Шундай қилиб, бутун борлик ва бунёдкор қувватлар бир вақтнинг ўзида Парвардигор билан бир ва Ундан фарқ қилади. Ҳамма нарса Парвардигордан чиқади, шу маънода кос-

мик қувватлар У билан бир, лекин айни пайтда Парвардигордан чиққан бу қувватлар Ундан фарқ қиладилар, чунки Парвардигорнинг режаси бўйича уларнинг ҳар бирининг алоҳида ўз вазифаси бор ва ўзига хос равишда намоён бўлади. Тирик мавжудотлар Парвардигорнинг ана шундай қувватларидан бири ҳисобланади, шу боис улар бир вақтнинг ўзида Парвардигор билан бир ва Ундан фарқ қиладилар.

Моддий олам мавжудлигининг намоён бўлмаган босқичида ҳаёт қувватлари Парвардигорнинг ичида қувват ҳолатида мавжуд бўладилар, космик оламнинг намоён бўлган босқичида улар озодликка чиққанида эса, моддий табиатнинг турли гуналари таъсири остида ўзларининг истақларига мос равишда ҳар хил киёфаларга кирадилар. Ҳаёт қувватларининг ана шу намоён бўлган ранг-баранг кўриниши тирик мавжудотларнинг шартланган ҳолатини намоён этиши этади. Айни пайтда (санатана) руҳий оламдаги озодликка эришган тирик мавжудотлар – Парвардигорга бутунлай ўзларини топширган руҳлардир, шу боис яралиш ва яксон бўлиш қонуни уларга таъсир қилмайди. Шундай қилиб, олам сеҳрли уйқу тўшагида ястаниб ётган Парвардигорнинг нигоҳ ташлаши натижасида моддий олам пайдо бўлади. Моддий коинотлар уларни бошқариб турган маъбуд Брахмалар билан бирга шу тарзда дунёга келадилар ва яна мавҳумликка ғарқ бўладилар.

Текст 14

Энди мендан Олий Ҳукмдорнинг қуввати қандай қилиб ягона зотни юқорида таърифланган уч турли экспансияларга - ҳукмронлик қилувчи зотлар, бўйсунувчи зотлар ва моддий таналарга бўлиши ҳақида эшит.

Текст 15

Намоён бўлган Маха-Вишнунинг илоҳий танасида жойлашган осмондан сезгилар қуввати, ақл кучи, жисмоний куч, шунингдек ҳаёт қуввати бирикмасининг манбаи пайдо бўлди.

Текст 16

Худди шохнинг ҳамроҳлари ҳамиша ўз ҳукмдорлари билан бирга юргани сингари, барча тирик мавжудотлар ҳам, қувват бирикмаси ҳаракатда бўлган пайтдагина ҳаракат қила оладилар, лекин, қувватлар бирикмаси ҳаракатдан тўхтаган заҳоти барча тирик мавжудотларнинг сезгиларининг фаолияти ҳам тўхтаб қолади.

Изоҳ: Алоҳида тирик мавжудотлар бутунлай олий пурушанинг қувватлари бирикмасига

қарам зотлардир. Худди бирор лампочка ўзидан ўзи ёниб туролмагани сингари, бирор тирик мавжудот мустақил ҳолда мавжуд бўлолмайди. Барча электр ускуналарибутунлай электростанциянинг ишига боғлиқ, электростанциянинг иши эса, сув омборидаги сувнинг сатҳига боғлиқ, сув омборидаги сувнинг ҳажми эса – ёмғирларга боғлиқ, ёмғирлар – булутга, булутлар – қуёшга, қуёш – олам яралишига, оламнинг яралиши эса - Худонинг Олий Шахсининг истагига боғлиқ. Шундай қилиб, Худонинг Олий Шахси барча сабабларнинг бошланғич сабабчисидир.

Текст 17

Вират-пуруша уйғотган ҳаёт кучи очлик ва ташналикни юзага келтирди, У еб-ичишни истаганида эса, унинг оғзи очилди.

Изоҳ: Тирик мавжудотларнинг она қорнида сезги аъзоларининг ва сезиш қобилиятининг пайдо бўлиши ҳам худди вират-пурушанинг – барча тирик мавжудотларнинг бирикмасининг эволюцион ривожланиши сингари, шундай қонунлар асосида амалга ошади. Демак, бутун борлик пайдо бўлишининг олий сабабчиси шахс хусусиятларига эга ва унинг ҳам истаклари бор. Парвардигор ҳар хил туйғулари ва сезги аҳзолари бўлишини истайди, шунинг учун алоҳида шахсларда ҳам худди шундай сезги аъзолари ривожланади. Ана шу истак олий тирик мавжудотнинг, Мутлақ Ҳақиқатнинг табиатида бор. Парвардигор барча оғизларнинг бирикмасига эга, шунинг учун алоҳида тирик мавжудотларда ҳам оғиз бор. Бошқа сезгилар ва сезги аъзолари ҳам шундай. Мазкур шеърда оғиз барча сезги аъзоларин ифодалайди, чунки уларнинг ҳаммаси бир қонуният асосида ривожланади.

Текст 18

Унинг оғзидан танглай пайдо бўлди, кейин – тил, кейин эса, тил лаззатлана олиши учун ҳар хил таъмлар пайдо бўлди.

Изоҳ: Эволюцион ривожланишнинг босқичма-босқич жараёнини таърифлаш асосида бошқарувчи илоҳ(адҳидаива)ларнинг қонун-қоидалари тушунтирилган. Масалан, Варуна – барча лаззат келтирадиган таъмлар учун маъсул бўлган илоҳ. Шунинг учун оғиз ичида ҳар хил таъмларни сезадиган тил пайдо бўлади, тил учун фаришта Варуна маъсул. Шундай қилиб, Варунанинг дунёга келиши тилнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Тананинг таркибий қисмлари сифатида тил билан танглай адҳибхута тоифасига мансуб, яъни, модданинг модданинг шакллари ҳисобланади; бу вазифани бажарадиган илоҳ тирик мавжудот бўлиб, у адҳидаива тоифасига

мансуб, бу жараёнлар бўлиб ўтадиган шахс эса, адҳиатма тоифасига мансуб. Бу билан вират-пуруша оғзини очгандан кейин ана шу уч тоифага мансуб тирик мавжудотлар қандай пайдо бўлиши яна бир бор тушунтирилади. Мазкур шеърда тилга олинган тўрт тушунча юқорида айтилган уч асосий қонун – адҳиатма, адҳидаива ва адҳибхутамнинг мазмунини очиб беради.

Текст 19

Парвардигор гапиришни истаганида Унинг оғзидан товуш чиқди. Кейин Унинг оғзидан оловни бошқариб турадиган илоҳ пайдо бўлди. Лекин, токи У сув устида ётар экан, бу вазифаларнинг ҳаммаси ҳаракатга келмасдан қолаверди.

Изоҳ: Ҳар хил сезгиларнинг босқичма-босқич ривожланиш жараёни айна пайтда уларни бошқариб турадиган илоҳларнинг пайдо бўлиши билан биргаликда бўлиб ўтади. Бундан келиб чиқадики, сезги органларининг фаолияти Парвардигорнинг амрига бўйсунди. Сезгилар гўё шартланган руҳларга лаззатланиш эркинлигини беради, лекин бунда шартланган тирик мавжудотлар ўзларининг сезгиларидан, Парвардигорнинг ўзи тайинлаб қўйган, уларни бошқариб турадиган илоҳларнинг ҳукмига бўйсунган ҳолда тўғри фойдаланишлари лозим. Ўрнатилган қоидаларни бузадиган кишини табиат қонунлари ҳаётнинг пасткаш турларида туғилишга маҳкум этиш билан жазолайди. Масалан, тил ва уни бошқариб турадиган илоҳ Варунани олайлик. Тил овқат ейиш учун мўлжалланган, одамлар ҳам, ҳайвонлар ҳам – бир сўз билан айтганда – ҳаммининг ўзига хос алоҳида бир таъмини ёқтиради. Масалан, одамнинг ёқтирадиган таъмлари чўчканинг ёқтирадиган таъмларидан фарқ қилади. Тирик мавжудотда унга таъсир қилиб турган моддий табиат гуналарининг бирикмасига мос келадиган таъм билиш қобилияти ривожланганида бошқарувчи илоҳ уни шунга мос келадиган тана билан мукофотлайди. Агар инсон ўзида чўчқаникига ўхшаган таъмларга бефарқлик хусусиятини ривожлантирса, бошқарувчи илоҳ унинг кейинги ҳаётда чўчқа танасини олишини таъминлайди. Чўчқа дуч келган нарса билан, ʔатто ахлат билан ҳам озикланаверади, ўзида шундай хусусиятни ривожлантирган киши ҳам кейинги ҳаётида ана шундай пасткаш ҳаёт шаклида туғилишга тайёргарлик кўриши лозим. Ана шундай ҳаёти тури ҳам Худонинг марҳаматининг намоён бўлишидир: охир-оқибатда шартланган руҳнинг ўзи шунга мос келадиган таъмлар билан мукамал лаззатланишга мослашган танага эга бўлишни истади. Агар инсон кейинги ҳаётида чўчқа танасига эга

бўлса, буни Худонинг марҳамати деб қабул қилиш керак, чунки Парвардигор унга ўз истакларини амалга ошириш учун имкон яратиб берди. Тирик мавжудотлар ўлганидан кейин оладиган тананинг тури шунчаки тасодифан аниқланмайди, балки олий ҳакамнинг амри билан белгиланади. Шунинг учун инсон, кейинги ҳаётида қандай тана олиши ҳозир қилаётган амалларига боғлиқ бўлишини тушунган ҳолда жуда эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилиши лозим. Ўзининг қилаётган ишларининг оқибатини ўйламасдан маъсулиятсиз ҳаракат қилиш жуда хатарли – барча муқаддас китобларнинг хулосаси шундан иборат.

Текст 20.

Кейин, олий пуруша хидларни хидлашни истаганида бурун тешиклари ва нафас юзага келди, бурун(хид билиш органи) ва муаттар хидлар пайдо бўлди. Айни пайтда, хидларни олиб юрадиган ҳавони бошқариб турадиган илоҳ дунёга келди.

Изоҳ: Бурун, хид, ҳавони бошқарадиган илоҳ ва бошқалар бир вақтда, Парвардигор хид билишни истаганида пайдо бўлади. Буни Упанишадалардаги ведавий мантралар ҳам тасдиқлайди, уларда айтилганки, Парвардигорнинг ҳукми остидаги тирик мавжудот фақат Худо хоҳласагина бирор ишни амалга ошира олади. Тирик мавжудотлар фақат Парвардигор кўргандагина кўришга қодир бўлади, фақат Парвардигор хидлашни истагандагина тирик мавжудотлар хидлай олади ва ҳоказо. Бу дегани, тирик мавжудот Парвардигордан мустақил ҳолда ҳаракат қилишга қодир эмас. Тирик мавжудотлар мустақил ҳолда бирор ишни режалаштириши мумкин, лекин ўйлаган режасини Парвардигорсиз амалга ошира олмайди. Худонинг марҳамати билан тирик мавжудотга фикрлаш, ният қилиш эркинлиги берилган, лекин ниятига эришиш учун ҳам Худонинг марҳамати керак бўлади. Бу ҳақиқат кўйидаги мақолда аниқ ифодаланган: ният инсондан, ижобат Худодан. Буларнинг ҳаммаси тирик мавжудотлар тўлалигича Парвардигорга қарам эканлигини ҳамда Парвардигор бутунлай мустақил Зот эканини кўрсатиб бериш учун керак эди. Ўзларини Худо билан тенг деб даъво қиладиган калтафаҳм одамлар аввал мутлақ ва мустақил эканликларини исботлашлари лозим, фақат шундан кейингина Худо билан тенг бўлишни даъво қилишлари мумкин.

Текст 21

Олам зулмат қаърига ғарқ бўлган эди, Парвардигор Ўзини ва Ўзи яратган оламни кўришни истаганида кўзлар, ўзидан нур тара-

тиб турган Қуёш фариштаси ва кўзга кўринадиган нарсалар пайдо бўлди.

Изоҳ: Коинот қоронғу зулматга ғарқ бўлган – моддий оламнинг табиати шундай, шунинг учун бутун моддий олам тамас, зулмат деб аталади. Тун – коинотнинг табиий ҳолати, чунки фақат тунда инсон ҳеч нарсани, ҳатто ўзини ҳам кўра олмайди. Ўзининг бесабаб марҳамати билан Парвардигор аввало Ўзини, кейин яралган бутун оламни кўришни истади, шундан кейин Қуёш пайдо бўлди, барча тирик мавжудотлар кўриш қобилиятига эга бўлдилар ва кўзга кўринадиган нарсалар пайдо бўлди. Бошқача қилиб айтганда, намоён бўлган бутун олам фақат Қуёш яратилгандан кейингина кўзга кўринадиган бўлди.

Текст 22

Буюк донишмандларда илм ўрганишга иштиёқ пайдо бўлганида қулоқлар, эшитиш қобилияти, уларни бошқарадиган илоҳ ва эшитиладиган товушлар пайдо бўлди. Буюк донишмандлар Рух ҳақида тинглашни истадилар.

Изоҳ: "Бхагавад-гита"да айтилганки, илм ўрганиш жараёни инсонни Парвардигорни, бутун борлиқнинг асл моҳият(суммум бонум)ини англаб етишга олиб келиши лозим. Илм ўрганиш шунчаки табиатни ўрганиш, яъни Парвардигор ўрнатиб қўйган моддий табиат қонунларини ўрганиш билан чекланиб қолмайди. Олимлар ҳеч қачон моддий оламда амал қилиб турган физика қонунларининг қандай ҳаракат қилиши ҳақида тинглашдан зерикмайдилар. Улар узоқ сайёраларда бўлаётган воқеа-ҳодисалар ҳақида хабар берадиган радио ва телевизор хабарларини кечаю-кундуз тинглашга тайёр, лекин улар эшитиш қобилиятини ва эшитиш органларини Парвардигор бизларга Худо, яъни Рух ҳақида тинглаш учун бериб қўйганини билиб қўйсалар яхши бўларди. Бахтга қарши дунёвий суҳбатларни тинглаш билан, одамлар ўзларининг эшитиш қобилиятларидан нотўғри фойдаланадилар. Буюк донишмандлар Ведаларда Парвардигор ҳақида нималар дейилганини тинглашни истадилар. Уларни бошқа ҳеч нарса қизиқтирмасди. Ана шундай истак тинглаш орқали илм ўрганиш жараёнини бошлаб беради.

Текст 23

Модданинг юмшоқлик, қаттиқлик, иссиқлик, совуқлик, енгиллик ва оғирлик каби хусусиятларини ҳис қилиш истаги сезиш қобилиятининг, терининг, тери тешикларининг, тери устидаги тукларнинг ҳамда уларни бошқариб турадиган илоҳларнинг(дарахтлар) пайдо бўлишига сабаб бўлди. Терининг ҳар

икки томонида ҳам сезиш қобилиятига маъсул бўлган ҳаво қатлами бор.

Изоҳ: Модданинг физик хусусиятлари(енгиллик, оғирлик ва ҳок.) терининг сезиш қобилияти орқали қабул қилинади, шунинг учун тери орқали сезиш қобилияти жисмоний олам ҳақидаги илм манбаи ҳисобланади. Масалан, бирор жисмни ушлаб кўриш билан унинг ҳароратини аниқлаш мумкин, ана шу жисмни кўтариб кўриш билан унинг оғирлигини аниқлаш мумкин. Сезиш тери, теридаги тешиклар ва туклар ёрдамида амалга оширилади. Терининг икки томонидаги ҳаво оқимлари ҳам сезиш вазифасини бажаришни таъминлайди. Сезиш – илм манбаларидан бири, шунинг учун бу ерда айтилганки, физик ёки физиологик билимлар авалги шеърда айтилган Рух ҳақидаги илмга нисбатан паст даражадаги билим ҳисобланади. Рух ҳақидаги илмни сезгилар орқали қабул қилинадиган оламда тарқатиш мумкин, лекин физик, моддий билимнинг ўзи Рухнинг табиатини англаб етишга олиб келмайди.

Инсон танасидаги туклар ва Ер танасидаги дарахтларга келсак, улар ўзаро жуда яқин боғланган. Ўсимликлар, озиқ-овқат ва доривор гиёҳлар манбаи бўлган ҳолда терининг табиий ҳолатини сақлаб туриш учун ёрдам берадилар, бу ҳақда "Шримад Бхагаватам"нинг Учинчи кўшиғида айтилган: твачам асйа винирбхиннам вивишур дхишнйам ошадхих.

Текст 24

У(Олий Шахс) ҳар хил фаолият турлари билан шуғулланишни истаганда икки қўл, уларга хос бўлган куч, жаннат фариштаси Индра, шунингдек, қўллар ва ана шу фаришта амалга оширадиган фаолият юзага келди.

Изоҳ: Тирик мавжудотнинг ҳар хил органларининг бу ерда келтирилган таърифларини ўрганиб, айтиш мумкинки, уларнинг бирортаси ўзининг ривожланиш жараёнининг бирор босқичида мустақил эмас. Парвардигорни сезгилар султони, Хришикеша деб атайдилар. Шундай қилиб, тирик мавжудотларнинг сезги органлари Парвардигорнинг амри билан пайдо бўлади, уларнинг ҳар бири маълум бир фариштанинг ʼукми остида ҳаракат қилади. Демак, ҳеч ким ўзини сезги органларининг эгаси деб ҳисобламаслиги керак. Тирик мавжудот сезгилар ҳукми остида, сезгилар эса фаришталар ҳукми остида, фаришталар эса, Парвардигорга хизмат қиладилар. Моддий олам шундай яратилган. Охир-оқибатда ҳаммани Парвардигорнинг Ўзи бошқариб туради, на модда, на тирик мавжудот мустақил эмас. Алданиб юрган ва ўзини барча

сезги аъзоларининг эгаси деб биладиган тирик мавжудот Парвардигорнинг ташқи қувватининг тўрларига ўралиб қолган. Токи кичкина тирик мавжудотлар ўзининг сохта даъвосидан халос бўлмас экан, у Парвардигорнинг ташқи қуввати ʼукми остида бўлишга маҳқум, у ўзини озод рух деб қанча эълон қилмасин, алданиш(майя) чангалидан озодликка чиқиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Текст 25

Кейин У ҳаракат қилишни истади, шунда Унинг оёқлари пайдо бўлди, оёқлардан эса, бошқарувчи илоҳ – Вишну пайдо бўлди. Унинг бевосита назорати остида ҳар хил тоифадаги одамлар ўзларига юклатилган қурбонлик маросимларини ўтказадилар.

Изоҳ: Одамларнинг ҳаммаси у ёки бу иш билан машғул, одамларнинг фаолияти ҳақида уларнинг ҳаракатларига қараб баҳо бериш мумкин. Айниқса бу ташвишга тўла одамлар тўда-тўда бўлиб бир жойдан иккинчи жойга ўтиб юрадиган катта шаҳарларда яққол кўзга ташланади. Умуман олганда бундай ҳолат фақат шаҳарларда эмас, ҳамма жойда шундай – ҳар хил транспорт воситалари ёрдамида одамлар бир жойдан иккинчи жойга, бир шаҳардан иккинчи шаҳарга кўчиб юрадилар. Ўз фаолиятида муваффақият қозониш учун улар ер юзида машиналарда, поездларда, ер остида эса, метроларда, осмонда – самолётларда бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юрадилар, ана шундай кўчишларнинг ҳаммасидан кўзланадиган ягона мақсад – иложи борича кўпроқ пул ишлаб топши ва ўзи учун ҳар хил қулайликлар яратиш. Инсоннинг ҳаёт шароитини қулайроқ қилиш учун олимлар, артистлар, муҳандислар ва бошқа кўплаб одамлар инсон фаолиятининг турли соҳаларида меҳнат қиладилар. Лекин улар ўзларининг фаолиятини қандай қилиб инсон бўлиб яшашдан кўзланадиган мақсадга олиб келадиган қилиб ташкил этишни билмайдилар. Улар бу сирдан хабардор эмаслар, шунинг учун улар қилаётган ишларининг ҳаммасини фақат ўзларининг сезгиларини қаноатлантириш учун амалга оширадилар, шу тариқа улар ўзлари ҳам билмаган ҳолда зулмат қаърига тобора чуқурроқ ғарқ бўлиб кетаверадилар.

Парвардигорнинг ташқи қувватига маҳлиё бўлган ҳолда улар Парвардигор Вишнунинг бутунлай эсдан чиқариб юборганлар. Шу боис уларга инсоннинг бу моддий оламда яшашдан ягона мақсади иложи борича кўпроқ лаззатланиб қолишдан иборат экани ўзидан ўзи кўришиб тургандай бўлиб туюлади. Лекин, ҳаёт ҳақидаги бундай сохта тасаввурлар ҳеч кимга рухий осойишталик келтирмайди, шу боис инсоннинг таби-

ий ресурслардан фойдаланишига асосланган илм-фан тараққиётига қарамай, дунёвий жамиятдаги одамлар бахтиқаролигича қолиб кетяптилар. Бутун жаҳонда тинчлик ўрнатиш учун одамлар қурбонлик маросими ўтказишга интилишлари лозим. “Бхагавад-гита”(18.45-46)да бунинг сири шундай ифодаланади:

Све све карманй

“Парвардигор Аржунга шундай дейди: Мендан, қандай қилиб инсон ўзига юклатилган бурчни адо этиш билан ҳаётда олий баркамолликка эриша олиши мумкинлиги ҳақида эшит. Ана шундай баркамолликка Парвардигорга сиғиниб юрган ҳамда ўзининг табиатига мос равишда ҳаракат қиладиган ҳар бир тирик мавжудотнинг барча истакларини амалга ошириш билан мукофотлайдиган Парвардигор Вишнуни мамнун қилиш учун қурбонлик маросими ўтказиб юрган киши эришади”.

Одамларнинг табиати ҳар хил бўлишининг ёмон жойи йўқ, чунки ҳар бир инсон ҳар хил фаолият турларидан ўзи истаганини танлаб олиш ва ўзининг ҳаётини шунга асосланган ҳолда ташкил этиш учун етарлича мустақилликка эга. Лекин шуниси муҳимки, у ҳеч қачон ўзи бутунлай мустақил эмаслигини эсдан чиқармаслиги лозим. Инсон ҳамиша Парвардигорнинг ва Унинг вакилларининг ҳукми остида бўлади. Шуни билган ҳолда, Парвардигор Вишнуга муҳаббат билан илоҳий хизмат қилиш илмини яхши биладиган ишончли зотлар кўрсатганидек, инсон ўзининг бутун фаолиятини ва ўз меҳнатининг барча натижаларини Парвардигорга хизмат қилишга бағишлаши лозим. Белгиланган вазифани бажариш нуктаи-назаридан тананинг энг муҳим қисми оёқлар ҳисобланади, чунки оёқларсиз инсон бир жойдан иккинчи жойга ўта олмайди, шу боис қурбонлик маросими ўтказиш учун яратилган одамларнинг оёқларини назорат қилишни Парвардигорнинг Ўзи Ўз зиммасига олган.

Текст 26

Шундан кейин, шахвоний эҳтирос лаззатини ҳис қилиш, зурёд қолдириш ҳамда жаннат нектарини татиб кўриш учун Парвардигор жинсий аъзони яратди. Шу тариқа зурёд қолдириш органи ва уларни бошқарадиган илоҳ, Праджапати пайдо бўлди. Жинсий алоқа лаззатини берадиган орган ва уларни бошқариб турадиган илоҳ Парвардигорнинг жинсий аъзоси назорати остида бўлади.

Изоҳ: Шартланган руҳ учун жинсий аъзолар орқали амалга ошириладиган жинсий алоқа билан лаззатланиш жаннатий лаззат ҳисобланади. Жинсий лаззат келтирадиган зот аёл ҳисобланади, жинсий лаззат туйғусини ҳам

аёлни ҳам, Праджапати бошқариб туради, унинг ўзи эса ўз навбатида Парвардигорнинг жинсий аъзоси назорати остида бўлади. Им мана шу шеърдан билиб олишлари лозимки, Парвардигор шахсиятсиз эмас, чунки Унинг жинсий аъзолари ҳам бор бўлиб, жинсий лаззат келтирадиган нарсаларнинг ҳаммаси шуларга боғлиқ. Агар жинсий алоқа ана шундай жаннатий лаззат келтирмаса, ҳеч ким фарзандларни тарбиялаш билан боғлиқ бўлган шунча ташвишларни ўз зиммасига олмаган бўларди. Моддий олам шартланган руҳларга қайта туғилиш ва ўзининг уйига, Худонинг даргоҳига қайтиш учун яратилган, шу боис оламнинг мавжуд бўлиб туришидан кўзланган мақсадга эришиш учун тирик мавжудотларни дунёга келтириш керак. Жинсий алоқадан келадиган лаззат эса, ана шундай фаолиятни рағбатлантириш учун керак, шу боис ҳатто жинсий алоқадан лаззатланиш ҳам Худого хизмат қилишнинг бир тури бўлиши мумкин. Агар жинсий алоқа натижасида дунёга келган фарзандлар Худони англаб етадиган даражада муносиб тарбия олсаларгина жинсий алоқа билан лаззатланиш Худого хизмат қилиш бўлади. Моддий оламнинг мавжуд бўлиб туришидан мақсад тирик мавжудотларнинг қалбида мудраб ётган Парвардигор онгини уйғотишдан иборат. Инсон танасидан бошқа танадаги ҳаёт турларида жинсий алоқа билан лаззатланишнинг Худонинг ишларига хизмат қилишга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Лекин инсон танасида шартланган руҳ зурёд қолдириш ва унинг руҳий озодликка эришишига ёрдам бериш билан Худого хизмат қилиш имкониятига эга бўлади. Инсоннинг юзлаб фарзандларни дунёга келтиришга ва жинсий алоқа қилиб жаннатий лаззатдан баҳраманд бўлишга ҳаққи бор, лекин бунинг ягона шарти шундан иборатки у ўз фарзандларини Худони англаб етган инсонлар қилиб тарбиялаши лозим. Акс ҳолда зурёд қолдирар экан, унинг чўчкадан фарқи қолмайди. Бу борада чўчкалар ҳатто одамдан ҳам устун турадилар, чунки улар одатда бир марта жинсий алоқа қилиш натижасида ўн иккигача зурёд қолдирадилар, одамлар эса одатда бир фарзанд кўрадилар. Шундай қилиб, шуни ҳамиша эсда сақлаш лозимки, жинсий аҳзолар, жинсий алоқа лаззати, аёл ва фарзандлар Худого хизмат қилиш билан боғлиқ. Ана шу Парвардигорга хизмат қилиш билан боғлиқликни эсдан қиарган кишини моддий табиат қонунлари моддий оламда яшаш билан боғлиқ бўлган уч турли азоб-уқубатлар билан жазолайди. Жинсий алоқадан лаззатланиш имконияти ҳатто итларга ҳа берилган, лекин ит Худони англаш имкониятидан маҳрум. Инсоннинг итдан асосий фарқи шундан иборатки, инсон Худони англай олади, ит эса бунга қодир эмас.

Текст 27

Кейин, У еган нарсаларининг қолдиғини чиқариб ташлашни истаганида ахлат чиқариш тешиклари – анус шунингдек, бошқарувчи илоҳ, ана шу аъзонинг фаолиятига ҳамда йўғон ичакдан чиқариладиган нарсаларга маъсул бўлган фаришта Митра билан бирга шунга мос сезги аъзолари пайдо бўлди.

Изоҳ: Ҳатто йўғон ичакни бўшатганда чиқариладиган ахлатнинг таркиби ҳам ташқи кучлар томонидан назорат қилиб турилади – шунга қарамай тирик мавжудот ўзини мустақил деб эълон қилишга журъат этади!

Текст 28

Кейин У бир танадан иккинчи танага кўчиб ўтишни истади, шунда киндик, чиқиш нафаси(апана) ва ўлим яратилди. Киндик – ажалнинг ва ажратувчи кучнинг макони.

Изоҳ: Прана-вайу ҳаёт давом этишини таъминлайди, апана-вайу эса ҳаёт кучини тўхтатади. Ана шу икки ҳаво оқими ҳам қориндаги чуқурдан, киндикдан чиқади. Бир тананинг иккинчи тана билан алоқаси киндик орқали амалга оширилади. Маъбуд Браҳма Гарбходакашайи Вишнунинг қорнидаги тешикдан туғилган эди, оддий таналарнинг дунёга келиши ҳам ана шу қоидага асосланган. Боланинг танаси онанинг танасидан ривожланади, у ўзи мустақил ҳолда ривожланадиган пайт келганда эса, киндикни кесиш орқали уни онасининг танасидан ажратадилар. Шу тарзда Парвардигор Ўзининг ажралган кўплик кўринишида намоён этади. Демак, тирик мавжудотлар Парвардигорнинг ажралган заррачалари ҳисобланадилар ва шу боис мустақил эмаслар.

Текст 29

Унда еб-ичиш истаги пайдо бўлганида, қорин, ичаклар ва қон томирлари пайдо бўлди. Уларнинг озиқланиш ва модда алмашиш манбаи дарё ва денгизлар ҳисобланади.

Изоҳ: Ичакларни бошқариб турадиган илоҳлар – дарёлардир, артерияларнинг илоҳи эса – денгизлар. Ошқозонни овқатланиш ва сув ичиш орқали тўлдириш тананинг тириклигини таъминлаб туриш имконини беради, тананинг сарфлаган қувватнинг ўрни эса, еган овқатни ва ичган сувни ҳазм қилиш орқали тўлдириб турилади. Шундай қилиб, тананинг саломатлиги ошқозон ва ичакларнинг бир меъёрда фаолият кўрсатишига боғлиқ, дарё ва денгизлар эса, - ичак ва қон томирларини бошқариб турадиган илоҳлар бўлиб,

уларни соғлом ҳолатини қўллаб-қувватлаб турадилар.

Текст 30

Унда Ўзининг қувватлари қандай ҳаракат қилиши ҳақида фикр юритиш истаги пайдо бўлганида юрак(ақлнинг макони), ақл, ой, қатъият ва истақлар пайдо бўлди.

Изоҳ: Ҳар бир тирик мавжудотнинг юраги – Олий Рухнинг, Худонинг Олий Шахсининг тўлиқ экспансияси бўлган Параматманинг жойидир. Тирик мавжудот ўзининг аввалги қилган ишларига мос равишда ҳаракат қилувчи қувват таркибига кира олиши учун Олий Рухнинг иштирок этиши зарур. Моддий оламдаги шартланган тирик мавжудотлар маълум бир табиий хусусиятларга эга бўладилар, улар ана шу хусусиятларини намоён қила олишлари учун моддий қувват Олий Рухнинг амри билан уларнинг ҳар бирини шунга мос келадиган моддий тана билан мукофотлайди. Бу "Бхагавад-гита"(9.10)да тунтирилган. Шунинг учун Олий Рух шартланган рухнинг қалбига кирганида, унда шунга мос равишда ақл шаклланади, шунда у, худди инсон уйқудан уйғонгандан кейин ўзининг вазифаларини эслай бошлагани сингари, нима билан машғул бўлиши лозимлигини англай бошлайди. Шундай қилиб, тирик мавжудотнинг моддий ақли унинг қалбига Олий Рух киргандан кейин ривожлана бошлайди. Шундан кейин ақл, ақлни бошқариб турган илоҳ(ой), ақлнинг фаолияти(фикр, туйғулар ва истақлар) намоён бўлади. То рақ пайдо бўлмагунча ақл ҳаракатга кела олмайди, рақ эса, қачон Парвардигор моддий оламнинг фаолиятини томоша қилишни истаганида зага келади.

Текст 31

Тананинг барча етти қисми: терининг устидаги юпқа қатлам, терининг ўзи, гўшт, қон, ёғ, суяк мияси ва суяк – ер(тупроқ), сув ва оловдан яралган, ҳаёт нафаси эса – осмон, сув ва ҳаводан таркиб топган.

Изоҳ: Моддий олам асосан уч унсур: тупроқ, сув ва оловдан таркиб топган, ҳаёт кучи эса, осмон, ҳаво ва сувдан зага келади. Шундай қилиб, сув – моддий оламнинг ҳам қўпол, ҳам нафис шакллари таркибига кирадиган ягона унсур ҳисобланади. Бу ерда шуни айтиб ўтиш лозимки моддий оламда энг кўп тарқалган унсур бўлган ҳолда сув беш унсурнинг энг асосийси ҳисобланади. Шундай қилиб, тоддий тана беш унсурдан таркиб топган, намоён бўлган қўпол мавжудлик эса, улардан учтаси: тупроқ, сув ва олов туфайли сезиладиган ҳолга келади. Сезиш терининг юпқа қатлами ёрдамида амалга оши-

рилади, суяк эса, каттикликда тошга ўхшайди. Ҳаёт бағишлайдиган нафас олишнинг таркиби осмон, ҳаво ва сувдан иборат, шунинг учун очик ҳаво, мунтазам виниб юриш ва етарлича очик жой инсоннинг саломатлигини сақлашга яхши фойда беради, ердан олинадиган дон, сабзавотлар ва бошқа маҳсулотлар эса, мусаффо сув ва иссиқлик билан бирга қўпол моддий тананинг тириклигини таъминлаб туради.

Текст 32

Сезги аъзолари моддий табиат гуналарига боғланган, моддий табиат гуналарини эса, сохта ўзлик юзага келтирган. Ақл ҳар хил моддий туйғулар(бахт ва мусибат)нинг манбаидир, тафаккур эса – ақлнинг таҳлил қилиш ва фикр юритиш қобилиятининг намоён бўлишидир?

Изоҳ: Моддий табиат адаштириб қўйган тирик мавжудот ўзини сохта ўзликка қиёслайди. Аниқроғи, тирик мавжудот моддий тана тузоғига илинган захоти ўзининг руҳий табиатини эсдан чиқариб юборади ва ўзини танага қиёслай бошлайди. Сохта ўзлик моддий табиатнинг турли гуналари билан алоқа қила бошлайди, шу тариқа сезгилар ана шу гуналарга боғланиб қолади. Ақл – тирик мавжудотга ҳар хил моддий сезгиларни қабул қилиш имконини берадиган механизм холос, тафаккур эса, таҳлил қилиш ва фикр юритиш қобилиятига эга, шу боис у ҳамаа нарсани яхши томонга ўзгартириб юбора олади. Шунинг учун чуқур тафаккур ато этилган киши ўзининг тафааккуридан фойдаланиб, моддий тирикчилик алдовидан халос бўлишга қодир бўлади. Чуқур тафаккурга эга бўлган киши ўзининг моддий оламдаги тирикчилиги ғайритабиий ҳолат эканини англаб етишга ва аслида ўзи ким экани, нимага сон-саноксиз мусибатларга дучор бўлиб юришга маҳкум экани ҳамда қандай қилиб улардан халос бўлиш мумкинлиги ҳақида фикр юритишга қодир бўлади. Шунда, шарофатли мухит шароитида, ҳақиқатан ҳам чуқур тафаккурга эга бўлган киши ўзлигини англаш йўлига кириб, ўзининг ҳаётини яхши томонга ўзгартириб юбора олади. Шунинг учун шастраларда чуқур тафаккур эгаларига озодликка чиқиш йўлидан бораётган буюк донишмандлар ва авлиё зотлар билан ҳамсуҳбат бўлиш тавсия қилинган. Улар билан ҳамсуҳбат бўлиб, у ўзининг моддий нарсаларга бўлган боғланишини сусайтириб юборадиган насихатлар олади. Шу тарзда чуқур тафаккурга эга бўлган киши аста-секин модда ва сохта ўзлик алдовидан халос бўлади ҳамда илм ва лаззатга тўла мангу ҳаётга эришади.

Текст 33

Буларнинг ҳаммаси қўпол моддий жисмлар – сайёралар ва бошқа нарсаларни ташкил этади, мен улар ҳақида сенга гапириб берган эдим. Бу шакллар Худо Шахсининг намоён бўлган ташқи кўринишининг қобиклари ва зифасини бажарадилар.

Изоҳ: "Бхагавад-гита"(7.4)да тушунтирилганидек, Худо Шахсининг ажралган моддий қуввати саккиз турли моддий қобик билан ўралган: ер, сув, олов, ҳаво, осмон, ақл, тафаккур ва сохта ўзлик. Уларнинг ҳаммаси Худо Шахсидан чиқади ва Унинг ташқи қувватини ташкил этади. Бу қобиклар худди бизлардан қуёшни тўсиб турадиган булутга ўхшайдилар. Булутларни қуёшнинг ўзи зага келтиради, лекин улар қуёшни бизларнинг кўзимизга кўрсатмай қўяди. Аслида булутлар қуёшни қоплаб олишга қодир эмас. Улар фақат осмоннинг бир неча км диаметрадаги кичик бир қисмини қоплаб олиши мумкин, Қуёшнинг диаметри эса миллион км дан ортиқ. Атиги бир неча 3 км га чўзилган булутлар Қуёшни қамраб олишга қодир эмаслар. Худди шундай, Худонинг Олий Шахсининг сон-саноксиз қувватларидан бири ҳам Парвардигорни қамраб ололмади. Бу қобикларнинг ҳаммасини Унинг Ўзи моддий табиат устидан ҳукмронлик қилишга интилиб юрган шартланган руҳларнинг кўзларини боғлаш учун яратиб қўйган. Аслини олганда шартланган руҳлар яратувчи қувватнинг алдамчи булутлари – модда билан қопланган, шу боис Парвардигорнинг Ўзини уларнинг кўзига кўрсатмасликка ҳаққи бор. Илоҳий назарга эга бўлмагани учун улар Худо Шахсини кўриш имкониятидан маҳрум, шу боис улар Парвардигорнинг ва Унинг илоҳий қиёфаларининг мавжудлигини инкор этадилар. Ана шундай ғофил одамлар Парвардигорнинг баҳайбат моддий кўринишининг қобикларидан бошқа ҳеч нарсани кўрмайдилар, бу нимага олиб келиши кейинги шеърда таърифланган.

Текст 34.

Бундан(намоён бўлган қўпол моддий оламдан) ташқарида эса, энг нафис шакллардан ҳам нафисроқ бўлган илоҳий олам ястаниб ётади. Унинг бошланиши ҳам, ўртаси ҳам, охири ҳам йўқ, шу бис уни сўз билан таърифлашнинг ёки ақл билан англаб етишнинг иложи йўқ ва у моддий сифатлардан бутунлай пок.

Изоҳ: Парвардигорнинг қўпол танаси Унинг ташқи қувватидан таркиб топган ва маълум бир вақт оралиғида намоён бўлган ҳолатда мавжуд бўлиб туради. Демак, Худонинг Олий Шахсининг намоён бўлган ташқи кўриниши(шакли) Унинг на боши, на ўртаси ва на охири бўлмаган

мангу киёфалари тоифасига кирмайди. Маълум бир вақтда зага келадиган, бирор вақт мобайнида мавжуд бўлиб турадиган, кейин яксон бўладиган нарсаларнинг ҳаммаси моддий нарсалар деб аталади. Моддий олам Парвардигордан чиққан, шунинг учун Парвардигорнинг моддий олам яратилмасдан олдин мавжуд бўлган киёфаси, ҳеч шубҳа йўқки, бу оламнинг намоён бўлган энг нафис кўринишларига нисбатан ҳам илоҳий табиатга эга. Моддий оламдаги энг нафис унсур эфир ҳисобланади. Эфирдан ҳам нозик унсурлар – ақл, тафаккур ва сохта ўзлик. Лекин, аввалги шеърда тушунтирилганидек, бу саккиз қобикнинг ҳаммаси Мутлақ Ҳақиқатнинг ташки қобиклари ҳисобланади. Шунинг учун моддий тушунчалар чегарасида қолган ҳолда Мутлақ Ҳақиқатни таърифлашнинг ёки англаб етишнинг илоҳи йўқ. У модданинг намоён бўлган ҳар қандай кўринишига нисбатан илоҳий. Унинг ана шу хусусияти нирвишешанам деб аталади. Лекин, нирвишешанам деганда илоҳий сифатлар ҳам йўқлиги назарда тутилади деб ҳисоблаш нотўғри. Вишешанам ибораси “сифат” деганни билдиради, нир кўшимчаси эса, Мутлақ Ҳақиқат моддий сифатларга ёки моддий ранг-барангликка эга эмаслигини кўрсатади. Мутлақ Ҳақиқатда моддий сифатларнинг йўқлиги мазкур шеърда Унинг тўрт илоҳий хусусияти орқали ҳам ифодаланган: намоён бўлмаган, илоҳий, мангу ва ақл бовар қилмайдиган(таърифлаб бўлмайдиган). Унинг охириги сифати Мутлақ Ҳақиқат ҳақидаги моддий тасаввурларни инкор этади. Демак, токи инсон илоҳий поғонага кўтарилмас экан, у Парвардигорнинг илоҳий киёфасини англаб етолмайди.

Текст 35

Парвардигорни мукамал англаб этган асл содиқлар Парвардигорнинг мен сенга моддий нуқтаи-назардан ҳозиргина таърифлаб берган киёфаларидан бирортасини тан олмайдилар.

Изоҳ: Имперсоналистлар Худонинг Мутлақ Шахсини қорида кўрсатилган икки киёфасидан бирида тасаввур қилкадилар. Бир томондан улар вишва-рупага, Парвардигор ҳамма жойни қамраб олган фазовий киёфасига сажда қиладилар, иккинчи томондан эса – Унинг намоён бўлмаган, таърифлаб бўлмайдиган нафис киёфаси ҳақида фикр ритадилар. Парвардигор ҳақидаги ана шу икки – қўпол ва нафис тасаввурга пантеизм ва монизм таълимотлари мос келади, лекин Парвардигорнинг асл содиқлари бу тасаввурларнинг иккисини ҳам инкор этадилар, чунки улар ҳамма нарсанинг асл ҳолатини биладилар. Бу ҳақда "Бхагавад-гита"нинг ўн биринчи бобида, Парвардигор Аржуннинг кўз

олдида намоён этган вишва-рупа киёфаси таърифланганда очиқ баён этилган(11.45):

Адришта-пурвам хришито ”сми дриштва

Бхайена ча правйатхитам mano ме

Тад эва ме даршайа देва рупам

Прасида девеша джаган-ниваса

Парвардигорнинг асл содиқ хизматкори бўлган Аржун аввал ҳеч қачон Парвардигорнинг фазовий киёфасини кўрмаган. У Парвардигорнинг бу киёфасини кўриш билан унинг қизиқувчанлиги қондирилган эди, лекин, у Худо Шахсига боғланган асл содиқ хизматкор бўлгани учун, Парвардигорнинг бу киёфасини кўриш унга ҳақиқий мамнуният келтирмади. Парвардигорнинг фазовий киёфасини кўриб, у кўрқиб кетди ва Парвардигорга илтижо қилиб, ундан тўрт қўлли Нарайан киёфасига ёки Кришна киёфасига киришни илтимос қила бошлади, чунки фақат мана шу киёфалар унга ҳақиқий мамнуният келтира оларди. Албатта, буюк кудрат соҳиби бўлган ҳолда Парвардигор Ўзини ҳар хил киёфаларда анмоён қилишга қодир, лекин Унинг асл содиқларини Унинг фақат, трипад-вибхути –Парвардигорнинг салтанати деб аталадиган мангу даргоҳида мавжуд бўлган мангу киёфалари ўзига жалб қилади. Трипад-вибхути салтанатида Парвардигор икки киёфада мавжуд бўлади: тўрт қўлли ва икки қўлли. Моддий оламда намоён бўлган Вишва-рупа сон-саноксиз қўлларга, баҳайбат ўлчамларга эга ва ҳоказо. Парвардигорнинг асл содиқлари Унинг Ваикунтҳада мавжуд бўлган киёфаларига – Нарайана ёки Кришна киёфаларига сажда қиладилар. Баъзан, Парвардигорнинг Ваикунтҳада намоён бўлган киёфалари – Шри Рама, Шри Кришна, Шри Нарасимхадева ва бошқалар – Унинг марҳамати билан Ўзларини моддий оламда ҳам намоён этадилар, асл содиқлар уларга ҳам сажда қиладилар. Лекин, Парвардигорнинг моддий оламда кўриш мумкин бўлган киёфалари одатда, Ваикунтҳа сайёраларида мавжуд эмас, шу боис асл содиқлар уларни тан олмайдилар. Асл содиқлар аввал бошдан Парвардигорнинг фақат Ваикунтҳа сайёраларида мавжуд бўлган мангу киёфаларига сажда қиладилар. Иймонсиз имперсоналистлар ўзларининг хаёлида Парвардигорнинг моддий шакллари яратадилар, лекин уларнинг якуний мақсади – Парвардигорнинг шахсиятсиз брахмажйотисига ғарқ бўлишдан иборат, Парвардигорнинг асл содиқлари эса, хамиша – рухий ксалишнинг биринчи босқичларида ҳам, озодликка чиқиб баркамолликка эришгандан кейин ҳам - Худо Шахсига сажда қиладилар. Моддий оламдаги шартланган ҳолатдан озодликка чиққандан кейин Парвардигорнинг шахсиятсиз киёфаси – брахмажйотига ғарқ бўлиб, имперсоналистлар Парвардигорга сажда қилмай қўядилар, асл

содиклар эса, Парвардигорга сиғинишни ҳеч қачон тарқ этмайдилар, шу боис мазкур шеърда улар випашчита, яъни, “Парвардигорни мукам-мал англаб етган донишмандлар” деб аталган.

Текст 36

У, Худо Шахси Ўзини илоҳий номлари, сифатлари, эрмаклари, атроф-муҳити ва илоҳий ранг-баранглиги бўлган илоҳий қиёфада намоён этади. Лекин, гарчи У бунга берилиб кетганга ўхшаб кўринса ҳам, бу фаолият Унга ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди.

Изоҳ: Моддий оламни яратиш зарурати пайдо бўлганда илоҳий Худо Шахси моддий оламни яратиш, мавжудлигини таъминлаб туриш ва яқсон қилиш учун унинг ичида намоён бўлади. Лекин, моддий оламга келганда У моддий табиат яратган қиёфага киради деб ҳулоса чиқариш ўрнига Унинг кўрсатган кароматларининг асл моҳиятини ва табиатини англаб етишга интилиш лозим. Моддий табиат яратган ҳар қандай қиёфа моддий оламда рўй бериб турган ҳамма нарсага боғланиб қолиш хусусиятига эга бўлади. Маълум бир вақт мобайнида қандайдир моддий фаолият билан шуғулланиш учун моддий қиёфага эга бўладиган шартланган руҳ моддий табиат қонунларига бўйсунди. Лекин мазкур шеърда таъкидлаб айтилганки, гарчи Парвардигорнинг қиёфалари ва кароматлари сиртдан қараганда шартланган руҳларнинг қиёфа ва кароматларидан фарқ қилмаса ҳам, улар ғайритабиий ва шартланган руҳлар уларни англай олмайдилар. Бундай фаолият Худонинг Олий Шахсига ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди. “Бхагавад-гита”(4.14)да Парвардигор шундай дейди:

*На мам кармани лимпанти на ме карма-пхале сприха
Ити мам йо “бхиджанати кармабхир на са бадхйате*

Парвардигорни ҳеч қачон У Ўзининг турли кўринишларида ва шахсий қиёфаларида амалга оширган фаолиятининг оқибатлари ўзига қарам қилиб кўёлмайди. Кармали фаолият натижаларидан лаззатланишга интилиш истаги Парвардигор учун бегона. Парвардигор бутун бойликлар, бутун куч-қудрат, шоншухрат, гўзаллик, илм ва боғланмаслик соҳиби, шартланган руҳдан фарқли равишда У Ўз мақсадига эришиш учун жисмоний куч сарфлаши шарт эмас. Шунинг учун Парвардигорнинг илоҳий кароматларини шартланган руҳларнинг фаолиятдан ажрата оладиган соғлом фикрли кишини ҳам ўз фаолиятининг оқибатлари бу дунёга боғлаб қўёлмайди. Маъбуд Браҳма, Шива ва Вишну қиёфасида Парвардигор моддий табиатнинг уч гунасини бошқариб туради. Вишну маъбуд Браҳмани дунёга келтиради, маъбуд Браҳма эса – Шивани

яратади. Баъзан маъбуд Браҳма лавозимини Вишнунинг ажралган зарраси, баъзан эса – Вишнунинг Ўзи эгаллайди. Маъбуд Браҳма ҳар хил ҳаёт турларини яратади, улар билан бутун клинотни тўлдиради – Парвардигор шу тарзда - баъзан Ўзи, баъзан Ўзининг вакиллари орқали - бутун моддий оламни яратади.

Текст 37-40

Эй шох, билиб қўйки, Парвардигор барча тирик мавжудотларни уларнинг аввалги ҳаётида қилган ишларига мос равишда дунёга келтиради. Бу маъбуд Браҳма ва унинг ўғилларига(Дакша ва бошқалар) ҳам, инсониятнинг мунтазам равишда ўзгариб турадиган бобокалонлари(Ваивасвата Ману ва бошқалар)га ҳам, фаришталар(Индра, Чандра, Варуна ва бошқалар)га ҳам, Бхригу, Вйаса ва Васиштва сингари буюк донишмандларга ҳам, Питрилока ва Сиддхалока аҳолисига ҳам, чаранларга, гандхарваларга, видйадхараларга, асурларга, йакшаларга, киннар ва париларга, илонларга, маймунсимон кимпурушаларга, одамларга, Митралока аҳолисига, иблисларга, арвоҳларга, ақлдан озганларга, ёвуз руҳларга, жинларга, шарофатли ва касофатли юлдузларга, алвастиларга, ёввойи ҳайвонларга, қушларга, уй ҳайвонларига, судралиб юрувчиларга, тоғларга, қўзғалувчан ва қўзғалмас тирик мавжудотларга, тухумдан, тердан, уруғликдан ва ўсмадан бунёд бўладиган мавжудотларга ва сувда, қуруқликда ва осмонда яшайдиган, бахтли ва бахтсиз, бахт ва мусибат аралаш ҳолатдаги барча мавжудотларга тааллуқли.

Изоҳ: Бу ерда ҳар хил ҳаёт турларига мансуб бўлган, бу коинотнинг энг қуйи сайёрасидан то энг олий сайёрасигача барча сайёраларида яшайдиган турли тирик мавжудотлар санаб ўтилган, уларнинг ҳаммасини ҳар нарсага қодир бўлган ягона Ота, Парвардигор Вишну яратиб қўйган. Демак, бутун коинотда Худонинг Олий Шахсидан мустақил бўлган бирор зот мавжуд эмас. Шунинг учун “Бхагавад-гита”(14.4)да Парвардигор айтадики, барча тирик мавжудотлар Унинг зурёдлари ҳисобланади:

*Сарва-йонишу каунтейа муртайах самбхаванти йах
Тасам браҳма махад йонир ахам биджа-прадаҳ нита*
Моддий табиат онага ўхшайди. Гарчи ҳар бир тирик мавжудот онасининг қорнидан дунёга келса ҳам, барибир она фаарзанднинг дунёга келишига бирламчи сабаб бўлолмайди. Унинг дунёга келишига бирламчи сабаб – унинг отаси. Бирор она ўзи мустақил ҳолда, оталик уруғисиз фарзанд туғишга қодир эмас. Демак, сонсаноксиз коинотларда яшайдиган, ҳаётнинг турли шаклларига мансуб бўлган ва ҳар хил

ҳолатларда бўлган тирик мавжудотларнинг ҳаммаси ҳар нарсага қодир Отанинг, Худо Шахсининг уруғлигидан дунёга келади, фақат ғофил одамлар уларни моддий табиат яратга деб ҳисоблашлари мумкин. Парвардигорнинг моддий қуввати ҳукми остидаги, маъбуд Браҳмадан то арзимас чумолигача бўлган барча тирик мавжудотлар уларга моддий табиат уларнинг аввалги қилган ишларига мос равишда ато этган ҳар хил таналарда дунёга келадилар.

Моддий табиат Парвардигорнинг қувватларидан бири (“Бхагавад-гита”.7.4).. У олий табиатга мансуб бўлган тирик мавжудотлардан паст турадилар. Коинотда мавжуд бўлган нарсаларнинг ҳаммаси Парвардигорнинг олий ва куйи қувватларининг бирикмасидир.

Нисбатан яхшироқ шароитда бўлган баъзи тирик мавжудотлар бахтли яшайдилар, бошқа тирик мавжудотлар эса фақат мусибатларга дучор бўладилар. Аслини олганда, моддий оламда тирикчилик қилиб юрган зотлар ичида ҳақиқий бахтиёр зотлар йўқ. Гарчи баъзи бир маҳбуслар бошқаларга караганда яхшироқ шароитда бўлса ҳам, қамоқхонада бахтли одам бўлмайди. Фаросатли киши қамоқxonанинг ёмон камерасидан яхшироқ камерасига ўтиш учун эмас, балки қамоқxonадан бутунлай озодликка чиқиш учун ҳаракат қилиши лозим. Маҳбус қамоқxonанинг шароити яхши жойига ўтиб олиши мумкин, лекин кейин қолган вақтини у барибир яна даҳшатли шароитларда ўтказишга мажбур бўлади. Биз қамоқxonадан чиқиш ва ўзимизнинг уйимизга, Худонинг даргоҳига қайтиб кетиш учун бор кучимизни ишга солишимиз лозим. Барча тирик мавжудотларнинг яшашдан асосий мақсади айнан мана шундан иборат.

Текст 42

Баъзи бир яратилган мавжудотлар (фаришталар, одамлар ва дўзахда яшайдиганлар) моддий табиатнинг турли гуналари таъсири остида бўладилар: эзгулик гунаси, эхтирос гунаси ва ғафлат гунаси. Лекин, эй шоҳ, бу гуналарнинг ҳар бири бошқа икки гуна билан аралашиб, учга бўлинади, шунинг учун барча тирик мавжудотлар уч гунанинг аралаш таъсири остида ўзларининг феъл-атворини шакллантирадилар.

Изоҳ: Ҳар бир тирик мавжудот моддий табиатнинг маълум бир гунаси таъсири остида бўлади, лекин айна пайтда бу дунёда ҳеч ким бошқа икки гуна таъсирдан ишончли ҳимояланган эмас. Моддий олам зиндонида юрган шартланган руҳлар асосан эхтирос гунасининг таъсири остида бўладилар, чунки уларнинг ҳаммаси ўзларининг истакларини амалга ошириш учун моддий табиат устидан ҳукмронлик қилишга

интиладилар. Лекин, эхтирос гунасининг устивор таъсир қилишига қарамай, кимлар билан бирга, ҳамсуҳбат бўлиб юрганига қараб, инсон ҳамиша бошқа гуналар таъсири остига тушиб қолиши мумкин. Шарофатли одамлар даврасида юриш инсонда эзгулик гунасининг ривожланишига ёрдам беради, ёмон одамлар орасида юриш эса, унда зулмат гунасининг, яъни ғофиллик гунасининг сифатлари ривожланишига олиб келади. Бу дунёда ҳеч нарса қотиб қолган эмас. Яхши ёки ёмон одамлар билан бирга бўлиш бизларнинг хулқ-атворимизни бутунлай ўзгартириб юбориши мумкин, шунинг учун инсон яхши билан ёмонни ажрата билиш учун етарлича чуқур тафаккурга эга бўлиши лозим. Бирга бўлишнинг энг яхши тури Худонинг содиқларига хизмат қилиш ҳисобланади. Ана шундай фқаолият жараёнида Парвардигорнинг асл содиқлари марҳамати билан инсон баркамоллик чўққисига эриша олади. Биз кўрдикки, Шрила Нарада Муни фақат Парвардигорнинг асл содиқлари билан ҳамсуҳбат бўлгани туфайли Худонинг буюк содиқ хизматкори бўлиб етишди. У оддий бир чўрининг ўғли эди, у ўзининг отасини умуман танимасди, ҳатто энг оддий маълумотга ҳам эга эмасди. Лекин, Парвардигорнинг асл содиқлари билан ҳамсуҳбат бўлиш ва улардан қолган овқат қолдиқларини татиш имкони бўлгани учун, у ўзининг қалбида аста-секин Худонинг содиқларига хос бўлган илоҳий сифатларни ривожлантирди. Худонинг асл содиқ хизматкорлари билан бирга бўлиш жараёнида унда Парвардигорни олқишлашга ва Унинг илоҳий улғуворлиги ҳақидаги ҳикояларни тинглашга ихлос пайдо бўлди, Парвардигорнинг шон-шухрати Унинг Ўзидан фарқ қилмагани туфайли Нарада Муни бевосита Парвардигорнинг Ўзи билан Унинг товуш қиёфасида алоқа ўрнатган эди. Бунга яна бир мисол – Аджамила. Унинг тарихи “Шримад Бхагаватам”нинг Олтинчи қўшиғида ҳикоя қилинган. У браҳманнинг ўғли эди, яхши таълим-тарбия олган ва браҳманларнинг вазифасини қандай бажаришни яхши биларди, лекин, у фоҳиша аёл билан кўшилганида, буларнинг ҳаммаси уни чандала, энг паст одамлар қаторига тушиб қолишдан сақлаб қололмади. Шунинг учун “Шримад Бхагаватам” такрор ва такрор бизларни ҳамиша буюк зот(махатма) билан ҳамсуҳбат бўлишга чакиради, чунки ана шундай суҳбатлар инсон олдида озодликка чиқиш эшикларини очиб беради. Моддий табиат устидан ҳукмронлик қилишга интилиб юрган кишилар билан ҳамсуҳбат бўлиш эса, руҳни дўзахнинг энг қоронғу жойларига олиб боради. Инсон буюк зотлар билан ҳамсуҳбат бўлиб руҳий юксалишга эришиш учун бор кучини ишга солиши лозим. Руҳий баркамолликка олиб борадиган йўл шундай.

Текст 42

Коинотни яратиб, Худо Шахси унинг мавжудлигини таъминлашни Ўз зиммасига олади ва инсон танасидаги шартланган рухларни, рухий юксалишнинг қуйи поғонасидаги тирик мавжудотларни ва фаришталарни Ўз олдига чақириш учун у жойга Ўзининг намоён бўлган қиёфаларида келади.

Изоҳ: Худонинг Олий Шахси, Вишну ҳар хил турдаги тирик мавжудотларни алданиш чангалидан халос этиш учун уларнинг орасида намоён бўлади. Парвардигорнинг бу фаолияти фақат инсонлар жамияти билан чекланиб қолмайди. У балиқ қиёфасида, тўнғиз қиёфасида, дарахт қиёфасида ва бошқа кўплаб қиёфаларда намоён бўлади, лекин Парвардигор ҳақидаги илмдан маҳрум бўлган калтафаҳм одамлар, ҳатто У инсон қиёфасида келганда ҳам, Унинг устидан куладилар. Шунинг учун "Бхагавад-гита"(9.11)да Парвардигор шундай дейди:

*Аваджананти мам мудха манушим танум ашритам
Парам бхавам аджананто мама бхута-махешварам*
Авалги шеърларда тушунтирилган эдики, Парвардигор моддий табиат яратган мавжудот эмас. Унинг илоҳий ҳолати ҳамиша ўзгармас. У илм ва лаззатнинг мангу тимсолидир, У Ўзининг ҳар нарсага қодир амрини ҳар хил қувватлари ёрдамида амалга оширади. Шунинг учун ҳеч қачон Парвардигорнинг кўрсатган кароматларининг оқибатлари Унинг Ўзига таъсир қилмайди. У бу оламнинг барча сабаб ва оқибат қонуниятларига нисбатан илоҳий ҳолатда. Ҳатто Парвардигорнинг моддий оламга келадиган қиёфалари ҳам Унинг ички қувватининг намоён бўлган кўринишларидир, шу боис У ҳамиша дунёвий нуктаи-назарга асосланган яхши ва ёмон тушунчаларидан устун туради. Моддий оламда балиқ ва тўнғиз инсонга нисбатан паст даражадаги ҳайвонлар ҳисобланади, лекин, Парвардигор балиқ ёки тўнғиз қиёфасига кирганда, бу Парвардигор моддий нуктаи-назардан балиқ ёки тўнғизга айланди дегани эмас. У фақат Ўзининг бесабаб марҳамати билан тирик мавжудотларнинг ҳар бир туркуми ичида намоён бўлади, лекин, бу билан У ҳаётнинг ана шу турларига мансуб бўлиб қолади деб ўйламаслик керак. Моддий оламда мавжуд бўлган яхши ва ёмон, олий ва қуйи, муҳим ва арзимас деган тушунчалар моддий қувватга таалуқли. Парвардигор ана шундай тасаввурларнинг ҳаммасига нисбатан илоҳий ҳолатда. Парам бхавам, яъни, “илоҳий табиатли” ибораси ҳеч қачон Уни моддий оламдаги мавжудотлар билан бир қаторга қўйиш мумкин эмаслигини кўрсатади. Ҳамиша шуни эсда сақлаш лозимки, ҳар нарсага қодир Парвардигорнинг кудрати ўзгармас бўлиб, У қуйи турга

мансуб бирор ҳайвон қиёфасига киргани билан камайиб қолмайди. Парвардигор Шри Рама, Парвардигор Шри Кришна билан Унинг балиқ ёки тўнғиз қиёфасидаги кўриниши орасида ҳеч қандай фарқ йўқ. У ҳамма жойга сингиб кетган, айни пайтда, Ўзининг алоҳида қиёфасида оламнинг ҳамма жойида мавжуд. Парвардигорнинг парам бхавам эканини билмайдиган ғофил нодонлар қандай қилиб Парвардигор инсон ёки балиқ қиёфасига киришини ҳам тушуниб етишга қодир эмаслар. Булар ҳақида ўзининг тажрибасидан келиб чиққан ҳолда фикр юритадиган киши ҳам қудукда яшайдиган, денгиз ҳам ўзининг қудуғига ўхшаган жой деб ўйлайдиган қурбакага ўхшайди. Қудукда яшайдиган қурбака денгиз нима эканини ҳатто тасаввур ҳам қила олмайди, унга денгиз жуда катта сув ҳавзаси деб айтсалар, у денгиз ҳам унинг қудуғидан каттароқ сув ҳавзаси бўлса керак деб ўйлайди. Шунинг учун Парвардигор ҳақидаги илоҳий илмдан беҳабар бўлган киши Парвардигор Вишну қандай қилиб ҳар қандай тирик мавжудотлар орасида ҳам Ўзини бир хилда намоён эта олишини тушуна олиши жуда қийин.

Текст 43

Кейин, калпа охирида, Парвардигорнинг Ўзи Рудра, яксон қилувчи қиёфасида, булутларни тарқатиб юборадиган шамол сингари, оламини бутунлай яксон қилади.

Изоҳ: Мазкур шеърда моддий олам жуда ўринли равишда булутларга ўхшатирилган. Булутлар осмонда пайдо бўладилар, унда сузиб юрадилар, тарқалиб кетганда ҳам, барибир намоён бўлмаган ҳолда осмон ичида қолаверадилар. Худди шундай вақти келганда Худонинг Олий Шахси маъбуд Браҳма тимсолида моддий коинотни яратади, Унинг Ўзи Вишну қиёфасида унинг мавжудлигини таъминлаб туради, Ўзи Рудра(Шива) қиёфасида яксон қилади. Моддий коинотнинг яралиши, мавжуд бўлиб туриши ва яксон бўлиши "Бхагавад-гита"(8.19-20)да ажойиб таърифланган:

*Бхута-грамаҳ са эвайам бхутва бхутва пралийате
Ратра-агаме “ваиаҳ партха прабхаватй ахар-агаме
Парас тасмат ту бхаво “нйо “вйакто “авйактат
санатанаҳ*

Йаҳ са сарвешу бхутешу наийатсу на винаийати

Моддий олам шундай тузилганки, у аввалига мукамал равишда барпо этилади, кейин эволюцион равишда ривожланади, узоқ вақт мобайнида ўзгармасдан қолади, лекин, маълум вақт ўтгандан кейин, маъбуд Браҳманинг туни кириб келганида, у яна яксон бўлади. Маъбуд Браҳманинг туни охирига етганида эса, бу олам яна яратилади, унда ҳам ўша мавжудлик ва яксон бўлиш қонунлари амал қилади. Агар мана

шу ўткинчи оламни ўзининг мангу яшаш жойи деб рган калтафаҳм шартланган руҳнинг заррача ақли қолган бўлса, у моддий оламнинг яратилиш ва яксон қилиш сабабини тушуниб олишга ури-ниб кўриши лозим. Бу дунёда яшаётган ва кар-мали фаолият билан машғул бўлиб юрган одам-лар Парвардигор Ўзининг моддий вакили орқали уларга бериб қўйган куч-қувват ва моддий ун-сурлардан фойдаланиб, ғайритабиий шижоат билан катта корхоналарни, катта иморатларни, бахайбат империяларни, кўп тармокли саноат корхоналарини ва бошқа кўплаб катта нарсалар-ни яратадилар. Ана шу ресурслардан фойдала-ниб ва қимматбаҳо қувватини сарфлаб, шарт-ланган руҳ ўзининг барча талабларини кондириш учун бунёдкорлик фаолияти билан шуғулланади, аммо, кейинчалик у ўзи истамаган ҳолда ўзи яратган нарсалардан маҳрум бўлишга ва ҳаммасини қайталдан бошлаш учун ҳаётининг навбатдаги босқичига ўтишга мажбур бўлади. Бу ўткинчи моддий оламда ўзларининг куч-қувватини бекорга сарфлаб юрган аҳмоқ шартланган руҳларга озгина бўлса ҳам умид бахш этиш ниятида Парвардигор уларга бошқа, яратилмайдиган ва яксон бўлмайдиган мангу табиат мавжудлиги ҳақида илм ўргатади, шунда Худонинг марҳамати билан шартланган руҳ ни-ма иш қилиши ва ўзининг қимматбаҳо куч-қувватидан қандай фойдаланиш кераклигини тушуна олади. Ўзининг куч-қувватини вақти келиб олий Зот амри билан муқаррар яксон бўладиган бу моддий оламда бемаъни ишларга сарфлаб юргандан кўра, шартланган руҳ ундан Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлида фойдаланиши ва шу тариқа бошқа, на туғилиш, на ўлим, на яралиш, на яксон бўлиш бўлмаган, илм ва чексиз лаззатга тўла мангу ҳаёт ҳукм сурадиган мангу оламга ўтиши лозим. Шундай қилиб, вақтинчалик бу моддий олам ўткинчи нарсаларга боғланиб қолган шартланган руҳлар илм эгаллаши учун намоён бўлади ва емирилади. Бу моддий олам кармали фаолиятга ғарқ бўлган кишиларнинг ҳаммаси интилиб юргани-дек, шартланган руҳлар ўзларининг сезгилари-нинг талабларини кондиришлари учун эмас, балки шартланган руҳлар ўзларини англаб ети-ши учун яратилган.

Текст 44

Худонинг Олий Шахсининг кароматларини буюк илоҳиётчи зотлар шундай таърифлай-дилар, аммо асл содиқлар намоён бўлган мод-дий оламдан ташқарида ётган улуғвор илоҳий оламларни кўриш ҳуқуқига эга бўладилар.

Изоҳ: Парвардигор, Ўзининг хилма-хил қувватлари яратган моддий оламни яратиб ва яксон қилиш билан кифояланиб қолмайди. У

шунчаки бунёдкор ва яксон қилувчи Зот эмас, чунки У ананда, лаззатланиш қувватига ҳам эгс. Парвардигорнинг табиатининг ана шу жиҳатини фақат Унинг асл содиқлари англай оладилар. Имперсоналист Парвардигорнинг ҳамма жойни қамраб олган таъсирини англаб етиш билан қаноат ҳосил қилади. Бу Браҳманни англаб етиш деб аталади. Ҳар кимнинг қалбида Параматма киёфасида мавжуд бўлган Парвардигор кўрадиган сеҳргар йог имперсоналистдан устун туради. Лекин, улардан ташқари Парвардигор-нинг, Худога муҳаббат билан хизмат қилиб, Унинг лаззатланиш(ананда) қуввати билан бево-сита алоқада бўладиган асл содиқлари ҳам бор. Парвардигор Ўзининг даргоҳида, мангу Ваикунтха сайёраларида ҳаминиша Ўзининг мангу ҳамроҳлари даврасида бўлади ва Ўзининг турли илоҳий расаларда бўлган асл содиқларининг муҳаббат билан қилаётган илоҳий хизматлари-дан лаззатланиб юради. Шунинг учун токи мод-дий олам намоён бўлган ҳолда мавжуд бўлиб турар экан, асл содиқлар унда Худога садоқат билан хизмат қилишга ўрганадилар, ва шу тариқа ўзларини Парвардигорнинг салтанатига киришга тайёрлаб, моддий оламда ўтказадиган умрларидан тўлиқ манфаат кўрадилар. Бу "Бхагавад-гита"(18.55)да ҳам тасдиқланади:

*Бхактйа мам абхиджанати йаван йаши часми
таттватах*

*Тато мам таттвато джнатва вишате тад анан-
тарам*

Худога соф садоқат билан хизмат қилиш йўлидан бораётган кишилар Парвардигорнинг асл табиатини англаб етадилар, шуни англаб етгандан кейин эса, улар Худога хизмат қилишга киришадилар ва ҳар хил муносабатларда Пар-вардигор билан бевосита ҳамсуҳбат бўлиш ҳуқуқига эга бўладилар. Парвардигор билан ўзаро энг яқин ва улуғвор муносабатни Парвар-дигор Кришна гопилар ва Ўзининг сеvimли хайвонлари, сурабхи сигирлари даврасида лаз-затланиб юрадиган Голока Вриндавана сайёра-сида ўрнатиш мумкин. Кришнанинг илоҳий сал-танатининг таърифи Парвардигор Шри Чаи-танйя бу мавзудаги энг ишончли асар деб ҳисоблаган "Брахма самхита"да келтирилган.

Текст 45

Парвардигорнинг Ўзи моддий оламни яратиш билан ҳам, яксон қилиш билан ҳам шуғулланмайди. Ведаларда Унинг бевосита иштирок этиши ҳақида гап борганида, бу фақат “оламни моддий табиат яратади” деган тасаввурни инкор этиш учун қилинади.

Изоҳ: Моддий оламнинг яралиши, мавжуд бўлиб туриши ва яксон бўлиши ҳақида Ведаларда шун-дай дейилган: йато ва имани бхутани джайанте

йена джатани дживанти йат прайантй абхисам-вишанти –мана шу бутун оламни Брахман яра-тади, мавжудлигини Брахман таъминлаб туради, яксон бўлгандан кейин у яна Брахманга ғарқ бўлади. Брахман, Параматма ва Бхагаван ҳақида ҳеч нарса билмайдиган ғофил дунёвий одамлар моддий олам яралишининг сабабчиси моддий табиат деб ҳисоблайдилар. Ҳозирги, моддий оламдаги барча нарсаларнинг сабабчиси моддий табиат деб биладиган замонавий олимлар ҳам шундай тасаввурдалар. Моддий олам ҳақидаги ана шундай тасаввурларнинг ҳаммаси ведавий муқаддас китобларнинг барчасида инкор этилади. Веданта фалсафаси таъкидлайдики. Оламнинг пайдо бўлиши, мавжудлиги ва яксон бўлишининг бирламчи сабабчиси – Брахман, “Веданта” фалсафасининг табиий изоҳи бўлган “Шримад Бхагаватам”да эса, шундай дейилган: джанмадй асйа йато “нвайад итараташ чартхешв адхиджнах сварат ва ҳоказо.

Албатта, ўлик моддий қувват ўзаро ҳаракат қилиш қобилиятига эга, лекин у бирламчи фаол бошловчи сифатида ҳаракат қила олмайди. Шунинг учун джанмадй асйа йатах афоризмини изоҳлар экан, “Шримад Бхагаватам”нинг муаллифи абхиджнах ва сварат ибораларини ишлатади. Бошқача қилиб айтганда, “Шримад Бхагаватам” тасдиқлайдики, Олий Брахман – ўлик модда эмас, балки, мутлақ мустақилликка эга бўлган олий онг. Шундай қилиб, ўлик модда моддий олам яралиши, мавжуд бўлиб туриши ва яксон бўлишининг бошланғич сабабчиси бўла олмайди. Юзаки таҳлил қилинганда моддий оламнинг яралиш, мавжудлик ва яксон бўлишининг сабабчиси моддий табиат бўлиб кўриниши мумкин, лекин аслини олганда моддий табиатни олий онгли Зот, Худо Шахси ҳаракатга келтиради ва яратишга ундайди. Айнан ўша Парвардигор моддий оламдаги яратиш, мавжудлик ва яксон бўлиш жараёнларининг барчасини ҳаракатга келтириб турган куч ҳисобланади. Бу “Бхагавад-гита”(9.10)да тасдиқланади:

Майадхйакшена пракритих суйате са-чарачарам Хетунанена каунтейа джагад випаривартате

Моддий табиат Парвардигорнинг қувватларидан бири бўлиб, Унинг назорати остида ҳаракат қилади(адхйакшена). худди она фақат ота билан яқинлашгандан кейин ҳомиладор бўлгани сингари, моддий табиат фақат Парвардигор унга Ўзининг илоҳий назарини ташлагандан кейин ҳаракатга келади. Калтафаҳм одамга фарзанд она корнидан ўзидан ўзи дунёга келадигандай бўлиб туюлиши мумкин, лекин, ҳаёт тажрибасига эга бўлган киши билдики, фарзанда ота ҳаёт бағишлайди. Шундай қилиб, моддий табиат моддий оламдаги барча кўзгалувчан ва кўзғалмас мавжудотларни

ўзидан ўзи эмас, балки фақат уларни олий ота уруғлантиргандан кейин бунёд этади. Оламнинг яралиш, мавжудлик ва емирилишининг сабабчиси моддий табиат деган ғояни “эчкининг бўйнидаги эмчак ғояси” деб атайдилар(аджа-гала-стананйайа). “Чаитанйа чаритамрита” да Шрила Кришнада Кавираджа Госвами бу ғояни шундай таърифлайди: “Ашёвий сабаб вазифасини бажарадиган моддий табиат прадхана деб аталади. Ҳаракат қилувчи сабаб вазифасини бажарадиган моддий табиат эса майа деб аталади, лекин у олам яралишининг бирламчи сабабчиси эмас”. Кавираджа Госвами шундай дейди:

*атаэва кришна мула-джагат-карана|
аракрити-карана йаичхе аджа-гала-
стана.("Чаитанйа чаритамрита".Ади.5.61)*

Каранарнаваший Вишну Кришнанинг тўлиқ экспансияси бўлгани учун, моддани қувватлантирадиган ҳам, уни ҳаракатга келтирадиган ҳам Унинг Ўзи ҳисобланади. Бу ерда қувватлантириш мисоли жуда аниқ кўрсатилган. Темир парчаси албатта олов эмас, лекин у то қизаргунча қиздирилса, худди оловдай куйдирадиган бўлади. Моддани темир парчасига ўхшатадилар, Вишну унга Ўз нигоҳини ташлаганида, яъни, модда Унинг олий онгининг таъсир доирасига тушиб қолганида, ундан қувват олади, яъни қизаргунча қизийди. Фақат ана шундай қувватланиш сабабли модданинг қуввати ҳар хил ҳаракат ва унинг оқибатлари кўринишида намоён бўла бошлайди. Шундай қилиб, аслини олганда ўлик модда олам яралишининг на ашёвий, на ҳаракатга келтирувчи сабабчиси бўлолмайди. Шри Капиладева айтганидек:

*Йатхолмукад виспхулингад дхумад вапи сва-
самбхават*

*Апй атматвенабхиматад йатхагних притхаг улму-
кат*

(“Шримад Бхагаватам” 3.28.40)

Оловнинг ўзи, унинг ёлини, учқуни ва тутун ҳаммаси бир, чунки учқунни, ёлинни ва тутунни олов юзага келтиради, лекин барибир олов алангадан, аланга - учқундан, учқун – тутундан фарқ қилади. Алангада ҳам, учқунларда ҳам, тутунда ҳам олов иштирок этади, лекин барибир, бир бирига нисбатан улар турли ҳолатда бўладилар. Намоён бўлган космик оламни тутунга ўхшатадилар, чунки тутн осмонга кўтарилганда ҳар хил ғаройиб, бу моддий оламнинг таниш ва нотаниш шакллари эслатадиган турли шаклларга киради. Учқунларни тирик мавжудотларга ўхшатадилар, алангани эса – моддий табиат(прадхана)га киёслайдилар. Лекин шуни тушуниб олиш лозимки, тутун ҳам, учқунлар ҳам, аланга ҳам ўзлари пайдо бўлган оловнинг сифатларига эга бўлгани учунгина ҳаракат қилиш хусусиятига эга. Шундай қилиб, моддий табиат

ҳам, космик олам ҳам, тирик мавжудотлар ҳам – Парвардигорнинг ҳар хил қувватларидан бошқа нарса эмас. Шунинг учун моддий олам яралишининг бирламчи сабабчис моддий табиат деб ҳисоблайдиган кишилар қаттиқ адашадилар. Моддий табиат Парвардигордан ажралган ҳолда мустақил мавжуд эмас. Шундай қилиб, барча сабабларнинг бошланғич сабабчиси бўлган Парвардигорни ҳисобга олмаслик – аджа-гала-стананайа ғоясини қўллаш, яъни эчкининг бўйнидаги эмчакдан сут соғиб олишга уриниш демакдир. Эчкининг бўйнидаги ўсмалар эмчакка ўхшайди, лекин улардан сут соғиб олишга уринадиган киши бошқаларга кулги бўлиб қолади.

Текст 46

Бу ерда қисқача таърифланган оламнинг яралиш ва емирилиш жараёни маъбуд Браҳманинг бир куни давомида ҳаракат қиладиган қонундир. Моддий қувват ҳаракат қиладиган маҳат олами ҳам шу қонунга бўйсунди.

Изоҳ: Олам яралишининг уч тури мавжуд: маха-калпа, викалпа ва калпа. Маха-калпада Парвардигор пурушанинг биринчи қиёфасига - Каранадокашайи Вишну қиёфасига киради, унда бутун маҳат-таттва қуввати ҳамда яратувчи модданинг ўн олти унсури ва воситалари мужассам бўлган. Оламни яратиш воситалари ўн битта, модданинг таркибий қисмлари эса бешта, уларнинг ҳаммасини маҳат – моддий эго яратади. Парвардигор Каранадокашайи Вишнунинг ана шу унсуларни яратиш жараёни маха-калпа деб аталади. Маъбуд Браҳмани яратиш ва оламнинг таркибий моддаларини тарқатиб юбориш викалпа деб аталади, маъбуд Браҳманинг ҳар бир куни давомида олиб берадиган бунёдкорлик фаолияти эса калпа деб аталади. Шунинг учун маъбуд Браҳманинг ҳар бир куни ҳам калпа деб аталади. Ҳаммаси бўлиб, маъбуд Браҳманинг бир ойи ичидаги кунларига мос равишда ўттиз турли калпалар мавжуд. Бу "Бхагавад-гита"(8.17)да тасдиқланади:

*Сахасра-йуга-парйантам ахар йад брахmano видух
Ратим йуга-сахасрантам те “хо-ратра-видо
джанах.*

Коинотнинг олий сайёраларида бир сутка ер ҳисоби бўйича бир йил давом этади. Буни ҳатто замонавий олимлар ҳам тан оладилар ва космонавтлар ҳам тасдиқлайдилар. Юқорироқ жойлашган сайёралар тизимида сутка яна ҳам узокроқ давом этади. Тўрт йугадан иборат цикл жаннатий сайёралар календари бўйича ҳисобланади ва шу сайёралардаги ўн икки минг йилга тенг. Ана шу цикл дивйа-йуга деб аталади. Минг дивйа-йуга маъбуд Браҳманинг бир кунини ташкил этади. Маъбуд Браҳманинг бир куни

давомида амалга ошадиган яралиш жараёни калпа деб аталади, маъбуд Браҳманинг Ўзини яратиш эса – викалпа деб аталади. Викалпа учун шароит яратиб берадиган Маха-Вишнунинг нафас олиши эса маха-калпа деб аталади. Маха-калпа, викалпа ва калпалар маълум бир кетма-кетлик асосида алмашиб турадилар. Махараж Парикшитнинг бу борадаги саволига Шукадева Госвамнинг берган жавоби “Сканда-пурана”нинг Прабхаса-кхандада келтирилади:

Пратхамаҳ швета-калташ ча двитийо нила-лохитах
Қуйида маъбуд Браҳманинг ўттиз калпасининг номлари келтирилган: 1) Швета-калпа, 2) Нила-лохита, 3) Вамадева, 4) Гатхантара, 5) Раурава, 6) Прана, 7) Брихат-калпа, 8) Кандарпа, 9) Садйотха, 10) Ишана, 11) Дхйана, 12) Сарасвата, 13) Удана, 14) Гаруда, 15) Каурма, 16) Нарасимха, 17) Самадхи, 18) Агнейа, 19) Вишнуджа, 20) Саура, 21) Сома-калпа, 20) Бхавана, 23) Супума, 24) Ваикунтха, 25) Арчиша, 26) Вали-калпа, 27) Ваираджа, 28) Гаури-калпа, 29) МАхешвара, 30) Паитри-калпа.

Бу ерда фақат маъбуд Браҳманинг кунлари санаб ўтилди, у эса ойлар, йиллар давомида умр кўриб юз йил яшайди, шундай экан, коинот фақат калпаларнинг ўзида неча марта такрор яратилишини тасаввур қилиш мумкин. Бундан ташқари, маъбуд Браҳманинг "Браҳма самхита" асарида айtilган Маха-Вишнунинг нафас олиши билан юзага келадиган викалпалар бор. Браҳмалар фақат Вишнунинг бир марта нафас олиши давомида яшайдилар. Шундай қилиб, Вишнунинг нафас олиши ва нафас чиқариши – маха-калпа, бутун борлиқнинг бошланғич сабабчиси эса Худонинг Олий Шахсидир, чунки фақат Унинг Ўзи - бутун борлиқнинг ягона эгаси.

Текст 47

Эй шох, вақти келганда мен сенга вақт қўпол ва нафис кўринишларда қандай ўлчаниши ва уларнинг бир биридан фарқлари ҳақида гапириб бераман, ҳозир эса, Падма-калпани таърифлаб беришга ижозат бер.

Изоҳ: Маъбуд Браҳманинг ҳозирги калпаси Вараха-калпа ёки Шветашватара-калпа деб аталади, чунки калпа бошида, Вишнунинг қорнидан ўсиб чиққан нилуфар гулида дунёга келган маъбуд Браҳма коинотни қайтадан яратаётганида Парвардигор Вараха қиёфасида намоён бўлган. Шунинг учун Вараха-калпани Падма-калпа деб ҳам атайдилар, буни "Шримад Бхагаватам"га биринчи бўлиб изоҳ ёзган Шридхара свамининг фикрини маъқуллаб, Жива Госвами ва Шрила Вишванатха Чакраварти Тхакур сингари ачарйалар ҳам тасдиқлайдилар. Шундай қилиб, маъбуд Браҳманинг ҳозирги калпасининг

Вараха-калпа ва Падма-калпа кўринишида турлича аталиши зиддият эмас.

Текст 48

Сута Госвамининг оламнинг яралиши ҳақидаги ҳикоясини тинглаб туриб, Шаунака Риши ундан Видура ҳақида сўради, чунки Сута Госвами аввалроқ унга Видура ўзининг ажралиш жуда қийин бўлган барча қариндошларини тарк этиб, уйдан кетиб қолганини айтиб ўтган эди.

Изоҳ: Шаунака бошлиқ Ришилар муқаддас зиёратгоҳларни айланиб юриб, Маитрейя Риши билан учрашган Видура ҳақида тинглашни истаётган эдилар.

Текст 49-50

Шаунака Риши деди: Марҳамат қилиб гапириб берчи, Видура билан Маитрейя илоҳий мавзулар ҳақида суҳбатлашиб, қандай масалаларни муҳокама қилдилар. Видура нималар ҳақида савол берди, унга Маитрейя нима деб жавоб берди? Шунингдек, Видура ўз оиласининг аъзолари билан бўлган алоқаларини узишига нима сабаб бўлгани ҳақида, нимага у яна уйига қайтиб келгани ҳақида гапириб бер. Бизларга Видуранинг муқаддас зиёратгоҳларда нималар қилгани ҳақида ҳам гапириб бер.

Изоҳ: Шри Сута Госвами моддий оламнинг яралиши ва емирилиши ҳақида гапириб берди, лекин мазкур шеърдан маълум бўладики, Шаунака бошлиқ Ришилар ундан илоҳий мавзулар ҳақида, яъни, моддий мавдуликдан кўра улуғворроқ мавзулар ҳақида тинглашни истаяптилар. Ҳамма одамларни икки тоифага ажратиш мумкин, - кўпол жисмоний танага ва моддий оламга қаттиқ боғланиб қолган кишилар ва руҳий юксалишнинг юқорироқ поғонасига кўтарилган, ва шу боис илоҳий илм билан қизикадиган кишилар. Улар ҳам, булар ҳам, яъни дунёвий одамлар ҳам, илоҳиётчи кишилар ҳам, "Шримад Бхагаватам" саҳифаларидан ўзлари учун жуда кўп фойдали маслаҳатлар олиши мумкин. Парвардигорнинг моддий оламдаги шавкатли кароматлари ҳақидаги ҳикояларни тинглайдиган кишилар ҳам "Шримад Бхагаватам"дан худди Парвардигорнинг илоҳий оламдаги фаолияти ҳақидаги ҳикояларни тинглаган зотлар билан тенг манфат кўрадилар. Дунёвий одамларни табиат қонунлари ва уларнинг ҳаракат қилиш механизми кўпроқ қизиктиради. Ҳар хил табиат ҳодисалари улар учун мўжиза бўлиб туюлади, ана шундай мўжизалардан ҳайратга тушиб. Баъзан улар Парвардигорнинг улуғворлигини эсан чикариб қўядилар. Улар тушуниб олишла-

ри лозимки. Ана шу мўжизаларни кўрсатаётган моддий қувватни Парвардигор ҳаракатга келтиради. Боғда ўсиб турган атиргул, гарчи кимгадир шундай бўлиб туюлса ҳам, шунчаки моддий табиатнинг қонунларига бўйсунгани учунгина аста-секин ўзига хос бўлган шаклга кириб, шундай ажойиб ҳолга келиб қолмайди.

Моддий табиатнинг ана шу қонунлари ортида Парвардигорнинг мукамал онги туради – акс ҳолда шакллар оламида бундай мукамал ҳамоханглик ва тартиб ҳукмрон бўлмасди. Рассом қоғозга қанчалик ихлос билан атиргул тасвирини ясамасин, у ясаган атиргул гўзалликда ҳақиқий атиргул билан беллаша олмайди. Шундай экан, ҳақиқий атиргулнинг гўзаллиги онг иштирок этмаган ҳолда, ўзидан ўзи тасодифан юзага келди деб ҳисоблашга асос борми? Фақат ғофил одамгина ана шундай хулосага келиши мумкин. Коинотнинг юқорида таърифланган яралиш ва емирилиш жараёнидан кўриниб турибдики. Бу моддий оламнинг ҳамма жойига сингиб кетган олий онг ҳамма нарсани энг мукамал кўринишда амалга оширади. Парвардигорнинг ҳамма жойда мавжудлиги ана шунда намоён бўлади. Лекин, шундай одамлар ҳам борки, гарчи ўзларини илоҳиёт кишилари деб ҳисобласалар ҳам, аслида ўзлари ҳатто ғофил дунёвий одамлардан ҳам нодонроқ. Улар айтадиларки, улар ҳам ҳамма жойга сингиб кетган олий онгга эга, лекин ўзлари буни исботлашга қодир эмаслар. Ана шундай калтафаҳм одамлар ўзлари девор ортида нималар содир бўлаётганини ҳам билолмайдилару, шунга қарамай, ўзларини космик онг, Худо Шахсиники сингари ҳамма жойга синигб кетган онг соҳиби деб биладилар. "Шримад Бхагаватам"ни тинглаш улар учун ҳам жуда фойдали бўларди. Улар "Шримад Бхагаватам"дан билиб олардиларки, олий онгга ҳақиқатан ҳам эга бўлиш учун шунчаки унга эгаликни даъво қилишнинг ўзи етарли эмас. Олий онг соҳиби эканини даъво қилаётган киши буни мана шу жисмоний оламда исботлаб бериши лозим. Лекин Наимишаранядаги ришилар ғофил дунёвий одамлардан ҳам, сохта илоҳиётчилардан ҳам устун турадилар, шунинг учун уларни фақат илоҳий нарсалар қизиктирарди, шу боис улар ишончли зотдан шу мавзуда ҳақида тинглашга шошилардилар.

Текст 51

Шри Сута Госвами деди: Энди мен сизларга шоҳ Парикшитнинг саволларига жавоб бера туриб, буюк донишманд нималар дегани ҳақида гапириб бераман. Илтимос, унинг барча жавобларини диққат билан тингланглар.

Изоҳ: Ҳар қандай саволга ишончли зотларнинг гапларини мисол келтириб жавоб бериш мумкин, соғлом фикрли кишилар учун шунинг ўзи етарли бўлади. Ана шундай усулдан ҳатто суд жараёнида ҳам фойдаланадилар. Тажрибали адвокат ўзининг гапларини аввалги суд қарорлари билан тасдиқлайди ва бу билан кўплаб кераксиз ташвишлардан халос бўлади. Ана шу тизим парампара деб аталади, ҳақиқий ишончли зотлар муқаддас китобларни ўзларича талқин қилмасдан ана шу йўлдан борадилар.

Ишвараҳ парамаҳ кришнаҳ сач-чид-ананда-виграхах

Анадир адир говиндах сарва-карана-каранам

Шундай экан, қудратли қўллари ҳар бир нарсада кўриниб турган Парвардигор олдида сажда қилайлик.

*“Шримад Бхагаватам”нинг Иккинчи қўшиқ,
““Шримад Бхагаватам” барча саволларга жа-
воб беради” деб аталадиган ўнинчи бобига
Бхактиведантанинг изоҳлари шундай яқунлана-
ди.*

Иккинчи қўшиқ тамом